



Қуръони карим маъноларининг ўзбекча баёни



موسوعة القرآن الكريم
QuranEnc.com



Қуръони карим маъноларининг ўзбекча баёни

“Рувводут-таржама”
маркази таржимаси



٢) ءمعة ءءمة المءءوى الإءلامى باللغات، ١٤٤٥هـ

ءمعة ءءمة المءءوى الإءلامى باللغات

بىان معانى القرآن - أوزبكى - (بدون نص عربى). / ءمعة

ءءمة المءءوى الإءلامى باللغات - ط ١.. - الرىاض، ١٤٤٥هـ

٦٧٤ ص ؛ .. سم

رقم الإىءاع : ٣٥٩٢ / ١٤٤٥

رءمك : ٦-١٧-٨٤١٢-٦٠٣-٩٧٨

الطبعة الأولى

١٤٤٥ هـ

للتءق من التءءثات



2023-10-31 V1.0.4

للتواصل : info@quranenc.com

نءو ءوفىر ءفاسىر وءراءم مؤءوءة لىمعانى القرآن الكرىم بلغات العالم



المءءوى الإءلامى



ءمعة الربوة

Муқаддима

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман)

Қуръони Карим - Бутун оламлар Раббиси ва Яратувчиси бўлган Зотнинг каломидир. У инсонларни бу дунёга келишидан бўлган мақсадни баён қилиш, дунё ҳамда охират бахтига йўллаш ва ўлгандан кейин абадий бахтсизликдан халос қилиш учун туширилган. У ўзидан олдинги китобларни тасдиқлаб ва улардаги ҳукмларни насх қилувчи бўлиб нозил қилинган илоҳий китобларнинг сўнггисидир.

Қуръони Карим абадий оят ва мўъжизадир. У Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақиқий пайғамбар эканларига далилдир. Аллоҳ таоло инсон ва жинларни шу каби китоб ёки ҳеч бўлмаса битта сурасидай сура олиб келишларига чақирди, лекин улар у сингари бирорта сура олиб келишдан ожиз қолдилар.

Уни бузишга ва ўзгартиришга бир минг тўрт юз йилдан бери ҳеч кимнинг кучи етмади. У қандай нозил бўлса, шундай араб тилида абадий қолажак. Чунки Аллоҳ Қуръони Каримни қиёматга қадар асл ҳолида қолишини Ўз кафиллигига олгандир.

Қуръони Карим - ислом динининг асосий ўзаги ва инсон ҳаётини ҳар бир замон ва маконда тартибга соладиган, бошқарадиган дастурдир. У инсонни ягона яратувчиси бўлган Аллоҳга ибодат қилишга чақиради. Яратувчиси ва динини таниш учун инсон нимага муҳтож бўлса, шуни баён қилади. Бўлиб ўтган ва бўлажак ғайб ишларни, пайғамбарлар қиссаларини, қандай қилиб уларнинг душманларини Аллоҳ ҳалок қилганини ҳамда мўъминларга қандай нусрат бергани ҳақида хабар беради. Унда ибодатларнинг, муомалаларнинг усуллари, чиройли хулқларга тарғиб ва ёмон одатлардан огоҳлантириш бор. Шу билан бирга

унда инсонларнинг борар жойи, агар мўмин бўлса, жаннатга, кофир ва мушрик бўлса, дўзахга боришининг баёни ҳам мавжуд.

Ҳурматли, ўқувчи! Аллоҳ таоло араб тилида нозил қилган ва уни инсониятга етказишни буюрган бу буюк китоб муҳимлиги туфайли унинг маъноларини ўз тилингиздаги таржимасини тақдим этишдан бағоят мамнунмиз. Аллоҳнинг оятлари сизга ҳам етиши ва уни осон тушунишингиз учун бир қанча гуруҳларимиз унинг маъноларини таржима қилишга бор кучларини сарфладилар. Лекин шунга қарамай, биз қанчалик яхши таржима қилишга ҳаракат қилмайлик, бу улуғ китобнинг маъноларини тўлиғича мўъжизавий равишда сизга етказа олмаслигимизни аниқ биламиз. Шунинг учун Қуръони Каримнинг ҳақиқатини билмоқчи ва унинг нақадар мўъжизакор эканини ҳис этмоқчи бўлган одамга араб тилини ўрганишни тавсия қиламиз.

Ва сўзимиз сўнгида пайғамбарларга салом ва салавотлар ҳамда оламлар Раббисига ҳамд айтамиз.

Қуръони Карим энциклопедияси.

www.quranenc.com

Саҳифамизнинг ҳар бир оят олдидаги мулоҳазалар тугмачаси орқали таржимани ривожлантириш учун юборилган мулоҳаза ва таклифларингиз бизни мамнун қилади.

(www.quranenc.com)

Агар биз билан боғланмоқчи бўлсангиз қуйидаги электрон почтага ёзинг:

info@quranenc.com



Мундарижа



<u>Фотиҳа сураси</u>	1
<u>Бақара сураси</u>	2
<u>Оли Имрон сураси</u>	62
<u>Нисо сураси</u>	98
<u>Моида сураси</u>	135
<u>Анъом сураси</u>	163
<u>Аъроф сураси</u>	195
<u>Анфол сураси</u>	231
<u>Тавба сураси</u>	244
<u>Юнус сураси</u>	269
<u>Худ сураси</u>	287
<u>Юсуф сураси</u>	307
<u>Раъд сураси</u>	324
<u>Иброҳим сураси</u>	333
<u>Ҳижр сураси</u>	342
<u>Наҳл сураси</u>	350
<u>Исро сураси</u>	369
<u>Каҳф сураси</u>	386
<u>Марям сураси</u>	403
<u>Тоҳа сураси</u>	414
<u>Анбиё сураси</u>	428
<u>Ҳаж сураси</u>	441
<u>Мўминун сураси</u>	453
<u>Нур сураси</u>	465
<u>Фурқон сураси</u>	478
<u>Шуаро сураси</u>	488
<u>Намл сураси</u>	504
<u>Қасас сураси</u>	516



Мундарижа



<u>Анкабут сураси</u>	530
<u>Рум сураси</u>	540
<u>Лукмон сураси</u>	549
<u>Сажда сураси</u>	555
<u>Ахзоб сураси</u>	559
<u>Саба сураси</u>	572
<u>Фотир сураси</u>	581
<u>Ёсин сураси</u>	589
<u>Соффот сураси</u>	598
<u>Сод сураси</u>	610
<u>Зумар сураси</u>	619
<u>Ғофир сураси</u>	631
<u>Фуссилат сураси</u>	644
<u>Шўро сураси</u>	653
<u>Зухруф сураси</u>	662
<u>Духон сураси</u>	672
<u>Жосия сураси</u>	677
<u>Ахқоф сураси</u>	683
<u>Мухаммад сураси</u>	690
<u>Фатх сураси</u>	696
<u>Хужурот сураси</u>	702
<u>Қоф сураси</u>	706
<u>Зориёт сураси</u>	710
<u>Тур сураси</u>	715
<u>Нажм сураси</u>	719
<u>Қамар сураси</u>	724
<u>Роҳман сураси</u>	729
<u>Воқеа сураси</u>	734
<u>Ҳадид сураси</u>	740



Мундарижа



<u>Мужодала сураси</u>	746
<u>Ҳашр сураси</u>	751
<u>Мумтаҳана сураси</u>	756
<u>Саф сураси</u>	760
<u>Жумъа сураси</u>	763
<u>Мунофиқун сураси</u>	765
<u>Тағобун сураси</u>	767
<u>Талок сураси</u>	770
<u>Таҳрим сураси</u>	774
<u>Мулк сураси</u>	777
<u>Қалам сураси</u>	781
<u>Ал- Ҳаакка сураси</u>	785
<u>Маориж сураси</u>	789
<u>Нух сураси</u>	792
<u>Жин сураси</u>	795
<u>Муззаммил сураси</u>	799
<u>Муддассир сураси</u>	802
<u>Қиёмат сураси</u>	806
<u>Инсон сураси</u>	809
<u>Мурсалот сураси</u>	812
<u>Набаъ сураси</u>	815
<u>Назиаат сураси</u>	818
<u>Абаса сураси</u>	821
<u>Таквир сураси</u>	823
<u>Инфитор сураси</u>	825
<u>Мутаффифин сураси</u>	827
<u>Иншиқоқ сураси</u>	830
<u>Буруж сураси</u>	832



Мундарижа



Торик сураси	834
Аъло сураси	836
Ғошия сураси	838
Фажр сураси	840
Балад сураси	841
Шамс сураси	844
Лайл сураси	845
Зуҳо сураси	847
Шарҳ сураси	848
Тин сураси	849
Алак сураси	850
Қадар сураси	852
Баййина сураси	853
Залзала сураси	854
Одиёт сураси	855
Қория сураси	856
Такосур сураси	857
Аср сураси	858
Хумаза сураси	859
Фил сураси	860
Қурайш сураси	861
Моъувн сураси	862
Кавсар сураси	863
Кофирун сураси	864
Наср сураси	865
Масад сураси	866
Ихлос сураси	867
Фалак сураси	868
Ан- Нос сураси	869

Фотиҳа сураси

1. Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман).
2. Ҳамд оламлар Парвардигори Аллоҳникидир.
3. Меҳрибон ва Раҳмли.
4. Қиёмат кунининг Эгаси.
5. Сенгагина ибодат қиламиз ва Сендангина ёрдам сўраймиз.
6. Бизни тўғри йўлга йўллагин.
7. Ўзинг неъмат берганларинг йўлига. Ғазабга учраганлар ва адашганларнинг (йўлига) эмас.

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман)

1. Алиф. Лом. Мим.
2. Букитобдашак-шубҳайўқдир. У тақводорлар учун ҳидоятдир.
3. (Тақводорлар)ки, ғайбга иймон келтирурлар, намозни тўқис адо этурлар ва Биз уларга берган ризқдан инфоқ-эҳсон қилурлар.
4. (Тақводорларки,) сизга нозил қилинган (ваҳий)га ҳам, сиздан олдинги (пайғамбар)ларга нозил қилинган (ваҳий)га ҳам иймон келтирурлар ва охиратга аниқ ишонурлар.
5. Ана ўшалар Парвардигорлари тарафидан ҳидоятга эришганлар ва нажот топгувчилардир.
6. Куфр йўлини тутган кимсалар эса хоҳ уларни (Аллоҳнинг азобидан) кўрқитинг, хоҳ кўрқитманг, уларга баробардир - иймон келтирмайдилар.
7. Аллоҳ уларнинг қалблари ва қулоқларини муҳрлаб қўйган, кўзларида эса парда бор. Уларга улкан азоб бордир.
8. Ва одамлардан, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирдик, дейдиганлари бор. Ҳолбуки, улар мўмин эмаслар.

9. Улар Аллоҳни ва иймон келтирганларни алдамоқчи бўладилар. (Аслида эса) сезмаганлари ҳолда ўзларини ўзлари алдайдилар.
10. Уларнинг дилларида мараз бор, бас, Аллоҳ маразларини янада зиёда қилди. Ёлғон гапирганлари учун уларга аламли азоб бордир.
11. Уларга: «Ер юзида бузғунчилик қилманглар», дейилса, «Биз ислоҳ қилувчилармиз», дейдилар.
12. Огоҳ бўлингизким, айнан ўшалар бузғунчилардир, лекин ўзлари бунни сезмаслар.
13. Уларга: «Одамларга ўхшаб иймон келтиринглар», дейилса, «Эси пастларга ўхшаб иймон келтирайликми», дейдилар.
14. Мўминларга йўлиққанларида, иймон келтирдик, дерлар, шайтонлари билан холи қолганда эса, биз сизлар биланмиз, биз уларнинг устидан куляпмиз, холос, дерлар.
15. Аллоҳ уларнинг устидан кулади ва ўз туғёнларида адашиб юришларига қўйиб беради.
16. Улар ҳидоятнинг ўрнига залолатни сотиб олган кимсалардир. Бас, бу савдоларида фойда қилмадилар ва ҳидоят топганлар бўлмадилар.
17. Улар худди ёққан ўти энди атрофини ёритганида Аллоҳ нурларини кетказиб,

- 18.** Улар кар, соқов, кўрдирлар. Бас, улар (йўлларида) қайтмаслар.
- 19.** Ёки улар чакмоқ, момагулдурак, қоронғуликлар билан осмондан қуяётган ёмғир остида яшиндан кўркқанларидан панжаларини қулоқларига тиқиб олган ҳолларида ўлим - ҳалокатдан қочмоқчи бўлиб турган кимсалар кабидирлар. Аллоҳ эса кофирларни ўраб олгувчидир.
- 20.** Яшин кўзларини олиб қўйгудек бўлади. У (атрофини) ёритганида юриб оладилар, ўчганида туриб қоладилар. Агар Аллоҳ хоҳласа, уларни қулоқ ва кўзларидан жудо қилган бўлур эди. Шубҳасиз, Аллоҳ ҳар нарсага Қодирдир
- 21.** Эй одамлар, сизларни ва сизлардан олдингиларни яратган Парвардигорингизга ибодат қилинглар. Шоядки, тақво қилсангизлар.
- 22.** (Парвардигорингиз)ки, сизлар учун ерни қароргоҳ, осмонни том қилиб қўйди ва осмондан сув тушириб, унинг ёрдамида сизларга ризқ бўлиши учун мевалар чиқарди. Бас, билиб туриб ўзгаларни Аллоҳга тенглаштирманг.
- 23.** Бандамизга туширган нарсамизга шак-шубҳангиз бўлса, унга ўхшаш бир сурани келтиринг ва рост айтаётган бўлсангиз, Аллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринг.

- 24.** Агар қилолмасангизлар, ҳеч қачон қилолмайсизлар ҳам, ёқилғиси одамлар ва тош бўлган, кофирлар учун тайёрланган ўтдан кўрқинглар.
- 25.** Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотларга хушхабар берингки, улар учун остларидан дарёлар оқиб турувчи боғлар бор. Қачон уларнинг бирор мевасидан баҳраманд бўлсалар, илгари ҳам бизга худди шунақаси берилганди, дейишади. (Чунки) уларга бир-бирига ўхшаш мевалар берилган (бўлади). Уларга у ерда покиза жуфтлар бор ва улар у ерда абадий қолурлар.
- 26.** Аллоҳ чивин ёки ундан-да ҳақир нарсалар ҳақида масал айтишдан ҳеч тортинмайди. Иймонли кишилар унинг ҳақиқатан Парвардигорлари тарафидан эканини биладилар. Кофирлар эса: «Бунимисол қилиш билан Аллоҳ нима демоқчи?» - дейдилар. Бу масал билан (Аллоҳ) кўпларни адаштиради ва кўпларни ҳақ йўлга ҳидоят қилади. Бу масал билан фақат фосиқ кимсаларнигина адаштиради.
- 27.** (Фосиқлар)ки, Аллоҳ билан боғланган аҳдни бузадилар, боғланишига буюрган нарсаларини узадилар ва ер юзида бузғунчилик қиладилар. Улар, шубҳасиз, зиён кўргувчилардир.

28. Аллоҳни қандай инкор қиласиз? Ҳолбуки, жонсиз эдингиз, У сизга жон берди. Кейин жонингизни яна олади. Кейин яна тирилтиради. Кейин эса У Зотга қайтариласиз.
29. У шундай зотки, сиз учун ердаги барча нарсани яратди. Сўнгра самога юзландида, уларни етти осмон қилиб тиклади. У ҳамма нарсани Билгувчидир.
30. Эсланг! Парвардигорингиз фаришталарга: «Мен заминга бир халифа қиламан», деганида, улар: «У ерда бузғунчилик қиладиган, ноҳақ қонлар тўкадиган (инсонни) халифа қиласанми, биз Сени улуғлаб, Сенга тасбеҳ, ҳамд айтяпмиз-ку», дейишди. Шунда Аллоҳ: «Мен сизлар билмаган нарсаларни биламан», деди.
31. Одамга ҳамма номларни ўргатиб, уларни фаришталарга рўбарў қилдида, гапларингиз рост бўлса, шуларнинг номларини Менга айтиб беринглар-чи, деди.
32. Дедилар: «Пок Павардигоро, бизда Ўзинг ўргатганингдан бошқа илм йўқ, ҳамма нарсани билгувчи ҳар ишни ҳикмат билан қилгувчи Ўзингсан».
33. Аллоҳ: «Эй Одам, уларга бу нарсаларнинг номларини айтиб бер», деди. Одам

уларнинг номларини айтиб бергач, (Аллоҳ фаришталарга): «Сизларга еру осмонларнинг сирларини ва сизлар ошкор қилган нарсаларни ҳам, яширган ишларни ҳам биламан, демаганмидим», деди

34. Эсланг! Биз фаришталарга: «Одамга сажда қилинг», деганимиз заҳоти сажда қилдилар. Фақат Иблис бош тортиб ва кибр қилиб, кофирлардан бўлди.

35. «Эй Одам, жуфтинг ила жаннатда тураверинглар ва ундан истаганингларча бемалол тановул қилаверинглар, фақат мана бу дарахтга яқинлашманглар, (яқинлашсангизлар), золимлардан бўлиб қоласизлар», - дедик..

36. Бас, уларни шайтон йўлдан оздириб, турган жойларидан чиқарди. Шунда: «Тушинглар, энди бир-бирингизга душмансиз ва маълум муддат ерни маскан тутиб яшайсиз», дедик.

37. Бас, Одам Парвардигоридан сўзлар қабул қилиб олди ва Аллоҳ уни кечирди. Албатта, У тавбаларни қабул қиладиган меҳрибон Зотдир.

38. «У жойдан (жаннатдан) ҳаммангиз тушинглар», дедик. «Бас, сизларга Мен тарафдан ҳидоят келганида, ҳидоятимга эргашган кишиларга хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар».

39. Куфр келтириб, оятларимизни ёлғон деган кимсалар эса дўзах эгалари бўлиб, унда абадий қолажаклар.
40. Эй Бани Исроил, сизга берган неъматларимни эсланг ва Менга берган аҳдингизга вафо қилинг. Мен ҳам сизга берган аҳдимга вафо қилурман. Ва Мендангина кўрқинг!
41. Ва сиздаги нарсани тасдиқловчи қилиб туширган нарсамга иймон келтиринг! Унга биринчи куфр келтирувчи бўлманг! Менинг оятларимни оз баҳога сотманг ва Мендангина кўрқинг!
42. Ҳақни ботилга аралаштирманг ва ўзингиз билиб туриб ҳақни яширманг!
43. Намозни тўқис адо этинг, закот беринг ва руку қилувчилар билан бирга руку қилинг!
44. Одамларни яхшиликка чорлаб туриб, ўзингизни унутасизми?! Ҳолбуки, китобни тиловат қиляпсиз-ку. Ақлни ишлатмайсизми?!
45. Сабр ва намоз ила ёрдам сўранг! Ва, албатта, у нафси синиқлардан бошқаларга жуда оғир ишдир.
46. (Нафси синиқлар)ки, Парвардигорларига рўбарў бўлишларини ва, албатта, У Зотга қайтажакларини биладилар.
47. Эй Бани Исроил, сизга берган неъматларимни ва Менсизларни оламлардан афзал қилиб қўйганимни эсланг!

- 48.** Биров биров томонидан ҳеч нарса ўтай олмайдиган, ҳеч кимдан оқлов қабул қилинмайдиган, (гуноҳлари учун) бадал олинмайдиган ва ёрдам ҳам берилмайдиган Кундан кўрқинглар!
- 49.** Сизларни оғир азоблар билан қийнаган, ўғилларингизни сўйиб, қизларингизни тирик қолдирган Фиръавн одамларидан қутқарганимизни эсланглар. Ўша ишларда Парвардигорингиз томонидан буюк синов бўлганди.
- 50.** Денгизни ёриб, сизларни қутқариб, кўз ўнгингизда Фиръавн одамларини фарқ қилганимизни эсланглар.
- 51.** Мусо билан қирқ кечага ваъдалашганимиз, у (Бизнинг ҳузуримизга) кетганидан кейин сизлар ўзингизга зулм қилиб, бузоққа ибодат қилганингизни эсланглар.
- 52.** Ўшандан кейин сизни афв этдик. Шоядки, шукр қилсангиз.
- 53.** Шоядки, ҳидоят топсангиз деб, Мусога китобни ва Фурқонни (Тавротни) берганимизни эсланг!
- 54.** Мусонинг ўз қавмига айтган гапларини эсланг: «Қавмим, сизлар бузоққа ибодат қилиш билан ўз жонингизга жабр қилдингиз. Энди ўзингизни (бир-бирингизни) ўлдириш билан сизни бор қилган Зотга тавба қиласиз. Бор қилгувчи Зот наздида мана шу (қатл)

сизлар учун хайрлироқдир». Бас, Аллоҳ таоло тавбангизни қабул қилди, албатта, У Кечиримли, Раҳмлидир.

55. «Эй Мусо, Аллоҳни очик-равшан кўрмагунимизча, сенга ишонмаймиз», дейишингиз билан қараб турган ҳолингизда сизларни яшин урганини эсланг.
56. Сўнгра шоядки, шукр қилсангизлар деб, ўлганингиздан кейин тирилтирдик.
57. Кейин булутни устингизга соябон қилдик ва осмондан ширинлик ҳамда беданалар ёғдириб: «Сизларга ризқ қилиб берган пок нарсалардан енглар», (дедик). (Бани Исроил) Бизга зулм қилмадилар, балки ўзларига зулм қилгувчи бўлдилар.
58. «Ушбу шаҳарга (Қуддусга) кирингларда, ундан хоҳлаган жойларингизда еб-ичинглар. Дарвозадан сажда қилган ҳолингизда киринглар ва «афв эт» денглар, Биз хатоларингизни мағфират қиламиз ва яхшилик эгаларига зиёда неъматлар ато қиламиз», деганимизни эсланглар.
59. Бас, зулм қилганлар уларга айтилган сўзни бошқасига алмаштирдилар. Биз зулм қилганларга фисқ қилаётганлари учун осмондан азоб туширдик.
60. Эсланг (эй Бани Исроил), Мусо ўз қавми учун сув тилаганида: «Асоингни тошга ургин», дедик. Бас, ундан ўн икки чашма отилиб чиқди

- ҳар бир қабилага (улар ўн икки уруғ эдилар) ўз суви маълум бўлди. «Аллоҳ берган ризқдан еб-ичинглар, Ер юзида бузғунчилик жиноятларини қилманглар».

- 61.** Эсланг: «Эй Мусо, бир хил таомга ҳеч қаноат қила олмаяпмиз. Парвардигорингга дуо қил, бизга Ерда униб-ўсадиган сабзаётлардан: бодринг, саримсоқ, ясмик, пиёзга ўхшаган ўсимликлардан чиқариб берсин», деганингизда, у: «Яхши нарсани паст нарсага алмаштиришни истайсизларми?! Қайси шаҳарга тушсангизлар сўраган нарсаларингиз турибди-ку?» - деди. (Ношукрликлари сабаб) уларга хорлик ва мискинлик ёзиб қўйилди ва Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлдилар. Бунга сабаб уларнинг Аллоҳ оятларини инкор қилганлари ва Пайғамбарларни ноҳақ қатл қилганларидир. Бунга сабаб итоат қилмай тажовузкор бўлганларидир.
- 62.** Албатта, иймон келтирганлар, яҳудий бўлганлар, насоролар ва собийлардан қайсилари Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирса ва яхши амалларни қилса, ўшаларга Парвардигорлари ҳузурида ажрлар бордир. Уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар.
- 63.** Аҳду паймонларингизни олганимизни ва устингизга Турни кўтарганимизни, «Биз сизга берган нарсани қувват билан олинг ва ундаги нарсани эсланг, шоядки, тақводор бўлсангиз», (деганимизни) эсланг.

ундаги нарсани эсланг, шоядки, такводор бўлсангиз», (деганимизни) эсланг.

- 64.** Сўнгра, ўшандан кейин юз ўгирдингиз. Сизга Аллоҳнинг фазли бўлмаганида, албатта, ютқазганлардан бўлардингиз.
- 65.** Орангиздан Шанба кунда ҳаддан ошган кимсаларни билдингиз. Бас, Биз уларга: «Бадбахт маймунларга айланингиз!» - дедик.
- 66.** Биз бу қишлоқни ўша вақт ва кейинги даврлар учун ибрат, такволи кишилар учун ваъз-насиҳат қилдик.
- 67.** Мусо ўз қавмига: «Аллоҳ сизга сигир сўймоқни буюрмоқда», деганини эсланг. Улар: «Бизни масхара қиляпсанми?» - дедилар. У: «Жоҳиллардан бўлишимдан Аллоҳдан паноҳ сўрайман», - деди.
- 68.** Улар дедилар: «Парвардигорингга дуо қил, унинг қандайлигини баён қилсин». (Мусо) деди: «У зотнинг айтишича, у қари ҳам, ёш ғунажин ҳам бўлмаган ўрта бир сигирдир. Энди фармонни бажаринглар!»
- 69.** Улар: «Парвардигорингга дуо қил, унинг рангини баён қилиб берсин», дедилар. У: «У Зот, ранги сап-сарик, қараганларни хурсанд қиладиган сигир, деяпти», - деди.
- 70.** Улар: «Парвардигорингга дуо қил, унинг қандай эканини бизга баён қилиб берсин, сигир бизга ноаниқ бўлиб қолди, биз,

иншооллоҳ, албатта, ҳидоят топувчимиз», - дедилар.

71. У: «У Зот, у минилмаган, ер ҳайдаш, экин суғоришда ишлатилмаган, айблардан саломат, аралашган ранги йўқ сигир, деяпти», - деди. Улар: «Ана энди ҳақни келтирдинг», - дедилар. Бас, уни сўйдилар. Сал бўлмаса, бу ишнинг уддасидан чиқа олмай қолардилар.
72. Эсланг (эй Бани Исроил), бир жонни ўлдириб қўйиб, унинг қотили ким экани ҳақида жанжаллашиб қолгандингиз. Аллоҳ яширган нарсаларингизни юзага чиқаргувчидир.
73. Шунда биз: «Уни (мақтулни) сўйилган сигирнинг бир бўлаги билан уринглар», дегандик. Аллоҳ ўликларни шу тариқа тирилтиради ва сизларга фикр қилишингиз учун ўз оятларини кўрсатади.
74. Сўнгра - шундан кейин ҳам дилларингиз қотди. Бас, у тош кабидир ёки унданда қаттиқроқдир. Зеро, шундай тошлар борки, улардан дарёлар отилиб чиқади, яна шундайлари борки, ёрилиб, ичидан сув чиқади, яна шундайлари ҳам борки, Аллоҳдан кўрққанидан пастга қулайди. Аллоҳ қилаётган амалларингдан ғофил эмасдир.

75. Уларнинг иймонга келишларига орзуманд бўласизларми? Ҳолбуки, улардан бир гуруҳи Аллоҳнинг каломини эшитадилар, сўнгра, уни англаб етганларидан кейин билиб туриб ўзгартирадилар.
76. Улар иймонли кишиларга йўлиққанларида: «Иймон келтирдик», дейдилар. Бир-бировлари билан ёлғиз қолганларида эса: «Уларга (мусулмонларга) Аллоҳ сизларга очган нарса ҳақида гапиряпсизларми? Ўша ҳужжат билан Парвардигорингизнинг ҳузурида ҳужжатлашишлари учун-а? Ақлингизни ишлатмайсизми?» - дейишади.
77. Аллоҳ уларнинг сир тутгану ошкор қилган нарсаларини аниқ билишини англамайдиларми?
78. Уларнинг ичида китобдан беҳабар, хомхаёлдан бошқани билмайдиган омийлар бор. Улар фақат гумон қиладилар, холос.
79. Китобни ўз қўли билан ёзиб, сўнгра уни арзон баҳога сотиш учун: «Бу Аллоҳнинг ҳузуридан», дейдиганларга ҳалокат бўлсин! Уларга қўллари билан ёзган нарсаларидан ҳалокат бўлсин! Уларга топган фойдаларидан ҳалокат бўлсин!
80. Улар: «Бизга дўзах ўти санокли кунлардагина тегади», дедилар. Уларга айтинг: «Аллоҳдан аҳду паймон олдингизми

зотан, Аллоҳ ҳаргиз аҳдига хилоф қилмас - ёки Аллоҳ ҳақида билмаган нарсаларингизни айтяпсизми?».

81. Йўқ! Ким гуноҳ қилса ва уни хатолари ўраб олган бўлса, ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар!
82. Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотлар эса жаннат эгалари бўлиб, ўша жойда абадий қолгувчилардир.
83. «Фақат Аллоҳгагина ибодат қиласизлар, ота-она, қариндош-уруғ, етим ва мискинларга яхшилик қиласизлар, одамларга чиройли сўзлар сўзлангиз ва намозни тўқис адо қилинг, закотни беринг», деб Бани Исроилдан аҳду паймон олганимизни эсланглар. Кейин эса (Эй Бани Исроил,) озгина кишидан ташқари ҳаммангиз юз ўгириб кетдингиз.
84. «Бир-бирингизнинг қонларингизни тўкмайсиз ва диёрингиздан ҳайдамайсиз», деб сизлардан аҳду паймон олганимизни эсланг. Сўнгра гувоҳлик бериб туриб иқрор бўлдингиз.
85. Кейин сиз ўзингизни ўзингиз ўлдиряпсиз ва бир гуруҳингизни диёридан ҳайдаяпсиз ҳамда уларга қарши гуноҳ ва душманлик йўлида ёрдам беряпсиз! Агар улар асир бўлсалар, тўлов эвазига қутқариб оляпсиз! Ҳолбуки, диёрдан ҳайдаш сизлар учун ҳаром эди!

Ёки китобнинг баъзисига иймон келтириб, баъзисига куфр келтирасизми?! Сизлардан ўшандоқ қилганларнинг жазоси бу дунёда фақат расво бўлиш, Қиёмат кунда эса энг шиддатли азобга қайтарилурулар. Аллоҳ қилаётган ишларингиздан ғофил эмас.

- 86.** Ана ўшалар дунё ҳаётини охиратга сотиб олганлардир. Улардан азоб енгиллатилмас ва уларга ёрдам ҳам берилмас!
- 87.** Албатта, Биз Мусога китобни бердик ва унинг ортидан пайғамбарларни кетма-кет юбордик. Ийсо ибн Марямга ҳужжатларни бердик ва уни Рухул-қудс билан қўладик. Ҳар қачон Пайғамбарсизнинг ҳавойи нафсингизга ёқмайдиган нарса келтирса, мутакаббирлик қилиб, баъзиларини ёлғончига чиқариб, баъзиларини ўлдираверасизми?!
- 88.** Улар: «Қалбимиз қулфланган», дедилар. Йўқ, ундай эмас, куфрлари сабабли Аллоҳ уларни лаънатлаган. Бас, озгинагина иймон келтирурулар.
- 89.** Қачонки уларга Аллоҳнинг ҳузуридан ўзларида бор нарсани (Тавротни) тасдиқ этувчи китоб келганда - ҳолбуки, илгари кофирларга қарши ўша китобдан ёрдам кутардилар - бас, қачонки уларга ўзлари билган нарса келганда унга кофир бўлдилар. Кофирларга Аллоҳнинг лаънати бўлгай!

- 90.** Аллоҳ истаган бандасига Ўз фазли ила (ваҳий) юборишига қарши чиқиб, Аллоҳ нозил қилган нарсага кофир бўлишлари сабабли улар ўзларини нақадар ярамас нарсага сотдилар. Бас, ғазаб устига ғазаб билан қайтдилар. Кофирлар учун хор қилувчи азоб бордир.
- 91.** Қачон уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага иймон келтиринглар», дейилса, «Биз ўзимизга нозил қилинган нарсага иймон келтирамиз», дедилар. Ва ундан кейин келган ўзларидаги нарсани (Тавротни) тасдиқ этувчи ҳақ (китоб)га кофир бўладилар. Айтинг: «Агар мўмин бўлган бўлсангизлар, нима сабабдан илгари Аллоҳнинг пайғамбарларини ўлдирар эдингиз?»»
- 92.** Мусо сизларга очик ҳужжатларни келтирди. Сизлар эса ундан кейин ўзингизга зулм қилиб, бузоққа сиғиндингиз.
- 93.** Эсланг (эй Бани Исроил), биз аҳду паймонингизни олгач, устингизда Тур тоғини кўтариб туриб: «Келтирган нарсамизни (динимизни) маҳкам ушланглар ва қулоқ солинглар», деганимизда, «Эшитдик ва бўйсунмадик», дедилар. Кофирликлари сабаб кўнгиллари фақат бузоққа ибодат қилиш билан тўлди. Айтинг: «Агар сиз мўмин бўлсангиз, иймонингиз сизларни мунча ярамас нарсаларга буюради?»»

- 94.** Айтинг: «Агар Аллоҳнинг ҳузуридаги охират ҳовлиси бошқа одамларсиз холис сизларга бўладиган бўлса, гапингизда ростгўй бўлсангиз, ўлимни орзу қилинглар».
- 95.** Қилган кирдикорлари сабабли ҳаргиз уни (ўлимни) орзу қилмайдилар. Аллоҳ золимларни Билгувчидир.
- 96.** Уларнинг ҳатто мушриклардан ҳам яшашга очкўзроқ кишилар эканини кўрасиз, уларнинг айримлари минг йил умр кўришни истайдилар. Ҳолбуки, узун умр уни азобдан узоқлаштирмайди. Ахир Аллоҳ қилаётган амалларини кўриб тургувчидир.
- 97.** Айтинг: «Ким Жаброилга душман бўлса, (у Аллоҳга душмандир). Зеро, у Аллоҳнинг изни билан қалбингизга ўзидан аввалги китобларни тасдиқ этадиган, мўминларга ҳидоят ва хушхабар бўлган Қуръонни олиб тушди.
- 98.** Ким Аллоҳга ва Унинг фаришталарига, пайғамбарларига, Жаброил ва Микоилга душман бўлса, бас, албатта, Аллоҳ кофирларга душмандир!»
- 99.** Ҳақиқатан Биз сизга очик-ойдин оятлар нозил қилдик. Уларга фақат фосиқларгина кофир бўладилар.

- 100.** Ҳар қачон аҳд қилсалар, улардан бир гуруҳи уни бузаверадими?! Йўқ! Уларнинг кўплари иймон келтирмаслар.
- 101.** Қачон уларга Аллоҳнинг ҳузуридан ўзларидагинарсанитасдиқ этувчи Пайғамбар келса, китоб (Таврот) берилган кимсалардан бир гуруҳи Аллоҳнинг китобини (Қуръони Каримни) ҳеч нарса билмагандек орқаларига отадилар.
- 102.** Ва Сулаймон давридаги шайтонлар (жинлар) айтган нарсаларга эргашдилар. Сулаймон куфр келтирмаганди, балки одамларга сеҳр ўргатадиган шайтонлар куфр келтиргандилар. Ва Бобилдаги Ҳорут ва Морутномли фаришталаргатуширилган нарсаларга эргашдилар. Ҳолбуки, улар: «Биз фақатгина фитнамиз, бас, (биз айтган нарсаларни қилиб) кофир бўлиб қолма», демасдан туриб ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмас эдилар. Улардан эр-хотиннинг ўртасини бузадиган нарсаларни ўрганадилар. (Лекин) улар (яхудий сеҳргарлар) сеҳр билан Аллоҳнинг изнисиз ҳеч кимга зарар етказа олмайдилар. Ва ҳеч фойдасиз, билъакс, зарарли нарсаларни ўрганадилар. Ахир (Аллоҳнинг китоби эвазига сеҳрни) сотиб олган кимсаларга Охиратда ҳеч қандай насиба йўқ эканини билган эдилар-ку. Жонларини нақадар ёмон нарсага

сотганларини билсалар эди!

103. Иймонга келиб, такво қилганларида Аллоҳ тарафидан бўладиган савоб, албатта, яхшироқ бўлишини билсалар эди!

104. Эй мўминлар, «Роъино» деманглар. «Унзурно» денглар ва кулоқ солинглар! Кофирлар учун аламли азоб бор. (Шарҳ: «Саволимизга жавоб берсангиз қабул қилардик» маъносидаги «Роъино» жумласини яҳудийлар: «Гапираверинг, гапингиз биз учун бир пул!» - деб киноя тарзида айтардилар. «Унзурно» жумласи эса «Гапираверинг, гапларингиз бошимизнинг тожидир» маъносини англатади).

105. Аҳли китоб ва мушриклардан бўлган кофирлар сизларга Парвардигорингиз тарафидан бир яхшилик туширилишини ёқтирмаслар. Ҳолбуки, Аллоҳ Ўз раҳматини кимга хоҳласа, ўшанга хос қиладир. Аллоҳ улуғ фазл эгасидир.

106. Бирон оятни бекор қилсак ёки ёдингиздан чиқарсак, ўрнига ундан яхшироғини ёки ўшанинг мислини келтирамиз. Аллоҳ ҳар нарсага Қодир эканини билмадингизми?

107. Еру осмонлар ёлғиз Аллоҳнинг мулки эканини ва сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст ёки ёрдамчи йўқ эканини билмадингизми?

108. Ёки илгари Мусодан сўралганидек, Пайғамбарингиздан савол сўрашни хоҳлайсизми?!

Ким иймонни куфрга алмаштира, албатта, тўғри йўлдан адашган бўлур.

109. Аҳли китоблардан кўплари уларга ҳақ аён бўлганидан кейин, ўзларича ҳасад қилиб, сизларни иймонли бўлганингиздан кейин кофирликка қайтармоқчи бўлурлар. Аллоҳнинг амри келгунча афв этинг, кечиримли бўлинг. Албатта, Аллоҳ ҳар нарсага Қодирдир.

110. Намозни тўкис адо қилинг ва закотни беринг! Ўзингиз учун нима яхшилик қилган бўлсангиз, уни Аллоҳ ҳузурида топажасиз. Шубҳасиз, Аллоҳ қилган амалларингизни кўриб тургувчидир.

111. Ва улар: «Жаннатга яҳудий ёки насронийлардан бошқа ҳеч ким кирмас», дедилар. Бу уларнинг хомхаёлларидир. Айтинг: «Агар ростгўй бўлсангиз, ҳужжатингизни келтиринг».

112. Йўқ! Ким яхшилик қилган ҳолида юзини Аллоҳга топширса, унга Парвардигори ҳузурида ажр бордир. Уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар.

113. Яҳудийлар: «Насронийлар ҳақ устида эмас», дедилар. Насронийлар: «Яҳудийлар ҳақ устида эмас», дедилар. Ҳолбуки, улар китоб тиловат қилурлар. Шунингдек, билмайдиган кимсалар ҳам уларнинг гапига ўхшаш гап айтдилар. Бас, уларнинг ўзаро ихтилоф қилиб ўтган нарсалари ҳақида Аллоҳ

киёмат кунда ҳакамлик қилади

- 114.** Аллоҳнинг масжидларида Унинг исми зикр қилинишини ман этган ва уларни бузишга ҳаракат қилгандан ҳам золимроқ одам борми? Ана ўшалар у жойларга фақат қўрққан ҳолларидагина киришлари керак эди-ку! Уларга бу дунёда хорлик, охиратда эса улуғ азоб бордир!
- 115.** Машрик ҳам, мағриб ҳам Аллоҳникидир. Бас, қай тарафга юз бурсангиз, ўша жой Аллоҳнинг тарафидир. Шубҳасиз, Аллоҳ (ҳамма томонни) қамраб олгувчи Билимдондир.
- 116.** Улар: «Аллоҳ фарзанд тутди», дерлар. У Зот (бундай нуқсондан) покдир. Албатта, осмонлару ердаги барчанарсалар Уникидир. Ҳамма Унга бўйсунувчидир.
- 117.** У осмонлару ерни пайдо қилувчидир. Бирор ишни қилмоқчи бўлганида, унга: «Бўл!» деса, бўлаверади.
- 118.** Билмайдиган кимсалар: «Аллоҳ бизга г аписра эди ёки бирор аломат келса эди», дейдилар. Улардан илгаригилар ҳам уларнинг гапларига ўхшаш гапларни айтишган эди. Диллари бир-бирига ўхшайди. Биз оятларни аниқ ишонадиган қавм учун баён қилдик.
- 119.** Албатта, Биз сизни ҳақ (дин) билан хушхабар элтгувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Дўзахийлар хусусида сиз масъул бўлмайсиз.

- 120.** Сиздан яҳудийлар ҳам, насронийлар ҳам уларнинг миллатига эргашмагунингизча ҳаргизрози бўлмаслар. Айтинг: «Аллоҳнинг ҳидоятигина ҳақиқий ҳидоятдир». Агар сизга келган илмдан кейин ҳам уларнинг ҳавойи нафсларига эргашсангиз, сизга Аллоҳ тарафидан дўст ҳам, ёрдамчи ҳам бўлмас!
- 121.** Биз китоб (яъни Таврот, Инжил) ато этган зотлар орасида уни тўғри тиловат қиладиган кишилар ҳам бордирки, ана ўшалар (Қуръонга) иймон келтирурлар. Ва кимда-ким унга кофир бўлса, ўшалар зиён кўргувчилардир.
- 122.** Эй Бани Исроил, сизларга инъом қилган неъматимни ва сизларни бутун оламдан афзал қилганимни эсланг.
- 123.** Ва биров биров томонидан ҳеч нарса ўтай олмайдиган, ҳеч кимдан бадал қабул қилинмайдиган, оқлов фойда бермайдиган ва ҳеч кимга ёрдам ҳам берилмайдиган кундан кўрқинг!
- 124.** Эсланг: Иброҳимни Парвардигори бир неча сўзлар билан имтиҳон қилганида, уларни бенуқсон ҳолда адо этди. Шунда (Аллоҳ таоло): «Албатта, Мен сени одамларга имом қилгувчидирман», деди. «Зурриётимни ҳам-а?» - деб сўради у. (Аллоҳ таоло) айтди: «Менинг бу аҳдим (улардан) золим кимсаларга етмайди».

125. Эсланг: Байтуллоҳни одамлар учун зиёратгоҳ ва тинч жой қилдик ҳамда «Иброҳимнинг турган ўрнини намозгоҳ қилиб олинг», (дедик) ва Иброҳим билан Исмоилга: «Менинг байтимни тавоф қилгувчилар, ўша ерда ибодат қилиб турувчилар, рукуъ-сажда қилувчилар учун пок тутинглар», деб буюрдик.

126. Эсланг: Иброҳим: «Парвардигорим, бу шаҳарни осуда шаҳар қил ва унинг аҳлларидан Аллоҳга ва Охират кунига ишонувчиларини турли мевалар билан ризқлантир», деганида, Аллоҳ таоло: «Кофирларини ҳам биров фойдалантириб, сўнгра дўзах азобига дучор қиламан. Бу энг ёмон оқибатдир», деди.

127. Эсланг: Иброҳим Исмоил билан биргаликда Байтуллоҳнинг пойдеворини кўтариб (дедилар): «Парвардигоро, биздан (ушбу қилган амалимизни) Ўзинг қабул айла. Шубҳасиз, Сен Эшитгувчи, Билгувчидирсан!

128. Парвардигоро, бизни Ўзингга бўйинсунгувчилардан қилгин ва зурриётимиздан ҳам Ўзингга итоат қиладиган кишилар чиқаргин. Ва бизга (қиладиган) ибодатларимизни ўргатгин ва тавба-тазарруъларимизни қабул этгин! Шубҳасиз, Сен тавбаларни қабул қилгувчи, Раҳмлисан.

- 129.** Парвардигоро, уларга ўзларидан бўлган, уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, Китоб ва Ҳикматни (Қуръон ва Ҳадисни) ўргатадиган ва уларни поклайдиган бир пайғамбарни юбор! Шубҳасиз, Сен Азизсан, Ҳакимсан».
- 130.** Иброҳимнинг динидан фақат енгилтак кимсаларгина юз ўгирадилар. Ҳақиқатан, Биз дунёда уни танлаб олдик ва у Охиратда шубҳасиз, солиҳ (яқинларимиздан)дир.
- 131.** Эсланг: Парвардигори унга: «Бўйинсун!», деганида: «Бутун оламлар эгасига бўйинсундим» деди.
- 132.** Иброҳим, у билан бирга Яъқуб ҳам болаларига шу динни васият қилиб дедилар: «Ўғилларим, албатта, Аллоҳ сиз учун шу динни танлади. Бас, мусулмон бўлган ҳолингиздагина дунёдан ўтинг!»
- 133.** (Эй яҳудийлар), ёки Яъқубга ўлим келгач, у ўғилларига: «Мендан кейин нимага ибодат қиласизлар?» - деганида: «Сенинг илоҳинг ҳамда оталаринг Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқларнинг илоҳи бўлмиш ягона Аллоҳга ибодат қиламиз ва бизлар фақат Унинг Ўзигагина бўйсунувчилармиз», деб жавоб қилганларига гувоҳ бўлганмисизлар?
- 134.** Улар ўтиб кетган кишилардир. Уларнинг қилган амаллари ўзлари учун, сизларнинг қилган амалларингиз ўзларингиз учундир.

Ва сизлар улар қилган амаллар учун масъул бўлмайсизлар.

135. «Яҳудий ёки насроний бўлинг, ҳидоят топасиз», дедилар. Айтинг: «Балки биз ҳақ йўлдан тойилмаган, мушриклардан бўлмаган Иброҳим миллатига - динига эргашамиз».

136. Айтингиз (эй мўминлар): «Аллоҳга ва бизга нозил қилинган китобга, Иброҳим, Исмоил, Исҳок, Яъқубга ва ўша авлодга нозил қилинган нарсаларга, Мусо ва Ийсога берилган нарсаларга ҳамда барча пайғамбарларга Парвардигорлари тарафидан берилган нарсаларга ишондик. Биз улардан бирортасини ажратиб қўймаймиз ва биз У Зотга бўйсунувчилармиз».

137. Энди улар сизлар иймон келтирган нарсаларга иймон келтирсалар, ҳақ йўлни топибдилар. Юз ўтирсалар, у ҳолда, шубҳасиз, сизларга нисбатан гинаваадоватлари бордир. Уларнинг ёмонлигидан сизга Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилур. У Эшитгувчи, Билгувчидир.

138. Аллоҳнинг ранги-ла (рангинмиз). Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ранг бергувчи борми? Бизлар Унгагина ибодат қилгувчилармиз.

139. Айтинг: «Бизнинг ҳам, сизнинг ҳам Парвардигорингиз бўлган Аллоҳ хусусида биз билан жанжаллашасизми? Ҳолбуки, бизнинг қилган амалимиз ўзимиз учун,

сизнинг қилган амалингиз ўзингиз учун-ку? Биз фақат Унгагина ихлос билан ибодат қилувчилармиз».

140. Ёки «Иброҳим, Исмоил, Исҳок, Яъқуб ва ўша авлод яҳудий ё насроний бўлган», дейсизми? Айтинг: «Сизлар яхшироқ билгувчимисиз ёки Аллоҳми? Аллоҳ томонидан бўлган гувоҳликни яширган кимсадан ҳам золимоқ одам борми? Аллоҳ қилаётган ишларингиздан ғофил эмас».

141. Улар ўтиб кетган кишилардир. Уларнинг қилган амаллари ўзлари учун, сизларнинг қилган амалларингиз ўзларингиз учундир. Ва сизлар улар қилган амаллар учун масъул бўлмайсиз.

142. Одамлардан ақлсизлари: «Улар (мусулмонлар)ни илгари қараган қиблаларидан нима юз ўгиртирди?» - дейдилар. Айтинг: «Машрик ҳам, Мағриб ҳам Аллоҳникидир. У Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳақ йўлга ҳидоят қилади».

143. Шунингдек, сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва Пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта бир уммат қилдик. Сиз олдин қараган қиблани Биз фақатгина ким Пайғамбарга эргашиб, ким ортига бурилиб кетишини билиш учун қилганмиз, холос. Гарчи бу оғир иш бўлса-да, магар Аллоҳ ҳидоят қилган зотларгагина

(оғир эмасдир). Аллоҳ иймонларингизни зое қилгувчи эмас. Албатта, Аллоҳ одамларга Меҳрибон ва Раҳмлидир.

144. Гоҳо юзингиз тез-тез самога боққанини кўрамиз. Бас, албатта, Биз сизни ўзингиз рози бўлган қиблага бурамиз. Юзингизни Масжидул-Ҳаром (Макка) томонга буринг! (Эй мўминлар, сизлар ҳам) қаерда бўлсангизлар, юзларингизни унинг тарафига бурингиз! Китоб берилган зотлар, албатта, бунинг Парвардигорлари томонидан эканини биладилар. Аллоҳ улар қилаётган амаллардан ғофил эмасдир.

145. Қасамки, агар Сиз китоб берилган кимсаларга бор мўъжизаларни келтирсангиз ҳам улар қиблангизга эргашмайдилар. Сиз ҳам уларнинг қибласига эргашувчи эмассиз. Улар бир-бирларининг қибласига эргашувчи эмаслар. Агар сиз ўзингизга келган билимдан кейин ҳам уларнинг ҳавойи нафсларига эргашсангиз, у ҳолда шубҳасиз, золимлардан бўлиб қоласиз.

146. Биз Китоб ато этган кимсалар уни (Муҳаммад пайғамбарни) ўз фарзандларини таниганлари каби танийдилар. Ва, албатта, улардан бир гуруҳи билиб туриб ҳақиқатни беркитадилар.

147. Бу ҳақиқат (яъни, қибланинг ўзгариши) Парвардигорингиз томонидандир. Бас, ҳаргиз шубҳаланувчилардан бўлманг!

- 148.** Ҳар кимнинг ўз юзланадиган тарафи бор. Бас, яхши ишларга шошилингиз! Қаерда бўлманг, Аллоҳ барчангизни (ҳисоб-китоб учун) келтиради. Албатта, Аллоҳ ҳар нарсага Қодирдир.
- 149.** Қайси тарафдан чиқсангиз, юзингизни Масжидул-Ҳаром томонга буринг! У шубҳасиз, Парвардигорингиз (буюрган) ҳақ (қибла)дир. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан ғофил эмасдир.
- 150.** Қай томондан чиқсангиз ҳам юзингизни Масжидул-Ҳаром томонга буринг! Қаерда бўлсангизлар ҳам юзларингизни ўша томонга буринглар! Токи (айрим) одамлар учун сизларнинг устингизда ҳужжат бўлиб қолмасин. Илло улар орасида зулм қилгувчилар ҳам бор. Улардан кўркманглар. Мендан кўрқинглар! Сизларга неъматимни комил қилиб беришим ва ҳидоят топишингиз учун (шундай қилингиз).
- 151.** Шунингдек, сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларга Бизнинг оятларимизни тиловат қиладиган, сизларни поклайдиган, сизларга Китоб ва Ҳикматни (Қуръон ва Ҳадисни) ўргатадиган ва билмаган нарсаларингизни билдирадиган бир Пайғамбар юбордик.

- 152.** Бас, Мени эслангиз, Мен ҳам сизларни эслайман, Менга шукр қилингиз ва Менга куфр келтирмангиз!
- 153.** Эй мўминлар, сабр қилиш ва намоз ўқиш билан (Аллоҳдан) мадад сўранглар! Албатта, Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир.
- 154.** Аллоҳ йўлида ҳалок бўлганларни «ўликлар», деманглар! Йўқ, улар тириклардир, лекин сизлар сезмайсизлар.
- 155.** Албатта, Биз сизларни хавф ҳатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камайтириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Сабрли кишиларга хушхабар беринг!
- 156.** Улар мусибат етганда: «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва, албатта, биз Унга қайтувчимиз», дерлар.
- 157.** Ана ўшаларга Парвардигорларидан мақтовлар ва раҳмат бор. Ана ўшалар ҳидоят топганлардир.
- 158.** Албатта, Сафо ва Марва Аллоҳ (буюрган) маросимлардандир. Бас, ким ҳаж ёки умра қилса, у икки тоғ орасида саъй қилишининг гуноҳи йўқдир. Ким ўз ихтиёри билан яхшиликни ният қилса, бас, албатта, Аллоҳ шукр қилгувчи (Тақдирловчи) ва Билгувчидир.
- 159.** Биз нозил қилган ҳужжатлар ва ҳидоятдан иборат нарсаларни одамларга Китобда баён қилиб берганимиздан кейин беркитган кимсаларни - ана ўшаларни Аллоҳ лаънатлагай ва лаънатловчилар лаънатлагайлар.

- 160.** Тавба қилиб, ўзларини ўнглаб, (ҳақиқатни) очик айтганлари бундан мустасно. Бас, уларнинг тавбаларини қабул қиламан. Фақат Менгина тавбаларни қабул қилгувчи, Раҳмлидирман.
- 161.** Куфр келтириб, кофир ҳолида ўлиб кетган кимсалар - ана ўшалар Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва одамларнинг - ҳамма-ҳаммасининг лаънатига дучор бўлгайлар.
- 162.** Унда абадий бўлурлар. Улардан азоб енгиллатилмасвауларганазарҳамсолинмас.
- 163.** Илоҳингиз ягона Аллоҳдир. Ундан - Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳдан ўзга ҳеч қандай (чин) илоҳ йўқдир.
- 164.** Албатта, осмонлару ернинг яратилишида, кечаю кундузнинг алмашиб туришида, одамларга манфаат ила денгизда юриб турган кемада, Аллоҳнинг осмондан сув тушириб, у билан ўлган ерни тирилтириши ва унда турли жондорларни таратишида, шамолларни йўналтиришида, осмону ер орасидаги итоатгўй булутда ақл юритувчи қавм учун белгилар бор.
- 165.** Одамлар орасида шундай кимсалар борки, улар ўзгаларни Аллоҳга тенг билиб, уларни Аллоҳни севгандек севадилар. Иймонли кишиларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари қаттиқроқдир. (Бундай) золимлар азобни кўрган пайтларида

бутун куч-қудрат Аллоҳники эканини ва Аллоҳнинг азоби қаттиқ азоб эканини билсалар эди.

166. У кунда пешволар эргашувчилардан тонадилар ва ҳаммалари азобни (ўз кўзлари билан) кўрадилар. (У кунда) баҳонаю сабаблар узилади.

167. Эргашувчилар: «Қанийди, яна бир карра (яшашнинг) иложи бўлса-ю, улар биздан тонганларидек, биз ҳам улардан тонсак», дейдилар. Шундай қилиб, Аллоҳ таоло уларнинг қилган амалларини ўзларига ҳасрат-надомат қилиб кўрсатади ва улар жаҳаннамдан чиқувчи эмаслар.

168. Эй одамлар! Ер юзидаги нарсалардан ҳалол-покларини енглар ва шайтон изидан эргашманглар, чунки у сизларга очик душмандир.

169. У сизларни фақат ёмонлик ва бузуқликка ҳамда Аллоҳ шаънида билмаган нарсаларингизни гапиришга буюради, холос.

170. Уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага эргашингиз», дейилса, улар: «Йўқ, биз оталаримизни нимада топсак, шунга эргашамиз», дерлар. Оталари ҳеч нарсага ақли етмаган ва ҳидоят топмаган бўлсалар ҳам-а?!

- 171.** Куфр келтирганлар мисоли худди қичқирик ва овоздан бошқа нарсани эшитмайдиганларга бақираётган одамга ўхшайди. Улар кар, соқов ва кўрдирлар. Улар ақл ишлатмаслар.
- 172.** Эй иймон келтирганлар! Сизларга ризқ қилиб берганимиз пок нарсалардан енглар ва Аллоҳга шукр қилинглар, агар Унгагина ибодат қиладиган бўлсангизлар.
- 173.** Албатта, У Зот сизларга фақат ўлимтикни, қонни, чўққанинг гўштини ва Аллоҳдан бошқа учун сўйилганни ҳаром қилди. Кимки мажбур бўлса-ю, зулм қилмай, ҳаддан ошмай (еса), унга гуноҳ бўлмас. Албатта, Аллоҳ Мағфиратли ва Раҳимлидир.
- 174.** Албатта, Аллоҳ китобда туширган нарсани беркитганларвауниозгина баҳога сотганлар, ана ўшалар қоринларига оловдан бошқа нарсани емаслар, уларга Аллоҳ қиёмат кунини гапирмас ва уларни покламас. Уларга аламли азоблар бор.
- 175.** Ана ўшалар ҳидоят ўрнига залолатни, мағфират ўрнига азобни сотиб олган кимсалардир. Жаҳаннам ўтига мунча сабр-тоқатли эканлар-а?
- 176.** Бунинг сабаби, албатта, Аллоҳ китобни ҳақ билан нозил қилди. Китоб хусусида ихтилоф қилганлар эса тубсиз тортишувдадирлар.
- 177.** Юзларингизни Машриқ ва Мағриб

томонларига бураверишингиз яхшилик эмас,балки Аллоҳга, Охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга иймон келтирган, ўзи яхши кўриб туриб молини қариндош-уруғларига,етим-есирларга,мискин-бечораларга, йўловчи-мусофирларга, тиланчи-гадоларга ва қулларни озод қилиш йўлида берадиган, намозни тўқисадо қилиб,закотни берадиган киши(нинг иймони) яхшиликдир. Аҳдлашганларида аҳдларига вафо қилгувчилар ва хусусан оғир-енгил кунларда ва жангу жадал пайтида сабр-тоқат қилгувчилар, ана ўшалар чин иймонли кишилардир ва ана ўшалар асл тақводорлардир.

178.Эй иймон келтирганлар! Сизга ўлдирилганлар учун қасос фарз қилинди: хурга хур, қулга қул, аёлга аёл. Кимга ўз биродаридан бир нарса афв этилса, бас, яхшилик ила сўралсин ва адо этиш ҳам яхшиликча бўлсин. Бу Парвардигорингиздан енгиллик ва раҳматдир. Ундан кейин ким душманлик қилса, унга аламли азоб бор.

179.Сизларга қасос олишда ҳаёт бор, эй ақл эгалари. Шоядки, тақводор бўлсангиз.

- 180.** Бировингизга ўлим келган пайтида мол-дунё қолдираётган бўлса, адолат билан ота-онага, қариндош-уруғга васият қилиш сизларга фарз этилди. Бундай васият қилиш Аллоҳдан кўрқувчилар устидаги бурчдир.
- 181.** Ким уни эшитганидан кейин ўзгартирса, гуноҳи фақат ўзгартирганларнинг бўйнида. Албатта, Аллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир.
- 182.** Ким васият қилгувчи томонидан бирон тойилиш ёки гуноҳ содир бўлишидан хавфсираб, ораларини ислоҳ қилиб қўйса, гуноҳкор бўлмайди. Албатта, Аллоҳ Кечиргувчи, Раҳмлидир.
- 183.** Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза тутиш фарз қилинди. Шоядки, тақводор бўлсаларингиз.
- 184.** (Рўза) санокли кунлардадир. Энди сизлардан бирор киши хаста ёки мусофир бўлса, уҳолда (рўза тутолмаган кунларининг) саногини бошқа кунларда тутди. Рўза тутишга қийналадиган кишилар бир мискиннинг бир кунлик таоми миқдорида эваз тўлашлари лозим. Бас, ким ўз ихтиёри билан зиёда яхшилик қилса, ўзига яхши. Агар билсангиз, рўза тутишингиз ўзингиз учун яхшироқдир.
- 185.** (У санокли кунлар) Рамазон ойидирки, бу

ойда одамлар учун ҳидоят бўлиб ҳамда ҳидоят ва фурқоннинг очик оятлари бўлиб Қуръон нозил қилинган. Бас, сизлардан ким бу ойда ҳозир (сафарга чиқмаган) бўлса, рўза тутсин. Ким хаста ёки мусофир бўлса, саноғини бошқа кунларда тутади. Аллоҳ сизларга енгилликни истайди, сизларга оғир бўлишини истамайди. Бу саноқни тўлдиришингиз ва ҳидоят қилгани сабабли Аллоҳни улуғлашингиз учундир. Шояд шукр қилсангиз.

186. Бандаларим сиздан Мен ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган дуогўйларнинг дуосини ижобат қиламан. Бас, улар ҳам Менга жавоб қил(иб, итоат эт)синлар ва Менга иймон келтирсинлар. Шояд, шунда тўғри йўлни топсалар.

187. Сизларга рўза кечасида хотинларингизга яқинлик қилиш ҳалол қилинди. Улар сизга либосдир, сиз уларга либосдирсиз. Аллоҳ сизнинг ўзингизга хиёнат қилаётганингизни билди, тавбангизни қабул қилди ва сизларни афв этди. Энди уларга яқинлашаверинг ва Аллоҳ сизга ёзган нарсани талаб қилинг. Тонг пайтида оқ ип қора ипдан ажрагунча еб-ичаверинг. Сўнгра рўзани кечгача тўкис адо этинг.

Масжидларда эътикофдалигингизда уларга яқинлик қилманг. Булар Аллоҳнинг чегараларидир, унга яқинлашманг. Аллоҳ одамларга Ўз оятларини шундоқ баён этадир. Шоядки, такво қилсалар.

188. Бир-бирларингизнинг молларингизни ботил йўл билан еманг. Билиб туриб одамларнинг молларидан бир қисмини ейишингиз учун ҳокимларга ботил даъвони ташламанг!

189. Сиздан ойлар ҳақида сўрашади. Айтинг, улар одамлар ва ҳаж учун вақт ўлчовларидир. Уйларингизга орқа томонидан киришингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳдан кўркқан киши яхшилик қилгувчидир. Уйларга эшикларидан кирингиз ва Аллоҳдан кўрқингиз! Шояд нажот топсангиз.

190. Сизларга қарши урушувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз ва тажовузкор бўлмангиз! Шубҳасиз, Аллоҳ тажовузкорларни севмайди.

191. Уларни топган ерингизда қатл қилинг ва сизларни чиқарган жойдан уларни ҳам чиқаринг. Фитна қатл этишдан ҳам ёмонроқдир. Масжидул-Ҳаром олдида сизга қарши жанг қилмагунларича, сиз ҳам жанг қилманг. Агар жанг қилсалар, бас, сиз ҳам жанг қилинг. Кофирларнинг жазоси шундай.

192. Агар тўхтасалар, албатта, Аллоҳ Мағфиратли ва Раҳмлидир.

- 193.** То фитна тугаб, бутун дин Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан жанг қилинг. Тўхтасалар, (тўхтанг). Зеро, золимлардан бошқасига душманлик қилинмас.
- 194.** Ҳаром ойга ҳаром ой. Ҳаром қилинган нарсаларда қасос бор. Ким сизга душманлик қилса, сиз ҳам унга шунга ўхшаш душманлик қилинг. Аллоҳдан кўрқинг ва билингки, албатта, Аллоҳ тақводорлар биландир.
- 195.** Аллоҳ йўлида сарфланг. Ўзингизни ҳалокатга ташламанг. Эҳсон қилинг, албатта, Аллоҳ эҳсон қилувчиларни хуш кўради.
- 196.** Аллоҳ учун ҳаж ва умрани тугал адо этинглар. Агар ушланиб қолсангизлар, муяссар бўлганича қурбонлик қилинглар. Қурбонлик ўз жойига етмагунча сочингизни олдирманглар. Сизлардан ким бемор бўлса ёки бошида озор берувчи нарса бўлса, рўза тутиш ёки садақа бериш ёхуд қурбонлик сўйиш ила тўлов тўласин. Агар тинч бўлсангизлар, ким ҳажгача умрадан фойдаланган бўлса, муяссар бўлган қурбонликни қилсин. Ким топмаса, уч кун ҳажда, етти кун қайтганингизда - ҳаммаси ўн кун тўлиқ рўза тутсин. Бу аҳли-оиласи Масжидул-Ҳаромда яшамайдиганлар учундир. Аллоҳдан тақво қилинглар ва билингларки, албатта, Аллоҳ азоби қаттиқ Зотдир.

- 197.** Ҳаж маълум ойлардир. Кимки уларда ўзига ҳажни фарз қилса, ҳажда шаҳвоний нарсалар, фисқ ва жанжал йўқдир. Нима яхшилик қилсангиз, Аллоҳ уни биладир. Озуқа олинг, энг яхши озуқа тақводир. Мендан қўрқингиз, эй ақл эгалари!
- 198.** Сизга Парвардигорингиздан фазлишташингизда гуноҳ йўқ. Арафотдан қайтиб тушганингизда Аллоҳни Машъарул-Ҳаромда зикр қилинг. Илгари адашганлардан бўлсангиз ҳам сизни ҳидоятга бошлагани учун Уни зикр қилинг.
- 199.** Сўнгра одамлар тушган томондан тушинглар ва Аллоҳга истиғфор айтинглар! Албатта, Аллоҳ Мағфиратли, Раҳмлидир.
- 200.** Маросимларингизни адо қилиб бўлгач, Аллоҳни аجدодларингизни эслагандек, балки ундан-да қаттиқроқ эсланглар! Одамлардан баъзилари, «Эй Парвардигор, бизга мана шу дунёда бергин», дейди. Унинг учун охиратда ҳеч қандай насиба йўқ.
- 201.** Ва улардан баъзилари: «Парвардигоро, бизга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилик ато қилгин ва бизни дўзах азобидан сақлагин», дейдилар.
- 202.** Ана ўшаларга қилган касбларидан насиба бор. Аллоҳ тез ҳисоб қилувчидир.

- 203.** Аллоҳни саноқли кунларда эсланг. Бас, ким икки кундан кейин шошилиб кетса, унга гуноҳ йўқ. Ким кечикиб қолса, унга ҳам гуноҳ йўқ. Тақво қилувчилар учун. Аллоҳдан кўрқинглар ва билингларки, сиз, албатта, Унга тўпланурсиз.
- 204.** Одамлар ичида дунё ҳаётидаги гапи сени ажаблантирадиганлари бор. У қалбидаги нарсага Аллоҳни гувоҳ ҳам қилади. Ҳолбуки, у ашаддий хусуматчидир.
- 205.** Наридан кетганда эса ер юзида бузғунчилик ҳамда экин ва наслни ҳалок қилиш йўлида югуриб-елади. Аллоҳ бузғунчилиқни хуш кўрмас.
- 206.** Агар унга: «Аллоҳдан кўрк», дейилса, уни кибру ҳавоси гуноҳга етаклар. Жаҳаннам унга етарлидир. Нақадар ёмон жой-а!
- 207.** Одамлар орасида Аллоҳ ризолиги йўлида ўз жонини берадиган зотлар ҳам бор. Аллоҳ бандаларига Меҳрибондир.
- 208.** Эй иймон келтирганлар! Исломга тўлиғича кириш ва шайтоннинг изидан эргашманг. Албатта, у сизга очик душмандир.
- 209.** Агар сизларга очик ҳужжатлар келганидан кейин ҳам тойилсангиз, билингизки, албатта, Аллоҳ Қудратли, Ҳикматли Зотдир.
- 210.** Улар фақат бир нарсани кутяптилар. Уларга булутдан бўлган соябон остида Аллоҳ ва фаришталар келади-да, иш тамом бўлади. Барча ишлар ёлғиз Аллоҳга қайтарилажак.

- 211.** Бани Исроилдан сўранг, уларга қанчалар очик мўъжизалар бердик экан! Ким Аллоҳнинг неъматини келганидан кейин уни ўзгартирса, бас, албатта, Аллоҳ жазоси қаттиқ Зотдир.
- 212.** Куфр йўлини тутган кимсалар учун дунё ҳаёти безаб қўйилди. Улар иймон эгаларининг устларидан куладилар. Ҳолбуки, қиёмат кунда тақводор зотлар улардан баланддир. Аллоҳ Ўзи истаган кишиларга ҳисобсиз ризқ беради.
- 213.** Одамлар бир миллат эдилар. Сўнг Аллоҳ хушхабар элтгувчи ва кўрқитувчи пайғамбарларини юборди ва уларга қўшиб одамлар орасида чиққан тортишувларга ҳакам бўлиши учун ҳақ китобни нозил қилди. Энди очик оятлар келганидан кейин айнан шу китоб берилган кимсалар ҳадларидан ошиб, талашиб-тортишдилар. Сўнгра Аллоҳ Ўз изни билан мўминларни улар ихтилоф қилган ҳақ йўлга йўллади. Аллоҳ Ўзи истаган кишиларни тўғри йўлга ҳидоят қилади.
- 214.** Ёки сизлардан олдин ўтган зотлар мисоли сизларга келмай туриб жаннатга киришни ўйладингизми? Уларга бало ва мусибатлар келиб, шундай ларзага тушган эдиларки, ҳатто пайғамбар ва иймонли кишилар: «Ахир қачон Аллоҳнинг ёрдами келади?» -деб қолишган эди. Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг

ёрдами яқиндир.

215. Сиздан нималарни эҳсон қилишни сўрайдилар. Айтинг: «Қандай яхшилик қилсангиз, ота-онага, қариндош-уруғга, етим-мискинларга ва йўловчи-мусофирларга қилингиз. Қандай яхшилик қилсангиз, шубҳасиз, Аллоҳ уни Билгувчидир».

216. Сизларга ёқмаса ҳам жанг қилишингиз фарз қилинди. Сизлар бир нарсани ёқтирмаслигингиз, аслида эса у сизларга яхши бўлиши мумкин. Сизлар бир нарсани ёқтиришингиз, аслида эса у сизларга ёмон бўлиши мумкин. Аллоҳ билади, сизлар билмайсизлар.

217. Сиздан уруш ҳаром бўлган ойда жанг қилиш ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «У ойда жанг қилиш катта гуноҳдир. Аллоҳнинг йўлидан тўсиш, Унга куфр келтириш ва Масжидул-Ҳаромдан тўсиш ва ундан аҳлларини қувиб чиқариш Аллоҳ наздида улуғроқ гуноҳдир. Фитна одам ўлдиришдан-да каттароқ гуноҳдир». Улар кўлларида келса, то динингиздан қайтаргунларича сизлар билан уришаверадилар. Сизлардан ким ўз динидан қайтиб, динсиз ҳолда ўлса, ундай кимсаларнинг қилган амаллари дунёю охирабда ҳабата бўлар. Улар дўзах эгаларидир ва унда абадий қолажаклар.

- 218.** Иймон келтирган, ҳижрат қилган ва Аллоҳ йўлида курашган зотлар - ана ўшалар Аллоҳнинг раҳматидан умидвордирлар. Аллоҳ Мағфиратли ва Раҳмли Зотдир.
- 219.** Сиздан ароқ ва қимор ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Буларда катта гуноҳ ва одамлар учун фойдалар бор. Гуноҳи фойдасидан каттароқдир». Сиздан нималарни эҳсон қилишни сўрайдилар. «Эҳтиёжингиздан ортганини», деб жавоб беринг! Аллоҳ сизларга оятларини мана шундай баён этади. Шоядки, тафаккур қилсангизлар.
- 220.** Дунё ва Охират ҳақида. Сиздан етимлар ҳақидасўрайдилар. Айтинг: «Уларни ислоҳ қилиш яхшидир. Агар (молларингизни) уларнинг (моллари) билан қўшиб юборсангиз (зарарийўқ). Зеро, улар биродарларингиздир». Аллоҳ ким бузғунчи, ким ўнгловчи эканини билади. Агар истаса, сизларни машаққатга солган бўлур эди. Албатта, Аллоҳ Азиз ва Ҳакимдир.
- 221.** Мушрика аёлларни иймон келтирмагунларича никоҳингизга олманг. Шубҳасиз, мўмина чўри мушрикадан - гарчи у сизга ёқса ҳам - яхшидир. Мушриклар иймонга келмагунларича, уларга (муслималарни) никоҳлаб берманг. Шубҳасиз, мўмин қул мушрикдан - гарчи у сизга ёқса

ҳам - яхшидир. Улар дўзахга чақирадилар. Аллоҳ эса Ўз изни ила жаннатга ва мағфиратга чақиради ҳамда одамларга Ўз оятларини баён қилади. Шоядки, улар эслатма олсалар.

222. Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «У ёқимсиз нарсадир. Бас, ҳайз пайтида аёлларингиздан четланингиз ва то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз! Пок бўлганларидан кейин уларга Аллоҳ буюрган тарафдан келингиз! Албатта, Аллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади».

223. Аёлларингиз экинзорларингиздир. Бас, экинзорингизга хоҳлаган тарафингиздан келинг. Ўзингиз учун (яхшилик) тақдим қилинг. Аллоҳдан кўрқинг ва билингки, албатта, Унгарўбарўкелувчисиз. Мўминларга хушхабар беринг.

224. Аллоҳга ичган қасамларингизни яхшилик қилиш, тақво қилиш ва одамлар орасини ислоҳ этишингизга тўсиқ қилманг. Аллоҳ Эшитувчи, Билувчидир.

225. Аллоҳ сизларнинг беҳуда қасамларингиз учун жазоламайди. Лекин қалбдан қилган ишингиз учун жазолайди. Аллоҳ Мағфиратли, Раҳмлидир.

226. Хотинларидан ийлаа (жинсий алоқа қилмасликка жазм) қилганлар учун кутиш тўрт ойдир. Агар қайтсалар, бас, албатта,

Аллоҳ Кечиргувчи, Раҳмлидир.

227. Агар талокни қасд қилган бўлсалар, бас, албатта, Аллоҳ Эшитувчи, Билувчи Зотдир.

228. Талок қилинган аёллар уч ҳайз муддатида ўзларини кузатадилар. Агар Аллоҳга ва Охират кунига ишонсалар, улар учун Аллоҳ бачадонларида яратган нарсани яширишлари ҳалол бўлмайди. Агар эрлари ислоҳни истасалар, шу муддат ичида уларни қайтариб олишга ҳақлидирлар. Уларнинг зиммаларидаги бурчларига яраша ҳуқуқлари ҳам бор. Ва эркаклар учун улар устида бир даража (имтиёз) бор. Аллоҳ Азиз ва Ҳакимдир.

229. Талок икки мартадир. Сўнгра, яхшиликча ушлаб қолиш ёки яхшиликча қўйиб юборишгина қолади. Сизларга уларга берган нарсангиздан бирор нарсани олиш ҳалол бўлмайди. Иккиси Аллоҳнинг чегараларида тура олмасликдан қўрқсалар, (бу ҳолат) мустасно. Бас, агар икковларининг Аллоҳнинг чегараларида тура олмаслигидан қўрқсангиз, хотин берган эвазда икковларига гуноҳ йўқдир. Манашулар Аллоҳнинг чегараларидир. Бас, улардан тажовуз қилманглар. Ким Аллоҳнинг чегараларидан тажовуз қилса, ана ўшалар золимлардир.

230. Бас, агар яна талок қилса, бундан кейин у аёл то бошқа эрга тегиб чиқмагунча унга

ҳалол бўлмас. Агар у ҳам талоқ қилса, агар Аллоҳнинг чегараларида туришга ишонсалар, бир-бирларига қайтсалар, гуноҳ бўлмас. Булар Аллоҳнинг биладиган қавмларга баён қилаётган чегараларидир.

231. Қачон хотинларингизни талоқ қилсангизлар ва уларнинг идда муддатлари битиб қолса, бас, уларни яхшилик билан олиб қолинг ёки яхшилик билан кузатинг. Уларга зулм қилиб, зарар етказиш учун ушлаб турманг. Ким шундай қилса, ўзига зулм қилибди. Аллоҳнинг оятларини ҳазилдеб билманглар! Аллоҳнинг сизларга берган неъматини ва сизларга ваъз-насиҳат этиб нозил қилган Китоб ва (ундаги) ҳикматдан иборат нарсани ёдингизда тутингиз! Аллоҳдан қўрқингиз ва билингизким, албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани Билгувчидир.

232. Қачон хотинларингизни талоқ қилсангизлар ва уларнинг идда муддатлари битиб қолса, бас, уларни ўзаро яхшилик билан келишишган бўлсалар, эрларига қайта никоҳланишдан тўсманг! Бу ҳукмлардан ораларингиздаги Аллоҳга ва Охират Кунига ишонадиган зотлар ваъз-насиҳат оладилар. Бу ҳукм сизлар учун энг тоза ва покловчи ҳукмдир. Аллоҳ билур, сизлар билмассиз.

233. Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар. (Бухукм) эмизишни бенуксон қилмоқчи бўлган кишилар учундир. Уларни яхшилик билан едириб-кийдириш отанинг зиммасидадир. Ҳечкимга тоқатидан ташқари нарса таклиф қилинмайди. Болалари сабабли ота ҳам, она ҳам зарар тортмасин. Меросхўр зиммасида ҳам худди шундай (бурч) бор. Агар ўзаро келишиб, маслаҳат билан болани сутдан ажратмоқчи бўлсалар, гуноҳкор бўлмайдилар. Агар болаларингизни (эмизувчи энагага) эмиздирмоқчи бўлсангиз, берадиган ҳақни яхшилик билан тўлаб турсангиз, сизларга гуноҳ йўқ. Аллоҳдан кўрқингиз ва билингизки, албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингизни Кўргувчидир.

234. Сизлардан вафот қилган кишилар хотинларини қолдирган бўлсалар, улар тўрт ою ўн кун кутиб турадилар. Муддатлари битса, улар ўзлари борасида яхшилик билан қилган ишларида сизлар учун гуноҳ йўқдир. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир.

235. У аёлларга совчиликни ишора қилишингизда ёки ичларингизда ўйлашингизда сизлар учун гуноҳ йўқ. Аллоҳ уларга (совчилик ҳақида) айтишингизни билди. Лекин улар билан

хуфёна ваъдалашмангиз!

Фақат яхши гаплар гапиришингиз
(жоиздир).

То идда муддати битмагунча никоҳ боғлашга
қасд қилманг! Ва билингки, албатта, Аллоҳ
ичларингиздагинарсани билади. Бас, Ундан
эҳтиёт бўлинг! Ва билингки, албатта,
Аллоҳ Мағфиратли, Ҳалимдир.

236. Агар хотинларингизни уларга тегинмай
туриб ёки улар учун маҳр белгиламай
туриб талок қилсангиз сизлар учун гуноҳ
йўқдир. Уларни бой борица, йўқ ҳолича
яхшилик қилиш билан фойдалантиринг!
(Бу ҳукм) яхшилик қилгувчилар зиммасига
бурч бўлди.

237. Агар уларни маҳрни белгилаб қўйган
ҳолингизда тегинишдан илгари талок
қилсангизлар, белгиланган маҳрнинг ярми
(зиммангиздадир). Улар кечиб юборса
ёки никоҳ қўлида бўлган киши кечса,
(бу ҳолат) мустасно. Кечиб юборишингиз
тақвога яқинроқ ишдир. Ўзаро бир-
бирларингизга фазлу карам қилишни
унутмангиз! Албатта, Аллоҳ қилаётган
амалларингизни Кўргувчидир.

238. Намозларни ва ўрта намозни муҳофаза
этинг. Аллоҳ учун хушуъ билан туринг.

239. Агар хавфда қолсангиз, юрган ва минган
ҳолингизда, хотиржам бўлганингизда эса.

Аллоҳ билмаган нарсангизни қандок ўргатган бўлса, Уни шундоқ зикр қилинг.

- 240.** Сизлардан вафот этганда жуфтларини қолдираётганлар хотинлари чиқмасдан бир йилгача фойдаланишини васият қилсинлар. Агар улар чиқсалар, ўзлари борасида яхшилик билан қилган ишларида сизга гуноҳ йўқ. Аллоҳ Азиз ва Ҳаким Зотдир.
- 241.** Талоқ қилинган аёлларни яхшилик билан фойдалантириш тақводор эрларнинг зиммасидаги бурчдир.
- 242.** Аллоҳ шундай қилиб сизларга Ўз оятларини баён этади. Шоядки, ақл ишлатсангизлар.
- 243.** Диёрларидан ўлимдан қочиб чиққан мингларча кишиларнинг (хабарини) билмадингизми?! Бас, Аллоҳ уларга: «Ўлинглар», деди. Сўнгра уларни тирилтирди. Албатта, Аллоҳ одамларга фазлу карамлидир. Лекин кўп одамлар шукр қилмаслар.
- 244.** Аллоҳнинг йўлида жанг қилинглари ва билинглари, албатта, Аллоҳ Эшитувчи ва Билгувчидир.
- 245.** Аллоҳга қарзи ҳасана (ихтиёрий қарз) берадиган ким борки, (Аллоҳ) унга бир неча баробар қилиб қайтарса. Ҳолбуки, (ризқингизни) тор ва кенг қиладиган Аллоҳдир ва Унга қайтарилажаксиз.

- 246.** Бани Исроилдан бўлган, Мусодан кейинги бир жамоатнинг хабарини билмадингизми? Улар ўзларининг пайғамбарларига: «Биз учун бир подшоҳ тайинлагин, Аллоҳ йўлида жанг қилайлик», дейишди. «Агар сизларга уруш фарз қилинса, эҳтимол урушмассиз?» - деди (пайғамбар). Улар айтдилар: «Диёримиздан ҳайдалиб, болаларимиздан (ажралиб) турибмиз-ку, нега Аллоҳ йўлида урушмас эканмиз?» Уларга уруш фарз қилинганда эса озгина кишидан ташқари ҳаммалари бош тортдилар. Аллоҳ золимларни билгувчидир.
- 247.** Пайғамбарлари уларга айтди: «Албатта, Аллоҳ сизларга Толутни подшоҳ қилиб тайинлади». «У қаёқдан бизга подшоҳлик қилсин, ахир биз подшоҳликка ундан ҳақлироқмиз-ку, қолаверса, унга кенг-катта мол-давлат ато қилинмаган бўлса», дейишди. Пайғамбар айтди: «Албатта, Аллоҳ уни сизларнинг устингизга сайлади ҳамда унга илмда ва жисмда қувватни зиёда қилди. Аллоҳ мулкини Ўзи истаган кишига беради». Аллоҳ (фазлу карами) кенг, Билгувчидир.
- 248.** Пайғамбарлари уларга айтди: «Унинг подшоҳ бўлиб сайланганлигининг аломати - сизларга бир сандиқ келишидирки, унда Парвардигорингиз томонидан

хотиржамлик ҳамда Мусо ва Ҳорун оилаларидан қолган мерос жо қилинган бўлиб, фаришталар кўтариб келадиладар. Агар чиндан иймон эгалари бўлсангиз, шубҳасиз, бу воқеада сизлар учун оят-аломат бордир».

249. Толут аскарлари билан чиққач, деди: «Аллоҳ сизларни бир дарё билан синайди. Ким ундан ичса, мендан эмас ва ким ичмаса, мендандир. Ким қўли билан фақат бир ҳовучгина олса, майли». Бас, у дарёдан озгиналаридан бошқа ҳаммалари ичдиладар. У иймон келтирган кишилар билан бирга дарёдан ўтгач, (аскарлар) айтдиладар: «Энди бу кун Жолут ва унинг лашкарларига кучимиз етмайди». (Шунда) Аллоҳга рўбарў бўлишларига ишонадиган зотлар: «Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган. Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир», дедиладар.

250. Жолут ва унинг лашкарига рўбарў келганларида шундай дедиладар: «Парвардигоро, устимиздан сабру тоқат ёғдир, қадамларимизни собит қил ва бизни бу кофир қавм устидан ғолиб қил!»

251. Бас, Аллоҳнинг изни билан уларни енгдиладар. Довуд Жолутни ўлдирди. Аллоҳунга подшоҳлик ва ҳикмат - пайғамбарлик ато этди ҳамда Ўзи хоҳлаган нарсаларидан таълим берди.

Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб турмаса, шубҳасиз, ер фасодга дучор бўларди. Лекин Аллоҳ барча оламларга фазлу карамли Зотдир.

252. Булар Аллоҳнинг оятларидир. Уларни Сизга ҳаққирост тиловат қилмоқдамиз. Сиз, шак-шубҳасиз, пайғамбарлардансиз.

253. Ўша пайғамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик. Улардан Аллоҳ сўзлашгани ҳам бор. Айримларини эса бир неча даражаларга кўтариб қўйган. Марям ўғли Ийсога ҳужжатлар бердик ва уни Рухул-Қудс (Жаброил) билан қўллаб-қувватладик. Агар Аллоҳ хоҳлаганда улардан кейин ўтган одамлар ҳужжатлар келганидан кейин уришишмаган бўлардилар. Аммо улар ихтилоф қилдилар. Улардан кимдир иймон келтирди, кимдир куфр келтирди. Аллоҳ хоҳлаганида, урушмас эдилар. Лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишини қилади.

254. Эй мўминлар, олди-сотди ҳам, ошна-оғайнигарчилик ҳам, шафоат - қўллов ҳам бўлмайдиган Кун келишидан олдин сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимиздан сарфланглар! Кофирлар - ана ўшалар золимлардир.

255. Аллоҳ. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Тирикдир ва Қайюмдир. Уни мудроқ ҳам, уйқу ҳам олмас.

Осмонлару ердаги нарсалар Уникидир. Унинг ҳузурида Ўзининг изнисиз ҳеч ким шафоат қила олмас. У уларнинг олдиларидаги нарсани ҳам, ортларидаги нарсани ҳам билур. Унинг илмидан ҳеч нарсани ихота қила олмаслар. Ўзи истагани бундан мустасно. Унинг курсиси осмонлару ерни қамраган. У уларни муҳофаза қилишдан чарчамас. У энг Юксак ва Буюкдир.

256. Динда мажбурлаш йўқ. Ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди. Бас, ким шайтондан юз ўгириб, Аллоҳга иймон келтирса, у ҳеч ажраб кетмайдиган мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Аллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир.

257. Аллоҳ иймон келтирганларнинг дўстидир. Уларни зулматлардан нурга чиқаради. Куфр келтирганларнинг дўстлари шайтонлардир. Уларни нурдан зулматларга чиқарадилар. Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.

258. Аллоҳ подшоҳлик берганидан ҳовлиқиб, Иброҳим билан Парвардигори ҳақида талашган кимсани кўрмадингизми? Иброҳим: «Парвардигорим тирилтириб, ўлдирадиган Зотдир», деганида, у: «Мен (ҳам) тирилтираман ва ўлдираман», деди. Иброҳим айтди: «Албатта, Аллоҳ қуёшни Машрикдан чиқаради. Сен уни Мағрибдан чиқаргин-чи?»

Шунда бу кофир довдираб қолди.

Аллоҳ золим кимсаларни ҳидоят қилмайди.

259. Ёки бир одам ҳақидаги қиссани (билмадингизмики), у томлари йиқилиб, ҳувиллаб қолган бир қишлоқдан ўтаркан: «Аллоҳ бунни қандай тирилтирар экан-а?» - деди. Шунда Аллоҳ уни юз йил муддатга ўлдирди. Сўнгра тирилтириб сўради: «Қанча муддат турдинг?» «Бир кун ё ярим кун», деди у. Аллоҳ деди: «Йўқ, юз йил турдинг. Таом ва ичимлигингга қара - бузилган эмас. Энди эшагингга қара (чириб, суяклари ажраб кетган). (Бу ҳодисани Аллоҳнинг қудратини кўрсатиш) ва сени одамлар учун оят - ибрат қилиш учун (келтирдик). Бу суякларни қандай тиклаб, сўнг уларни гўшт билан қоплашимизни кўргин». Қачонки унга бу нарсалар аниқ кўрингач: «Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсага Қодир эканини биламан», деди.

260. Эсланг, Иброҳим: «Парвардигорим, менга ўликларни қандай қилиб тирилтиришингни кўрсат», деганида, Аллоҳ: «Ишонмаганмидинг?» - деди. Иброҳим айтди: «Йўқ, ишонгандим, лекин дилим яна ҳам таскин топиши учун». Аллоҳ айтди: «Тўртта қушни олиб, ўз олдингга тўплагин, кейин ҳар бир тоғнинг устига уларни бўлак-бўлак қилиб қўйгин вашундан сўнг уларни чақиргин, сенинг олдингга

дарҳол келадилар. Билгинки, Аллоҳ шубҳасиз, Қудратли ва Ҳикматлидир».

261. Молларини Аллоҳнинг йўлида сарфлайдиганларнинг мисоли худди бир дона донга ўхшайди. Ундан етти бошок ўсиб чиқади. Ҳар бошокда юзтадан дон бор. Аллоҳ хоҳлаган бандасига кўпайтириб беради. Аллоҳ (фазлу карами) кенг, Билгувчидир.

262. Аллоҳнинг йўлида молларини сарфлаб, ортидан берган нарсаларига миннат қилмайдиган ва озор бермайдиганларнинг ажрлари Парвардигорлари ҳузуридадир. Уларга хавф йўқ ва улар хафа ҳам бўлмаслар.

263. Ортидан озор келадиган садақадан кўра яхши гап ва кечириш яхшироқ. Аллоҳ Беҳожат ва Ҳалимдир.

264. Эй мўминлар, молини одамларга кўрсатиш учун (риё қилиб) берадиган, Аллоҳга ва Охират кунига ишонмайдиган кимсага ўхшаб, берган садақаларингизни миннат ва озор билан йўққа чиқарманг! Зеро, у худди бир устини чанг-тупроқ қоплаб олган силлиқ тошга ўхшайди. Унга шаррос ёмғир қуйса, силлиқлигича қолади. Ундайлар касб қилиб топган нарсаларидан ҳеч нарсага эга бўлмайдилар.

Аллоҳ кофир қавмни ҳидоят қилмайди.

265. Молларини Аллоҳнинг ризолигини истаб ва дилларида мустаҳкам ишонч билан сарф қиладиган зотлар эса худди адирликдаги шаррос қуйган ёмғир теккач, ҳосилини икки баробар қилиб берган боққа ўхшайдилар. Эндигарчиунгашарросқуйган ёмғиртегмаса ҳам, майдалаб ёққан ёмғир ҳам кифоя қилаверади. Аллоҳ қилаётган амалингизни кўргувчидир.

266. Сизлардан бирон тангизостидан анҳорлароқиб турадиган, хурмолари, узумлари бор, турли хил меваларга тўла боғи бўлиб, кексайиб нимжон болалари билан қолган пайтида ўша боғини ўтли бўрон уриб, ёниб битишини истайдими? Аллоҳ сизларга ўз оятларини мана шундай баён қилади. Шоядки, тафаккур қилсангизлар.

267. Эй мўминлар, ҳалолдан касб қилиб топган нарсаларингиздан ва Биз сизлар учун ердан чиқариб берган нарсалардан сарфланглар! Эҳсон қилишга нопокларини танламангиз! (Нопоклар)ки, уни кўз юммасдан ола билмассиз. Билингизки, албатта, Аллоҳ Беҳожат ва ҳамду сано эгаси бўлган Зотдир.

268. Шайтон сизларни камбағал бўлиб қолишингиздан кўрқитади ва фаҳшишларга буюради. Аллоҳ сизларга Ўз тарафидан мағфират ва фазлу карам ваъда қилади.

Аллоҳ (фазлу карами) кенг ва Билгувчидир.

269. У Ўзи истаган кишиларга ҳикмат беради. Кимга ҳикмат берилган бўлса, бас, унга кўп яхшилик аниқ берилибди. Фақат аҳли донишларгина эслатмага қулоқ соладилар.

270. Сарфлаган ҳар бир нафақангиз ва назр қилган ҳар бир назрингизни, албатта, Аллоҳ билади. Золимлар учун ҳеч қандай ёрдамчи йўқдир.

271. Садақаларни ошкора берсангиз, жуда яхши. Яширин тарзда фақир-камбағалларга берсангиз, ўзингиз учун янада яхшироқдир. Гуноҳларингизга каффорат бўлади. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.

272. Уларни ҳидоят қилиш Сизнинг зиммангизда эмас. Балки Аллоҳ Ўзи истаган кишиларни ҳидоят қилади. Қандай яхшилик қилсангизлар, бас, ўзингиз учундир. Фақат Аллоҳ юзини истаб эҳсон қилган бўлсангиз. Қилган ҳар бир яхшилигингиз-эҳсонингиз ўзингизга тўла қайтарилади ва сизлар зулм қилинмайсизлар.

273. (Садақалар) Аллоҳнинг йўлида тўсиққа учраган, бирор ерга бора олмайдиган, қаноатлари сабабли билмаган одамга бой-бадавлат бўлиб кўринадиган фақирлар учундир. Уларнинг фақирликларини сиймоларидан билиб оласиз. Улар тиланиб туриб олмайдилар, қандай яхшилик қилсангиз,

бас, албатта, Аллоҳ уни Билгувчидир.

274. Мол-давлатларини кечаю кундуз, яширин ва ошкора эҳсон қиладиган зотлар учун Парвардигорларининг ҳузурида улуғ ажр бор. Улар учун ҳеч қандай хавфу хатар йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар.

275. Судхўр бўлган кимсалар турмайдилар, магар жин чалган мажнун каби турадилар. Бунга сабаб уларнинг: «Савдо ҳам судхўрликнинг ўзи-ку?» - деганларидир. Ҳолбуки, Аллоҳ савдони ҳалол, судхўрликни ҳаром қилган. Бас, кимга Парвардигоридан насихат етгач, тўхтаса, ўтгани ўзига ва унинг иши Аллоҳга (ҳавола). Ким (судхўрликка) қайтса, ўшалар жаҳаннам эгаларидир ва унда абадий қолажаклар.

276. Аллоҳ судхўрликнинг (фойдасини) йўқ қилади ва садақаларнинг (фойдасини) зиёда қилади. Аллоҳ ҳар қандай кўрнамакни ва жинойтчини севмайди.

277. Албатта, иймон келтирган, яхши амаллар қилган вана мазнун тўқиса доқилиб, закотни берган зотлар учун Парвардигорлари ҳузурида ажр бор. Улар учун ҳеч қандай хавф йўқ ва улар ғамгин бўлмайдилар.

278. Эй мўминлар, Аллоҳдан кўрқингиз ва агар чиндан мўмин бўлсангиз, судхўрлик сарқитларини тарк қилингиз.

- 279.** Шундай қилмасангиз, у ҳолда Аллоҳ ва пайғамбари томонидан бўладиган урушга аниқ ишонаверинг. Агар тавба қилсангиз, дастмоянгиз ўзингизга - золим ҳам, мазлум ҳам бўлмайсиз.
- 280.** Ночор бўлса, бойигунча кутинг! Агар билсангизлар, садақа қилиб юборишингиз ўзингиз учун яхшироқдир.
- 281.** Аллоҳга қайтариладиган кундан кўрқингиз! Сўнгра ҳар бир жонга қилган амалининг жазо ёки мукофоти тўла берилади ва ҳеч кимга зулм қилинмайди.
- 282.** Эй мўминлар, бир-бирларингиз билан қарз муомаласини қилсангиз, ёзиб қўйинглар! Ораларингизда бир котиб адолат билан ёзсин! Ҳеч бир котиб Аллоҳ билдирганидек ёзишдан бош тортмасин. Ёзсин! Зиммасида қарзи бўлган киши ёздирсин, Парвардигори Аллоҳдан кўрқсин ва ундан бирон нарсани камайтирмасин! Агар зиммасида қарзи бўлган киши ақлсиз ё ожиз бўлса ёки ёздиришга қодир бўлмаса, унинг ҳомий вакили адолат билан ёздирсин! Ва сизлар рози бўладиган гувоҳлардан икки эркак кишини, агар икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёлни - бири унутиб адашса, яна бири унга эслатади - гувоҳ қилинглари! Гувоҳлар чақирилганда бош тортмасинлар!

Хоҳ катта, хоҳ кичик қарз бўлсин, муддати келгунича ёзиб қўйишдан эринманглар. Мана шу Аллоҳ наздида адолатлироқ, гувоҳлик учун тўғрироқ ва шак-шубҳа қилмасликка яқинроқдир. Лекин агар ораларингизда юргизиб турган нақд савдо бўлса, уни ёзмасангиз ҳам сизлар учун гуноҳ йўқдир. Бир-бирингиз билан савдо қилганда гувоҳ келтиринг! Котибга ҳам, гувоҳга ҳам зарар етмасин. Шундай қилмасангиз, албатта, бу фосиқлигингиздир. Аллоҳдан кўрқингиз! Аллоҳ сизларга билдиради. Аллоҳ ҳамма нарсани Билгувчидир.

283. Агар сафарда бўлсангиз ва котиб топа олмасангиз, қўл билан тутгудек бирон нарсани гаровга олинг! Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз, омонат қўйилган киши омонатини адо этсин ва Парвардигори - Аллоҳдан кўрқсин! Гувоҳликни яширмангиз! Ким уни яширса, бас, албатта, унинг қалби осийдир. Аллоҳ қилаётган амалингизни билгувчидир.

284. Осмонлару ердаги ҳамма нарса Аллоҳникидир. Ичингиздаги нарсани хоҳ ошкор қилинг, хоҳ яширинг, Аллоҳ сизларни ўша нарса билан ҳисоб-китоб қилади ва Ўзи истаган кишини мағфират қилиб, Ўзи истаган кишини азоблайди.

Аллоҳ ҳамма нарсага қодирдир.

285. Пайғамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсага иймон келтирди ва мўминлар ҳам. Ҳаммалари Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайғамбарларига иймон келтирдилар (ва дедилар): «Унинг пайғамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз». Яна дедилар: «Эшитдик ва итоат этдик. Парвардигоро, Сендан мағфират қилишингни сўраймиз. Ва фақат Ўзингга қайтажакмиз».

286. Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ортиқ нарсани юкламайди. Қилган (яхши) амали ўзининг фойдасигадир ва (ёмон) амали ўзининг зараригадир. Парвардигоро, агар унутган ёки хато қилган бўлсак, бизни азобингга гирифтор айлама! Парвардигоро, гарданимизга биздан олдин ўтганларнинг бўйинларига қўйган юкингни юклама! Парвардигоро, бизни тоқатимиз етмайдиган нарсага зўрлама! Бизни афв эт, мағфират қил, бизга раҳм айла! Ўзинг Хожамизсан! Бас, кофир қавм устидан Ўзинг бизни ғолиб қил!

 Оли Имрон сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Алиф. Лом. Мим.
2. Аллоҳ. Ундан ўзга илоҳ йўқ. (У) тирик ва абадий тургувчидир.
3. УзотСизгаўзиданаввалгиларнитасдиқловчи бўлган бу Китобни ҳақ билан нозил қилди. Таврот ва Инжилни ҳам туширди.
4. Ундан олдин одамларни ҳақ йўлга ҳидоят қилиш учун. (Энди эса) Фурқонни нозил қилди. Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганларга қаттиқ азоб бордир. Аллоҳ Қудратли ва интиқом Соҳибидир.
5. Албатта, Аллоҳга еру кўкдаги бирон нарса махфий эмас.
6. У сизларни бачадонларда Ўзи хоҳлаган суратга соладиган Зотдир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Азиз ва Ҳаким Зотдир.
7. У сизга китоб нозил қилган Зотдирки, унда шу китобнинг асли бўлган муҳкам оятлар ҳам ва бошқа муташобих (ўхшаш маъноларни англатувчи) оятлар ҳам бор. Дилларида тойилиш бўлган кимсалар фитнага солиш ва (хато) таъвил қилиш учун унинг муташобих оятларига эргашади.

Ҳолбуки, ундай оятларнинг таъвилини ёлғиз Аллоҳгина билур. Илмда собитқадам бўлган кишилар эса: «Унга иймон келтирганмиз. Ҳамма оятлари Парвардигоримиз ҳузуридандир», дейдилар. Ақллиларгина панд-насихат олурлар.

8. «Парвардигоро, бизни ҳидоят қилганингдан кейин дилларимизни ҳақ йўлдан оғдирмагинва бизга Ўз ҳузурингдан раҳмат ато этгин! (Барча яхшиликларни) ато этгувчи фақат Ўзингдирсан!»
9. «Парвардигоро, албатта, Сен одамларни келишига шубҳа йўқ бир кунга тўплагувчисан. Албатта, Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмагай!»
10. Куфр йўлини тутган кимсаларнинг моллари ҳам, болалари ҳам уларни Аллоҳнинг азобидан қутқара олмайди. Улар дўзахнинг ўтинларидир.
11. худди Фиръавн одамлари ва улардан аввал ўтган кофирлар аҳволи кабидирки, бизнинг оятларимизни ёлғон дейишгач, Аллоҳ уларни гуноҳлари билан ушлаб азоблади. Аллоҳ азоби қаттиқ Зотдир.
12. Куфр келтирганларга айтинг: «Шак-шубҳасиз, мағлуб бўлажаксиз ва жаҳаннамга тўпланажаксиз. У нақадар ёмон жой!»

13. Сизлар учун бири Аллоҳ йўлида жанг қилган, иккинчиси кофир бўлган икки гурух орасидаги тўқнашувда ибратли ҳодиса бўлган эди. Улар (мусулмонлар) ўз кўзлари билан (кофирларнинг) икки баробар кўп эканини кўриб турар эдилар. Аллоҳ эса Ўзи истаган кишиларни ғолиб қилиш билан қўллаб-қувватлайди. Албатта, бу воқеада фикр эгалари учун ибрат бордир.
14. Одамларга аёллар, болалар, туганмас олтин-кумуш бойликлар, қимматбаҳо отлар, чорва ва экинлар каби истакларга кўнгил қўйиш чиройли қилиб кўрсатилди. Ҳолбуки, бу нарсалар ҳаёти дунёнинг нарсаларидир. Энг яхши қайтадиган жой эса Аллоҳ ҳузуридадир.
15. Айтинг: «Сизларга булардан яхшироқ нарса ҳақида хабар берайми? Тақво қилганлар учун Парвардигорлари ҳузурида остидан анҳорлар оқиб турадиган боғлар бор. Ўша ерларда абадий қоладилар. Покиза жуфтлар ва Аллоҳнинг ризолиги (ҳам) бор. Аллоҳ бандаларини (мудом) Кўргувчидир».
16. Улар: «Парвардигоро, биз Сенга иймон келтирганмиз, Ўзинг гуноҳларимизни мағфират айла ва бизни жаҳаннам азобидан асра», дейдилар.
17. Улар сабрли, иймонларида содиқ, ибодатли, эҳсонкор бўлган ва саҳарларда

- 18.** Аллоҳ адолат билан иш қилиб, Ўзидан ўзга илоҳ йўқлигига гувоҳлик берди. Фаришталар ва илм эгалари ҳам. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У Азиз ва Ҳакимдир.
- 19.** Аллоҳ наздида мақбул дин Исломдир. Аҳли китоблар ўзларига ҳужжат келганидан кейин фақат ўзаро ҳасад-адоват қилганлари сабаблигина талашиб-тортишдилар. Ким Аллоҳнинг оятларига кофир бўлса, бас, албатта, Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилгувчи Зотдир.
- 20.** Агар сиз билан тортишсалар: «Мен юзимни Аллоҳга таслим этдим ва менга эргашганлар ҳам», деб айтинг. Китоб берилганларга ва саводсизларга: «Исломга кирдингизми?» - деб айтинг. Исломга кирсалар, демак, ҳидоят топибдилар. Юз ўгирсалар, сизнинг зиммангизда етказиш, холос. Аллоҳ бандаларни кўриб турувчидир.
- 21.** Аллоҳнинг оятларини инкор қиладиган, пайғамбарларни ноҳақ ўлдирадиган ва одамлар орасидаги адолатга чақирадиган зотларни ўлдирадиган кимсаларга, албатта, аламли азоб «хушхабар» ини етказинг!
- 22.** Уларнинг қилган амаллари дунёю охирада беҳуда кетар ва улар учун бирор ёрдамчи йўқдир.
- 23.** Китобдан насибадор бўлганларни кўрмайсизми?! Уларга ҳакамлик қилиши

учун Аллоҳнинг китобига чақирилганларида улардан бир гуруҳи юз ўгириб бурилиб кетадилар.

- 24.** Бунга сабаб уларнинг: «Бизга фақат санокли кунлардагина дўзах ўти тегеди», дейишларидир. Ўзлари тўқиган бу ёлғонлари уларни динларидан оздириб қўйди.
- 25.** Энди уларни ҳеч шубҳасиз келадиган кунга тўплаганимизда ва ҳар бир жонга зулм қилинмасдан қилган амаллари учун тўла жазо-мукофот берилганда қандай бўларкин?!
- 26.** Айтинг: «Эймулку давлатэгасибўлган Аллоҳ, Сен истаган кишингга мулк ато қилурсан ва истаган кишингдан бу мулкни тортиб олурсан, истаган кишингни азиз қилурсан ва истаган кишингни хор қилурсан. Бор яхшилик ёлғиз Сенинг қўлингдadir. Албатта, Сен барча нарсага Қодирсан!»
- 27.** (Айтинг): «Кечани кундузга киритурсан ва кундузни кечага киритурсан, ўликдан тирикни чиқарурсан ва тирикдан ўликни чиқарурсан ҳамда истаган бандангга беҳисоб ризқ берурсан».
- 28.** Мўминлар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмасинлар. Ким шундай қилса, бас, унга Аллоҳдан ҳеч нарса йўқ. Магар улардан сақлансангиз, Аллоҳ сизларни Ўз (азоб)идан

огоҳ қиладир. Ва қайтиб бориш Аллоҳнинг Ўзигадир.

- 29.** Айтинг: «Дилларингиздаги нарсани хоҳ яширинг, хоҳ ошкор қилинг, Аллоҳ билур. (У Зот) осмонлару ердаги бор нарсани билур. Аллоҳ ҳамма нарсага Қодирдир».
- 30.** Ҳар бир жон ўз қилган яхши амалларини ҳозир нозир ҳолда кўрадиган, ёмон амалларининг эса олис-олисларда қолиб кетишини истайдиган кунни (эсланглар)! Аллоҳ сизларни Ўзининг (азобидан) огоҳ қилур. Аллоҳ бандаларига Меҳрибондир.
- 31.** Айтинг: «Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни кечиради. Аллоҳ Кечиргувчи, Меҳрибондир».
- 32.** Айтинг: «Аллоҳ ва пайғамбарга итоат қилингиз!» Агар юз ўғирсалар, бас, албатта, Аллоҳ кофирларни севмас.
- 33.** Албатта, Аллоҳ Одам ва Нухни ҳамда Иброҳим хонадонини ва Имрон хонадонини бутун оламлардан танлаб олди.
- 34.** Баъзилари баъзиларига зурриётдир. Аллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир.

35. Имроннинг хотини: «Эй Парвардигорим! Албатта, мен қорнимдагини Ўзингга холис назр қилдим. Бас, мендан қабул эт. Албатта, Сен Эшитгувчи, Билгувчи Зотсан», деганини эсланг.
36. Кўзи ёригач эса: «Парвардигорим, мен қиз туғдим», деди. Холбуки, Аллоҳ унинг нима тукқанини билгувчироқдир ва ўғил қиздек эмас. «Ва мен унга Марям деб исм қўйдим. Мен бу қизга ва унинг зурриётига даргоҳингдан қувилган шайтоннинг ёмонлигидан паноҳ беришингни Сендан илтижо қиламан».
37. Бас, Парвардигори уни хуш қабул айлаб, чиройли парвариш этди ва унга Закариёни кафил қилди. Ҳар қачон Закариё унинг олдида кирганида унинг ҳузурида бир ризқни кўриб: «Эй Марям, бу нарсалар сенга қаёқдан келди?» - деб сўраганида (Марям) шундай жавоб қилди: «Булар Аллоҳ ҳузуридан дир. Албатта, Аллоҳ Ўзи истаган бандасига беҳисоб ризқ берур».
38. Ўшанда Закариё Парвардигорига дуо қилиб деди: «Парвардигорим, менга ҳам Ўз ҳузурингдан бир покиза фарзанд ато эт! Албатта, Сен дуо-илтижоларни Эшитгувчисан».
39. Сўнг меҳробда намоз ўқиб турган вақтида унга фаришталар нидо қилдилар: «Аллоҳ сенга Аллоҳнинг

сўзини тасдиқ этадиган, хожа бўладиган, (шаҳватлардан ўзини) тиядиган ва солих пайғамбарлардан бўладиган Яҳё исмли фарзанд ҳақида хушхабар берур».

- 40.** «Парвардигорим, менга кексалик етган, хотиним эса туғмас бўлса, мендан қандай фарзанд бўлсин?» - деди (Закариё). (Аллоҳ) айтди: «Шундай, Аллоҳ истаган ишини қилур».
- 41.** «Парвардигорим, мен учун бирон белги қилсанг», деди у. Аллоҳ айтди: «Сенга белги шуки, уч кун одамларга фақат имо-ишора билангина «гапирасан». Парвардигорингни мудом ёд қил ва туну кун У зотни поклаб ибодат қил!»
- 42.** Эсланг! Фаришталар Марямга дедилар: «Эй Марям, албатта, Аллоҳ сени танлаб олди ва поклади ҳамда сени бутун оламларнинг аёлларидан афзал қилди».
- 43.** «Эй Марям, Парвардигорингга итоат қил ва рукуъ қилгувчилар билан бирга сажда ва рукуъ қил!»
- 44.** Ғайб хабарларидан бўлган бу хабарни сизга Биз ваҳий қилмоқдамиз. Ҳолбуки, Сиз улардан қайсилари Марямга кафил бўлишини билиш учун қаламларини (қуръа қилиб) ташлаганларида уларнинг олдида эмасдингиз ва талашиб-тортишганларида ҳам уларнинг олдида эмасдингиз.

«Эй Марям, албатта, Аллоҳ сенга Ўзидан бўлган Сўзнинг башоратини бермоқда, унинг исми Масих Ийсо ибн Марям, бу дунёю охиратда обрўли ва яқин бандалардандир».

46. «У одамларга гўдаклик пайтида ҳам, вояга етган чоғида ҳам гапирур. Ўзи солих бандалардандир»..

47. У: «Парвардигорим, менга башар қўл теккизмаган бўлса, қандай қилиб болам бўлади?!» - деди. У Зот: «Шундай, Аллоҳ хоҳлаганини қилади. Бир ишни ирода қилса, унга «Бўл!» дейди, бас, у бўлади», - деди.

48. Унга ёзишни, ҳикматни, Таврот ва Инжилни ўргатади.

49. Уни Бани Исроилга пайғамбар қилади (ва у дейди): «Мен сизларга Парвардигорингиздан оят-далил келтирдим: Мен сизларга лойдан қуш тимсолини ясаб, унга пуфласам, у Аллоҳнинг изни ила ҳақиқий қуш бўлади. Кўр, пес касалларини тузата оламан ва Аллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтираман ҳамда сизларга ейдиган ва уйларингизда сақлайдиган нарсаларингизни айтиб бера оламан. Агар мўмин бўлсангизлар, албатта, бу ишларда сизлар учун аниқ оят-далиллар бордир».

50. «(Мен) сизларга ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқловчи бўлган ҳолда, сизлар учун ҳаром қилинган айрим нарсаларни ҳалол қилиш учун

(келдим). Сизларга Парвардигорингиздан оят-далил келтирдим. Бас, Аллоҳдан кўрқингиз ва менга итоат қилингиз.

- 51.** Албатта, Аллоҳ менинг Роббим ва сизнинг Роббингиздир. Бас, Унга ибодат қилинг. Мана шу тўғри йўлдир», (деди).
- 52.** Ийсо улар томонидан куфрни кўргач: «Аллоҳнинг динига даъват қилишимда ким менга ёрдамчи бўлур?» - деди. Хаворийлар айтдилар: «Биз Аллоҳнинг (динига) ёрдам бергувчилармиз. Аллоҳга иймон келтирдик. Гувох бўлгинки, биз Аллоҳга бўйсунгувчилармиз.
- 53.** Парвардигоро, нозил қилган нарсангга ишондик, пайғамбарингга эргашдик. Бас, бизни гувохлик берувчилар қаторига ёзгин!»
- 54.** Макр қилдилар. Аллоҳ ҳам «макр» қилди. Аллоҳнинг «макри» ўткирроқдир.
- 55.** Аллоҳ: «Эй Ийсо, мен сени вафот қилдирувчи ва Ўзимга кўтарувчиман ҳамда куфр келтирганлардан сени покловчиман ва қиёмат кунигача сенга эргашганларни куфр келтирганлардан устун қилгувчиман. Сўнгра, қайтиш жойингиз Ўзимга, бас, ихтилоф қилган нарсаларингиз бўйича орангизда Ўзим ҳукм чиқарурман», деганини эсланг!
- 56.** Бас, куфр келтирганларни бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам шиддатли азоб ила азоблайман. Уларга ёрдам берувчилар йўқдир.

57. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилганларнинг эса (Аллоҳ) ажрини тўлик беради. Аллоҳ золимларни хуш кўрмайди.
58. Сизга тиловат қилаётганимиз бу қисса Аллоҳнинг оятлари ва ҳикматли эслатмаларидандир.
59. Албатта, Аллоҳнинг наздида Ийсонинг мисоли худди Одамнинг мисолига ўхшайди. Уни тупроқдан яратиб, сўнгра унга «Бўл!» деди, бас, у бўлди.
60. (Бу) Парвардигорингиз томонидан бўлган ҳақ сўздир. Бас, шубҳа қилгувчилардан бўлманг!
61. Сизга келган илмдан кейин ким сиз билан у ҳақда тортишса: «Келинглари, ўғилларимизни ва ўғилларингизни, аёлларимизни ва аёлларингизни, ўзимизни ва ўзингизни чақирамиз-да, сўнгра «ёлғончиларга Аллоҳнинг лаънати бўлсин!» - дея дуо қилишамиз», деб айтинг.
62. Албатта, бурост қиссадир. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Албатта, Аллоҳнинг Ўзигина Қудратли ва Ҳикматлидир.
63. Агар юз ўғирсалар, бас, албатта, Аллоҳ бузғунчиларни Билгувчидир.
64. Айтинг: «Эй аҳли китоб, бизга ҳам, сизга ҳам баробар бўлган бир сўзга келингиз - ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилайлик, Унга ҳеч нарсани шерик қилмайлик ва бир-бировларимизни Аллоҳдан ўзга

парвардигор қилиб олмайлик. Агар улар ушбу даъватдан юз ўгирсалар, у ҳолда сизлар: «Гувоҳ бўлингларки, биз мусулмонлар ягона Аллоҳга итоат қилгувчилармиз», деб айтингиз!

- 65.** Эй аҳли китоблар, нимага Иброҳим ҳақида талашасизлар. Ҳолбуки, Таврот ҳам, Инжил ҳам ундан кейин тушган-ку! Ақл юритмайсизларми?!
- 66.** Ҳой сизлар! Ўзингиз билган нарсада-ку талашдингиз, энди нимага ўзингиз билмаган нарсада талашмоқдасиз?! Аллоҳ билади, сиз эса билмайсиз.
- 67.** Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам эмас, ҳақ йўлдан тоймаган мусулмон эди. Ва мушриклардан ҳам бўлмаганди.
- 68.** Албатта, одамларнинг Иброҳимга ҳақлироғи унга эргашганлар, мана бу пайғамбар ва иймон келтирганлардир. Аллоҳ мўминларнинг дўстидир.
- 69.** Аҳли китобдан бир тоифаси сизларни адаштирмоқчи бўладилар. Лекин улар ўзлари сезмаган ҳолларида фақат ўзларинигина адаштирадилар, холос.
- 70.** Эй аҳли китоблар, нима учун ўзингиз гувоҳ бўла туриб, Аллоҳнинг оятларига куфр келтирасизлар?!
- 71.** Эй аҳли китоблар, нима учун ҳақни ботилга

аралаштирасизлар ва билиб туриб, ҳақни яширасизлар?!

72. Аҳли китобдан бир тоифаси шундай дейишди: «Мўминларга нозил қилинган нарсага куннинг бошида иймон келтириб, охирида эса уни инкор қилинглар. Шоядки, қайтсалар.

73. Бирорта одамга сизларга берилган билим берилмаслиги ёки

Парвардигорингиз ҳузурида сизлар билан ҳужжатлашмаслиги учун фақат ўз динингизга бўйсунган кишиларгагина ишонинглар!» Айтинг: «Албатта, Ҳақ йўл Аллоҳнинг йўлидир». Айтинг: «Албатта, фазлу карам Аллоҳнинг қўлида, уни Ўзи истаган кишиларга берур. Аллоҳ фазли кенг, билгувчи Зотдир.

74. Ўз раҳматини Ўзи истаган кишига хос қилиб беради. Аллоҳ улуғ фазлу марҳамат Соҳибидир».

75. Аҳли китоб орасида шундай кишилар борки, унга беҳисоб молни омонат қўйсангиз, сизга қайтаради. Уларнинг орасида яна шундайлари ҳам борки, унга бир динорни ишониб берсангиз, то устида туриб олмагунингизча сизга қайтиб бермайди. Бунинг боиси уларнинг: «Омилар учун бизнинг устимизга ҳеч қандай йўл йўқ», дейишларидир. Улар билиб туриб Аллоҳ ҳақида ёлғон сўзларни сўзлайдилар.

76. Йўқ! Балки ким аҳдига вафо қилса ва тақво қилса, бас, Аллоҳ тақводорларни севади.
77. Аллоҳга берган аҳду паймонлари ва қасамларини арзон баҳога сотиб юборадиганлар учун Охиратда ҳеч қандай насиба йўқдир. Қиёмат кунда Аллоҳ уларга гапирмайди, назар солмайди ва (гуноҳларидан) покламайди. Улар учун аламли азоб бордир.
78. Улардан бир гуруҳи борки, сизлар Китобдан деб ўйлашингиз учун Китоб (оятлари) ни тилларини буриб ўқийдилар. (Аслида эса) у Китобдан эмас. Ва: «У Аллоҳнинг ҳузуридан дир», дейдилар. (Аслида эса) у Аллоҳнинг ҳузуридан эмас. Улар билиб туриб, Аллоҳ ҳақида ёлғон сўзлайдилар.
79. Бирор одам учун Аллоҳ унга Китоб, ҳикмат ва пайғамбарлик берганидан сўнг, одамларга: «Аллоҳга эмас, менга ибодат қилинглар», дейиши жоиз эмас, балки уларга: «Аллоҳнинг китобини одамларга ўргатиб ва ўзингиз ўрганиб, ёлғиз Парвардигорга ибодат қиладиган кишилар бўлинглар» (демоғи лозимдир).
80. У сизларни фаришталар ва бошқа пайғамбарларни худо қилиб олишингизга буюриши ҳам жоиз эмас. Ахир у сизларни мусулмон бўлганингиздан кейин куфрга қайтишга буюрадими?!

81. Эсланг, Аллоҳ барча пайғамбарлардан: «Мен сизларга қандай Китоб ва ҳикмат бермайин, кейин сизларнинг пайғамбарлигингизни тасдиқ этувчи бир пайғамбар келгач, албатта, унга иймон келтирурсиз ва ёрдам берурсиз», деб аҳд-паймон олгач, уларга: «Мана шу аҳдимни иқрор бўлиб қабул қилдингизларми?» - деди. Улар: «Иқрормиз», деб жавоб қилишгач, Аллоҳ айтди: «Гувоҳ бўлингиз! Мен ҳам сизлар билан гувоҳ бўлгувчиларданман».
82. Бас, ким шундан кейин ҳам юз ўгирса, ана ўшалар фосиқлардир.
83. Аллоҳнинг динидан ўзга дин истайдиларми?! Ахир осмонлару ердаги барча махлуқотлар истаса-истамаса Унга бўйсуниб турибдилар-ку ва Унинг Ўзига қайтариладилар-ку!
84. Айтинг: «Аллоҳга, бизга нозил қилинган нарсага, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг уруғ-авлодларига нозил қилинган нарсаларга ҳамда Мусо, Ийсо ва барча пайғамбарларга Парвардигорлари томонидан берилган нарсаларга иймон келтирдик. Улардан бирортасини ажратиб қўймаймиз. Биз Унинг Ўзигагина бўйсунгувчилармиз».
85. Ким Исломдан ўзга дин истаса, ҳаргиз қабул қилинмайди ва у охирада зиён кўргувчилардандир.

86. Иймон келтириб, пайғамбарнинг ҳақ пайғамбар эканига гувоҳ бўлганларидан ва уларга далил-оятлар келганидан кейин кофир бўлган кимсаларни Аллоҳ қандай ҳидоят қилсин?! Аллоҳ зулм қилгувчи қавмни ҳидоят қилмайди.
87. Уларнинг жазоси уларга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва барча одамларнинг лаънати бўлишидир.
88. Унда абадий қоладилар. Улардан азоб енгиллатилмайди ва уларга назар ҳам солинмайди.
89. Магар шундай бўлгандан кейин тавба қилиб, яхши амалларни қилган бўлсалар, бас, Аллоҳ Кечиргувчи ва Раҳмлидир.
90. Албатта, иймонларидан кейин куфр келтириб, сўнгра куфри зиёда бўлганларнинг тавбаси ҳеч-ҳеч қабул қилинмас. Ана ўшалар адашганлардир.
91. Албатта, куфр келтириб, кофир ҳолида ўлганларнинг бирортасидан, агар ер юзи тўла олтин фидо қилса ҳам, асло қабул қилинмас. Ана ўшаларга аламли азоб бор. Ва уларга ёрдамчилар йўқ.
92. Яхши кўрган нарсаларингиздан эҳсон қилиб бермагунигизча ҳаргиз яхшиликка (жаннатга) етмагайсиз. Нимани инфоқ қилсангиз, албатта, Аллоҳ уни билур.

- 93.** Таврот туширилишидан олдин Исроил (Яъқуб алайҳиссалом) ўзига ҳаром қилиб олган нарсадан бошқа барча таомлар Бани Исроилга ҳалол эди. «Агар ростгўй бўлсангизлар, Тавротни келтириб ўқиб кўринглар», деб айтинг.
- 94.** Бас, ким мана шундан кейин ҳам Аллоҳга бўҳтон қилса, ана ўшалар зулм қилгувчилардир.
- 95.** «Аллоҳнинг сўзи ростдир. Бас, ҳақ йўлдан тоймаган ва мушриклардан бўлмаган Иброҳимнинг динига эргашинглар!» - деб айтинг!
- 96.** Албатта, одамлар ибодат қилишлари учун қурилган биринчи уй Маккадаги муборак ва бутун оламлар учун ҳидоят (маёғи бўлган Каъбадир).
- 97.** Унда очик аломатлар ва мақоми Иброҳим бор. Ким унга кирса, тинч бўладир. Йўлига қодир одамларга Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилмоқ бурчдир. Ким куфр келтирса, Аллоҳ оламлардан Беҳожатдир.
- 98.** Айтинг: «Эй аҳли китоб, нима учун Аллоҳнинг оятларини инкор қилмоқдасиз? Ахир Аллоҳ қилаётган амалларингизга гувоҳку!»
- 99.** Айтинг: «Эй аҳли китоб, нима учун иймон келтирган кишиларни Аллоҳнинг йўлидан тўсасизлар ва ўзингиз гувоҳ бўлиб туриб,

ундан қийиқ ахтарасизлар? Ахир Аллоҳ қилаётган амалларингиздан ғофил эмас-ку!»

100. Эй иймон келтирганлар! Агар китоб берилганларнинг бир тоифасига итоат қилсангиз, иймонингиздан кейин сизни яна кофирликка қайтарадилар.

101. Аллоҳнинг оятлари сизга тиловат қилиниб турган бўлса-ю, Унинг Расули ичингизда бўлса-ю, қандай қилиб куфр келтирасиз?! Ким Аллоҳга маҳкам боғланса, шубҳасиз, тўғри йўлга ҳидоят топган бўлади

102. Эй мўминлар, Аллоҳдан чин дилдан қўрқинглар ва фақат мусулмон бўлган ҳолингизда дунёдан ўтинглар!

103. Барчангиз Аллоҳнинг арқонини маҳкам тутинг ва бўлиниб кетманг. Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг. Бир вақтлар (ўзаро) душман эдингиз, бас, қалбларингизни улфат қилди. Унинг неъматини ила биродар бўлдингиз. Оловли жар ёқасида эдингиз, ундан сизни қутқарди. Шундай қилиб, Аллоҳ сизга Ўз оятларини баён қилади. Шоядки, ҳидоят топсангиз.

104. Ораларингиздан эзгуликка даъват қиладиган, яхшиликка буюрадиган ва ёмонликдан қайтарадиган бир жамоат бўлсин.

Ана ўшалар нажот топгувчилардир.

105. Аниқ ҳужжатлар келганидан кейин бўлиниб кетган ва бир-бирлари билан ихтилоф қилиб, талашиб-тортишган кимсалар каби бўлмангиз! Ана ундайлар учун улуғ азоб бордир.

106. Юзлар оқ ва юзлар қора бўладиган кунда юзлари қора бўлганларга: «Иймонингиздан кейин кофир бўлдингизми?! Куфр келтирган бўлганингиз учун азобни татиб кўринг», дейилур.

107. Юзлари оқ бўлган зотлар эса Аллоҳнинг раҳматида бўлиб, ўша жойда абадий қолажаклар.

108. Булар Аллоҳнинг оятларидир. Сизга уларни чиндан тиловат қилмоқдамиз. Аллоҳ барча оламларга (яъни, ҳеч кимга) бирон зулм қилишни истамас.

109. Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Ишлар Аллоҳга қайтарилажак.

110. Сизлар одамлар учун чиқарилган энг яхши уммат бўлдингиз. Яхши амалларга буюрасиз, ёмон амаллардан қайтарасиз ва Аллоҳга иймон келтирасиз. Агар аҳли китоб ҳам иймон келтирганда эди, ўзлари учун яхши бўларди. Улардан мўминлари ҳам бор. (Лекин) кўплари итоатсиз кимсалардир.

111. Улар сизларга озор беришдан бошқа ҳеч қандай зарар етказа олмайдилар. Агар сизлар билан урушсалар, орқаларига қараб қочадилар.

- 112.** Агар улар Аллоҳ тарафидан бир аҳдда ва одамлар тарафидан бир аҳдда (омонликда) бўлмасалар, албатта, уларга қаерда бўлмасинлар, хорлик (тамғаси) урилди. Улар Аллоҳнинг ғазаби билан кетдилар ва уларга бечоралик (тамғаси) урилди. Чунки улар Аллоҳ оятларига кофир бўлдилар ва пайғамбарларни ноҳақ ўлдирдилар. Бунга сабаб уларнинг қилган исёнлари ва тажовузкор бўлганларидир.
- 113.** Ҳаммаси баробар эмас. Аҳли китоблар орасида Аллоҳнинг оятларини сажда қилган ҳолларида тунда тиловат қиладиган тўғри йўлдаги жамоат ҳам бор.
- 114.** Улар Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадилар, яхши амалларга буюриб, ёмон амаллардан қайтарадилар ва яхшиликларга шошиладилар. Ана ўшалар солиҳлардандир.
- 115.** Улар қилган бирон яхшилик инкор этилмайди. Аллоҳ тақводорларни билгувчидир.
- 116.** Куфр келтирган кимсаларга моллари ҳам, болалари ҳам Аллоҳ(нинг азоби)дан (қутқариш борасида) заррача асқотмайди. Ана ўшалар жаҳаннам эгалари бўлиб, ўша жойда абадий қолажаклар.
- 117.** Уларнинг бу дунё ҳаётида қиладиган эҳсонлари ўзига зулм қилган бир қавмнинг экинини шамол уриб, ҳалок қилганига

ўхшайди. Аллоҳ уларга зулм қилмади.

Лекин улар ўзларига зулм қилдилар.

118. Эй мўминлар, ўзингизни қўйиб, уларни (мунофиқларни) сирдош дўст тутмангиз! Улар сизларга зарар етказишда кучларини аямайдилар ва ёмон ҳолга тушишингизни орзу қиладилар. Уларнинг сизларни ёмон кўришлари оғизларидан ошкор бўлди. Дилларидаги адоватлари эса янада каттароқдир. Агар ақл юритсангизлар, сизлар учун оят-аломатларни аниқ баён қилдик.

119. Хой сизлар! Сизлар уларни яхши кўрасизлар, улар эса сизларни яхши кўрмайдилар. Сизлар ҳамма китобларга иймон келтирасизлар, (улар эса сизларнинг китобингизга иймон келтирмайдилар). Сизларга йўлиққанларида: «Иймон келтирдик», дейишади. Ўзлари холи қолишганда эса сизларни қаттиқ ёмон кўрганларидан бармоқларини тишлайдилар. «Шу адоватларинг билан ўлиб кетинглар!» - деб айтинг! Албатта, Аллоҳ диллардаги сирларни (ҳам) Билгувчидир.

120. Агар сизларга бирон яхшилик етса, бу уларни хафа қилади. Агар сабр қилсангиз ва Аллоҳдан кўрқсангиз, уларнинг найранглари сизларга ҳеч қандай зарар еткиза олмайди. Албатта, Аллоҳ уларнинг

қилаётган амалларини қамраб олгувчидир.

121. Аҳли оилангиз ҳузуридан чиқиб, мўминларни урушадиган жойларига шай қилиб қўйган пайтингизни эсланг! Аллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир.

122. Ўша пайт сизларнинг орангиздан икки гуруҳ умидсизликка туша бошлади. Ҳолбуки, Аллоҳ уларга ёр эди. Бас, мўминлар ёлғиз Аллоҳгагина суянсинлар!

123. Ахир Аллоҳ Бадр жангида кучсиз бўлсангизда, сизларни ғолиб қилди-ку. Бас, Аллоҳдан қўрқингиз! Шоядки, шукр қилсангизлар.

124. Мўминларга: «Парвардигорингиз сизларга уч минг (самодан) туширилган фаришта билан мадад бериши кифоя қилмайдими?» - деган пайтингизни эсланг!

125. Йўқ, (кифоя қилур). Агар сабр қилсангизлар, Аллоҳдан қўрқсангизлар ва улар шу заҳоти сизларга ҳужум қилсалар, Парвардигорингиз сизларга беш минг белгили фаришта билан мадад берур.

126. Буни Аллоҳ фақат сизларга хушхабар бўлсин, деб ва дилларингиз таскин топиши учун қилди. Аслида ғалаба фақат Азиз ва Ҳаким бўлган Аллоҳ ҳузуридан келур.

127. Кофирларнинг бир қисмини ҳалок қилиш ёки мағлуб қилиб, ноумид ҳолда қайтариш учун (Аллоҳ сизларни ғолиб қилди).

- 128.** Сиз учун бу ишда ҳеч бир нарса (ихтиёр) йўқдир. (Аллоҳнинг Ўзи) ё уларнинг тавбаларини қабул қилар ёки золимликлари сабабли азоблар.
- 129.** Осмонлару ердаги ҳамма нарса Аллоҳникидир. У Зот Ўзи истаган кишининг гуноҳларини мағфират қилур ва Ўзи истаган кимсани азоблар. Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир.
- 130.** Эй мўминлар, (берган қарзларингизни) бир неча баробар қилиб олиш билан судхўрлик қилмангиз! Аллоҳдан кўрқингиз! Шояд, нажот топгайсиз.
- 131.** Кофирлар учун тайёрлаб қўйилган дўзахдан кўрқингиз!
- 132.** Аллоҳ ва Пайғамбарга итоат қилингиз. Шояд, Аллоҳнинг раҳматига мушарраф бўлсангиз.
- 133.** Парвардигорингиз томонидан бўладиган мағфиратга ҳамда кенглиги осмонлару ерча келадиган, тақводорлар учун тайёрлаб қўйилган жаннатга шошилингиз!
- 134.** (Тақводорларки,) яхши-ёмон кунларда эҳсон қиладилар, ғазабларини ичларига ютадилар, одамларни афв этадилар. Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севади.
- 135.** (Тақводорларки,) бирон-бир гуноҳ иш қилиб қўйсалар ёки ўзларига зулм қилсалар, дарҳол Аллоҳни эслаб, гуноҳларига мағфират сўрайдилар. Ҳар қандай гуноҳни ёлғиз

Аллоҳгина мағфират қилур. Билиб туриб қилмишларини давом эттирмайдилар.

136. Уларнинг мукофотлари Парвардигорлари томонидан мағфират ва остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатлар бўлиб, улар ўша жойда абадий қолажаклар. Яхши амал қилгувчиларнинг ажрлари нақадар яхши!

137. Сизлардан илгари ҳам суннатлар - ибратлар ўтган. Бас, ер юзини кезиб, Аллоҳнинг динини ёлғон деганларнинг оқибатлари қандай бўлганини бир кўринглар!

138. Бу одамлар учун баёндин. Тақво эгалари учун ҳидоят ва панд-насиҳатдир.

139. Сустлашмангиз ва ғамгин бўлмангиз! Агар мўмин бўлсангизлар, сизлар устунсизлар.

140. Агарсизларга жароҳат етган бўлса, уқавмга ҳам худди шундай жароҳат етган. Аллоҳ ҳақиқий иймон келтирган кишиларни билиши ҳамда орангиздан шаҳидларни саралаб олиши учун бу кунларни одамлар орасида айлантириб турамиз. Аллоҳ золим кимсаларни севмайди.

141. Аллоҳ иймон келтирган зотларни поклаш ва кофирларни ҳалок қилиш учун (бу кунларни одамлар орасида айлантириб туради).

142. Ёки Аллоҳ ичингиздаги жиҳод қилганлар ва сабрлиларни мутлақо билмай туриб жаннатга кирамиз, деб ўйладингизми?!

- 143.** Ўлимга рўбарў бўлишингиздан илгари уни орзу қилар эдингиз. Мана энди уни ўз кўзингиз билан кўриб турибсиз.
- 144.** Муҳаммад ҳам бир пайғамбар, холос. Ундан аввал ҳам пайғамбарлар ўтган. Агар у ўлса ёки ўлдирилса, ортингизга қайтасизми?! Ким ортига қайтса, Аллоҳга бирон зарар келтира олмас. Аллоҳ шукр қилувчиларни мукофотлайди.
- 145.** Ҳеч бир жон Аллоҳнинг изнисиз ўлмас. Бу ёзилган ажалдир. Ким бу дунёнинг савобини хоҳласа, унга ўшандан берурмиз. Ким охираатнинг савобини хоҳласа, унга ўшандан берурмиз. Ва шукр қилувчиларни мукофотлаймиз.
- 146.** Қанча пайғамбарлар ўтганки, кўпгина художўйлар уларга елкадош бўлиб жанг қилганлар. Аллоҳ йўлида ўзларига етган машаққатлар сабабли бўшашмаганлар, заифликқилмаганларвабўйинэгмаганлар. Аллоҳ сабр қилгувчиларни севади.
- 147.** Уларнинг айтадиган гаплари: «Парвардигоро, бизнинг гуноҳларимиз ва ишимиздагиисрофимизни Ўзингкечиргин, собитқадам қилгин ва кофир қавм устидан бизга нусрат бергин!» - дейиш бўлган, холос.
- 148.** Бас, Аллоҳ уларга бу дунёнинг савобини ҳам, охираатнинг гўзал савобини ҳам берди. Аллоҳ гўзал амал қилувчиларни севади.

- 149.** Эй иймон келтирганлар! Агар куфр келтирганларга итоат қилсангиз, орқангизга қайтарурлар. Бас, зиён кўргувчиларга айланиб қолурсиз.
- 150.** Йўқ! Аллоҳ Хожангиздир. У Зот энг яхши ёрдамчидир.
- 151.** Яқинда куфр келтирганларнинг қалбига Аллоҳга худолиги исботланмаган нарсаларни ширк келтирганлари учун кўрқувни солурмиз. Уларнинг борар жойи дўзахдир. Золимларнинг жойи қандай ҳам ёмон!
- 152.** Аллоҳ ўз ваъдасининг устидан чиқди. Сизлар Унинг изни билан кофирларни қира бошладингиз. (Бу иш) то сусткашлик қилиб, фармон борасида талашиб, Аллоҳ сизлар яхши кўрган нарсани кўзингизга кўрсатиб қўйганидан кейин пайғамбарнинг амридан бош тортган пайтингизгача (давом этди). Орангизда дунёни истаганлар ҳам, Охиратни истаганлар ҳам бор. Сўнгра сизларни синаш учун улардан буриб юборди. Энди гуноҳларингизни афв этди. Аллоҳ мўминларга фазлу марҳаматли Зотдир.
- 153.** Пайғамбар ортингиздан чақириб турса ҳам ҳеч кимга қарамай тирқираб қочганингизни эсланг. Ўтган ишга ва етган мусибатга хафа бўлмаслигингиз учун сизга ғам устига ғам берди. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардор Зотдир.

154. Сўнгра бу ғамнинг кетидан сизларга бир ором уйқусини туширдикки, у сизлардан бир тоифани қамраб олди. Бошқа бир тоифа эса Аллоҳ ҳақида ноҳақ, жоҳилият гумонида бўлиб, ўз жонларининг ғамига тушиб қолдилар. Улар: «Бу ишдан бизнинг ҳам насибамиз борми?» - дейишади. Айтинг: «Ишнинг ҳаммаси Аллоҳники!» Улар сизга ошкор қилмайдиган нарсани яшириб, дейдилар: «Ихтиёримиз ўзимизда бўлганида эди, бу ерларда ўлиб кетмаган бўлар эдик». Айтинг: «Агар уйларингизнинг ичига беркиниб олганингизда ҳам ўлдирилиши Аллоҳ томонидан ҳукм қилинган кишилар ҳалокатжойига, албатта, келган бўлар эдилар». (Аллоҳ бу ишни) кўнгилларингиздаги нарсани имтиҳон қилиш ва дилларингиздаги нарсани поклаш учун қилди. Аллоҳ диллардаги сирларни (ҳам) Билгувчидир.

155. Икки жамоат тўқнашган куни сизлардан қочган кишиларни ўзлари қилган айрим гуноҳлари сабабли фақат шайтонгина йўлдан оздирди. Энди Аллоҳ уларнинг гуноҳларини афв этди. Албатта, Аллоҳ Кечиргувчи, Ҳалимдир.

156. Эй иймон келтирганлар, куфр келтирган ва бошқа ерларга сафар қилиб ёки ғазотга чиқиб кетган дўстлари ҳақида: «Биз билан қолганларида ўлмаган ва ўлдирилмаган бўлар эдилар», дейдиган кимсаларга ўхшамангиз!

(Бу гапларини) Аллоҳ уларнинг дилларидаги ҳасрат қилиб қўяди. Ахир тирилтирадиган ҳам, ўлдирадиган ҳам Аллоҳ-ку?! Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўргувчидир.

157. Агар Аллоҳ йўлида ўлдирилсангизлар ёки ўлсангизлар, Аллоҳ томонидан бўлғуси мағфират ва раҳмат улар тўплаган дунёдан, албатта, яхшироқдир.

158. Ўлсангиз ҳам, ўлдирилсангиз ҳам, албатта, Аллоҳ ҳузурига тўпланажаксиз.

159. Аллоҳнинг марҳамати сабабли уларга мулойим бўлдингиз. Агар қўпол, тошбағир бўлганингизда эди, атрофингиздан аниқ тарқалиб кетардилар. Бас, уларни афв этинг, улар учун Аллоҳдан мағфират сўранг ва ишларингизда улар билан маслаҳатлашинг. (Бир ишни) қасд қилсангиз, Аллоҳга таваккал қилинг! Албатта, Аллоҳ таваккал қилувчиларни севади.

160. Агар сизларга Аллоҳ нусрат берса, ҳеч ким сизлардан ғолиб бўлмас. Сизларни ёрдамсиз қўйса, Ундан ўзга бирон зот ёрдамчи бўлмас. Мўминлар Аллоҳгагина таваккал қилсинлар!

161. Ҳеч бир пайғамбарнинг хиёнат қилиши жоиз эмас. Ким хиёнат қилса, Қиёмат кунида қилган хиёнати билан бирга келур. Сўнгра ҳар бир жон амалига яраша жазосини тўла олади. Улар зулм қилинмайдилар.

- 162.** Аллоҳ ризосини истаган киши Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлиб, борар жойи жаҳаннам бўлган кимса билан баробарми? (Жаҳаннам) нақадар ёмон оқибат!
- 163.** Уларнинг Аллоҳнинг ҳузуридаги даражалари турлича. Аллоҳ қилаётган амалларини Кўргувчидир.
- 164.** Аллоҳ мўминларга яхшилик қилди. Чунки уларга ўзларидан бўлган, Аллоҳнинг оятларини тиловат қиладиган, (гуноҳларидан) поклайдиган ҳамда уларга Китоб ва ҳикматни ўргатадиган бир пайғамбарни юборди. Гарчи улар илгари очик залолатда бўлсалар ҳам.
- 165.** Сизларга бир мусибат етса - ҳолбуки, ўзингизлар ҳам унга икки баробар мусибат етказган эдингиз - «Бу бало қайдан келди?» - дейсизларми?! Уларга: «Бу ўз қилмишларингиздан», деб айтинг! Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсага Қодирдир.
- 166.** Икки жамоат тўқнашган куни сизларга етган мусибат Аллоҳнинг изни-иродаси билан ва чин мўминларни билиш учун эди.
- 167.** Ҳамда мунофиқлик қилганларни аниқлаш учун бўлди. Уларга: «Келинглари, Аллоҳ йўлида жанг қилинглари ёки мудофаа қилинглари», дейилса, «Агар жанг бўлишини аниқ билганимизда сизларнинг ортингиздан борган бўлар эдик», дейишади. Ўша куни

улар иймондан кўра куфрга яқинроқ эдилар. Оғизларида кўнгилларида йўқ нарсаларни гапирмоқдалар. Аллоҳ эса уларнинг яширган сирларини жуда яхши билгувчидир.

168. Ўзлари (урушга чиқмай) ўтириб олиб дўстлари ҳақида: «Бизнинг гапимизга кирганларида ўлдирилмаган бўлардилар», дейдилар. Уларга: «Гапларингиз рост бўлса, ўзларингиздан ўлимни даф қилинглари-чи», деб айтинг!

169. Аллоҳ йўлидаги жангда ўлдирилган зотларни ҳаргиз ўликлар деб ўйламанг! Йўқ, улар тириклардир! Парвардигорлари ҳузурида ризқланиб турадилар.

170. Улар Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсалардан хурсандлар ва ҳали ортларидан ўзларига қўшилмаган биродарларига, уларга хавф йўқлигининг ҳамда хафа ҳам бўлмасликларининг хушхабарини бермоқдалар.

171. Улар Аллоҳ томонидан бўлган неъмат ва фазлу карам ҳақида ҳамда мўминларнинг ажри-мукофотини Аллоҳ зое қилмаслиги ҳақида хушхабар берадилар.

172. Улар жароҳат етгандан кейин ҳам Аллоҳ ва Пайғамбар чақириғига жавоб берадиганлардир. Улардан яхшилик ва тақво қилганларига улуғ ажрлар бордир.

- 173.** Ундай зотларга айрим кимсалар: «Қурайш одамлари сизларга қарши (саноқсиз лашкар) тўплаган, бас, улардан қўрқингиз!» - деганларида бу гап уларнинг иймонларини зиёда қилди ва: «Бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзи кифоя. У энг яхши ишончли Вакилдир», дедилар.
- 174.** Бас, Аллоҳнинг неъматини ва фазли ила бирон ёмонлик етмасдан қайтдилар. Улар Аллоҳнинг розилигини истагандилар. Аллоҳ улуғ фазл эгасидир.
- 175.** У шайтондир. (Сизларни) ўзининг дўстларидан қўрқитмоқчи бўлади. Агар мўмин бўлсангиз, улардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз!
- 176.** Куфрга ошиқаётганлар сизни хафа қилмасин. Албатта, улар ҳаргиз Аллоҳга бирор зарар етказа олмаслар. Аллоҳ уларга охиратда насиба қўймасликни хоҳлайди. Уларга улкан азоб бордир.
- 177.** Албатта, куфрни иймонга сотиб олганлар Аллоҳга ҳаргиз бирор зарар етказа олмаслар. Уларга аламли азоб бордир.
- 178.** Куфр келтирганлар уларни тек қўйганимизни ўзлари учун яхшилик, деб ҳисобламасинлар. Биз уларни фақат гуноҳлари кўпайиши учунгина тек қўямиз. Уларга хор қилувчи азоб бордир.
- 179.** Аллоҳ мўминларни покидан нопокини ажратмасдан шу ҳолатингизда ташлаб

қўймайди. Аллоҳ сизларни ғайбдан хабардор қилиб (ҳам) қўймади. Лекин Аллоҳ пайғамбарларидан Ўзи истаган одамини танлаб олади. Бас, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарларига иймон келтирингиз. Агар иймон келтирсангиз ва тақво қилсангиз, сизларга улуғ ажр бордир.

180. Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсага бахиллик қилганлар бунини ўзларига яхшилик деб ҳисобламасинлар. Аксинча, бу уларга ёмонликдир. Қиёмат кунини бахиллик қилган нарсалари бўйинларига ўралур. Осмонлару ернинг мероси Аллоҳникидир. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.

181. Албатта, Аллоҳ: «Аллоҳ камбағал, бизлар боймиз», деганларнинг гапини эшитди. Уларнинг айтган гапларини ва пайғамбарларни ноҳақ ўлдирганларини ёзиб қўюрмиз ва уларга: «Қўйдиргувчи азобни татиб кўрингиз!» - деймиз.

182. Шундай бўлиши ўзингиз қилган ишлар туфайлидир. Албатта, Аллоҳ бандаларига зулм қилувчи эмас.

183. «Албатта, Аллоҳ бизга бирон пайғамбар то бир қурбонлик атаб, уни олов еб кетмагунча унга иймон келтирмаслигимизни буюрган», деганларга айтинг: «Муҳаққақки, мендан илгари сизларга кўп пайғамбарлар очик ҳужжатлар ва сизлар айтган нарсани

келтирганлар. Гапларингиз рост бўлса, нима учун уларни ўлдиргандингиз?!»

184. Сизни ёлғончига чиқараётган бўлсалар, сиздан олдинги очик ҳужжатлар, битиклар ва нурли Китоб келтирган пайғамбарлар (ҳам) ёлғончига чиқарилганлар.

185. Ҳар бир жон ўлимни тотгувчидир. Қиёмат куни савобларингизни тўла олурсиз. Ким дўзахдан четлатилиб, жаннатга киритилса, нажот топибди. Дунё ҳаёти алдамчи матодан бошқа нарса эмас.

186. Албатта, молу жонларингизда синовга учрайсиз ва, албатта, олдинги китоб берилганлар ва ширк келтирганлардан кўплаб озор эшитасиз. Агар сабр қилсангиз ва тақво қилсангиз, албатта, бу жиддий ишлардандир.

187. Аллоҳ китоб берилганлардан, уни одамларга, албатта, баён қилурсиз ва беркитмассиз, деб аҳд олганини эсланг. Бас, уни ортларига отдилар ва арзон нархга сотдилар. Сотиб олган нарсалари нақадар ёмон!

188. Сиз қилган ишларига хурсанд бўладиган ва қилмаган ишлари учун мақтовлар эшитишни яхши кўрадиган кимсалар азобдан йироқ жойдалар, деб ҳаргиз ўйламанг! Улар учун аламли азоб бордир.

189. Осмонлару ернинг мулки Аллоҳникидир. Аллоҳ ҳар нарсага Қодирдир.

190. Албатта, осмонлару ернинг яратилишида ва кеча-кундузнинг алмашилиб туришида ақл эгалари учун оят-аломатлар бордир.

191. Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ёнбошлаганда ҳам Аллоҳни эслайдилар ва осмонлару ернинг яратилиши ҳақида тафаккур қилиб (дейдилар): «Парвардигоро, бунибехудаяратмагансан! Сен поксан, бизни жаҳаннам азобидан асрагин».

192. «Парвардигоро, Сен кимни жаҳаннамга киритсанг, уни аниқ шарманда қилибсан. Золимларга ёрдам берувчилар йўқ».

193. Парвардигоро, жарчининг «Парвардигорингизга иймон келтиринг!» дея нидо қилаётганини эшитдик ва иймон келтирдик. Парвардигоро, гуноҳларимизни кечиргин, ёмонликларимизни ўчиргин ва яхшилар билан бирга ўлдиргин!

194. «Парвардигоро, Пайғамбарларинг орқали бизга ваъда қилган нарсаларингни бергин ва бизни Қиёмат куни шарманда қилмагин! Албатта, Сен ваъдага хилоф қилмассан».

195. Парвардигорлари уларнинг дуоларини ижобат қилиб (деди): «Албатта, Мен эркак бўлсин, аёл бўлсин, сизлардан бирон амал қилгувчининг амалини зое қилмасман. Чунки бировингиз бировингиздансиз. Ҳижрат

қилган, юртидан қувилган, Менинг йўлимда азиятлар чеккан, жанг қилиб, қатл этилган зотларнинг қилган гуноҳларини ўчиргайман ва уларни остидан анҳорлар оқиб турадиган боғларга киритурман. Бу Аллоҳ ҳузуридан бўлган савобдир. Энг гўзал савоб Аллоҳнинг ҳузуридадир».

196. Куфр келтирганларнинг шаҳарларда кезишлари сизни алдаб қўймасин.

197. Бу озгина матодир. Сўнгра жойлари жаҳаннам бўлгай! Нақадар ёмон жой у!

198. Парвардигорларидан қўрққанлар учун эса остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатлар бордирки, уларда абадий қолурлар. Бу Аллоҳнинг зиёфатидир. Яхшилар учун Аллоҳнинг ҳузуридагиси яхшироқдир.

199. Албатта, аҳли китоблардан ҳам Аллоҳга, сизларга туширилган нарсага, ўзларига туширилган нарсага иймон келтирадиганлари, Аллоҳга ўзини хор тутиб бўйин эгадиганлари, Аллоҳнинг оятларини арзон баҳога сотмайдиганлари ҳам бор. Ана ўшаларга Парвардигорлари ҳузурида ажр бор. Албатта, Аллоҳ тезда ҳисоб-китоб қилгувчи Зотдир.

200.Эй иймон келтирганлар! Сабр қилингиз.
Сабр қилишда ғолиб келингиз. Курашга бел
боғлаб турингиз. Аллоҳдан такво қилингиз.
Шоядки, нажот топсангиз.

Нисо сураси

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман)

1. Эй одамлар, сизларни бир жондан яратган ва ундан жуфтини яратиб, икковларидан кўплаб эркагу аёллар таратган Парвардигорингиздан кўрқингиз. Ораларингиздаги савол-жавобларда ўртага номи солинадиган Аллоҳдан кўрқингиз ва қариндошлик (ришталарини узишдан кўрқингиз). Албатта, Аллоҳ устингиздан сизларни кузатиб турувчидир.
2. Етимларга молларини берингиз. Покни нопокке алмаштирмангиз. Уларнинг молларини ўзингизнинг молларингизга қўшиб емангиз. Бу катта гуноҳ бўлур.
3. Агар етим қизларга адолат қила олмасликдан кўрқсангиз, сизлар учун никоҳи ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар. Адолат қила олмасликдан кўрқсангиз, битта аёлга (уйланинг) ёки қўл остингиздаги чўри билан (кифояланинг). Мана шу жабру зулмга ўтиб кетмаслигингизга яқинроқдир.
4. Аёлларга маҳрларини кўнгилдан чиқариб беринг. Агар улар ундан бирор нарсани чин кўнгилдан тутсалар, уни еяверинглар. Ош бўлсин, офият бўлсин.

5. Эси пастларга Аллоҳ сизлар учун тирикчилик воситаси қилиб қўйган молларингизни бериб қўймангиз. Уларни ўша моллардан едириб-кийдиринг ва уларга яхши гапиринг!
6. Етимларни то балоғат ёшига етгунларича имтиҳон қилиб (текшириб) туринглар. Агар уларнинг эс-ҳушлари жойида эканини кўрсангиз, молларини ўзларига топширинглар. Уларни исроф қилиб ва (эгалари) катта бўлиб қолмасин, деб шошилиб еб қўйманглар. (Етимни оталикқа олган киши) агар бой бўлса, (етимнинг молидан) парҳез қилсин. Бордию камбағал бўлса, яхшилик билан (яъни, қилган хизматига яраша) олиб есин. Мол-мулкларини ўзларига қайтарганингизда эса гувоҳ келтиринглар. Аллоҳнинг Ўзи етарли ҳисоб-китоб қилгувчидир.
7. Ота-оналар ва қариндошлар қолдирган нарсада эркакларнинг насибаси бор. Ота-оналар ва қариндошлар қолдирган нарсада аёлларнинг насибаси бор. У оз бўлсин, кўп бўлсин, фарз қилинган насибадир.
8. Мерос тақсимида узоқ қариндошлар, етим ва мискинлар ҳам ҳозир бўлсалар, уларни ҳам шу меросдан баҳраманд қилиб, яхши сўзлар айтинглар.
9. Ўз ортларидан заифҳол зурриётларини қолдиришдан қандай кўрқсалар, (бошқалар

ҳақида ҳам) шундай кўрқсинлар. Бас, Аллоҳдан кўрқсинлар ва тўғри сўз айтсинлар.

10. Етимларнинг молларини зулм билан ейдиганлар шак-шубҳасиз, қоринларига олов еган бўлурлар ва, албатта, дўзахга киражаклар!

11. Аллоҳ фарзандларингизга (тегишли мерос) ҳақида бир ўғил учун икки қиз улуши баробарида мерос беришни амр қилур. Агар меросхўрлар иккидан ортиқ қиз бўлса, уларга (ота-она) қолдирган нарсанинг учдан иккиси, агар якка қиз бўлса, унга (мероснинг) ярми тегур. Агар марҳумнинг фарзанди бўлса, қолдирган меросидан ота-онасининг ҳар бирига олтидан бири тегур. Агар фарзанд бўлмай, фақат ота-онаси (меросхўр) бўлса, у ҳолда онасига учдан бир тегур (қолгани отасига қолади). Агар унинг ака-укалари бўлса, онасига олтидан бир тегур. (Бу тақсимотлар) марҳум қилган васият ва унинг қарзлари адо этилганидан кейин бўлур. Ота-оналарингиз ва фарзандларингизнинг қайси бирларидан сизларга кўпроқ фойда келишини билмайсизлар. (Мерос) Аллоҳ томонидан қатъий фарз қилиб қўйилди. Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчи ва ҳар ишни ҳикмат билан қилгувчи Зотдир.

- 12.** Сизларга хотинларингиз қолдирган меросдан - агар улардан фарзанд қолмаган бўлса - ярми тегур. Агар уларнинг фарзандлари қолган бўлса, сизларга уларнинг меросидан тўртдан биритегур. (Бу тақсимотлар) марҳума қилган васият ва унинг қарзлари адо этилгандан кейин бўлур. Уларга (хотинларингизга) сизлар қолдирган меросдан - агар сизлардан фарзанд қолмаган бўлса - тўртдан бири тегур. Агар сизларнинг фарзандингиз қолган бўлса, уларга сизнинг меросингиздан саккиздан бири тегур. (Бу тақсимотлар) сизлар қилган васият ва қарзларингиз адо қилингандан кейин бўлур. Агар мероси қолаётган эркак ёки аёлнинг отаси ҳам, онаси ҳам бўлмай, (она томонидан) бир ака ёки укаси ёхуд бир опа ёки синглиси қолган бўлса, уларнинг икковидан ҳар бирига олтидан бир тегур. Энди агар улар бирдан ортиқ бўлсалар, улар мероснинг учдан бир ҳиссасига тенг шерик бўлурлар. (Бу тақсимотлар) меросхўрларга зарар етказмайдиган ҳолда қилинган васият ва қарзлар адо қилингандан кейин бўлур. (Бу ҳукмлар) Аллоҳ томонидан бўлган амр-фармондир. Аллоҳ Билгувчи ва Ҳалимдир.
- 13.** Мана шу Аллоҳнинг ҳадларидир. Ким Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоат этса, уни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритади ва улар ўша жойда

14. Ким Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоатсизлик қилиб, Аллоҳнинг ҳадларидан тажовуз қилса, уни дўзахга киритади ва у ўша жойда абадий қолади. Ва унинг учун хор қилгувчи азоб бордир.
15. Аёлларингиздан фоҳиша (зино) қилганларига ўзларингиздан тўртта гувоҳ келтиринг. Агар гувоҳлик берсалар, уларни то ўлим етгунча ёки Аллоҳ бир йўл кўрсатгунча уйларида тутиб туринг.
16. Сизлардан ўша (фаҳш) ишни қилган икки эркакка таъзир беринглар. Агар икковлари тавба қилсалар ва тузалсалар, уларни тек қўйинглар. Албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилувчи ва Раҳимлидир.
17. Албатта, Аллоҳнинг тавбаларни қабул қилиши фақат биронта гуноҳни нодонлик билан қилиб қўйиб, сўнгра дарҳол тавба қилган кишилар учундир. Аллоҳ ана шундай кишиларнинг тавбасини қабул қилур. Аллоҳ Билгувчи ва Ҳакимдир.
18. Ёмонликларни қилиб юриб, ўлим келгач, энди тавба қилдим, деганларнинг ва кофир ҳолларида ўлганларнинг тавбаси қабул қилинмас. Уларга аламли азобни тайёрлаб қўйганмиз.
19. Эй иймон келтирганлар, сизлар учун хотинларни мажбурлаб мерос қилиб олиш ҳалол эмас. Берган маҳрларингизнинг бир

қисмини қайтариб олиш учун хотинларингизни тўсиб туриб олманглар! Лекин агар улар очик бузуклик қилсалар, (шундай қилишингиз мумкин). Улар билан тинч-тотув яшанглар. Уларни ёқтирмаётган бўлсангизлар, сизлар ёқтирмаган нарсада Аллоҳ кўп яхшиликларни қилиб қўйган бўлиши мумкин.

- 20.** Агар бир хотинни қўйиб, бошқа хотинга уйланмоқчи бўлсангизлар, аввалгисига саноксиз молу дунёни берган бўлсангиз ҳам ундан бирон нарсани қайтариб олмангиз! Уни бўҳтон ва очик гуноҳ билан оласизми?
- 21.** Ахир бир-бирингиз билан қовушиб, улар сизлардан қатъий аҳду паймон олганларидан кейин яна қандай қилиб уни қайтариб оласизлар?!
- 22.** Оталарингиз уйланган хотинларни никоҳингизга олманг! Аввал (яъни, Исломдан олдин) ўтган бўлса, майли. Албатта, бу жуда хунук, жирканч ва ёмон йўлдир.
- 23.** Сизларга оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмизган оналарингиз, эмикдош опа-сингилларингиз, қайноналарингиз, жинсий алоқада бўлган хотинларингизнинг қарамоғингиздаги қизлари ҳаром қилинди (яъни, уларга уйланиш мумкин эмас). Улар билан жинсий

алоқада бўлмаган бўлсангиз, ҳечқиси йўқ. Яна ўз пушти камарингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинларига (уйланишингиз) ҳамда опа-сингилни қўшиб олишингиз (яъни, бирини талоқ қилмай туриб бошқасига уйланишларингиз ҳаром қилинди). Олдин ўтган бўлса, майли. Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва меҳрибон бўлган Зотдир.

24. Қўлингиздаги мулкингиз бўлган (чўрилар)дан бошқа эрли аёллар ҳам (ҳаром қилинди). Бу сизларга Аллоҳнинг ёзганидир (фарзидир). Ана ўшалардан бошқаларни поклик билан, зино аралаштирмасдан молларингиз (маҳр бериш) ила талаб қилмоғингиз ҳалол қилинди. Улар билан қовушган бўлсангиз, маҳрларини берингиз. Буфарздир. Фарз маҳрдан кейин ўзаророзилик ила келишганингиз гуноҳ эмас. Албатта, Аллоҳ Билувчи ва Ҳикматли Зотдир.

25. Сизлардан ким ҳур мўмина аёлларга уйланиш имкониятига эга бўлмаса, қўлларингиздаги мўмина чўрилардан бирига уйланаверсин. Аллоҳ иймонларингизни жуда яхши билгувчидир. Бирингиз бирингиздансиз. Бас, улардан ўзларини сақлаган, фоҳишалик қилмаган ва махфий ўйнашлар тутмаганларига хожаларинингизни билан уйланаверинглар ва маҳрларини тўкис қилиб беринглар. Энди эрга текканидан кейин

бузуклик қилсалар, уларга ҳур аёлларга бериладиган жазонинг ярми берилур. Бу орангиздаги бузилиб кетишдан қўрққан кишилар учундир. Сабр қилишингиз ўзингиз учун яхшироқдир. Аллоҳ Мағфиратли ва Раҳмлидир.

- 26.** Аллоҳ сизларга баён айлашни, сизларни олдингиларнинг йўлига ҳидоят этишни ва тавбаларингизни қабул қилишни истайди. Аллоҳ Билувчи ва Ҳикматли Зотдир.
- 27.** Аллоҳ тавбаларингизни қабул қилишни истайди, ҳоюҳавасга берилган кимсалар эса (ҳақ йўлдан) бутунлай оғиб кетишингизни истайдилар.
- 28.** Аллоҳ енгиллатишни истайди. (Зотан), инсон ожиз қилиб яратилгандир.
- 29.** Эй иймон келтирганлар, бир-бирингизнинг молингизни ноҳақ емангиз. Ўзаро ризолик асосидаги тижорат бундан мустасно. Бир-бирингизни ўлдирмангиз. Аллоҳ сизларга Раҳмли бўлган Зотдир.
- 30.** Ким тажовузкорлик ва зулм билан шу ишни қилса, биз уни дўзахга киритажакмиз. Бу Аллоҳ учун осондир.
- 31.** Катта гуноҳлардан тийилсангизлар, кичик гуноҳларингизни ўчириб юборамиз ва сизларни улуғ манзилга киритамиз.
- 32.** Аллоҳ бирингизни бирингиздан ортиқ қилиб қўйган нарсадан умидвор бўлманг. Эркакларга ўз меҳнатларидан насиба бор,

аёлларга ҳам ўз меҳнатларидан насиба бор. (Яхшиси) Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан сўранглар. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани Билгувчидир.

- 33.** Ҳар бир инсон учун ота-она ва қариндошлар қолдириб кетган меросдан (баҳраманд бўлгувчи) меросхўрлар қилиб қўйдик. Кимлар билан аҳд-паймон қилган бўлсангиз, бас, уларга ўз ҳиссаларини берингиз! Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсага гувоҳ бўлган Зотдир.
- 34.** Эркаклар хотинлари устида раҳбардирлар. Бунга сабаб Аллоҳ уларнинг бировларини бировларидан ортиқ қилгани ва ўз мол-мулкларидан сарф-харажат қилганларидир. Бас, ибодат-итоатли ва эрлари йўқлигида Аллоҳнинг ҳифзу ҳимояти билан (эрларининг мол-мулкларини ва ўз иффатларини) сақловчи хотинлар - яхши хотинлардир. Хотинларингизнинг итоатсизлигидан кўрқсангиз, аввало уларга панд-насихат қилинглар, сўнг уларни ётоқларда тарк қилинглар, сўнгра уринглар! Аммо сизларга итоат қилсалар, уларга қарши бошқа йўл ахтарманглар. Албатта, Аллоҳ Олий ва Буюк бўлган Зотдир.
- 35.** Агар икковларининг оралари бузилишидан кўрқсангиз, эрнинг аҳлидан бир ҳакам ва хотиннинг аҳлидан бир ҳакам чақирингиз. Агар улар ислоҳни хоҳласалар, Аллоҳ эр-

хотин орасига иттифоқликни солур. Албатта, Аллоҳ Билувчи ва Хабардор бўлган Зотдир.

36. Аллоҳга ибодат қилинглари ва Унга ҳеч нарсани ширк келтирманглари. Ота-онага, қариндошларга, етимларга, мискинларга, қариндош қўшнига, ёт қўшнига, ёнингиздаги ҳамроҳингизга, йўловчи мусофирга ва қўлингизда мулк бўлганларга яхшилик қилинглари. Албатта, Аллоҳ ўзига биноқўйган мутакаббир бўлган кимсани ёқтирмайди.

37. Улар ўзлари ҳам бахиллик қиладиган, ўзгаларни ҳам бахилликка чақирадиган ва Аллоҳ уларга Ўз фазлидан берган нарсаларни яширадиган кимсалардир. Биз кофирларга хорловчи азобни тайёрлаб қўйганмиз.

38. (Кофирларки), молларини одамлар кўрсин, деб эҳсон қиладилар, ўзлари эса на Аллоҳга ва на охират кунига иймон келтирмайдилар. Кимга шайтон дўст бўлса, у энг ёмон дўст булур.

39. Аллоҳга ва охират кунига иймон келтириб, Аллоҳ берган ризқдан сарфлаганларида уларга нима зарар қиларди? Аллоҳ уларни яхши Билувчи бўлган Зотдир!

40. Аллоҳ заррача ҳам зулм қилмайди. Яхшилик бўлса, унинг савобини кўпайтириб беради ва Ўз ҳузуридан улуғ ажр ато этади.

41. Ҳар бир умматдан бир гувоҳ келтириб, сизни уларга қарши бир гувоҳ қилиб келтирганимизда уларнинг ҳоли не кечади?
42. У кунда куфр келтириб, пайғамбарга осийлик қилганлар ер билан битта бўлиб кетишни орзу қилиб қоладилар ва Аллоҳдан биронта ҳам гапни яширолмайдилар.
43. Эй, иймон келтирганлар! То айтаётган гапингизни биладиган бўлмагунигизча маст ҳолингизда ва сафарда бўлмасангиз, то ғусл қилмагунигизча жунуб ҳолингизда намозга яқинлашмангиз. Бетоб ё сафарда бўлсангизлар ёки сизлардан бирон киши ҳожатхонадан чиққан бўлса, ёхуд хотинларингиз билан яқинлик қилган бўлсангиз ва сув топа олмасангиз, покиза тупроқ билан таяммум қилиб, юз ва қўлларингизга суртинглар. Албатта, Аллоҳ афв этувчи ва Мағфиратли бўлган Зотдир.
44. Китобдан насибадор бўлган кимсаларнинг залолатни сотиб олаётганларини ва сизларнинг ҳам йўлдан озишингизни истаётганларини кўрмадингизми?
45. Ҳолбуки, Аллоҳ душманларингизни жуда яхши Билгувчидир. Аллоҳнинг ўзи етарли дўст, Аллоҳнинг ўзи етарли ёрдамчидир.
46. Яҳудийлар орасида шундайлари борки, улар сўзларни ўз ўрнидан ўзгартирадилар ва тилларини буриб, динга жароҳат етказиш

ғаразида: «Тингладик ва бош тортдик. Қулоқ сол, эшитмай қолгур! (Роино) Бизга бок», дейдилар. Агар улар «Тингладик ва итоат этдик. Бизни ҳам тинглаб, (унзурно) бизга ҳам назар қилиб тур», деганларида ўзларига яхшироқ ва тўғрироқ бўлур эди. Лекин Аллоҳ уларни куфрлари сабабли лаънатлади. Бас, уларнинг камдан-камлари иймон келтирадилар.

47. Эй китоб берилганлар! Юзларни бузиб, орқаларига бурмасимиздан ёки уларни шанба одамларини лаънатлаганимиздек лаънатламасимиздан олдин сизлардаги нарсани тасдиқловчи этиб нозил қилган (Китоб)имизга иймон келтиринг. Аллоҳнинг иши амалга ошгусидир.
48. Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини асло кечирмайди. Ўзи истаган одамнинг шундан бошқа гуноҳини кечиради. Ким Аллоҳга ширк келтирса, шубҳасиз, катта гуноҳни тўқибди.
49. Ўзларини пок қилиб кўрсатаётганларни кўрмадингизми?! Йўқ, аксинча, Аллоҳ ўзи истаган одамини поклайди. Ва қилча зулм қилинмаслар.
50. Уларнинг Аллоҳга ёлғон тўқишини кўринг! Шунинг ўзи очик-ойдин гуноҳ (саналиш) га етарлидир.

- 51.** Китобдан насибадор бўлган кимсаларнинг бут ва санамларга сиғинаётганларини ҳамда куфр келтирганлар ҳақида: «Ўшалар иймон келтирганлардан кўра тўғрироқ йўлдалар», деяётганларини кўрмадингизми?
- 52.** Аллоҳ лаънатлаган кимсалар ана ўшалардир. Аллоҳ кимни лаънатлаган бўлса, унга ҳеч бир мададкор тополмассиз.
- 53.** Ёки уларнинг мулкдан насибаси борми? Шундай бўлган тақдирда ҳам одамларга зиғирча ҳам бермаган бўлардилар.
- 54.** Ёки Аллоҳ одамларга Ўз фазлидан берган нарсаларга ҳасад қилмоқдаларми? Биз Иброҳим авлодига ҳам китобни, ҳикматни ва улуғ мулкни берганмиз-ку?!
- 55.** Бас, уларнинг ичида унга иймон келтирганлар ҳам бор, ундан юз ўтирганлар ҳам бор. Куйдиришга жаҳаннам етарлидир.
- 56.** Оятларимизни инкор қилганларни, албатта, дўзахга солурмиз. Терилари куйиббитишибилан ўрнига бошқатериларни алмаштирамиз. Токи азобни тотсинлар. Албатта, Аллоҳ Азиз ва Ҳаким бўлган Зотдир.
- 57.** Иймон келтирган ва солиҳ амаллар қилганларни остидан анҳорлар оқиб турадиган жаннатларга киритамиз. У ерларда абадий қоладилар. Улар учун у ерларда покиза жуфтлар бор. Уларни қуюқ сояли жойларга киритамиз.

- 58.** Аллоҳ сизларни омонатларни ўз эгаларига топширингизга ҳамда одамлар орасида ҳакамлик қилганингизда адолат билан ҳукм қилишингизга буюради. Аллоҳ сизларга нақадар яхши ўғит беради. Аллоҳ (ҳамма нарсани) Эшитгувчи, Кўргувчи бўлган Зотдир.
- 59.** Эйиймонкелтирганлар! Аллоҳга итоат этингиз. Пайғамбарга ва ўзингиздан бўлган раҳбарга итоат этингиз. Бирон нарсада тортишиб қолсангиз, агар Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлсангиз, уни Аллоҳга ва Пайғамбарга қайтарингиз. Мана шу яхшироқ ва гўзалроқ ечимдир.
- 60.** Ўзларини сизга нозил қилинган нарсага ва сиздан олдин нозил қилинган нарсага иймон келтирган, деб даъво қиладиган кимсаларнинг шайтоннинг ҳакамлик қилишини истаётганларини кўрмадингизми? Ҳолбуки, уни инкор қилишга буюрилган эдилар. Шайтон уларни бутунлай йўлдан уришни хоҳлайди.
- 61.** Уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага ва Пайғамбарга келинглари» дейилса, мунофиқларнинг сиздан бутунлай юз ўгираётганларини кўрасиз.
- 62.** Энди ўзларининг қилмишлари сабабли уларга бирон мусибат етса, шундан

кейин сизнинг ҳузурингизга келишиб: «Биз фақат яхшиликни ва орани ўнглашни истаган эдик, холос», деб қасам ичишлари қандок бўлди?

- 63.** Уларнинг қалбларида нима борлигини Аллоҳ яхши билади. Улардан юз ўғиринг ва уларга насиҳат қилиб, ўзлари ҳақида пурмаъно сўзларни айтинг.
- 64.** Қайси бир пайғамбарни юборган бўлсак, Аллоҳнинг изни ила фақат итоат қилиниши учун юборганмиз. Ўзларига ўзлари зулм қилган пайтларида сизга келиб, Аллоҳга истиғфор айтганларида ва Пайғамбар ҳам улар учун истиғфор айтганида эди, албатта, Аллоҳнинг тавбаларни қабул этувчи ва раҳмли Зот эканини топган бўлардилар.
- 65.** Асло! Парвардигорингизга қасамки, ораларида юз берган келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича, кейин эса сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича мўмин бўлмайдилар.
- 66.** Уларга: «Бир-бирингизни ўлдирингиз ва диёрларингиздан чиқингиз», деб буюрганимизда эди, бунини улардан жуда озичилиги бажарган бўларди. Ўзларига қилинган панд-насиҳатларга амал қилганларида эди, ўзлари учун яхшироқ ва (иймонлари) мустаҳкамроқ бўлар эди.

67. У ҳолда Биз ҳам уларга Ўз ҳузуримиздан улуғ ажр берган бўлар эдик.
68. Ва уларни тўғри йўлга ҳидоят қилган бўлардик.
69. Ким Аллоҳга ва Расулга итоат қилса, бас, ана ўшалар Аллоҳнинг неъматига сазовор бўлган набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан бирга бўлурлар. Улар нақадар яхши ҳамроҳлардир.
70. Бу Аллоҳ томонидан бўлган фазлу-марҳаматдир. Аллоҳнинг Ўзи етарли Билгувчидир.
71. Эй, иймон келтирганлар, эҳтиёт чораларини кўриб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб қўзғалинг ёки тўп ҳолингизда қўзғалинг!
72. Ораларингизда ортда қоладиган ва сизларга бирон мусибат етса: «Аллоҳ ёрлақаб, улар билан бирга бўлмадим, (акс ҳолда ҳалок бўлар эдим)», дейдиган кимсалар ҳам бор.
73. Бордию сизларга Аллоҳдан фазлу марҳамат етса, ухуддисизлар билан ўзининг орасида ҳеч қандай дўстлик бўлмагандек: «Қанийди, мен ҳам ўшалар билан бирга бўлиб, улуғ зафарга эришганимда», дейиши муқаррар.
74. Аллоҳ йўлида дунё ҳаётини бериб, охиратни сотиб оладиганлар жанг қилсинлар. Ким Аллоҳ йўлида жанг қилиб ўлдирилса ёки ғалаба қилса, унга улуғ мукофот ато этажакмиз.

75. Сизларга нима бўлдики, Аллоҳ йўлида ва: «Парвардигоро, бизни эгалари золим бўлган бу шаҳардан озод қил ва бизга ўз ҳузурингдан бир дўст бергин, бизга ўз ҳузурингдан бир ёрдамчи қилгин», деяётган эркаклар, аёллар ҳамда болалардан иборат бўлган бечоралар(ни озод қилиш) йўлида жанг қилмаяпсизлар?!
76. Иймон келтирганлар Аллоҳнинг йўлида жанг қилурлар. Куфр келтирганлар эса тоғутнинг йўлида жанг қилурлар. Бас, шайтоннинг дўстларига қарши жанг қилингиз. Албатта, шайтоннинг ҳийласи(ҳардоим) заиф бўлган.
77. Мана бу кимсаларни кўрмадингизмики, уларга: «Ўзингизни босинг ва намозингизни ўқиб, закотингизни адо этингиз», дейилган эди. Энди жанг фарз қилинганида эса, баногоҳ улардан бир тўпи одамлардан Аллоҳдан кўрққандек, балки ундан-да қаттиқроқ кўрқмоқдалар. Ва (ҳатто): «Парвардигоро, нега бизга жангни фарз қилдинг? Бироз ортга суриб турганинга эди», дедилар. Уларга айтинг: «Дунё матоси озгинадир. Аллоҳдан кўрққан кишига охират яхшироқдир. Сизлар қилча зулм қилинмассизлар».
78. Қаерда бўлсангиз, ҳатто мустаҳкам қалъалар ичида бўлсангиз ҳам ўлим сизларни топиб олур. Агар уларга (мунофиқларга) бирон яхшилик етса: «Бу Аллоҳнинг ҳузуридан», дейдилар.

Борди-ю бирон ёмонлик етиб қолса: «Бунга сен сабабсан», дейдилар. Айтинг: «Ҳамма нарса Аллоҳдандир». Нега бу қавм кишилари ҳеч гап англамайдилар-а?!

- 79.** Сизга нима яхшилик етган бўлса, у Аллоҳдандир. Нима ёмонлик етган бўлса, у ўзингиздандир. Биз сиз ни о дамларга пайғамбар қилиб юбордик. Бунга Аллоҳнинг ўзи етарли гувоҳдир.
- 80.** Ким Пайғамбарга итоат қилса, Аллоҳга итоат қилган бўлур. Ким юз ўгирса, Биз сизни уларга қўриқчи қилиб юбормадик.
- 81.** Улар: «Итоат этамиз», дейдилару ҳузурингиздан чиққанларидан кейин эса улардан бир тоифаси сиз айтган гапларнинг аксига хуфёна тил бириктирадилар. Аллоҳ эса уларнинг хуфёна келишувларини ёзиб қўюр. Бас, сиз улардан юз ўгириб, Аллоҳга таваккул қилинг. Аллоҳнинг Ўзи етарли Вакилдир.
- 82.** Ахир улар Қуръон ҳақида фикр юритмайдиларми?! Агар у Аллоҳдан бошқа биров томонидан бўлса эди, унда кўп қарама-қаршиликларни топган бўлар эдилар-ку?!
- 83.** Қачон уларга тинчлик ёки хавф-хатар хабари келса, уни ёйиб юборадилар. Пайғамбарга ва ўзларидан бўлган бошлиқларгагина етказганларида эди, уни билмоқчи бўлган кишилар ўшалардан билган бўлар эдилар. Агар сизларга Аллоҳнинг фазлу марҳамати

бўлмаса эди, айрим кишилардан ташқари ҳаммангиз шайтонга эргашиб кетар эдингиз.

- 84.** Бас, Аллоҳ йўлида жанг қилинг. Зотан, сиз фақат ўзингиз учун жавобгарсиз. Мўминларни ҳам тарғиб қилинг! Шояд, Аллоҳ куфр келтирган кимсаларнинг зўрлигини даф қилса. Аллоҳ қуввати ортиқ, азоби қаттиқ Зотдир.
- 85.** Ким ҳаққоний тараф олса, ўзига ҳам унинг савобидан бир насиба тегади. Ким ноҳақ тараф олса, ўзига ҳам унинг гуноҳидан бир улуш тегади. Аллоҳ ҳамма нарсага Шоҳиддир.
- 86.** Қачон сизларга бирон ибора билан салом берилса, сизлар ундан чиройлироқ қилиб алик олинглар ёки (ҳеч бўлмаса) ўша иборани қайтаринглар. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани ҳисобга олгувчи бўлган Зотдир.
- 87.** Аллоҳ. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. У сизларни (рўй бериши) шак-шубҳасиз бўлган қиёмат кунида тўплайди. Аллоҳдан кўра ростгўйроқ ким бор?!
- 88.** (Эй мўминлар), нега сизлар мунофиқлар тўғрисида икки гуруҳга бўлини б олдингиз? Ахир Аллоҳ уларни ўз қилмишлари сабабли (куфр ва нифокқа) қайтарди-ку?! Аллоҳ адаштирган кимсани тўғри йўлга солмоқчимисизлар? Аллоҳ кимни

адаштириб қўйган бўлса, унга (унинг қалбига) йўл топа олмайсиз!

- 89.** Улар ўзлари кофир бўлганлари каби сизлар ҳам кофир бўлиб, улар билан баробар бўлиб қолишларингизни истайдилар. Бас, сизлар то Аллоҳ йўлида ҳижрат қилмагунларича уларни дўст тутманглар! Агар юз ўгирсалар, уларни топган жойингизда тутиб ўлдириңгиз ва уларни дўст ҳам тутмангиз, улардан ёрдам ҳам олмангиз!
- 90.** Аммо(умунофиқлардан)ораларингизда аҳду паймон бўлган қавмга келиб қўшилган ёки хоҳ сизлар билан, хоҳ ўзларининг қавми билан урушиш жонига тегиб олдингизга келган кимсаларга тегмангиз! Агар Аллоҳ истаса эди, уларни сизлардан устун қилиб қўйган бўлар эди ва улар сизларга қарши жанг қилар эдилар. Бас, агар сизлардан четланиб, сизларга қарши жанг қилмай сулҳ тузишни таклиф қилиб келсалар, Аллоҳ сизлар учун уларнинг устига ҳеч қандай йўл бермайди.
- 91.** (У мунофиқлардан) бошқа бир тоифасининг эсасизлардан ҳам, ўз қавмларидан ҳам тинч-хотиржам бўлишни кўзлаётганларини кўрасизлар. Ҳар қачон фитнага (яъни, куфрга) қайтишга тўғри келса, ўзларини унга ташлайдилар. Бас, агар улар сизлардан четланмас, сизларга сулҳ таклиф қилмас ва қўлларини тиймас

эканлар, уларни топган жойингизда тутиб ўлдирингиз. Бундай кимсаларга қарши (ҳужум қилишингиз учун) сизларга очик ҳужжат бериб қўйдик.

92. Мўмин мўминни ўлдириши мумкин эмас. Билмасдан ўлдириб қўйиши бундан мустасно. Ким бир мўминни билмай ўлдириб қўйса, у бир мўмин қулни озод қилиши ва марҳумнинг эгаларига - агар кечиб юбормасалар - хун тўлаши вожибдир. Агар марҳум ўзи мўмин бўлиб, сизларга душман қавмдан бўлса, фақат бир мўмин қулни озод қилиши вожиб. Агар у сизлар билан сулҳ тузган қавмдан бўлса, унинг эгаларига хун тўлаш ва бир мўмин қулни озод қилиш лозим. Бас, ким (озод қилиш учун бир қул) топишга қодир бўлмаса, Аллоҳга тавба қилиб муттасил икки ой рўза тутмоғи лозим. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган Зотдир.

93. Ким бир мўминни қасдан ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамдир. Унда абадий қолур. Аллоҳ унга ғазаб қилгай ва уни лаънатлагай ҳамда унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай.

94. Эй, иймонкелтирганлар! Аллоҳнинг йўлида жиҳодга чиқсангиз, аниқлаб олинглар ва сизга салом берган кимсага, мўмин эмассан, деманглар. Бу дунё ҳаётининг ўткинчи ўлжасини истайсизлар, Аллоҳнинг ҳузурида эса, кўплаб ўлжалар бор. Авваллари сиз

ҳам шундай эдингиз, Аллоҳ сизга неъмат берди. Бас, аниқлаб олинг. Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир.

95. Бешикаст бўла туриб (жиходга чиқмай) ўтириб олган мўминлар билан Аллоҳнинг йўлида моллари ва жонлари ила жанг қилган мужоҳидлар баробар бўлмаслар. Аллоҳ моллари ва жонлари билан жанг қилган мужоҳидларнинг даражасини ўтириб олганлардан бир даража афзал қилди ва Аллоҳ ҳаммасига яхшилиқни ваъда қилган. Аллоҳ мужоҳидларни ўтириб олганлардан улуғ ажр ила афзал қилган.

96. Ўзи тарафидан бўлган даражалар ила, мағфират ва раҳмат ила (афзал қилган). Аллоҳ Мағфиратли ва Раҳмли бўлган Зотдир.

97. Ўз жонларига жабр қилганларнинг жонларини олиш чоғида фаришталаруларга: «Қандай яшадингиз?» - деганларида: «Ер юзида бечоралар эдик», дедилар. (Шунда фаришталар): «Аллоҳнинг ери кенг эди-ку?! Хижрат қилсангизлар (бўлмасмиди)?!» - дейишди. Ана ўшаларнинг жойлари жаҳаннамдир. У қандай ҳам ёмон жой!

98. Бирон чорасини қилолмай, хижрат қилишга йўл тополмай чорасиз қолган кишилар, аёллар ва болалар бундан мустасно.

- 99.** Шоядки, Аллоҳ ана ўшаларни афв этса! Аллоҳ Кечиримли ва Мағфиратли бўлган Зотдир.
- 100.** Ким Аллоҳ йўлида ҳижрат қилса, ер юзида кўпгина паноҳгоҳлар ва кенгчилик топади. Ким уйидан Аллоҳ ва Расули йўлида ҳижрат қилиб чиқса, кейин эса унга ўлим етса, унинг ажри Аллоҳ зиммасига аниқ тушибди. Аллоҳ мағфиратли ва марҳаматли бўлган Зотдир.
- 101.** Ер юзида сафар қилиб юрганингизда куфр келтирган кимсаларнинг фитна қилишларидан хавфсирасангизлар, намозингизни қаср (қисқа) қилиб ўқисангиз, сизга гуноҳ йўқдир. Аниқки, кофирлар сизларга очик душманлардир.
- 102.** Қачон сиз мўминлар орасида бўлиб, намозда уларга имомлик қилсангиз, улардан бир тоифаси сиз билан намозга қуролланиб турсинлар. Саждага борганларида орқаларингга бориб, (сизларни кўриклаб) турсинлар ва ҳали намоз ўқимаган бошқа тоифа келиб сиз билан бирга намоз ўқисинлар. Улар ҳам эҳтиёт чораларини кўриб, қуролланиб олсинлар. Кофирлар сизлар қурол-яроғ ва асбоб-анжомларингиздан ғафлатда бўлган пайтингизда устингизга бирданига ҳамла қилишни истайдилар. Агар ёғингарчиликдан азият чексангизлар ёки

ечиб кўйишингиз гуноҳ эмас. Аммо эҳтиёт чорангизни кўриб кўйинглар. Албатта, Аллоҳ кофирлар учун хор қилгувчи азобни тайёрлаб қўйгандир.

103. Намазни адо этганингиздан сўнг Аллоҳни турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ёнбошлаганда ҳам эслангиз. Хотиржам бўлганингизда намазни тўлиқ адо этингиз. Албатта, мўминларга намаз аниқ вақтда (адо этилиши) фарз бўлди.

104. У қавмни қувишда бўш келмангиз! Агар алам чекаётган бўлсангиз, улар ҳам худди сиздек алам чекмоқдалар. Сиз эса Аллоҳдан улар умид қилмаган нарсани умид қилмоқдасиз. Аллоҳ Билгувчи ва Ҳаким бўлган Зотдир.

105. Албатта, Биз сизга одамлар орасида Аллоҳ кўрсатган йўл билан ҳукм этишингиз учун Китобни ҳақ ила нозил қилдик. Сиз хоинларнинг тарафини олувчи бўлманг.

106. Аллоҳга истиғфор айтинг! Албатта, Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли бўлган Зотдир.

107. Сиз ўзларига ўзлари хиёнат қиладиганларнинг ёнини олманг! Албатта, Аллоҳ хоин ва жинойтчи бўлган кимсаларни севмайди.

108. Улар одамлардан яшира оладилар, аммо Аллоҳдан яшира олмайдилар. У Зот Ўзи рози бўлмайдиган гапларнинг режасини хуфёна тузаётган пайтларида ҳам улар билан

бирга бўлур. Аллоҳ уларнинг қилаётган амалларини ихота қилгувчи Зотдир.

109. Мана сизлар, бу дунёда уларнинг ёнини олдингиз. Энди Қиёмат кунда уларни ким Аллоҳдан ҳимоя қилиб ёнларини олур ёки ким уларга вакил бўлур?!

110. Ким бир ёмонлик қилса ёки ўзига ўзи зулм этса, кейин эса Аллоҳга истиғфор айтса, Аллоҳни Мағфиратли ва Раҳмли топар.

111. Ким бир гуноҳ қилса, фақат ўзига зарар қилган бўлади. Аллоҳ Билувчи ва Ҳаким бўлган Зотдир.

112. Ким бир хато ёки гуноҳ қилиб, кейин уни бир бегуноҳга ағдарса, шубҳасиз, бўҳтон ва очик гуноҳни ўз бўйнига олибди.

113. Агар сизга Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаганда эди, улардан бир тоифаси сизни йўлдан оздиришга уриниб қолган эди. Улар фақат ўзларини адаштирадилар, холос. Сизга эса бирон зиён етказа олмайдилар. (Зеро) Аллоҳ сизга Китоб ва ҳикматни нозил қилди ҳамда билмаган нарсаларингизни билдирди. Аллоҳнинг сизга қилган фазлу марҳамати улуғ бўлди.

114. Уларнинг кўпмахфий суҳбатларидан-агар садақа беришга ё бирон яхшилик қилишга ёки одамлар ўртасини слоҳ қилишга буюрган бўлмасалар - ҳеч қандай фойда йўқдир. Ким Аллоҳ ризосини истаб, шу ишларни қилса,

унга улуғ мукофот берурмиз.

- 115.** Ким ҳидоятни аниқ таниганидан кейин Пайғамбарга хилоф қилса ва мўминларнинг йўлидан бошқа йўлга юрса, уни кетган томонига қўйиб берамиз ва жаҳаннамга киритамиз. У қандоқ ҳам ёмон жой!
- 116.** Албатта, Аллоҳ ўзига ширк келтирилишини кечирмайди. Шундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалари учун кечиради. Ким Аллоҳга ширк келтирса, демак, жуда қаттиқ йўлдан озибди.
- 117.** Улар Аллоҳни қўйиб, фақатаёлсанамларга ибодат қилурлар ва фақат бебош шайтонга ибодат қилурлар.
- 118.** Аллоҳ уни лаънатлади. У деди: «Қасамки, бандаларнинг орасидан ўзимга тегишли насибани аниқ оламан.
- 119.** Уларни йўлдан оздираман, хомхаёлларга мубтало қиламан, буюрсам, улар чорваларининг кулоқларини кесадилар, буюрсам, Аллоҳ яратган нарсаларни ўзгартириб-бузадилар». Кимки Аллоҳни қўйиб, шайтонни дўст тутса, бас, у очикдан-очик зиён қилибди.
- 120.** (Шайтон) уларга ваъда берур ва уларни хомхаёлларга мубтало қилур. Шайтон уларга алдов-ёлғондан бошқа нарсани ваъда қилмас.

- 121.** Ана ўшаларнинг жойлари жаҳаннамдир.
Ундан қутулиш йўлини топа олмаслар.
- 122.** Иймон келтириб, яхши амалларни қилганларни остидан анҳорлар оқиб турган жаннатларга киритурмиз. Унда абадий қолурлар. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Аллоҳдан кўра ростгўйроқ ким бор?!
- 123.** Сизларнинг хомхаёлингизча ҳам эмас, аҳли китобларнинг хомхаёлича ҳам эмас. Ким ёмонлик қилса, жазосини олур ва ўзига Аллоҳдан ўзга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам топа олмас.
- 124.** Эркакми, аёлми, мўмин бўлган ҳолда яхши амалларни қилса, ана ўшалар жаннатга кирурлар ва уларга қилча ҳам зулм қилинмас.
- 125.** Чин мусулмон бўлган ҳолида ўзини Аллоҳга топширган ва ҳақ йўлдаги Иброҳимнинг динига эргашган кишининг динидан ҳам гўзалроқ дин борми?! (Ахир) Иброҳимни Аллоҳ Ўзига дўст тутган.
- 126.** Осмонлару ердаги ҳамма нарса Аллоҳникидир. Аллоҳ ҳамма нарсани қамраб олгувчи бўлган Зотдир.
- 127.** Сиздан аёллар ҳақида фатво сўрайдилар. Айтинг: «Улар тўғрисида сизларга Аллоҳ ва Китобда тиловат қилинадиган оятлар фатво берур. Яна етим қизларни улар учун фарз қилинган маҳрларини бермасдан (никоҳингизга олишингизни) ва никоҳингизга

олишдан бош тортиб, (бошқа бировга турмушга чиқишига ҳам монелик қилишингизни ҳаром қилади). Яна ночор болалар ҳақида фатво бериб, бундай етимлар хусусида адолат билан туришингизни амр этади. Сизлар нима яхшилик қилсангиз, албатта, Аллоҳ уни билиб тургувчи бўлган Зотдир».

128. Агар аёл киши ўз эридан кўнгилсизлик ва юз ўгириш содир бўлишидан кўркса, икковлари ўзаро сулҳга келишишларида гуноҳ йўқ. Сулҳ яхшидир. Нафслар қизғанишга ҳозирдир. Агар яхшилик ва тақво қилсангиз, албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан Хабардордир.

129. Ҳар қанча уринсангизлар ҳам хотинларингиз ўртасида адолат қила олмайсиз. Бутунлай юз ўгириб, уни муаллақдек ташлаб қўймангиз. Агар ислоҳ ва тақво қилсангиз, албатта, Аллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган Зотдир.

130. Агар ажрашсалар, Аллоҳ Ўз фазлидан ҳар иккисини беҳожат қилур. Аллоҳ фазли кенг ва Ҳаким бўлган Зотдир.

131. Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Биз сиздан олдинги китоб берилганларга ҳам, сизларга ҳам: «Аллоҳдан кўрқингиз», деб амр қилдик. Агар куфр келтирсангиз, албатта, осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Аллоҳ беҳожат ва мақтовга лойиқ бўлган Зотдир.

- 132.** Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Вакил бўлишга Аллоҳ кифоядир.
- 133.** Агар хоҳласа, эй одамлар, сизларни кетказиб, бошқаларни келтирур. Аллоҳ бунга қодир бўлган Зотдир.
- 134.** Ким дунё савобини истаса, (билсинки), Аллоҳнинг ҳузурида бу дунёнинг ҳам, у дунёнинг ҳам савоби бордир. Аллоҳ Эшитувчи ва Кўрувчи бўлган Зотдир.
- 135.** Эй иймон келтирганлар! Адолат ила тулинг ҳамда ўзингиз, ота-онангиз ва қариндошларингиз зиддига бўлса ҳам Аллоҳ учун тўғри гувоҳлик берувчи бўлинг. У (гувоҳлик берилувчи) бой бўлса ҳам, камбағал бўлса ҳам Аллоҳ унга яқинроқдир. Ҳавойи нафсга эргашиб, адолатсизлик қилманг. Агар тилингизни бурсангиз ёки юз ўгириб кетсангиз, албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан хабардор бўлган Зотдир.
- 136.** Эй иймон келтирганлар, Аллоҳга, Унинг Пайғамбарига ва шу Пайғамбарига нозил қилган китобга ҳамда илгари нозил бўлган китобларга иймон келтирингиз. Ким Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига куфр келтирса, демак, у жуда қаттиқ адашибди.
- 137.** Олдин иймон келтириб, кейин куфр келтирган, ортидан яна иймонга келиб, сўнгра яна куфрга қайтган, кейин эса куфрлари

янада зиёда бўлган кимсаларни Аллоҳ ҳаргиз кечирмас ва зинҳор ҳақ йўлга ҳидоят қилмас.

138. Бундай мунофиқларга улар учун аламли азоб борлигидан «хушхабар» бериб қўйинг!

139. Улар мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутадиганлардир. Куч-қудратни ўшалардан қидирадиларми? Иззату куч-қудратнинг ҳаммаси Аллоҳникидир.

140. Ахир Аллоҳ сизларга китобда: «Қачонки Аллоҳнинг оятлари инкор қилинаётганини ва масхара қилинаётганини эшитсангизлар, то бошқа гапга ўтмагунларича ундай кимсалар билан бирга ўтирманглар», деган сўзларни нозилқилганэди-ку?!(Шундайқилсангизлар), демак, сизлар ҳам шак-шубҳасиз, ўшаларга ўхшагансиз. Албатта, Аллоҳ барча мунофиқ ва кофирларни жаҳаннамга жамлагувчидир.

141. Улар сизларни пойлаб турадилар. Сизларга Аллоҳ томонидан зафар келса: «Сизлар билан бирга эмасмидик?!» - дейдилар. Агар ғалаба кофирларга насиб бўлса: «Биз сизлардан устун бўлган ва сизларни мўминлардан ҳимоя қилган эмасмидик?» - дейишади. Аллоҳ Қиёмат кунида ўрталарингизда ҳакамлик қилур. Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай.

142. Мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўладилар. Аллоҳнинг Ўзи уларни алдаб қўяди. Намозга турсалар, эриниб турадилар.

Хўжакўрсинга иш қиладилар. Аллоҳни камдан-кам ёдга оладилар.

143. Уларўртада сарсондирлар. Наанавиларга қўшила оладилар ва на манавиларга. Аллоҳ кимни адаштириб қўйган бўлса, ҳаргиз унга бирон йўл топа олмассиз.

144. Эй мўминлар, мўминларни қўйиб, кофирларни дўст тутмангиз! Аллоҳ учун ўз зарарларингизга очик ҳужжат қилиб беришни истайсизми?

145. Албатта, мунофиқлар дўзахнинг энг тубидадирлар ва ҳаргиз уларга бир ёрдамчи топа олмассиз.

146. Тавба қилиб, ўзларини ўнглаб олган, Аллоҳга боғланиб, динларини холис Аллоҳ учун қилганлар бундан мустасно. Улар мўминлар билан биргадир. Яқинда Аллоҳ мўминларга улуғ савоб берур.

147. Агар шукр қилсангизлар ва иймон келтирсангизлар, Аллоҳ сизларни азоблаб нима қилади?! Аллоҳ Шакур (оз амал учун кўп савоб берувчи) ва Билувчи бўлган Зотдир.

148. Аллоҳ ёмон сўзларнинг ошкора айтилишини хуш кўрмайди. (Бу ишнинг) мазлум томонидан бўлиши бундан мустасно. Аллоҳ Эшитгувчи, Билгувчи бўлган Зотдир.

149. Агар бирон яхшиликни ошкора ё махфий қилсангиз ёки бирон ёмонликни афв этсангиз,

(жуда яхши). Зеро, Аллоҳ Кечиргувчи ва Қодир бўлган Зотдир.

150. Албатта, Аллоҳ ва пайғамбарларига ишонмайдиган, Аллоҳ билан пайғамбарларининг ораларини ажратишни истайдиган ва: «Айримларига ишонамиз, айримларига ишонмаймиз», дейдиган ҳамда ора йўлни тутишни истайдиган кимсалар -

151. Ана ўшалар ҳақиқий кофирлардир. Кофирларга хор қилгувчи азобни тайёрлаб қўйганмиз.

152. Аллоҳ ва Унинг пайғамбарларига иймон келтирган ҳамда улардан биронтасини ажратиб қўймаган зотларга эсаяқинда (Аллоҳ муносиб) мукофотларини ато этажак. Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон бўлган Зотдир.

153. Аҳли китоб сиздан самодан уларга бир китоб нозил қилишингизни сўрайди. Мусодан бундан ҳам каттароқ нарсани сўраб: «Бизга Аллоҳни очик кўрсат», дегандилар. Шунда зулмлари туфайли уларни чакмоқ урганди. Кейин эса ўзларига очик ҳужжатлар келганидан кейин ҳам бузоқни худо қилиб олишди. Буни ҳам кечирдик ва Мусога очик ҳужжат ато этдик.

154. Аҳдни бузганлари сабабли устларига Тур тоғини кўтардик ва уларга:

«Бу дарвозадан сажда қилган ҳолингизда кингиз», дедик. Яна уларга: «Шанба кунлари ҳаддингиздан ошманг», дедик ҳамда улардан қаттиқ аҳд-паймон олдик.

155. Сўнгра аҳду паймонларини бузганлари, Аллоҳнинг оятларини инкор қилганлари, пайғамбарларни ноҳақ ўлдирганлари ва: «Дилларимиз қулф», деганлари сабабли (Биз уларни лаънатладик). Йўқ, балки куфрлари сабабли Аллоҳ уларнинг дилларини муҳрлаб қўйгандир. Бас, камдан-камлари иймон келтирадилар.

156. Яна куфр келтирганлари ва Марям хусусида улуғ бўҳтон қилганлари сабабли (Биз уларни лаънатладик).

157. Ҳамда Аллоҳнинг пайғамбари бўлган Масих Ийсо ибн Марямни биз ўлдирганмиз, деган сўзлари сабабли (Биз уларни лаънатладик). Ҳолбуки, улар уни ўлдирганлари ҳам, осанлари ҳам йўқ. Фақат улар учун (бошқа биров Ийсога) ўхшатиб қўйилди, холос. Албатта, Ийсо ҳақида талашиб-тортишган кимсалар унинг (ўлдирилган-ўлдирилмагани) ҳақида шубҳада қолганлар. У ҳақда фақат гумонларга бериладилар, холос. Уни аниқ ўлдирмаганлар.

158. Балки уни Аллоҳ Ўз ҳузурига кўтаргандир. Аллоҳ Азиз ва Ҳаким бўлган Зотдир.

159. Ҳеч бир аҳли китоб йўқки, унга ўлимидан олдин иймон келтирмаса. Қиёмат кунини эса у

уларнинг зиддига гувоҳ бўлур.

160. Яҳудий бўлганларга уларнинг зулми, Аллоҳнинг йўлидан кўп одамларни тўсгани учун олдин уларга ҳалол қилинган нарсаларни ҳаром қилиб қўйдик.

161. Яна қайтарилган бўлсалар ҳам судхўрлик қилганлари ҳамда одамларнинг молларини ботил йўл билан еганлари сабабли. Улардан кофирлари учун аламли азобни тайёрлаб қўйдик.

162. Лекин уларнинг орасидан илмда мустаҳкам бўлган зотлар ҳамда сизга нозил қилинган нарсага ва сиздан илгари нозил қилинган нарсаларга иймон келтирадиган мўминлар, хусусан, намозни барпо қилувчилар, закотни адо қилгувчилар ҳамда Аллоҳ ва Охират кунига иймон келтирувчилар - ана ўшаларга улуғ мукофот ато этурмиз.

163. Биз Нухга ва ундан кейинги пайғамбарларга ваҳий юборганимиз каби сизга ҳам ваҳий юбордик. Яна Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб ва унинг уруғ-авлоди, Ийсо, Айюб, Юнус, Ҳорун ва Сулаймон пайғамбарларга ҳам ваҳий юборганмиз. Довудга Забурни ато этдик.

164. Пайғамбарларки, улар ҳақида сизга илгари ҳикоя қилдик. Пайғамбарларки, улар ҳақида сизга ҳикоя қилганимиз йўқ. Мусо билан

Аллоҳнинг Ўзи (бевосита) гаплашди.

- 165.** Пайғамбарларки, хушхабар элтувчи ва қўрқитувчидирлар. Токи бу пайғамбарлардан кейин одамлар учун Аллоҳга қарши бирон ҳужжат қолмасин. Аллоҳ қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган Зотдир.
- 166.** Лекин Аллоҳ Ўзи сизга нозил қилган нарсага гувоҳлик берур. Уни Ўз илми билан нозил қилди. Фаришталар ҳам гувоҳлик берурлар. Аллоҳнинг Ўзи етарли Гувоҳдир.
- 167.** Албатта, кофир бўлган ва Аллоҳнинг йўлидан тўсган кимсалар қаттиқ адашгандирлар.
- 168.** Албатта, куфр йўлига кириб, жабру зулм қилган кимсаларни Аллоҳ ҳаргиз кечирмайди ва зинҳор ҳақ йўлга ҳидоят қилмайди.
- 169.** Магар уларни жаҳаннам йўлига бошлар ва улар у жойда абадий қолурлар. Бу иш Аллоҳга осондир.
- 170.** Эй инсонлар, Пайғамбар Парвардигорингиз тарафидан ҳақни олиб келди. Бас, иймон келтиринглар. (Шунда) ўзингизга яхши бўлади. Агар куфр келтирсангиз, бас, осмонлару ердаги (ҳамма) нарса Аллоҳникидир. Аллоҳ Билгувчи ва Ҳаким бўлган Зотдир.
- 171.** Эй аҳли китоб, динингизда ҳаддингиздан ошмангиз! Аллоҳ ҳақида фақат ҳақ гапни

айтингиз! Албатта, Масих Ийсо ибн Марям Аллоҳнинг пайғамбари ва Унинг Марямга етказган сўзи ҳамда Унинг томонидан бўлган руҳдир, холос. Бас, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарларига иймон келтирингиз! (Аллоҳ)учтадемангиз, (бундай дейишдан) тийилингиз, шунда ўзингиз учун яхши бўлур. Шубҳасиз, Аллоҳ ягона илоҳдир. У фарзандлик бўлишдан пок бўлган Зотдир. Осмонлардаги ва Ердаги бор нарса Уникидир. Вакилликка Аллоҳнинг Ўзи етарлидир.

172. Масих ҳам, муқарраб фаришталар ҳам Аллоҳга банда бўлишдан асло ор қилмайдилар. Ким Унга банда бўлишдан бош тортса ва мутакаббирлик қилса, яқинда уларнинг ҳаммасини Ўзига тўплайди.

173. Иймон келтириб, яхши амаллар қилганларнинг ажрларини тўлиқ қилиб берур ва Ўз фазлидан зиёда ҳам қилур. Бош тортиб, такаббурлик қилганларни эса аламли азоб билан азоблар ва улар ўзлари учун Аллоҳдан ўзга дўст ҳам, ёрдамчи ҳам топмаслар.

174. Эй одамлар, сизларга Парвардигорингиздан ҳужжат келди ва сизга ёрқин нурни нозил қилдик.

175. Аллоҳга иймон келтирган ва маҳкам боғланган зотларни Ўз тарафидан раҳмат ва фазлга дохил қилур ва Ўзига (олиб борадиган) туғри йўлга йўллагай.

176. Сиздан фатво сўрайдилар. Айтинг: «Аллоҳ сизларга калола ҳақида фатво беради. Бир фарзандсиз одам ўлса ва унинг бир дона опаси ё синглиси бўлса, мероснинг ярми уникидир. Ўша бир дона опаси ё синглисининг фарзанди бўлмаса, ака ундан мерос олади. Опа ё сингиллар (бир дона эмас), иккита бўлса, мероснинг учдан иккиси уларникидир. Фақат опа-сингилларгина эмас, ака-укалар ҳам бўлса, бир эркакка икки аёл улуши берилади. Адашиб кетмаслигингиз учун Аллоҳ сизларга баён қиляпти. Аллоҳ ҳамма нарсани Билгувчидир».

Моида сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Эй иймон келтирганлар, битимларга вафо қилинлар. Сизларга чорва ҳайвонлари ҳалол қилинди. (Ҳаромлиги) тиловат қилинганлари ҳамда эҳромдалик пайтингизда овни ҳалол қилиб олишингиз бундан мустасно. Албатта, Аллоҳ Ўзи истаганидек ҳукм қилур.
2. Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ буюрган удумларни бузишни, уруш ҳаром қилинган ойда жанг қилишни, Аллоҳ йўлида ҳадя этилган ҳайвонларни (ўлдиришни) ва уларга осиб қўйилган ҳадялик белгиларини (узиб ташлашни) ҳамда Парвардигорларидан фазлу марҳамат ва ризолик тилаб Байтул-Ҳаромни (Каъбани) мақсад қилиб кетаётган кишиларга (қарши жанг қилишни) ҳалол қилиб олмангиз! (Эҳромдан чиқиб) ҳалол бўлгач, ов қилаверингиз. Сизларни Каъбадан тўсганлари сабабли бирон қавмни ёмон кўришингиз ҳаддингиздан ошишингизга сабаб бўлмасин! Яхшилик ва тақво йўлида ҳамкорлик қилингиз, гуноҳ ва тажовузкорлик йўлида ҳамкорлик

қилмангиз! Аллоҳдан қўрқингиз!

Шубҳасиз, Аллоҳ азоби қаттиқ Зотдир.

3. Сизларга ўлакса, қон, тўнғиз гўшти, Аллоҳдан бошқага атаб сўйилган нарсас, бўғилиб ўлган, уриб ўлдирилган, баланд жойдан қулаб ўлган, сузишиб ўлган ва йиртқич ҳайвон тишлаб ўлдирган жониворлар ҳаром қилинди. (Жони чиқмай туриб)сўйибюборганингизбунданмустасно. Яна бутларга атаб сўйилган ҳайвонлар ва (фол)чўпларданқисматингизнисўрашингиз (ҳам сизларга ҳаром қилинди). Зотан, бу ишларингиз итоатсизликдир. (Мана) бугун кофир бўлган кимсаларнинг сизларни динингиздан(чиқаришдан)умидлариузилди. Бас, улардан қўрқмангиз, Мендан қўрқингиз! Бугун сизларга динингизни комил қилдим ва неъматимни тўкис қилиб бердим ҳамда сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим. Бас, кимки очарчиликда гуноҳ томонга оғмаган ҳолида (мазкур ҳаром қилинган нарсаларни ейишга) мажбур бўлса, (Аллоҳ кечирар). Зеро, Аллоҳ мағфиратли, меҳрибон Зотдир.
4. Сиздан ўзлари учун нималар ҳалол қилинганини сўрайдилар. Айтинг: «Сизлар учун барча покиза нарсалар ва яна сизларнинг таълимингизни олган жониворларнинг - Аллоҳ сизларга билдирган нарсалардан билдириб қўлга

ўргатган жониворларнинг (тутиб келтирган овлари) ҳалол қилинди. Бас, улар сизлар учун ушлаб келтирган нарсаларни еяверинглар ва (уларни овга қўйиб юбораётганингизда) Аллоҳнинг номини зикр қилинглар! Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ жуда тез ҳисоб-китоб қилгувчи Зотдир».

5. Бугун сизлар учун барча покиза нарсалар ҳалол қилинди. Китоб берилган кимсаларнинг таомлари сизлар учун ҳалолдир ва сизларнинг таомларингиз улар учун ҳалолдир. Зино қилмай ва яширин ўйнаш тутмай маҳрларини бериб уйлансангиз, сизлар учун мўминларнинг афийфалари (ўзини ҳаромдан сақлаганлари) ҳам, сизлардан олдинги Китоб берилганларнинг афийфалари ҳам ҳалолдир. Кимки иймонидан қайтса, унинг қилган амали беҳуда кетиши аниқдир ва у Охиратда зиён кўргувчилар тоифасидандир.

6. Эй иймон келтирганлар, намозга турганингизда юзларингизни ҳамда қўлларингизни тирсаклари билан ювингиз, бошларингизга масҳ тортингиз ва оёқларингизни тўпиқлари билан ювингиз! Агар жунуб бўлсаларингиз, покланингиз! Агар бемор ё сафарда бўлсаларингиз ёки бировингиз ҳожатхонадан чиққан бўлса ёхуд хотинларингизга қўшилган бўлсаларингиз ва сув топа олмасангиз, покиза

тупроқ билан таяммум қилингиз. Аллоҳ сизларга қийинчилик туғдиришни истамайди, балки сизларни поклашни ва сизларга Ўз неъматини комил қилиб беришни истайди. Шоядки, шукр қилсангизлар.

7. Аллоҳнинг сизга берган неъматини ва сиздан олган аҳдини эслангиз. Ўшанда: «Эшитдик ва итоат қилдик», дегандингиз. Аллоҳдан кўрқингиз. Албатта, Аллоҳ диллардаги (сирлар)ни ҳам Билгувчидир.
8. Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ учун ҳақда турингиз, адолат билан гувоҳлик бергувчи бўлингиз! Бирон қавмни ёмон кўришингиз сизларни адолат қилмасликка олиб бормасин! Адолат қилингиз! Шу тақвога яқинроқдир. Аллоҳдан кўрқингиз! Албатта, Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.
9. Аллоҳ иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга улар учун мағфират ва улуғ ажр борлигини ваъда қилди.
10. Куфр келтирганлар ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар - ана ўшалар дўзах эгаларидир.
11. Эй иймон келтирганлар, Аллоҳнинг сизга берган неъматини эслангиз. Бир қавм сизга қўл кўтармоқчи бўлганида (Аллоҳ) уларнинг қўлларини сиздан қайтарган эди. Аллоҳдан кўрқингиз. Мўминлар ёлғиз Аллоҳгагина суянсинлар.

12. Аллоҳ Бани Исроилнинг аҳд-паймониини олди. Улардан ўниккитасини бошлиқ қилиб юбордик. Аллоҳ айтди: «Албатта, Мен сизлар билан биргаман. Қасамки, намозни тўқис адо этсангиз, закотни берсангиз, пайғамбарларимга иймон келтирсангиз ва ёрдам берсангиз ҳамда Аллоҳга қарзи ҳасана берсангиз, ёмонликларингизни ўчириб, ўзингизни остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларга киритаман. Шундан кейин ҳам сизлардан ким куфр келтирса, у тўғри йўлдан аниқ озибди».
13. Аҳду паймонларини бузганлари туфайли уларни лаънатладик ва тошбағирга айлантирдик. Улар калималарни ўз ўринларидан ўзгартирадилар ва ўзларига берилган эслатмалардан бир улушини унутиб юбордилар. Сиз ҳар доим улар томонидан бир хиёнатга йўлиқасиз. Озгиналаригина бундан (хиёнатқилишдан) мустасно. Уларни афв этиб, кечириб юбораверинг. Албатта, Аллоҳ яхшилик қилгувчиларни севади.
14. «Бизлар насрониймиз», деган кимсалардан ҳам аҳд-паймонларини олдик. (Улар ҳам) ўзларига берилган эслатмалардан бир улушини унутиб юбордилар. Шунда Биз уларнинг ўрталарида то Қиёмат кунига қадар нафрат ва адоватни авж олдирдик. Яқинда,

Аллоҳ уларга қилган қилмишларини баён қилиб беради.

15. Эй аҳли китоб, сизларга элчимиз китобингиз ичидан сизлар яшириб келган кўпнарсаларни баён қилиб, кўпнарсаларни эса афв этиб - тарк этиб келди. Сизларга Аллоҳ тарафидан бир нур ва очик китоб келди.
16. У билан Аллоҳ Ўзининг ризосига эргашганларни саломатлик йўлларига бошлар ва уларни Ўз изни ила зулматлардан нурга олиб чиқиб, тўғри йўлга ҳидоят қилур.
17. «Аллоҳ Марямнинг ўғли Масиҳдир», деган кимсалар аниқ кофир бўлдилар. Айтинг: «Агар Аллоҳ Марямнинг ўғли Масиҳни, унинг онасини ва ер юзидаги ҳамма одамларни ҳалок этишни истаса, ким Аллоҳни бирон ишдан қайтара олади?!» Осмонлар, ер ва уларнинг орасидаги бор нарсалар Аллоҳнинг мулкидир. У ўзи истаган нарсасини яратур. Аллоҳ ҳамма нарсага Қодирдир.
18. Яҳудий ва насронийлар: «Биз Аллоҳнинг болалари ва суюклиларимиз», дедилар. Айтинг: «У ҳолда нега сизларни гуноҳларингиз сабабли азоблайди?! Балки сизлар ҳам У Зот яратган махлуоқотлар қаторидаги башарсизлар. У Зот Ўзи хоҳлаган одамини мағфират қилур, истаган одамига азоб берур». Осмонлару ер ва уларнинг орасидаги бор нарсалар Аллоҳнинг

мулкидир. Қайтиб борар жой Унгадир.

- 19.** Эй аҳли китоб, «Бизга хушхабар элтувчи ҳам, огоҳлантирувчи ҳам келмади», демаслигингиз учун(олдинги)пайғамбарларданбирмуддатўтиб, сизларга Бизнинг элчимиз келди. Сизларга хушхабар элтувчи ва огоҳлантирувчи келди. Аллоҳ ҳар нарсага Қодирдир.
- 20.** Мусо ўз қавмига: «Эй қавмим, Аллоҳнинг сизга берган неъматларини эсланг. У пайғамбарларни сизлардан чиқарди, сизларни подшоҳлар қилди ва оламлардаги ҳеч кимга бермаган нарсаларни сизларга берди», - деганини эсланг.
- 21.** Эй қавмим, Аллоҳ сизга ёзиб қўйган муқаддас ерга кириш. Ортингизга қайтманг. Акс ҳолда зиён кўргувчиларга айланасиз.
- 22.** Улар: «Эй Мусо, унда зўравон қавм бор. Улар ундан чиқмагунларича биз ҳаргиз кирмасмиз. Улар чиқиб кетсалар, кейин биз кируرمىз», - дедилар.
- 23.** Аллоҳдан кўрқадиган ва Аллоҳ уларга (тавфик) ато этган икки киши деди: «Уларга (қарши) эшикдан киришлар. Кирсангизлар, сизлар ғолибсизлар. Агар мўмин бўлсангизлар, Аллоҳга таваккал қилишлар».
- 24.** Улар: «Эй Мусо, модомики, улар ўша ерда экан, биз зинҳор у ерга кирмасмиз. Сен ўзинг Парвардигоринг билан бориб

уларга қарши жанг қилаверинглар.

Биз шу ерда ўтириб турувчимиз», - дедилар.

- 25.** Мусо айтди: «Парвардигорим, мен фақат ўзимгавабироводарим(Хорунга)эгаман,холос. Бас, Ўзинг биз билан бу итоатсиз қавмнинг орасини ажратгин».
- 26.** (Аллоҳ) деди: «Энди бу ер уларга қирқ йилгача ҳаромдир. Ер юзида адашиб сарсон-саргардон юрадилар. Сен бу фосиқ қавмдан хафа бўлма».
- 27.** Уларга Одамнинг икки ўғли ҳақидаги хабарни ҳаққирост тиловат қилиб беринг. Улар қурбонлик қилганларида биридан қабул қилиниб, бошқасидан қабул қилинмаганди. Шунда у «Сени, албатта, ўлдираман», деганида (укаси) шундай деганди: «Аллоҳ тақводорлардангина қабул қилур.
- 28.** Сен мени ўлдириш учун қўл кўтарсанг ҳам мен сени ўлдириш учун қўл кўтармайман. Мен оламлар Парвардигори Аллоҳдан қўрқаман.
- 29.** Менинг гуноҳимни ҳам, ўзингнинг гуноҳингни ҳам орқалаб кетиб, дўзах аҳлидан бўлишингни истайман. Золимларнинг жазоси шудир».
- 30.** Нафси унга ўз биродарини ўлдиришни чиройли қилиб кўрсатди. Бас, уни ўлдирди. (Шу билан) зиён кўргувчилардан бўлиб қолди.
- 31.** Сўнгра Аллоҳ унга биродарининг мурдасини қандай кўмишни кўрсатиш учун

ерни титадиган бир қарға юборди. У: «Менга ўлим бўлсин, мана шу қарғачалик бўла олмадимми - биродаримнинг мурдасини ўзим кўма олмадимми?!» - деб надомат қилгувчилардан бўлиб қолди.

32. Шу сабабли Бани Исроил (зиммаси)га шундай ёздик: «Ким ҳеч кимни ўлдирмаган ва ер юзидабузғунчиликқилмаганодамниўлдирса, худди ҳамма одамларни ўлдиргандек бўлади. Ким уни тирилтирса, худди ҳамма одамларни тирилтиргандек бўлади». Элчиларимиз уларга ҳужжатлар олиб келдилар. Шундан кейин ҳам улардан кўплари ер юзида исроф қилгувчилар (ҳаддан ошгувчилар)дир.

33. Аллоҳ ва Пайғамбарига қарши жанг қиладиган, ерда бузғунчилик қилиб юрадиган кимсаларнинг жазоси - ўлдирилишлари ё дорга осилишлари ёки оёқ-қўллари қарама-қарши тарафдан кесилиши ёхуд ердан сургун қилинишларидир. Бу иш улар учун дунёда шармандалик бўлур. Охиратда эса уларга улуғ азоб бордир.

34. Уларга қодир бўлишингиздан олдин тавба қилиб қолганлари бундан мустасно. Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли Зотдир.

35. Эй иймон келтирганлар, Аллоҳдан қўрқингиз ва Унга васила излангиз ҳамда

Унинг йўлида жиҳод қилингиз. Шоядки, шунда нажот топсангиз.

- 36.** Ер юзидаги ҳамма нарса ва яна шунча нарса кофирларники бўлиб, Қиёмат кунининг азобидан қутулиш учун ўшанинг ҳаммасини тўламоқчи бўлсалар ҳам улардан қабул қилинмас. Улар учун аламли азоб бордир.
- 37.** Улар дўзахдан чиқмоқчи бўладилар. (Аммо) Улар ундан чиққувчи эмаслар. Уларга доимий азоб бор.
- 38.** Ўғри эркак ва ўғри аёлнинг қўлларини кесинглар! (Токи бу иш) уларнинг қилмишларига яраша жазо ва Аллоҳ томонидан берилган азоб бўлсин. Аллоҳ Азиз ва Ҳакимдир.
- 39.** Ким зулм қилганидан кейин тавба қилиб, ўзини ўнглаб олса, Аллоҳ унинг тавбасини қабул қилади. Аллоҳ Кечиргувчи ва Меҳрибондир.
- 40.** Осмонлару ер Аллоҳнинг мулки эканини, (У Зот) истаган бандасини азоблаб, истаган бандасини кечириб юборишини билмадингизми? Аллоҳ ҳар нарсага Қодирдир.
- 41.** Эй Пайғамбар, тилларида иймон келтирдик деб, дилларида эса инонмаганлар ва яҳудийларнинг куфрга ошиқишлари сизни хафа қилмасин. Улар ёлғонни кўп эшитадилар ва сизга келмаган қавмларга ҳам қулоқ соладилар.

Сўзларни ўз ўринларига қўйилганидан кейин ўзгартирадилар. Улар: «Агар сизларга мана шу берилса, олинглар, шу берилмаса, эҳтиёт бўлинглар», дейишади. Аллоҳ кимни фитнага солишни ирода қилса, унга Аллоҳ томонидан бўладиган бирон нарсани тўса олмассиз. Улар шундай кимсалардирки, Аллоҳ уларнинг кўнгилларини поклашни истамади. Улар учун дунёда шармандалик, охиратда эса улуғ азоб бордир.

- 42.** Улар (кўпинча) ёлғонга қулоқ соладиган ҳаромхўрлардир. Сизга келсалар, ўрталарида ҳакамлик қилинг ёки улардан юз ўғиринг. Улардан юз ўғирсангиз, сизга ҳеч қачон ҳеч қандай зарар етказа олмаслар. Ҳакамлик қилсангиз, ўрталарида адолат билан ҳукм қилинг. Албатта, Аллоҳ адолат қилувчиларни яхши кўради.
- 43.** Олдиларида Аллоҳнинг ҳукмини ўзида жо қилган Таврот бўла туриб, қандай қилиб сизни ҳакам қилиб оладилар-у, яна шундан кейин (сиз чиқарган ҳукмдан) юз ўғириб кетадилар-а?! Улар мўмин эмаслар.
- 44.** Биз Тавротни нозил қилдик. Унда ҳидоят ва нур бор. Аллоҳга бўйсунувчи пайғамбарлар, раббонийлар ва аҳбор (яхудий олимлар, раввин)лар ўзларига Аллоҳнинг китоби омонат қўйилгани сабабли

яхудийларга у билан ҳукм қиладилар. Улар бу китоб устида гувоҳдирлар. Одамлардан кўркманглар, Мендан кўрқинглар. Менинг оятларимни арзон баҳога сотманглар. Аллоҳ нозил қилган (дин) билан ҳукм қилмаганлар - ана ўшалар кофирлардир.

- 45.** Унда (Тавротда) уларга жонга жон, кўзга кўз, бурунга бурун, кулокка кулок, тишга тиш ва жароҳатларга ҳам қасос олинади, деб ёздик. Ким уни кечиб юборса, ўзи учун каффорат бўлур. Аллоҳ нозил қилган (ваҳий) билан ҳукм қилмаганлар - ана ўшалар золимлардир.
- 46.** Уларнинг изларидан Ийсо ибн Марямни ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчи қилиб эргаштирдик. Унга Инжилни бердик. Унда ҳидоят ва нур бор. У ўзидан олдинги Тавротни тасдиқловчидир. У тақводорлар учун ҳидоят ва панд-насиҳатдир.
- 47.** Инжил аҳли унда Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилсинлар. Аллоҳ нозил қилган (ваҳий) билан ҳукм қилмаганлар - ана ўшалар фосиқлардир.
- 48.** Биз сизга бу Китобни ҳақ ила нозил қилдик. (Уни сизга) ўзидан олдинги китоб(лар)ни тасдиқловчи ва улар устидан назоратчи (қилиб туширдик). Бас, улар орасида Аллоҳ нозил қилган ваҳий билан ҳакамлик қилинг. Ўзингизга келган ҳақни қўйиб, уларнинг

ҳавойи нафсларига эргашманг.

Сизлардан ҳар бирингизга алоҳида шариат ва йўл қилиб қўйдик. Аллоҳ истаганида ҳаммангизни бир уммат қилиб қўярди. Аммо У сизларни Ўзи ато этган нарсада синаш учун (шундай қилди). Бас, эзгуликларга шошилингиз. Ҳаммангизнинг қайтар жойингиз Аллоҳгадир. Ана ўшанда ихтилоф қилган нарсаларингиз ҳақида хабар берур.

- 49.** Улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг. Уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг ва Аллоҳ сизга нозил қилган нарсаларнинг айримларидан сизни фитнага солишларидан эҳтиёт бўлинг! Юз ўгирсалар, билингки, Аллоҳ уларга айрим гуноҳлари туфайли мусибат етказишни хоҳлаяпти. Одамларнинг кўплари фосиқлардир.
- 50.** Жоҳилият ҳукмини истайдиларми?! Ишончи комил қавм учун Аллоҳдан ҳам яхшироқ ҳукм қиладиган ким бор?!
- 51.** Эй иймон келтирганлар, яҳудий ва насронийларни дўст тутмангиз. Улар бир-бирларига дўстдирлар. Сизлардан ким уларни дўст тутса, бас, у ўшалардандир. Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят этмас.
- 52.** Кўрасизки, қалбида марази борлар: «Бизга бирон мусибат етиб қолишидан кўрқамиз», дея улар сари шошадилар. Шоядки, Аллоҳ ғалаба ёки Ўз ҳузуридан бирон ишни

олиб келса ва улар ичларида яширган нарсаларига надомат қилувчиларга айланиб қолсалар.

- 53.** Иймон келтирганлар: «Жон-жаҳдлари билан «Сизлар билан биргамиз», деб қасам ичганлар шуларми?» - дейдилар. Уларнинг амаллари ҳабата кетди ва ўзлари зиён кўргувчиларга айланиб қолдилар.
- 54.** Эй иймон келтирганлар, сизлардан ким динидан қайтса, Аллоҳ бошқа бир қавмни олиб келадики, Аллоҳ уларни яхши кўради, улар ҳам Аллоҳни яхши кўрадилар. Улар мўминларга мулойим, кофирларга эса қаттиққўл бўлиб, бирон маломатгўйнинг маломатидан кўркмай Аллоҳ йўлида курашадилар. Бу Аллоҳнинг фазлидирки, уни Ўзи истаган кишиларга берур. Аллоҳ (фазлу карами) кенг, (ҳамма нарсани) Билгувчидир.
- 55.** Сизларнинг дўстингиз Аллоҳ, Унинг пайғамбари ҳамда ўзларини хор тутиб намозни тўкис адо этадиган, закот берадиган мўминлардир.
- 56.** Ким Аллоҳни, Унинг пайғамбарини ва мўминларни дўст тутса, бас, Аллоҳнинг гуруҳигина ғолиб бўлгувчидир.
- 57.** Эй мўминлар, сизлардан олдинги китоб берилганлардан динингизни масхара ва ўйин қилиб олганларни ҳамда кофирларни

дўст тутмангиз! Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳдан кўрқингиз!

- 58.** Намозга чақирсангиз, уни масхара ва ўйин қиладилар. Бунга сабаб уларнинг ақлни ишлата билмайдиган қавм эканликларидир.
- 59.** Айтинг: «Эй аҳли китоб, сизлар бизни Аллоҳга, бизга нозил қилинган (Қуръон) га ва илгари нозил қилинган (китоблар) га иймон келтирганимиз ҳамда сизларнинг кўпчилигингиз фосиқ бўлганингиз сабаблигина ёмон кўрасизлар».
- 60.** Айтинг: «Сизларга Аллоҳнинг ҳузуридаги бундан ҳам ёмонроқ «савоб» ҳақида хабар берайми? Ким Аллоҳнинг лаънатига учраган, ғазабига дучор бўлган, маймун ва чўчкага айлантирилган ҳамда тоғутга ибодат қилган бўлса, ана ўшалар энг ёмон мартабадаги ва тўғри йўлдан бутунлай адашган кимсалардир».
- 61.** Улар сизларнинг олдингизга келганларида: «Иймон келтирдик», дейдилар. Ҳолбуки, улар кофир ҳолда кириб, кофир ҳолда чиқарлар. Аллоҳ улар яширган нарсани жуда яхши билгувчидир.
- 62.** Улардан кўпларининг гуноҳ, адоват ва ҳаромхўрлик сари ошиқаётганларини кўрасиз. Қилаётган ишлари нақадар ёмон!
- 63.** Раббонийлари ва ахборлари уларни гуноҳ гаплардан ва ҳаромхўрликдан қайтарсалар

бўлмасмиди?! Қилаётган ҳунарлари қандай ҳам ёмон-а!

- 64.** Яҳудийлар: «Аллоҳнинг қўли боғлиқ (яъни, бахил)», дедилар. Ўзларининг қўллари боғлансин ва шу гаплари билан лаънатга йўлиқсинлар. Ақсинча, У Зотнинг қўллари очикдир ва Ўзи хоҳлаганича эҳсон қилур. Сизга Парвардигорингиз тарафидан нозил қилинган ваҳий улардан кўпларига туғён ва куфрни аниқзиёда қилади. То Қиёмат кунига қадар уларнинг ораларига нафрату адоватни солиб қўйганмиз. Қачон уруш оловини ёқсалар, Аллоҳ уни ўчирур. Улар ерда бузғунчилик қилиб юрурлар. Аллоҳ эса бузғунчиларни ёқтирмайди.
- 65.** Аҳли китоб иймон келтириб, тақво қилсалар эди, уларнинг ёмонликларини ўчирган ва наим (лаззатли неъмат) жаннатларига киритган бўлар эдик.
- 66.** Агар улар Тавротга, Инжилга ва Парвардигорлари томонидан нозил қилинган барча нарсаларга амал қилганларида эди, устларидан (осмондан) ҳам, остларидан (ердан) ҳам ризқланган бўлур эдилар. Уларнинг ораларида адолатли кишилар ҳам бор. Аммо уларнинг кўплари нақадар ёмон амалларни қиладилар.
- 67.** Эй Пайғамбар, сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарсани етказинг!

Шундай қилмасангиз, Унинг рисолатини етказмаган бўлурсиз, Аллоҳ Сизни одамлардан сақлагай. Албатта, Аллоҳ кофир қавмни ҳидоят қилмас.

- 68.** Айтинг: «Эй аҳли китоб, то Тавротга, Инжилга ва сизларга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган барча нарсаларга амал қилмагунингизча ҳеч қандай динда эмассизлар». Сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган нарса улардан кўпларига туғён ва куфрни аниқ зиёда қилади. Бас, сиз кофир қавмга ачинманг!
- 69.** Иймон келтирганлар, яҳудийлар, собийийлар ва насронийлардан қайси бири Аллоҳга ва охират кунига иймон келтириб, яхши амаллар қилса, ўшалар учун хавф йўқдир ва улар ғамгин бўлмаслар.
- 70.** Бани Исроилнинг аҳд-паймониини олдиқ ва уларга пайғамбарлар юбордиқ. Қачон уларга бир пайғамбар нафслари хоҳламаган бирон ҳукмни келтирса, бирини ёлғончи қилдилар, яна бирини эса ўлдирадилар.
- 71.** Ҳеч қандай синов бўлмайди, деб ўйлаб кўру қар бўлиб олдилар. Сўнг Аллоҳ уларни кечирди. Шундан кейин улардан кўплари яна кўр ва қар бўлиб олдилар. Аллоҳ уларнинг қилаётган амалларини кўриб тургувчидир.
- 72.** «Аллоҳ Масиҳибн Марямнинг ўзидир», деган

кимсалар аниқ кофир бўлдилар. Ваҳоланки, Масих(нингўзи):«Эй Бани Исроил, Парвардигорим ва Парвардигорингиз бўлган Аллоҳга бандалик қилингиз!» - деган. Ким Аллоҳга ширк келтирса, Аллоҳунга жаннатни ҳаром қилур ва борар жойи дўзах бўлур. Золимларга ёрдам берадиганлар бўлмас.

73. Аллоҳ учтанинг учинчисидир, деганлар ҳам аниқ кофир бўлдилар. Ягона Илоҳдан бошқа бирон илоҳ йўқдир. Агар улар айтаётганларидан тийилмасалар, улардан кофир бўлганларни аламли азоб тутади.

74. Аллоҳга тавба қилиб, истиғфор айтмайдиларми?! Аллоҳ Кечиргувчи, Меҳрибон-ку!

75. Масих ибн Марям бир пайғамбар, холос. Ундан олдин ҳам пайғамбарлар ўтган. Унинг онаси сиддиқадир. Икковлари ҳам таом ер эдилар. Уларга оятларни қандай баён қилаётганимизни кўринг, кейин уларнинг қандай бурилиб кетаётганларига назар солинг.

76. Айтинг: «Аллоҳни қўйиб, сизларга зарар ҳам, фойда ҳам келтира олмайдиган нарсаларга ибодат қиласизларми? Аллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир».

77. Айтинг: «Эй аҳли китоб, динингизда ноҳақ ҳаддан ошмангиз ҳамда ўзлари ҳам адашган, бошқа кўпларни ҳам адаштирган

ва тўғри йўлдан озган қавмнинг ҳавойи нафсларига эргашмангиз».

- 78.** БаниИсроилданкуфр келтирганлариДовуд ва Ийсо ибн Марям тилида лаънатланганлар. Негаки, улар исён қилганлар ва тажовузкор бўлганлар.
- 79.** Улар бир-бирларини ўзлари қилган гуноҳдан қайтармас эдилар. Қилиб юрган ишлари нақадар ёмон!
- 80.** Кўрасизки, улардан кўплари куфр келтирганларни дўст тутадилар. Уларга ҳавойи нафслари нақадар ёмон нарсани тақдим этдики, Аллоҳ улардан ғазабланди. Энди улар азобда абадий қолгувчидирлар.
- 81.** Аллоҳга, пайғамбарга ва унга нозил қилинган нарсага иймон келтирганларида эди, уларни дўст тутмаган бўлардилар. Лекин улардан кўплари фосиқлардир.
- 82.** Иймон келтирганларга энг ашаддий душманлар яҳудийлар ва ширк келтирганлар эканини кўрасиз. Иймон келтирганларга энг яқин дўстлар эса: «Биз насронийлармиз», деганлар эканини кўрасиз. Бунга сабаб уларнинг орасида олимлар, роҳиблар борлиги ва уларнинг кибр қилмасликларидир.
- 83.** Улар пайғамбарга нозил қилинган ваҳийни тинглаганларида кўрасизки, ҳақни таниганлари сабабли кўзларидан ёш

келтирдик. Бизни шоҳидлар сафига ёзгин», дейдилар.

- 84.** «Бизга нима бўлдики, ўзимиз Аллоҳга ва бизга келган ҳаққа ишонмаймиз-да, яна Парвардигоримиз бизни солиҳ қавм билан бирга (жаннатга) киритишини тама қиламиз?!»
- 85.** Бас, Аллоҳ шу гаплари учун уларни остидан анҳорлар оқиб ўтадиган жаннатлар билан мукофотлади. Унда абадий қоладилар. Бу муҳсинлар (ишни пухта, чиройли қилувчилар) нинг мукофотидир.
- 86.** Куфр келтирган ва оятларимизни ёлғонга чиқарганлар - ана ўшалар дўзахийлардир.
- 87.** Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ сизларга ҳалол қилган ёқимли нарсаларни (ўзингизга) ҳаром қилиб олмангиз. Ҳаддингиздан ошмангиз. Аллоҳ ҳаддидан ошадиганларни ёқтирмас.
- 88.** Аллоҳ таоло сизларга ризқ қилиб берган ҳалол-пок нарсалардан енглар. Ўзингиз иймон келтирган Аллоҳдан қўрқинглар.
- 89.** Аллоҳ сизларни беҳуда қасамларингиз учун жазоламайди. Лекин қасд қилган қасамингиз учун жазолайди. Бас, унинг каффорати ўз оилангизни боқадиган ўртача таомлар билан ўнта мискинни тўйдириш ё уларни кийдириш ёки бир қулни озо д қилишдир. Ким (буларни) топа олмаса, (унинг каффорати) уч кун рўза тутишдир. Мана шу

ичган қасамларингиз каффоратидир. Қасамларингизни эҳтиёт қилингиз. Аллоҳ сизларга оятларини мана шундай баён қилади. Шоядки, шукр қилсангизлар.

- 90.** Эй иймон келтирганлар, ароқ, қимор, бутлар ва (фол очадиган) чўплар ҳаромдир, шайтоннинг ишидир. Бас, ундан узоқ бўлинг. Шоядки, нажот топсангиз.
- 91.** Ичкилик ва қиморда шайтон ораларингизга нафрат ва адоват солишни ҳамда сизларни Аллоҳнинг зикри ва намоздан тўсишни истайди. Энди тўхтарсизлар!
- 92.** Аллоҳга итоат этинглар, Пайғамбарга итоат этинглар ва эҳтиёт бўлинглар! Юз ўгирадиган бўлсангизлар, билиб қўйингларки, пайғамбарнинг вазифаси фақатгина етказиб қўйишдир, холос.
- 93.** Иймон келтириб, яхши амалларни қилган кишилар модомики, тақво қилиб, мўмин бўлиб, яхши амалларни қилган, кейин яна тақво қилиб, иймон келтирган, кейин яна тақво қилиб, амалларини чиройли, пухта бажарган эканлар, олдинги еб-ичганлари учун уларга гуноҳ йўқдир. Аллоҳ муҳсинларни (амалларни чиройли, пухта бажарадиганларни) севади.
- 94.** Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ Ўзидан ким ғойибона кўрқишини билиш учун

сизларни кўлларингиз ва найзаларингиз етгудек (жойдаги) ов каби бирон нарса билан синаб кўради. Шундан кейин ким ҳаддидан ошса, унга аламли азоб бор.

95. Эй иймон келтирганлар, эҳромдалик пайтингизда овни ўлдирмангиз. Сизлардан ким уни қасддан ўлдирса, жазоси чорва ҳайвонларидан унга тенг келадиганини ҳадйи қилиб Каъбага етказишдир. (Буишда) ўзларингиздан икки одил киши ҳакамлик қилади. Ёхуд унинг каффорати мискинларга таом бериш ёки ўз қилмишининг ёмон оқибатини татиб кўриши учун ўшанга яраша рўза тутишдир. Ўтганларини Аллоҳ афв этди. Ким яна қайта шу ишни қилса, Аллоҳ ундан интиқом олур. Аллоҳ Азиз ва интиқом Эгасидир.

96. Сизларга денгиз ови ва таоми ҳалол қилинди. (Токи) сизларга ҳам, мусофирларга ҳам манфаатли бўлсин. Модомики, эҳромда экансизлар, сизларга қуруқлик ови ҳаром қилинди. Аллоҳдан қўрқингларки, (ҳаммангиз) У Зотнинг даргоҳида тўпланажаксиз.

97. Аллоҳ Каъба - Байтул-Ҳаромни, уруш ҳаром этилган ойни, ҳадйи (қурбонлик) ва (ҳадйи) белгиларини одамлар учун асос қилиб қўйди. Токи Аллоҳ осмонлардаги нарсаларни ҳам, ердаги нарсаларни ҳам билишини ҳамда

Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчи эканини билиб қўйинглар.

98. Билингизки, Аллоҳнинг азоби қаттиқдир ва Аллоҳ Кечиримли, Раҳмлидир.
99. Пайғамбарнинг вазифаси фақат етказиш, холос. Аллоҳ яширганингизни ҳам, ошкор қилганингизни ҳам билади.
100. Айтингки, нопок билан пок тенг бўлмайди. Гарчи сизни нопокнинг кўплиги ҳайратга солаётган бўлса ҳам. Эй ақл эгалари, Аллоҳдан қўрқинглар. Шояд, нажот топсангизлар.
101. Эй иймон келтирганлар, (айрим) нарсалар ҳақида сўрамангларки, улар очилса, сизларга ёмон бўлади. Қуръон нозил бўлаётган пайтда улар ҳақида сўрасангизлар, улар сизларга аён бўлиб қолади. Аллоҳ улардан кечиб юборганди-ку. Аллоҳ Кечиримли ва Ҳалимдир.
102. Уларни сизлардан олдинги қавм сўраган эди. Кейин эса уларни инкор қиладиган бўлиб қолгандилар.
103. Баҳийра (муайян сондаги болани тукқач, қулоқлари ёриб қўйилган чорва) ни ҳам, сойба (муайян ёшга етгач, бутлар учун аталган чорва) ни ҳам, васийла (урғочи боладан кейин урғочи болани тукқан чорва) ни ҳам, ҳомий (пушти камаридан муайян сондаги бола дунёга келган эркак чорва) ни ҳам Аллоҳ

қилгани йўқ . Лекин куфр келтирганлар Аллоҳ шаънига ёлғон тўқийдилар. Уларнинг кўплари ақлини ишлатмайдилар.

104. Уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага ва Пайғамбарга келинглари», дейилса, «Бизга ота-боболаримизни ниманинг устида топган бўлсак, ўша етарли», дейдилар. Ота-боболари ҳеч нарсани билмайдиган ва ҳидоят топмаган бўлсалар ҳам-а?!

105. Эй иймон келтирганлар, ўзингизни билингиз. Ҳидоят топган бўлсангиз, адашганлар сизга зарар қила олмайди. Ҳаммангизнинг қайтиб борар жойингиз Аллоҳгадир. Ўшанда сизларга қилиб юрган ишларингизнинг хабарини беради.

106. Эй иймон келтирганлар, бирортангизнинг ўлими яқинлашиб, васият қилар чоғида ўзингиздан икки адолатли киши ёки сафар қилиб юрган пайтингизда ўлим мусибатига йўлиқсангизлар, ўзгалардан икки киши ўртангизда гувоҳ бўлсин. Агар шубҳа қилсангизлар, гувоҳларни намоздан кейин тутасиз ва улар: «Гарчи қариндошимиз учун бўлса-да, қасамни озгина қийматга сотмаймиз ва Аллоҳ учун берган гувоҳлигимизни яширмаймиз. (Шундай қиладиган бўлсак) у ҳолда биз аниқ гуноҳкорлардан бўлиб қоламиз», деб Аллоҳ

номига қасам ичадилар.

107. Агар уларнинг гуноҳкор бўлганлари очилиб қолса, ўринларини босадиган икки меросга ҳақдор кишилар энг лойиқ кишилардирки, ҳар иккиси ҳам: «Бизнинг берган гувоҳлигимиз уларнинг гувоҳлигидан тўғрироқ ва биз ҳаддимиздан ошмадик. Агар шундай қилган бўлсак, биз ҳеч шак-шубҳасиз, золимлардан бўлиб қолурмиз», деб Аллоҳ номига қасам ичадилар.

108. Мана шу рост гувоҳлик беришларига ёки қасамларидан сўнг раддия қасам бўлишидан қўрқишларига яқинроқдир. Аллоҳдан қўрқингиз ва Унга қулоқ солингиз. Аллоҳ фосиқ қавмларни ҳидоят қилмас.

109. Аллоҳ пайғамбарларни тўплаган кунда: «Сизларга қандай жавоб қилинди?» - деб сўрайди. Улар: «Биз билмаймиз, албатта, Сенинг Ўзинггина ғайбларни яхши билгувчисан», дейдилар.

110. Эсланг! Аллоҳ деди: «Эй Ийсо ибн Марям, сенга ва волиданга берган неъматимни, сени Муқаддас Рух билан қўллаганимни, одамларга бешикда ҳам, катта бўлганингда ҳам гапирганингни, сенга китобни, ҳикматни, Тавротни ва Инжилни ўргатганимни, Менинг изним ила лойдан қуш шаклини ясаб, унга пуфлаганингда Менинг изним ила чин қушга айланганини,

Менинг изним ила туғма кўр вапес -моховни тузатганингни, Менинг изним ила ўликларни чиқарганингни, Бани Исроилга аниқ мўъжизалар келтирганигда сени улардан тўсганимни эсла!» Ўшанда улардан куфр келтирганлари: «Бу очик сеҳрдан ўзга нарсаси эмас», деган эди.

111. Яна ҳаворийларга: «Менга ва Пайғамбаримга иймон келтиринглар», деб ваҳий юборганимда улар: «Иймон келтирдик, бизнинг итоат қилувчилар эканимизга Ўзинг шоҳид бўл», деганларини эсла!

112. Ҳаворийлар: «Эй, Ийсо ибн Марям, Парвардигоринг бизга осмондан бир дастурхон тушира оладими?» - деганларида, у: «Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳдан кўрқингиз», деганини эсла.

113. Улар: «Ундан емоқни, қалбларимиз таскин топмоғини, бизга рост гапирганингни билмоқни ва бунга гувоҳ бўлмоқни истаяпмиз, (холос)», дедилар.

114. Ийсо ибн Марям деди: «Аллоҳим, Парвардигоро, бизга осмондан бир дастурхон нозил қилгинки, у аввалу охиригимиз учун бир байрам ва Сен тарафидан юборилган бир белги бўлиб қолсин. Ризқимизни Ўзинг бергин. Зеро, Сен энг яхши ризқ бергувчисан».

115. Аллоҳ айтди: «Мен уни сизларга нозил қилгувчиман. Шундан кейин сизлардан ким куфр келтирса, уни шундай азоблайманки, бутун оламлардан бирон одамни ундай азобламайман».

116. Эсланг! Аллоҳ: «Эй Ийсо ибн Марям, одамларга: «Аллоҳни қўйиб, мени ва онамни илоҳ қилиб олинглар», деб сен айтдингми?» - деганида, (Ийсо) айтди: «Сен ҳар қандай нуқсондан Поксан, ҳаққим йўқ бўлган гапни гапиришим мумкин эмас-ку. Айтган бўлганимда, Сен, албатта, билар эдинг. Сен дилимдаги бор нарсани билурсан. Аммо мен Сенинг ҳузурингдаги ҳеч нарсани билмасман. Фақат Сен Ўзинг ғайб илмларининг билимдонисан.

117. Мен уларга фақат Ўзинг буюрган гапнигина айтиб: «Парвардигорим ва Парвардигорингиз бўлмиш Аллоҳга ибодат қилингиз», дедим. Ораларида бўлган пайтимда уларнинг устида гувоҳ бўлиб турдим. Мени Ўз ҳузурингга чорлаганингдан кейин эса Сен Ўзинг уларнинг устида кузатувчи бўлдинг. Сен Ўзинг ҳамма нарсага Гувоҳдирсан.

118. Уларни азобласанг, бас, улар Сенинг бандаларинг. Уларни мағфират қилсанг, бас, албатта, Сен Ғолиб ва Ҳакимдирсан».

119. Аллоҳ деди: «Бу кун ростгўйларга ростгўйликлари фойда берадиган кун. Уларга остидан анҳорлар оқиб ўтадиган жаннатлар бор. Унда абадий қолурлар. Аллоҳ улардан рози бўлди. Улар Аллоҳдан рози бўлдилар. Бу улуғ муваффақиятдир».

120. Осмонлару ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг мулки Аллоҳникидир. У ҳар нарсага Қодирдир.

Анъом сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Осмонлару ерни яратган, зулматлару нурни таратган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Кейин куфр келтирганлар Парвардигорларига (ўзгаларни) тенглаштирадилар.
2. У сизларни лойдан яратган, сўнгра ажални белгилаб қўйган Зотдир. Белгиланган ажал Унинг ҳузуридадир. Шундан кейин ҳам сиз шак келтиурсиз.
3. Осмонларда ҳам, ерда ҳам ўша Аллоҳ. Сирингизни ҳам, ошкорингизни ҳам билур. Қилган касбу корингизни ҳам билур.
4. Қачон Парвардигорингизнинг оятларидан бирон оят келса, ундан юз ўгиравердилар.
5. Уларга ҳақ келганда уни ҳам ёлғонга чиқардилар. Яқинда уларга ўзлари масхара қилган нарсанинг хабари келур.
6. Улардан олдин қанча умматларни ҳалок қилганимизни кўрмадиларми? Уларга ер юзида сизларга бермаган имконларни берган эдик. Устларидан самони (ёмғирни) сероб қилиб, остларидан эса анҳорлар оқиб турадиган қилиб қўйган эдик. Бас, гуноҳлари туфайли уларни ҳалок қилдик ва улардан кейин бошқа халқларни пайдо қилдик.

7. Сизга бир қоғоздаги ёзувни нозил қилганимизда ва уни қўллари билан ушлаб кўрганларида ҳам барибир куфр келтирганлар: «Бу очик сеҳрдир», деяверардилар.
8. Унга бирон фаришта нозил қилинса эди, дедилар. Агар бир фариштани нозил қилганимизда иш битган, кейин эса уларга муҳлат берилмаган бўлар эди.
9. Агар уни фаришта қилсак ҳам эркак қилган бўлар эдик ва ўзлари чигалллаштирган нарсани уларга яна ҳам чигаллаштирар эдик.
10. Сиздан олдинги пайғамбарлар ҳам масхара қилинганлар. Уларнинг устидан кулганлар бошига ўша қилган масхаралари тушган.
11. Айтинг: «Ер юзида сайр қилингиз, сўнгра ёлғончига чиқарувчиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солингиз».
12. Айтинг: «Осмонлару ердаги нарсалар кимники?» Айтинг: «Аллоҳники». У Ўзига раҳматни ёзиб қўйган. У сизларни бўлиши муқаррар бўлган Қиёмат кунига тўплайди. Ўзларига ўзлари зиён қилган кимсаларгина иймон келтирмайдилар.
13. Кечаси яшайдиганлар ҳам, кундузи яшайдиганлар ҳам Уникидир. У Эшитгувчи, Билгувчидир.

14. Кечаси яшайдиганлар ҳам, кундузи яшайдиганлар ҳам Уникидир. У Эшитгувчи, Билгувчидир.
15. Айтинг: «Осмонлару ернинг яратувчиси бўлган Аллоҳдан ўзгани дўст тутайми? У ҳаммани овқатлантиради, Ўзи эса овқатланмайди». Айтинг: «Мен энг аввалги мусулмон бўлишга буюрилганман». Асло мушриклардан бўлманг!
16. Айтинг: «Албатта, мен агар Парвардигоримга осийлик қилсам, улуғ куннинг азобидан кўрқарман».
17. Ўшакундакимундан(азобдан)четлатилса, Аллоҳ унга раҳм қилибди. Мана шу очик нажотдир!
18. Аллоҳ сизга бир зарар етказса, уни Ўзидан бошқа ҳеч кимса арита олмас. Агар сизга бир яхшилик етказса, бас, У Зот ҳар нарсага Қодирдир.
19. Унинг Ўзи бандалари устида Ғолибдир. Унинг Ўзи ҳикмат соҳиби ва (ҳар нарсадан) Огоҳдир.
20. Айтинг: «Қайси нарса энг улуғ гувоҳ?» Айтинг: «Аллоҳ». У мен билан сизларнинг ўртамизда Гувоҳдир. Бу Қуръон менга сизларни ва у етиб борган кишиларни огоҳлантиришим учун ваҳий қилинди. Сизлар: «Аллоҳ билан бирга бошқа худолар ҳам бор», деб ҳақиқатан гувоҳлик

берасизларми? Айтинг: «Мен бундай гувоҳлик бермайман!» Айтинг: «Ҳеч шак-шубҳасиз, У ягона илоҳдир ва, албатта, мен сизлар келтираётган ширкдан покман».

21. Биз китоб берган кимсалар уни ўз болаларини танигандек танийдилар. Улар ўзларига зиён қилган кимсалардир. Бас, энди улар иймон келтирмаслар.
22. Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган ёки Унинг оятларини ёлғонга чиқарганлардан кўра золимроқ ким бор? Албатта, золимлар нажот топмаслар.
23. Эсланг бир кунники, у кунда Биз ҳаммани тўплаб, ширк келтирганларга: «Сиз худо деб гумон қилаётган бутларингиз қани?» - деймиз.
24. Кейин уларнинг: «Парвардигоримиз Аллоҳга қасамки, биз мушриклар эмас эдик», дейишдан бошқа ёлғонлари бўлмас.
25. Улар ўзларини қандай алдаганларини ва тўқиболган «худолари» йўқ бўлиб қолганини кўринг!
26. Улардан сизга қулоқ соладиганлари ҳам бор. Биз уни англамасликлари учун дилларини пардалаб, қулоқларини оғир қилиб қўйдик. Улар ҳамма оятларни кўрсалар ҳам уларга иймон келтирмайдилар. Ҳатто сиз билан жанжаллашгани олдингизга келган

пайтларида ҳам куфр келтирганлар: «Бу аввалгиларнинг афсоналаридан бошқа нарса эмас», дейдилар.

27. Улар (ўзгаларни) ундан (Қуръондан) қайтарадилар ва ўзлари ҳам ундан четланадилар. Улар ўзлари сезмаган ҳолларида фақат ўзларини ҳалок қиладилар, холос.

28. Дўзах (оғзи)да тургизиб қўйилганларида: «Қанийди ортга қайтарилсагу Парвардигоримизнинг оятларини ёлғонга чиқармасак ва мўминлардан бўлсак», деб қолганларини бир кўрсангиз эди.

29. Йўқ! Уларга олдин яшириб юрган нарсалари ошкор бўлиб қолди, холос. Агар қайтарилсалар, албатта, ман қилинган ишларга яна қайтадилар. Шубҳасиз, улар ёлғончидирлар.

30. Улар: «Шу дунё ҳаётимиздан ўзга ҳаёт йўқ ва биз қайта тирилмасмиз», дедилар.

31. Сиз уларни Парвардигорлари ҳузурида турғазиб қўйилган пайтларида Аллоҳ: «Мана шу ҳақ эмас эканми?!» - деганида улар: «Парвардигоримизга қасамки, ҳа, (ҳақ экан)», деганларини, шунда Аллоҳ: «Мана энди (у дунёда) кофир бўлганингиз учун азобни тотингиз!» - деб жавоб қилганини кўрсангиз эди.

32. То Қиёмат тўсатдан келиб қолгунига қадар Аллоҳга р ўбарў бўлишни ёлғон деганлар аниқ зиёнга учрадилар. (Ўшанда улар) устларига гуноҳларини орқалаб олган ҳолларида: «У (дунё)да қилган лоқайдлигимизга ҳасрат-надоматлар бўлсин», дерлар. Улар нақадар ёмон нарсани орқалаб юрадилар-а!
33. Бу дунё ҳаёти ўйин-кулгидан бошқа нарса эмас. Такво қилувчилар учун охират диёри яхшироқдир. Ақл юритмайсизларми?
34. Уларнинг айтаётган гаплари сизни хафа қилишини яхши биламиз. Улар сизни ёлғончига чиқараётганлари йўқ, балки бу золимлар Аллоҳнинг оятларини инкор қилмоқдалар.
35. Сиздан олдинги пайғамбарлар ҳам ёлғончига чиқарилганлар.
То Бизнинг ёрдамимиз келгунига қадар ёлғончига чиқарилганларига ҳам, озорланганларига ҳам сабр қилганлар. Аллоҳнинг сўзларини ўзгартира оладиган бирон кимса йўқдир. Албатта, сизга пайғамбарларнинг хабари келган.
36. Агар сизга уларнинг юз ўгиришлари оғир ботаётган бўлса, кўлингиздан келса, ер остидан йўл қилиб ёки осмонга нарвон қўйиб, уларга оят-мўъжиза келтира олсангиз (шундай қилаверинг). Аллоҳ хоҳлаганида, уларни ҳидоят устида жамлаган бўларди.

Бас, ҳаргиз жоҳиллардан бўлманг.

37. Албатта, қулоқ соладиганларгина қабул қилурлар. Ўликларни эса Аллоҳ тирилтирур. Сўнгра Унинг Ўзига қайтарилурлар.
38. Улар: «Унга Парвардигори тарафидан бирон оят-мўъжиза туширилса эди?» - дейдилар. Айтинг: «Албатта, Аллоҳ оят-мўъжиза туширишга қодирдир». Лекин уларнинг кўплари (бунинг оқибатини) билмайдилар.
39. Ерда судралиб юрган ҳар бир жонивор, осмонда қанот қоқаётган ҳар бир қуш худди сизлар каби умматлардир. Китобда бирон нарсани қўймай (ёзганмиз). Кейин ҳаммалари Парвардигорлари даргоҳига тўпланурлар.
40. Оятларимизни ёлғонга чиқарган кимсалар зулматларда қолган кар-соқовдирлар. Аллоҳ хоҳлаган бандасини адаштиради ва истаган бандасини тўғри йўлга солиб қўяди.
41. Айтинг: «Ғапингиз рост бўлса, айтинглари-чи, агар сизларга Аллоҳнинг азоби келса ёки Қиёмат қойим бўлса, Аллоҳдан бошқага дуо-илтижо қиласизларми?!»
42. Йўқ! Фақат Унгагина дуо-илтижо қиласизлар. Бас, У хоҳласа, сиз дуо қилиб сўраётган (бало, мусибатга) қушойиш берур. Сиз эса ширк келтираётган нарсангизни

унутиб юборасиз.

43. Биз сиздан олдинги умматларга ҳам пайғамбарлар юборганмиз. Шояд, тавба-тазарру қилсалар деб, уларни бало ва зиёнлар билан тутганмиз.
44. Бизнинг балойимиз етганда тавба-тазарру қилсалар эди! Лекин уларнинг қалблари қотиб кетган ва шайтон уларга қилаётган ишларини чиройли қилиб кўрсатганди.
45. Улар ўзлари учун эслатма қилиб берилган нарсани унутишгач, Биз уларга ҳамма нарсанинг эшикларини очиб қўйдик. Ўзларига ато этилган нарсаларга (неъматларга) хурсанд бўлиб турганларида уларни тўсатдан (азоб билан) ушладик. Бас, бутунлай номурод бўлдилар.
46. Зулм қилган қавмнинг кети кесилди. Оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд бўлсин.
47. Айтинг: «Айтинг-чи, агар Аллоҳ қулоқ ва кўзларингизни олиб қўйса, қалбларингизга муҳр босса, Аллоҳдан ўзга қайси илоҳ уни сизга (қайтариб) беради?» Биз оятларни қандай келтираётганимизга, кейин эса улар қандай юз ўгириб кетаётганига боқинг.
48. Айтинг: «Айтинг-чи, агар сизга Аллоҳнинг азоби тўсатдан ёки очикчасига келса, фақат золим қавмгина ҳалок қилинмасми?»

- 49.** Биз пайғамбарларни фақат хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилибгина юборурмиз. Ким иймон келтириб, ўзини ислоҳ қилса, уларга хавф ҳаттар йўқ ва улар ранжимаслар.
- 50.** Оятларимизни ёлғонга чиқарганлар фосиқлик қилганлари учун азобга йўлиқадилар.
- 51.** Айтинг: «Мен сизларга: «Аллоҳнинг хазиначиси менда», демайман ва ғайбни ҳам билмайман. Яна сизларга: «Мен фариштаман», ҳам демайман. Мен фақат ўзимга ваҳий қилинган нарсаларгагина эргашаман». Айтинг: «Кўр билан кўзи очик баробар бўлурми?! Тафаккур қилмайсизларми?!»
- 52.** У билан Парвардигорлари даргоҳида тўпланишдан кўрқадиган зотларни огоҳлантиринг! Ўшанда улар учун Аллоҳдан ўзга на бир дўст ва на бир оқловчи бўлмас. Шоядки, такво қилсалар.
- 53.** Эрта-ю кеч Парвардигорларининг Юзини истаб, Унга илтижо қиладиган зотларни ҳайдаманг! Уларнинг ҳисоб-китобларидан бирон нарса сизнинг зиммангизда эмас ва сизнинг ҳисоб-китобингиздан бирон нарса уларнинг зиммаларида эмас. Бас, уларни ҳайдаб, золимлардан бўлиб қолманг!

54. Шунингдек: «Орамиздаги ана ўшаларга Аллоҳ неъмат берган эканми?» - дейишлари учун уларнинг баъзиларини баъзилари билан синадик. Шукр қилгувчиларни Аллоҳ яхшироқ билгувчи эмасми?!
55. Олдингизга оятларимизга иймон келтирадиган зотлар келсалар,
айтинг: «Сизларга тинчлик бўлсин, Парвардигорингиз Ўз зиммасига раҳмат қилишни ёзган. Энди сизлардан ким билмасдан бирон ёмонлик қилса, кейин ўша ёмонлигининг ортидан тавба қилиб, ислоҳ қилса, бас, албатта, У Мағфиратлива Раҳмлидир».
56. Шунингдек, жинойтчиларнинг йўли ошкор бўлиши учун оятларимизни муфассал баён қилурмиз.
57. Айтинг: «Мен Аллоҳни қўйиб, сизлар илтижо қилаётган бутларга бандалик қилишдан қайтарилганман». Айтинг: «Сизларнинг ҳавойи-нафсларингизга эргашмайман. Зеро,
у ҳолда йўлдан озурман ва ҳидоят топгувчилардан бўлмай қолурман».
58. Айтинг: «Мен Парвардигорим тарафидан аниқ ҳужжатга эгаман. Сизлар эса уни ёлғонга чиқардингиз. Сизлар шошилтираётган нарсаменинг қўлимда эмас. Ҳукм ёлғиз Аллоҳникидир. У фақат ҳақни гапиради. У энг яхши ажрим қилувчидир».

- 59.** Айтинг: «Сизлар шошилтираётган нарса менинг кўлимда бўлганда эди, мен билан сизларнинг орамиздаги иш аллақачон битган бўлар эди. Аллоҳ золимларни жуда яхши билгувчидир».
- 60.** Ғайбнинг калитлари Унинг ҳузурида бўлиб, уларни Унинг Ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. У қуруқлик ва денгиздаги (ҳамма) нарсаларни билади. Бирон япроқ узилиб тушса, уни ҳам аниқ билади. Ер тубидаги бирон дон борми, ҳўлу қуруқ борми, ҳаммаси Очик Китобда бордир.
- 61.** У кечаси жонингизни оладиган, кундузи қилган ишингизни биладиган Зотдир. Кейин эса белгиланган муддат адо этилиши учун унда сизларни тирилтирур. Кейин қайтиб борар жойингиз Унгадир. Сўнг сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур.
- 62.** У бандалари устида Ғолибдир. Устингизга ҳисоблаб-саклаб турадиган (фаришта)ларни юборур. Токи биронتانгизга ўлим келса, элчиларимиз камчиликка йўл қўймаган ҳолларида унинг жонини олурлар.
- 63.** Сўнгра ҳақиқий Хожалари - Аллоҳга қайтарилурлар. Огоҳ бўлингизким, ҳукм қилиш Унинг Ўзигагина хосдир ва У энг тезкор ҳисоб-китоб қилувчидир.
- 64.** Айтинг: «Агар бизга мана шундан нажот берса, албатта, шукрэтгувчилардан бўлурмиз

деб, ошкора ва хуфёна тавба-тазарру билан илтижолар қиладиган пайтингизда сизларга қуруқлик ва денгиз зулматларидан ким нажот берур?»

65. Айтинг: «Аллоҳ сизларга улардан ва барча ғамлардан нажот берур. Кейин эса сизлар яна ширк келтирурсизлар!»

66. Айтинг: «У сизларга устингиздан ё оёқларингиз остидан азоб юборишга ёки сизларни гуруҳ-гуруҳ қилиб аралаштириб юбориб, айримларингизга айримларингизнинг зарарини тоттириб қўйишга қодирдир». Оятларимизни қандай тасарруф қилишимизга боқинг. Шоядки, улар англаб етсалар.

67. Қавмингиз уни ёлғонга чиқарди. Холбуки, у ҳақдир. Айтинг: «Мен сизларга вакил эмасман».

68. «Ҳар бир хабарнинг ўз ўрни бор. Яқинда биласизлар».

69. Оятларимизни (масхара қилишга) шўнғиётган кимсаларни кўрсангиз, то бошқа гапга ўтмагунларича улардан юз ўғиринг! Агар шайтон эсингиздан чиқарса, эслаганингиздан кейин бу золим қавм билан бирга ўтирманг!

70. Тақво қилувчилар зиммасида уларнинг ҳисобидан ҳеч нарса йўқ. Лекин эслатма бор. Шоядки, тақво қилсалар.

71. Динини ўйин қилиб олган, дунё ҳаётига алданиб қолган кимсаларни тарк этинг! У (Қуръон) билан эслатинг! Токи бирон жон ўзи қилган ишлари сабабли ўзи учун Аллоҳдан ўзга дўст ҳам, оқловчи ҳам бўлмаган, бор нарсасини берса ҳам ундан қабул қилинмайдиган ҳолга тушиб қолмасин. Ана ўшалар қилган амаллари сабабли ҳалокатга учраганлардир. Куфр келтирганлари учун уларга қайноқ сувдан ичимлик ва аламли азоб бордир.
72. Айтинг: «Аллоҳни қўйиб, бизга фойда ҳам, зарар ҳам келтирмайдиган нарсага илтижо қиламизми? Дўстлари: «Бу ёққа кел», деб ҳидоятга чақириб турган бўлса ҳам шайтон адаштириб, ер юзида ҳайрон бўлиб қолган кимсага ўхшаб, Аллоҳ бизни ҳидоят қилганидан кейин яна оптимизмга қайтариламизми?» Айтинг: «Аллоҳнинг ҳидоятигина чин ҳидоятдир. Барча оламлар Парвардигорига бўйсунишга буюрилганмиз».
73. «Ҳамда намозни тўқис адо этингиз ва Ундан қўрқингиз. У шундай Зотки, (ҳаммангиз) Унинг ҳузурида тўпланасизлар».
74. У осмонлару ерни ҳақ ила яратган Зотдир. (Қиёмат) куни «Бўл», деган заҳоти (хоҳлаган нарсаси дарҳол) бажарилар. Унинг гапи ҳақдир. Сур чалинадиган куни подшоҳлик ёлғиз Уникидир. У ғайбу шаҳодатни билувчидир.

У Ҳаким ва Хабардор Зотдир.

75. Эсланг, Иброҳим отаси Озарга: «Бутларни худо қилиб оляпсизми? Мен сизни ва қавмингизни очик залолатда, деб биламан», деган эди.
76. Шундай қилиб Иброҳимга осмонлару ер мулкини кўрсатурмиз. Токи у аниқ ишонувчилардан бўлсин.
77. Уни тун ўраб олганида юлдузни кўриб: «Мана шу Парвардигорим», деди. У ботиб кетгач: «Ботиб кетувчиларни ёқтирмайман», деди.
78. Чиқаётган ойни кўргач: «Мана шу Парвардигорим», деди. У ҳам ботиб кетгач: «Парвардигорим мени ҳидоят қилмаса, аниқ йўлдан озган қавмдан бўлиб қолурман», деди.
79. Чиқаётган қуёшни кўргач: «Мана шу Парвардигорим. Бу каттарок», деди. У ҳам ботиб кетгач: «Эй қавмим, мен сизлар келтираётган ширкдан покман», деди.
80. «Мен ҳақ йўлга мойил бўлган ҳолимда юзимни осмонлару ерни яратган Зотга бурдим ва мен мушриклардан эмасман», деди.
81. Қавми у билан тортишган эди: «Мен билан Аллоҳ ҳақида тортишасизми?! Ҳолбуки, У мени ҳидоят қилди. Мен сизлар келтираётган ширк (бутлар)дан қўрқмайман. Парвардигорим хоҳлаган

82. «Сизлар (Аллоҳ) бирон ҳужжат туширмаган бутларни Аллоҳга ширк қилишдан қўрқмайсиз-у, мен сизлар Аллоҳга шерик қилиб олган бутларингиздан қандай қўрқай?! Агар билсангиз (айтинг-чи), қайси гуруҳ хотиржам бўлишга ҳақлироқ?»
83. Иймон келтирган, ўз иймонларини зулм (ширк) билан аралаштирмаган зотлар - ана ўшалар хотиржам бўлгувчидирлар ва ўшалар ҳидоят топгувчидирлар.
84. Ана ўша Иброҳимга қавмига қарши берган ҳужжатимиздир. Кимни хоҳласак, даражасини кўтарамиз. Албатта, Парвардигорингиз ҳикматли ва яхши билимдон Зотдир.
85. Биз унга Исҳоқ ва Яъқубни бердик. Барчаларини ҳидоят қилдик. Илгари Нухни ҳам ҳидоят қилган эдик. Ва унинг зурриётидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо, Ҳорунни ҳам (ҳидоят қилдик). Муҳсинларни (ишни пухта, бекаму кўст бажарадиганларни) ана шундай мукофотлаймиз.
86. Закариё, Яҳё, Ийсо ва Илёсни (ҳам ҳидоят қилдик). Барчалари солиҳ бандалардандир.
87. Исмоил, ал-Ясаъ, Юнус ва Лутни ҳам. Барчаларини бутуноламларданафзал қилдик.

88. Уларнинг ота-боболари, зурриётлари ва биродарларидан ҳам (кўпларини) ҳидоят қилдик. Уларни танлаб олиб, тўғри йўлга ҳидоят қилдик.
89. Ана ўша Аллоҳнинг ҳидояти бўлиб, Ўзи истаган бандасини унга йўллар. Ширк келтирганларида қилган ишлари аниқ ҳабата бўларди.
90. Ана ўша зотларга китоб, ҳикмат ва пайғамбарлик берганмиз. Бас, анавилар бу оятларни инкор этадиган бўлсалар, Биз бу оятларни уларни инкор қилмайдиган қавм учун тайёрлаб қўйганмиз.
91. Ана ўшалар Аллоҳ ҳидоят қилган зотлардир. Бас, уларнинг йўлларига эргашинг. Айтинг: «Мен сизлардан бунинг учун ҳақ сўрамайман. У оламлар учун бир эслатмадан бошқа нарса эмас».
92. Улар: «Аллоҳ башарга ҳеч нарса нозил қилган эмас», деганларида, Аллоҳга тўғри баҳо бера олмадилар. Айтинг: «Мусо кишиларга нур ва ҳидоят қилиб олиб келган, уни сиз қоғозга ёзиб олиб, айримларини ошкор қилиб, кўпини яширган ва ўзингиз ҳам, ота-боболарингиз ҳам билмаган нарсаларни сизга ўргатган китобни ким туширди?!» Айтинг: «Аллоҳ (туширди!)». Кейин эса уларни тек қўйинг. Ўзлари шўнғиб кетган йўлларида ўйнайверсинлар.

- 93.** Бу бир муборак, ўзидан олдингиларни тасдиқлайдиган, Уммул Қуро (шаҳарлар онаси) ва унинг атрофидагиларни огоҳлантиришингиз учун Ўзимиз нозил қилган Китобдир. Охиратга ишонадиганлар унга ҳам иймон келтирадилар ва улар намозларини тўқис адо қиладилар.
- 94.** Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган ёки ўзига ҳеч нарса ваҳий қилинмаса ҳам: «Менга ваҳий келди», деган ҳамда: «Аллоҳ нозил қилган нарсанинг ўхшашини мен ҳам нозил қила оламан», деб даъво қилган кимсадан ҳам золимроқ ким бор? Бу золимларни ўлимгирдобида қолган пайтларида ўлим фаришталари уларга қўлларини чўзиб: «Жонларингизни чиқарингиз! Бу кун Аллоҳ шаънига ноҳақ гапларни айтганингиз ва мутакаббирлик қилиб, Унинг оятларидан юз ўгирганингиз учун хорлик азоби билан жазоланасизлар», деб турган пайтда бир кўрсангиз эди.
- 95.** Мана, Бизнинг ҳузуримизга сизларни дастлаб қандай яратган бўлсак, шундай ёлғиз ҳолда келдингиз. Сизларга берган нарсаларимизни ортингизда қолдирдингиз. Сизлар ўзингизча (Аллоҳга) шерик деб ўйлаган шафоатчиларингизни кўрмаймиз! Орангиз аниқ узилди. Сиз даъво қилаётган (оқловчиларингиз) ғойиб бўлди.

- 96.** Албатта, Аллоҳ дон ва уруғларни ёриб-ундиргувчидир. У Зот ўликдан тирикни, тирикдан ўликни чиқаргувчидир. Ана ўша Зот Аллоҳдир. Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдасизлар?!
- 97.** У тонгни ёритгувчидир. У кечани сукунат, қуёш ва ойни эса ҳисоб ўлчови қилди. Бу ғолиб ва билимдон Зотнинг ўлчовидир.
- 98.** У қуруқлик ва денгиз зулматларида йўл топишингиз учун сизларга юлдузларни яратиб қўйган Зотдир. Биладиган қавм учун оят-белгиларни батафсил баён қилиб қўйганмиз.
- 99.** У сизларни бир жондан пайдо қилган Зотдир. Бас, (сизлар учун она қорни) қароргоҳ ва (ота пушти) омонат турадиган жойдир. Англайдиган қавм учун оятларни батафсил баён қилдик.
- 100.** У осмондан сув нозил қилган Зотдир. Бас, у билан турли хил набототларни чиқардик. Ундан яшил гиёҳларни чиқардик. Ундан ғужум-ғужум бошоқлар чиқарамиз. Хурмодан, унинг новдаларидан эгилган шингиллар чиқарилур. Узум боғлари ҳамда бир-бирига ўхшаган ва ўхшамаган зайтун ва анорларни чиқарамиз. Уларнинг мева туккан пайтидаги мевасига ва кейин пишган ҳолига назар солинг! Албатта,

бундай нарсаларда иймон келтирадиган қавм учун оят - белгилар бордир.

- 101.** Аллоҳга жинларни шерик қилдилар. Ҳолбуки, уларни Аллоҳ яратган. Илмсизлик билан: «Унинг ўғиллари ва қизлари бор», деб бўҳтон ясадилар. У Зот булар васф қилган нарсалардан пок ва олий бўлди.
- 102.** У осмонлару ерни йўқдан бор қилгувчи Зотдир. Унинг жуфти йўқ-ку, қаёқдан боласи бўлсин! У ҳамма нарсани яратди ва У ҳамма нарсани билгувчидир.
- 103.** Мана шу Аллоҳ Парвардигорингиздир. Ундан ўзга маъбуд йўқдир. У ҳамма нарсанинг яратувчисидир. Бас, Унга бандалик қилингиз! У ҳамма нарсага Вакилдир.
- 104.** Кўзлар Уни идрок эта олмас, У кўзларни идрок этар. У Меҳрибон ва Хабардор Зотдир.
- 105.** Сизларга Парвардигорингиздан ҳужжатлар келди. Ким кўрса, ўзига фойда. Ким кўр бўлиб олса, ўзига зарар. Мен сизларга қўриқчи эмасман.
- 106.** Шунингдек: «Ўрганиб олгансан», дейишлари ва биладиган қавмга ойдинлаштириб бериш учун оятларни баён қилурмиз.
- 107.** Парвардигорингиздан сизга ваҳий қилинган нарсага эргашинг! Ундан ўзга чин маъбуд йўқ. Мушриклардан юз ўгиринг!
- 108.** Аллоҳ хоҳлаганида ширк келтирмас эдилар. Биз сизни уларга қўриқчи қилганимиз йўқ.

Сиз уларга вакил ҳам эмассиз.

109. Уларнинг Аллоҳдан ўзга сиғинадиган (бут)ларини сўкмангиз. Бас, билмасдан ҳадларидан ошиб, Аллоҳни сўкиб қўймасинлар. Шунингдек, ҳар бир умматга амалини чиройли кўрсатиб қўйдик. Кейин эса қайтиб борар жойлари Парвардигорларигадир. Бас, У қилиб юрган ишларининг хабарини берур.

110. Уларагарбинооят-мўъжизакелса, албатта, иймон келтиришлари ҳақида жон-жаҳдлари билан Аллоҳ номига қасам ичдилар. Айтинг: «Оятлар фақат Аллоҳнинг ҳузуридадир». Қаердан билурсизлар, (эҳтимол) оят келган вақтда ҳам иймон келтирмаслар?

111. Худди аввал-бошда унга иймон келтирмаганларидек, уларнинг дил ва кўзларини буриб қўюрмиз ва ўз туғёнларида эсанкираб юришларига қўйиб берурмиз.

112. Агар Биз уларга фаришталарни туширсак ҳам, уларга ўликлар гапирса ҳам ва уларнинг олдига ҳамма нарсани очиқ-ойдин тўпласак ҳам, Аллоҳ хоҳламаса, иймон келтирмаслар. Лекин кўплари жоҳилдирлар.

113. Шунингдек, ҳар бир пайғамбарга инсу жин шайтонларини душман қилиб қўйдик. Улар бир-бирларини алдаш учун жимжимадор сўзлар билан васваса қиладилар.

Агар Парвардигорингиз хоҳласа, бундай қилмас эдилар. Бас, уларни ўзлари тўқиган бўҳтонларига ташлаб қўяверинг!

114. Ундай сўзларга охиратга ишонмайдиган кимсаларнинг диллари мойил бўлиши учун ва ўша сўзларга рози бўлишиб, ўзлари қилмоқчи бўлган гуноҳларини қилишлари учун (у шайтонлар васваса қиладилар).

115. Аллоҳдан ўзгани ҳакам қилиб олайми? Ҳолбуки, У сизга китобни батафсил нозил қилди. Биз китоб берганлар унинг Парвардигорингиз тарафидан нозил қилинган ҳақ эканини яхши биладилар. Бас, асло шак-шубҳа қилгувчилардан бўлманг!

116. Парвардигорингизнинг сўзлари сидқу адолатда комил бўлди. Унинг сўзларини ўзгартиргувчи йўқдир. У Эшитгувчи, Билгувчидир.

117. Ер юзидаги кимсаларнинг кўпларига итоат қиладиган бўлсангиз, сизни Аллоҳнинг йўлидан оздирурлар. Улар фақат гумонларгагина эргашадилар. Улар фақат ёлғон сўзлайдилар.

118. Албатта, Парвардигорингиз Унинг йўлидан адашган кимсаларни жуда яхши билгувчидир ва У ҳақ йўлда юргувчиларни ҳам жуда яхши билгувчидир.

- 119.** Агар Унинг оятларига иймон келтиргувчилардан бўлсангиз, Аллоҳнинг исми зикр қилинган нарсадан еяверинглар.
- 120.** Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг номи айтилган нарсани емайсизлар?! У сизларга ҳаром қилган нарсаларини батафсил баён қилиб берган-ку?! Мажбур бўлиб қолган ҳолатингиз бундан мустасно. Албатта, кўпчилик билмасдан ҳою ҳаваслари ила адаштирурлар. Албатта, Парвардигорингиз тажовузкорларни яхши билгувчидир.
- 121.** Гуноҳнинг ошкорасини ҳам, яширинини ҳам ташлангиз! Гуноҳ қилувчилар, албатта, қилган гуноҳларининг жазосини олурлар.
- 122.** Аллоҳнинг исми зикр қилинмаган нарсалардан еманглар. Албатта, бу иш фискдир. Албатта, шайтонлар ўз дўстларига сизлар билан тортишишни васваса қилурлар. Агар уларга итоат қилсангиз, сизлар ҳам мушриклардан бўлурсизлар.
- 123.** Аввал ўлик бўлган, сўнгра биз уни тирилтириб, унга одамлар орасида ўзи билан бирга олиб юрадиган нурни бериб қўйганимиз бир киши зулматларда қолиб кетган ва ундан ҳеч чиқувчи бўлмаган кимсага ўхшайдими?! Шунингдек, кофирларга ҳам қилаётган амаллари чиройли қилиб кўрсатиб қўйилди.

- 124.** Шунингдек, ҳар бир қишлоқда ўша жойнинг катталарини ҳийла-найранглар қиладиган жинойтчилар қилиб қўйдик. Улар фақат ўзларинигина алдайдилар, холос, лекин ўзлари сезмайдилар.
- 125.** Қачон уларга бирон оят келса: «То Аллоҳнинг пайғамбарларига берилган оятларга ўхшаш оятлар бизга ҳам берилмагунча ҳаргиз иймон келтирмаймиз», дейдилар. Аллоҳ пайғамбарлик вазифасини қаерга қўйишни яхшироқ билгувчидир. Яқинда бундай жинойткорларга қилиб ўтган ҳийла-найранглари сабабли Аллоҳ ҳузурида хорлик ва қаттиқ азоб етажакдир.
- 126.** Аллоҳ кимни ҳидоят қилишни хоҳласа, унинг қалбини Исломга очиб қўяди. Кимни адаштиришни истаса, унинг кўнглини худди осмонга кўтарилиб кетаётгандек, тор ва танг қилиб қўяди. Шунингдек, Аллоҳ иймон келтирмайдиганларни азобга гирифтор қилур.
- 127.** Мана шу Парвардигорингизнинг тўғри йўлидир. Ибрат олувчи қавм учун оятларни батафсил баён қилдик.
- 128.** Улар учун Парвардигорлари ҳузурида дорус-салом бордир. Қилиб ўтган яхши амаллари сабабли У зот уларнинг дўстидир.

- 129.** (Эсланг, Аллоҳ) уларнинг барчаларини тўплайдиган кунда: «Эй жинлар жамоаси, инсонлардан жуда кўпини (адаштирдингиз)», дер. Шунда у жинларнинг инсонлардан бўлган дўстлари: «Парвардигоро, бизлар бир-биримиздан фойдаландик ва Ўзинг биз учун белгилаб қўйганажалимизгаетибкелдик», деганларида Аллоҳ айтур: «Жойингиз дўзахдир! Унда абадий қолурсиз, фақат Аллоҳнинг истагани бундан мустасно». Албатта, Парвардигорингиз Билгувчи ва Ҳаким Зотдир.
- 130.** Шунингдек, қилиб юрган гуноҳлари сабабли золим кимсаларни бир-бирларига дўст қилиб қўюрмиз.
- 131.** Эй жин ва инс жамоаси, сизларга ўзларингиздан бўлган пайғамбарлар келиб, Менинг оятларимни сўзлаб бермадими ва сизларни мана шу кунингиздаги учрашувдан огоҳлантирмадиларми? Дедилар: «Ўзимизнинг зиёнимизга гувоҳмиз». Уларни дунё ҳаёти алдаб қўйди ва ўзларига қарши кофир бўлганларига гувоҳлик бердилар.
- 132.** Бунга сабаб Парвардигорингизнинг аҳолиси ғофил бўлган қишлоқ-шаҳарларни зулм билан ҳалок қилгувчи эмаслигидир.
- 133.** Ҳарким учун қилган амалларидан даражот-савоблар бор. Парвардигорингиз уларнинг қилаётган амалларидан ғофил эмасдир.

- 134.** Парвардигорингиз Беҳожат ва Меҳрибондир. Истаса, худди сизларни бошқа қавмнинг зурриётидан пайдо қилгани каби сизларни ҳам кетказиб, ортингиздан истаганини ўринбосар қилиб олиб келур.
- 135.** Албатта, сизларга ваъда қилинаётган нарсa келувчидир. Сизлар эса У зотни ожиз қолдирувчи эмассиз.
- 136.** Айтинг: «Эй қавмим, жойингиздан жилмай, амалингизни қилаверинг. Мен ҳам ўз ишимни қилавераман. Яқинда (охират) диёридаги оқибат кимники бўлишини билиб олурсиз. Албатта, золимлар нажот топмаслар».
- 137.** Аллоҳ учун Унинг Ўзи яратган экин ва чорвалардан бир улуш ажратиб, ўзларича: «Бу Аллоҳ учун, бу эса бутларимиз учун», дедилар. Энди бутлари учун бўлган улуш Аллоҳга етиб бормаиди. Аллоҳ учун бўлган улуш эса бутларига етиб бораверади. Нақадар ёмон ҳукм чиқарадилар-а!
- 138.** Шунингдек, мушриклардан кўпларига шериклари уларни ҳалок этиш ва динларини чалкаштириб юбориш учун болаларини ўлдиришни чиройли қилиб кўрсатди. Аллоҳ хоҳлаганида бундай қилмаган бўлардилар. Бас, уларни тухмат-бўхтонлари билан тарк қилинг!

- 139.** Улар ўзларича дедилар: «Мана бу ҳайвон ва экинлар ҳаром, уларни фақат биз хоҳлаган кишиларгина ейдилар. Бу ҳайвонларни эса миниш ҳаром қилинган». Улар ҳайвонларни (сўйишда) Аллоҳга тухмат қилиб, У Зотнинг номини зикр қилмайдилар. Яқинда бу тухматлари сабабли уларга Ўзи жазо беражак.
- 140.** Улар: «Мана бу ҳайвонларнинг қоринларидаги нарсалар фақат эркакларимиз учундир, хотинларимизга эса ҳаромдир», дедилар. Агар у нарса ўлик бўлса, у ҳолда ҳаммалари шерикдирлар. Яқинда бундай сифатлаганлари учун уларга Ўзи жазо беражак. Албатта, У Ҳаким ва Алим Зотдир.
- 141.** Ақлсизлик қилиб, нодонлик билан ўз фарзандларини ўлдирганлар ва Аллоҳризқ қилиб берган нарсаларни ҳаром қилганлар зиён кўрдилар. Улар аниқ адашдилар ва ҳидоят топганлардан бўлмадилар.
- 142.** У (ишкомларга) кўтариладиган ва кўтарилмайдиган боғларни, хурмо ва экинларни емагини хилма-хил қилиб, зайтун ва анорларни бир-бирига ўхшатиб ва ўхшатмай пайдо қилган Зотдир. Мевалаган пайтида унинг мевасидан енглари ва йиғим-терим кунда ҳаққини беринглари. Ва исроф қилманглари. Албатта, У исроф қилгувчиларни севмас.

- 143.** Ва чорвалардан юк ташувчиларни ва (сўйгани) ерга ётқизиладиганларини пайдо қилди. Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсалардан енглар ва шайтоннинг изидан эргашманглар. Албатта, у сизларга очик душмандир.
- 144.** Саккиз жуфт (пайдо қилди): қўйдан иккини (эркак-урғочи) ва эчкидан иккини. Айтинг: «Иккала эркагини ҳаром қилганми ёки иккала урғочисиними ёхуд иккала урғочининг бачадонларидаги ҳомиланими?! Агар ростгўй бўлсангизлар, илмий қилиб хабарини беринглар-чи?».
- 145.** Туядан иккитани, қорамолдан иккини (пайдо қилди). Айтинг: «Иккала эркагини ҳаром қилганми ёки иккала урғочисиними ёхуд иккала урғочининг бачадонларидаги ҳомиланими?! Ёки Аллоҳ сизларга шуни буюрганда гувоҳ бўлганмидингиз? Билиб-билмасдан одамларни йўлдан уриш учун Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган кимсадан ҳам золисроқ одам борми?! Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас».
- 146.** Айтинг: «Менга ваҳий қилинган нарсада таомланувчилар учун ҳаром қилинган нарсани топмаяпман. Ўлакка ётўқилган қон ёки тўнғиз гўшти бундан мустасно. Чунки улар нажасдир. Ёхуд фосиклик билан Аллоҳдан ўзга учун атаб сўйилган (хайвон)

ҳам ҳаромдир. Бас, ким зулм қилмасдан, ҳаддан ошмасдан, (ейишга) мажбур бўлиб қолса, Парвардигорингиз Мағфиратли, Меҳрибондир».

147. Яҳудий бўлган кимсаларга барча ой туёқли ҳайвонларни ҳаром қилдик. Мол, қўйдан эса улар учун ёғларини ҳаром қилдик. Биқинларидаги ё ичларидаги ёки суякка аралашган ёғларгина бундан мустасно. Зулмлари туфайли уларни шундай жазоладик. Албатта, Биз рост сўзлагувчимиз.

148. Сизни ёлғончига чиқарсалар, айтинг: «Парвардигорингиз чексиз меҳрибондир, аммо Унинг азоби бирон жинойтчи қавмдан қайтарилмас».

149. Ҳали ширк келтирганлар: «Аллоҳ истаганида, биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам ширк келтирмаган бўлар эдик ва бирор нарсани ҳаром қилмас эдик», - дейдилар. Шунингдек, улардан олдингилари ҳам азобимизни татигунларига қадар ёлғончига чиқариб турганлар. Айтинг: «Сизларда бизга кўрсатадиган бирон илм - ҳужжат борми? Сизлар фақат гумонга эргашмоқдасизлар ва фақат ёлғон гапирмоқдасизлар».

150. Айтинг: «Етук ҳужжат Аллоҳникидир. Агар хоҳлаганида ҳаммангизни ҳидоятга солган бўлар эди».

151. Айтинг: «Мана шуларни Аллоҳ ҳаром қилганига гувоҳлик берадиган гувоҳларингизни келтирингиз!» Гарчи улар гувоҳлик берсалар ҳам, сиз улар билан гувоҳлик берманг. Бизнинг оятларимизни ёлғон дейдиган, Охиратга иймон келтирмайдиган кимсаларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг! Улар Парвардигорларига ширк келтирадилар.

152. Айтинг: «Келинглари, Парвардигорингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни тиловат қилиб берай. У Зотга бирон нарсани шерик қилмангиз, ота-онага яхшилик қилингиз, болаларингизни камбағалликдан (қўрқиб) ўлдирмангиз, - сизларни ҳам, уларни ҳам Биз ризқлантирурмиз, - бузук ишларнинг ошкорасига ҳам, махфийсига ҳам яқинлашмангиз, Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонларни ўлдирмангиз. Ҳақли тарзда бўлганлари бундан мустасно. Сизларни шу ишларга буюрди. Шояд, ақл юритсангизлар».

153. Етимнинг молига то вояга етгунига қадар яқинлаша кўрмангиз! Энг чиройли йўл билан бўлса, зарари йўқ. Ўлчов ва тарозини адолат билан тўла тортингиз! Биз ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани юкламаймиз. Гапирганингизда гарчи қариндошингиз бўлса ҳам адолат қилингиз! Аллоҳга

берган аҳдингизга вафо қилингиз!

Сизларни шунга буюрди. Шояд, эслатма-насиҳат олсангизлар.

154. Албатта, мана шу Менинг тўғри йўлимдир. Бас, унга эргашингиз! (Бошқа) йўлларга эргашмангиз! Яна улар сизларни Аллоҳнинг йўлидан ажратиб қўймасин. Сизларни шунга буюрди. Шояд, тақво қилсангизлар.

155. Муҳсинларга (ишни пухта бажарувчиларга неъматимизни) тўла қилиб бериш ва барча нарсани муфассал баён қилиш учун ҳидоят ва раҳмат қилиб, Мусога Китобни ато этдик. Шояд, Парвардигорларига рўбару бўлишларига иймон келтирсалар.

156. Биз туширган бу китоб муборакдир. Бас, унга эргашинглар ва тақво қилинглар. Шояд, раҳм қилинсангизлар.

157. «Биздан аввалги икки тоифага китоб туширилган, уларнинг дарсларидан ғофилмиз», демасликларингиз учун.

158. Ёки: «Бизга ҳам китоб туширилганда эди, улардан кўра ҳидоятлироқ бўлар эдик», демасликларингиз учун сизга Парвардигорингиздан очиқ ҳужжат, ҳидоят ва раҳмат келди. Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарган ва улардан юз ўгирган кимсадан ҳам золироқ одам борми? Яқинда оятларимиздан юз ўгирганларни юз ўгирганлари туфайли ёмон азоб билан

жазолагаймиз.

- 159.** Улар фақат фаришталар келишини ё Парвардигорингизнинг келишини ёки Парвардигорингизнинг оятларидан айримлари келишини кутмоқдалар, холос. Парвардигорингизнинг айрим оятлари келадиган кунда олдин иймон келтирмаган ёки иймонига яраша яхшилик касб қилиб олмаган бирон жонга иймони фойда бермас. Айтинг: «Кутаверинглар! Биз ҳам кутгувчилармиз!»
- 160.** Динларини ҳам бўлиб, ўзлари ҳам гуруҳларга бўлиниб кетган кимсаларга сизнинг ҳеч қандай алоқангиз йўқ. Уларнинг ишлари фақат Аллоҳнинг ўзига ҳавола. Кейин У Зот уларнинг қилиб ўтган ишларини юзларига солур.
- 161.** Ким бир яхшилик қилса, унга ўн баробар қайтарилур. Ким бир ёмонлик қилса, унга фақат қилганига яраша жазо бўлур. Уларга зулм қилинмас.
- 162.** Айтинг: «Мени Парвардигорим рост дин, ҳаниф (ҳақ йўлга мойил бўлган) Иброҳимнинг миллати бўлмиш тўғри йўлга ҳидоят қилди. У мушриклардан бўлмаган эди».
- 163.** Айтинг: «Албатта, намозим, ибодатларим, ҳаёту мамотим бутун оламларнинг Парвардигори бўлмиш Аллоҳ учундир.
- 164.** У зотнинг шериги йўқдир. Мана шунга буюрилганман ва мен бўйсунувчиларнинг

пешқадамиман».

165. Айтинг: «Аллоҳдан ўзгани Парвардигорим дейми?! Ахир У барча нарсанинг Парвардигори-ку?! Ҳар бир жоннинг қилган гуноҳи фақат ўз зиёнига бўлур. Ҳеч бир кўтаргувчи ўзга жоннинг юкини кўтармас. Кейин қайтишингиз Парвардигорингизгадир. Бас, У сизларга ихтилоф қилган нарсаларингизнинг хабарини берур.

166. У сизларни ерда халифалар қилиб қўйган ва Ўзи ато этган неъматлар билан сизларни имтиҳон қилиш учун айримларингизни айримларингиздан юқорироқ даражаларга кўтариб қўйган Зотдир. Албатта, Парвардигорингиз тез жазолагувчидир ва, албатта, У Мағфиратли, Меҳрибондир».

Аъроф сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Алиф. Лом. Мим. Сод.
2. Сизга нозил қилинган Китобдан кўнглингизда заррача танглик бўлмасин. У билан огоҳлантиришингиз учун ва мўминларга эслатма (қилиб, Аллоҳ уни сизга нозил қилди).
3. Сизларга Парвардигорингиздан нозил қилинган нарсага эргашингиз, ундан ўзга «дўстларга» эргашмангиз! Жуда оз эслатма олурсизлар.
4. Қанчадан-қанча шаҳар-қишлоқларни ҳалок қилдик. Бас, азобимиз уларга тун уйқусида ёки кун уйқусида келди.
5. Бизнинг азобимиз келган вақтида улар: «Албатта биз ўзимизга ўзимиз зулм қилган эканмиз», дейишдан бошқа даъвони қила олмадилар.
6. Бас, Биз пайғамбар юборилган кишиларни ҳам, юборилган пайғамбарлар(нинг ўзлари) ни ҳам саволга тутармиз.
7. Кейин уларга билган ҳолимизда сўзлаб берурмиз. (Чунки) Биз ғойиб эмас эдик.
8. Ўша куни (амалларни) тортиш ҳақдир. Бас, кимнинг тортилган (яхши

амаллари) оғир келса, ана ўшалар нажот топгувчилардир.

9. Тортилган(яхшиамал)лариенгилкелганлар эса Бизнинг оятларимизга зулм қилганлари туфайли ўзларига зиён қилган кимсалардир.
10. Албатта, Биз сизларга заминни маскан этиб, сизлар учун унда тирикчилик воситаларини яратиб қўйдик. Жуда оз шукр қилурсизлар.
11. Сизларни яратдик. Кейин сизларга сурат бердик. Кейин эса фаришталарга: «Одамга сажда қилинглари», дейишимиз билан улар сажда қилдилар. Фақат Иблис бундан мустасно. У сажда қилгувчилардан бўлмади.
12. У Зот: «Сенга буюрганимда сажда қилишингдан нима тўсди?» - деди. У: «Мен ундан яхшиман, мени ўтдан яратдинг, уни эса лойдан яратдинг», - деди.
13. У Зот деди: «У ҳолда ундан тушгин! Сен учун унда кибру ҳаво қилиб юриш жоиз эмас. Бас, чиқ! Албатта, сен хор бўлгувчилардандирсан!»
14. «Менга улар тириладиган кунгача муҳлат бер», деди у.
15. У Зот: «Албатта, сен муҳлат берилганлардансан», - деди.
16. У айтди: «Мени йўлдан оздирганинг сабабли мен ҳам Сенинг тўғри йўлинг устида ўтириб олиб, (уларни оздираман).

17. Кейин уларнинг олд тарафларидан, орқа тарафларидан, ўнгларида ва сўлларида келурман. Уларнинг аксариятини шукр қилгувчилардан топмассан».
18. У Зот деди: «Ундан хор бўлиб ва қувилиб чиқ! Улардан ким сенга эргашса, албатта, жаҳаннамни ҳаммангиз билан тўлдирурман».
19. «Эй Одам, сен эса жуфтинг билан жаннатни маскан тутиб, истаган жойингиздан тановул қилинг. Фақат мана бу дарахтга яқинлашмангки, у ҳолда золимлардан бўлиб қолурсиз».
20. Сўнг шайтон уларни беркитилган авратларини очиб юбориш учун васвасага солди ва: «Парвардигорингиз фақат фаришталарга айланмаслигингиз ёки (жаннатда) абадий яшаб қолмаслигингиз учунгина сизларни бу дарахтдан қайтарди», деди.
21. Уларга: «Мен сизларга насиҳат қилувчиларданман», - деб қасам ичди.
22. Бас, алдов билан уларни (тубан ҳолатга) тушириб қўйди. Ўша дарахтдан татиб кўришлари биланок авратлари очилиб қолди ва ўзларини жаннат япроқлари билан тўса бошладилар. (Шунда) уларга Парвардигорлари нидо қилиб (деди): «Сизларни бу дарахтдан қайтармаганимидим

ва: «Албатта, шайтон сизларнинг очик душманингиз», демаганмидим?!»

- 23.** Улар: «Парвардигоро, бизлар ўз жонимизга жабр қилдик. Агар бизларни кечирмасанг ва раҳм қилмасанг, шубҳасиз, зиён кўргувчилардан бўлиб қолурмиз», дедилар.
- 24.** У Зот: «Бир-бирингизга душман бўлган ҳолингизда тушинглар. Сизларга ер юзида қароргоҳ бор ва маълум вақтгача фойдаланиш бор», - деди.
- 25.** У Зот: «Унда ҳаёт кечирасизлар, унда ўласизлар ва ундан қайта чиқариласизлар», - деди.
- 26.** Эй Одам болалари, Биз сизларга авратларингизни тўсадиган либосни ҳам, ясантирадиган (либосни) ҳам туширдик. Энг яхши либос тақво либосидир. Бу Аллоҳнинг оятларидандир. Шояд, эслатма олсалар.
- 27.** Эй Одам болалари, шайтон отангизнинг авратларини ўзларига кўрсатиш учун либосларини ечиб, жаннатдан чиқаргани каби сизларни ҳам алдаб қўймасин! Чунки у ва унинг малайлари сизларни ўзингиз билмайдиган тарафдан кўриб турадилар. Албатта, Биз шайтонни иймон келтирмайдиганларга дўст қилиб қўйганмиз.
- 28.** Улар қачон бир бузуқ иш қилсалар: «Ота-боболаримиз шундай қилаётганини кўргандик.

Буни бизга Аллоҳ буюрган», - дерлар. Айтинг: «Шак-шубҳасиз, Аллоҳ бузук ишларга буюрмас. Аллоҳ шаънига билмайдиган нарсангизни айтасизми?!»

- 29.** Айтинг: «Парвардигорим адолатга буюрган. Ҳар бир масжидда юзингизни тўғри тутингиз ва У Зотга динингизни холис қилган ҳолда дуо айлангиз. Сизларни аввалда қандай яратган бўлса, ўша ҳолда қайтасизлар».
- 30.** Бир гуруҳни ҳидоят қилди. Бошқа гуруҳга йўлдан озиш ҳақ бўлди. Чунки улар Аллоҳни қўйиб, шайтонларни ўзларига дўст тутдилар ва ўзларини ҳидоят топганлар, деб ҳисоблайдилар.
- 31.** Эй Одам болалари, ҳар бир ибодат чоғида ўз зийнатингизни олингиз. Еб-ичингиз ва исроф қилмангиз. Чунки У Зот исроф қилувчиларни севмас.
- 32.** Айтинг: «Аллоҳ бандалари учун чиқарган зийнат ва покиза ризқларни ким ҳаром қилди?!» Айтинг: «Улар дунё ҳаётида иймон келтирганлар учундир. Қиёмат кунида эса фақат уларгагина хосдир». Биладиган қавм учун оятларни мана шундай тафсилоти билан баён қилурмиз.
- 33.** Айтинг: «Парвардигорим фақатгина ошкор ва яширин бузукликларни, гуноҳ ишларни, ноҳақ зулм қилишни ва Аллоҳга ҳеч қандай

ҳужжат туширмаган нарсаларни шерик қилиб олишингизни ҳамда Аллоҳ шаънига билмайдиган нарсаларни гапиришингизни ҳаром қилган, холос».

34. Ҳар бир уммат учун бир ажал бордир. Бас, қачон уларнинг ажали келса, уни бирон соатга ортга ҳам, олдга ҳам сура олмайдилар.
35. Эй Одам болалари, сизларга ўзингиздан бўлган пайғамбарлар келиб, Менинг оятларимни қисса қилиб берурлар. Ким тақво қилиб, (ўзини) ўнглаб олса, улар учун хавф йўқдир ва улар хафа бўлмаслар.
36. Оятларимизни ёлғонга чиқарганлар ва улардан кибр қилганлар, ана ўшалар дўзах эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.
37. Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган ёки унинг оятларини ёлғонга чиқарган кимсадан ҳам золимроқ одам борми?! Ана ўшаларга тақдир китобидаги насибалари етар. Бизнинг элчиларимиз келиб уларнинг жонларини олаётиб: «Аллоҳдан ўзга ибодат қилаётган нарсаларингиз қани?» - дерлар. Улар: «Биздан ғойиб бўлишди», - дерлар ва ўз зиёнларига кофир бўлганларини айтиб, гувоҳлик берарлар.
38. У Зот: «Сизлардан олдин ўтган жин ва инсдан бўлган умматлар қаторида

дўзахга кирингиз», - дер. Қачон бир уммат кирса, шеригини лаънатлар. У ерда ҳаммалари топишганларида кейингилари аввалгиларини (маломат қилиб): «Парвардигоро, бизни анавилар адаштирган эдилар. Уларга дўзах азобини икки баробар қилиб бер», - дерлар. У Зот: «Барчангизга икки баробар, лекин билмайсизлар», - дер.

39. Аввалгилар кейингиларга: «Сизларнинг биздан ортиқ жойингиз йўқ. Қилган ишингизга яраша азобни тортаверингиз», - дерлар.
40. Албатта, оятларимизни ёлғонга чиқарганлар ва улардан кибр қилганларга осмон эшиклари очилмас ва улар туя игна тешигидан ўтмагунча жаннатга кирмаслар. Жиноятчиларни мана шундай жазолармиз.
41. Уларга жаҳаннамдан тўшак ва устларига чойшаб бор. Золимларни мана шундай жазолармиз.
42. Иймон келтириб, яхши амалларни қилганлар - Биз ҳеч бир жонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилмаймиз - ана ўшалар жаннат эгаларидир. Улар унда абадий қолурлар.
43. Қалбларидаги ғиллу ғашликни суғуриб олдик. Остларидан анҳорлар

оқиб туради. Улар: «Бизни шунга ҳидоят қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, агар Аллоҳ бизни ҳидоят қилмаганда, ўзимиз йўлтопаолмасэдик. Парвардигоримизнинг элчилари ҳақни келтирдилар», - дедилар. Ва уларга: «Қилиб ўтган (яхши) амалларингиз сабабли сизларга мерос қилиб берилган жаннат мана шудир», деб нидо қилинур.

44. Жаннат эгалари дўзах эгаларига: «Бизлар Парвардигоримиз берган ваъданинг ҳақ эканини кўрдик, сизлар ҳам Парвардигорингиз ваъда қилган нарсанинг ҳақ эканини кўрдингизми?!» - деганларида, улар: «Ҳа», дейдилар. Бас, уларнинг ўрталарида бир жарчи: «Золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлгай», деб жар солур.
45. «(Золимларки), Аллоҳнинг йўлидан тўсадилар, уни бузмоқчи бўладилар ва охиратга куфр келтирадилар».
46. Уларнинг ўрталарида тўсиқ бўлиб, Аъроф устида ҳаммани сиймоларидан таниб оладиган кишилар бўлур. Улар умидвор бўлиб турган, (лекин ҳали жаннатга) кирмаган жаннат эгаларига: «Сизларга тинчлик-саломатлик бўлгай», дейдилар.
47. Қачонки кўзлари дўзах эгалари томон бурилиб қолса: «Парвардигоро, бизни золим қавм билан бирга қилмагин», дерлар.
48. Аъроф эгалари сиймоларидан таниб

олган кишиларига нидо қилиб дедилар: «Тўплаган молу дунёйингиз ва қилган кибру ҳавойингиз сизларга асқотмабди-ку!»

- 49.** Сизлар: «Аллоҳ уларга раҳмат етказмас», деб қасамичганингиз ана уларми?! (Уларга): «Жаннатга кириңлар! Сизга ҳавф йўқ ва сиз ҳафа ҳам бўлмайсиз», - (дейилди-ку).
- 50.** Дўзах эгалари жаннат эгаларига: «Бизга ҳам сувдан ёки Аллоҳ сизга ризқ қилиб берган нарсадан тўкиңлар», деб нидо қиларлар. Шунда улар: «Албатта, Аллоҳ буларни кофирларга ҳаром қилган», дерлар.
- 51.** «(Кофирларки), динларини ўйин-кулги қилиб олганлар ва дунё ҳаётига алданганлар», (дерлар.) Бас, бу кунда улар бугунги учрашувни унутганлари ва оятларимизни инкор қилганларидек, Биз ҳам уларни унутамиз.
- 52.** Биз уларга иймон келтирган қавм учун ҳидоят ва раҳмат бўлган бир Китобни олиб келдик, уни илм асосида муфассал айладик.
- 53.** Улар унинг таъвилини - оқибатини кутмоқдалар, холос. Унинг таъвили келадиган кунда илгари уни унутганлар: «Парвардигоримизнинг пайғамбарлари ҳақ ила келган эканлар. Энди бизни шафоат қиладиган шафоатчилар бормикан ёки

ортга қайтарилармиканмиз, токи қилган амалларимиздан бошқача амалларни қилсак», - дерлар. Ҳақиқатан, улар ўзларига зиён қилдилар ва тўқиб олган нарсалари улардан ғойиб бўлди.

- 54.** Албатта, осмонлару ерни олти кунда яратиб, сўнгра Аршга кўтарилган Парвардигорингиз кечани кундуз устига ёпадир. Униси бунисини шошилиб қувлайдир. Қуёш, ой ва юлдузларни Ўз амрига бўйсундирилган қилиб яратди. Огоҳ бўлинг, яратиш ва амр қилиш Унинг Ўзига хосдир. Оламларнинг Парвардигори - Аллоҳ буюкдир.
- 55.** Парвардигорингизга тазарру билан махфий ҳолда дуо қилингиз! Зотан, У ҳаддан ошувчи кимсаларни севмас.
- 56.** Ислоҳ қилингандан кейин ер юзида бузғунчилик қилмангиз ва Ундан кўрқиб ва умид қилиб дуо айлангиз. Албатта, Аллоҳнинг раҳмати муҳсинларга яқиндир.
- 57.** У шундай Зотки, Ўз раҳматининг олдидан хушхабар қилиб шамолларни юборур. Улар оғир булутларни кўтариб келгач, Биз у билан ўлик шаҳарни суғорурмиз. Бас, унга сув ёғдириб, унинг кўмагида ҳар хил мевалар чиқарурмиз. Ўликларни ҳам мана шундай чиқарурмиз. Шояд, эслатма-ибрат олсангизлар.

58. Пок юртнинг ўсимлиги Парвардигорининг изни ила униб чиқур. Нопок ерники эса қийинчиликсиз чиқмас. Шукр қиладиган қавм учун оят-аломатларимизни манашундай баён қилиб берурмиз.
59. Албатта, Нухни ўз қавмига пайғамбар қилиб юбордик. У деди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Албатта, мен сизларнинг улуғ кун азобига гирифтор бўлишингиздан қўрқаман».
60. Қавмидаги зодагонлар: «Албатта, биз сенинг очиқ залолатда эканингни кўряпмиз», дедилар.
61. У деди: «Эй қавмим, менда залолат йўқ. Аксинча, мен оламлар Парвардигори тарафидан юборилган пайғамбарман.
62. Сизларга Парвардигоримнинг рисолатларини етказаман, сизларга насиҳат қиламан ва Аллоҳ томонидан сиз билмаган нарсани биламан».
63. Сизларни огоҳлантириш ҳамда тақводор бўлишингиз ва раҳматга сазовор бўлишингиз учун сизларга Парвардигорингиздан бўлган эслатма ўзингиздан чиққан бир киши орқали келганидан ажабландингизми?
64. Уни ёлғончига чиқардилар. Кейин Биз

уни ва у билан бирга бўлганларни кемада қутқардик. Оятларимизни ёлғонга чиқарганларни эса фарқ қилдик. Улар кўр қавм эдилар.

65. Одга ўз биродари Ҳудни (юбордик). У деди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилингиз. Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқ. Тақво қилмайсизларми?!»
66. Қавмидаги куфр келтирган зодагонлар: «Албатта, биз сенинг эси паст эканингни кўриб турибмиз ва, албатта, биз сени ёлғончилардан, деб ўйлаймиз», дедилар.
67. У деди: «Эй қавмим, мен эси паст эмасман, аксинча, мен оламлар Парвардигори тарафидан юборилган пайғамбарман.
68. Сизларга Парвардигоримнинг рисолатларини етказаман ва мен сизларга ишончли насихатгўйман».
69. Сизларни огоҳлантириш учун Парвардигорингиздан бўлган эслатма ўзингиздан чиққан бир киши орқали келганидан ажабландингизми? Сизларни Нух қавмидан кейин халифа қилганини ва хилқатингизда куч-қувватни зиёда қилганини эслангиз. Аллоҳнинг неъматларини эслангиз. Шоядки, нажот топсангиз.
70. Улар дедилар: «Сен бизга ёлғиз Аллоҳнинг Ўзига ибодат қилишимиз ва ота-

боболаримиз ибодат қилган нарсаларни тарк этишимиз учун келдингми?! Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтир!»

71. У деди: «Албатта, устингизга Парвардигорингиз тарафидан азоб ва ғазаб тушди. (Уларнинг худолигига) Аллоҳ ҳеч бир ҳужжат туширмаган, ўзингиз ва ота боболарингиз қўйиб олган номлар ҳақида мен билан тортишасизларми?! Бас, кутиб туринглар! Мен ҳам сизлар билан кутиб тургувчиларданман».
72. Бас, унга ва у билан бирга бўлганларга Ўз раҳматимиз билан нажот бердик. Бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқарганларнинг эса думларини қирқдик. Улар мўмин эмас эдилар.
73. Самудга биродари Солиҳни (юбордик). У деди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар. Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқ. Сизга Парвардигорингиздан ҳужжат келди. Аллоҳнинг мана бу туяси сизларга белгидир. Уни Аллоҳнинг ерида тек қўйинглар, еб-ичиб юраверсин. Унга ёмонлик етказманглар. Тағин сизни аламли азоб тутиб қолмасин».
74. Сизларни Оддан кейин халифа қилганини ва сизларга ернинг текисликларида қасрлар қуришингиз, тоғларини эса йўниб, ундан уйлар қилиб олишингиз учун имкон берганини эслангиз! Бас,

Аллоҳнинг неъматларини эслангиз ва ерда бузғунчилик қилиб юрмангиз!

75. Қавмидаги мутакаббир зодагонлари заиф-бечораларидан иймон келтирганларига: «Солиҳни Парвардигори тарафидан юборилган пайғамбар деб билурмисиз?» - дейишди. Улар айтдилар: «Албатта, биз у орқали юборилган нарсага иймон келтиргувчимиз».
76. Мутакаббир бўлганлар дедилар: «Албатта, биз сизиймон келтирган нарсага кофирмиз».
77. Бас, туяни сўйдилар, Парвардигорларининг фармонидан юз ўгирдилар ва дедилар: «Эй Солиҳ, агар пайғамбарлардан бўлсанг, бизга ваъда қилаётган нарсангни келтир».
78. Бас, уларни шиддатли зилзила тутиб, турган жойларида қотиб қолдилар.
79. Кейин (Солиҳ) улардан юз ўгириб деди: «Эй қавмим, мана, мен сизларга Парвардигоримнинг рисолатини етказдим ва сизларга насиҳат қилдим. Лекин сизлар насиҳат қилгувчиларни севмас экансизлар».
80. Лутни (юбордик). У қавмига деди: «Сизлардан илгари бутун оламлардаги бирон кимса қилмаган бузуқликни қиласизларми?!
81. Сизлар аёлларни кўйиб, эркакларга шахват ила яқинлик қилмоқдасизлар. Йўқ! Сизлар

ҳаддидан ошган қавмсиэлар!»

82. Қавмнинг жавоби эса: «Уларни қишлоғингиздан чиқариб юборингиз! Чунки улар ҳаддан ортиқ покиза одамлар экан», дейишдан ўзга нарсая бўлмади.
83. Бас, унга ва аҳлига нажот бердик. Фақат хотини (қолиб) ҳалок бўлгувчилардан бўлди.
84. Уларнинг устига даҳшатли ёмғир (тош) ёғдирдик. Ана энди жинойтчиларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг.
85. Мадянга ўз биродарлари Шуъайбни (юбордик). У деди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилингиз. Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқ. Албатта, сизларга Парвардигорингиздан ҳужжат келди. Бас, ўлчов ва тарозуни тўлиқ адо этингиз, одамларнинг нарсаларидан камайтириб қолмангиз ва ер юзи ислоҳ бўлганидан кейин унда бузғунчилик қилмангиз. Агар мўмин бўлсангиз, мана шу ўзингиз учун яхшидир».
86. Ҳар кўчада (одамларни) кўрқитиб ва Аллоҳга иймон келтирган зотларни Унинг йўлидан тўсиб ҳамда у йўлни бузишга ҳаракат қилиб ўтирмангиз! Эслангиз! Озчилик эдингиз, сизларни кўпайтирди. Кўрингиз! Бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлди?!
87. Сизлардан бир тоифа мен билан юборилган

динга иймон келтириб, бошқа бир тоифа эса иймон келтирмаса, бас, то ўртамизда Аллоҳ ҳукм қилгунича сабр қилингиз. У ҳукм қилгувчиларнинг яхшироғидир.

- 88.** Унинг қавмидан бўлган мутакаббир кимсалар: «Эй Шуайб, ё сени ва сен билан бирга иймон келтирган кишиларни қишлоғимиздан ҳайдаб чиқарамиз, ёки сизлар бизнинг динимизга қайтасизлар», дейишди. У айтди: «Ёмон кўрсак ҳам-а?
- 89.** Аллоҳ бизга (ботил) динингиздан нажот берганидан кейин яна унга қайтсак, албатта, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиган бўламиз. Биз учун унга қайтиш мутлақо мумкин эмас, магар Парвардигоримиз Аллоҳ хоҳласагина (мумкин). Парвардигоримиз ҳамма нарсани Ўз илми ила қамраб олгандир. Аллоҳга таваккал қилдик. Парвардигоро, биз билан қавмимиз ўртасида ҳақ ила ҳукм қилгайсан. Ўзинг ҳукм қилгувчиларнинг яхшироғидирсан».
- 90.** Унинг қавмидан куфр келтирган кимсалар: «Агар Шуайбга эргашсангиз, албатта, зиён кўрувчи бўлурсиз», - дедилар.
- 91.** Бас, уларни шиддатли зилзила олди ва жойларида ўтириб қолдилар.
- 92.** Шуайбни ёлғончига чиқарганлар худди у ердаяшамагандек бўлиб қолдилар. Шуайбни ёлғончига чиқарганларнинг ўзлари зиён

кўрувчи бўлдилар.

- 93.** Кейин улардан юз ўгириб деди: «Эй қавмим, мен сизларга Парвардигоримнинг юборганларини етказдим ва сизларга насиҳат қилдим. Энди қандай кофир қавмга қайғурай?»
- 94.** Қайси бир қишлоққа пайғамбар юборсак, унинг аҳлини бахтсизлик ва мусибатлар ила тутганмиз. Шояд, шунда тавба-тазарру қилсалар.
- 95.** Кейин ёмонликни яхшиликка алмаштирганмиз. Ўзларидан кўпайиб: «Ота-боболаримизга ҳам қийинчилик ва хурсандчилик етган эди», деганларида эса уларни ўзларига сездирмай, тўсатдан тутганмиз.
- 96.** Агар қишлоқлар аҳли иймон келтирганларида ва такво қилганларида эди, Биз, албатта, уларга осмону ердан баракотларни очиб кўяр эдик. Лекин улар ёлғонга чиқардилар, бас, уларни қилган касблари туфайли тутдик.
- 97.** Қишлоқлар аҳли уларга Бизнинг бало-қазойимиз тунда, ухлаётган ҳолларида келишидан хотиржам бўлиб қолдиларми?!
- 98.** Қишлоқлар аҳли уларга Бизнинг бало-қазойимиз чошгоҳ пайтида, ўйнаётган ҳолларида келишидан хотиржам бўлиб

қолдиларми?!

99. Аллоҳнинг макридан хотиржам бўлиб қолдиларми?! Аллоҳнинг макридан фақат зиён кўрувчи қавмгина хотиржам бўлур.

100. Бу ерга (олдинги) эгаларидан кейин меросхўр бўлаётган кимсаларга, агар хоҳласак, гуноҳлари туфайли мусибат етказишимиз ва қалбларига муҳр босиб, эшитмайдиган қилиб қўйишимиз аён бўлмадими?!

101. Сизга ўша қишлоқлар ва уларнинг хабарларидан сўйлаётирмиз. Албатта, уларга пайғамбарлари ҳужжат-мўъжизалар келтирганлар. Аммо, улар олдин ёлғонга чиқарган нарсаларига иймон келтирмадилар. Аллоҳ кофирлар қалбига ана шундай қилиб муҳр босди.

102. Уларнинг кўпларида аҳдга вафо кўрмадик. Уларни қачон топсак, фосиқликда топдик.

103. Кейин уларнинг ортидан Мусони Ўз оятларимиз ила Фиръавн ва унинг одамларига юбордик. Бас, у (оят)ларга зулм қилдилар. Бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг.

104. Мусо деди: «Эй Фиръавн, албатта, мен оламлар Парвардигори (тарафидан юборилган) пайғамбарман».

105. «Менинг зиммамда Аллоҳ шаънига фақат

ҳақни айтиш бордир. Мана, сизларга Парвардигорингиздан ҳужжат келтирдим. Энди мен билан Бани Исроилни қўйиб юбор».

106.(Фиръавн): «Агар ростгўй кишилардан бўлиб, оят-мўъжиза билан келган бўлсанг, қани, уни келтир», деди.

107.Шунда (Мусо) асосини ташлаган эди, бирдан у ҳақиқий аждарга айланди.

108.Ва қўлини чиқарган эди, бирдан у қараб турганларга оппоқ бўлиб кўринди.

109.Фиръавн қавмидан бўлган кимсалар дедилар: «Албатта, бу моҳир сеҳргардир».

110.«У сизларни ерингиздан чиқармоқчи бўляпти. Энди шунга нима дейсизлар?»

111.Улар дедилар: «Уни ва акасини қўйиб тургин-да, шаҳарларга (сеҳргарларни) тўпловчиларни юбор».

112.«(Мамлакатдаги)барчамоҳирсеҳргарларни сенга олиб келсинлар».

113.Сеҳргарлар Фиръавнга келиб: «Агар ғолиб бўлсак, бизга мукофот бериладими?» - дедилар.

114.У деди: «Ҳа, (ғолиб бўлсангизлар) менинг яқин кишиларимдан бўлурсизлар».

115.Улар айтдилар: «Эй Мусо, ё сен ташла, ёки биз ташлаймиз».

116.У: «Сизлар ташланглар», деди. Бас, улар ташлаганларида одамларнинг кўзларини

бўяб, даҳшатга солиб қўйдилар ва зўр сеҳр кўрсатдилар.

117. Биз Мусога: «Асойингни ташлагин», деб ваҳий юбордик. Бирдан у уларнинг «уйдирма» ларини юта бошлади.

118. Бас, ҳақ қарор топди ва уларнинг қилган ҳаракатлари эса ботил бўлди.

119. Ўша ерда енгилдилар ва беобрў бўлиб қайтдилар.

120. Шунда сеҳргарлар саждага йиқилиб дедилар:

121. «Оламларнинг Парвардигорига иймон келтирдик.

122. Мусо ва Ҳоруннинг Парвардигорига».

123. Фиръавн деди: «Мен сизга изн бермай туриб, унга иймон келтирдингизми?! Албатта, бу унинг аҳлини шаҳардан чиқариш учун сизнинг қилган макрингиздир. Ҳали биласиз.

124. Оёқ-қўлларингизни қарама-қарши томонидан кесаман ва ҳаммангизни осаман».

125. Улар дедилар: «Албатта, биз Парвардигоримизга қайтгувчимиз.

126. Сен биздан фақат Парвардигоримизнинг оятлари келганда уларга иймон келтирганимиз учунгина ўч олмоқдасан! Парвардигоро, устимиздан сабр ёғдир ва мусулмон ҳолимизда вафот эттиргин».

127. Фиръавн қавмидан бўлган одамлар: «Мусо

ва қавмининг сени ва худоларингни тарк қилиб, ер юзида бузғунчилик қилишларига йўл қўйиб берасанми?» - дедилар. У: «Ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдирамиз ва биз, албатта, улар устидан қаҳр ўтказувчилармиз», - деди.

128. Мусо ўз қавмига: «Аллоҳдан ёрдам сўранглар ва сабрқилинглари. Ер Аллоҳники, уни бандаларидан кимни хоҳласа, ўшанга мерос қилиб беради. Оқибат тақводорларникидир», - деди.

129. Улар: «Сен бизга келмасингдан олдин ҳам, келганингдан кейин ҳам озор кўрдик», дедилар. У: «Шояд, Парвардигорингиз душманларингизни ҳалок этиб, сизларни ер юзига халифа қилса ва қандай амал қилишингизни кўрса», деди.

130. Биз Фиръавн одамларини (қаҳатчилик) йиллари ва мева-чевалар танқислиги билан ушладик.

131. Ўзларига яхшилик етганда: «Бунга биз ҳақдормиз», дедилар. Ёмонлик етса, Мусо ва у билан бирга бўлганлардан кўрдилар. Огоҳ бўлсинларким, уларнинг кўргуликлари фақат Аллоҳнинг ҳузуридандир. Лекин кўплари (буни) билмайдилар.

132. Улар: «Ҳар қанча оят келтириб бизни сеҳрламоқчи бўлсанг ҳам биз сенга иймон келтиривчи эмасмиз», дедилар.

133. Бас, уларнинг устидан тўфон, чигиртка,

бит, бақа ва қонларни очик-ойдин ва муфассал белгилар қилиб юбордик. Бас, улар мутакаббирлик қилдилар ва жинойтчи қавм бўлдилар.

134. Уларнинг устига бу азоб тушгач: «Эй Мусо, Парвардигорингга сенга берган ваъдаси ҳаққи-ҳурмати, дуо қил! Бизлардан шу азобни кўтарсанг, албатта, сенга иймон келтирурмиз ва Бани Исроилни сен билан бирга қўйиб юборурмиз», дедилар.

135. Энди улардан бу азобимизни ўзлари етиб боргувчи бўлган муддатгача кўтарганимизда эса бирдан (ичган қасамларини) бузиб турибдилар.

136. Бас, улардан интиқом олдик. Оятларимизни ёлғонга чиқарганлари ва улардан ғофил бўлганлари учун уларни денгизга ғарқ қилдик.

137. Ўзимиз баракотли қилган ернинг машрик ва мағрибларига хорланиб юрган қавмни ворис қилиб қўйдик. Сабр-тоқат қилганларисабабли Бани Исроилга Парвардигорингизнинг гўзал сўзлари тўла-тўқис бажо бўлди. Фиръавн ва унинг қавми қуриб олган иморатларни, баланд қилиб кўтарган қасрларни эса вайрон қилдик.

138. Бани Исроилни денгиздан олиб ўтдик. Улар бутларига сиғиниб турган бир қавм олдида ўтдилар ва: «Эй Мусо, бизларга

ҳам уларнинг илоҳлари каби худо ясаб бер», дедилар. У айтди: «Албатта, сизлар билмайдиган қавмдирсизлар».

139. Албатта, анавилар ичида турган нарса ҳалокатдир ва қилаётганишлари ботилдир.

140. «Сизларга Аллоҳдан ўзгани худо қилиб берайми?! Ҳолбуки, У сизларни оламлардан афзал қилган Зот-ку!» - деди.

141. Сизларни ёмон азобларга қўяётган, ўғилларингизни ўлдириб, қизларингизни тирик қолдираётган Фиръавн аҳлидан қутқарганимизни эсланг! Бу ишда Парвардигорингиз тарафидан улуғ синов бордир.

142. Мусо билан ўттиз кечага ваъдалашдик. Сўнгра уни яна ўн (кеча) билан тўлдирдик. Бас, Парвардигорининг белгилаган вақти тўла қирқ кеча бўлди. Мусо акаси Ҳорунга деди: «Қавмим устида менинг ўринбосарим бўлгин ва (ёмон иш қилсалар), тузатгин. Бузғунчиларнинг йўлига эргашмагин».

143. Мусо ваъдалашган вақтимизда келиб, Парвардигори унга гапиргач, у: «Парвардигорим, менга (жамолингни) кўрсат, Сенга бир қарай», деди. У деди: «Сен Мени ҳаргиз кўролмайсан. Аммо мана бу тоққа қара. Агар у ўз ўрнида тура олса, сен ҳам Мени кўрасан». Парвардигори тоққа

тажаллий қилган эди, уни майда-майда қилиб ташлади ва Мусо ҳушидан кетиб йиқилди. Ўзига келганидан кейин эса деди: «Пок Парвардигор, Ўзингга тавба қилдим. Энди мен иймон келтирувчиларнинг пешқадамиман».

144. Аллоҳ айтди: «Эй Мусо, ҳақиқатан, Мен сени одамлар устида пайғамбарим бўлишга ва каломимни эшитишга танлаб олдим. Бас, сенга ато этган нарсамни олгин ва шукр қилгувчилардан бўлгин!»

145. Унинг учун лавҳларга ҳамма нарсани, панд-насиҳат ва барча нарсаларнинг тафсилотини ёзиб қўйдик ва: «Уларни маҳкам ушлагин ҳамда қавмингни уларнинг энг гўзалларини олишларига буюргин, яқинда сизларга итоатсиз кимсаларнинг диёрини кўрсатурман», (дедик).

146. Энди ерда ноҳақ кибру ҳаво қилиб юрадиган, барча оят-мўъжизаларни кўрсалар, уларга иймон келтирмайдиган, тўғри йўлни кўрсалар, уни йўл қилиб олмайдиган, залолат йўлини кўрсалар, ўшани йўл қилиб оладиган кимсаларни Ўз оят-мўъжизаларимдан буриб юборурман. Бунга сабаб уларнинг оятларимизни ёлғонга чиқаришлари ва улардан ғофил бўлишларидир.

147. Оятларимизни ва охират мулоқотини ёлғонга

чиқарганлар амаллари беҳуда кетганлардир. Улар фақат қилиб юрган амалларининг жазосини олурлар.

148. Мусонинг қавми ундан кейин ўзларининг безак буюмларидан бир маърайдиган бузоқ шаклидаги жасадни ясаб, уни (ўзларига худо) қилиб олдилар. Унинг уларга гапирмаслигини ва уларни ҳидоят қилмаслигини билмадиларми?! Уни (худо) тутдилар ва зулм қилувчилардан бўлдилар.

149. Ўзларининг йўлдан озганларини билгач, афсус-надоматлар чекиб: «Энди Парвардигоримиз бизга раҳм этмаса ва кечирмаса, албатта, зиён кўргувчилардан бўлиб қолурмиз», дедилар.

150. Мусо қавмига ғазабланиб ва ғамгин бўлиб қайтгач: «Менинг ортимдан нақадар ёмон қолувчи бўлдингиз. Парвардигорингизнинг амр-фармонидан (сабр қилмай) шошиб кетдингизми?» - деб, лавҳларни ташлаб юборди ва акасининг бошидан (сочидан) ушлаб ўзига торта бошлади. У деди: «Эй онамнинг боласи, бу қавм мени хўрлаб, ўлдиришларига оз қолди, энди сен ҳам бу душманларни менинг устимдан кулдирмагин ва мени бу золим қавм билан бирга деб билмагин».

151. (Мусо) деди: «Парвардигорим, мени ва биродаримни Ўзинг мағфират

айлагайсан ва бизни Ўз раҳматингга дохил қилгайсан. Ўзинг раҳм қилгувчиларнинг раҳмлироғисан».

152.Шубҳасиз, бузоқни («худо» қилиб) олган кимсаларга Парвардигорлари тарафидан ғазаб ва шу дунё ҳаётида хор-зорлик етар. Ёлғон тўқийдиганларни мана шундай жазолаймиз.

153.Гуноҳ ишларни қилиб, ортидан тавба қилган ва иймон келтирган кишилар учун эса, албатта, Парвардигорингиз ўшандан кейин ҳам Кечиргувчи, Меҳрибондир.

154.Мусонинг ғазаби босилгач, ҳалиги лавҳларни (ердан) олди. Уларда Парвардигоридан кўрқадиган кишилар учун ҳидоят ва раҳмат бўлур, деб битилган эди.

155.Мусо Бизнинг белгилаган вақтимизга (ҳузуримизга) олиб келиш учун ўз қавмидан етмиш кишини танлаб олди. Шу пайт уларни даҳшатли зилзила тутган эди, айтди: «Парвардигорим, агар хоҳласанг уларни ҳам, мени ҳам илгари ҳалок қилсанг бўлур эди. Орамиздаги ақлсиз кимсаларнинг қилмишлари сабабли (энди) бизларни ҳалок қиласанми? Бу Сенинг синовингдан бошқа нарса эмас-ку. У билан кимни хоҳласанг, адаштирасан ва кимни хоҳласанг, ҳидоятга соласан.

Ўзинг Хожамизсан, бас, бизни мағфират қил, бизларга раҳм айла. Ўзинг мағфират қилгувчиларнинг энг яхшисидирсан.

156. Бизлар учун бу дунёда ҳам, Охиратда ҳам яхшилик ёзгин. Ўзингга тавба қилдик». (Аллоҳ) айтди: «Азобимни ўзим хоҳлаган кимсага етказурман. Раҳматим эса ҳамма нарсадан кенгдир. Мен уни тақво қиладиган, закотни берадиган ва Бизнинг оятларимизга иймон келтирадиган кишиларга ёзурман».

157. «Улар ўз ҳузурларидаги Таврот ва Инжилда ёзилган ҳолида топиладиган, уларни яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадиган, уларга покиза нарсаларни ҳалол қилиб, нопок нарсаларни ҳаром қиладиган, устиларидаги юкни енгиллатиб, кишанларни ечадиган уммий Набий, Пайғамбарга эргашурлар. Бас, унга иймон келтириб, ёрдам бериб ва уни қўллаб-қувватлаган ҳамда унга нозил бўлган нурга эргашганлар - ана ўшалар нажот топгувчилардир».

158. Айтинг: «Эй одамлар, албатта, мен сизларнинг барчангизга (юборилган) Аллоҳнинг пайғамбариман. У шундай Зотки, осмонлару ер Унинг мулкидир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Тириктирадиган ва ўлдирадиган ҳам Унинг Ўзидир. Бас, Аллоҳга ҳамда

Унинг элчисига - Аллоҳ ва Унинг сўзларига ишонадиган уммий пайғамбарга иймон келтирингиз ва унга эргашингиз. Шояд, ҳидоят топурсиз».

159. Мусо қавмидан шундай жамоат ҳам борки, ҳақ билан тўғри йўлга бошларлар ва ҳақ билан адолат килурлар.

160. Уларни ўн икки уруғ - авлодга бўлиб юбордик. Мусога қавми ундан сув талаб қилган пайтда: «Асойинг билан тошни ур!» деб ваҳий юбордик. Ундан ўниккибулоқ отилиб чиқди. Ҳамма одамлар ўзи ичадиган жойини билди. Уларга булутни соябон қилиб, устларидан ширинлик ва беданаларни ёғдирдик. Сизларга ризқ қилиб берган нарсаларимизнинг покларидан тановул қилинглар. Улар Бизга зулм қилмадилар. Лекин ўзларига зулм қилар эдилар.

161. Эсланг! Уларга дедик: «Мана шу шаҳарни маскан тутингиз ва ундан хоҳлаган жойингизда таомланингиз ҳамда: «Кечиргин», деб шаҳарга дарвозадан сажда қилган ҳолингизда кирингиз! (Шунда) гуноҳларингизни мағфират қилурмиз, чиройли амал қилгувчиларга эса зиёда қилурмиз».

162. Бас, улардан зулм қилганлари уларга айтилган гапни ўзга гапга алмаштирдилар. Бас, зулм қилганлари туфайли устларига осмондан азоб юбордик.

163. Улардан денгиз олдидаги қишлоқ ҳақида, шанба куни ҳаддан ошганлари ҳақида сўранг. Ўшанда шанбалик қилган кунларида балиқлар очик келар эди, шанбалик қилмаган кунларида эса келмас эди. Уларни фосиклик қилганлари туфайли мана шундай синаймиз.

164. Ўшанда улардан бир жамоат: «Нима учун Аллоҳ ҳалок этадиган ёки қаттиқ азоблайдиган қавмга панд-насиҳат қилурсизлар?» деганларида улар айтдилар: «Парвардигорингизга узримизни айтиш учун ва шояд, Аллоҳдан қўрқсалар, деб».

165. Бас, улар ўзларига эслатма қилиб берилган нарсани унутишгач, бу гуноҳ ишдан қайтарган зотларга нажот бердик ва золим кимсаларни итоатсиз бўлганлари сабабли қаттиқ азоб билан ушладик.

166. Улар қайтарилган ишдан қайтмай, такаббурлик қилганларидан кейин уларга: «Бадбахт маймунларга айланингиз!» - дедик.

167. Эсланг! Парвардигорингиз уларнинг устига Қиёмат кунигача (жуда) ёмон азоблайдиган зотларни юборишини билдирган эди. Албатта, Парвардигорингиз азоби тез Зотдир. Албатта, У Кечиргувчи ва Меҳрибондир.

- 168.** Уларни ер юзида гуруҳларга бўлиб юбордик. Ораларида яхшилари ҳам, яхши эмаслари ҳам бор. Уларни яхшиликлар ва ёмонликлар билан синадик. Шояд, (ҳаққа) қайтсалар.
- 169.** Улардан сўнг Китобни мерос қилиб олган бир авлод келдики, улар бу тубан (дунё) нарсаларини оладилар ва: «Албатта, бизлар мағфират қилинурмиз», дейдилар. Яна ўшанга ўхшаган нарса келиб қолса, уни ҳам олаверадилар. Ахир улардан китобда Аллоҳ шаънига фақат ҳақни айтишлари борасида аҳд-паймон олинмаганмиди? Ундаги оятларни ўқиб ўрганган эдилар-ку! Аллоҳдан кўрқадиган зотлар учун Охират диёри яхшироқ-ку! Ақл юритмайсизларми?!
- 170.** Китобни маҳкам ушлаб, намозни тўқис адо этганлар (бўлса), албатта, Биз ўзини ўнглаб оладиган кишиларнинг амалини зое қилмаймиз.
- 171.** Тоғни кўчириб олиб, уларнинг устларида гўё бир соябондек кўтариб турганимизда ва улар устимизга қулаб тушади, деб гумон қилган пайтларида: «Биз сизларга ато этган нарсани маҳкам ушлангиз ва ундаги оятларни ёдда тутингиз, шоядки, шунда тақводор бўлсангиз», деган пайтимизни эсланг!

172. Парвардигорингиз Одам болаларининг белларидан зурриётларини олиб: «Мен Парвардигорингиз эмасманми?» - деб, ўзларига қарши гувоҳ қилганида улар: «Худди шундай! Сен Парвардигоримизсан, бизлар бунга шоҳидмиз», деганларини эсланг! (Шундай қилишимиз) Қиёмат кунда: «Бизлар бундан беҳабар эдик», демасликларингиз учундир.

173. Ёки: «Ахир олдинги ота-боболаримиз ширк келтирган бўлсалар, бизлар улардан кейин келган авлод бўлсак, ўша ноҳақ йўлда ўтган кимсаларнинг қилмишлари сабабли бизларни ҳалок қилурмисан», демасликларингиз учундир.

174. Оятларни мана шундай батафсил баён қиламиз. Шоядки, (ҳақ йўлга) қайтсалар.

175. Уларга бир кимсанинг хабарини тиловат қилингки, унга оятларимизни билдирган эдик. У эса оятларимиздан четлади. (Натижада) уни шайтон эргаштириб кетиб, йўлдан озгувчилардан бўлиб қолди.

176. Агар хоҳласак, уни ўша оятлар билан (юқори даражаларга) кўтарган бўлар эдик. Лекин у ерга (яъни, молу дунёга) берилди ва ҳавойи-нафсига эргашди. Бас, унинг мисоли худди бир итга ўхшайдики, уни ҳайдасанг ҳам тилини осилтириб тураверади, тек қўйсанг ҳам тилини осилтириб тураверади.

Бу Бизнинг оятларимизни ёлғон деган кимсаларнинг мисолидир. Қиссаларни сўзланг. Шоядки, шунда фикр юритсалар.

177. Оятларимизни ёлғон деган кимсаларнинг мисоли нақадар ёмон бўлди ва улар ўзларига зулм қилгувчи бўлдилар.

178. Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, бас, ўша ҳидоят топгувчидир. У Зот кимни йўлдан оздирса, бас, ана ўшалар зиён кўргувчидирлар.

179. Биз жин ва инсдан кўпларини аниқ жаҳаннам учун яратганмиз. Уларнинг диллари бору англай олмайдилар, кўзлари бору кўра олмайдилар, қулоқлари бору эшитмайдилар. Улар чорвалар кабидирлар, балки, улардан-да адашганроқдирлар. Ана ўшалар ғофиллардир.

180. Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Унга ўша (исм)лар ила дуо қилингиз ва Унинг исмлари борасида ҳақдан оғадиганларни тарк айлангиз. Улар яқинда қилган амалларига яраша жазоланурлар.

181. Биз яратган кимсалар орасида ҳақ ила ҳидоят қиладиган ва у ила адолат қиладиган бир жамоат ҳам бор.

182. Оятларимизни ёлғонга чиқарганларни эса билмайдиган томонидан истидрож этурмиз. (Яъни, синов ўлароқ, уларга кутмаган томонларидан ризқ дарвозаларини очиб қўямиз).

183. Уларга муҳлат бериб қўюрман. Менинг

«макрим» жуда қаттиқдир!

184. Улар ҳамроҳларида ҳеч қандай жунун йўқлигини ўйлаб кўрмайдиларми?! У фақат ошкора огоҳлантиргувчи, холос.

185. Осмонлару ер мулки ҳақида, Аллоҳ яратган ҳар бир нарса тўғрисида ва ажаллари яқинлашиб қолган бўлиши мумкинлиги хусусида ўйламайдиларми?! Ундан кейин яна қандай гапга ишонадилар-а?!

186. Кимни Аллоҳ адаштириб қўйса, унинг учун бирон ҳидоят қилгувчи бўлмас. Ундайларни тек ташлаб қўяди, ўз туғёнларида адашиб-улоқиб юравадилар.

187. Сиздан: «Қиёмат қачон бўлади?» - деб сўрайдилар. Айтинг: «Унинг билими фақатгина Парвардигорим даргоҳидадир. Вақти-соати келганида ҳам фақат Ўзи ошкор қилур. У осмонлару ер учун жуда оғир бир ишдир. У сизларга тўсатдан келур». Гўё сиз у ҳақда билишга қизиқаётгандек сўрайдилар. Айтинг: «Унинг билими фақатгина Аллоҳ даргоҳидадир. Лекин жуда кўп одамлар уни билмайдилар».

188. Айтинг: «Мен ўзимга фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайман. Магар Аллоҳнинг хоҳлагани бўлур. Агар ғайбни билганимда эди, яхши амалларни кўпайтирган бўлур эдим ва менга бирон зиён етмаган бўлур эди.

Мен фақат иймон келтирадиган қавм учун огоҳлантиргувчи ва хушхабар бергувчиман, холос».

- 189.** У шундай Зотки, сизларни бир жондан яратди ва у ором топсин деб, унинг ўзидан жуфтини вужудга келтирди. Унга қўшилганидан кейин у енгил ҳомиладор бўлиб, у билан юрди. Оғирлашганида Парвардигорлари Аллоҳга дуо қилдилар: «Бизга солиҳ фарзанд ато қилсанг, албатта, шукр қилгувчилардан бўлурмиз».
- 190.** Уларга солиҳ фарзанд ато этганидан кейин Унга Ўзи ато этган нарсада ширк келтира бошладилар. Бас, Аллоҳ уларнинг ширк келтирган нарсаларидан юксакдир.
- 191.** Ҳеч нарсани ярата олмайдиган, ўзлари яратиладиган нарсаларни шерик қиладиларми?!
- 192.** Ўша (бут, санамлар) уларга ҳам ҳеч қандай ёрдам қила олмайдилар, ўзларига ҳам ёрдам беролмайдилар.
- 193.** Агар уларни ҳидоятга даъват қилсангиз, сизга эргашмаслар. Уларни даъват қиласизми ёки жим турувчи бўласизми, сиз учун бари бир.
- 194.** Аллоҳни қўйиб, уларга илтижо қиляпсизлар. (Сизлар илтижо қилаётган ўшалар) ўзингизга ўхшаш бандалардир. Агар ростгўй бўлсангиз, уларни чақириб кўринг, сизга жавоб берсинлар-чи!

- 195.** Уларнинг оёқлари бормики, юрсалар ё қўллари бормики, тутсалар ёки кўзлари бормики, кўрсалар ё худ қулоқлари бормики, тингласалар?! Айтинг: «Ўша бутларингизни чақиринглар-да, сўнгра менга муҳлат бермай, бор ҳийла-найрангингизни қилаверинглар».
- 196.** Зотан, менинг Эгам шу Китобни нозил қилган Аллоҳдир. У солиҳ бандаларга ёр бўлур.
- 197.** Ундан ўзга сизлар илтижо қилаётган нарсалар сизларга ёрдам бера олмайдилар. Улар ўзларига ҳам ёрдам беролмайдилар.
- 198.** Уларни ҳидоятга чақирсангиз, қулоқ солмайдилар. Уларни қараб тургандек кўрасиз. Аслида эса улар кўрмаётган бўладилар.
- 199.** Кечиримли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгиринг.
- 200.** Агар сизни шайтоннинг васвасаси йўлдан урмоқчи бўлса, Аллоҳдан паноҳ сўранг! Албатта, У Эшитгувчи, Билгувчидир.
- 201.** Тақво қилувчи кишиларга шайтон томонидан бирон васваса етса, (Аллоҳни) эслайдилар. Қарабсизки, (тўғри йўлни) кўра бошлайдилар.
- 202.** Уларнинг (шайтонларнинг) дўстлари йўлдан оздиришда уларга мадад берарлар,

сўнгра бунда тўхтамаслар.

203. Уларга бирон оят келтирмасангиз, «Ўзинг тўқий қолмайсанми?» - дейишади. Айтинг: «Мен фақат Парвардигоримдан келган ваҳийгагина эргашурман. Бу (Қуръон) иймон келтирадиган қавм учун Парвардигорингиз тарафидан кўрсатма, ҳидоят ва раҳматдир».

204. Қуръон тиловат қилинса, унга қулоқ тутингиз ва жим турингиз. Шояд, раҳматга ноил бўлсангиз.

205. Парвардигорингизни кеча-кундуз ёлвориб, қўрқиб, овоз чиқариб гапирмасдан ичингизда эсланг ва ғофиллардан бўлманг!

206. Албатта, Парвардигорингизнинг ҳузуридаги зотлар Унга ибодат қилишдан ўзларини катта олмайдилар. Унга тасбеҳ айтадилар ва Унгагина сажда қиладилар.

Анфол сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Сиздан ўлжалар ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Ўлжалар Аллоҳ ва Пайғамбарникидир. Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва ораларингизни ислоҳ этингиз! Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига бўйсунингиз!»
2. Аллоҳ ёдга олинганида қалблари титраб кетадиган, Унинг оятлари тиловат қилинганда эса иймонлари зиёда бўладиган ва Парвардигорларигагина таваккул қиладиган кишилар (чин) мўминдирлар.
3. Улар намозни тўла адо этадилар ва Биз уларга берган ризқдан сарфлайдилар.
4. Ана ўшалар чин мўминлар бўлиб, улар учун Парвардигорлари ҳузурида даражалар, мағфират ва мўл ризқ бордир.
5. Буҳолатмўминларданбиргуруҳиёқтирмаган бўлсалар-да, Парвардигорингиз сизни ҳақ ила уйингиздан чиқарганига ўхшайди.
6. Худди ўзлари кўриб турган ҳолларида ўлимга ҳайдаб кетилаётгандек, ҳақ аён бўлгандан кейин ҳам сиз билан баҳслашадилар.
7. Ўшанда Аллоҳ сизларга икки тоифадан

бири, албатта, сизларники бўлишини ваъда қилган эди. Сизлар қурол-яроғсиз тоифа сизларники бўлишини истаган эдингиз. Аллоҳ эса Ўз сўзлари билан ҳақиқатни қарор топтиришни ва кофирларнинг думини қирқишни ирода қилган эди.

8. Жиноятчилар ёқтирмасалар ҳам, ҳақни ҳақ, ботилниботилқилишучуншундай бўлишини ирода қилган эди.
9. Ўшанда Парвардигорингиздан мадад тилаганингизда У сизларга ижобат қилиб: «Мен сизларга кетма-кет келадиган минглаб фаришталар билан мадад берурман», деди.
10. Аллоҳ фақат суюнчи ва кўнгилларингиз хотиржам бўлиши учун шундай қилди. Ғалабафақат Аллоҳ ҳузуридандир. Албатта, Аллоҳ Ғолиб ва ҳикматли Зотдир.
11. Ўшанда хотиржам бўлишингиз учун сизларни Ўз тарафидан уйқуга чўмдирган ва поклаб, сизлардан шайтон васвасасини кетказиш учун дилларингизни бирлаштириш ва қадамларингизни маҳкам қилиш учун устингизга самодан ёмғир ёғдирган эди.
12. Ўшанда Парвардигорингиз фаришталарга: «Албатта, Мен сизлар билан биргаман, бас, сизлар иймон келтирган зотларни мустаҳкамланглар! Мен кофир бўлган кимсаларнинг дилларига қўрқув солажакман.

Бас, уларнинг бўйинларини узинглар, ҳамма бармоқларини чопинглар», деб ваҳий қилган эди.

13. Бунга сабаб уларнинг Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига қарши турганларидир. Ким Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига қарши чиқса, бас, албатта, Аллоҳ азоби қаттиқ Зотдир.
14. Мана шу сизларнинг (жазоингиздир), бас, тортаверингиз. Албатта, кофирларга дўзах азоби бордир.
15. Эй мўминлар, кофирларнинг ҳужумига дуч келганингизда уларга орқа ўгирмангиз (яъни, қочмангиз).
16. Кимки ўша кунда жанг тарзини ўзгартириш ёки бошқа бир гуруҳга қўшилишдан бошқа ҳолатда уларга орқа ўгириб қочса, бас, у Аллоҳ тарафидан ғазаб билан кетибди ва унинг жойи жаҳаннамдир. Нақадар ёмон оқибат-а!
17. Уларни сизлар ўлдирмадингизлар, балки Аллоҳ ўлдирди. Отган пайтингизда сиз отмадингиз, балки Аллоҳ отди. Мўминларни гўзал тарзда синаш учун (шундай қилди). Албатта, Аллоҳ Эшитгувчи ва Билгувчидир.
18. Мана шу (сизларнинг мукофотингиздир). Албатта, Аллоҳ кофирларнинг ҳийласини заиф қилгувчи Зотдир.
19. Агар ғалабани истаган бўлсангизлар,

мана, сизларга ғалаба келди. Агар тўхтасангизлар, бу ўзингиз учун яхшидир. Яна қайтсангизлар, Биз ҳам қайтамиз ва гуруҳингиз қанча кўп бўлмасин, сизларнинг ҳеч бир ҳожатингизни раво қила олмайди. Албатта, Аллоҳ мўминлар билан биргадир.

20. Эй иймон келтирганлар, Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилингиз ва эшитиб туриб, Ундан юз ўгириб кетмангиз.
21. Ва ўзлари эшитмасалар ҳам: «Эшитдик», деганлар каби бўлмангиз.
22. Албатта, Аллоҳнинг наздида энг ёмон ҳайвонлар кар ва соқов бўлиб олган ақлсиз кимсалардир.
23. Агар Аллоҳ уларда бирон яхшиликни билганида эди, албатта, уларнинг қулоқларини очиб қўйган бўлур эди ва агар (Аллоҳ уларнинг) қулоқларини очиб қўйганида ҳам улар юз ўгириб кетган бўлур эдилар.
24. Эй мўминлар, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари сизларни ҳаёт бахш этадиган нарсага даъват қилганида уни қабул қилинглари ва билинглари, албатта, Аллоҳ ҳар бир киши билан унинг қалби ўртасини тўсиб турарва, албатта, Унинг ҳузурига тўпланурсизлар.
25. Бир фитнадан сақланингизки, (унинг касофати) зулм қилган кимсаларгагина

етмайди. Билингизки, Аллоҳ азоби қаттиқ Зотдир.

- 26.** Сиз ер юзида оз сонли, заифҳол бўлиб, одамлар сизни тутиб олишидан қўрқиб юрган ҳолингизни эсланг. Бас, У Зот сизга жой берди, Ўз нусрати ила қўллади ва сизларга пок нарсаларни ризқ қилиб берди. Шоядки, шукр қилсангиз.
- 27.** Эй иймон келтирганлар, билиб туриб, Аллоҳга, Пайғамбарга ва омонатларингизга хиёнат қилманг.
- 28.** Билингизки, мол-давлатингиз ва болачақангиз бир фитнадир, холос. Улуғ ажр-мукофот эса ёлғиз Аллоҳнинг ҳузуридадир.
- 29.** Эй иймон келтирганлар, агар Аллоҳдан қўрқсангиз, сизга Фурқон (Қуръон) ни беради, гуноҳларингизни ўчириб, мағфиратқилади. Аллоҳ улуғ фазлэгасидир.
- 30.** Куфр келтирганлар сизни ушлаш, ўлдириш ёки (юртингиздан) чиқариб юбориш учун макр қилганларини эсланг. Улар макр қилдилар ва Аллоҳ ҳам макр қилди. Аллоҳ макр қилгувчиларнинг устасидир.
- 31.** Уларга оятларимиз тиловат қилинса: «Эшитганмиз, истасак, бунга ўхшаган гапни ўзимиз ҳам айта оламиз, бу аввалгилардан қолган афсоналардан ўзга нарса эмас», дейдилар.

32. «Аллоҳим, агар мана шу Сенинг ҳузурингдан келган ҳақ бўлса, устимизга осмондан тош ёғдиргин ёки бизга аламли азоб юборгин», деганларини эсланг.
33. Модомики, сиз уларнинг ораларида экансиз, Аллоҳ уларни ҳаргиз азобламас. Модомики, улар истиғфор айтар эканлар, Аллоҳ уларни азоблагувчи бўлмас.
34. Улар Масжидул-Ҳаромдан тўсар эканлар, Аллоҳ уларни нега азобламасин?! Уларунинг (Масжидул-Ҳаромнинг) эгалари эмаслар. Унинг эгалари фақатгина тақводорлардир. Лекин уларнинг кўплари билмаслар.
35. Уларнинг Байтуллоҳ олдида қилган ибодатлари фақат ҳуштак ва чапак чалиш бўлди. Бас, кофир бўлганинглари сабабли азобимизни татиб кўринглари.
36. Албатта, куфр келтирганлар мол-дунёларини Аллоҳнинг йўлидан тўсиш учун сарфлайдилар. Бас, уни сарфлайдилар-у, сўнгра ўша (моллари) ўзларига ҳасрат бўлур, кейин эса мағлуб бўлурлар. Кофир бўлганлар жаҳаннамга тўпланурлар.
37. Аллоҳ нопокни покдан ажратиши ва нопок кимсаларнинг ҳаммаларини устма-уст тахлаб, жаҳаннамга солиши учун (тўпланурлар). Ана ўшалар зиён кўргувчилардир.
38. Куфр келтирганларга айтингки, агар

тўхтасалар, ўтган гуноҳлари мағфират қилинур. Агар яна (кофирликка) қайтсалар, у ҳолда аввалгиларнинг суннатлари ўтган-ку.

- 39.** То бирон фитна-алдов қолмай, бутун дин фақат Аллоҳ учун бўлгунга қадар улар билан жанг қилингиз. Агар тийилсалар, бас, албатта, Аллоҳ қилаётган амалларини кўриб тургувчидир.
- 40.** Агар юз ўгирсалар, бас, билингизки, албатта, Аллоҳ Хожангиздир. У Зотнақадар яхши Хожа ва нақадар яхши Ёрдамчидир.
- 41.** Агар Аллоҳга ва ажралиш кунда - икки жамоат ўқнашган кунда бандамизга нозил қилган нарсамизга иймон келтиргувчи бўлсангизлар, билингизки, ўлжа қилиб олган нарсангизнинг бешдан бири Аллоҳ учун, Пайғамбар учун ва у зотнинг қариндош-уруғи, етимлар, мискинлар ва мусофирлар учундир. Аллоҳ ҳамма нарсага Қодирдир.
- 42.** Ўшанда сизлар (Мадинага) яқинроқ тарафда, улар йироқроқ тарафда, отлиқлар эса сизлардан қуйироқда эдилар. Агар ваъдалашиб олганингизда ҳам келишилган жой ва вақтда хилоф қилардингиз. Лекин Аллоҳ қилиниши керак бўлган ишни ҳал этиши учун, ҳалок бўладиган одам аниқ ҳужжат билан ҳалок бўлиши учун, яшаши керак бўлган одам аниқ ҳужжат билан яшаши учун

(тўқнашдингиз). Албатта, Аллоҳ Эшитгувчи ва Билгувчидир.

43. Эсланг! Аллоҳ тушингизда уларни сизга камайтириб кўрсатди. Кўпайтириб кўрсатганда кўрқиб кетардингиз ва шубҳасиз, ўртангизда низо чиқарди. Лекин Аллоҳ асради. Дарҳақиқат, Аллоҳкўнгилдагинарсаларни билгувчи Зотдир.

44. Эсланглар! Аллоҳ бўладиган ишни бўлдириш учун уларни сизларга оз сонли қилиб кўрсатди. Сизларни ҳам уларга камайтириб кўрсатди. Ҳамма ишлар Аллоҳга қайтажак.

45. Эй иймон келтирганлар, (кофир) жамоатга рўбарў келганингизда саботли бўлинг ва Аллоҳни кўп эсланг, шоядки, нажот топсангиз.

46. Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига итоат қилингиз ҳамда ўзаро талашиб-тортишмангизки, у ҳолда сустлашиб, куч-қувватингиз кетур. Сабр-тоқат қилингиз! Албатта, Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир.

47. Диёрларидан кибр билан ўзларини кўрсатиш учун чиққан ва Аллоҳнинг йўлидан тўсадиган кимсалар каби бўлмангиз! Аллоҳ уларнинг қилаётган ишларини қамраб олгувчидир.

- 48.** Эсланглар! Шайтон уларга қилаётган ишларини чиройли кўрсатиб: «Бу кун сизлардан ғолиб бўладиган бирон одам йўқ, ўзим сизларнинг ҳомийингизман», деганди. Икки жамоа тўқнашганида эса ортига қайтиб кетди ва: «Албатта, мен сизлардан безорман. Мен сизлар кўрмаётган нарсани кўрмоқдаман. Мен Аллоҳдан кўрқаман. Аллоҳнинг азоби қаттиқдир», деди.
- 49.** Эсланглар! Мунофиқлар ва қалбида марази борлар: «Анавиларни дини ғурурлантириб юборди», дейишар эди. Ким Аллоҳга суянса, бас, албатта, Аллоҳ Ғолиб ва Ҳаким Зотдир.
- 50.** Фаришталар куфр келтирганларнинг юз ва кетларига уриб, жонларини олаётган пайтида шундай деганларини кўрсангиз эди: «Куйдирувчи (дўзах) азобини тотингиз!
- 51.** Бунга сабаб ўз қўлларингиз билан қилган амалларингиздир, зеро, Аллоҳ ҳаргиз бандаларига зулм қилгувчи эмасдир».
- 52.** Худди Фиръавн одамлари ва улардан олдингиларнинг қилмишларига ўхшайди. (Улар) Аллоҳнинг оятига куфр келтирдилар. Бас, Аллоҳ уларни гуноҳлари туфайли тутди. Албатта, Аллоҳ Қудратли ва азоби қаттиқ Зотдир.
- 53.** Бунга сабаб Аллоҳ бир қавмга

берган неъматини то улар ўзларини ўзгартирмагунларича ўзгартирувчи эмаслиги ва Аллоҳ Эшитгувчи, Билгувчи эканлигидир.

- 54.** Худди Фиръавн одамлари ва улардан олдинги кимсаларнинг қилмишларига ўхшайди. Улар Парвардигорларининг оятларини ёлғон дейишгач, Биз уларни гуноҳлари туфайли ҳалок қилдик ва Фиръавн одамларини фарқ этдик. Ҳаммалари золим эдилар.
- 55.** Аллоҳнинг наздида энг ёмон жонзотлар куфр келтирганлардир. Бас, улар иймон келтирмайдилар.
- 56.** Улардан сиз аҳдлашганларингиз кейин қўрқмасдан ҳар сафар аҳдларини бузаверадилар.
- 57.** Бас, агар уларни жангда топсангиз, уларни ҳалок қилиш билан ортларидаги кимсаларни қўрқитиб қўйинг! Шояд, эслатма олсалар.
- 58.** Агар бирон қавмнинг хиёнат қилишидан хавфсирасангиз, уларга баб-баробар (аҳд бузилганини) ўртага ташланг. Албатта, Аллоҳ хиёнаткор кимсаларни севмас.
- 59.** Куфр келтирганлар ютдик-қутулдик, деб ҳисобламасинлар, улар (Бизни) ожиз қила олмайдилар.
- 60.** Улар учун қўлингиздан келганича куч-қувват ва эгарланган отларни тайёрлаб

қўйингизки, бу билан Аллоҳнинг душманини, ўз душманингизни ва улардан бошқа ўзингиз билмайдиганларни қўрқувгасоласиз. Уларни Аллоҳ биладир. Аллоҳ йўлида нимани сарф қилсангиз, сизга тўлиқ қайтарилур. Сизлар зулм қилинмассизлар.

- 61.** Агар улар сулҳга мойил бўлсалар, сиз ҳам унга мойил бўлинг ва Аллоҳга таваккул қилинг! Албатта, У Эшитгувчи, Билгувчидир.
- 62.** Сизни алдамоқчи бўлсалар, бас, албатта, сизга Аллоҳнинг ўзи кифоядир. У сизни Ўз ёрдами ва мўминлар билан қувватлантирган Зотдир.
- 63.** У уларнинг (мўминларнинг) дилларини бирлаштирган Зотдир. Агар (сиз) ердаги бор нарсани сарфласангиз ҳам уларнинг дилларини бирлаштира олмаган бўлур эдингиз. Лекин Аллоҳ уларни бирлаштирди. Албатта, У Ғолиб ва Ҳаким Зотдир.
- 64.** Эй Пайғамбар, сизга ва сизга эргашган мўминларга Аллоҳнинг Ўзи кифоядир.
- 65.** Эй Пайғамбар, мўминларни жангга чорланг! Агар сизлардан йигирмата сабр-тоқатли киши бўлса, икки юзта (душманни) енгар! Агар сизлардан юз киши бўлса, куфр келтирганлардан мингини енгар! Бунга сабаб уларнинг онгсиз қавм эканлигидир.

66. Энди Аллоҳ сизларга енгиллик берди, сизларда ожизлик борлигини билди. Бас, сизлардан юзта сабр-тоқатли киши бўлса, икки юзта (кофирни) енгар. Агар сизлардан минг киши бўлса, Аллоҳнинг изни билан икки минг (кофир)ни енгар. Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир.
67. Бирон пайғамбар учун то ерда ғолиб бўлмагунича асир олиш жоиз эмас эди. Сизлар дунё нарсаларини истамоқдасиз. Аллоҳ эса охиратни истайди. Аллоҳ Ғолиб ва Ҳаким Зотдир.
68. Агар Аллоҳнинг олдиндан ёзгани бўлмаганида сизга олган нарсаларингиз туфайли улуғ азоб етар эди.
69. Энди ўлжа қилиб олган нарсаларингиздан ҳалол-пок еяверинглар ва Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир.
70. Эй Пайғамбар, сизларнинг қўлингизда асир бўлган кишиларга айтинг: «Агар Аллоҳ дилларингизда яхшилик борлигини билса, сизларга ўзингиздан олинган нарсадан яхшироқ нарса берур ва сизларни мағфират қилур. Аллоҳ Кечиргувчи ва Раҳмлидир».
71. Улар сизга хиёнат қилмоқчи бўлсалар, илгари Аллоҳга ҳам хиёнат қилган эдилар. Аллоҳ сизни улардан ғолиб қилди. Аллоҳ

Билгувчи ва Ҳаким Зотдир.

- 72.** Албатта, иймон келтирган, ҳижрат қилган, Аллоҳнинг йўлида молу жонлари билан жиҳод қилганлар ва жой бериб, ёрдам кўрсатганлар, ана ўшалар бир-бирларига дўстдирлар. Иймон келтирган, аммо ҳижрат қилмаганларга эса то ҳижрат қилмагунларича сиз ҳеч дўст бўла олмассиз. Агар улар сиздан динда ёрдам сўрасалар, ёрдам бермоғингиз вожиб. Фақат сиз билан ўрталарида аҳднома бор қавм зиддига эмас. Аллоҳ нима қилаётганингизни Кўргувчидир.
- 73.** Куфр келтирганлар бир-бирларига дўстдирлар. Агар шундай қилмасанглар (яъни, мўминга дўст, кофирга душман бўлмасанглар), ерда фитна ва катта фасод бўлур.
- 74.** Иймон келтирган, ҳижрат қилган, Аллоҳнинг йўлида курашганлар ва жой бериб, ёрдам кўрсатганлар, ана ўшалар чин мўминлардир. Улар учун мағфират ва мўл ризқ бордир.
- 75.** Кейиниймонкелтирганлар, ҳижрат қилганлар ва сизлар билан бирга курашган зотлар, ана ўшалар сизлардандир. Аллоҳнинг Китобида қон-қариндошлар бир-бирларига (меросхўр бўлишга) ҳақдорроқдирлар. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани Билгувчидир.

 Тавба сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. (Бу) Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари томонидан сизлар аҳд-паймон қилган мушрикларга ора очиқлик (эълонидир).
2. Бас, ер юзида тўрт ой сайр қилиб юринглар ва билингларки, албатта, сиз Аллоҳни ожиз қолдирувчи эмассиз ва, албатта, Аллоҳ кофирларни хор қилгувчидир.
3. (Ушбу эълон) Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари томонидан одамларга катта ҳаж кунида Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари мушриклардан безор эканини билдиришдир. Бас, агар тавба қилсангизлар, бу ўзингиз учун яхшироқдир. Агар юз ўгирсангизлар, у ҳолда билингизки, сизлар Аллоҳни ожиз қилувчи эмассиз. Куфр келтирганларга аламли азоб «хушхабар» ини етказинг!
4. Сизлар билан аҳдлашиб, кейин уни бузмаган ва сизларга қарши бошқалар билан ҳамкорлик қилмаган мушриклар бундан мустасно. Уларнинг аҳдларини ўз муддатигача етказинглар. Албатта, Аллоҳ тақводорларни яхши кўради.
5. Уруш ҳаром қилинган ойлар чиққач, мушрикларни топган жойингизда

ўлдингиз, (асир) олингиз, қамал қилингиз ва барча йўлларда уларни пойлаб турингиз! Энди агар тавба қилсалар ва намозни тўқисадо қилишиб, закотни берсалар, уларнинг йўлларини тўсмангиз! Албатта, Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир.

6. Агар мушриклардан биронтаси паноҳ сўраса, унга паноҳ беринг, токи у Аллоҳнинг каломини эшитсин. Кейин уни тинч жойга етказиб қўйинг. Чунки улар билмайдиган қавмдир.
7. Аллоҳ ҳузурида ва Унинг Пайғамбари ҳузурида мушриклар учун қандай аҳд-паймон бўлсин?! Фақат сизлар Масжидул-Ҳаром олдида аҳдлашган кимсалар бундан мустасно. Модомики, улар аҳдларида барқарор турар эканлар, сизлар ҳам аҳдларингизда турингиз! Албатта, Аллоҳ тақводорларни яхши кўради.
8. Қандай бўлсин? Ҳолбуки, улар сизлардан ғолиб бўлсалар, сизлар ҳақингиздана аҳдга ва на бурчга риоя этадилар. Оғизларида сизларни рози қилишади-ю, кўнгиллари эса кўнмайди. Уларнинг кўплари фосиқлардир.
9. Улар Аллоҳнинг оятларини озгина баҳога сотиб, Унинг йўлидан тўсдилар. Дарҳақиқат, уларнинг қилганлари нақадар ёмон иш бўлди.
10. Улар мўмин ҳақидана аҳдга ва на бурчга риоя

- қиладилар. Ана ўшалар тажовузкорлардир.
- 11.** Агар тавба қилсалар, намозни тўқис адо этсалар ва закотни берсалар, диний биродарларингиздир. Биладиган қавм учун оятларимизни батафсил баён қиламиз.
- 12.** Аҳдлашганларидан кейин қасамларини бузсалар ва динингизга тош отсалар, куфр етакчиларига қарши жанг қилингиз! Зеро, улар учун ҳеч қандай қасам йўқдир. Шоядки, тийилсалар.
- 13.** Аҳдларини бузган, Пайғамбарни (юртидан) чиқариб юборишга қасд қилган ва дастлаб урушни ўзлари бошлаган қавм билан жанг қилмайсизми?! Улардан кўрқасизми?! Агар мўмин бўлсангиз, кўрқингизга ҳақлироқ зот Аллоҳдир!
- 14.** Улар билан жанг қилинглари, (шунда) Аллоҳ уларни сизларнинг кўлингиз билан азоблайди, расво қилади ва сизларни улардан ғолиб қилади ҳамда мўмин қавм дилларини қондиради.
- 15.** Ва кўнгилларидаги ғам-андухни кетказди. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларнинг тавбаларини қабул қилур. Аллоҳ Билгувчи ва Ҳакимдир.
- 16.** Аллоҳ ораларингиздаги жиҳод қилган ҳамда Аллоҳдан, Унинг Пайғамбаридан ва мўминлардан ўзга бирон кимсани дўст тутмаган зотларни билиб олмай туриб,

сизларни ўз ҳолингизга ташлаб қўяди, деб ўйладингизларми?! Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардордир.

17. Мушриклар ўзларининг кофир эканликларига гувоҳ бўлган ҳолларида Аллоҳнинг масжидларини обод қилишлари жоиз эмас. Уларнинг қилган амаллари беҳуда кетар, ўзлари эса дўзахда абадий қолгувчидирлар.
18. Албатта, Аллоҳнинг масжидларини фақат Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирганлар, намозни тўкис адо этганлар, закотни берганлар ва Аллоҳдан бошқадан кўрқмаганларгина обод қилурлар. Ажаб эмаски, ана ўшалар ҳидоят топгувчилардан бўлсалар.
19. Ҳожиларга сув бериш ва Масжидул Ҳаромни обод қилишни Аллоҳга, охират кунига иймон келтирган ва Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилган билан тенг кўрдингизми?! Улар Аллоҳнинг ҳузурида тенг эмаслар. Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас.
20. Иймон келтириб, ҳижрат қилиб, Аллоҳнинг йўлида моллари ва жонлари билан жиҳод қилганлар Аллоҳнинг ҳузурида жуда улуғ мартабага эгадирлар. Ана ўшалар зафар қучгувчилардир.
21. Парвардигорлари уларга Ўз тарафидан раҳмат ва ризолик ҳамда уларга аталган

жаннатлар хушхабарини берурки, у жаннатларда доимий неъматлар бордир.

22. Улар ўша жойларда абадий қолурлар. Албатта, Аллоҳ шундай Зотки, Унинг ҳузурида улуғ ажр бордир.

23. Эй иймон келтирганлар! Агар ота-онангиз ва ака-укаларингиз куфрни иймондан устун кўрсалар, уларни дўст тутмангиз. Сизлардан ким уларни дўст тутса, ана ўшалар золимлардир.

24. Айтинг: «Агар ота-оналарингиз, болаларингиз, ака-укаларингиз, жуфтларингиз, қариндош-уруғларингиз ва касб қилиб топган мол-дунёларингиз, касод бўлиб қолишидан кўрқадиган тижоратларингиз ҳамда яхши кўрадиган уй-жойларингиз сизларга Аллоҳдан, Унинг Пайғамбаридан ва Унинг йўлида жиҳод қилишдан севимлироқ бўлса, у ҳолда то Аллоҳ ўз амрини келтиргунича кутиб тураверинглар. Аллоҳ фосиқ қавмни ҳидоят қилмайди.

25. Аллоҳ сизларни кўп ўринларда ғолиб қилди. Ҳунайн кунида эса сонингиз кўплиги сизларни гурурлантириб юборди-ю, ҳеч бир ҳожатингизни раво қилмади. Сизларга кенг ер торлик қилиб қолди. Кейин ортга чекиндингиз!

26. Кейин Аллоҳ Пайғамбарига ва мўминларга Ўз томонидан хотиржамлик нозил қилди

ҳамда сизлар кўрмаган бирлашкарни (яъни, фаришталарни) туширди ва кофир бўлган кимсаларни азобга дучор қилди. Кофирларнинг жазоси шудир.

- 27.** Кейин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларнинг тавбаларини қабул қилур. Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир.
- 28.** Эй мўминлар, шак-шубҳасиз, мушриклар нажаслардир, бас, шу йилдан кейин Масжидул-Ҳаромгаяқинкелмасинлар! Агар камбағалликдан кўрқсангизлар, яқинда Аллоҳ хоҳласа, Ўз фазлу карами билан сизларни бой-бадавлат қилур. Албатта, Аллоҳ Билгувчи ва Ҳаким Зотдир.
- 29.** Аллоҳга ва Охират кунига ишонмайдиган, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари ҳаром қилган нарсани ҳаром деб билмайдиган, Ҳақ динига эътиқод қилмайдиган аҳли китобларларга қарши то улар ўзларини хор тутиб, ўз қўллари билан жизя тўламагунларича жанг қилингиз!
- 30.** Яҳудийлар: «Узайр Аллоҳнинг ўғли», дедилар. Насронийлар: «(Ийсо) Масих Аллоҳнинг ўғли», дедилар. Бу уларнинг оғизларидаги гапларидир. Уларнинг бу гаплари олдинги куфр келтирганларнинг гапига ўхшайди. Уларни Аллоҳ лаънатласин! Қаён бурилмоқдалар?!
- 31.** Улар Аллоҳни қўйиб ўзларининг донишмандларини ва роҳибларини ҳамда

Масих ибн Марямни Парвардигор қилиб олдилар. Ҳолбуки, фақат ягона Аллоҳга бандалик қилишга буюрилган эдилар. Ундан ўзга (чин) илоҳ йўқдир. У Зот уларнинг ширкларидан покдир.

32. Улар Аллоҳнинг нурини оғизлари билан ўчирмоқчи бўладилар. Аллоҳ эса гарчи кофирлар ёмон кўрсалар-да, Ўз нурини камолига етказишдан бошқасини истамайди.

33. У Ўз Пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан, гарчи мушриклар истамасалар-да, барча динлардан ғолиб қилиш учун юборган Зотдир.

34. Эй мўминлар, ўша донишмандлар, роҳиблардан кўпчилиги одамларнинг молларини ноҳақлик билан ейдилар ва Аллоҳнинг йўлидан тўсадилар. Олтин-кумушни тўплаб, уни Аллоҳ йўлида сарфламайдиган кимсаларга аламли азоб «хушхабарини» етказинг!

35. Бир куни ўша (олтин-кумуш)ларни жаҳаннам ўтида қизитилурва пешоналари, ёнбошлари ҳамда орқаларига босилиб: «Мана бу ўзингиз учун тўплаган нарсангиз, бас, энди тўплаб юрган нарсангизни татиб кўринг», (дейилур).

36. Ойларнинг саноғи Аллоҳнинг наздида ўн икки ойдир. Аллоҳнинг китобида осмонлару

ерни яратган кунда (шундай белгиланган). Улардан тўрттаси (уруш қилиш) ҳаром (ойлар) дир. Мана шу тўғри диндир. У (ой)ларда ўзингизга зулм қилмангиз. Мушриклар ёппасигасизларга қарши жанг қилганидек, сизлар ҳам ҳаммангиз уларга қарши жанг қилингиз! Ва билингизки, Аллоҳ тақводорлар билан биргадир.

37. Албатта, орқага суриш янада баттарроқ кофир бўлишдан ўзганарса эмас. У туфайли куфр келтирганлар йўлдан тойилурлар. Аллоҳ ҳаром қилган нарсанинг сонига мослаш учун уни бир йил ҳалол қилурлар, бир йил ҳаром қилурлар. Бас, бу билан Аллоҳ ҳаром қилган нарсани ҳалол қилурлар. Уларга ёмон ишлари чиройли қилиб кўрсатилди. Аллоҳ кофир қавмни ҳидоят қилмас.
38. Эй иймон келтирганлар! Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг йўлида кўзғалинг, дейилса, ерга ёпишиб олдингиз. Ёки охиратни қўйиб, дунё ҳаётига рози бўлдингизми? Охират олдида бу дунё матоси жуда оз-ку?!
39. Агар кўзғалмасангиз, сизни аламли азоб билан азоблайди. Ўрнингизга бошқа қавмни алмаштиради. Сиз Унга зарар келтира олмассиз. Аллоҳ ҳар ишга Қодирдир.
40. Агар унга сизлар ёрдам бермасангизлар,

уни куфр келтирганлар икки кишининг бири бўлган ҳолида ҳайдаб чиқарганларида Аллоҳ унга ёрдам берган-ку. Иккаласи ғорда бўлган пайтларида ҳамроҳига: «Хафа бўлма, албатта, Аллоҳ биз билан биргадир», деди. Шунда Аллоҳ унинг устига хотиржамлик туширди ва уни сизлар кўрмаган лашкарлар билан қўллади ҳамда куфр келтирганларнинг сўзларини пастқилди. Аллоҳнинг сўзигина олийдир. Аллоҳ Ғолиб ва Ҳаким Зотдир.

41. Енгил ҳолингизда ҳам, оғир ҳолингизда ҳам жангга чиқингиз ва молу жонларингиз билан Аллоҳ йўлида курашингиз! Агар билсангизлар, мана шу ўзларингиз учун яхшироқдир.
42. Осон фойда ва яқин сафар бўлганида, аниқ сизга эргашган бўлардилар. Лекин уларга масофа узок бўлиб кўринди. Ҳали улар: «Агар қодир бўлганимизда сизлар билан бирга чиққан бўлардик», деб қасам ҳам ичадилар. Улар ўзларини ўзлари ҳалок қиладилар. Аллоҳ уларнинг аниқ ёлғончи эканини билади.
43. Аллоҳ сизни кечирди. Нима учун то сизга ростгўй кишилар аниқ бўлиб, ёлғончиларни ҳам билгунингизга қадар уларга изн бердингиз?!
44. Аллоҳга ва охират кунига иймон

келтирганлар сиздан молу жонлари билан жиҳод қилишдан (қолиш учун) изн сўрамайдилар. Аллоҳ тақводорларни Билгувчидир.

45. Аллоҳга ва Охират кунига ишонмайдиган ва кўнгиллари шубҳаланадиган кимсаларгина сиздан изн сўрайдилар. Чунки улар ўз шубҳаларида иккиланаверадилар.
46. Чиқишни истаганларида унинг учун тайёргарлик кўриб қўйган бўлардилар. Лекин Аллоҳ чиқишларини истамай, уларни дангаса қилиб қўйди ва уларга: «Ўтирувчилар билан бирга ўтираверинглар», дейилди.
47. Улар сизларнинг сафингизда чиққанларида ҳам сизларга фақат ёмонликни зиёда қилган бўлардилар, сизларни гижгизлаб, орангизга фитна солишга уринардилар. Ичингизда эса уларга қулоқ солувчилар ҳам бор. Аллоҳ золимларни Билгувчи Зотдир.
48. Илгари ҳам, ўзлари ёқтирмасалар-да, ҳақ келиб, Аллоҳнинг иши ғолиб бўлгунига қадар улар фитна кўзиб, ишларингизни ағдар-тўнтар қилмоқчи бўлганлар.
49. Уларнинг орасида: «Менга изн бер, мени фитнага солма», дейдиган кимсалар ҳам бор. Огоҳ бўлингизким, улар фитнанинг ўзига тушдилар ва, албатта, жаҳаннам кофирларни ўраб олгувчидир.

- 50.** Сизга бирон яхшилик етса, уларни хафа қилур. Сизга бирон мусибат етса: «Ишнинг олдини олибмиз», дейишиб, хурсанд бўлиб юз ўгириб кетарлар.
- 51.** Айтинг: «Бизга фақат Аллоҳ биз учун ёзиб қўйган нарсагина етур. У бизнинг Хожамиздир. Бас, иймонли кишилар фақат Аллоҳгагина суянсинлар!»
- 52.** Айтинг: «Сизлар биз учун фақат икки яхшиликдан бирини кутмоқдасиз. Биз эса сизлар учун Аллоҳ сизларга Ўз даргоҳидан ёки бизнинг қўлимиз билан бир азоб етказишини кутмоқдамиз. Бас, сизлар ҳам кутаверинглар, биз ҳам сизлар билан бирга кутгувчилармиз».
- 53.** Айтинг: «Ўз ихтиёрингиз билан ҳам, мажбуран ҳам сарфлайверинглар. Сизлардан асло қабул қилинмас. Сизлар фосиқ қавм бўлдингиз».
- 54.** Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига иймон келтирмаганлари, намозга эриниб келишлари ва истаб-истамай сарфлаганлари туфайлигина уларнинг қилган эҳсонлари қабул қилинмади.
- 55.** Сизни уларнинг молу дунёлари ва бола-чақалари қизиқтирмасин! Аллоҳ ўша нарсалар сабабли ҳаёти дунёда уларни азоб-уқубатга солишни ва кофир ҳолларида жонлари чиқишини истайди, холос.
- 56.** Ўзлари сизлардан эканликларига Аллоҳ

номи ила қасам ичарлар. Аслида улар сизлардан эмас. Лекин улар қўрқадиган қавмдир.

57. Бирон бошпанами, форми ёки кириб оладиган жойми топсалар эди, шоша-пиша ўшанга қараб чопган бўлур эдилар.

58. Уларнинг орасида садақалар ҳақида сизга таъна қиладиганлари ҳам бор. Садақалардан уларга ҳам берилса, рози бўладилар, берилмаса, бирдан норози бўлиб қоладилар.

59. Улар Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари берган нарсага рози бўлишиб: «Биз учун Аллоҳ кифоя қилур. Яқинда Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари бизга Ўз фазлидан берур, биз Аллоҳга интиладиган одамлармиз», десалар эди.

60. Албатта, садақалар Аллоҳ томонидан фарз бўлган ҳолда фақат фақирларга, мискинларга, садақа йиғувчиларга, қалблари (Исломга) мойил бўлаётганларга, бўйинларни (қулларни) озод қилишга, қарздор кишиларга ва Аллоҳ йўлида ҳамда йўловчи мусофирларга берилур. Аллоҳ Билгувчи ва Ҳаким Зотдир.

61. Уларнинг орасида Пайғамбарга озор бериб: «У қулоқдир», дейдиганлари бор. Айтинг: «Сизлар учун эзгулик қулоғидир. Аллоҳга иймон келтиради,

мўминларга ишонади. (У) сизлардан иймон келтирганлар учун раҳматдир. Аллоҳнинг Пайғамбарига озор берадиганлар учун аламли азоб бордир.

62. Улар сизларни рози қилиш учун Аллоҳ номига қасам ичадилар. Агар мўмин бўлсалар, рози қилишларига Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари ҳақлироқ-ку.

63. Уларким Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари чизган чизикдан чиқса, унга дўзах олови бўлиб, унда абадий қолишини ва бу жуда катта шармандалик эканини билмасмидилар?

64. Мунофиқлар дилларидаги нарсани билдириб қўядиган бирон сура нозил бўлиб қолишидан қўрқадилар. Айтинг: «Масхара қилаверинглар, Аллоҳ сизлар қўрқаётган нарсани, албатта, чиқаргувчидир».

65. Улардан сўрасангиз: «Биз шунчаки гап қилиб ўйнаётган эдик, холос», - дейишади. Айтинг: «Аллоҳни, Унинг оятларини ва Пайғамбарини масхара қилаётган эдингизми?!»

66. Узрайтмангиз! Иймонингиздан кейин кофир бўлдингиз. Энди сизлардан бир тоифани кечирсак, бошқа тоифани жиноятчи бўлганлари учун азоблаймиз.

67. Мунофиқ эркаклар ва мунофиқ аёллар бир-бирларидандир, ёмонликка буюрадилар, яхшиликдан қайтарадилар ва қўлларини

маҳкам юмадилар. Аллоҳни унутдилар. Натижада (Аллоҳ ҳам) уларни унутди. Мунофиқлар фосиқлардир.

68. Аллоҳ мунофиқ ва мунофиқаларга ҳамда кофирларга дўзах оловини ваъда қилди. У ерда абадий қолурлар. Улар шунга лойиқдирлар. Аллоҳ уларни лаънатлади. Улар учун доимий азоб бордир.

69. Сизлар худди олдинги (мунофиқлар)га ўхшайсизлар. Улар сизлардан кўра кучлироқ ва мол-дунёлари, бола-чақалари кўпроқ эди. Улар ўз насибаларидан фойдаландилар. Сизлар ҳам олдингилар насибаларидан фойдаланганларидек, ўз насибангиздан фойдаландингиз ва улар шўнғиган нарсага шўнғидингиз. Уларнинг қилган амаллари дунёю охиратда ҳабата кетди. Ана ўшалар ҳақиқий зиён кўргувчилардир.

70. Уларга ўзларидан олдинги Нух, Од, Самуд қавмларининг ва Иброҳим қавмининг, Мадян аҳолисининг ҳамда кули кўкка совурилган қишлоқларнинг хабари келмадими?! Уларга пайғамбарлари очик далил-ҳужжатлар келтирган эдилар. Аллоҳ уларга зулм қилмаганди. Лекин улар ўзларига ўзлари зулм қилгандилар.

71. Мўмин ва мўминалар бир-бирларига дўстдирлар, яхшиликка буюрадилар, ёмонликдан қайтарадилар, намозни тўқис

адо этадилар, закотни берадилар, Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига итоат қиладилар. Ана ўшаларга Аллоҳ раҳм қилур. Албатта, Аллоҳ Ғолиб ва Ҳаким Зотдир.

72. Аллоҳ мўмин ва мўминаларга остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатларни, барқарор жаннатлардаги покиза масканларни ва у ерларда абадий қолишни ваъда қилди. Аллоҳнинг розилиги эса ҳамма нарсадан улуғроқдир. Энг буюк муваффақият мана шудир.

73. Эй Пайғамбар, кофир ва мунофиқларга қарши курашинг ва уларга қаттиққўл бўлинг! Уларнинг жойлари жаҳаннамдир! Нақадар ёмон оқибат бу!

74. Улар айтмаганликларига қасам ичадилар. Ҳолбуки, куфр сўзини аниқ айтган эдилар ва Исломга кирганларидан кейин яна куфрга қайтгандилар ҳамда ўзлари етолмаган нарсага қасд қилгандилар. Улар фақат Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари уларни Ўз фазлу карамидан бой-бадавлат қилиб қўйгани учунгина ёмон кўрдилар, холос. Энди тавба қилсалар, ўзлари учун яхши бўлур. Юз ўгирсалар, Аллоҳ уларни дунёю охиратда аламли азоб билан азоблар ва улар учун ер юзида бирон дўст ва ёрдамчи бўлмас!

75. Улар орасида: «Агар бизга Ўз фазлу

карамидан ато этса, албатта, камбағалларга садақалар берурмиз ва солиҳлардан бўлурмиз», деб Аллоҳга аҳд-паймон берадиган кимсалар ҳам бор.

76. У Зот Ўз фазлидан ато этганда эса бахиллик қилиб, юз ўгириб кетарлар.

77. Бас, Аллоҳга берган ваъдаларига хилоф қилганлари ва ёлғон гапирганлари учун У Зотга рўбарў бўладиган кунга қадар қалбларида нифоқ бўлишини қисмат қилиб қўйди.

78. Аллоҳ уларнинг сирларини ҳам, яширин гапларини ҳам билишини ва Аллоҳ ғайбни ҳам аниқ Билгувчи эканини билмасмидилар?!

79. Мўминлар орасидаги ўзхоҳиши билан садақа қилганларни ва қўлларидан келганча нарсанигина топиб келган кишиларни айблаб, масхара қиладиган кимсаларни Аллоҳ масхара қилур ва улар учун аламли азоб бордир.

80. Улар учун мағфират сўрайсизми, сўрамайсизми, (фарқи йўқ). Етмиш марталаб улар учун мағфират сўрасангиз ҳам Аллоҳ уларни ҳаргиз мағфират қилмас. Бунга сабаб уларнинг Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига куфр келтирганларидир. Аллоҳ фосиқ қавмни ҳидоят қилмас.

81. (Жангдан) қолган мунофиқлар Аллоҳнинг

Пайғамбарига хилоф қилиб қолганларидан хурсанд бўлдилар ва молу жонлари билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилишни истамадилар ҳамда: «Бу иссиқда урушга чиқманглар», дедилар. Айтинг: «Жаҳаннам оташи иссиқроқдир, агар англасалар».

82. Бас, қилган касблари туфайли оз кулиб, кўп йиғласинлар.

83. Энди агар Аллоҳ сизни улардан бир тоифасига қайтарса ва улар сиздан (жиҳодга) чиқиш учун изн сўрасалар, айтингки: «Мен билан ҳаргиз чиқмайсизлар ва мен билан бирга бирор душманга қарши жанг ҳам қилмайсизлар. Чунки сизлар аввал-бошда чиқмай ўтиришга рози бўлдингиз, бас, энди қолғувчи кимсалар билан бирга ўтираверинглар».

84. Улардан биронтаси ўлса, зинҳор унинг жанозасини ўқиманг ва қабри устида турманг! Улар Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига кофир бўлдилар ва фосиқ ҳолларида ўлдилар.

85. Сизни уларнинг молу дунёлари ва бола-чақалари қизиқтирмасин! Аллоҳ уларни ўша нарсалар сабабли бу дунёда азоб-уқубатга солишни ва кофир ҳолларида жонлари чиқишини истайди, холос.

86. «Аллоҳга иймон келтирингиз ва Унинг Пайғамбари билан бирга жиҳод қилингиз», деган бирон сура нозил қилинган пайтда улардан бой-бадавлатлари сиздан изн сўраб:

«Бизни тек қўй, анави қолгувчилар билан бирга бўлайлик», дейдилар.

87. Улар хотин-халаж билан қолишга рози бўлдилар. Диллари муҳрлаб қўйилди. Бас, энди улар англамайдилар.

88. Лекин Пайғамбар ва у билан бирга бўлган иймон келтирганлар молу жонлари билан жанг қилдилар. Барча яхшиликлар ана ўшалар учундир. Ана ўшалар нажот топгувчилардир.

89. Аллоҳ уларга остидан анҳорлар оқиб ўтадиган жаннатларни тайёрлаб қўйган. Унда абадий қоладилар. Мана шу буюк муваффақиятдир.

90. Аъробийлардан узр айтувчилари изн сўраб келди. Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарини алдаган кимсалар урушдан қолдилар. Улардан куфр келтирганларига аламли азоб бордир.

91. Ожиз-нотавонлар, беморлар ва бергани нарса топа олмаётган кишилар Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари учун холис бўлсалар, уларга биронгуноҳ йўқдир. Муҳсинларни айблашга ҳеч қандай йўл йўқ. Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон Зотдир.

92. Сиздан от-улов сўраб келганларида, уларга: «Сизларни миндириб юборадиган (улов) тополмаяпман», деганингизда сарфлагани (пул) топа олмаганлари учун ғамгин бўлишиб, кўзларидан ёш тўкиб, қайтиб кетган кишиларни ҳам айблашга ҳеч қандай йўл йўқдир.

93. Бой-бадавлат бўла туриб, сиздан изн

сўрайдиганларни айблашга йўл бор. Улар хотин-халажлар билан бирга бўлишга рози бўлдилар. Аллоҳ уларнинг қалбларига муҳр босди. Энди улар билмайдилар.

- 94.** Уларнинг олдига қайтган вақтингизда сизлардан узр сўрайдилар. Айтинг: «Узр сўраманглар, сизларга асло ишонмаймиз. Аллоҳ бизни сизларнинг аҳволингиздан огоҳ қилди. Амалларингизни Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари кўради. Кейин ғайбу шаҳодатни Билгувчи Зотга қайтариурсизлар. Бас, У сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур».
- 95.** Уларнинг олдига қайтиб борганингизда уларни айбламаслигингиз учун Аллоҳ номига қасам ичадилар. Бас, улардан юз ўғиринглар! Албатта, улар нопокдирлар ва қилиб ўтган ишларининг жазосига жойлари жаҳаннамдир.
- 96.** Улардан рози бўлишингиз учун қасам ичадилар. Гарчи сизлар улардан рози бўлсангизлар ҳам Аллоҳ фосиқлар қавмидан рози бўлмас.
- 97.** Аъробийлар куфру нифокда ашаддийроқ ва Аллоҳ Ўз Пайғамбарига нозил қилган нарсаларнинг ҳудудини билмасликка лойиқроқдирлар. Аллоҳ Билгувчи ва Ҳаким Зотдир.
- 98.** Аъробийлардан қилган садақасини зиён,

деб биладиган ва сизга бало-офат келишини кутиб турадиганлари ҳам бор. Ёмон балолари ўзларига урсин! Аллоҳ Эшитгувчи ва Билгувчидир.

99. Аъробийлар орасида Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирадиган ҳамда қиладиган эҳсонини Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш ва Пайғамбар дуосига (мушарраф бўлиш), деб биладиган зотлар ҳам бор. Огоҳ бўлсинларким, шу ишлари ўзлари учун қурбатдир. Аллоҳ уларни Ўз раҳматига дохил қилур. Албатта, Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон Зотдир.

100. Пешқадам муҳожирлар, ансорлар ва уларга яхшилик билан эргашганлар. Аллоҳ улардан рози бўлди, улар ҳам Аллоҳдан рози бўлдилар. Уларга остидан анҳорлар оқиб ўтадиган жаннатларни тайёрлаб қўйди. Уларда абадий қолурлар. Мана шу буюк муваффақиятдир.

101. Атрофингиздаги аъробийлар орасида мунофиқлари бор. Мадина аҳлидан ҳам. Улар нифокда сийқаси чиққанлардир. Сиз уларни билмайсиз. Уларни Биз биламиз ва икки карра азоблаймиз. Кейин эса улкан азобга қайтарилиурлар.

102. Яна бошқалар ҳам борки, гуноҳларини эътироф этадилар. Улар яхши амални ёмонига аралаштириб юборганлар. Шояд, Аллоҳ уларнинг тавбаларини қабул қилса.

Албатта, Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон Зотдир.

103. Уларнинг молларидан садақа олинг. Садақа уларни поклайди. Уларнинг ҳаққига дуо қилинг. Албатта, дуойингиз улар учун оромдир. Аллоҳ Эшитгувчи ва Билгувчи Зотдир.

104. Улар билмадилармики, Аллоҳнинг Ўзи бандаларидан тавбани қабул қилади, садақаларни ҳам олади ва, албатта, Аллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи, Меҳрибон Зотдир.

105. Айтинг: «Амал қилинглار. Бас, Аллоҳ, Унинг Пайғамбари ва мўминлар қилган амалларингизни кўриб турар ва яқинда ғайбу шаҳодатни билгувчи Зотга қайтарилурсизлар. Бас, У Зот сизларга қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур».

106. Яна бошқалар ҳам борки, улар Аллоҳнинг амрига ҳавола қилинурлар. Ё жазолайди ва ё кечириб юборади. Аллоҳ Билгувчи ва Ҳаким Зотдир.

107. Зарар, куфр, мўминлар орасига тафриқа солиш ҳамда олдин Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига қарши жанг қилган кимсани кутиб олиш учун масжид қуриб олган кимсалар: «Биз фақат яхшиликни истаган эдик», деб қасам ичадилар. Аллоҳ гувоҳлик берурки, улар шак-шубҳасиз, ёлғончидирлар.

- 108.** У масжидда ҳеч қачон намозга турманг! Сизнинг туришингизга биринчи кундан тақво асосига қурилган масжид лойикрок. Унда покликни севадиган кишилар бордир. Аллоҳ эса покланувчиларни яхши кўради.
- 109.** Биносини Аллоҳдан кўрқиш ва Унинг ризолиги асосига қурган киши яхшироқми ёки биносини емирилаётган жар ёқасига қуриб, у билан бирга ўзи ҳам жаҳаннам ўтига қулаган кимса яхшироқми?! Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас.
- 110.** Қурган бинолари қалбларидаги шак-шубҳа тарзида давом этаверади. Юраклари ёрилиб кетсагина (шак-шубҳа барҳам топади). Аллоҳ Билгувчи ва Ҳаким Зотдир.
- 111.** Аллоҳ мўминлардан жонлари ва молларини жаннат эвазига сотиб олди. Улар Аллоҳ йўлида жанг қиладилар. Ўлдирадилар ва ўлдириладилар. Бу Таврот, Инжил ва Қуръондаги чин ваъдадир. Аллоҳдан ҳам ваъдасига вафодорроқ ким бор экан?! Қилган савдоларингиздан хурсанд бўлаверинглар. Буюк муваффақият мана шудир.
- 112.** (Улар) тавба қилувчилар, ибодат қилувчилар, ҳамд айтувчилар, рўза тутувчилар, рукуъ қилувчилар, сажда қилувчилар, яхшиликка буюриб, ёмонликдан

қайтарувчилар ва Аллоҳнинг ҳадларига
риоя қилиб турувчилардир. Мўминларга
хушхабар беринг!

113. Мушрикларнинг дўзахийлар экани аён
бўлганидан кейин Пайғамбар ва мўминлар
улар учун истиғфор айтишлари мумкин
эмас. Гарчи улар қариндошлари бўлса ҳам.

114. Иброҳимнинг отаси учун истиғфор айтиши
унга берган ваъдаси туфайли эди, холос.
Унга отаси Аллоҳнинг душмани экани
аён бўлгач, ундан юз ўгирди. Иброҳим
сертазарру ва ҳалимдир.

115. Аллоҳ бир қавмни ҳидоят қилганидан
кейин то уларганимадан эҳтиёт бўлишлари
лозимлигини баён қилмагунича, уларни
йўлдан оздирувчи бўлмади. Аллоҳ ҳамма
нарсани Билгувчидир.

116. Аллоҳ шундай Зотки, осмонлару ер Унинг
мулкидир. Тирилтирур ва ўлдирур.
Сизларга Аллоҳдан бошқа бирон бир
дўст ва мададкор йўқдир.

117. Аллоҳ Пайғамбарнинг ҳамда оғир соатда
унга эргашган муҳожир ва ансорларнинг
тавбаларини қабул қилди. Улардан бир
гуруҳининг қалблари тойиლაёзганди.
Кейин Аллоҳ уларни кечирди. Албатта,
У Зот уларга Марҳаматли ва Меҳрибондир.

118. Уч кишини ҳам. То уларга кенг замин
торлик қилиб, ичлари сиқилиб, Аллоҳ(нинг

ғазаби)дан яна Аллоҳнинг Ўзигагина қочиб бориш мумкинлигини англагунларига қадар (уларнинг тавбалари) кечиктирилди. Кейин Аллоҳ уларга тавба йўлини очди. Токи тавба қилсинлар. Албатта, Аллоҳ тавбани қабул қилгувчи, Меҳрибон Зотдир.

119.Эй мўминлар, Аллоҳдан тақво қилингиз ва содиқлар билан бирга бўлингиз!

120.Мадина аҳли ва уларнинг атрофидаги аъробийларга Аллоҳнинг пайғамбаридан қолишлари ва ундан юз ўгириб, ўзлари билан банд бўлиб олишлари мумкин эмас эди. Зеро, Аллоҳ йўлида уларга бирон ташналик, машаққат, очлик етса ва кофирларни ғазаблантирадиган бирон қадам боссалар, душманга бирон зиён етказсалар, албатта, уларга шу ишлари эвазига бир яхши амал ёзилур. Аллоҳ яхшилик қилувчиларнинг амалларини зое қилмас.

121.Бирон кичик ё катта нафақа қиладиларми, бирон водийни кесиб ўтадиларми, уларнинг фойдасига ёзилур. Аллоҳ уларнинг қилган энг яхши амалларига яраша мукофот берур.

122.(Жангга) ҳамма мўминлар чиқиши дуруст эмас. Ҳар бир гуруҳдан бир тоифа чиқиб, қолганлари эса динни ўрганиб, қавми қайтиб келганда уларни огоҳлантириб турсалар эди. Шоядки, шунда эҳтиёткор бўлсалар.

123.Эй иймон келтирганлар, ёнингиздаги

кофирларга қарши жанг қилинглар. Улар сизлардаги куч-қувватни кўриб қўйсинлар! Билингларки, албатта, Аллоҳ тақводорлар билан биргадир.

124. Улар орасида бирон сура нозил қилинган вақтда: «Бу қайси бирингизнинг иймониини зиёда қилди?» - дейдиган кимсалар ҳам бор. Бас, иймонкелтирганларнинг иймониини зиёда қилди ва улар шоду хуррам бўлдилар.

125. Дилларида мараз бўлган кимсаларнинг эса шубҳалари устига шубҳа қўшди ва кофир ҳолларида ўлдилар.

126. Ҳар йили бир-икки марта фитналарга йўлиқаётганларини кўрмайдиларми? Шундан кейин ҳам на тавба қиладилар ва на панд-насихат оладилар.

127. Бирон сура нозил қилинса: «Сизларни биронтаси кўриб қолмадими?» - деб, бир-бирларига қараб оладилар-да, кейин бурилиб кетадилар. Англамайдиган қавм бўлганлари сабабли Аллоҳ уларнинг дилларини буриб қўйган.

128. Сизларга ўз орангиздан қийналишингиздан қийналадиган, сизларни қаттиқ қайғурадиган ва мўминларга раҳмдил, меҳрибон бир пайғамбар келди.

129. Агар юз ўгирсалар, айтинг: «Менга Аллоҳ кифоя. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Унга таваккул қилдим. У буюк арш эгасидир».

Юнус сураси

**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Алиф. Лом. Ро. Булар ҳикматли китоб оятларидир.
2. Одамларга ўзларининг орасидан бир кишига ваҳий юбориб: «Одамларни огоҳлантиринг, иймон келтирганларга эса Парвардигорлари ҳузурида чин бир мартаба борлигидан хушхабар беринг», деганимиз қизиқ туюлдими? Кофирлар: «Бу аниқ сеҳргардир», дедилар.
3. Албатта, Парвардигорингиз осмонлару ерни олти кунда яратиб, кейин Аршга кўтарилган Аллоҳдир. У ишнинг тадбирини қилади. Унинг изнисиз ҳеч бир шафоатчи бўлмас. Мана шу Аллоҳ Парвардигорингиздир. Унга бандалик қилингиз. Эслатма-ибрат олмайсизларми?
4. Ҳаммангизнинг қайтишингиз Унгадир. Бу Аллоҳнинг ҳақ ваъдасидир. У Зот дастлаб яратади. Кейин эса иймон келтирган ва яхши амалларни қилган кишиларни адолат билан мукофотлаш учун бу ишни яна қайта қилади. Куфр келтирганларга кофир бўлганлари учун қайноқ сувдан иборат ичимлик ва аламли азоб бордир.

5. У шундай Зотки, қуёшни зиё, ойни эса нур қилди. Йиллар сонини ва ҳисобни билиб олишингиз учун уни манзилларга бўлиб қўйди. Аллоҳ уни фақат ҳақ билан яратди. У Зот оятларни биладиган қавм учун батафсил баён қилади.
6. Албатта, кеча ва кундузнинг алмашиб туришида ва Аллоҳ осмонлару ерда яратиб қўйган нарсаларда тақво қиладиган қавм учун оят-аломатлар бор.
7. Албатта, Бизга рўбарў бўлишни умид қилмайдиган, дунё ҳаётининг ўзигагина рози бўлиб, фақат ўша билан хотиржам бўлган кимсалар ҳамда Бизнинг оятларимиздан ғофил қолган кимсалар...
8. Ана ўшаларнинг жойлари қилган ишлари туфайли жаҳаннамдир.
9. Иймон келтириб, яхши амаллар қилганларни эса иймон-эътиқодлари сабабли Парвардигорлари ҳидоят қилур - ноз-неъмат боғларида остларидан дарёлар оқиб турур.
10. У ердаги дуолари: «Аллоҳим, Ўзингни поклаймиз», дейиш, саломлари эса тинчлик тилашдир. Охирги тилаклари эса бутун оламлар Парвардигори - Аллоҳга ҳамду сано айтишдир.
11. Агар Аллоҳ одамларга яхшиликни тез келтиргани каби ёмонликни ҳам нақд

қилса эди, албатта, уларнинг ажаллари етган бўлур эди. Бас, Бизга рўбарў бўлишни умид қилмайдиган кимсаларни ўз туғёнларида адашиб юришларига қўйиб берамиз.

12. Инсон зотига қачон бир мусибат етса, ётиб ҳам, ўтириб ҳам, туриб ҳам Бизга дуо қилур. Ундан мусибатини аритган пайтимизда эса худди ўзига етган мусибат туфайли Бизга илтижо қилмагандек ўтиб кетур. Ҳаддан ошувчи кимсаларга ўз қилмишлари мана шундай чиройли қилиб кўрсатилди.
13. Сизлардан олдинги даврлардаги умматларни ҳам ҳалок қилдик. Чунки улар ўзларига ўзлари зулм қилдилар. Пайғамбарлари ҳужжатлар келтирган пайтда иймон келтирмадилар. Жиноятчи қавмни мана шундай жазолаймиз.
14. Кейин қандай амал қилишингизни кўриш учун сизларни уларнинг ортидан заминга халифа (ўринбосар) қилиб қўйдик.
15. Қачон уларга очиқ-ойдин оятларимиз тиловат қилинса, Биз билан учрашишни умидқилмайдиганлар: «Бундан бошқа бир Қуръон келтир ёки уни ўзгартир», дедилар. Айтинг: «Уни ўзимча ўзгартиришга менинг ҳаққим йўқ. Мен фақат ўзимга ваҳий қилинган оятларгагина эргашурман.

Парвардигоримга исён қиладиган бўлсам, улуғ куннинг азобидан кўрқурман».

- 16.** Айтинг: «Аллоҳ истаганида мен уни тиловат қилмаган бўлардим ва (Аллоҳ) уни сизларга ўргатмаган бўларди. Ахир ундан олдин ҳам бир умр сизларнинг орангизда яшаб турдим-ку! Ақлингизни ишлатмайсизми?»
- 17.** Аллоҳга тухмат қилган ёки Унинг оятларини ёлғонга чиқарган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Жиноятчилар, албатта, нажот топмаслар.
- 18.** Улар Аллоҳни қўйиб, ўзларига зарар ҳам, фойда ҳам келтира олмайдиган нарсаларга ибодат қиладилар ва: «Улар бизнинг Аллоҳ ҳузуридаги шафоатчиларимиз», дейдилар. Айтинг: «Аллоҳни осмонлару ердаги У Зот билмайдиган нарсалардан хабардор қилиб қўймоқчи бўляпсизларми?!» Аллоҳ уларнинг ширкларидан пок ва олий бўлган Зотдир.
- 19.** Одамлар биргина динда эдилар. Кейин бўлиниб кетдилар. Парвардигорингиз тарафидан айтилган сўз бўлмаганида эди, талашиб-тортишаётган нарсалари ҳақида уларнинг ўрталарида ҳукм қилинган бўлур эди.
- 20.** Улар: «Унга Парвардигори томонидан бир белги тушса эди», дейдилар. Айтинг: «Ғайб ёлғиз Аллоҳникидир. Бас,

кутаверинглар. Мен ҳам сизлар билан бирга кутгувчиларданман».

- 21.** Одамларга етган зарардан кейин раҳматни тоттирсак, баногоҳ, улар оятларимиз ҳақида макр қилурлар. Айтинг: «Аллоҳ энг тез макр қиладиган Зотдир. Албатта, элчиларимиз қилаётган макрларингизни ёзиб борурлар».
- 22.** У шундай Зотки, сизларни қуруқлик ва денгизда юргизур. То сизлар кемада бўлиб, у майин шамол билан уларни (сизларни) олиб кетаётганида ва улар бундан хурсанд бўлганларида, бир қаттиқ шамол келур ҳамда уларнинг устига ҳар тарафдан тўлқин келиб, ўзларининг гирдобда қолганларини билганларида чин ихлос билан Аллоҳга шундай илтижо қилурлар: «Агар мана шундан бизга нажот берсанг, албатта, шукр қилгувчилардан бўлурмиз».
- 23.** Аллоҳ уларга нажот бергач, баногоҳ, улар ер юзида ноҳақ зўравонлик қилурлар. Эй одамлар, бу зўравонлигингиз фақат ўзингизнинг зиёнингизгадир. Бу дунё ҳаётининг матоҳи, холос. Кейин Бизга қайтишингиз бор. Ўшанда Биз сизларга қилиб ўтган амалларингиз ҳақида хабар берурмиз.
- 24.** Дарҳақиқат, бу дунё ҳаёти худди Биз осмондан ёғдирган сувга ўхшайди. Одамлар ва ҳайвонлар ейдиган ўсимликлар унга

аралашиб, ҳатто ер чирой олиб, безанганида ва замин аҳли ўзларини қудратлимиз, деб ўйлай бошлаганида ерга кечаси ё кундузи Бизнинг фармонимиз келиб, Биз уни вайронага айлантириб қўюрмиз, гўё кечагина обод бўлмагандек бўлиб қолур. Тафаккур қиладиган қавм учун оятларни мана шундай муфассал баён қилурмиз.

- 25.** Аллоҳ тинчлик диёрига чақиради. Ўзи хоҳлаганодамни тўғрийўлга ҳидоят қиладди.
- 26.** Чиройли амал қилган зотлар учун гўзал оқибат ва зиёда неъматлар бордир. Уларнинг юзларини на қаролик ва на хорлик қоплар. Ана ўшалар жаннат эгалари бўлиб, у жойда абадий қолурлар.
- 27.** Ёмон амаллар қилганлар учун эса ёмонликларига яраша ёмон жазо бўлур. Уларни хорлик ўраб олур. Улар учун Аллоҳ тарафидан бирон-бир ҳимоячи бўлмас. Гўё юзларига қоронғу кечадан бир парчаси қоплагандек бўлур. Ана ўшалар дўзах эгалари бўлиб, у жойда абадий қолурлар.
- 28.** У кунда барчаларини тўплармиз. Кейин ширк келтирганларга: «Сизлар ҳам, шерик қилганларингиз ҳам жойингиздан қимирламангиз», дермиз-да, ораларини ажратармиз. Шунда шерик қилинмишлар шундай дерлар: «Бизга ибодат этмаган эдингиз.

29. Биз билан сизнинг ўртангизда гувоҳ бўлишга Аллоҳ кифоядир. Биз сизларнинг ибодатларингиздан беҳабар эдик».
30. Ўша ерда ҳар бир жон ўзи қилиб ўтган ишдан хабардор бўлур ва ҳақиқий хожалари Аллоҳга қайтарилурлар. Ҳамда ўзлари ча тўқиб чиқарган нарсалари улардан ғойиб бўладир.
31. Айтинг: «Ким сизларга осмон ва заминдан ризқ берур? Ким қулоқ ва кўзларга эғалик қилур? Ким ўликдан тирикни, тирикдан эса ўликни чиқарур? Ким барча ишларни тадбир қилиб турур?» Улар албатта: «Аллоҳ», дейдилар. Шунда сиз айтинг: «Тақво қилмайсизларми?!»
32. Мана шу Аллоҳ ҳақиқий Парвардигорингиздир. Ҳақдан кейин эса фақат йўлдан озиш бор, холос. Бас, қаён бурилиб кетмоқдасизлар?!
33. Шунингдек, фосиқлик қилган кимсаларга иймон келтирмаганлари туфайли Парвардигорингизнинг сўзи ҳақ бўлди.
34. Айтинг: «Бутларингиз орасида дастлаб ўзи яратиб, кейин яна қайта ярата оладигани борми?!» Айтинг: «Аллоҳ дастлаб Ўзи яратиб, кейин яна Ўзи қайта яратур. Бас, қаён бурилиб кетмоқдасизлар?!»
35. Айтинг: «Бутларингиз орасида ҳаққа

ҳидоят қила оладигани борми?!» Айтинг: «Аллоҳ ҳаққа ҳидоят қилур. Итоат этилишга ҳаққа ҳидоят қиладиган Зот ҳақлироқми ёки ҳидоят қила олмайдиган, балки ўзи ҳидоятга муҳтож бўлганми?! Сизларга не бўлди?! Қандай ҳукм чиқармоқдасиз?!»

36. Уларнинг кўплари фақат гумонга эргашадилар. Гумон эса ҳақиқат ўрнини заррача босолмайди. Албатта, Аллоҳ уларнинг қилаётган ишларини Билгувчидир.

37. Ушбу Қуръон Аллоҳдан бошқа биров томонидан тўқилган эмас. Балки у ўзидан олдингининг тасдиғи ва китобнинг тафсилотидир. Унда ҳеч шубҳа йўқ. У оламларнинг Парвардигори тарафидандир.

38. Ёки ўзи тўқиган, дейдиларми? Айтинг: «Агар ростгўй бўлсангиз, унга ўхшаш бир сурани келтиринг, Аллоҳдан бошқа кучингиз етганича одамингизни чақиринг».

39. Йўқ, улар ўзлари тўла билмаган нарсани ёлғонга чиқардилар. Унинг таъвили ҳали уларга етиб келмаганди. Улардан олдингилар ҳам худди шундай ёлғонга чиқаргандилар. Золимларнинг оқибати нима бўлганига назар солинг!

40. Уларнинг орасида унга ишонадиганлари ҳам бор. Уларнинг орасида унга

ишонмайдиганлари ҳам бор.
Парвардигорингиз бузғунчи кимсаларни жуда
яхши билгувчидир.

41. Агар улар сизни ёлғончига чиқарсалар,
айтинг: «Менга ўзимнинг амалим,
сизларга ўзингизнинг амалингиз. Сизлар
мен қилаётган ишлардан поксизлар ва мен
сизлар қилаётган ишлардан покман».
42. Улар орасида сизга қулоқ соладиганлари
ҳам бор. Ўзлари ақллари ни ишлатмасалар,
сиз гарангларга эшиттира олармидингиз?!
43. Уларнинг орасида сизга қарайдиганлари
ҳам бор. Ўзлари кўрмасалар, кўзи кўрларни
ҳидоят қила олармидингиз?!
44. Албатта, Аллоҳ инсонларга бирон нарсада
зулм қилмайди. Лекин инсонлар ўзларига
ўзлари зулм қиладилар.
45. Уларни тўплаган кунда гўё кундузидан
бир соатгина туриб, бир-бирларини
танигандек бўладилар. Аллоҳ билан
учрашишни ёлғонга чиқарганлар
ютқаздилар. Улар ҳидоят топгувчилардан
бўлмадилар.
46. Сизга уларга ваъда қилган нарсаларимизнинг
айримларини кўрсатамиз ёки сизни вафот
этирамиз. (Ҳар икки ҳолатда ҳам) уларнинг
қайтар жойи Бизгадир. Кейин уларнинг
қилган ишларига Аллоҳ гувоҳ бўлур.
47. Ҳар бир умматга бир пайғамбар. Пайғамбари

келса, улар орасида адолат билан ҳукм қилинади ва уларга зулм қилинмайди.

48. «Ростгўй бўлсангизлар, бу ваъда қачон», дейдилар.

49. Айтинг: «Мен ўзимга бирон фойда ҳам, зарар ҳам келтира олмайман. Фақат ва фақат Аллоҳнинг хоҳлагани бўлади. Ҳар бир умматнинг ўз ажали бор. Ажали келганда бир соатга бўлсин, ортга ҳам, олдга ҳам сура олмайдилар».

50. Айтинг: «Айтинглари-чи, агар У Зотнинг азоби сизларга кечаси ё кундузи келса, бу жинойтчилар у азобнинг нимасига шошилмоқдалар?!»

51. Энди у содир бўлганидан кейин иймон келтирдингизми? Энди-я?! Уни ўзингиз шошилтирган эдингиз, шекилли!

52. Кейин зулм қилган кимсаларга: «Абадий азобни татингиз, қилмишларингизга яраша жазо олурсиз», дейилди.

53. Сиздан: «У ҳақми?» - деб сўрарлар. Айтинг: «Ҳа, Парвардигоримга қасамки, албатта, у ҳақдир. Сизлар ундан қочиб-қутулгувчи эмассизлар».

54. Зулм қилган ҳар бир жонга ер юзидаги ҳамма нарсга берилса, ҳаммасини фидо қилган бўларди. Азобни кўрганларида ичларида надомат чекдилар. Улар ўртасида адолат ила ҳукм чиқарилди. Улар зулм қилинмайдилар.

- 55.** Огоҳ бўлингизким, осмонлару ердаги ҳамма нарса Аллоҳнинг мулкидир. Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Лекин уларнинг кўплари буни билмайдилар.
- 56.** У тирилтирур, ўлдирур ва Унгагина қайтарилурсиз.
- 57.** Эй одамлар, сизларга Парвардигорингиз тарафидан бир насиҳат, дилларингиздаги нарсаларга шифо ҳамда мўминларга ҳидоят ва раҳмат келди.
- 58.** Айтинг: «Аллоҳнинг фазлу раҳмати билан, шу билан шод-хуррам бўлсинлар. Бу улар тўплаётган нарсалардан яхшироқдир».
- 59.** Айтинг: «Айтинглари-чи, Аллоҳ сизларга бир ризқ нозил қилса, уни ҳаром ва ҳалол қилиб олдингиз». Айтинг: «Бу ишга Аллоҳ изн бердими ёки Аллоҳга тухмат қиляпсизларми?!»
- 60.** Аллоҳга ёлғон тўқиётганлар Қиёмат куни ҳақида нима деб ўйлар эканлар? Аллоҳ одамларга фазлу марҳаматли Зотдир. Лекин уларнинг кўплари шукр қилмайдилар.
- 61.** Сиз нима билан машғул бўлманг ва у ҳақда Қуръондан бирон (оят) ўқиманг, сизлар нима иш қилманглар, ўша ишларга киришган пайтингизда Биз Сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиб турдик. Еру осмондаги заррача, ундан ҳам кичикроқ ва каттароқ бирон нарса Парвардигорингиздан

- махфий эмас. (Ҳаммаси) Очиқ Китобда бор.
- 62.** Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг дўстларига хавф йўқдир ва улар хафа ҳам бўлмаслар.
- 63.** Улар иймон келтирган ва тақво қилганлардир.
- 64.** Уларга дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам хушхабар бор. Аллоҳнинг сўзларини ўзгартириш йўқ. Буюк муваффақият мана шудир.
- 65.** Уларнинг гаплари сизни хафа қилмасин. Ҳамма азизлик, шак-шубҳасиз, Аллоҳникидир. У Эшитгувчи ва Билгувчи Зотдир.
- 66.** Огоҳ бўлингизким, албатта, осмонлару ердаги ҳамма Аллоҳникидир. Аллоҳни қўйиб, бутларга ибодат қиладиган кимсалар гумондан бошқа нарсага эргашмайдилар. Улар фақат тахмин қиладилар, холос.
- 67.** У сизларга ором олишингиз учун кечани ва (тирикчилик қилишингиз учун) ёруғ кундузни яратиб қўйган Зотдир. Албатта, бунда қулоқ солиб англайдиган қавм учун оят-аломатлар бордир.
- 68.** «Аллоҳнинг боласи бор», дедилар. У зот Покдир, Беҳожатдир. Осмонлару ердаги нарсалар Уникидир. Сизларда бу гапга бирон ҳужжат йўқ-ку! Аллоҳ шаънига билмайдиган нарсангизни айтаверасизларми?

69. Айтинг: «Шубҳасиз, Аллоҳшаънига ёлғон тўқийдиган кимсалар нажот топмаслар».
70. Бу дунёда озгина фойдаланиш бор. Кейин қайтар жойлари Бизгадир. Кейин кофир бўлиб ўтганлари учун уларга қаттиқ азобни тоттируرمىз.
71. Унга Нуҳнинг хабарини тиловат қилиб беринг. У қавмига шундай деганди: «Эй қавмим, сизларга туришим ва Аллоҳнинг оятларини эслатишим оғирлик қилаётган бўлса, бас, мен Аллоҳга таваккул қилдим, сизлар эса бутларингиз билан ишингизни қилаверингиз. Кейин ишингиз ўзингизга ноаниқ бўлиб қолмасин. Сўнгра менга муҳлат ҳам бермасдан ҳукмингизни ижро этаверингиз.
72. Агар юз ўгирсангиз, мен сизлардан ҳақ сўрамадим. Ажримни фақат Аллоҳ берур. Мен мусулмонлардан бўлишга буюрилганман».
73. Уни ёлғончига чиқардилар. Биз унга ва у билан бирга кемага чиққанларга нажот бердик. Уларни халифалар қилдик. Оятларимизни ёлғонга чиқарганларни эса ғарқ этдик. Огоҳлантирилганларнинг оқибати қандай бўлганига назар солинг.
74. Ундан кейин пайғамбарларни қавмларига юбордик. Улар ҳужжатларни келтирдилар. (Қавмлари эса) олдин ёлғонга чиқарган

нарсаларига иймон келтирадиган
бўлмадилар (иймон келтиришни
истамадилар). Биз тажовузкорларнинг
қалбларини мана шундай муҳрлаб қўюрмиз.

75. Улардан кейин Мусо ва Ҳорунни Фиръавн ва
унинг аъёнига оятларимиз билан юбордик.
Улар мутакаббирлик қилдилар. (Шу билан)
улар жинойтчи қавм бўлдилар.

76. Уларга Бизнинг ҳузуримиздан ҳақ келгач:
«Бу очик сеҳрдир», дедилар.

77. Мусо деди: «Сизларга ҳақ келганда шундай
дейсизларми? Шу сеҳрми? Сеҳргарлар
муваффақият қозонмайдилар».

78. Улар дедилар: «Биз ота-боболаримизни шу
динда топганмиз. Энди сен бизни ундан буриш
учун ва иккинги эр юзига ҳукмрон бўлиб
олишингиз учун келдингми? Биз сизларга
ишонувчи эмасмиз».

79. Фиръавн деди: «Менга ҳамма билимдон
сеҳргарларни келтирингиз».

80. Сеҳргарлар келганида Мусо уларга:
«Ташлайдиганингизни ташлангиз», деди.

81. Улар ташлагач, Мусо деди: «Сиз келтирган
наrsa сеҳрдир. Албатта, Аллоҳ уни ботил
қилур. Зеро, Аллоҳ бузғунчиларнинг ишини
ўнгламас».

82. Гарчи жинойтчилар ёқтирмасалар-да,
Аллоҳ Ўз сўзлари билан ҳақни рўёбга
чиқарур.

83. Фиръавн ва унинг аъёни фитна қилишидан қўрқиб, Мусога қавмидан бир зурриётгина иймон келтирди. Фиръавн ер юзида ғолиб эди. У аниқ ҳаддан ошганлардандир.
84. Мусо деди: «Эй қавмим, Аллоҳга иймон келтирган бўлсангиз, мусулмон бўлсангиз, Унгагина таваккул қилингиз».
85. Улар дедилар: «Аллоҳгагина таваккул қилдик. Парвардигоро, бизни золим қавмга мафтун қилиб қўйма.
86. Ўз раҳматинг ила бизга кофир қавмдан нажот бер».
87. Мусо ва унинг биродарига шундай ваҳий юбордик: «Қавмингиз учун Мисрда уйлар тайёрлангиз. Уйларингизни қиблага айлантириб, намозни тўкис адо этингиз. Мўминларга хушхабар бер».
88. Мусо деди: «Парвардигоро, Сен Фиръавн ва унинг аъёнига дунё ҳаётида зеб-зийнат ва мол-давлат бердинг. Парвардигоро, улар (бу имкониятларни) Сенинг йўлингдан адаштиришга (ишляптилар). Парвардигоро, уларнинг мол-давлатини маҳв эт. Қалбларини қаттиқ қил. Токи аламли азобни кўрмагунларича иймон келтирмасинлар».
89. Деди: «Дуойингиз ижобат бўлди. Бас, барқарор турингиз. Билмайдиган кимсаларнинг йўлига эргашмангиз».

- 90.** Бани Исроилни денгиздан олиб ўтдик. Фиръавн ва унинг лашкарлари зулму тажвовуз ила уларнинг ортидан қувди. У ғарқ бўлишга келиб қолганида: «Бани Исроил иймон келтирган Зотдан ўзга илоҳ йўқлигига иймон келтирдим ва мен мусулмонларданман», деди.
- 91.** Эндими? Олдин исён қилгандинг ва бузғунчилардан бўлгандинг-ку?!
- 92.** Бугун сенинг баданингни қутқарамиз. Токи ўзингдан кейингиларга ибрат бўлгин. Албатта, кўп одамлар Бизнинг оятларимиздан ғофилдирлар.
- 93.** Албатта, Биз Бани Исроилни ишончли ерга жойлаштирдик. Уларга ҳалолризқатоётдик. То уларга илм келгунига қадар ихтилоф қилмадилар. Албатта, Аллоҳ Қиёмат куни уларнинг ўзаро қилган ихтилофларига ҳакамлик қилур.
- 94.** Агар сизга нозил қилган нарсамиздан шубҳалансангиз, ўзингиздан олдинги китобни ўқийдиганлардан сўранг. Албатта, сизга Парвардигорингиз тарафидан ҳақ келди. Бас, шубҳаланувчилардан бўлманг.
- 95.** Ҳаргиз Аллоҳнинг оятларини ёлғон дейдиганлардан бўла кўрманг. Акс ҳолда зиёнкорлардан бўлиб қолурсиз.
- 96.** Албатта, зиммасига Парвардигорингизнинг сўзи вожиб бўлганлар иймонга келмаслар.

- 97.** Гарчи уларга ҳамма оят-мўъжизалар келса-да, то аламли азобни кўрмагунларича (иймон келтирмайдилар).
- 98.** Қани энди бирон қишлоқ иймон келтирсалар-у, иймони уларга фойда берса. Фақат Юнус қавми бундан мустасно. Иймон келтиришгач, уларни дунё ҳаётидаги расволик азобидан халос этдик ва маълум муддатгача фойдалантирдик.
- 99.** Парвардигорингиз хоҳлаганида ер юзидаги ҳамма-ҳамма иймон келтирган бўларди. Одамларни мўмин бўлишларига мажбурлайдиган сизми?
- 100.** Аллоҳнинг изнисиз бирон жон мўмин бўла олмас. У ақлини ишлатмайдиганларни азобга дучор қилур.
- 101.** Айтинг: «Осмонлару ердаги нарсаларга назар солинглар. Иймон келтирмайдиган қавмга оят-аломатлар ҳам, огоҳлантирувлар ҳам фойда бермас».
- 102.** Улар ўзларидан олдин ўтган кимсаларнинг кунлари каби (ҳолатдан) бошқа нарсани кутмаяптилар. Айтинг: «Кутаверинглар. Мен ҳам сизлар билан бирга кутгувчиларданман».
- 103.** Кейин пайғамбарларимиз ва иймон келтирганларга нажот берурмиз. Шундай қилиб, мўминларга нажот бериш зиммамиздаги бурч бўлди.

- 104.** Айтинг: «Эй инсонлар, менинг динимдан шубҳаланаётган бўлсангиз, мен сизларнинг бутларингизга ибодат қилмайман. Бутларки, сизлар Аллоҳни қўйиб, ўшаларга сиғиняпсизлар. Балки мен сизларнинг жонингизни оладиган Аллоҳга ибодат қилурман. Ва мен мўминлардан бўлишга буюрилганман».
- 105.** Юзингизни динга тўғри тутинг. Мушриклардан бўлманг.
- 106.** Аллоҳни қўйиб, сизга фойда ҳам, зарар ҳам келтирмайдиган нарсага илтижо қилманг! Шундай қиладиган бўлсангиз, сўзсиз золимлардансиз!
- 107.** Агар Аллоҳ сизга бир зарар етказмоқчи бўлса, уни Ўзидан бошқа ҳеч кимса кетказа олмас. Агар сизга бир яхшилик қилишни ирода қилса, Унинг фазлини рад қилгувчи бўлмас. Бандаларидан Ўзи истаганига уни етказур. У кечиримли вараҳмли Зотдир.
- 108.** Айтинг: «Эй инсонлар, сизларга Парвардигорингиз тарафидан ҳақ келди. Ким ҳидоят йўлидан юрса, ўзи учун юради. Ким адашса, ўзининг зарарига адашади. Мен сизларнинг устингизда қўриқчи эмасман».
- 109.** Ўзингизга ваҳий қилинган нарсага эргашинг ва то Аллоҳ Ўз ҳукмини чиқаргунига қадар сабр қилинг. У ҳукм қилгувчиларнинг энг яхшисидир.

Ҳуд сураси

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман)

1. Алиф. Лом. Ро. Китобки, оятлари мустаҳкам қилинган, кейин эса ҳаким ва хабардор Зот тарафидан муфасссал (баён) қилинган.
2. Фақат Аллоҳгагина ибодат қилишингиз учун. Мен сизларга У Зот тарафидан юборилган огоҳлантирувчи ва хушхабар элтувчиман.
3. Парвардигорингизга истиғфор айтингиз, кейин Унга тавба қилингиз. У сизларни белгиланган муддатга қадар чиройли фойдалантирур. Ҳар бир фазл эгасига фазлини берур. Агар юз ўгирсангиз, бас, мен улуғ куннинг азоби бошингизга тушишидан қўрқаман.
4. Қайтар жойингиз Аллоҳгадир ва У ҳар ишга қодирдир.
5. Огоҳ бўлингизким, Ундан сир тутиш учун бошларини эгадилар. Огоҳ бўлингизким, улар кийимларига ўраниб олган пайтларида ҳам (Аллоҳ) уларнинг нимани сир тутаётганларини ҳам, нимани ошкор қилаётганларини ҳам билур. Албатта, У Зот қалблардаги сирларни ҳам Билгувчидир.

6. Ер юзида ўрмалаган нарса борки, ризки Аллоҳнинг зиммасидадир. У уларнинг турар жойларини ҳам, борар жойларини ҳам билур. Ҳаммаси Очик Китобда бор.
7. У шундай Зотки, осмонлару ерни олти кунда яратди. Унинг Арши сув устида эди. Сизлардан қайси бирингиз яхшироқ амал қилишингизни синовдан ўтказиш учун (шундай қилди). Агар сиз уларга: «Ўлгандан кейин яна қайтатириласизлар», десангиз, куфр келтирган кимсалар: «Бу очик сеҳрдан бошқа нарса эмас», дейдилар.
8. Агар улардан азобни маълум муддатга кечиктирсак, албатта, улар: «Уни нима ушлаб турибди?» - дерлар. Огоҳ бўлингизким, у келган кунда ундан бурилиб кета олмаслар ва уларни ўша ўзлари масхара қилиб юрганлари азоб қамраб олур.
9. Агар инсонга Ўз тарафимиздан бир марҳаматни тоттириб, кейин уни тортиб олсак, у, албатта, ноумид ва ношукр бўлур.
10. Агар унга бошига тушган бирон тангликдан кейин кенгликни тоттирсак: «Энди мендан ёмонликлар кетди», дейди. У хурсанд ва мағрурдир.
11. Сабр қилиб, яхши амалларни қилганлар бундан мустасно. Улар учун мағфират ва катта ажр бордир.
12. Эҳтимол сиз уларнинг: «Унга бир хазина

ҳам нозил қилинса ёки у билан бирга бир фаришта ҳам келса бўлмасмиди?» - деб қолишларидан юрагингиз безовталаниб, ўзингизга ваҳий қилинган нарсаларнинг айримларини тарк қилаётгандирсиз. Сиз фақат огоҳлантирувчисиз, холос. Аллоҳ эса ҳар бир нарсага Вакилдир.

13. Ёки уни ўзи тўқиган, дейдиларми? Айтинг: «Агар ростгўй бўлсангиз, қўлингиздан келганча Аллоҳдан бошқа бутларингизни чақириб, унга ўхшаган ўн тагина сурани тўқиб беринглар-чи?».
14. Сизларга жавоб бера олмасалар, бас, билингизки, у Аллоҳнинг илми билан нозил қилинган ва Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Энди мусулмон бўласизларми?
15. Кимлар шу дунё ҳаётини ва унинг зеб-зийнати истасалар, уларга шу дунёнинг ўзида мукофотларини тўла қилиб берурмиз. Улар(нинг савоблари) камайтирилмайди.
16. Ана ўшаларнинг охиратда дўзахдан бошқа насибаси бўлмас. Қилган амаллари ҳабата кетиб, фойда бермас.
17. Парвардигори тарафидан бир ҳужжатга эга бўлган кимса ўшалар билан баробарми? Яна унга Парвардигори тарафидан бир гувоҳ эргашиб, имом ва раҳмат бўлмиш Мусонинг китоби ҳам (гувоҳлик бериб турган) бўлса. Улар Қуръонга иймон келтирадилар. Энди

гуруҳлардан ким унга куфр келтирса, унга ваъдакилинган жойдўзахдир. Буишга заррача шубҳа қилманг. У Парвардигорингиз тарафидан келадиган ҳақдир. Лекин кўп одамлар инонмайдилар.

18. Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Улар Парвардигорларига рўбарў қилинурлар ва гувоҳлар: «Парвардигорлари шаънига ёлғон гапларни айтганлар мана шулардир», дейдилар. Огоҳ бўлингизким, золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлгай.
19. Улар Аллоҳнинг йўлидан тўсадилар ва унинг қийшайтириб қўймоқчи бўладилар. Улар охирагача куфр келтиргувчилардир.
20. Ана ўшалар ер юзида қочиб-қутулгувчи бўлмадилар. Уларга Аллоҳдан ўзга дўстлар бўлмади. Уларга азоб бир неча баробар қилинур. Улар эшитишни ҳам эплай олмадилар, кўрадиган ҳам бўлмадилар.
21. Ўзига ўзи зарар қилганлар ана ўшалардир. Тўқиб олган бутлари эса уларни ташлаб кетди.
22. Охирагача айнан шулар энг зиён кўргувчилар бўлишига шак-шубҳа йўқ.
23. Иймон келтирган, яхши амаллар қилган ва Парвардигорига хушў билан бўйсунганлар жаннат эгаларидир ва у ерда абадий қолурлар.

- 24.** Бу икки гуруҳнинг мисоли худди кўр ва кар билан кўрадиган ва эштадиган кимсалар кабидир. Улар баробарми? Ибрат олмайсизларми?
- 25.** Биз Нуҳни қавмига юбордик. «Мен сизларга огоҳлантирувчиман.
- 26.** Ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилинглар. Мен сизларга аламли куннинг азоби етиб қолишидан кўрқаман», (деди).
- 27.** Шунда унинг қавмидаги улуғлари деди: «Сени худди ўзимизга ўхшаган одамлигингни кўриб турибмиз. Сенга фақат ялангоёқларгина ўйламасдан эргашаётганини ҳам кўряпмиз. Сизларнинг биздан ортиқча жойингизни кўрмаяпмиз. Аксинча, сизларни ёлғончилар, деб ўйлаяпмиз».
- 28.** Деди: «Эй қавмим, айтинг-чи, мен Парвардигорим тарафидан аниқ ҳужжатга эга бўлсам ва У Зот менга Ўз ҳузуридан бир раҳмат ато этган бўлса-ю, у сизлардан яширин бўлса, сизларга уни ёқтирмасангиз ҳам мажбурлармидик?!»
- 29.** «Эй қавмим, бу ишим учун сизлардан мол-давлат сўрамайман. Ажримни бериш фақат Аллоҳнинг зиммасидадир. Мен иймон келтирган зотларни қувиб соладиган (одам) эмасман. Улар Парвардигорига йўлиқадиган (зот)лардир. Лекин мен сизларнинг нодон

қавм эканингизни кўриб турибман».

- 30.** «Эй қавмим, агар уларни қувиб соладиган бўлсам, ким менга Аллоҳ(нинг азоби) дан (қутулишга) ёрдам берур. Ўйлаб кўрмайсизларми?»
- 31.** «Сизларга: «Аллоҳнинг ҳазиналари менда», демайман. Ғайбни билмайман. «Мен фариштаман», ҳам демайман. Кўзингизга ҳақир кўринаётган кишилар ҳақида: «Аллоҳ уларга ҳаргиз яхшилик ато этмагай», деб ҳам айтмайман. Уларнинг ичидагини Аллоҳ билгувчироқдир. У ҳолда мен золимлардан бўлиб қолурман».
- 32.** Дедилар: «Эй Нух, биз билан тортишдинг ва тортишишни кўпайтириб юбординг. Агар ростгўйлардан бўлсанг, ўша бизга ваъда қилган нарсангни олиб кел-чи».
- 33.** Деди: «Уни сизларга фақат Аллоҳ Ўзи истаган пайтида келтирур ва сизлар қочиб-қутулгувчи бўлмассиз».
- 34.** Аллоҳ сизларни адаштириб қўйишни истаётган бўлса, мен сизларга насиҳат қилишни истасам ҳам насиҳатим сизларга фойда бермас. У Парвардигорингиздир. Унга қайтарилурсизлар.
- 35.** Ёки: «Уни ўзи тўқиган», дейдиларми? Айтинг: «Уни ўзим тўқиган бўлсам, гуноҳи ўзимнинг гарданимда. Мен сизлар қилаётган жинойтлардан покман».

36. Нухга шундай ваҳий қилинди: «Қавмингдан шу иймон келтирганларидан бошқаси ҳаргиз иймон келтирмайди. Уларнинг қилган ишларидан хафа бўлма».
37. Бизнинг ҳифзи-ҳимоямиз ва кўрсатмамиз остида кема ясагин. Зулм қилганлар ҳақида Менга гап очмагин. Улар, албатта, ғарқ бўлгувчилардир.
38. У кемани ясар экан, қавмидаги зодагонлар ёнидан ўтаётиб, уни масхара қилсалар: «(Бугун) сиз бизни масхара қилаётган бўлсангиз, (эртага) биз сизни худди сиз масхара қилганингиздек, масхара қилурмиз», деди.
39. (Нух яна деди): «Бас, яқинда кимга шарманда қилгувчи азоб келишини ва кимнинг устига мангу азоб тушишини билиб олурсиз».
40. Токи Бизнинг фармонимиз келиб, ердан ғавворалар отилгач, дедик: «Унга оилангни ва ҳар (жонивордан) бир жуфтдан чиқар. Ким ҳақида олдин гап ўтган бўлса, ўша бундан мустасно. Иймон келтирганларни ҳам (чиқар)». Унга жуда оз одам иймон келтирганди.
41. У деди: «Унга мининглар. Унинг юриши ҳам, туриши ҳам Аллоҳнинг номи билан бўлур. Албатта, Парвардигорим Кечиримли ва Раҳмли Зотдир».

42. Кема уларни тоғлардек тўлқинлар орасида олиб кетар экан, Нух бир четда қолган ўғлига нидо қилди: «Эй ўғилгинам, биз билан бирга (кемага) мингин, кофирлар билан бирга қолмагин!»
43. Деди: «Мени сувдан асраб қоладиган бирон тоққа чиқиб оламан». Деди: «Бугун Аллоҳнинг амридан бирон сақловчи йўқдир. Аллоҳ раҳм қилган кишиларгина бундан мустасно». Уларнинг ораларини тўлқин тўсди ва у фарқ бўлгувчилардан бўлди.
44. «Эй ер, сувингни ют, эй осмон, ўзингни тут», дейилди. Сув қуриди. Фармон бажарилди. (Кема) Жудий (тоғи) га жойлашди ва «Золим қавмга ҳалокат бўлсин!» дейилди.
45. Нух Парвардигорига нидо қилиб деди: «Парвардигорим, ўғлим аҳли оиламдандир. Албатта, ваъданг ҳақдир. Сен ҳакамлар ҳакамисан».
46. Деди: «Эй Нух, у сенинг аҳлингдан эмас. У(нинг иши) яхши иш эмас. Билмаган нарсангни Мендан сўрама. Сенга нодонлардан бўлиб қолмасликни насиҳат қиламан».
47. Деди: «Парвардигорим, билиб-билмай сўрайверишдан паноҳ сўрайман. Энди мени кечирмасанг, менга раҳм қилмасанг,

зиён кўргувчилардан бўлиб қолурман».

48. Дейилди: «Эй Нух, Биз тарафимиздан бўлган бир саломатлик ҳамда сенга ва сен билан бирга бўлган умматлар устига (ёғилажак) баракалар ила туш. (Бошқа) умматларни эса (бироз) фойдалантирамиз. Кейин уларни Биз тарафимиздан бир аламли азоб тутгай».
49. Булар ғайб хабарларидандир. Уларни сизга ваҳий қилмоқдамиз. Уларни олдин сиз ҳам, қавмингиз ҳам билмас эдингизлар. Бас, сабр қилинг. Оқибат такводорларникидир.
50. Одга биродарлари Ҳудни (юбордик). Деди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилингиз. Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Сизлар фақат тўқиб олувчиларсиз, холос».
51. «Эй қавмим, сизлардан ажр-мукофот сўрамайман. Ажримни бериш мени яратган Зот зиммасидадир. Ақлингизни ишлатмайсизларми?»
52. «Эй қавмим, Парвардигорингизга истиғфор айтингиз, кейин Унга тавба қилингиз. Шунда У Зот сизга осмондан ёмғир ёғдирав ва кучингизга куч қўшар. Жинояткорона юз ўгириб кетмангиз!»
53. Дедилар: «Эй Ҳуд, сен бизга бирон ҳужжат келтирмадинг. Сенинг гапинг билан худоларимизни тарк қилавермаймиз. Сенга ишониб кетавермаймиз.

- 54.** Биз фақат: «Сени худоларимиздан бири чалибди», деймиз, холос». У деди: «Албатта, мен Аллоҳни гувоҳ қиламан ва сизлар ҳам гувоҳ бўлингизким, шубҳасиз, мен сизларнинг ширк келтиришингиздан покман».
- 55.** Ундан ўзга (илоҳларга сиғинмасман). Бас, ҳаммангиз менга қарши ҳийла қилаверинглар, менга муҳлат берманглар.
- 56.** Албатта, мен Парвардигорим ва Парвардигорингиз Аллоҳга таваккул қилдим. Бирон бир ўрмалаган жон йўқки, У Зот унинг пешонасидан тутмаган бўлса. Шубҳасиз, Парвардигорим тўғри йўл устидадир.
- 57.** Юз ўгирсангизлар, мен сизларга етказишим лозим бўлган нарсани етказдим. Парвардигорим сизларнинг ўрнингизга бошқа бир қавмни олиб келур. Сизлар Унга ҳеч қандай зарар қила олмассизлар. Албатта, Парвардигорим ҳар бир нарсани кузатиб тургувчидир.
- 58.** Фармонимиз келгач, Худ ва у билан бирга бўлган мўминларга Ўз раҳматимиз ила нажот бердик. Уларни қаттиқ азобдан қутқардик.
- 59.** Ўша Оддирки, Парвардигорларининг оятларини инкор этдилар, пайғамбарларига осийлик қилдилар ва ҳамма саркаш золимларга эргашидилар.

60. Бу дунёда ҳам, Қиёмат кунда ҳам лаънатга учрагайлар. Огоҳ бўлингизким, Од Парвардигорларига куфр келтирдилар. Огоҳ бўлингизким, Ҳуднинг қавми бўлган Од ҳалокатга учрагай.
61. Самудга биродарлари Солиҳни (юбордик). Деди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилингиз! Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқдир. У сизларни ердан пайдо қилиб, уни обод этишни сизларга топширди. Бас, Ундан мағфират сўранглар, кейин Унга тавба қилинглар. Албатта, Парвардигорим яқин ва ижобат қилгувчидир».
62. Дедилар: «Эй Солиҳ, сен олдин орзуимиздаги одам эдинг-ку. Энди бизни ота-боболаримиз ибодат қилиб келаётган бутларга ибодат қилишимиздан қайтарасанми?! Албатта, биз сен даъват қилаётган нарсадан шубҳа-гумондамиз».
63. Деди: «Эй қавмим, айтинглар-чи, мен Парвардигорим тарафидан бир ҳужжатга эга бўлсам ва У Зот менга Ўзи тарафидан бир раҳматни ато этган бўлса-да, яна мен У Зотга осийлик қилсам, Аллоҳ(нинг азобидан) қутулишимга ким ёрдам бера олади?! Сизлар эса менга зарардан бошқа нарсани кўпайтирмайсизлар».
64. Эй қавмим, мана бу Аллоҳнинг туяси

сизларга бир оят-мўжизадир. Уни тек қўйинглар. Аллоҳнинг ерида ўтлаб юраверсин. Унга бирон ёмонлик қила кўрманглар. Акс ҳолда, тезда бир азобга йўлиқасизлар.

- 65.** Уни сўйиб юбордилар. Деди: «Уй-жойларингиздан уч кун фойдаланиб олинглар. Манашу ёлғонийўқчинваъдадир».
- 66.** Фармонимиз келгач, Солиҳ ва у билан бирга бўлган мўминларга Ўз тарафимиздан бўлган бир раҳмат ила нажот бердик ва уларни ўша куннинг шармандалигидан қутқардик. Албатта, Парвардигорингиз Кучли ва Ғолиб Зотдир.
- 67.** Зулм қилган кимсаларни ҳайкирик ушлади. Ўз уйларида йиқилдилар.
- 68.** Худди у ерда яшамагандек. Огоҳ бўлингизким, Самуд Парвардигорига куфр келтирди. Огоҳ бўлингизким, Самуд ҳалокатга учради.
- 69.** Дарҳақиқат, элчиларимиз Иброҳимга хушхабар билан келиб, салом бердилар. У ҳам: «Салом», деди-да, ҳаял ўтмай бир бузоқни қовуриб келтирди.
- 70.** Уларнинг овқатга қўл узатмаганларини кўриб, улардан шубҳаланди ва хавфсиради. Дедилар: «Қўркма, биз Лут қавмига юборилганмиз».
- 71.** Хотини (ўша ерда) турганди. У кулди. Биз

унга Исҳоқ ва Исҳоқнинг ортидан Яъқуб (туғилиши) ҳақида хушхабар бердик.

72. У деди: «Вой ўлмасам, ўзим кампир бўлсам, мана бу эрим эса қари чол бўлса. Шунда ҳам туғавераманми? Бу жуда қизик-ку!»

73. Дедилар: «Аллоҳнинг ишидан ажабланасанми? Эй хонадон аҳли, сизларга Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти бўлсин. Албатта, У мақтовга лойиқ, буюк Зотдир».

74. Иброҳимдан кўрқув кетиб, унга хушхабар келгач, Биз билан Лут қавми ҳақида баҳслаша бошлади.

75. Албатта, Иброҳим ҳалим, кўнгилчан ва ибодатли кишидир.

76. (Дедилар): «Эй Иброҳим, бу баҳсни қўй. Парвардигорингнинг фармони (аллақачон) келиб бўлган. Албатта, уларга қайтариб бўлмас азоб келгувчидир».

77. Элчиларимиз Лутнинг ёнига келгач, унинг ҳоли ёмонлашди ва уларнинг келишларидан юраги сиқилиб, деди: «Бу жуда оғир кундир».

78. Қавми унинг ёнига югуриб келди. Улар олдин ёмон ишлар қилардилар. Деди: «Эй қавмим, анави қизларим - ана ўшалар сизлар учун покрок-ку. Аллоҳдан кўрқинглар ва мени меҳмонларим олдида шарманда қилманглар. Орангизда биронта ақлли киши йўқми?»

79. Дедилар: «Биз қизларингга муҳтож

эмаслигимизни яхши биласан. Нимани хоҳлаётганимизни ҳам яхши биласан».

80. Деди: «Қани энди, сизларга кучим етса ёки таянадиган бир кучли таянчим бўлса».

81. (Фаришталар) дедилар: «Эй Лут, биз Парвардигорингнинг элчиларимиз. Улар сенга асло тега олмаслар. Кечанинг бир қисмида оилангни олиб чиқиб кет, хотининг бундан мутасно. Биронтангиз атрофга алангламасин! Уларга етган мусибат унга (хотинингга) ҳам етгай. Уларга ваъда қилинган вақт тонгдир. Тонг яқин эмасми?!»

82. Фармонимиз келгач, уларни остин-устин қилиб юбордик ва устларидан кетма-кет сопол тошларни ёғдирдик.

83. Парвардигорингиз ҳузурида белгиланган. Улар золимлардан узоқда эмас.

84. Мадянга биродарлари Шуайбни (юбордик). Деди: «Эй қавмим, Аллоҳга бандалик қилинглар. Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқ. Ўлчов ва тарозидан уриб қолманглар. Мен сизларни яхшиликда кўряпман. Мен устингизга қамраб олувчи кун азоби тушишидан кўрқаман».

85. «Эй қавмим, ўлчаш ва тортишни адолат билан тўла адо этинглар. Одамларнинг нарсаларини уриб қолманглар ва заминда бузғунчилик қилиб юрманглар».

86. «Агар мўмин бўлсангиз, Аллоҳнинг сизлар

учун қолдиргани яхшироқ. Мен сизларнинг устингизда кўрикчи эмасман».

87. Улар (масхара қилиб) дедилар: «Эй Шуайб, сенга намозинг ота-боболаримиз ибодат қилиб келаётган бутлардан возкечишимизни ёки ўз мол-мулкимизни ўзимиз истагандек тасарруф қилмаслигимизни буюряптими? Бирам кўнгилчан, рашидсанки!»

88. Деди: «Эй қавмим, айтинглари-чи, борди-ю, мен Парвардигорим тарафидан аниқ бир ҳужжатга эга бўлсам-чи ва менга Ўзи тарафидан бир яхши ризқ ато этган бўлса-чи?! Мен сизларга ўзим қайтараётган нарсада хилоф қилмоқчи эмасман. Мен кучим етганича ислоҳ қилишни истайман, холос. Менга тавфиқ бериш Аллоҳга боғлиқ. Унгагина таваккал қилдим. Унгагина қайтаман».

89. «Эй қавмим, тагин менга қарши чиқишингиз сизларга ҳам Нух қавмига ё Худ қавмига ёки Солиҳ қавмига етган балолар етишига олиб бориб қўймасин. Лут қавми сизлардан йироқ эмасдир».

90. «Парвардигорингизга истиғфор айтингиз. Сўнг Унга тавба қилингиз. Албатта, Парвардигорим Раҳмлидир, Дўстдир».

91. Дедилар: «Эй Шуайб, айтаётганларингнинг кўпини тушунмаяпмиз. Орамиздаги бир заиф кимса эканингни кўряпмиз. Қариндошларинг бўлмаганида сени

тошбўрон қилиб юборган бўлар эдик. Сен бизга қадрли эмассан».

92. Деди: «Эй қавмим, қариндошларим сизларга Аллоҳданҳамазизроқмики, У Зотга орқангизни ўгириб олдингиз. Албатта, Парвардигорим қилаётган ишларингизни қамраб олгувчидир».
93. «Эй қавмим, қўлингиздан келганини қилаверинг, мен ҳам қилгувчиман. Яқинда кимга шарманда қиладиган азоб келишини ва ким ёлғончи эканини билиб олурсизлар. Кутиб тураверинглар. Мен ҳам сизлар билан бирга кутиб тургувчиман».
94. Фармонимиз келгач, Шуайб ва у билан бирга бўлган иймон келтирганларга Ўз раҳматимиз ила нажот бердик. Зулм қилганларни эса ҳайқириқ ушлади ва улар ўз диёрларида (юзтубан) йиқилдилар.
95. Гўё у ерда яшамагандек. Огоҳ бўлингизким, Самуд қабиласи гумдон бўлгани каби Мадян қавми ҳам (номнишонсиз) йўқ бўлди.
96. Мусони ҳам оятларимиз ва очиқ ҳужжат билан юбордик.
97. Фиръавн ва унинг аъёнига. Улар Фиръавннинг буйруғига бўйсундилар. Фиръавннинг буйруғи эса тўғри эмас эди.
98. У Қиёмат куни қавмининг олдига тушиб бориб, уларни дўзахга туширур. У нақадар ёмон тушиш жойи!

- 99.** Уларгашу ерда ҳам, Қиёмат куни ҳам лаънат эргашиб борур. Нақадар ёмон такрор бу!
- 100.** Мана шу шаҳарларнинг хабарларидандир. Уни сизга қисса қилиб беряпмиз. Улардан (ҳозиргача) турганлари ҳам, (аллақачон хас-хашакдек) ўрилиб битганлари ҳам бор.
- 101.** Уларга Биз зулм қилмадик. Лекин улар ўзларига ўзлари зулм қилдилар. Парвардигорингизнинг фармони келган пайтда Аллоҳни қўйиб илтижо қилаётган худолари уларнинг бирон ҳожатини раво қилмади. (Худолари) уларга зарардан бошқа нарсани зиёда қилмади.
- 102.** Парвардигорингиз золим бўлиб турган шаҳарларни (азоб билан) ушлаганида мана шундай ушлар. Унинг ушлаши аламли ва шиддатлидир.
- 103.** Албатта, бу ишда охират азобидан қўрқадиган кимса учун оят-аломат бор. У одамлар жам бўладиган кундир. У гувоҳ бўлинадиган кундир. (Яъни, ҳамма у куннинг гувоҳи бўлгай).
- 104.** Биз уни санокли муддатга кечиктириб турамиз, холос.
- 105.** У кун келганда (Аллоҳнинг) изнисиз бирон жон сўзламас. Улардан кимдир бахтли, кимдир бахтсиз бўлур.
- 106.** Бахтсиз бўлганлари дўзахдадирлар. У ерда дод-фарёд қилурлар.
- 107.** Модомики, осмонлару ер бор экан, у

ерда абадий қолурлар. Парвардигорингиз хоҳлагани бўлиши бундан мустасно. Албатта, Парвардигорингиз Ўзи хоҳлаган ишни қилгувчидир.

108. Бахтли бўлганлар эса жаннатдадирлар. Модомики, осмонлару ер бор экан, у ерда абадий қоладилар. Фақат Парвардигорингиз хоҳлагани бундан мустасно. Бу туганмас инъомдир.

109. Сиз анавилар ибодат қилаётган нарсадан шубҳалана кўрманг. Улар худди олдинги ота-боболари ибодат қилганидек ибодат қиляптилар. Биз уларнинг насибасини камайтирмасдан, тўла қилиб бергувчимиз.

110. Биз Мусога Китобни бердик. У ҳақда ихтилоф қилинди. Парвардигорингиз тарафидан бир сўз ўтмаганида улар устидан ҳам ҳукм ўқилган бўлар эди. Улар ундан шак-шубҳададирлар.

111. Парвардигорингиз ҳаммага амаллари(нинг жазоёкимукоффоти)ни тўла қилиб берур. У Зот уларнинг қилаётган ишларидан Хабардордир.

112. Сиз ва сиз билан бирга тавба қилган зотлар қандай буюрилган бўлсангиз, ўшандок барқарор турингиз. Ҳаддингиздан ошмангиз. У Зот қилаётган ишларингизни Кўргувчидир.

113. Зулм қилган кимсаларга таяниб қолманглар.

Тағин сизларни дўзах тутиб олмасин. Сизларга Аллоҳдан ўзга дўстлар йўқдир. Кейин ёрдам ололмай қоласизлар.

114. Кундузнинг икки тарафида ва кечанинг бир қисмида намозни тўқис адо этинг. Яхшиликлар ёмонликларни кетказур. Бу қулоқ солувчилар учун бир эслатмадир.

115. Сабр қилинг. Аллоҳ чиройли амал қилувчиларнинг ажрини зое қилмайди.

116. Сизлардан олдинги асрлардан ер юзида бузғунчиликдан қайтарадиган кишилардан қолганлари бўлганда эди. Фақат озгинагина қолганларки, улар Биз нажот берган зотлардандир. Зулм қилган кимсалар эса майшатга берилиб кетиб, жинойтчиларга айландилар.

117. Парвардигорингиз аҳолиси ислоҳ қилувчилар бўлган шаҳарларни зулм билан ҳалок қилган эмас.

118. Парвардигорингиз хоҳлаганида одамларни битта миллат қилиб қўйган бўларди. Улар эса ҳар доим ихтилоф қилаверади.

119. Парвардигорингиз раҳм қилган кимсалар бундан мустасно. Уларни шунинг учун яратди. Парвардигорингизнинг: «Жаҳаннамни жин ва одамларнинг ҳаммаси билан тўлдираман», деган сўзи тўла бўлди.

120. Сизга пайғамбарлар ҳақидаги

ҳар бир хабарни қалбингизни барқарорлаштириш учун қисса қилиб беряпмиз. Уларда сизга ҳақ, панд-насиҳат, мўминлар учун эслатма келди.

121. Иймон келтирмайдиганларга айтинг: «Қўлингиздан келганини қилинг. Биз ҳам қилгувчилармиз».

122. Кутаверинглар. Биз ҳам кутгувчилармиз.

123. Осмонлару ернинг ғайби Аллоҳникидир. Ишнинг ҳаммаси У Зотга қайтарилур. Бас, Унга ибодат қилинг ва Унга таянинг. Парвардигорингиз сизлар қилаётган ишлардан ғофил эмасдир.

 Юсуф сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Алиф, Лом, Ро. Ушбулар Аниқ Китоб оятларидир.
2. Биз уни арабий Қуръон этиб нозил қилдик. Шоядки, ақл юритсангизлар.
3. Биз сизга мана шу Қуръонни ваҳий қилиш билан энг гўзал қиссани айтиб берамиз. Бундан олдин сиз ундан беҳабар эдингиз.
4. Ўшанда Юсуф отасига деди: «Эй отажон, мен ўн бир юлдузни, қуёш ва ойни кўрдим. Уларни менга сажда қилаётганларини кўрдим».
5. Деди: «Эй ўғилчам, тушингни акаларингга айта кўрма. Тағин сенга бирон ҳийла қилиб юрмасинлар. Албатта, шайтон инсонга очик душмандир».
6. Парвардигоринг сени мана шундай танлаб олади. Сенга тушларнинг таъбирини ўргатади. Олдинги боболаринг Иброҳим ва Исҳокқа неъматини тўла қилиб берганидек, сенга ва Яъқуб оиласига ҳам тўла қилиб беради. Албатта, Парвардигоринг Билгувчи ва Ҳаким Зотдир.
7. Дарҳақиқат, Юсуф ва унинг оға-иниларида сўрагувчилар учун оятлар бордир.
8. Ўшанда дедилар: «Юсуф ва унинг укаси

отамиз учун биздан севимлироқдир. Холбуки, биз кўпчиликмиз. Албатта, отамиз очик залолатдадир».

9. «Юсуфни ўлдиришлар ёки бирон ерга олиб бориб ташланглар. Шунда отангизнинг юзи ўзингизга қолар. Кейин яхши қавм бўлиб олаверасизлар».
10. Улардан бири деди: «Юсуфни ўлдирманглар. Бирон иш қилмоқчи бўлсангизлар, уни қудуқнинг қаърига ташланглар, бирон йўловчи олиб кетади».
11. Дедилар: «Эй ота, нима учун Юсуфни бизга ишонмайсан? Ахир биз унга ғамхўрмизку».
12. «Эртага уни биз билан юбор. Ўйнаб, яйраб келсин. Биз уни ҳимоя қилиб юрамиз».
13. Деди: «Уни олиб кетишинглар мени хафа қилади. Сизлар ғафлатда қолиб, уни бўри еб кетишидан кўрқаман».
14. Дедилар: «Биз кўпчилик бўла туриб, уни бўри еб кетса, демак, биз зиён кўргувчилар эканмиз».
15. Уни олиб кетиб, қудуқ қаърига ташлашга қарор қилганларида, Биз унга шундай ваҳий қилдик: «Сен, албатта, уларга бу қилмишлари ҳақида хабар берурсан, ўшанда улар сени сезмайдилар ҳам».
16. Кечга бориб, оталарининг олдида йиғлаб келдилар.

17. Дедилар: «Эй ота, Юсуфни нарсаларимиз олдида қолдириб, ўзимиз қувлашиб кетган эдик, уни бўри еб кетибди. Энди рост гапирсак ҳам бизга барибир ишонмайсан».
18. Унинг кўйлагини ёлғондан қонга бўяб олиб келдилар. Деди: «Йўқ, сизларга ҳавойи нафсингиз ишни безаб кўрсатган. Энди чиройли сабр(дан бошқа чорам йўқ). Сизлар васф этаётган бу ишда ёрдам сўраладиган Зот Аллоҳдир».
19. Йўловчилар келиб, сувчини сувга юбордилар. У челагини қудуққа ташлаганди. (Унга Юсуф осилиб чиқди). Деди: «Суюнчи! Бу бола-ку!». Уни бир нарса сифатида яшириб қўйдилар. Аллоҳ улар қилаётган ишни Билгувчидир.
20. Уни арзон баҳога, бир неча дирҳамларга сотиб юбордилар. Улар унга қизиқмаган эдилар.
21. Уни Мисрда сотиб олган (одам) хотинига: «Уни яхшилаб жойлаштир, шояд, бизга фойдаси тегиб қолса ёки бола қилиб олсак», - деди. Мана шундай қилиб, унга тушларнинг таъбирини ўргатишимиз учун Юсуфни ўша ерга жойлаштириб қўйдик. Аллоҳ Ўз ишида Ғолибдир. Лекин кўп одамлар бунга билмаслар.
22. Вояга етгач, унга ҳикмат ва илм бердик. Ишни пухта бажарувчиларни мана шундай

мукофотлаймиз.

- 23.** У уйида бўлган аёл уни йўлдан урмоқчи бўлди. Эшикларни маҳкам беркитиб: «Келақол», деди. (Юсуф) деди: «Аллоҳ асрасин. Ахир у менга яхши жой қилиб берган хожама-ку! Албатта, золимлар нажот топмаслар».
- 24.** Аёл унга интилди. Парвардигорининг очик ҳужжатини кўрмаганида у ҳам аёлга интилган бўларди. Уни ёмонлик ва бузуқликдан қайтариш учун мана шундай қилдик. У Бизнинг солиҳ бандаларимиздандир.
- 25.** Эшик томон чопишдилар. Аёл унинг кўйлагини орқа тарафидан йиртиб юборди. Эшик олдида аёлнинг хожасига дучкелдилар. Аёл деди: «Сенингоилангга ёмонлик қилмоқчи бўлганнинг жазоси фақатгина зиндон ёки аламли азобдир».
- 26.** Деди: «Унинг ўзи мени йўлдан урмоқчи бўлди». Аёлнинг оиласидан бир гувоҳ шундай гувоҳлик берди: «Кўйлаги олд томондан йиртилган бўлса, демак, аёл рост гапирган, у эса ёлғончилардандир».
- 27.** «Кўйлаги орқа томондан йиртилган бўлса, аёл ёлғон гапирибди. У эса ростгўйлардандир».
- 28.** Кўйлаги орқа томондан йиртилганини кўргач, деди: «Бу сизларнинг

макрингиздандир. Албатта, макрингиз зўрдир».

29. Эй Юсуф, бу ишни унут. Сен эса (эй аёл), гуноҳингга истиғфор айт. Албатта, сен хато қилгувчилардан бўлдинг.

30. Шаҳардаги аёллар: «Азизнинг аёли ўз хизматкорини йўлдан урмоқчи бўлибди. Роса юрагидан урибди-да! Албатта, биз уни очик залолатда деб биламиз», дедилар.

31. Аёлларнинг ғийбатларини эшитгач, уларга одам юборди ва суяниб ўтирадиган жой тайёрлади ҳамда улардан ҳар бирига биттадан пичоқ бериб қўйди. Кейин (Юсуфга): «Уларнинг олдига чик», деди. Уни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолдилар ва қўлларини кеса бошладилар. (Ҳайратланиб): «Ё Аллоҳ, ахир бу одам эмас, ғирт фариштанинг ўзи-ку», деб юбордилар.

32. Деди: «Мени мана шу (бола) борасида маломат қилгандинглар. Мен уни йўлдан урмоқчи бўлдим. Лекин у ўзини асради. Шу ишни қилмаса, фармон бераман, у қамалади ва хор бўлади».

33. Деди: «Парвардигорим, мен учун булар чорлаётган ишдан кўра зиндон яхшироқ. Уларнинг найрангларини мендан нари қилмасанг, уларга мойил бўлиб, нодонлардан бўлиб қолурман».

34. Бас, Парвардигори унинг (дуосини) ижобат

қилиб, уларнинг макрларини ундан нари қилди. У Эшитгувчи, Билгувчи Зотдир.

35. Сўнгра оят-аломатларни кўрганларидан кейин уни бир муддат қамаб туриш уларга маъқул кўринди.

36. Зиндонга у билан бирга яна икки йигит тушган эди. Улардан бири деди: «Мен тушимда шароб тайёрлаётган эмишман». Бошқаси эса: «Мен бошим устида нон кўтариб турганмишман, қушлар ундан чўқиётган эмишлар. Сен бизга шунинг таъбирини айтиб бер. Сенинг яхши ишлар қилувчи одам эканингни кўриб турибмиз», деди.

37. Деди: «Сизларга ризқ бўлиб келадиган таомнинг қандайлигини келишидан олдин айтиб бера оламан. Бу иш менга Парвардигорим билдирган нарсалардандир. Мен Аллоҳга иймон келтирмайдиган ва охиратга батамом кофир бўлган қавмнинг динини тарк қилганман».

38. Боболарим Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқуб динига эргашганман. Биз учун Аллоҳга бирон нарсани шерик қилиш жоиз эмас. Бу Аллоҳнинг бизга ва одамларга кўрсатган фазлу марҳаматидандир. Лекин кўп одамлар шукр қилмайдилар.

39. Эй ҳамзиндон дўстларим, турли-туман худоларяхшимиёки ЯгонаваҒолиб Аллоҳми?

40. Сизлар Уни қўйиб, ўзларингиз ва ота-боболарингиз номлаб олган исмлардан бошқа нарсага ибодат қилмайсизлар. Аллоҳ уларга бирон ҳужжат нозил қилган эмас. Ҳукм фақат Аллоҳники. Унгагина ибодат қилишингизни буюрган. Тўғри дин мана шу. Лекин кўп одамлар билмайдилар.
41. Эй ҳамзиндон дўстларим, бирингиз хожасига соқийлик қилади. Бошқангиз эса осилади ва унинг бошидан қушлар чўқийдилар. Сизлар сўраган иш ҳукм (тақдир) қилингандир.
42. Иккисидан нажот топадигани деб ўйлаганига: «Мени хожанг олдида ёдга ол», деди. Шайтон унга хожаси олдида ёдга олишни унуттирди. Бас, зиндонда яна бир неча йил қолиб кетди.
43. Подшоҳ деди: «Мен тушимда еттита ориқ сигир еттита семиз сигирни еяётганини ва еттита яшил бошоқни ва шунча қуруғини кўрдим. Эй аъёнлар, агар туш таъбирини айтадиган бўлсангиз, менга тушимнинг таъбирини айтинг».
44. Дедилар: «Бу алоқ-чалок тушлар. Биз бундай тушларнинг таъбирини билгувчи эмасмиз».
45. Иккисидан нажот топгани бир муддатдан кейин эсига келиб: «Унинг таъбирини мен айтаман, мени юборинглар», деди.
46. Деди: «Юсуф, эй ростгўй йигит, етти ориқ сигирнинг етти семиз сигирни егани, етти яшил

бошок ва шунча қуриганлари ҳақидаги (туш) таъбирини бизга айтиб бер. Шояд, одамларга қайтиб бориб (уларга айтсам) ва улар билсалар».

47. Деди: «Кетма-кет етти йил дон экинглари. Ҳосилини бошоғида қолдиришлар. Ўзингиз ейдиган озгина қисми бундан мустасно».

48. «Мана шундан кейин етти йил қаҳатчилик келиб, тайёрлаб қўйган ҳосилингизни ейди. Фақат озгина асраб қўйганингизгина қолади».

49. Ўшандан кейин шундай йил келадики, унда одамлар учун сероб ёмғир ёғади ва (меваларни) сиқадилар.

50. Подшоҳ: «Уни олдимга олиб келишлар», деди. Элчи унинг олдига келгач, у деди: «Хожангнинг ёнига қайтиб бориб, ундан қўлларини кесган аёллар аҳволи нима бўлганини сўра. Албатта, Парвардигорим уларнинг макрларини билгувчидир».

51. Деди: «Юсуфни йўлдан урмоқчи бўлган вақтингизда нима бўлган эди?» Дедилар: «Аллоҳ асрасин! Биз унда бирон ёмонликни кўрмаганмиз». Азизнинг хотини деди: «Энди ҳақиқат тантана қилди. Уни мен йўлдан урмоқчи бўлган эдим. У, шак-шубҳасиз, ростгўйлардандир».

52. Бу (гапни айтишимнинг сабаби) мен унга йўқлигида хиёнат қилмаганимни билиб қўйиши учундир. Аллоҳ хоинларнинг

макрига йўл бермас.

- 53.** «Мен нафсимни оқламайман. Нафс ёмонликка буюргувчидир. Парвардигорим раҳм қилган ҳолатгина бундан мустасно. Парвардигорим Кечиргувчи, Меҳрибон Зотдир».
- 54.** Подшоҳ деди: «Уни ҳузуримга олиб келинглар, ўзимнинг хос кишиларимдан қилиб оламан». У билан сўзлашгач: «Сен бу кун бизнинг даргоҳимизда мартабали, ишончли кишидирсан», деди.
- 55.** Деди: «Мени ер хазиналари устидан (масъул) қилиб қўй. Мен сақловчи ва билимлиман».
- 56.** Шундай қилиб, Юсуфни (Миср) ерида имкониятли одамга айлантирдик. У ўзи хоҳлаган ерда яшайдиган бўлди. Биз марҳаматимизни Ўзимиз хоҳлаган одамга етказурмиз ва гўзал амал қилгувчиларнинг ажрини зое қилмасмиз.
- 57.** Иймон келтирган ва тақводор бўлганлар учун, албатта, охиратдаги ажр яхшироқдир.
- 58.** Юсуфнинг ака-укалари келиб, унинг олдида кирдилар. (Юсуф) уларни таниди. Улар эса (Юсуфни) танимадилар.
- 59.** Уларнинг ишларини битириб бергач: «Ота бир укангизни ҳам менинг олдимга олиб келинглар. Менинг ўлчовни тўла қилиб бераётганимни ва яхши мезбон эканимни кўрмайпсизларми?», деди.
- 60.** «Агар уни олиб келмасангизлар, менда

сизларга берадиган ҳеч нарса йўқ ва менга яқин ҳам келманглар».

61. Дедилар: «Уни отасидан сўраб кўрамиз. Бу ишни бажарамиз».

62. У йигитларига деди: «Уларнинг нарсаларини юклари ичига солиб қўйинглар. Шояд, уйларига борганларида уларни таниб, қайтиб келсалар».

63. Оталари ёнига қайтгач: «Отажон, укамизни биз билан юбормасанг, бизга озиқ-овқат берилмайдиган бўлди. Биз уни асраб-авайлагувчилармиз», дедилар.

64. Деди: «Уни сизларга илгари акасини ишониб топширганимдек, ишониб топширайми? Сақлагувчилик борасида Аллоҳ яхшироқдир. У меҳрибонларнинг меҳрибонроғидир».

65. Юкларини очишгач, нарсалари ўзларига қайтарилганини кўрдилар. Дедилар: «Отажон, бундан ортиқ яна нима истаймиз? Нарсаларимиз ўзимизга қайтарилибди. Оиламизга озиқ-овқат келтирурмиз. Укамизни асраб-авайлаймиз. Яна бир туя юкни ортиқроқ олурмиз. Бу озгина нарсадир».

66. Деди: «Уни албатта қайтариб олиб келишингиз ҳақида Аллоҳ номига онт ичмагунингизча уни сизлар билан бирга юбормайман. (Ҳалокатга) ўралиб қолишингиз бундан мустасно». Улар онт

ичишгач, деди: «Айтаётган гапларимизга Аллоҳ Вакилдир».

67. Деди: «Эй ўғилларим, битта эшикдан кирманглар. Ҳар хил эшиклардан киринглар. Мен сизлардан Аллоҳнинг бирон ҳукмини қайтара олмайман. Ҳукм қилиш ёлғиз Аллоҳники. Унгагина таяндим. Таянадиганлар Унгагина таянсинлар».

68. Улар оталари буюрган тарафдан кирганларида ҳам бу ишлари Аллоҳ тарафидан бўлган бирон ишни қайтара олмас эди. Бу фақат Яъқубнинг кўнглидаги бир эҳтиёж эдики, ўшани амалга ошириб қўйганди, холос. Биз унга таълим берганимиз туфайли у билимдон эди. Лекин кўп одамлар билмайдилар.

69. Юсуфнинг олдида кирганларида у укасига ёнидан жой бериб: «Мен сенинг акангман. Уларнинг қилган ишларидан хафа бўлма», деди.

70. Уларнинг ҳожатини чиқаргач, укасининг юкига бир идишни солиб қўйди. Кейин жарчи: «Эй карвон, сизлар ўғрисизлар», деб жар солди.

71. Улар (жарчиларга) қараб: «Нимани йўқотдинглар?», дедилар.

72. Дедилар: «Подшоҳнинг идишини йўқотдик. Уни топиб келтирган кишига бир туя юк. Мен шунга вакилман».

73. Дедилар: «Аллоҳга қасамки, билиб турибсизлар, биз бу ерга бузғунчилик қилиш учун келмаганмиз ва биз ўғрилар ҳам эмасмиз».
74. Дедилар: «Агар ёлғончи бўлиб чиқсангиз, унинг жазоси нима?»
75. Дедилар: «Кимнинг юкидан топилса, ўша жазоланур. Ўша унинг жазосидир. Биз золимларни мана шундай жазолаймиз».
76. Укасининг идишидан олдин бошқаларнинг идишидан бошлади. Кейин уни укасининг идишидан чиқариб олди. Биз Юсуф учун мана шундай ҳийла қилдик. Подшоҳнинг дини бўйича укасини олиб қола олмас эди. Аллоҳнинг хоҳлагани бўлиши бундан мустасно. Биз Ўзимиз истаган одамнинг даражаларини юксалтирамиз. Ҳар бир илм эгаси устида бир билимдонроқ бор.
77. Дедилар: «У ўғирлаган бўлса, олдин унинг акаси ҳам ўғирлаган эди». Юсуф бунинг кўнглига тугиб қўйди. Уларга ошкор қилмади. Деди: «Сизлар ёмон-тубан мартабададирсизлар. Аллоҳ сизлар васф этаётган ишни яхши Билгувчи Зотдир».
78. Дедилар: «Эй Азиз, унинг бир кекса отаси бор. Унинг ўрнига биронтамизни олиб қол. Сенинг ишни чиройли қиладиган (яхши одам) эканингни кўриб турибмиз».

79. Деди: «Нарсамизни кимдан топиб олган бўлсак, ўшани олиб қоламиз. Ундан бошқани олиб қолишдан Аллоҳ асрасин. У ҳолда золимлар бўлиб қоламиз».
80. Ундан умидлари узилгач, яширинча маслаҳатлашдилар. Катталаридеди: «Отангиз сизлардан Аллоҳни ўртага қўйиб аҳд олганини билмайсизларми? Олдинроқ Юсуф борасида ҳам хатога йўл қўйган эдингизлар. Энди мен то отам рухсат бермагунича ёки Аллоҳ менга Ўз ҳукмини чиқармагунича бу ерни тарк этмайман. У ҳукм қилгувчиларнинг энг яхшисидир».
81. Отангиз олдига қайтиб, шундай денглар: «Отажон, ўғлинг ўғрилиқ қилди. Биз фақат билган нарсамизга гувоҳлик беряпмиз. Биз ғайбни билмаган эдик.
82. Биз бориб келган шаҳардан ва биз билан келган карвондан сўра. Биз аниқ рост гапиряпмиз».
83. Деди: «Аксинча! Сизларга ҳавойи нафсингиз ишни бўяб кўрсатган. Энди (менга) чиройли сабр (қилишдан бошқа чора қолмади). Шоядки, Аллоҳ уларнинг ҳаммасини бағримга қайтарса. Албатта, У Билгувчи ва Ҳаким Зотдир».
84. Улардан юз ўгириб: «Оҳ, бечора Юсуф!», деди. Хафаликдан кўзлари оқарди (кўр бўлиб қолди). У дардини ичига ютувчидир.
85. Дедилар: «Аллоҳга қасамки, ўлим ёқасига

боргунингча ёки ҳалок бўлгунингча Юсуфни эслайверасан».

86. Деди: «Ғаму қайғуларимдан ёлғиз Аллоҳга шикоят қиламан. Аллоҳ ҳақида сизлар билмаган нарсаларни биламан».

87. Эй ўғилларим, боринглар, Юсуф ва унинг укасидан хабар олинглар. Аллоҳнинг раҳматидан умид узманглар. Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофир қавмларгина умид узадилар.

88. Унинг олдига киришгач, дедилар: «Эй Азиз, биз ва оиламиз қурғоқчиликка гирифтор бўлдик ва арзимаган молларни олиб келдик. Бизга ўлчовни тўла қилиб бер ва бизга садақа ҳам қил. Аллоҳ садақа қилгувчиларни мукофотлайди».

89. Деди: «Нодонлик пайтингизда Юсуф ва унинг укасига нималар қилганингизни билганмисиз?»

90. Дедилар: «Сен Юсуфмисан?» Деди: «Мен Юсуфман ва бу укам. Аллоҳ бизга фазлу марҳамат кўрсатди. Зеро, ким такво ва сабр қилса, албатта, Аллоҳ яхшилик қилгувчиларнинг ажрини зое қилмас».

91. Дедилар: «Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сени биздан устун қилибди. Биз эса хатокорлардан бўлдик».

92. Деди: «Бугун сизларни айблаш йўқ. Аллоҳ сизларни мағфират қилур. У

рахмлилар раҳмлироғидир».

93. «Мана бу кўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзига ташланглар, кўзи очилур. Кейин барчангиз оилангиз билан менинг олдимга келинглар».
94. Карвон йўлга чиққач, оталари деди: «Мени ақлдан озган деманглар-у, мен Юсуфнинг бўйини туймоқдаман».
95. Дедилар: «Аллоҳга қасамки, сен ҳали ҳам олдингидек адашишлигингдасан».
96. Хушхабарчи келиб, ўшани унинг юзига ташлагач, кўзи қайта очилди. Деди: «Мен Аллоҳ ҳақида сизлар билмаган нарсаларни биладман, демаганмидим?»
97. Дедилар: «Отажон, гуноҳларимиз учун мағфират сўра. Биз хатокорлар бўлган эканмиз».
98. Деди: «Сизлар учун Парвардигоримдан мағфират сўрайман. У Мағфиратли, Раҳмли Зотдир».
99. Юсуфнинг олдида кирганларида у ота-онасини қучоқлаб: «Мисрга тинч-омон кириглар, иншооллоҳ», деди.
100. У ота-онасини тахтга чиқарди. Унга сажда қилиб эгилдилар. Деди: «Отажон, мана шу олдин кўрган тушимнинг таъбири. Уни Парвардигорим рўёбга чиқарди. У Зот менга яхшилик қилди. Мени зиндондан чиқарди. Шайтон мен билан акаларим орасида иғво

қилганидан кейин ҳам сизларни саҳродан олиб келди. Албатта, Парвардигорим Ўзи хоҳлаган ишни сездирмай қиладиган Зотдир. У Билгувчи ва Ҳакимдир.

101. Парвардигорим, менга мулк бердинг ва тушлар таъбирини ўргатдинг. Эй осмонлару ерни яратган Зот, дунёю охиратда Сен Хожамсан. Мусулмон ҳолимда жонимни олгин ва мени яхшилар қаторига қўшгин».

102. Буғайб хабарларидандир. Уни сизга ваҳий қиляпмиз. Улар ҳийла-найранг қилишга келишиб олган пайтларида сиз уларнинг ёнида бўлмагансиз.

103. Гарчи ҳарис бўлсангиз-да, одамларнинг кўплари мўмин эмаслар.

104. Сиз улардан бу иш учун ажр сўрамайсиз. У оламлар учун бир эслатмадан бошқа нарса эмас.

105. Осмонлару ерда қанчадан-қанча оят-аломатлар бор. Уларнинг ёнидан ўтиб қолсалар, юз ўгириб ўтадилар.

106. Уларнинг кўплари Аллоҳга мушрик ҳолларида иймон келтирадилар.

107. Улар Аллоҳнинг азобидан (ҳаммаларини) қамраб оладиган бир офат келишидан ёки ўзлари сезмаганлари ҳолда тўсатдан Қиёмат бўлиб қолишидан хотиржаммилар?

108. Айтинг: «Шу менинг йўлим. Мен ҳам, менга эргашганлар ҳам аниқ ҳужжат

билан Аллоҳга даъват қиламиз. Мен мушриклардан эмасман».

109. Сиздан олдин шаҳар аҳлидан фақат эркак кишиларни пайғамбар қилиб, уларга ваҳий юбордик. Ер юзида юриб, олдингиларнинг оқибати қандай бўлганига назар солмайдиларми? Тақво қиладиганлар учун охират диёри яхшироқдир. Ақлларини ишлатмайдиларми?

110. Пайғамбарлар умидсизланиб, биз ёлғончига чиқарилдик, деб ўйлаб қолганларида уларга Бизнинг мададимиз келди. Шу билан Биз истаган одамлар нажот топди. Жиноятчи қавмдан эса азобимиз қайтарилмас.

111. Уларнинг қиссаларида ақл эгаларига бир ибрат бор эди. У тўқилган гап эмас, балки ўзидан олдингиларни тасдиқлаб келган ва ҳамма нарсани тафсилоти билан айтган ҳамда иймон келтирган қавм учун ҳидоят, раҳмат бўлган (Китобдир).

 Раъд сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Алиф, Лом, Мим, Ро. Ушбулар китобнинг оятларидир. Сизга Парвардигорингиз тарафидан нозил қилинган нарс ҳақдир. Лекин одамларнинг кўплари иймон келтирмайдилар.
2. Аллоҳ шундай Зотки, осмонларни устунсиз кўтариб қўйди. Сизлар уни кўриб турасизлар. Кейин Аршга кўтарилди. Қуёш ва ойни бўйсундирди. Ҳаммаси белгиланган муддатгача юради. У Зот ишнинг тадбирини қилади ва оятларни муфассал (баён) этади. Шоядки, Парвардигорингиз билан бўладиган учрашувга аниқ ишонсангизлар.
3. У шундай Зотки, ерни ёйди. Унга тоғлар ва анҳорларни жойлаштирди. Ҳар бир мевани жуфт-жуфт қилди. Кечани кундузга қоплайди. Бу ишларда фикр юритадиган қавм учун оят-аломатлар бор.
4. Заминда бир-бирига қўшни бўлган бўлак-бўлак ерлар бор. Узумзор боғлар, экинзорлар, шохлаган-шохламаган хурмолар бор. Ҳаммаси бир хил сув билан суғорилади. Таъмда уларнинг бирини иккинчисидан афзал қиламиз. Бу ишларда

ақл юритадиган қавм учун оят-аломатлар бор.

5. Ажабланадиган бўлсангиз, уларнинг: «Тупроқ бўлиб кетганимиздан кейин яна янгитдан яратиламизми?» - деган гапларидан ажабланинг. Улар Парвардигорларига куфр келтирган кимсалардир. Уларнинг бўйинларида кишанлар бўлгай. Улар дўзах эгалари бўлиб, унда абадий қолурлар.
6. Сиздан яхшиликдан олдин ёмонликни шошилтириб сўрайдилар. Улардан олдин ҳам бунга мисоллар ўтган. Одамларнинг зулмига қарамасдан, Парвардигорингиз улар учун мағфиратли Зотдир. Парвардигорингиз азоби қаттиқ Зотдир.
7. Куфр келтирганлар: «Унга Парвардигори тарафидан бир оят-аломат нозил қилинса эди», дейдилар. Сиз фақат огоҳлантириб қўювчисиз, холос. Ҳар бир қавм учун бир ҳидоятга бошловчи бор.
8. Аллоҳ ҳар бир аёлнинг ҳомиласини билади. Бачадонлар (муддатидан) эрта ташлаб юборганини ҳам, (муддатидан) ўтиб кетганини ҳам. У Зотнинг ҳузурида ҳар бир нарса ўлчовлидир.
9. У ғайбу шаҳодатни билгувчи буюк, олий Зотдир.
10. Сизлардан кимдир яшириб гапирадими,

ошкора гапирадими, кимдир кечасига яшириниб оладими, кундузида ошкор юрадими, У Зот учун баробардир.

11. Инсоннинг олдидан ҳам, ортидан ҳам кузатувчилари бўлиб, Аллоҳнинг амри ила уни муҳофаза қилиб турадилар. Бир қавм то ўзининг аҳволини ўзгартирмагунича Аллоҳ унинг аҳволини ўзгартирмас. Аллоҳ бир қавмга ёмонлик қилмоқчи бўлса, уни қайтара оладиган (куч) йўқдир. Улар учун (Аллоҳ)дан ўзга бошқарувчи йўқдир.
12. У шундай Зотки, сизларга чакмоқни хавф ва умид қилиб кўрсатади ҳамда оғир булутларни пайдо қилади.
13. Момақалдирок ҳам У Зотга ҳамд ила тасбеҳ айтади. Фаришталар ҳам У Зотдан кўркқанларидан (тасбеҳ айтурлар). У Зот яшинлар юбориб, улар билан Ўзи истаган кишиларни уради. (Яшин урган пайтда) улар Аллоҳ ҳақида талашиб-тортишаётган бўладилар. У қаттиқ ушлайдиган Зотдир.
14. Ҳақиқий дуо фақат Унга қилинур. Ундан бошқага дуо қиладиганларнинг биронта (дуосини бутлари) ижобат қилмас. Улар худди оғзига сув етиб бориши учун икки қўлини сувга теккизиб қўяётган одамга ўхшайдилар. Сув унинг оғзига етиб бормади. Кофирларнинг дуоси залолатдан ўзга нарса эмас.

15. Аллоҳга осмонлару ердаги кимсалар ва уларнинг соялари ихтиёрий тарзда ҳам, мажбурий тарзда ҳам эрта-ю кеч сажда қилурлар.
16. Айтинг: «Осмонлару ернинг парвардигори ким?» Айтинг: «Аллоҳ». Айтинг: «Уни қўйиб, ўзларига ҳам фойда ва зарар келтира олмайдиган нарсаларни дўст қилиб олдингизми?» Айтинг: «Кўр билан кўзи очик тенгми? Қоронғуликлар билан нур тенгми?» Ёки улар Аллоҳга шериклар қилдилармики, улар Аллоҳ каби яратганлар-у, кейин уларга яратилганлар чалкашиб кетганми? Айтинг: «Ҳамма нарсанинг яратувчиси Аллоҳдир. У Ягонадир, Қаҳҳордир».
17. Осмондан ёмғир ёғдирди. У ўзига яраша жилғалар бўлиб оқди. Сел сув устида кўпикларни ҳам кўтариб келди. Тақинчок ёки асбоб-ускуна яшаш учун ўт ёққанда ҳам мана шундай кўпик (чиқинди) ҳосил бўлур. Аллоҳ ҳақ билан ботилни мана шундай зарбулмасал қилади. Кўпик ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади. Одамларга фойдаси тегадиган нарса эса ер юзида қолади. Аллоҳ масалларни мана шундай зарб қилади.
18. Парвардигорларига қулоқ солганлар учун гўзал оқибат бордир. Қулоқ солмаганлар эса... Агар ер юзидаги ҳамма нарса ва яна

ўшанча нарса уларники бўлса ҳам уни фидо қилиб юборган бўлардилар. Улар учун ёмон ҳисоб бордир. Уларнинг ўрни жаҳаннамдир. У нақадар ёмон жойдир.

19. Сизга Парвардигорингиз тарафидан ҳақ нозил қилинганини биладиган одам кўр кишига ўхшайдими? Фақат ақли борларгина эслатма-ибрат ола биладилар.

20. Улар Аллоҳга берган аҳдларига вафо қиладиган ва ваъдани бузмайдиган зотлардир.

21. Улар Аллоҳ боғланишга буюрган нарсаларни (қариндош-уруғчилик ришталарини) боғлайдилар. Парвардигорларидан кўрқадилар. Ёмон ҳисобдан хавфсирайдилар.

22. Парвардигорларининг Юзини истаб сабр қилганлар, намозни тўқис адо этганлар, Биз берган ризқдан сарфлаганлар, ёмонликка яхшилик билан жавоб қайтарганлар, ана ўшалар учун оқибат диёри бордир.

23. Адн жаннатларики, унга ўзлари, солиҳ ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётлари кирадилар. Ҳар эшикдан уларнинг олдига фаришталар кириб:

24. «Сабр қилганингиз учун сизларга саломатлик бўлсин. Охират диёри нақадар яхши!» - (дейдилар).

25. Аллоҳга аҳд берганларидан кейин уни бузадиганлар, Аллоҳ боғланишга буюрган ишни узадиганлар, ер юзида бузғунчилик

қиладиганлар, ана ўшалар учун лаънат ва ёмон диёр бордир.

26. Аллоҳ Ўзи истаган одамига ризқни кенг қилади, (истаганига) танг қилади. Улар дунё ҳаётига хурсанд бўлдилар. Ҳолбуки, дунё ҳаёти охираат олдида бир арзимас матодир.

27. Куфр келтирганлар: «Унга Парвардигоридан бир оят-мўъжиза нозил қилинса эди», дейдилар. Айтинг: «Аллоҳ Ўзи истаган бандасини адаштиради ва (тавба қилиб) қайтганларни Ўзи сари бошлайди».

28. Улар иймон келтирган ва қалблари Аллоҳни эслаш ила хотиржам бўладиган зотлардир. Огоҳ бўлингизким, қалблар Аллоҳни эслаш ила ором олур.

29. Иймон келтирганлар ва яхши амалларни қилганлар учун хурсандлик ва гўзал оқибат бордир.

30. Шундай қилиб, Биз сизни бир умматга пайғамбар қилиб юбордик. Ундан олдин ҳам умматлар ўтган. Уларга Биз ваҳий қилган оятларни тиловат қилиб берасиз. Улар Раҳмонга куфр келтирадилар. Айтинг: «У Парвардигоримдир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Унгагина суяндим. Тавба ҳам ёлғиз Унга қилинур».

31. Агар бир Қуръон бўлиб, у билан тоғлар жилдирилса ё ер ёрилса ёки ўликлар

тилга кирса (у ҳам шу Қуръон бўларди). Лекин ишнинг ҳаммаси Аллоҳники. Иймон келтирганлар Аллоҳ хоҳлаганида одамларнинг ҳаммасини ҳидоятга бошлаши мумкинлигини билмайдиларми? То Аллоҳнинг ваъдаси келгунига қадар куфр келтирган кимсаларга офатлар етаверади, диёрларига яқин жойларга кулфатлар тушаверади. Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмайди.

32. Сиздан олдин ҳам пайғамбарлар масхара қилинган. Куфр келтирган кимсаларга муҳлат берганман. Кейин уларни (азоб билан) ушлаганман. Азоб қандай (ҳам қаттиқ, шиддатли) бўлган эди?
33. Ҳар бир жоннинг қилган ишини кузатиб турган Зот (маъбудликка лойиқми ёки анави бутларми?) Улар Аллоҳга шериклар қилдилар. Айтинг: «Уларнинг номларини айтинглар-чи. Ёки Унга ер юзида билмаган нарсаларини айтиб берарсизлар. Ёки бу шунчаки юзаки гапдир». Аксинча, куфр келтирган кимсаларга қилган ишлари чиройли қилиб кўрсатилди ва улар йўлдан тўсдилар. Аллоҳ кимни адаштириб қўйган бўлса, уни тўғрийўлга солгувчийўқдир.
34. Уларга шу дунё ҳаётида ҳам азоб бордир. Охират азоби эса, албатта, қаттиқроқдир. Улар учун Аллоҳ тарафидан бирон ҳимоячи бўлмас.

- 35.** Такводорларга ваъда қилинган жаннатнинг мисоли шуки, унинг остидан анҳорлар оқиб ўтади, мевалари ва сояси доимийдир. Бу такво қилган зотларнинг оқибатидир. Кофирларнинг оқибати эса дўзахдир.
- 36.** Биз китоб берган кишилар сизга нозил қилинган нарсага хурсанд бўладилар. Тўдалар орасида унинг айримларини инкор қиладиганлари ҳам бор. Айтинг: «Мен Аллоҳга ибодат қилишга, Унга ширк келтирмасликка буюрилганман. Унгагина даъват қиламан ва қайтишим ҳам ёлғиз Унгадир».
- 37.** Шунингдек, биз уни арабий ҳукм қилиб нозил қилдик. Сизга илм келганидан кейин ҳам уларнинг ҳавойи нафсларига эргашсангиз, сизга Аллоҳ тарафидан бирон дўст ҳам, ҳимоячи ҳам бўлмас.
- 38.** Биз сиздан олдин ҳам пайғамбарлар юборганмиз. Уларга жуфтлар ва зурриёт берганмиз. Аллоҳнинг изнисиз бирон пайғамбарнинг бирон оят-мўъжиза келтиришга ҳаққи бўлмаган. Ҳар бир муддатнинг ўз китоби бордир.
- 39.** Аллоҳ хоҳлаганини ўчиради, хоҳлаганини ёзади. Асл Китоб Унинг даргоҳидадир.
- 40.** Уларга қилган ваъдамизнинг айримларини сизга кўрсатамизми ё (кўрсатишдан олдин)

сизни вафот эттирамизми, (фарқи йўқ), сизнинг зиммангиздаги вазифа етказиб қўйишдир. Ҳисоб олиш эса Бизнинг зиммамиздадир.

41. Кўрмадилармики, Биз у ерга келиб, унинг атрофидан камайтиряпмиз-ку. Аллоҳ ҳукм қилади ва Унинг ҳукмини ҳеч кимса таъқиб этмас. У тез ҳисоб олгувчи Зотдир.
42. Улардан олдингилар ҳам макр қилдилар. Макрнинг ҳаммаси Аллоҳникидир. Ҳар бир жон нима қилаётганини билиб туради. Яқинда кофирлар оқибат диёри кимники эканини билиб оладилар.
43. Куфр келтирганлар: «Сен юборилган эмассан», дейдилар. Айтинг: «Мен билан сизларнинг орангизда Аллоҳ ва Китоб илмидан хабардор кимсалар гувоҳдир».

 Иброҳим сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Алиф, Лом, Ро. Китобки, Биз уни сизга одамларни Парвардигорларининг изни ила зулматлардан нурга - Азиз ва Ҳамид Зотнинг йўлига олиб чиқишингиз учун нозил қилдик.
2. Аллоҳ шундай зотки, осмонлару ердаги ҳамма нарса Уникидир. Кофирларга ҳалокат - қаттиқ азоб бўлгай.
3. Кофирларки, дунё ҳаётини охиратдан афзал кўрадилар. Аллоҳнинг йўлидан тўсадилар. Уни эгмоқчи бўладилар. Улар узоқ залолатдадир.
4. Қайси бир пайғамбарни юборган бўлсак, уни ўз қавмининг тили билан уларга баён қилиши учун юбордик. Бас, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган одамни адаштиради, хоҳлаган одамни тўғри йўлга солади. У Ғолиб ва Ҳаким Зотдир.
5. Биз Мусони оятларимиз ила: «Қавмингни зулматлардан нурга чиқар. Уларга Аллоҳнинг неъматларини эслат», (деб) пайғамбар қилиб юбордик. Албатта, бу ишда кўп сабр ва кўп шукр қилгувчилар учун оят-аломатлар бордир.
6. Ўшанда Мусо қавмига деди: «Аллоҳнинг

сизларга ато этган неъматларини эслангиз. Сизларни Фиръавн одамларидан қутқарди. Улар сизларга жуда ёмон азоб бераётганди. Ўғилларингизни сўйиб, аёлларингизни тирик қолдираётганди. Бу ишда сизлар учун Парвардигорингиз тарафидан буюк синов бордир».

7. Парвардигорингиз билдирган (мана бу гапларни ҳам) эслангиз: «Шукр қилсангизлар, зиёда қиламан. Нонкўрлик қилсангизлар, азобим қаттиқдир».
8. Мусо деди: «Сизлар ва ер юзидаги ҳамма одамлар куфр келтирсангизлар ҳам (ўзингизга зарар қиласиз, холос). Зеро, Аллоҳ беҳожат ва мактовга лойиқ Зотдир».
9. Сизларга илгари ўтган Нух, Од, Самуд ва улардан кейин келган, сонини Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмайдиган қавмларнинг хабарикелмадими? Уларга пайғамбарлари ҳужжатлар келтирдилар. Улар эса рад этиб, қўллари билан пайғамбарларнинг оғзиларини тўсдилар ва дедилар: «Биз сизлар юборилган нарсага куфр келтирдик ва биз сизлар даъват қилаётган иш борасида шак-шубҳададирмиз».
10. Пайғамбарлари дедилар: «Осмонлару ерни яратган Аллоҳ ҳақида шубҳа бўлиши мумкинми? Сизларни гуноҳларингизни мағфират қилиши ва ўзингизни маълум

муддатга (ҳалок қилмай) қолдиришига чорлаяпти-ку». Дедилар: «Сизлар ўзимизга ўхшаган одамдан ўзга нарса эмассизлар. Ота-боболаримиз ибодат қилиб келган бутлардан бизни тўсмоқчи бўляпсизлар. Бас, очиқ ҳужжат келтиринглар-чи».

11. Уларга пайғамбарлари дедилар: «Биз ҳам сизларга ўхшаган одамлармиз, холос. Лекин Аллоҳ бандаларидан Ўзи хоҳлаганига инъом қилади. Биз фақат Аллоҳнинг изни билангина сизларга бир ҳужжат келтира оламиз. Мўминлар Аллоҳгагина суянсинлар».
12. Нега энди Аллоҳга суянмас эканмиз? У Зот бизни йўлларимизга ҳидоят қилиб қўйди-ку! Сизлар бераётган озорларга албатта сабр қиламиз. Суянадиганлар ёлғиз Аллоҳгагина суянсинлар.
13. Куфр келтирган кимсалар пайғамбарларига дедилар: «Ё сизларни еримиздан ҳайдаб чиқарамиз, ё бизнинг динимизга қайтасизлар». Шунда Парвардигорлари уларга ваҳий қилди: «Золимларни албатта ҳалок қилурмиз».
14. Улардан кейин ерни сизларга маскан қилиб берурмиз. Бу Менинг ҳузуримда туришдан қўрқадиган ва вайдимдан ҳам қўрқадиган зотлар учундир.
15. Мадад сўрадилар. (Шу билан) ҳар бир

саркаш золим умидсизликка учради.

16. Унинг ортида жаҳаннам бордир. Йиринг сувдан суғорилур.

17. Уни ютмоқчи бўлади-ю, юта олмайди. Унга ҳар тарафдан ўлим келади-ю, ўла олмайди. Ортида эса даҳшатли азоб (туради).

18. Парвардигорларига куфр келтирганларнинг амаллари кулга ўхшайди. Бир бўронли кунда шамол қаттиқ эсиб қолса, касб қилиб топган нарсаларидан ҳеч нарсани ушлаб қола олмайдилар. Бу узоқ залолатдир.

19. Аллоҳосмонларуерниҳақиқияратибқўйганини кўрмадингми? Истаса, сизларни кетказиб, янги халқни олиб келади.

20. Бу иш Аллоҳга оғир эмас.

21. Ҳаммалари Аллоҳга рўбарў келдилар. Заифлар каттазанглик қилган кимсаларга дедилар: «Биз сизларга тобе эдик. Энди сизлар бизни Аллоҳнинг бирон азобидан қутқара оласизларми?» Дедилар: «Аллоҳ бизни ҳидоят қилганида биз сизларни ҳидоят қилган бўлар эдик. Энди биз додвой қиламизми, сабр қиламизми, фарқи йўқ, биз учун ҳеч қандай нажот йўқдир».

22. Иш битгач, шайтон деди: «Аллоҳ сизларга чин ваъда қилганди. Мен эса ёлғон ваъда бериб алдагандим. Мен учун сизларнинг устингиздан ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ эди. Ўзларингиз чақирган заҳотим, хўп, дея

қолдингиз. Энди мени эмас, ўзларингизни маломат қилинглар. Мен сизларга ёрдам бера олмайман, сизлар ҳам менга ёрдам бера олмайсизлар. Олдин сизлар мени Аллоҳга шерик қилганингларни инкор этаман». Золимлар учун аламли азоб бордир.

- 23.** Иймон келтирган ва яхши амалларни қилган зотлар остидан анҳорлар оқиб ўтадиган жаннатларга киритилиб, Парвардигорларининг изни ила у ерларда мангу қоладилар. У ерлардаги сўрашишлари (бир-бирларига) тинчлик-омонлик (тилаш) бўлади.
- 24.** Аллоҳ қандай мисол келтирганига боқмайсизми? Яхши сўз бир яхши дарахтга ўхшайди, унинг асли мустаҳкам, шохлари эса осмонда.
- 25.** Парвардигорининг изни ила ҳар доим мева бериб туради. Одамлар ибрат-эслатма олишлари учун Аллоҳ мана шундай мисоллар келтиради.
- 26.** Ёмон сўз эса қуриб ердан узилган ва ўзича тура олмайдиган бўлиб қолган ёмон дарахтга ўхшайди.
- 27.** Аллоҳиймонкелтирганларни собитсўз билан дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам собитқадам қилади. Аллоҳ золимларни адаштиради. Аллоҳ Ўзи истаган ишни қилади.
- 28.** Аллоҳнинг неъматини куфрга алмаштириб,

қавмларини ҳалокат чоҳига қулатганларни кўрмадингми?

29. Жаҳаннамки, унда ёнадилар. Нақадар ёмон жой!

30. Аллоҳнинг йўлидан адаштириш учун У Зотга шериклар қилдилар. Айтинг: «Фойдаланаверинглар-чи. Барибир борар жойингиз дўзах-ку».

31. Иймон келтирган бандаларимга айтингки, намозни тўкис адо этсинлар ҳамда ҳеч қандай савдолашиш ва ошна-оғайнигарчилик ўтмайдиган кун келишидан олдин Биз берган ризқдан яширин ва ошкора сарфласинлар.

32. Аллоҳ шундай Зотки, осмонлару ерни яратди. Самодан ёмғир ёғдириб, у орқали меваларни сизларга ризқ қилиб чиқарди. Сизларга кемаларни бўйсундирди. Токи улар Аллоҳнинг амри ила денгизда сузиб юрсинлар. У Зот сизларга анҳорларни ҳам бўйсундириб берди.

33. Сизларга мунтазам айланиб турадиган қуёш ва ойни бўйсундирди. Сизларга кеча ва кундузни бўйсундирди.

34. Сизларга сўраган нарсаларингизнинг ҳаммасидан берди. Аллоҳнинг неъматларини санаб, саноғига ета олмайсизлар. Албатта, инсон зоти ўта золим ва нонкўрдир.

35. Эсланг! Иброҳим деди: «Парвардигоро, бу

- шаҳарни тинч қилгин, мени ва болаларимни бутларга ибодат қилишдан йироқ айлагин.
- 36.** Парвардигорим, улар кўп одамларни йўлдан урдилар. Ким менга эргашса, ўша мендандир. Ким менга қарши чиқса, бас, Сен Кечиргувчи, Меҳрибонсан.
- 37.** Парвардигоро, мен зурриётимдан (бир қисмини) муҳаррам байтинг ёнидаги бир экинсиз водийга жойлаштирдим. Парвардигоро, намозни тўқис адо этишлари учун (шундай қилдим). Энди одамларнинг қалбларини уларга мойил бўладиган қилиб қўйгин ва уларга мевалардан ризқ ато этгин. Шоядки, шукр қилсалар.
- 38.** Парвардигоро, Сен биз яширган нарсаларни ҳам, ошкор қилган нарсаларни ҳам биласан. Аллоҳ учун ерда ҳам, самода ҳам бирон нарса яширин эмас.
- 39.** Кексайган пайтимда менга Исмоил ва Исҳоқни ато этган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Албатта, Парвардигорим дуони Эшитгувчидир.
- 40.** Парвардигорим, мени ва зурриётимни намозни тўқис адо этгувчи қилгин. Парвардигоро, дуойимни қабул айла.
- 41.** Парвардигоро, ҳисоб олинадиган куни мени, ота-онамни ва мўминларни мағфират қил».
- 42.** Сиз Аллоҳ золимлар қилаётган ишлардан беҳабар, деб ўйламанг. Фақат уларни кўзлар қотиб қоладиган кун учун кечиктириб

турибди, холос.

43. Бошларини кўтариб чопадилар. Кўзлари ўзларига қайтмайди. Қалблари эса бўм-бўш.
44. Одамларни уларга азоб келадиган кундан огоҳлантиринг. Ўшанда зулм қилган кимсалар: «Парвардигоро, бизга озгина муҳлат бер, даъватингни қабул қилиб, пайғамбарларга эргашурмиз», дейдилар. Олдин ўзингиз нобуд бўлмаслигингиз ҳақида қасам ичмаганмидингиз?
45. Ўзларига ўзлари зулм қилган кимсаларнинг масканларига жойлашдингиз. Биз уларни нималар қилганимиз сизларга аён бўлди. Сизларга мисоллар ҳам келтирдик.
46. Дарҳақиқат, улар макрларини қилдилар. Гарчи уларнинг макрларидан тоғлар завол топса-да, уларнинг макрлари Аллоҳ ҳузуридадир.
47. Аллоҳ пайғамбарларига берган ваъдасини бажармайди, деб ўйламанг. Албатта, Аллоҳ Ғолиб, қасос олувчидир.
48. (Қачон) Ер бошқа бир ерга айланиб, осмонлар ҳам (бошқа осмонларга) айланган ва ҳамма ягона қаҳҳор Зотга рўбарў бўлган кунда.
49. У кунда жинойтчиларни кишанбанд қилинганини кўрасиз.
50. Кийимлари қора мойдан бўлиб, юзларини олов қоплаб олади.
51. Аллоҳ ҳар бир жонга қилган ишига яраша жазо ё мукофотини бериши учун. Аллоҳ тез ҳисоб

олгувчи Зотдир.

- 52.** (Қуръон) инсонлар огоҳлантирилишлари ва У Зотнинг ягона маъбудлигини билишлари ҳамда ақл эгалари эслатма-ибрат олишлари учун бир баёнотдир.

 Ҳижр сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Алиф, Лом, Ро. Бу китоб ва очик Қуръоннинг оятларидир.
2. Ҳали куфр келтирганлар мусулмон бўлишни ҳам истаб қолурлар.
3. Уларни қўяверинг. Еб-ичиб, ҳузур қилиб, орзу-ҳавасларга алданиб юраверсинлар. Яқинда билиб оладилар.
4. Қайси бир шаҳарни ҳалок қилган бўлсак, унинг ўз муайян битиги (ажали) бўлган.
5. Бирон уммат ўз ажалидан олдга ҳам ўтиб кета олмайди, ортда ҳам қола олмайди.
6. Дедилар: «Эй ўзига зикр нозил қилинган кимса, сен аниқ телбасан!
7. Ростгўйлардан бўлсанг, бизга фаришталарни келтиргин-чи».
8. Биз фаришталарни фақат ҳақ билангина туширамиз ва у пайтда уларни кутиб ўтирилмайди.
9. Албатта, Биз зикрни нозил қилдик ва Биз уни сақлагувчилармиз.
10. Биз сиздан илгари олдингиларнинг гуруҳларига ҳам пайғамбарлар юборганмиз.
11. Уларга қайси бир пайғамбар келса, уни

масхара қилмасдан қўймас эдилар.

12. Биз уни мана шундай қилиб жинойтчиларнинг қалбларига йўллаб қўямиз.
13. Унга иймон келтирмайдилар. Ҳолбуки, аввалгиларнинг қонунияти ўтди.
14. Гарчи Биз уларга осмондан бир эшик очиб, улар кўтарила бошласалар ҳам.
15. «Кўзларимиз боғланди, балки биз сеҳрланган қавмимиз», деган бўлардилар.
16. Биз осмонда буржлар яратдик ва кузатувчилар учун уни безаб қўйдик.
17. Уни ҳар бир қувилган шайтондан муҳофаза қилдик.
18. Магар биронтаси ўғринча эшитиб олса, уни бир очик юлдуз ортидан қувар.
19. Ерни эса ёйдик. Унга тоғларни қўйдик. Унда ҳар бир нарсадан муайян миқдорда ўстирдик.
20. Унда сизлар учун ҳам, сизлар ризқини беролмайдиган жонзотлар учун ҳам тирикчилик манбаини яратиб қўйдик.
21. Манбалари Бизнинг Қўлимизда бўлмаган бирон нарса йўқ. Нозил қилганларимиз маълум миқдор, холос.
22. Шамолларни чанглатувчилар қилиб юбордик. Осмондан ёмғир ёғдириб, сизларни суғордик. Сизлар уни тўплаб олгувчи эмассиз.

23. Биз жон берурмиз ва жон олурмиз. Ворислар ҳам Бизмиз.
24. Сизлардан олдин ўтганларни ҳам билганмиз. Сизлардан кейин келадиганларни ҳам билганмиз.
25. Албатта, Парвардигорингизнинг Ўзи уларни тўплар. Албатта, У Ҳаким ва Билгувчи Зотдир.
26. Бизинсонни(сополсингари)куп-қуруқлойдан, ҳидланган қора балчикдан яратдик.
27. Жинни эса ундан олдин самум оловидан яратдик.
28. Эсланг! Парвардигорингиз фаришталарга деди: «Мен қуруқ лойдан, айниган қора балчикдан инсон яратувчиман».
29. «Бас, қачон уни ростлаб, унга Ўз Рухимдан пуфлаганимдан кейин унга сажда қилган ҳолингизда йиқилингиз!»
30. Бас, ҳамма фаришталар сажда қилдилар.
31. Фақат Иблисгина сажда қилувчилар билан бирга бўлишдан бош тортди.
32. Деди: «Эй Иблис, нима учун сен сажда қилгувчилар билан бирга бўлмадинг?»
33. Деди: «Сен қуруқ лойдан, айниган қора балчикдан яратган махлуққа сажда қилгувчи эмасман».
34. Деди: «Ундан чиқ. Бас, энди сен малъун, қувилгансан».
35. «То Қиёмат кунига қадар сенга лаънат бўлгай».

36. Деди: «Парвардигорим, улар қайта тириладиган кунга қадар менга муҳлат бер».
37. Деди: «Сен муҳлат берилганлардансан».
38. «Маълум вақт кунигача».
39. Деди: «Парвардигорим, мени йўлдан оздирганинг туфайли мен ҳам уларга (гуноҳ ишларни) чиройли қилиб кўрсатиб, ҳаммаларини йўлдан ураман».
40. «Улар орасидаги (тавҳид учун) танланган бандаларинггина бундан мустасно».
41. Деди: «Мана шу зиммамдаги тўғри йўлдир».
42. Шубҳасиз, Менинг бандаларим устидан сен учун ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ. Сенга эргашган гумроҳлар бундан мустасно.
43. Албатта, ҳаммаларининг ваъда қилинган жойи жаҳаннамдир.
44. Унинг етти эшиги бўлиб, ҳар бир эшик учун улардан маълум қисми (кириши тайин қилинган).
45. Такводорлар жаннатлар ва булоқлар ичра бўлурлар.
46. «Уларга тинчлик-омонлик ила киринглар».
47. Уларнинг дилларидаги гина-кудуратларни чиқариб ташладик. Сўриларда дўстона бир-бирларига қараб ўтирадилар.
48. Уларга у ерда бирон чарчоқ етмас ва улар у ердан чиқарилувчи эмаслар.
49. Бандаларимга хабар берингки, Кечиргувчи ва Меҳрибон Зот Мендурман.

50. «Ва, албатта, азобим аламли азобдир».
51. Уларга Иброҳимнинг меҳмонлари ҳақида хабар беринг.
52. Улар унинг ҳузурига кириб: «Салом», деганларида у: «Албатта, биз сизлардан қўркмоқдамиз», деди.
53. Дедилар: «Қўркма. Биз сенга бир билимдон бола ҳақида хушхабар олиб келдик».
54. Деди: «Мени кексалик тутган бир пайтда менга бу хушхабарни олиб келдингларми? Нимага асосланиб, бу хушхабарни айтяпсизлар?»
55. Дедилар: «Сенга чиндан хушхабар бердик. Умидсизлардан бўлма!»
56. Деди: «Фақат адашганларгина Парвардигорининг раҳматидан ноумид бўладилар».
57. Деди: «Эй элчилар, нима юмуш билан келдингиз?»
58. Дедилар: «Биз жинойтчи қавмга юборилдик».
59. «Фақат Лут оиласи бундан мустасно. Биз уларнинг ҳаммасини қутқарувчилармиз».
60. «Фақат унинг хотини бундан мустасно. Унинг қолувчилардан бўлишини тақдир қилдик».
61. Элчилар Лут оиласига келгач...
62. Деди: «Сизлар нотаниш одамларсиз».
63. Дедилар: «Аксинча, биз сенга улар шубҳаланаётган нарсани олиб келдик».
64. Биз сенинг ёнингга чиндан келдик ва биз ростгўйлармиз.

65. Кечанинг бир қисмида оиланг билан йўлга чиқ. Уларнинг ортидан кузатиб боравер. Сизлардан биронтангиз атрофга алангламасин. Буюрилган тарафга қараб юраверинглар.
66. Унга тонг пайтида анавиларнинг думи қирқилиши ҳақидаги мана шу фармонни ваҳий қилдик.
67. Шаҳар аҳли хурсанд бўлиб келдилар.
68. Деди: «Улар менинг меҳмонларим. Мени шарманда қилманглар.
69. Аллоҳдан қўрқинглар ва мени расво қилманглар».
70. Дедилар: «Биз сени оламлардан қайтармаганмидик?»
71. Деди: «Шу ишни қиладиган бўлсангизлар, анавилар қизларим».
72. Умрингизга қасамки, улар ўз мастликларида тентирамоқдалар.
73. Тонг оттирганларида уларни даҳшатли қичқирик тутди.
74. Шу билан уни (шаҳарни) остин-устун қилиб юбордик ва уларнинг устига сопол тошлар ёғдирдик.
75. Албатта, бу ишда фаросатли одамлар учун оят-аломатлар бордир.
76. Албатта, у боқий йўл устидадир.
77. Албатта, бу ишда мўминлар учун оят-ибрат бордир.

78. Шубҳасиз, дарахтзор эгалари золим бўлганлар.
79. Бас, Биз улардан интиқом олдик. Уларнинг ҳар иккиси ҳам очик йўл устидадир.
80. Албатта, Ҳижр эгалари Пайғамбарларни ёлғончига чиқардилар.
81. Уларга оятларимизни бердик. Улар эса юз ўгирувчи бўлдилар.
82. Улар тоғдан уйлар йўниб, тинч юрардилар.
83. Тонг оттирган пайтларида уларни даҳшатли қичқирик тутди.
84. Қилган касблари уларга бирон фойда бермади.
85. Биз осмонлару ерни ва улар орасидаги нарсаларни фақат ҳақ билан яратганмиз. Қиёмат албатта келгувчидир. Бас, чиройли тарзда юз ўгиринг.
86. Албатта, яратувчи ҳам, билгувчи ҳам Парвардигорингизнинг Ўзидир.
87. Дарҳақиқат, сизга етти такрорланувчини ва улуғ Қуръонни бердик.
88. Улардан айримларига Биз ато этган нарсаларга кўзингизни тикманг. Улар учун хафа ҳам бўлманг. Мўминлар учун қанотингизни паст тутинг.
89. Айтинг: «Албатта, мен очик-ойдин огоҳлантиргувчиман».
90. Худди тақсимловчиларга туширганимиз каби.
91. (Тақсимловчиларки), Қуръонни бўлак-бўлак

қилиб олдилар.

- 92.** Парвардигорингизга қасамки, уларнинг ҳаммасидан сўраймиз.
- 93.** Қилиб ўтган ишларидан.
- 94.** Бас, ўзингизга буюрилган ишни очиқланг ва мушриклардан юз ўғиринг.
- 95.** Албатта, Биз сизга масхара қилгувчилар борасида кифоя қилурмиз.
- 96.** Улар Аллоҳга бошқа илоҳни тенглаштирадилар. Яқинда билиб оладилар.
- 97.** Албатта, улар айтаётган гаплардан юрагингиз сиқилишини биламиз.
- 98.** Бас, Парвардигорингизга ҳамд, тасбеҳ айтинг ва сажда қилгувчилардан бўлинг.
- 99.** То сизга келиши аниқ бўлган нарса келгунига қадар Парвардигорингизга ибодат қилинг.

 Наҳл сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Аллоҳнинг фармони келди. Бас, уни шошилтирманглар. Аллоҳуларкелтираётган ширклардан пок ва олийдир.
2. Ўзи истаган бандаларига Ўз амри ила фаришталарни ваҳий билан туширади. «Огоҳлантиринглар! Мендан ўзга илоҳ йўқдир. Бас, Мендангина қўрқинглар».
3. Осмонлару ерни ҳақ билан яратди. Улар келтираётган ширклардан олий бўлди.
4. Инсонни бир нутфадан яратди. Энди эса у очик рақиб.
5. Сизлар учун чорва молларини яратди. Уларда сиз учун исиниш ва бошқа манфаатлар бор ва улардан озуқаланасизлар.
6. Сизлар учун уларнинг кечқурун ўтлаб қайтаётганларида ва эрталаб ўтлаш учун кетаётганларида бир гўзаллик бор.
7. Юкларингизни ўзларингиз жонларингизни қийнабгина олиб борадиган юртга элтиб беради. Албатта, Парвардигорингиз Меҳрибон ва Раҳмлидир.
8. От, хачир ва эшаклар уларни минишингиз ва безак учун. Сизлар билмаган нарсаларни ҳам яратур.

9. Тўғри йўлга (ҳидоят қилиш) ёлғиз Аллоҳ измидадир. (Йўллар) орасида эгриси ҳам бор. Агар истаганида сизларнинг ҳаммангизни ҳидоят қилган бўлар эди.
10. Сизларга осмондан сув (ёмғир) ёғдирган зот Удир. Ичимлигингиз ҳам ундан, ҳайвонларингизни боқадиган дов-дарахт (ўт-ўланлар) ҳам ундан.
11. Сизларга у орқали экин, зайтун, хурмо, узумлар ва ҳамма мевалардан ўстириб беради. Албатта, бу ишда фикр юритадиган қавм учун оят-аломат бордир.
12. Сизларга кечаю кундузни, қуёшу ойни бўйсундириб берди. Юлдузлар ҳам Унинг фармони ила бўйсундирилгандир. Албатта, бу ишда ақл юритадиганлар учун оят-аломатлар бор.
13. Сизлар учун ер юзида яратиб қўйган алвон турли нарсаларни (ҳам бўйсундириб берди). Албатта, бу ишда эслатма-ибрат оладиган қавм учун оят-аломат бор.
14. У шундай Зотки, денгизни бўйсундириб берди. Токи ундан янги гўшт (балиқни тутиб) ейсиз, яна ундан ўзингиз тақадиган тақинчоқларни чиқариб оласиз. Кўрасизки, кема сувни ёриб юради. У Зотнинг фазлидан умид қилишингиз учун ҳам (шундай қилди). Шоядки, шукр қилсангизлар.
15. Ер сизларни тебратиб юбормаслиги учун

унинг устига тоғларни ташлаб қўйди. Дарёларни ва тўғри йўлингизни топиб юришингиз учун йўлларни (яратди).

16. Белгилар (қўйди). Юлдузлар билан йўлларини топиб оладилар.

17. Яратадиган Зот билан яратмайдиган нарсa тенгми? Ўйламайсизларми?

18. Агар Аллоҳнинг неъматларини санасангизлар, саноғига ета олмайсизлар. Албатта, Аллоҳ Мағфиратли ва Меҳрибон Зотдир.

19. Аллоҳ нимани сир тутаётганингизни ва нимани ошкор қилаётганингизни билади.

20. Аллоҳни қўйиб, илтижо қилаётган бутлари бирон нарсани ярата олмайди. Уларнинг ўзлари яратиладилар.

21. Жонсиз ўликлардир. Қачон қайта тирилишларини ҳам сеза олмайдилар.

22. Илоҳингиз ягона илоҳдир. Охиратга ишонмайдиганларнинг қалблари мункирдир, ўзлари эса мутакаббирдирлар.

23. Шак-шубҳа йўқки, Аллоҳ нимани сир тутаётганларини ҳам, нимани ошкор этаётганларини ҳам билади. Албатта, У Зот мутакаббирларни ёқтирмайди.

24. Қачон уларга: «Парвардигорингиз нимани нозил қилди?» дейилса: «Аввалгиларнинг афсоналарини», дедилар.

25. Қиёмат куни ўзларининг гуноҳларини тўлалигича, билимсизларча

ўзлари йўлдан оздирганларининг гуноҳларидан ҳам қўшиб кўтариб олишлари учун. Огоҳ бўлингизким, улар орқалаб олган юк нақадар ёмон!

26. Улардан олдин ўтганлар ҳам макр қилдилар. Аллоҳ уларнинг биноларини пойдеворидан қулатди. Шу билан том уларнинг устига қулади. Уларга азоб ўзлари сезмаган тарафдан келди.

27. Кейин Қиёмат куни уларни хор қилиб дейди: «Ўша сизлар талашиб-тортишган «шерикларим» қани?» Илм берилган зотлар дедилар: «Бугун хорлик ва ёмонлик кофирлар устигадир».

28. Улар ўзларига ўзлари зулм қилиб турган ҳолларида фаришталар уларнинг жонини олади. Улар таслим бўлиб: «Ҳеч бир ёмонлик қилмаган эдик» (дейдилар). Йўқ! Албатта, Аллоҳ қилиб ўтган ишларингиздан Хабардордир.

29. Бас, жаҳаннам эшикларидан у ерда абадий қоладиган бўлиб киришлар. Мутакаббирларнинг борар жойи нақадар ёмон!

30. Тақво қилган зотларга: «Парвардигорингиз нимани нозил қилди?», дейилади. «Яхшилиқни», дейдилар улар. Яхшилиқ қилганларга бу дунёда ҳам яхшилиқ бордир. Албатта, охират диёри янада

яхшироқдир. Такводорларнинг маскани
нақадар яхши!

31. Адн жаннатлари. Уларга кирадилар.
Остидан анҳорлар оқиб ўтади.
Жаннатларда уларга истаган нарсалари
(муҳайё қилинади). Аллоҳ такводорларни
мана шундай мукофотлайди.

32. Фаришталар уларнинг жонларини пок
(беғуноҳ) ҳолларида
ола туриб: «Сизларга салом бўлсин. Қилиб ўтган
амалларингиз
учун жаннатга кириңглар», дейдилар.

33. Фаришталар келишидан ёки
Парвардигорингизнинг амри келишидан
бошқа нарсани кутмаяптилар. Улардан
олдингилар ҳам шундай қилгандилар.
Аллоҳ уларга зулм қилмаганди. Лекин
улар ўзларига ўзлари зулм қилгандилар.

34. Бас, қилганишларининг ёмонлиги ўзларига
уриб, масхара қилиб юрганлари ўзларини
ўраб олди.

35. Ширк келтирганлар: «Агар Аллоҳ
хоҳлаганида биз ҳам, ота-боболаримиз ҳам
Ундан бошқасига ибодат қилмаган, Усиз
бирон нарсани ҳаромга айлантирмаган бўлар
эдик», дедилар. Улардан олдингилар ҳам
худди шундай қилганлар. Пайғамбарларнинг
зиммасида очик етказиб қўйиш бор, холос.

36. Биз ҳар бир умматга бир пайғамбар юбордик.

«Аллоҳга бандалик қилинглар, шайтондан четланинглар». Улардан кимларигадир Аллоҳ ҳидоят берди. Кимларинингдир пешонасига залолат битилди. Бас, ер юзини кезиб юринглар. Ҳақни тан олмаганларнинг оқибати нима бўлганига қаранглар.

- 37.** Уларнинг ҳидоят топишларига (ҳар қанча) ҳарис бўлманг, Аллоҳ Ўзи адаштирадиган кимсани ҳидоят қилмайди. Улар учун (ҳеч қандай) ёрдам берувчилар ҳам бўлмайди.
- 38.** Жон-жаҳдлари билан: «Аллоҳ ўлганларни қайта тирилтирмайди», деб Аллоҳ номига қасам ичдилар. Асло! Бу У зотнинг зиммасидаги ҳақ ваъдадир. Лекин одамларнинг кўплари билмайдилар.
- 39.** Уларга ихтилоф қилган нарсаларини очиқлаб бериш учун. Куфр келтирганлар ўзларининг ёлғончи эканликларини билишлари учун.
- 40.** Бир нарсани истасак, унга «Бўл», дейишимиз кифоя, тамом, у бўлади.
- 41.** Зулмга учраганларидан кейин Аллоҳ йўлида ҳижрат қилганларга бу дунёда ҳам гўзал жойлар ато этамиз. Охират савоби эса каттароқдир, агар биладиган бўлсалар.
- 42.** Улар сабр қилган ва Парвардигорларигагина таянадиган зотлардир.
- 43.** Сиздан олдин ҳам фақат эркакларни

пайғамбар қилиб юборганмиз ва уларга ваҳий қилганмиз. Агар билмайдиган бўлсангизлар, аҳли илмлардан сўранглар.

44. Хужжатлар ва китоблар билан юбордик. Одамларга уларга нозил қилинган нарсани баён қилиб беришингиз учун сизга Зикрни нозил қилдик. Шоядки, улар фикр юритсалар.
45. Ёвуз найрангларни қилганлар Аллоҳнинг амри ила уларни ер ютиб юборишидан ёки уларга кутмаган тарафларидан азоб келишидан (қўрқмай) хотиржам юрибдиларми?
46. Ёки ҳаракат қилиб юрганларида (тўсатдан) тутиб қолишидан, кейин эса ўзларини ҳимоя қилолмай қолишларидан (қўрқмай, хотиржам юрибдиларми?)
47. Ёки У Зот уларни қўрқиб турган пайтларида олишидан ҳам (хотиржаммилар)? Албатта, Парвардигорингиз Меҳрибон ва Раҳмли Зотдир.
48. Аллоҳ яратган ҳар бир нарсанинг соялари ўнгу сўлларга мойил бўлиб, эгилган ҳолларида Аллоҳга сажда қилаётганларини кўрмадиларми?
49. Осмонлару ердаги ҳар бир жонзот ва фаришталар кибр қилмаган ҳолларида Аллоҳга сажда қиладилар.

50. Улар устиларидаги Парвардигорларидан кўрқадилар ва ўзларига буюрилган ишларнигина бажарадилар.
51. Аллоҳ деди: «Икки илоҳ тутмангиз. Биргина илоҳ бор. Бас, Мендангина кўрқингиз».
52. Осмонлару ердаги нарсалар Уникидир. Дин ҳам ҳар доим ёлғиз Уникидир. Аллоҳдан бошқасидан кўрқасизларми?
53. Сизларда қайси бир неъмат бўлса, (ҳаммаси) Аллоҳдандир. Кейин қачон сизларга бир мусибат етса, Унгагина илтижо қиласизлар.
54. Энди қачон сизлардан балони аритса, сизлардан бир гуруҳингиз яна Парвардигорларига ширк келтираверадилар.
55. Берган нарсаларимизга нонкўрлик қилаверсинлар. Бас, фойдаланаверингларчи. Яқинда билиб оласизлар.
56. Билмайдиган нарсалари учун Биз ризқ қилиб берган нарсалардан бир насиба ажратадилар. Аллоҳга қасамки, ўзларингиз тўқиган уйдирмаларингиз ҳақида, албатта, сўраласизлар.
57. Улар қизларни Аллоҳники қиладилар. У Зот (бундан) Покдир. Ўзларига эса кўнгиллари тусагани (эмиш).
58. Биронтасига қиз (кўргани ҳақида) хушхабар берилса, қайғуга ботиб, юзлари қорайиб кетади.

- 59.** Келган хушхабарнинг ёмонлигидан (номус қилиб) одамлардан беркиниб олади. Хор бўлиб уни олиб қолсами ёки тупроққа кўмиб қўя қолсами? (Унинг ўйи шу бўлади). Огоҳ бўлингизким, улар қилаётган ҳукм нақадар ёмон.
- 60.** Энг ёмон сифатлар охиратга иймон келтирмайдиган кимсаларники. Аллоҳники эса энг олий хислатлардир. У Ғолиб ва Ҳаким Зотдир.
- 61.** Агар Аллоҳ одамларни зулмларига яраша тутганида (жазолаганида), ер юзида биронта жонзотни қўймаган бўларди. Лекин уларни белгиланган бир муддатга қадар кечиктирди. Ўша муддатлари келганда бир соат ҳам ортга ё олдга ўзгартира олмаслар.
- 62.** Ёқтирмаган нарсаларини Аллоҳники қилурлар. Тиллари эса, ёлғондан ўзларига гўзал (оқибат) бўлишини васф қилур. Шакшубҳа йўқки, уларга дўзах бўлур ва унга ташланурлар.
- 63.** Аллоҳга қасамки, сиздан олдинги умматларга ҳам пайғамбарлар юборганмиз. Бас, шайтон уларга амалларини чиройли қилибкўрсатди. У бугунуларнинг дўстидир. Улар учун аламли азоб бордир.
- 64.** Биз сизга Китобни уларга ихтилоф қилган нарсаларини баён қилишингиз учунгина ҳамда иймон келтирган қавм учун ҳидоят ва

рахмат қилибгина туширдик.

- 65.** Аллоҳ осмондан ёмғир ёғдириб, қуриб-қакшаб ётган ерни тирилтирди. Албатта, бу ишда қулоқ соладиган қавм учун оят-аломат бор.
- 66.** Сизларга чорва ҳайвонларида ҳам ибрат бор. Сизларни уларнинг қоринларидаги гўнг ва қон орасидан (ажралиб чиқадиган), ичувчилар (томоғидан) осон ўтадиган тоза сут билан суғорамиз.
- 67.** Хурмо ва узумларнинг меваларидан маст қилувчи ичимлик ва гўзал ризқ оласизлар. Албатта, бу ишда ақлини юритадиган қавм учун оят-аломат бор.
- 68.** Парвардигорингиз асаларига шундай ваҳий қилди: «Тоғларга, дарахтларга ва (одамлар) соладиган уйларга ин қур.
- 69.** Кейин ҳамма мевалардан егин ва Парвардигоринг қулай қилиб қўйган йўллардан юргин». Унинг қорнидан ҳар хил рангдаги ичимликлар чиқади. Унда одамлар учун шифо бор. Албатта, бу ишда фикр юритадиган қавм учун оят-аломат бор.
- 70.** Аллоҳ сизларни яратди. Кейин яна жонингизни олади. Орангиздан кимдир умрнинг энг тубан қисмига қайтарилади-да, олдин билганларидан ҳеч нарсани билмай қолади. Аллоҳ Билгувчи ва Қодир Зотдир.

71. Аллоҳ ризқ борасида айримларингизни айримларингиздан устун қилди. Устун қилинганлар ўз ризқларини қўл остидаги одамларга қайтариб, ҳаммаси баробар бўлиб қолмайди-ку. Аллоҳнинг неъматига нонкўрлик қиладиларми?
72. Аллоҳ сизларга ўзларингиздан жуфтлар яратиб, жуфтларингиздан болалар, набираларни дунёга келтирди ва сизларга покизаризқларато этди. Ботилга иймон келтириб, Аллоҳнинг неъматига нонкўрлик қиладиларми?
73. Аллоҳни қўйиб, уларга осмонлару ердан ҳеч нарсани ризқ қилиб бера олмайдиган, ҳеч иш қўлидан келмайдиган нарсаларга бандалик қиладилар.
74. Бас, Аллоҳнинг ўхшашини қидирманглар! Шубҳасиз, Аллоҳ билади, сизлар эса билмайсизлар.
75. Аллоҳ бир мисол зарб этди. Ҳеч иш қўлидан келмайдиган мамлук - қул ва Биз унга мўл ризқ берган ва у ўша ризқдан яширин ва ошкора сарфлайдиган кимса. Шу иккиси баробарми? Аллоҳга ҳамд бўлсин. Лекин уларнинг кўплари билмайдилар.
76. Аллоҳ икки кишини мисол қилиб келтирди. Улардан бири ҳеч иш қўлидан келмайдиган бир гунг-соқовдир. У эгасига бир юк бўлиб, уни қаерга юборса ҳам бирон яхшилик

билан қайтмайди. Шу одам билан адолатга буюрадиган, ўзи эса тўғри йўлини топиб олган киши баробарми?

77. Осмонлару ернинг ғайби Аллоҳникидир. Соат - Қиёмат иши бир кўз юмиб очгунча ёки ундан ҳам яқинроқдир. Албатта, Аллоҳ ҳар нарсага Қодирдир.

78. Аллоҳ сизларни оналарингизнинг қоринларидан чиқарди. (Ўша пайтда) ҳеч нарсани билмас эдингизлар. (Кейин) сизларга қулоқ, кўзлар ва дилларни берди. Шоядки, шукр қилсангиз!

79. Осмони фалакда бўйсундирилган қушларга боқмайдиларми? Уларни фақат Аллоҳ ушлаб турибди. Албатта, бу ишда иймон келтирган қавм учун оят-аломатлар бор.

80. Аллоҳ сизларга уйлaringизни оромгоҳ қилиб берди. Яна сизларга чорва ҳайвонларининг териларидан кўчадиган кунингизда ҳам, кўнадиган кунингизда ҳам енгил кўтариладиган уйларни, уларнинг юнглари, жунлари ва қилларидан эса маълум вақтгача жиҳоз ва матолар қилиб берди.

81. Аллоҳ Ўзи яратган нарсалардан сизларга соялар қилиб берди. Сизларга тоғлардан бошпаналар қилиб берди. Сизларга сизларни иссиқдан асрайдиган, зарбадан ҳимоя қиладиган кийимлар қилиб берди. Сизларга Ўзнёмати нима шундай тўла қилиб беради.

Шоядки, мусулмон бўлсангизлар.

82. Бас, агар юз ўғирсалар, сизнинг вазифангиз очик етказиб қўйиш, холос.
83. Аллоҳнинг неъматини танийдилар. Кейин эса уни инкор қиладилар. Уларнинг кўплари кофирлардир.
84. У кунда ҳар бир умматдан бир гувоҳни келтирамиз. Кейин куфр келтирган кимсаларга изн ҳам берилмайди, улардан тавба ҳам талаб қилинмайди.
85. Зулм қилганлар азобни кўргач, улардан енгиллатилмайди, уларга муҳлат ҳам берилмайди.
86. Ширк келтирганлар ўзларининг бутларини кўриб: «Парвардигоро, анавилар бутларимиз эди, Сени қўйиб, ўшаларга ибодат қилардик», дейдилар. (Бунга жавобан бутлари): «Сизлар ёлғончиларсиз», дея гап қотадилар.
87. У кунда улар Аллоҳга таслим бўлдилар. Ўзлари тўқиб олган (худолари) эса гумдон бўлди.
88. Куфр келтириб, Аллоҳнинг йўлидан тўсган кимсаларга фиск-фасод қилиб юрганлари учун азоб устига азобни зиёда қилдик.
89. Ҳар бир умматга ўзларидан бир гувоҳни келтирган ва сизни анавиларга гувоҳ қилиб келтирган кунимизни (эсланг). Сизга Китобни ҳар бир нарсанинг баёни, мусулмонларга

ҳидоят, раҳмат ва хушхабар этиб нозил қилдик.

- 90.** Албатта, Аллоҳ адолатга, эзгуликка, қариндошларга яхшилик қилишга буюради. Бузукликдан, гуноҳдан ва зулмдан эса қайтаради. Сизларга насиҳат қилади. Шоядки, эслатма-ибратолсангизлар.
- 91.** Аҳдлашганингизда Аллоҳга берган аҳдингизга вафо қилингиз. Қасамлар ичилганидан кейин уларни бузмангиз. Аллоҳни ўзингизга кафил қилдингиз. Албатта, Аллоҳ қилаётган ишларингизни билур.
- 92.** Нарсасини пишиқ-пукта тўқиганидан кейин уни сўкиб-чуваб юборган хотинга ўхшаб, бир уммат бошқа умматдан ортиқроқ бўлгани учун қасамларингизни ўзаро алдов воситаси қилиб олманг. Албатта, бу билан Аллоҳ сизни синаяпти, холос. Албатта, У Зот сизларга қиёмат кунини ихтилоф қилган нарсаларингизни баён қилиб берур.
- 93.** Агар Аллоҳ истаганида сизларни битта уммат қилиб қўйган бўларди. Лекин У Зот хоҳлаган одамини адаштир ади ва хоҳлаган одамини ҳидоят қилади. Қилиб ўтган ишларингиздан албатта сўралурсизлар.
- 94.** Қасамларингизни ўзаро алдов воситаси қилиб олмангиз. (Акс ҳолда) маҳкам ўрнашган оёқ тойиб кетиб, Аллоҳнинг

йўлидан тўсганингиз туфайли ёмон (оқибат)ни тотиб қоласиз ва сизларга улкан азоб бўлгай.

95. Аллоҳга берган аҳдингизни оз баҳога сотмангизлар. Агар биладиган бўлсангизлар, сизлар учун Аллоҳ ҳузуридаги (мукофот) яхшироқдир.

96. Сиздаги нарсa фанийдир. Аллоҳнинг ҳузуридаги эса боқийдир. Сабр қилганларни, албатта, қилган амалларининг энг яхшиси билан мукофотлаймиз.

97. Эркак бўлсин, аёл бўлсин, мўмин бўлгани ҳолда яхши амал қилган одамга ёқимли ҳаёт бахш этамиз ва, албатта, уларнинг савобларини қилган амалларининг энг яхшисига қараб берурмиз.

98. Қуръон ўқиган пайтингизда лаънатга учраган шайтондан паноҳ беришини Аллоҳдан сўранг.

99. Иймон келтирган ва Парвардигорларига таянган зотларга қарши унинг учун ҳеч қандай ҳукмронлик йўқ.

100. Унинг ҳукми уни дўст тутадиганлар ва у туфайли мушрик бўладиганларгагина ўтади, холос.

101. Қачон бир оят ўрнига бошқа бир оятни алмаштирсак - Аллоҳнинг Ўзи нимани нозил қилишини билгувчироқ - «Сен ғирт уйдирмачисан», дедилар. Асло! Аксинча,

уларнинг кўплари билмайдилар.

102. Айтинг: «Уни Рухул-қудс (Жаброил) Парвардигорингиз тарафидан иймон келтирганларни собитқадам қилиш учун ҳамда мусулмонларга ҳидоят ва хушхабар этиб ҳақ билан нозил қилди».

103. Биз уларнинг: «Унга бир одам ўргатиб турибди», деяётганларини биламиз. Улар айтаётган одамнинг тили ажамийдир. Бу эса очик араб тилидадир.

104. Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиган кимсаларни Аллоҳ ҳидоят қилмайди. Улар учун аламли азоб бордир.

105. Ёлғонни Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиган кимсаларгина тўқийдилар. Ана ўшалар ёлғончилардир.

106. Кимиймонкелтирганидан кейин яна кофир бўлса (Аллоҳнинг ғазабига йўлиқади). Фақат мажбур қилинган, қалби эса иймон билан ором олиб турган кимса бундан мустасно. Лекин кимлар қалбини куфрга очиб берсалар, уларнинг устига Аллоҳ тарафидан бир ғазаб (ёғилур) ва улар учун улкан азоб бордир.

107. Бунга сабаб улар дунё ҳаётини охиратдан кўра кўпроқ яхши кўрдилар. Албатта, Аллоҳ кофир қавмни ҳидоят қилмайди.

108. Улар шундай кимсаларки, Аллоҳ уларнинг дилларини ҳам, қулоқларини ҳам, кўзларини ҳам муҳрлаб қўйган ва улар ғофиллардир.

- 109.** Шак-шубҳа йўқки, охиратда зиён кўрадиганлар ана ўшалардир.
- 110.** Сўнгра Парвардигорингиз фитналарга йўлиққанларидан кейин ҳижрат қилган, сўнг жиҳод қилган ва сабр қилган кимсалар учун (мададкордир). Албатта, Парвардигорингиз шунданкейин Кечиримли ва Меҳрибон Зотдир.
- 111.** Ҳар бир жон фақат ўзини оқлашга уриниб қоладиган ва ҳар бир жонга қилган ишига яраша (жазо ё мукофоти) тўла қилиб бериладиган ҳамда уларга зулм қилинмайдиган кунни (эсланг).
- 112.** Аллоҳ бир шаҳарни мисол қилиб келтирди. Тинч, хотиржам эди. Ҳар тарафдан ризқи мўл келиб турарди. Кейин Аллоҳнинг неъматларига нонкўрлик қилди. Натижада Аллоҳ унга қилган қилмишлари туфайли очлик ва хавф либосини кийдириб қўйди.
- 113.** Уларга ўзларидан бир пайғамбар келди. Уни ёлғончига чиқардилар. Бас, улар золим бўлиб турган ҳолларида уларни азобушлади.
- 114.** Аллоҳ сизларга берган ризқларнинг ҳалол-покидан енглар. Аллоҳнинг неъматига шукр қилинглар, агар Унгагина бандалик қиладиган бўлсангизлар.
- 115.** Сизларга ўлимтик, қон, тўнғиз гўшти ва Аллоҳдан бошқанинг номига сўйилган ҳайвоннигина ҳаром қилди. Энди ким мажбур бўлиб қолса ва золимлик қилиб,

ҳаддидан ошмаса, бас, албатта, Аллоҳ Кечиримли, Меҳрибон Зотдир.

116. Бу ҳалол ва бу ҳаром, дея тилларингизга келганини гапираверманглар ва (бу билан) Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиманглар. Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиганлар нажот топмайдилар.

117. Озгина фойда. (Кейин эса) улар учун аламли азоб бордир.

118. Яҳудий бўлганларга сизга олдин Биз айтиб берган нарсаларни ҳаром қилдик. Биз уларга зулм қилмадик. Улар ўзларига ўзлари зулм қилдилар.

119. Кейин билмасдан ёмонлик қилиб қўйиб, ортидан тавба қилган ва ўзини ўнглаб олган кимсалар учун, албатта, Парвардигорингиз Кечиримли, Меҳрибон Зотдир.

120. Албатта, Иброҳим Аллоҳга итоатгўй, ҳақда барқарор бир уммат эди. У мушриклардан бўлмаган.

121. Неъматларига шукр қилгувчи ҳам эди. (Аллоҳ) уни танлаб олиб, тўғри йўлга ҳидоят қилганди.

122. Унга шу дунёда ҳам яхшиликни бердик ва, албатта, у охирада ҳам солиҳлардандир.

123. Кейин сизга: «Иброҳимнинг ҳақ устида барқарор динига эргашинг. У мушриклардан бўлмаган», деб ваҳий қилдик.

124. Шанба(ни улуғлаш) у ҳақда ихтилоф қилган

кимсаларнинг зиммасигаюклатилган. Албатта, Парвардигорингиз Қиёмат куни улар орасида қилиб ўтган ихтилофлари борасида ҳукм қилур.

125. Парвардигорингиз йўлига ҳикмат ва чиройли насиҳат ила даъват этинг. Улар билан энг гўзал тарзда мужодала қилинг. Албатта, Парвардигорингиз Ўзининг йўлидан адашгани ҳам билгувчи роқ, ҳидоят топганларни ҳам билгувчи роқ Зотдир.

126. Жазоламоқчи бўлсангиз, ўзингиз қанча зарар кўрган бўлсангиз, ўшанча миқдорда жазолангиз. Агар сабр қилсангиз, шу иш сабр қилгувчилар учун албатта яхши роқдир.

127. Сабр қилинг. Сабрингиз Аллоҳнинг мадади билангина бўлур. Уларга хафа бўлманг. Улар қилаётган макру найранглардан сиқилманг.

128. Албатта, Аллоҳ тақво қилганлар ва муҳсин бўлганлар билан биргадир.

 Исро сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Бандасини тунда Масжидул-Ҳаромдан Биз атрофини баракали қилиб қўйган Масжидул-Ақсо сари сайр қилдирган Зот ҳар қандай нуқсондан Покдир. Унга оятларимиздан (айримларини) кўрсатиш учун (шундай қилдик). Албатта, У Эшитгувчи, Кўргувчи Зотдир.
2. Мусога Китобни бердик ва уни Бани Исроилга ҳидоят қилдик. Мендан ўзгани вакил қилиб олманглар.
3. Эй Биз Нух билан бирга қутқарган кишиларнинг зурриётлари, (Нух йўлидан боринглар). У ҳар доим шукр қилувчи банда бўлганди.
4. Китобда Бани Исроилга шундай хабар бергандик: «Албатта, ер юзида икки марта бузғунчилик қилиб, ортиқ даражада ҳаддингиздан ошасизлар».
5. Улардан бирининг вақти келганда устингизга жуда кучли бандаларимизни юбордик. Улар ҳовли-жойларни оралаб юрдилар. Бу қилиниши муқаррар бўлган ваъда эди.
6. Кейин сизларни уларнинг устидан яна қайта ғолиб қилдик ҳамда сизларга мол-давлат

ва болалар билан мадад бериб, сонингизни кўпайтирдик.

7. Яхшилик қилсангизлар, ўзларингиз учун яхшилик қилган бўласизлар. Ёмонлик қилсангизлар ҳам ўзларингиз учундир. Кейингисининг вақти келганда (Биз яна бандаларимизни юборурмиз). Кейин улар юзларингизни қора қилиб, масжидга худди олдин кирганларидек кириб, қўлга киритган жойларини вайронага айлантирадилар.
8. Шоядки, Парвардигорингиз сизларга раҳм этса. Агар қайтадиган бўлсангиз, Биз ҳам қайтамиз. Жаҳаннамни кофирларга зиндон қилдик.
9. Бу Қуръон энг тўғри йўлга бошлайди ва яхши амаллар қиладиган мўминларга улар учун катта савоб борлиги ҳақида хушхабар беради.
10. Охиратга ишонмайдиган кимсаларга эса аламлиазобнитайёрлаб қўйганимиз (ҳақида хабар беради).
11. Инсон дуойи хайр қилганидек, дуойи бад ҳам қилади. Инсон шошқалоқ бўлган.
12. Кеча ва кундузни икки белги қилдик. Кеча белгисини қоронғу айладик. Кундуз белгисини эса ёруғ қилдик. Токи Парвардигорингиздан фазл умид қилинг, йиллар саноғини ва ҳисобни билинг. Ҳар бир нарсани батафсил баён қилганмиз.

13. Ҳар бир инсоннинг қилган амалларини бўйнига илиб қўйганмиз. Қиёмат куни унга бир китоб қилиб чиқарамиз. (Китоб) унга очилган ҳолда рўбарў бўлур.
14. Китобингни ўқи! Бугун сендан ҳисоб олишга нафсинг ўзи кифоя!
15. Ким ҳидоят топса, ўзининг фойдасига топади. Ким адашса, ўзининг зарарига адашади. Бир кўтарувчи бошқанинг юкини кўтармайди. То бир пайғамбар юбормай туриб, азоблагувчи бўлмадик.
16. Бир шаҳарни ҳалок қилишни истасак, унинг бойларига (бўйсунини) буюрдик. Улар эса итоатсизлик қилдилар. Шу билан улар устига Сўз (азоб) ҳақ бўлди. Бас, уларни парча-парча қилиб юбордик.
17. Нухдан кейин ҳам қанча асрларни (авлодларни) ҳалок қилдик. Бандаларининг гуноҳларидан хабардор бўлиб, уларни кўриб туришда Парвардигорингизнинг Ўзи кифоя қилгай.
18. Ким шу дунёни истаса, Ўзимиз истаган одамга Ўзимиз истаган нарсани шу дунёда берурмиз. Кейин унга жаҳаннамни тайин қилурмиз. Унга хор бўлган, қувилган ҳолда кирур.
19. Ким охиратни кўзлаб, мўмин бўлгани ҳолда унинг учун ҳаракат қилса, ана ўшаларнинг саъй-ҳаракатлари мақбул бўлур.

- 20.** Парвардигорингизнинг неъматларидан ҳаммасига - уларга ҳам, буларга ҳам берурмиз. Парвардигорингизнинг инъомлари ман қилинмаган.
- 21.** Уларнинг бирини биридан афзал қилганимизга боқинг. Шак-шубҳасиз, охират даража жиҳатидан ҳам, афзаллик жиҳатидан ҳам улканроқдир.
- 22.** Аллоҳга бошқабирилоҳни тенглаштириб, мазамматга учраб, маҳрум бўлиб қолма, тағин.
- 23.** Парвардигорингиз ёлғиз У Зотгагина ибодат қилишингиз ва ота-онага яхшилик қилишни амр этди. Улардан бири ёки ҳар иккиси сенинг ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф» дема, уларга озор берма, уларга яхши гапир.
- 24.** Уларга меҳрибонлик ила хокисорлик қанотини паст тут ва «Парвардигорим, уларга мени гўдаклигимда тарбиялаганларидек раҳм қил», дегин.
- 25.** Парвардигорингиз дилларингизда нима борлигини яхши билгувчидир. Агар солиҳлар бўлсангизлар, бас, албатта, У тавба қилгувчилар учун Мағфиратли Зотдир.
- 26.** Қариндошнинг ҳам, мискинва мусофирнинг ҳам ҳаққини бер. Ҳаргиз исрофгарчиликка йўл қўйма.
- 27.** Албатта, исрофгарлар шайтонларнинг

дўстлари бўлганлар. Шайтон эса Парвардигорига нонкўр бўлган эди.

28. Парвардигорингиз тарафидан бир раҳматни умид қилиб, улардан юз ўгириб турадиган бўлсангиз, уларга мулойим гапиринг.

29. Қўлингизни бўйнингизга боғлаб ҳам олманг, уни бир йўла очиб ҳам юборманг. Тағин маломатга қолиб, надомат қилиб ўтириб қолманг.

30. Албатта, Парвардигорингиз Ўзи истаган одамга ризқни кенг қилиб беради ёки танг қилади. Албатта, У бандаларидан Хабардор ва уларни Кўргувчи Зотдир.

31. Болаларингизни камбағалликдан кўрқиб ўлдирманглар. Уларга ҳам, сизларга ҳам Биз ризқ берурмиз. Уларни ўлдириш катта хато бўлган.

32. Зинога яқинлашманглар. Албатта, у бузуқлик ва ёмон йўлдир.

33. Аллоҳ (ўлдиришни) ҳаром қилган жонни ўлдирманглар. (Ўзи ўлимга) ҳақли бўлгани бундан мустасно. Ким мазлум ҳолида ўлдирилса, унинг эгасига ҳукмронлик берурмиз. Бас, у ўлдиришда исроф қилмасин. Албатта, у ғолиб (эмас, ғолиб) қилингандир.

34. Етим то балоғатга етгунига қадар унинг молига энг гўзал йўл билангина яқинлашинглар. Аҳдга вафо қилинглар. Аҳд ўта масъулиятли ишдир.

35. Ўлчаган пайтингизда тўла ўлчанглар ва тўғри тарози билан тортинглар. Мана шу энг яхши ва оқибати гўзал ишдир.
36. Ўзинг билмаган нарсага эргашма. Албатта, қулоқ, кўз ва қалб - буларнинг ҳаммаси учун жавобгарлик бордир.
37. Ер юзида кибру ҳаво билан юрма. Ҳеч қачон ерни тешиб юбора олмайсан. Ҳеч қачон тоғлар билан бўйлаша олмайсан.
38. (Айтиб ўтилганларнинг) барчасининг ёмони Парвардигоринг наздида хуш кўрилмагандир.
39. Буларсизга Парвардигорингиз ваҳий қилган ҳикматдан айримларидир. Аллоҳга бошқа бир илоҳни шерик қилма. Тағин маломатга учраган ва қувилган ҳолда жаҳаннамга ташланиб қолмагин.
40. Парвардигорингиз сизларга ўғилларни танлаб бериб, Ўзига фаришталарни қиз қилиб олдимиз?! Албатта, сизлар ўта оғир гапни гапиряпсизлар.
41. Бу Қуръонда (ҳукмлар, насиҳатлар ва мисолларни) баён қилиб бердик. Токи эслатма-ибрат олсинлар. (Лекин) бу нарса уларга фақат нафратни зиёда қилди, холос.
42. Айтинг: «Агар улар ўйлаганидек, Ундан бошқа илоҳлар ҳам бўлганида улар Арш соҳибига йўл излаган бўлардилар».
43. У зот улар айтаётган нарсадан Пок ва

ниҳоятда Олийдир.

44. У Зотга етти осмон, ер ва улардаги ҳамма тасбеҳ айтади. У Зотга ҳамд, тасбеҳ айтмайдиган бирон мавжудот йўқ. Лекин сизлар уларнинг тасбеҳ айтишларини англамайсизлар. У Ҳалим ва Мағфиратли Зотдир.
45. Қуръон ўқиган пайтингизда сиз билан охиратга ишонмайдиганлар орасида бир тўсилган парда қилиб қўюрмиз.
46. Уни англамасликлари учун дилларига тўсиқ, қулоқларига оғирлик солдик. Қуръонда ёлғиз Парвардигорингизни зикр қилган пайтингизда ортларига қочиб қоладилар.
47. Биз уларнинг сизга қулоқ солаётган пайтларидани масабдан тинглаётганларини ҳам, ўзаро пичирлашаётганларини ҳам, золимлари: «Сизлар бир сеҳрланган одамга эргашяпсизлар, холос», деяётганларини ҳам яхши билурмиз.
48. Сизга қандай мисоллар келтирганларига бир қаранг. Адашдилар. Энди йўлларини топа олмайдилар.
49. Дедилар: «Чириб, суякка айланиб кетганимиздан кейин яна янгитдан тириламизми, яратиламизми?!»
50. Айтинг: «Тош ёки темир бўлиб олинглар».
51. «Ёки кўнгилларингизда катта кўринган бирон махлуқ бўлиб олинг». Айтадилар:

«Бизни ким қайта тирилтиради?» Айтинг: «Сизларни дастлаб яратган Зот». Шунда сизга бошларини сарак-сарак қилиб дейдилар: «У қачон бўлади?» Айтинг: «Зора, яқинда бўлиб қолса».

52. Сизларни чақирадиган кунда У Зотга ҳамд айтиш билан жавоб берурсизлар ва жуда озгинагина турганларингизни ўйлаб қолурсизлар.

53. Бандаларимга айтингки, энг гўзал сўзларни айтсинлар. Шайтон уларнинг орасини бузиб туради. Албатта, шайтон инсон учун очик душман бўлган.

54. Сизларни Парвардигорингиз жуда яхши билгувчидир. Хоҳласа, сизларга раҳм қилади, хоҳласа, сизларни азоблайди. Биз сизни уларга вакил қилиб юбормадик.

55. Парвардигорингиз осмонлару ердаги жонзотларни билгувчироқдир. Айрим пайғамбарларни айримларидан афзал қилдик. Довудга Забурни бердик.

56. Айтинг: «У Зотдан бошқа ўзингиз даъво қилаётган (худоларингизни) чақиринглар. Улар сизлардан зарарни арита олмайдилар, бошқатарафга буриб ҳамюбора олмайдилар».

57. Улар илтижо қилаётган ўша (худолари ҳам аслида) Парвардигорга қайси бири яқинроқ бўлишга восита излайдилар ва У Зотнинг раҳматидан

умидвор бўладилар, азобидан кўрқадилар. Парвардигорингизнинг азоби эҳтиёт бўлиниши керак бўлган ишдир.

58. Биз Қиёмат кунидан олдин ҳалок этмаган ёки қаттиқ азобламаган бирон кишлоқ-шаҳар йўқ. Бу иш Китобга битиб қўйилган.

59. Оятларни юборишимиздан Бизни фақат олдингиларнинг уларни ёлғонга чиқарганларигина ман қилди. Самудга туяни кўзни очиб қўядиган оят қилиб юборгандик. Унга зулм қилдилар. Оятларни фақат кўрқитиб, огоҳлантириб қўйиш учунгина юборамиз.

60. Парвардигорингиз одамларни ихота қилиб олган, деганимизни эсланг. Биз сизга кўрсатган туш ҳам, Қуръондаги лаънатланган дарахт ҳам одамлар учун бир синов, холос. Уларни огоҳлантираверамиз. Улар эса янада каттароқ туғён қилаверадилар.

61. Фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар», деганимизда Иблисдан бошқа ҳаммалари сажда қилдилар. У деди: «Сен лойдан яратган жонзотга сажда қиламанми?!»

62. Яна деди: «Айт-чи, мендан улуғроқ қилганинг шуми? Агар мени Қиёмат кунигача тирик қолдирсанг, унинг зурриётини йўлдан ураман. Фақат

озгинасигина бундан мустасно бўлади».

63. Деди: «Йўқол! Улардан қайси бири сенга эргашса, бас, жаҳаннам сизларга муносиб жазо бўлгай!»
64. Улардан кучинг етганини овозинг билан қўзғат, уларнинг устига отлиқ ва пиёда лашкар торт, уларга мол-давлатлари ва болаларида шериклик қилиб, ваъдалар бер. Шайтон уларга фақат ёлғон ваъда беради, холос.
65. Сенга менинг бандаларим устидан ҳеч қандай ҳокимият йўқ. Вакилликка Парвардигорингнинг Ўзи кифоя.
66. Парвардигорингиз денгизда кемани юритиб қўйган Зотдир. Токи (тирикчилик ўтказишда) Унинг фазлидан умидвор бўлинглар. Албатта, У сизларга Меҳрибондир.
67. Денгизда сизларга бирон фалокат келса, ўша илтижо қилиб юрган бутларингиз хаёлингизга ҳам келмади. Фақат У (Аллоҳгина эсингларга келди). Сизларга нажот бериб, қуруқликка олиб чиқиб қўйганидан кейин эса яна юз ўгирдинглар. Инсон зоти ўзи нонкўрдир.
68. Сизларни қуруқлик тарафида ҳам ерга юттириб юборишидан ёки устингизга тош ёғдиришидан, кейин эса ўзингизга бирон вакил тополмай қолишингиздан

хотиржаммисиз?

- 69.** Ёки сизларни яна (денгизга) қайтариб, устингизга қаттиқ шамол юбориб, кофир бўлганингиз туфайли сизларни ғарқ қилишидан, кейин эса Биздан ўч олиб берадиган биронтасини тополмай қолишингиздан хотиржаммисиз?
- 70.** Дарҳақиқат, Биз Одам болаларини азизу мукаррам қилдик ва уларни қуруқлигу денгизда (от-улов ва кемаларга) чиқариб қўйдик ҳамда уларни пок нарсалардан ризклантирдик ва Ўзимиз яратган жуда кўп жонзотлардан афзал қилдик.
- 71.** Эсланг! У кунда Биз ҳамма одамларни ўзларининг пешволари билан чақирамиз. Кимга китоби ўнг қўлидан берилса, ана ўшалар китобини ўқийдилар ва заррача зулм қилинмайдилар.
- 72.** Ким бу дунёда кўр бўлса, охиратда янада кўрроқ ва адашганроқ бўлур.
- 73.** Бизнинг шаънимизга (ваҳийдан) ўзга нарсаларни тўқиб чиқаришингиз учун Биз сизга ваҳий қилган йўлдан оздириб юборишларига оз қолди. Шундай қилганингизда сизни дўст тутган бўлардилар.
- 74.** Агар сизни собитқадам қилмаганимизда уларга бироз мойил бўлишингизга оз қолганди.

75. Шундай бўлганида сизга ҳаётнинг ҳам, ўлимнинг ҳам (азобини) икки ҳисса қилиб тоттирган бўлар эдик. Кейин эса ўзингизга Бизга қарши бирон мададкорни топа олмас эдингиз.
76. Сизни бу ердан чиқариб юбориш учун безовта қилишларига сал қолди. Шундай бўлганида ўзлари ҳам орқангизда бировгина қолган бўлардилар, холос.
77. Сиздан олдин Биз юборган пайғамбарларнинг қонунияти шудир. Бизнинг қонуниятимизга ўзгартириш кирита олмассиз.
78. Қуёш оғишидан тортиб то тун қоронғусига қадар намозни тўкис адо этинг. Бомдод намозини ҳам. Бомдод намози (фаришталар) гувоҳлигида юз берур.
79. Кечанинг бир қисмида таҳажжуд учун турунг. Ўзингизга бир нафл бўлади. Шоядки, Парвардигорингиз сизни мақтовга арзирли бир мақомда тирилтирса!
80. Айтинг: «Парвардигорим, менинг кириш жойларимни ҳам, чиқиш жойларимни ҳам Ўзингнинг тоатинг ва ризолигинг йўлида қилгин! Мен учун Ўз ҳузурингдан бир ёрдамчи қувват ато эт!»
81. Айтинг: «Ҳақ келди ва ботил маҳв бўлди. Зотан, ботил маҳв бўлгувчи эди».
82. Қуръондан мўминлар учун шифо ва раҳмат

бўладиган нарсаларни нозил қилурмиз. У золимларга зиёндан бошқа нарсани зиёда қилмас.

83. Қачон инсонга инъом қилсак, юз ўгириб, четга бурилиб кетади. Қачон уни бир ёмонлик тутса, ноумид бўлади.
84. Айтинг: «Хар ким ўз ҳолича амал қилур. Парвардигорингиз ким тўғри йўлдалигини яхши Билгувчидир».
85. Сиздан рух ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Рух Парвардигоримнинг ишидандир». Сизларга озгина илм берилган, холос.
86. Агар хоҳласак, сизга ваҳий қилган нарсамизни кетказурмиз. Кейин сиз ўзингиз учун Бизга қарши бирон вакил топа олмассиз.
87. Фақат Парвардигорингиз тарафидан бўлган бир марҳаматгина (бу ишни) истисно қилур. У Зотнинг сизга бўлган фазли каттадир.
88. Айтинг: «Шу Қуръоннинг ўхшашини келтиришга инсу жин бирлашиб, бир-бирларига ёрдамчи бўлсалар-да, унинг ўхшашини келтира олмайдилар».
89. Дарҳақиқат, бу Қуръонда одамларга ҳар бир мисолни баён қилдик. Лекин одамларнинг кўплари бош тортиб, фақат куфрнигина (танладилар).
90. Дедилар: «То биз учун ердан бир булок чиқариб бермагунингча сенга ҳаргиз ишонмайсиз».

91. «Ёки сенинг хурмозору узумзорлардан иборат бир боғинг бўлиб, улар орасидан анҳорларни оқизиб кўймагунигча».
92. «Ёки устимизга осмонни ўзинг даъво қилганигдек, парча-парча қилиб туширмагунигча. Ёки Аллоҳ ва фаришталарни ёнимизга олиб келмагунигча».
93. «Ёки сенинг олтиндан бўлган бир уйинг бўлмагунича. Ёки осмонга кўтарилмагунигча. То бизга ўзимиз ўқийдиган бир китоб олиб тушмас экансан, кўтарилишингга ҳам ҳаргиз ишонмаймиз». Айтинг: «Парвардигорим ҳар қандай нуқсондан пок. Мен бор-йўғи бир инсон пайғамбарман, холос».
94. Ҳидоят келган пайтда одамларни иймон келтиришдан: «Аллоҳ инсонни пайғамбар қилиб юбордими?!» дейишларигина қайтарди, холос.
95. Айтинг: «Агар ер юзида фаришталар хотиржам юрганларида уларга осмондан фаришта пайғамбарни туширган бўлар эдик».
96. Айтинг: «Мен билан сизларнинг ўртамизда гувоҳ бўлишга Аллоҳкифояқилур. Албатта, У бандаларидан Хабардор, уларни кўриб турувчи Зотдир».
97. Кимни Аллоҳ ҳидоят қилса, бас, ўша ҳидоят

топгандир. Кимни адаштирса, бас, унинг учун Аллоҳдан ўзга дўстлар топа олмассиз. Уларни Қиёмат куни юзтубан, кўр, соқов ва қар қолларида йиғамиз. Уларнинг борар жойи жаҳаннамдир. Ўти сусайгани сайин баттар алангалатиб турамиз.

- 98.** Уларга шундай жазо берилганига сабаб оятларимизга куфр келтирганлари ва: «Суякка айланиб, уваланиб кетганимиздан кейин яна янгитдан яратиламизми, тириламизми?» - деган гапларидир.
- 99.** Осмонлару ерни яратган Аллоҳ уларнинг ўхшашини яратишга ҳам қодир эканини кўрмадиларми? Улар учун аниқ бир муддатни белгилаб қўйган. Лекин золимлар куфрдан бошқасига кўнмадилар.
- 100.** Айтинг: «Агар сизлар Парвардигорим раҳматининг хазиналарига эгалик қилганингизда ҳам уни ишлатиб (тугатиб) қўйишдан кўрқиб, барибир хасислик қилаверган бўлар эдингиз. Инсон зоти бахил бўлур».
- 101.** Дарҳақиқат, Мусога тўққиз мўъжизани, ҳужжатларни бердик. Бани Исроилдан сўранг. (Мусо) уларнинг ёнига келганда Фиръавн: «Эй Мусо, мен сени сеҳрланган, деб ўйлайман», деди.
- 102.** Деди: «Анавиларни далил-ҳужжатлар қилиб осмонлару ернинг Парвардигоригина

нозил қилганини яхши биласан. Мен ўйлайманки, эй Фиръавн, сен аниқ ҳалок қилингувчисан».

103. Уларни ўша ердан қувиб чиқармоқчи бўлди. Бас, уни ва у билан бирга бўлганларнинг ҳаммасини фарқ қилдик.

104. Ундан кейин Бани Исроилга дедик: «Шу ерда яшанглар. Охират ваъдаси келганида ҳаммангизни тўплаб келамиз».

105. Уни ҳақ ила нозил қилдик ва ҳақ ила нозил бўлди. Сизни фақат хушхабар элтгувчи ва огоҳлантиргувчи этиб юбордик, холос.

106. Қуръонни одамларга аста-аста ўқиб беришингиз учун бўлакларга ажратдик ва уни бўлиб-бўлиб нозил қилдик.

107. Айтинг: «Унга ишонинглар ёки ишонманглар, (фарқи йўқ). Ундан олдинги илм берилганларга тиловат қилинганда сажда қилиб, юзлари билан йиқилурлар».

108. Ва: «Парвардигоримиз ҳар қандай нуқсондан пок, Парвардигоримизнинг ваъдаси адо қилинадиган бўлди», дерлар.

109. Ва юзлари ила йиқилиб йиғлайдилар ва бу нарсa уларнинг хокисорликларини зиёда қилур.

110. Айтинг: «Аллоҳ деб чақиринглар ёки Раҳмон деб чақиринглар. Қайси бир номини айтиб чақирсангиз ҳам (бўлаверади). Унинг гўзал номлари бордир. Намозингизни ўта

баланд овоз билан ҳам, ўта паст овоз билан ҳам адо этманг. Шуларнинг ўртасидаги бир йўлни тутинг».

111. Айтинг: «Фарзанд тутмаган, подшоҳликда шериги бўлмаган ва хорликдан (қутқарадиган) дўстга муҳтож бўлмаган Аллоҳга ҳамд бўлсин». У Зотни тинимсиз улуғланг!

Каҳф сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Бандасига китоб тушириб, унда биронта эгрилик қўймаган Аллоҳга ҳамд бўлсин!
2. Уни расо айлаб, Ўз ҳузуридан бўладиган қаттиқ азобдан огоҳлантириш ва яхши амаллар қиладиган мўминларга гўзал ажр борлиги ҳақида хушхабар бериш учун (нозил қилди).
3. Унда абадий қолгувчилардир.
4. «Аллоҳнинг боласи бор», дейдиганларни огоҳлантириш учун (нозил қилди).
5. Ўзларининг ҳам, ота-боболарининг ҳам бу ҳақда ҳеч қандай илми йўқ. Оғизларидан чиқаётган сўз нақадар оғир. Улар фақат ёлғон гапиряптилар.
6. Улар бу сўзга ишонмасалар, афсус-надомат чекиб, уларнинг ортидан ўзингизни ўзингиз хароб қиласиз, шекилли.
7. Қайси бирлари яхшироқ амал қилишларини синаб кўриш учун Биз ер юзидаги нарсаларни унга зийнат-безак қилиб бердик.
8. Албатта, Биз унинг устидаги нарсаларни қуп-қурук тупроққа айлантириб қўйгувчимиз.
9. Ёки Каҳф ва битик эгаларини Бизнинг ажойиб оятларимиздан деб ўйладингизми?

10. Ўшанда йигитлар ғордан паноҳ топишиб: «Парвардигоро, бизга Ўзинг тарафингдан бир раҳмат ато эт ва ишимизни Ўзинг тўғри йўлга солиб қўй», дегандилар.
11. Бас, ғорда уларнинг қулоқларига уриб, бир неча йилга (ухлатиб қўйдик).
12. Сўнгра қанча муддат турганларини икки гуруҳдан қайси бири тўғри ҳисоблаганини билиш учун уларни уйғотдик.
13. Биз сизга уларнинг аҳволи ҳақида рўй-рост қисса қилиб беряпмиз. Улар Парвардигорларига иймон келтирган йигитлардир ва Биз уларга ҳидоятни зиёда қилдик.
14. Уларнинг қалбларини мустаҳкамладик. Шунда улар туриб дедилар: «Парвардигоримиз осмонлару ернинг парвардигоридир. Ундан ўзга бирон илоҳга ҳеч қачон дуо қилмасмиз. Акс ҳолда, ноҳақ сўзни айтган бўлурмиз».
15. «Анави қавмимиз Уни қўйиб, (бошқаларни) илоҳ қилиб олдилар. Уларга бирон очиқ ҳужжатни келтирганларида эди. Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган одамдан ҳам золимроқ ким бор?»
16. Модомики, улардан ҳам, улар ибодат қилаётган Аллоҳдан бошқа маъбудлардан ҳам юз ўгирган экансизлар, бас, ғордан паноҳ изланглар. (Шунда) Парвардигорингиз сизларга раҳматини кенг қилиб беради ва

сизларга ишларингизда қулайлик яратиб беради.

17. Кўрасанки, қуёш чиққан пайтида ғорнинг ўнг томонидан ўтади. Ботган пайтида эса чап тарафидан қиялаб ўтади. Улар эса ғорнинг кенг жойидадирлар. Бу Аллоҳнинг оятларидандир. Аллоҳ кимни ҳидоят қилса, ўша ҳидоят топгандир. Кимни адаштириб қўйган бўлса, бас, унга бирон дўсти муршид топа олмассан.
18. Уларни уйғоқ, деб ўйлайсан. Улар эса уйқудадирлар. Уларни ўнг ва чап тарафларига ағдариб турамиз. Итлари эса оёқларини чўзиб остонада ётади. Уларнинг устидан чиқиб қолсанг, кўрқувга тўлиб, ортингга қочган бўлар эдинг.
19. Ўзаро бир-бирларидан сўрашлари учун уларни мана шундай уйғотдик. Улардан бири деди: «Қанча турдинглар?» Дедилар: «Бир кун ё ярим кун». Дедилар: «Қанча турганингизни Парвардигорингиз билгувчироқ. Бирингизни мана шупулингиз билан шаҳарга юборинглар. У қарасин ва қайси таом пок бўлса, ундан бир ризқ-насиба олиб келсин. Эҳтиёт бўлсин. Сизларни ҳеч кимга сездириб қўймасин».
20. Агар улар сизларни билиб қолсалар, тошбўрон қилиб юборадилар ёки ўзларининг динларига қайтарадилар. Шу

иш бўлса, ҳеч қачон нажот топмассизлар.

- 21.** Шунингдек, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ экани ва Қиёмат куни бўлишида ҳам ҳеч қандай шубҳа йўқлигини билишлари учун уларни хабардор қилиб қўйдик. Ўшанда улар ўзаро улар ҳақида талашиб-тортишардилар. Дедилар: «Уларнинг устига бир бино барпо қилинглари. Уларни Парвардигорлари билгувчирокдир». Уларнинг ишига ҳукмрон бўлганлар эса: «Албатта, уларнинг устига бир масжид қуриб олурмиз», дедилар.
- 22.** Ҳали улар: «Учтадирлар, тўртинчилари итларидир», десалар, айримлари: «Бештадирлар, олтинчилари итларидир», дея ғайбга тош отадилар. Яна: «Еттитадирлар ва саккизинчилари итларидир», ҳам дейдилар. Айтинг: «Уларнинг сонини Парвардигорим билгувчирок. Уларни жуда озчилик билур». Бас, улар ҳақида фақат очик тортишинг. Улар ҳақида ҳеч кимдан фатво сўраманг.
- 23.** Бирон нарс ҳақида «Мен албатта уни эртага қилгувчиман», дея кўрманг.
- 24.** Магар «Аллоҳ хоҳласа», деб айтинг. Унутган пайтингизда Парвардигорингизни эсланг ва шундай денг: «Шоядки, Парвардигорим мени бундан ҳам яқинроқ йўлга йўллаб қўйса».
- 25.** Улар ғорларида уч юз йил турдилар ва яна тўққиз йилни зиёда ҳам қилдилар.
- 26.** Айтинг: «Қанча турганларини Аллоҳ

билгувчироқ. Осмонлару ернинг сирлари Уникидир. У кўргувчироқ ва эшитгувчироқ Зотдир. Уларга У Зотдан ўзга бирон дўст йўқдир. У Ўз ҳукмида ҳеч кимни шерик қилмас».

27. Сизга Парвардигорингизнинг китобидан ваҳийқилинганини тиловатқилинг. У Зотнинг сўзларини ўзгартирувчи йўқдир. Ҳеч қачон У Зотдан ўзга бирон паноҳ топа олмассиз.

28. Парвардигорларига Унинг Юзини истаб, кечаю кундуз дуо қиладиган зотлар билан бирга бўлишда матонатли бўлинг. Дунё ҳаётининг зеб-зийнатиға учиб, улардан кўзларингизни бурманг. Шундай кимсалар борки, уларнинг қалбини Бизни зикр қилишдан ғофил қилиб қўйганмиз. Улар ҳавойи-нафсларига эргашадилар ва уларнинг иши (ҳамманарсани) зое қилишдир. Сиз уларга итоат этманг.

29. Айтинг: «Ҳақ Парвардигорингиз тарафидандир. Ким хоҳласа, иймон келтирсин. Ким хоҳласа, куфр келтирсин. Биз золимларга алангаси уларни чирмаб оладиган бир оловни тайёрлаб қўйганмиз. Ичимлик сўрасалар, юзларни куйдириб юборадиган доғланган ёғ каби сув берилур. Нақадар ёмон ичимлик ва нақадар ёмон жой!»

30. Иймон келтирган ва яхши ишлар қилган

зотларга келсак, албатта, Биз чиройли амаллар қилган кишиларнинг савобини зое қилмасмиз.

31. Улар учун остларидан анҳорлар оқиб ўтадиган абадий жаннатлар бордир. У ерда олтиндан бўлган билагозуқлар билан безанурлар ва ярқираб турадиган шойи либослар кийиб, сўриларда ястаниб ўтирурлар. Нақадар яхши мукофот! Нақадар гўзал жой!
32. Уларга икки кишини мисол қилиб келтиринг. Улардан бирига узумзорлардан иборат икки боғни бердик. Атрофини хурмолар билан ўрадик. Ораларини эса экинзор қилдик.
33. Ҳар икки боғ ҳосилларини тўла-тўқис берди. Уларнинг ўртасидан бир анҳор ҳам оқизиб қўйдик.
34. Унинг мол-давлати ҳам бор эди. Бас, шериги билан гаплашар экан, унга деди: «Сендан кўра мол-давлатим кўпроқ, одамларим эса кучлироқ».
35. Ўзига ўзи зулм қилган ҳолида боғига кирар экан, деди: «Бу ҳеч қачон барбод бўлмайди, деб ўйлайман».
36. «Қиёмат ҳам қоим бўлмайди, деб ўйлайман. Парвардигоримга қайтарилсам, бундан ҳам яхшироқ оқибатни топаман».
37. Шериги у билан гаплашиб деди: «Сени

тупроқдан, кейин нутфадан яратган, ундан кейин эса сени расо одам қилган Зотга куфр келтирдингми?

- 38.** Мен эса: «У Аллоҳ Парвардигоримдир», (дейман) ва Парвардигоримга ҳеч кимни шерик қилмайман.
- 39.** Боғингга кирган пайтингда: «Аллоҳ хоҳлаган нарсагина (бўлур), Аллоҳнинг мададсиз ҳеч бир куч-қувват йўқдир», деганингда эди. Мени ўзингдан кўра молдавлат ва фарзанд жиҳатидан кам кўраётган бўлсанг.
- 40.** Шоядки, Парвардигорим менга сенинг боғингдан ҳам яхшироғини берар. Унга (сенинг боғингга) эса осмондан бир офат юборар ва у сип-силлиқ тупроққа айланиб қолар».
- 41.** Ёки суви ерга сингиб кетиб, уни излашга ҳам мадоринг қолмас».
- 42.** Унинг меваси завол топди. Ишкомлари ҳувиллаб қолди. Унга сарфлаган нарсалари учун чапак чалиб: «Парвардигоримга ҳеч кимни шерик қилмаганимда қани эди», деб қолаверди.
- 43.** Аллоҳдан ўзга унга ёрдам берадиган бирон гуруҳ топилмади. Ўзига ўзи ҳам ёрдам бера олмади.
- 44.** У ерда ҳокимият Ҳақ (таолоники) Аллоҳникидир. У савоб беришда ҳам энг

яхши Зотдир, оқибатни белгилашда ҳам энг яхши Зотдир.

45. Уларга дунё ҳаётини мисол қилиб келтиринг. У Биз осмондан ёғдирган сув кабидирки, у туфайли ердан ҳар хил ўсимликлар униб, кейин улар яна шамол учириб кетадиган хашакка айландилар. Аллоҳ ҳар нарсага Қодир бўлган Зотдир.
46. Мол-мулк, бола-чақа шу дунё ҳаётининг беағдир. Парвардигорингиз ҳузурида эса боқий қолгувчи яхши амаллар савоб жиҳатидан ҳам яхшироқдир, орзу қилиш жиҳатидан ҳам яхшироқдир.
47. Биз тоғларни жилдирадиган ва сизлар заминни яланг ҳолида кўрадиган кунни эсланг! Ўшанда уларни тўплаймиз. Улардан биронтасини қолдирмаймиз.
48. Улар саф тортган ҳолларида Парвардигорингизга рўбарў қилиндилар. «Мана, сизларни дастлаб қандай яратган бўлсак, ўшандай ҳолингизда ҳузуримизга келдингиз. Лекин ўйладингизки, Биз ҳеч қачон сизлар учун бир жойни ва вақтни тайин қилмасмиз».
49. Номаи аъмол қўйилур. Бас, кўрасизки, гуноҳкорлар унда битилган нарсадан даҳшатга тушиб: «Шўримиз қуриб қолди, бу қандай китобки, каттасини ҳам, кичигини ҳам қолдирмай, ҳаммасини қайд қилиб

қўйибди», дейдилар. Қилган ишларини ҳозиру нозир топадилар. Парвардигорингиз ҳеч кимга зулм қилмас.

50. Эсланг! Фаришталарга, Одамга сажда қилингиз, деганимизда (ҳаммалари) сажда қилдилар. Фақат Иблисгина (сажда қилмади). У жинлар тоифасидан эди. Парвардигорининг фармониға қарши чиқди. Энди сизлар Мени қўйиб, ўшани ва унинг зурриётини дўст тутасизларми? Ахир улар сизларга душман-ку. Бу золимлар учун нақадар ёмон бадалдир.

51. Осмонлару ернинг яратилишиға ҳам, ўзларининг яратилишиға ҳам уларни гувоҳ қилган эмасман. Адаштирувчиларни Ўзимға ёрдамчи қилиб олган эмасман.

52. (Аллоҳ): «Менинг шерикларим, деб ўйлаган (бут)ларингизни чақиринглар», деган кунда улар чақирдилар, бас, (бутлари) уларга жавоб бермади. Уларнинг орасида бир ҳалокат чоҳини пайдо қилиб қўйганмиз.

53. Осийлар дўзахни кўрадилар, унга тушишларига амин бўладилар ва қочарга жой тополмай қоладилар.

54. Бу Қуръонда одамлар учун турли хил масаллар баён қилдик. Инсон энг кўп тортишадиган (махлук) бўлди.

55. Одамларга ҳидоят келган пайтда уларнинг иймон келтиришларига

ва Парвардигорларидан мағфират сўрашларига фақатгина уларга олдингиларнинг суннати келиши ёки уларга очик азоб келиши монелик қилди, холос.

56. Биз пайғамбарларни хушхабар етказгувчи ва огоҳлантирувчи қилибгина юборамиз. Куфр келтирган кимсалар эса ноҳақ тортишиб, ҳақни енгмоқчи бўладилар. Улар Менинг оятларимни ва ўзлари огоҳлантирилган нарсани масхара қиладилар.

57. Парвардигорининг оятлари эслатилиб турганда улардан юз ўгирган ва ўз қўли билан қилган қилмишларини унутган кимсадан ҳам золимроқ ким бор? Биз уларнинг қалбларига парда тутдик, қулоқларини оғир қилиб қўйдик. Энди улар англамайдилар, (эшитмайдилар). Уларни ҳидоятга чақирсангиз, ҳеч қачон ҳидоят топмайдилар.

58. Парвардигорингиз Кечиримли, Раҳмли Зотдир. Уларни қилган ишларига яраша жазолаганида уларга азобни тезлаштирган бўларди. Лекин улар учун ваъда қилинган кун борки, у кунда (Аллоҳ) дан ўзга паноҳ топа олмаслар.

59. Анавишаҳарларни ҳам зулм қилганларидан кейин ҳалок қилганмиз. Уларни ҳалок қилиш учун аниқ бир вақтни белгилаб

қўйганмиз.

- 60.** Эсланг! Мусо ўзининг ғуломига деди: «То икки денгиз қўшиладиган ерга етмагунча ёки узоқ замонлар юриб, (солиҳ бандани топмагунча) тўхтамай юравераман».
- 61.** Иккиси икки денгиз қўшиладиган жойга етганларида балиқларини унутдилар ва у денгиз сари йўл олди.
- 62.** У ердан ўтганларида ғуломига деди: «Нонуштамизни олиб кел, бу сафаримиздан чарчадик».
- 63.** Деди: «Кўрмайсизми, ўша тошга қўнган пайтимизда балиқни унутибман. Уни айтишни менга фақат шайтонгина эсимдан чиқарди. У ажиб бир тарзда денгизга қараб йўл олганди».
- 64.** Деди: «Биз истаган нарса мана шу». Бас, уни излаб ортларига қайтдилар.
- 65.** Бас, Бизнинг бандаларимиздан бир бандани топдиларки, Биз унга Ўз ҳузуримиздан бир раҳмат ато этганмиз ва Ўз тарафимиздан бир илм берганмиз.
- 66.** Мусо унга деди: «Сенга берилган илмдан менга тўғри йўлни ўргатишинг учун сенга эргашсам бўладими?»
- 67.** У деди: «Сен мен билан бирга (юришга) ҳаргиз сабр қила олмассан.
- 68.** Ўзинг эгаллаб олмаган (билмаган), хабардор бўлмаган нарсага қандай тоқат қила оласан?»

69. Деди: «Иншооллоҳ, менинг сабрли эканимни кўрасан, мен сенга ҳеч бир ишда итоатсизлик қилмайман».
70. Деди: «Менга эргашадиган бўлсанг, то ўзим сенга айтиб бермагунимча бирон нарса ҳақида сўрама».
71. Иккиси йўлга тушдилар. Бир кемага минишгач, (Хизр) уни тешиб қўйди. (Мусо) деди: «Одамларини чўктириб юбориш учун тешдингми? Нотўғри иш қилдинг».
72. Деди: «Мен билан (юришга) тоқатинг етмайди», демаганмидим?
73. Деди: «Ёдимдан кўтарилгани учун мени жазолама, шу ишим туфайли мени қийнама».
74. Яна йўлга тушдилар. Бир болага дуч келишгач, (Хизр) уни ўлдирди. (Мусо) деди: «Бир бегуноҳ жонни ўлдирдинг-ку. Жуда ёмон иш қилдинг».
75. Деди: «Сенга, мен билан бирга (юришга) сабр қила олмайсан, демаганмидим?»
76. Деди: «Бундан кейин бирон нарса ҳақида сўрасам, мени ўзингга ҳамроҳ қилма. Мен тарафимдан (бўлган) узрни охирига етказган бўласан».
77. Яна йўлга тушдилар. Бир шаҳарга келиб, аҳолисидан егулик сўрадилар. Аҳоли уларни меҳмон қилишдан бош тортди. Ўша

ерда йиқилиб кетай деб қолган бир деворга дуч келдилар. (Хизр) уни тиклаб қўйди. (Мусо) деди: «Истаганингда шу иш учун ҳақ олган бўлардинг».

78. Деди: «Мана шу сен билан менинг ажралишимиздир. Энди сенга сен сабр қила олмаган ишларнинг таъвилини айтиб бераман».

79. «Кемага келсак, у денгизда ишлайдиган мискинларники эди. Мен уни айбли қилиб қўймоқчи бўлдим. (Чунки) уларнинг ортида бир подшоҳ бўлиб, у ҳар бир кемани тортиб олар эди».

80. «Боланинг эса ота-онаси мўминодамлар эди. Куфру туғён ила уларни қийнаб қўйишидан қўрқдик».

81. «Парвардигорлари уларга ундан кўра яхшироғини, солиҳроғини, меҳрибонроғини эваз қилиб беришини хоҳладик».

82. «Деворга келсак, у шаҳардаги икки етим боланики эди. Унинг остида уларга тегишли хазина бор эди. Уларнинг оталари солиҳ эди. Парвардигоринг улар балоғатга етиб, Парвардигорингнинг марҳамати ила хазиналарини чиқариб олишларини ирода қилди. Мен бу ишни ўзимча қилмадим. Сен тоқат қила олмаган ишларнинг таъвили мана шу».

83. Сиздан Зулқарнайн ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Сизларга у ҳақдаги хабардан (бир қисмини) тиловат қилурман».
84. Дарҳақиқат, Биз уни ер юзига ҳукмрон қилдик ва унга барча нарсага (эришиш) йўлини ато этдик.
85. Бас, у йўлга тушди.
86. Қуёш ботадиган жойга келгач, унинг бир лойқа булокқа ботаётганини кўрди ва у ерда бир қавмни учратиб қолди. Дедик: «Эй Зулқарнайн, ё азоблайсан ёки улар билан яхши муомала қиласан».
87. Деди: «Ким зулм қилган бўлса, уни азоблармиз. Кейин у Парвардигорига қайтарилур. Бас, У Зот ҳам уни қаттиқ азоблар».
88. «Иймон келтириб, яхши амал қилган киши учун эса гўзал мукофот бордир. Биз ҳам унга ишимиздан осонини айтурмиз».
89. Кейин яна йўлга тушди.
90. Қуёш чиқадиган тарафга етиб борганида уни бир қавм устига нур сочаётганини кўрди. Қавмки, Биз улар учун қуёшдан (тўсадиган) бирон парда қилмаганмиз.
91. Яна олдингидек бўлди. Дарҳақиқат, Биз унинг барча ишларидан воқиғимиз.
92. Кейин яна йўлга тушди.
93. Икки тоғ ўртасига етиб келганида уларнинг ортида бирон гапни укмайдиган қавмга дуч

келди.

94. Дедилар: «Эй Зулқарнайн, Яъжуж ва Маъжуж ер юзида бузғунчилик қилувчилардир. Сенга бир ҳақ берсак, биз билан уларнинг орасига бир тўсиқ қуриб берасанми?»
95. Деди: «Парвардигорим берган имконият яхшироқдир. Бас, менга кучдан ёрдам беринглар, сизлар билан уларнинг орасига бир тўсиқ қуриб бераман».
96. «Менга темир парчаларини келтиринг». Икки тоғ билан баробар бўлгач: «Энди дам уринглар», деди. Уни ўтга айлантирганидан кейин эса: «Менга эритилган мис ҳам олиб келинглар, унинг устидан қуюрман», деди.
97. Бас, улар унинг устига чиқа олмадилар. Уни тешиб ҳам ўта олмадилар.
98. Деди: «Бу Парвардигорим тарафидан бўлган бир раҳматдир. Парвардигоримнинг ваъдаси келганида уни (бузиб) ер билан битта қилиб қўюр. Парвардигоримнинг ваъдаси ҳақдир».
99. Ўша куни уларни бир-бирларига аралашиб, эсанкираб қолган ҳолларида ташлаб қўйдик. Сур чалинди ва уларнинг ҳаммасини жамладик.
100. Ўша куни кофирларга жаҳаннамни кўндаланг қилиб кўрсатдик.

- 101.** (Кофирлар)ки, кўзлари Мени эслашдан пардаланган, ўзлари эса ҳеч нарсани эшитмайдиган эди.
- 102.** Куфр келтирган кимсалар Мени қўйиб, бандаларимни дўст (паноҳ) тутишни ўйлаб қолдиларми? Биз жаҳаннамни кофирлар учун маскан қилиб қўйганмиз.
- 103.** Айтинг: «Сизларга ишларидан энг кўп зарар кўргувчилар кимлигини айтайми?»
- 104.** Улар ҳаракатлари шу дунё ҳаётининг ўзидаёқ зое бўлиб кетган-у, ўзларини эса яхши ишларни қилаётган одамлар, деб ўйлайдиган кимсалардир.
- 105.** Ана ўшалар Парвардигорларининг оятларига ва У Зот билан рўбарў келишга куфр келтирган, бас, амаллари ҳабата кетган кимсалардир. Қиёмат кунда уларга ҳеч қандай вазн бермасмиз.
- 106.** Куфр келтирганлари ҳамда оятларим ва пайғамбарларимни масхара қилганлари учун уларнинг жазоси жаҳаннамдир.
- 107.** Иймон келтирган ва яхши амалларни қилган зотлар учун Фирдавс боғлари (абადий) маскан бўлгай.
- 108.** У ерда мангу қоладилар ва у ердан кўчишни истамаслар.
- 109.** Айтинг: «Парвардигоримнинг калималари учун денгиз бир сиёҳ бўлиб, яна ўшанча сиёҳ келтирсак ҳам Парвардигоримнинг

калималари тугашидан олдин денгиз тугаб қолган бўларди».

110. Айтинг: «Мен ҳам сизлар каби бир инсонман. Менга ваҳий қилинмоқдаки, илоҳингиз битта илоҳдир. Ким Парвардигорига рўбарў бўлишдан умидвор бўлса, яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишида (У Зотга) ҳеч кимни шерик қилмасин».

 Марям сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Коф, Ҳо, Ё, Айн, Сод.
2. (Бу) Парвардигорингизнинг Ўз бандаси Закариёга нисбатан раҳмати зикридир.
3. Эсланг! Ўшанда у Парвардигорига бир хуфёна нидо қилганди.
4. Деди: «Парвардигорим, дарҳақиқат, менинг суякларим мўртлашди, кексалик келиб, бошимга (сочимга) оқ оралади. Парвардигорим, Сенга дуо қилиб, ноумид бўлган эмасман».
5. «Мен ортимда қоладиган қариндошларимдан хавфдаман. Хотиним туғмас бўлиб қолган. Бас, менга Ўз ҳузурингдан бир дўст (фарзанд) ато эт».
6. «(Фарзандки,) менга ва Яъқуб оиласига меросхўр бўлсин. Парвардигорим, уни Ўзинг рози бўладиган (одам) қил».
7. Эй Закариё, Биз сенга бир ўғилнинг хушхабарини берурмиз. Унинг номи Яҳёдир. Олдин (ҳечкимни) унга отдош қилган эмасмиз.
8. Деди: «Парвардигорим, аёлим туғмас бўлса, ўзим эса қариб-қуриб қолган бўлсам, қандай қилиб менинг ўғлим бўлсин?»
9. Деди: «Худди шундай. Парвардигоринг

дедики, бу Менга осондир. Бундан олдин сени ҳеч нарсa эмас пайтингда яратганман-ку».

10. Деди: «Парвардигорим, менга бир белги бер». Деди: «Белгинг соппа-соғ бўла туриб, уч кунгача одамларга гапира олмаслигингдир».
11. Бас, меҳробдан қавмининг олдига чиқиб, уларга эрта-ю кеч тасбеҳ айтинглaр, деб ишора қилди.
12. «Эй Яҳё, Китобни маҳкам ушлагин», (дедик) ва унга гўдаклик чоғидаёқ ҳикмат ато этдик.
13. Яна унга Ўз даргоҳимиздан меҳр ва поклик (ато этдик). У тақволи бўлди.
14. У ота-онасига меҳрибон бўлиб, жабру ситам қилувчи, итоатсиз эмас эди.
15. Унга туғилган кунида ҳам, вафот этадиган кунида ҳам, қайта тириладиган кунида ҳам салом бўлсин.
16. Китобда Марямнинг ўз аҳлидан ажраб чиқиб, шарқий томонга борганини эсланг.
17. Ва улардан беркиниб олган пайтида Биз унга ўз Руҳимизни юбордик. Бас, у Марямга расо бир инсон қиёфасида кўринди.
18. «Мен Раҳмондан сендан паноҳ беришини сўрайман. Агар тақводор бўлсанг...» деди у.
19. «Мен Парвардигорингнинг элчисиман,

сенга бир пок ўғил ҳадя этиш учун келдим, холос», деди (Жаброил алайҳиссалом).

- 20.** «Менда қаёқдан фарзанд бўлсин, бирон одам менга тегмаган бўлса, ўзим бузук аёл бўлмасам?!» - деди у.
- 21.** «Шундай. Парвардигоринг айтдики, у Менга осондир. Биз уни одамлар учун белги ва Ўз ҳузуримиздан бўлган бир раҳмат қилурмиз. Бу битган ишдир», деди (фаришта).
- 22.** Бас, унга ҳомиладор бўлиб, у билан бирга узок бир жойга кетди.
- 23.** Бас, тўлғоқ уни хурмо танасига олиб борди. У: «Кошки, бундан олдин ўлсам эди ва бутунлай унутилиб кетсам эди», деди.
- 24.** Шунда оёғи остидан (Ийсо) нидо қилди: «Маҳзун бўлма, Парвардигоринг (оёқ) остингдан бир ариқ оқизиб қўйди».
- 25.** «Хурмо танасини силкит, сенга янги мева туширади».
- 26.** Еб-ичиб, хурсанд бўлиб юравер. Бирон одамни кўриб қолсанг: «Мен Раҳмонга рўзани назр қилганман, бугун инсон зотига гапирмасман», дегин.
- 27.** Уни (боласини) кўтариб қавмига келди. Дедилар: «Эй Марям, ҳеч ким қилмаган ишни қилдинг-ку!»
- 28.** «Эй Ҳоруннинг синглиси, отанг ёмон одам эмас, онанг ҳам бузук эмас эди-ку!»
- 29.** (Марям) унга (боласига) ишора қилди.

Улар: «Бешикдаги ёш бола билан қандай гаплашамиз?!» - дедилар.

30. Деди: «Мен Аллоҳнинг бандасиман. У менга Китоб берди ва мени Пайғамбар қилди».
31. «Мени қаерда бўлсам ҳам муборақ қилди. Модомики, ҳаёт эканман, менга намоз ва закотни амр этди».
32. «Мени волидамга меҳрибон қилди ва мени ситамкор, бадбахт қилмади».
33. «Менга туғилган кунимда ҳам, ўладиган кунимда ҳам, қайта тириладиган кунимда ҳам тинчлик-омонлик бўлур».
34. Мана шу улар шубҳаланаётган Ийсо ибн Марям тўғрисидаги ҳақ сўздир.
35. Бола тутмоқ Аллоҳга ҳеч тўғри келмас. У бундан Покдир. У бир ишни истаса, унга: «Бўл!» дейди. Бас, у бўлади.
36. «Албатта Аллоҳ менинг Парвардигорим ва сизларнинг Парвардигорингиздир. Бас, Унга қулик қилингиз! Мана шу тўғри йўлдир».
37. Сўнг фирқалар ўзаро ихтилоф қилдилар. Бас, кофир бўлган кимсаларга улуғ кунга гувоҳ-ҳозир бўлганларида ҳалокат бўлгай.
38. Бизга келадиган кунда улар жуда яхши эшитадиган ва кўрадиган бўлиб қоладилар. Лекин бугун золимлар очик залолатдадирлар.

39. Уларни иш битиб бўлган пайтдаги ҳасрат кунидан огоҳлантиринг. Улар ғафлатдадирлар ва улар иймон келтирмаслар.
40. Албатта, Биз ерга ва унинг устидаги кимсаларга меросхўр бўламиз ва Бизгагина қайтурлар.
41. Китобдаги Иброҳимни эсланг. У ростгўй ва пайғамбар бўлган эди.
42. Ўшанда у отасига деди: «Эй отажон, нима учун эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сизга бирон фойда бермайдиган нарсага ибодат қиласиз?»
43. «Эй отажон, албатта, сизга келмаган илм менга келди. Бас, менга эргашинг, мен сизни тўғри йўлга бошлайман».
44. «Эй отажон, шайтонга ибодат қилманг! Чунки шайтон Раҳмонга осий бўлгандир».
45. «Эй отажон, албатта мен сизга Раҳмон томонидан азоб етиб, шайтонга дўст бўлиб қолишингиздан кўрқаман».
46. Деди: «Эй Иброҳим, менинг худоларимдан юз ўгирадиган сенмисан? Тийилмасанг, сени тошбўрон қиламан. Мендан нари кет!»
47. Деди: «Омон бўлинг. Парвардигоримдан сизни мағфират қилишини сўрайман. Шубҳасиз, У менга Меҳрибондир».
48. «Сизлардан ҳам, Аллоҳни қўйиб илтижо қилаётган бутларингиздан ҳам

четланаман ва Парвардигоримга илтижо қилурман. Шоядки, Парвардигоримга дуо қилишим билан бадбахт бўлиб қолмасам».

49. Бас, уларни ва улар Аллоҳни қўйиб ибодат қилаётган бутларни тарк этгач, Биз унга Исҳоқ ва Яъқубни ҳадя этдик ва барчаларини пайғамбар қилдик.

50. Уларга Ўз раҳматимиздан инъом этдик ва уларни чин, улуғ, боқий мақтовларга сазовор қилдик.

51. Китобдаги Мусони эсланг. Дарҳақиқат, у танлаб олинган пайғамбар эди.

52. Биз унга Турнинг ўнг томонидан нидо қилдик ва уни муножот қилган ҳолида (Ўзимизга) яқинлаштирдик.

53. Ва унга Ўз раҳматимиздан оғаси пайғамбар Ҳорунни ҳадя этдик.

54. Китобдаги Исмоилни эсланг! Дарҳақиқат, у ваъдасига вафодор эди. У пайғамбар эди.

55. У аҳлини намоз ва закотга буюрарди. У Парвардигори ҳузурида рози қилинган зот эди.

56. Китобдаги Идрисни эсланг! Албатта, у сиддик пайғамбар эди.

57. Уни олий мақомга кўтардик.

58. Ана ўша Одам зурриётидан бўлган, Биз Нух билан бирга кўтарган (нажот берган) кишилардан бўлган, Иброҳим ва Исроил

зурриётидан бўлган, Биз ҳидоят қилган ва танлаб олган кишилардан бўлган пайғамбарлардан иборат Аллоҳнинг инъомига сазовор бўлган зотларга қачон Раҳмон оятлари тиловат қилинса, сажда қилган ва йиғлаган ҳолларида йиқилурлар.

- 59.** Бас, уларнинг ортидан намозни зое қиладиган ва шаҳватларга бериладиган кимсалар ўринбосар бўлиб қолдилар. Бас, яқинда улар ёмонликка йўлиқурлар.
- 60.** Иймон келтириб, яхши амаллар қилган зотлар бундан мустасно. Бас, улар жаннатга кирурлар ва ҳеч зулм қилинмаслар.
- 61.** Раҳмон бандаларига ғайбдан ваъда қилган Адн жаннатларидир. У Зотнинг ваъдаси шакшубҳасиз амалга ошгай.
- 62.** У жойда улар бирон беҳуда сўз эшитмаслар. Фақат салом (эшитурлар, холос). У жойда улар учун эрта-ю кеч ризқлари келиб турар.
- 63.** У - бандаларимиздан тақводор бўлганларига мерос қилиб берадиган жаннатимиздир.
- 64.** Биз фақат Парвардигорингизнинг амри билангина тушамиз. Бизнинг олдимиздаги нарсалар ҳам, ордимиздаги нарсалар ҳам, уларнинг орасидаги нарсалар ҳам ёлғиз Ўша Зотникидир. Парвардигорингиз унутгувчи эмасдир.
- 65.** У осмонлару ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг Парвардигоридир. Бас, Унга

ибодат қилинг ва Унинг ибодатида сабрли бўлинг. Унга бирон тенгдошни билурмисиз?

66. Инсон дейди: «Ўлиб бўлганимдан кейин яна қайта тирик ҳолда чиқариламанми?!»

67. Ўша инсон Биз уни олдин ўзи ҳеч нарса бўлмаган пайтида яратганимизни эсламайдими?!

68. Парвардигорингизга қасамки, албатта, Биз уларни ҳам, шайтонларни ҳам тўплармиз, сўнгра (ҳаммасини) жаҳаннам атрофида тиз чўккан ҳолларида ҳозир қилурмиз.

69. Кейин ҳар бир гуруҳдан қайси бири Раҳмонга қаттиқроқ осийлик қилган бўлса, ўшани суғуриб олурмиз.

70. Кейин, албатта, Биз у (жаҳаннам)га киришга кимлар лойиқроқ эканини яхши билгувчимиз.

71. Сизлардан бирон кимса йўқки, унга тушмаса. Бу Парвардигорингиз ҳузуридаги қатъий ҳукмдир.

72. Кейин тақво қилган зотларга нажот берурмиз. Золимларни эса тиз чўккан ҳолларида унда қолдирурмиз.

73. Қачон уларга очик-равшан оятларимиз тиловат қилинса, кофир бўлган кимсалар иймон келтирган зотларга дедилар: «Икки гуруҳдан қайси бирининг мартабаси яхшироқ ва мажлиси гўзалроқ?»

74. Ҳолбуки, Биз улардан олдин мол-дунёси ва кўриниши яхшироқ бўлган қанча авлодларни ҳалок қилганмиз.
75. Айтинг: «Ким залолатда бўлса, бас, Раҳмон унга муҳлат берсин. Токи, ўзларига ваъда қилинган нарсанинг (дунё) азоби ёки Қиёмат эканини кўрган вақтларида кимнинг мартабаси ёмонроқ ва лашкари ожизроқ эканини билиб оладилар».
76. Аллоҳ ҳидоят топганларнинг ҳидоятини зиёда қилур. Парвардигорингиз наздида боқий қоладиган яхши амаллар савоб жиҳатидан ҳам, оқибат жиҳатидан ҳам яхшироқдир.
77. Оятларимизга куфр келтирган ва: «Албатта(охиратда ҳам) менга мол-мулк ва бола-чақа берилур», деган кимсани кўрдингизми?
78. У ғойибдан хабар топдимикин ёки Раҳмон ҳузуридан аҳду паймон олдимикин?!
79. Йўқ! Албатта, Биз унинг айтаётган гапини ёзиб қўямиз ва унга азобни узайтирамиз.
80. У айтаётган (мол-дунёга) Биз меросхўр бўлурмиз ва у ҳузуримизга ёлғиз ҳолда келур.
81. Улар ўзларига куч-қудрат, иззат бўлиши учун Аллоҳдан ўзгаларни «худо» қилиб олдилар.
82. Йўқ! У («худо»)лар уларнинг ибодатларини

инкор этурлар ва уларга қарши (душман) бўлурлар.

83. Биз кофирларга уларни қўзғайдиган шайтонларни юборганимизни кўрмадингизми?

84. Уларга (қарши иш қилишда) шошилманг! Биз уларнинг (қилмишларини) ҳисоблаб турамиз.

85. Такводорларни Раҳмон ҳузурига азиз меҳмон сифатида тўплаган кунимизда.

86. Жинойтчиларни жаҳаннамга ташна ҳолларида ҳайдаган (кунимизда).

87. Улар шафоатга эга бўлмаслар. Раҳмон ҳузурида аҳду паймон олганлар бундан мустасно.

88. Дедилар: «Раҳмоннинг боласи бор».

89. Шу қадар оғир гап айтдингизки,

90. ундан осмонлар парчаланиб, ер ёрилиб, тоғлар қулаб тушай дейди.

91. Раҳмоннинг боласи бор, деганлари (туфайли).

92. Бола тутиш Раҳмонга нолойиқ ишдир.

93. Осмонлару ердаги барча кимсалар Раҳмонга бўйсунган ҳолларида келурлар.

94. У Зот уларни санаб-аниқлаб қўйгандир.

95. Қиёмат куни ҳаммалари У Зотнинг ҳузурига ёлғиз ҳолларида келгувчидир.

96. Албатта, иймон келтирган ва яхши амалларни қилганларга Раҳмон бир муҳаббат пайдо қилур.

- 97.** Албатта (Қуръон) билан тақводорларга хушхабар беришингиз ва саркаш қавмни огоҳлантиришингиз учун уни сизнинг тилингизга енгил қилиб қўйдик.
- 98.** Улардан олдин қанча асрни ҳалок қилдик. Улардан бирортасини кўрасизми ёки шарпасини эшитасизми?!

Тоҳа сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. То, Ҳа.
2. Сизга Қуръонни бахтсиз бўлишингиз учун нозил қилмадик.
3. Ақсинча, уни қўрқадиган кишиларга эслатма бўлиши учун нозил қилдик.
4. (У) ерни ва буюк самоларни яратган Зот тарафидан нозил қилингандир.
5. У Ўз Аршига кўтарилган Раҳмондир.
6. Осмонлару ердаги, улар орасидаги ва тупроқ остидаги нарсалар Уникидир.
7. Гапингизни ошкор айтсангиз-да, У Зот сирни ҳам, яширин (ишлар)ни ҳам билур.
8. Аллоҳ. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Гўзал номлар Уникидир.
9. Сизга Мусо ҳақида хабар келдими?
10. Эсланг, у бир оловни кўриб аҳлига деди: «Туриб туринглар, мен бир оловни кўриб қолдим, шояд, ўшандан сизларга бир чўғ олиб келсам ёки шу ўт ёнидан бирон йўл топсам».
11. Бас, у (олов ёнига) келганида: «Эй Мусо», деган нидо келди.
12. «Мен сенинг Парвардигорингман. Кавушларингни еч. Чунки сен муқаддас Туво

водийсидасан».

13. Мен сени танладим. Сенга юбориладиган ваҳийга қулоқ сол.
14. Албатта, Мен Ўзим Аллоҳдирман. Мендан ўзга илоҳ йўқ. Бас, Менга ибодат қил ва Мени зикр этиш учун намозни тўкис адо эт.
15. Қиёматнинг келиши муқаррар. Ҳар бир жон қилган ҳаракатига яраша жазо ёки мукофот олиши учун уни яшириброк тураман.
16. Унга ишонмайдиганлар ва ҳавойи нафсига эргашганлар сени ҳаргиз ундан тўсмасинлар. Акс ҳолда ҳалок бўлурсан.
17. «Эй Мусо, қўлингдаги нима?»
18. Деди: «Бу асоим, унга таянаман, у билан қўйларимга (барг) қоқиб бераман ва бошқа ишларимда ҳам ундан фойдаланаман».
19. Деди: «Эй Мусо, уни ташла».
20. Бас, уни ташлади. Бирдан у ўрмалаётган илонга айланиб қолди!
21. Деди: «Уни ол, қўрқма. Биз уни олдинги ҳолига келтируرمىз».
22. Қўлингни қўлтиғингга тик, у ҳеч бир ёмонлиги йўқ оппоқ бўлиб чиқадир. Бу бошқа бир мўъжизадир.
23. Биз сенга буюк мўъжизаларимизни кўрсатиш учун (шундай қилдик).
24. «Фиръавн олдига бор, чунки, у ҳаддидан ошди».

25. Деди: «Парвардигорим, қалбимни кенг қил.
26. Ишимни осон қил.
27. Тилимдан тугунни ечгин.
28. Гапимни англасинлар.
29. Менга ўз аҳлимдан бир вазир қилиб бер.
30. Оғам Ҳорунни.
31. У билан белимни маҳкам қилгин.
32. Уни ишимга шерик айла.
33. Токи Сенга кўп тасбиҳ айтайлик.
34. Ва Сени кўп эслайлик.
35. Албатта, Сен бизни кўриб турувчи эдинг».
36. Деди: «Эй Мусо, сенга сўраганинг берилди».
37. Албатта, Биз сенга бошқа сафар ҳам неъмат берган эдик.
38. Ўшанда онангга илҳом қилинадиган нарсани илҳом қилгандик.
39. «Уни сандикқа солиб, дарёга ташла. Бас, уни дарё соҳилга отсин. (Кейин) уни Менинг душманим ва унинг душмани ушлаб олур».
- (Эй Мусо,) Менинг кўз олдимда униб-ўсишинг учун сенинг устингга Ўз томонимдан бир муҳаббат ташладим.
40. Ўшанда опанг юриб бориб: «Уни кафилликка оладиганларга далолат қилайми?» - деган эди. Бас, кўзлари қувонсин, ғамгин бўлмасин деб, сени онангга қайтаргандик.
- (Катта бўлиб) бир жонни ўлдириб қўйдинг. Бас, сени ғамдан қутқардик ва турли синовлар билан синадик. Кейин

неча йиллар Мадян аҳлида қолиб кетдинг ва тақдир тақозоси билан (бу ерга) келдинг, эй Мусо!

41. Сени Ўзим учун танладим.

42. Сен ва оғанг мўъжизаларимни олиб (Фиръавнга) боринглар ва Мени зикр этишда сусткашлик қилманглар.

43. Фиръавнга боринглар! Чунки у ҳаддидан ошди.

44. Унга мулойим гапиринглар. Шояд, панд-насихат олса ёки кўрқса.

45. Дедилар: «Парвардигоро, биз унинг шошқалоқлик билан бизга ёмонлик қилишидан ёки баттар ҳаддидан ошишидан кўрқамиз».

46. Деди: «Кўрқманглар. Шак-шубҳасиз, Мен сизлар билан биргаман, эшитиб, кўриб тураман».

47. Унинг олдида бориб, шундай деб айтинглар: «Биз Парвардигорингнинг элчиларимиз. Бани Исроилни биз билан бирга қўйиб юбор, уларни азоблама. Биз сенга Парвардигоринг томонидан оят-мўъжиза келтирдик. Ҳидоятга эргашган кишиларга тинчлик-омонлик бўлур».

48. «Бизга ваҳий қилиндики, ёлғончига чиқарган ва юз ўгирган кимсаларга азоб бўлур».

49. Деди: «Эй Мусо, сизларнинг

Парвардигорингиз ким?»

50. Деди: «Парвардигоримиз барча нарсага ўз хилқатини - шаклини ато этиб, сўнгра тўғри йўлга солиб қўйган Зотдир».
51. Деди: «Олдинги авлодларнинг ҳоли недир?»
52. Деди: «Улар ҳақидаги билим Парвардигорим ҳузуридаги Китобдадир. Парвардигорим адашмас ва унутмас».
53. У Зот сизлар учун заминни бешик қилиб қўйди ва унда йўллар пайдо қилди ҳамда осмондан сув туширди. Бас, у билан турли хил жуфт-жуфт ўсимликларни ундириб чиқардик.
54. Енглар ва чорваларингизни боқинглар. Албатта, бунда ақл эгалари учун ибратлар бордир.
55. Сизларни ундан яратдик, унга қайтарамиз ва яна бир бор ундан чиқариб оламиз.
56. Дарҳақиқат, Биз унга бор оят-мўъжизаларимизни кўрсатдик. У эса ёлғон деб, юз ўгирди.
57. Деди: «Эй Мусо, сеҳринг билан бизни еримиздан чиқариш учун келдингми?!»
58. Ундай бўлса, бизлар ҳам сенга худди ўшандай сеҳр келтируرمىз. Бас, сен ўзинг билан бизларнинг ўртамизда бир жой ва вақтни танлагинки, у сен ҳам, бизлар ҳам қаршилик қилмайдиган ўрта бир жой бўлсин».
59. Деди: «Ваъда безаниш куни одамлар чошгоҳда

тўпланадиган пайтдир».

60. Бас, Фиръавн қайтиб кетди, сўнгра, хийлагарларини йиғиб келди.
61. Мусо уларга деди: «Ҳолингизга вой! Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиманг, бас, сизни азоб билан бутунлай ҳалок қилур. Ёлғон тўқиганнинг ноумидликка учраши муқаррар».
62. Бас, улар ишлари ҳақида ўзаро аста шивирлашиб, талашиб-тортиша бошладилар.
63. Дедилар: «Албатта, бу иккови сеҳргарлардир. Сизни сеҳрлари билан ерларингиздан чиқариб юборишни ва сизнинг улуғ йўлингизни йўқ қилишни истаяптилар».
64. «Бас, макр-хийлангизни тўплаб, бир саф бўлиб келинг. Бугунги кунда устун келган тараф нажот топур».
65. Дедилар: «Эй Мусо, сен ташлайсанми ёки бизлар биринчи ташловчи бўлайликми?»
66. Деди: «Йўқ. Сизлар ташланглар». Бирдан уларнинг арқонлари ва асолари сеҳр туфайли унга худди қимирлаётгандек туюлди.
67. Бас, Мусо ичида бир кўркувни ҳис этди.
68. Дедик: «Кўркма, албатта, сен устунсан».
69. «Қўлингдаги нарсани ташла, улар ясаган нарсаларни ютиб юборади. Уларнинг ясаган нарсалари бир сеҳргарнинг найрангидан бошқа нарса эмас. Сеҳргар

эса қаерда бўлмасин, зафар қучмас».

70. Сеҳргарлар саждага бош уриб дедилар: «Ҳорун ва Мусонинг Парвардигорига иймон келтирдик».
71. Деди: «Сизга изн бермасимдан олдин унга иймон келтирдингизми?! Албатта, у сизга сеҳр ўргатган каттангиздир! Бас, албатта, қўл-оёқларингизни қарама-қарши тарафидан кесурман, кейин сизларни хурмо танасига осурман, (ана шунда) қайси биримизнинг азобимиз шиддатлироқ ва боқийроқ эканини билурсиз».
72. Дедилар: «Биз ўзимизга келган аниқ ҳужжатдан ва бизни яратган Зотдан сени ҳаргиз устун қўймасмиз. Бас, қиладиган ҳукмингни қилавер. Сен фақат мана шу дунёдагина ҳукм қилурсан.
73. Биз эса ҳатоларимизни ва сен бизни мажбур қилган сеҳргарлигимизни мағрифат қилиши учун Парвардигоримизга иймон келтирдик. Аллоҳ яхшироқ ва боқийроқдир».
74. Албатта, ким Парвардигорига жинойтчи ҳолида келса, унга жаҳаннам бордир. У ерда на ўла олур ва на яшай олур.
75. Ким У Зотга яхши амаллар қилган мўмин ҳолида келса, бас, ана ўшалар учун юксак даражалар бор.
76. Остидан анҳорлар оқиб ўтадиган жаннатлар

бор. У ерда абадий қолурлар. Бу пок бўлган кишиларнинг мукофотидир!

77. Дарҳақиқат, Биз Мусога шундай ваҳий қилдик: «Сен бандаларим билан тунда йўлга туш, улар учун денгиздан қуруқ йўл қил, етиб олишидан хавф қилма ва кўркма».
78. Бас, Фиръавн ўз аскарлари билан уларнинг ортидан қувди. Денгиз уларни ўраганича ўраб олди.
79. Фиръавн ўз қавмини адаштирди, тўғри йўлга бошламади.
80. Эй Бани Исроил, Биз сизларни душманингиздан қутқардик ва сиз билан Турнинг ўнг томонини ваъдалашдик ҳамда сизларга ширинлик, беданаларни ёғдирдик.
81. Биз сизларга ризқ қилиб берган пок нарсалардан енглар. Ҳаддингиздан ошманглар. Акс ҳолда бошингизга ғазабим тушар. Кимнинг бошига ғазабим тушса, бас, албатта, у ҳалок бўлур.
82. Албатта, Мен тавба қилган, иймон келтирган, солиҳ амал қилган, кейин эса ҳидоят йўлидан борганларни мағфират қилгувчиман.
83. Эй Мусо, нима сабабдан қавмингдан илгарилаб кетдинг?
84. Деди: «Улар ортимдан келмоқдалар. Парвардигорим, рози бўлишингни истаб, Сенга шошдим».
85. Деди: «Албатта, Биз сендан кейин қавмингни фитнага дучор қилдик. Сомирий

уларни йўлдан оздирди».

86. Бас, Мусо қавмига ғазабланиб, афсусланиб қайтди ва деди: «Эй қавмим, Парвардигорингиз сизларга яхши ваъда қилмаганмиди?! Сизларга вақт узок кўриндими ёки устингизга Парвардигорингиз томонидан ғазаб тушишини истаб менга берган ваъдани буздингизми?!»
87. Дедилар: «Биз сенга берган ваъдани ўз ихтиёримиз билан бузмадик. Лекин қавмнинг зеб-зийнатларидан иборат юклар бизга юклатилганди. Бас, уларни ташладик. Сомирий ҳам ташлади».
88. Бас, уларга маърайдиган бузоқ хайкални чиқариб берди. Дедилар: «Мана шу - сизнинг илоҳингиз ва Мусонинг ҳам илоҳи, фақат у унутди».
89. Ахир унинг ўзларига бирон сўз қайтара олмаётганини ва бирон зарар ҳам, фойда ҳам етказишга қодир эмаслигини кўрмаяптиларми?!
90. Ҳолбуки, илгари Ҳорун уларга шундай деганди: «Эй қавмим, сизлар бу билан синовга дуч қилиндингиз, холос. Албатта, сизларнинг Парвардигорингиз ёлғиз Раҳмондир. Бас, менга эргашингиз ва амримга итоат этингиз».
91. Дедилар: «То Мусо бизга қайтиб келгунича унга ибодат қилишда давом этаверамиз».

92. Деди: «Эй Ҳорун, уларнинг залолатга кетганларини кўрганингда сени нима ман қилди?!
93. Менинг ортимдан боришингдан? Амримга итоатсизлик қилдингми?!»
94. Деди: «Эй онамнинг ўғли, соч-соқолимдан тутма. Мен сенинг, гапимга кирмасдан Бани Исроилни бўлиб юборибсан, дейишингдан кўрқдим».
95. Деди: «Бу нима қилганинг, эй, Сомирий?!»
96. Деди: «Улар кўрмаган нарсани кўрдим. Бас, Элчининг изидан бир сиқим олдим-да, уни отдим. Нафсим менга шундай қилишни чиройли қилиб кўрсатди».
97. Деди: «Йўқол! Энди сенга бу ҳаётда «Менга тегманглар», дейишинг бор, холос. Сенга хилоф қилинмайдиган бир ваъда бор. Тинимсиз ибодат қилаётганинг мана бу илоҳинггақара. Биз уни, албатта, куйдириб, (кулини) денгизга сочиб юборурмиз».
98. Албатта, илоҳингиз ёлғиз Аллоҳдир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. У барча нарсани Ўз илми билан қамраб олгандир.
99. Ўтганларнинг хабарларини сизга мана шундай қисса қилиб берамиз. Сизга Ўзимиз тарафимиздан бир Зикрни ато этдик.
100. Ким ундан юз ўгирса, албатта, у Қиёмат куни (гуноҳ) юкини кўтаради.
101. Унда абадий қоладилар. Қиёмат куни

уларнинг юки нақадар ёмон юк бўлди.

102. Сур чалинадиган кун. Ўша кун
жиноятчиларни кўкариб кетган ҳолида
йиғармиз.

103. Улар ўзаро шивирлашиб: «Ўн кунгина
турдингиз», дейдилар.

104. Уларнинг айтаётган гапларини Биз
яхши биламиз. Ўшанда уларнинг энг тўғри
йўлни тутгани: «Бир кунгина турдингиз»,
дейди.

105. Сиздан тоғлар ҳақида сўрайдилар. Айтинг:
«Парвардигорим уларни совуриб юборади.

106. Сўнг уларни теп-текис қилиб қўяди.

107. Унда на бир чуқурни ва на бир дўнгликни
кўрасиз.

108. У кунда чорловчига оғишмай
эргашадилар. Овозлар Раҳмонга эгилиб,
жим бўлиб қолади. Пичирлашдан бошқа
нарсаси эшитмасиз.

109. У кунда ҳеч кимга шафоат фойда
бермайди. Раҳмон изн бериб, гапидан рози
бўлганларгина бундан мустасно.

110. Уларнинг олдиларидаги нарсаларни ҳам,
орқаларидаги нарсаларни ҳам билади. Улар
эса У Зотни била олмаслар».

111. Юзлар тирик ва абадий Зотга бош эгди.
Зулмни кўтариб келган кимса аниқ ноумид
бўлди.

112. Ким ўзи мўмин бўлиб, яхши амаллар

қилган бўлса, у зулмдан ҳам, (савоблари) камайишидан ҳам кўркмас.

113. Биз уни мана шундай арабий Қуръон қилиб туширдик ва унда кўрқинчли ваъдаларни баён қилдик. Шоядки, улар такво қилсалар ёки улар учун эслатма-ибратлар пайдо қилса!

114. Ҳақ Подшоҳ - Аллоҳ олий бўлди. Сизга тўла ваҳий бўлишидан олдин қироат қилишга шошилманг ва: «Парвардигорим, илмимни янада зиёда қилгин», деб айтинг.

115. Дарҳақиқат, Биз илгари Одам билан ҳам аҳдлашган эдик. У эса унутди ва Биз унда собитқадамликни кўрмадик.

116. Биз фаришталарга: «Одамга сажда қилинг», деганимизда, улар сажда қилдилар. Фақат Иблисгина бош тортди.

117. Бас, дедик: «Эй Одам, албатта, бу сенга ҳам, жуфтингга ҳам душмандир. Тағин у икковингизни жаннатдан чиқариб, бахтсиз бўлиб қолмагин».

118. «Албатта, сен у ерда оч-яланғоч қолмассан».

119. «Албатта, сен у ерда ташна ҳам бўлмайсан, иссиқда ҳам қолмассан».

120. Сўнг шайтон уни васваса қилиб деди: «Эй Одам, мен сенга абадият дарахтини ва битмас-туганмас мулкни кўрсатайми?»

121. Бас, иккиси ҳам ундан едилар. Шу билан авратлари ўзларига очилиб қолиб, ўзларини жаннат барглари билан тўса бошладилар.

Одам Парвардигорига осий бўлди ва йўлдан озди.

122.Сўнгра Парвардигори уни танлаб олди, бас, тавбасини қабул қилди ва ҳидоятга бошлади.

123.Деди: «Ҳар иккингиз ундан тушингиз. Бирингиз бирингизга душмансиз. Бас, Мен томонимдан сизларга ҳидоят келганида ким ҳидоятимга эргашса, адашмас ва бахтсиз бўлмас».

124.«Ким Менинг зикримдан юз ўгирса, бас, унга танг ҳаёт бўлур ва Қиёмат куни уни кўр ҳолида тирилтируرمىз».

125.У: «Парвардигорим, нега мени кўр ҳолимда тирилтирдинг. Ахир, менинг кўзим очик эди-ку?!» - деб қолади.

126.Деди: «Сенга оятларимиз келганида уларни мана шундай унутгандинг. Бугун сен ҳам ана шундай унутиласан».

127.Ҳаддан ошган ва Парвардигорининг оятларига иймон келтирмаган кимсаларни мана шундай жазолаймиз. Охират азоби шак-шубҳасиз, қаттиқроқ ва давомлироқдир.

128.Бизуларданилгари ҳам уларнинг масканларида юрган қанча авлодларни ҳалок қилганимиз ҳақида билмайдиларми?! Албатта бунда ақл эгалари учун оятлар бордир.

129.Парвардигорингиз томонидан бир сўз ва белгиланган муддат бўлмаганида эди,

албатта, (азоб) лозим бўлар эди.

130. Бас, улар айтаётган сўзларга сабр қилинг. Қуёш чиқишидан олдин ва ботишидан олдин Парвардигорингизга ҳамд айтинг, тасбеҳ айтинг. Тунги пайтларда ҳам, кундузги пайтларда ҳам тасбеҳ айтинг. Шоядки, мамнун бўлсангиз.

131. Кўзларингизни Биз айримларни синаш учун баҳраманд қилган дунё ҳаётининг безакларига тикманг! Парвардигорингизнинг ризқи яхшироқ ва боқийроқдир.

132. Аҳлингизни намоз ўқишга буюринг ва ўзингиз ҳам бу ишда сабрли бўлинг! Биз сиздан ризқ сўрамаймиз. Ўзимиз сизга ризқ берурмиз. Оқибат тақвоникидир.

133. «Парвардигори тарафидан бизларга бирон оят келтирса эди», дедилар. Ахир уларга илгариги саҳифалардаги нарсаларнинг баёни келмадими?!

134. Биз уларни илгари бирон азоб билан ҳалок қилганимизда эди, улар албатта: «Парвардигоро, бизларга бирон пайғамбар юборганингда хор-зор ва шарманда бўлмай, Сенинг оятларингга эргашган бўлар эдик», деган бўлар эдилар.

135. Айтинг: «Барча кутгувчидир. Бас, кутинглар. Албатта, кимлар тўғрий ўлсоҳиблари эканини ва кимлар ҳидоят топганини яқинда билиб олурсизлар».

Анбиё сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Одамларга ҳисоб-китоблари яқинлашиб қолди. Улар эса ғафлатда, юз ўгирувчи бўлган ҳолларидадир.
2. Қачон Парвардигорларидан янги эслатма-оят келса, уни фақат ўйнаган ҳолларида тингларлар.
3. Қалблари ғофил бўлган ҳолларида (тингларлар). Зулм қилган кимсалар: «Бу ўзингизга ўхшаган бир одам холос-ку. Ўзингиз кўриб туриб сеҳрга келасизми?» - деб ўзаро шивирлашарлар.
4. Деди: «Парвардигорим осмону ердаги ҳар бир сўзни билур. У Эшитгувчи, Билгувчидир».
5. Балки улар дедилар: «Алғов-далғов тушлардир, балки, ўзитўқиб чиқаргандир, балки ушоирдир. Бас, бизга аввалгиларга юборилганидек бир мўъжиза келтирсин».
6. Улардан олдин Биз ҳалок қилган бирон шаҳар иймон келтирмаган. Энди улар иймон келтирармидилар?!
7. Сиздан илгари ҳам фақат кишиларни пайғамбар қилиб, уларга ваҳий юборганмиз. Бас, агар ўзларингиз билмайдиган бўлсангизлар, аҳли илмлардан сўранглар!

8. Биз уларни таом емайдиган бир жасад қилган эмасмиз. Улар мангу яшайдиган одамлар ҳам бўлган эмаслар.
9. Кейин ваъдамизга вафо қилиб, уларга ва Ўзимиз хоҳлаган кишиларга нажот берганмиз. Ҳаддан ошганларни эса ҳалок қилганмиз.
10. Дарҳақиқат, сизларга бир китоб нозил қилдик. Унда сизларнинг зикрингиз бор. Ақл ишлатмайсизларми?!
11. Қанча-қанча золим бўлган қишлоқларни ҳалок айладик. Улардан кейин бошқа қавмни вужудга келтирдик.
12. Азобимизни сезиб қолиб, ундан қочишга тутиндилар.
13. «Қочманглар, майшатга ботган жойларингизга, ўз масканларингизга қайтинглар, эҳтимол, жавоб берарсизлар».
14. Дедилар: «Ҳолимизга вой! Биз аниқ золим бўлган эканмиз».
15. Уларнинг бу дод-войлари биз уларни ўрилган ўтдай (ҳаракатсиз) қилиб юборгунимизча давом этди.
16. Биз осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни беҳудага яратмадик.
17. Агар Биз вақтичоғлик қилишни истасак, уни қиладиган бўлсак, Ўз даргоҳимиздан қилган бўлар эдик.
18. Йўқ, Биз ҳақни ботил устига отурмиз.

Бас, уни яксон қилур. Қарабсизки, у завол топур. Сизларга эса қилган васфларингиздан ҳалокат келур.

19. Осмонлару ердаги барча жонзот Уникидир. Унинг ҳузуридагилар ибодатидан такаббурлик қилмаслар ва малол олмаслар.

20. Улар кечаю кундуз тасбеҳ айтарлар. Чарчамаслар.

21. Ёки улар ердан тирилтира оладиган худоларни топиб олдиларми?!

22. Агар уларда Аллоҳдан ўзга худолар бўлганида бузилиб кетган бўлардилар. Аршнинг Парвардигори Аллоҳ улар васф қилган нарсадан Покдир.

23. У қилган ишидан сўралмас. Улар эса сўралурлар.

24. Ёки Уни қўйиб, бошқа худоларни топиб олдиларми?! Айтинг: «Хужжатларингизни келтирингиз! Мана бу мен билан бирга бўлганларнинг эслатмаси ва мендан олдингиларнинг эслатмалари». Йўқ, уларнинг аксарияти ҳақиқатни билмай туриб, (ундан) юз ўгирувчилардир.

25. Сиздан олдин юборганимиз ҳар бир пайғамбарга шундай ваҳий қилганмиз: «Мендан ўзга илоҳ йўқ. Бас, Менгагина ибодат қилинглар».

26. Дедилар: «Раҳмон болатутди». Субҳонаҳ. (Аллоҳ улар айтаётган бу нуқсондан Пок ва Олийдир) Аксинча, (улар) мукаррам бандалардир.
27. У Зотдан олдин гапирмайдилар ва улар У Зотнинг фармони билангина иш қилурлар.
28. Уларнинг олдиларида нима бўлишини ҳам, ортларида нима бўлганини ҳам билади. У Зот розилик берган кимсанигина шафоат қила оладилар. Улар У Зотдан қўрққанларидан титраб турадилар.
29. Улардан қайси бири: «Мен ундан бошқа бир илоҳман», деса, уни дўзах билан жазолаймиз. Золимларни ана шундай жазолаймиз.
30. Куфр келтирган кимсалар осмонлару ер қапишган бўлиб, кейин уларни ажратганимизни ва ҳамма жонли нарсани сувдан (ҳосил) қилганимизни билмасларми? Иймон келтирмайдиларми?
31. Замин уларни тебратиб юбормаслиги учун ерда тоғларни барпо қилдик ва йўл топа олишлари учун унда даралар, йўллар қилдик.
32. Самони қулаб тушмайдиган том қилиб қўйдик. Улар эса унинг белгиларидан юз ўгирувчидирлар.

33. У кеча ва кундузни, қуёш ва ойни яратган Зотдир. Ҳаммаси фалакда сузиб юрибдилар.
34. Сиздан олдин ҳам бирон одамга абадийликни бермаганмиз. Сизлар ўлиб, улар абадий қолар эканларми?!
35. Ҳар бир жон ўлим (шароби)ни татиб кўргувчидир. Сизларни яхшилик билан ҳам, ёмонлик билан ҳам синаймиз. Бизгагина қайтарилурсизлар.
36. Куфр келтирган кимсалар сизни кўрганларида сизни масхара қилиб: «Худоларингизни айблаётган мана шуми?» - дейдилар. Ўзлари эса Раҳмоннинг зикридан юз ўгирувчидирлар.
37. Инсон шошқалоқ яралган. Яқинда сизларга оятларимни кўрсатурман. Бас, шошилтирманглар.
38. Дейдилар: «Агар сизлар рост сўзлаётган бўлсангизлар, бу ваъда ўзи қачон?»
39. Куфр келтирган кимсалар юзларидан ҳам, ортларидан ҳам ўтни тўса олмайдиган ва уларга ёрдам берилмайдиган онни билсалар эди.
40. Йўқ! Уларга тўсатдан келиб қолур ва улар ҳайратда қолурлар. Уни қайтаришга қодир бўлмаслар ва уларга муҳлат ҳам берилмас.
41. Сиздан олдинги пайғамбарлар ҳам масхара қилинганлар. Уларни масхара қилганларни қилган истеҳзолари ўз

домига тортган.

42. Айтинг: «Кеча-ю кундуз сизларни Раҳмондан ким асрайди?» Йўқ! Улар Парвардигорларининг зикридан юз ўгирувчилардир.
43. Ёки уларнинг Биздан бошқа ҳимоя қиладиган худолари борми? Худолари ўзларига ҳам ёрдам бера олмайдилар, Биз тарафимиздан ҳам ҳимоя қилинмаслар.
44. Йўқ! Уларнинг ўзларини ҳам, ота-боболарини ҳам Биз баҳраманд қилдик, ҳатто уларга умр узун кўриниб қолди. Биз заминни атрофларидан қисқартириб бораётганимизни кўрмайдиларми? Ғолиблар ўшаларми?
45. Айтинг: «Мен сизларни фақат ваҳий билан огоҳлантираман. Гунглар огоҳлантирилаётганларида даъватни эшитмайдилар».
46. Парвардигорингизазобидануларгасалгина етиб борса: «Ҳолимизга вой, биз золимлар бўлган эканмиз», деб қоладилар.
47. Биз Қиёматкуни учуна долатли тарозилар қўюрмиз, бас, биронта жон заррача зулм қилинмас. Бир хардал уруғидек бўлса ҳам, ўшани-да келтирурмиз! Ҳисоб-китоб қилувчиликда Ўзимиз етарлимиз.
48. Албатта, Биз Мусо ва Ҳорунга Фурқонни тақводорлар учун зиё ва эслатма қилиб

бердик.

49. Парвардигорларидан ғоибона кўрқадиган, Қиёматкунидан титраб турадиган (мўминлар учун).
50. Бу бир муборак эслатмадир. Уни Биз нозил қилдик. Уни инкор қиладиган ҳали сизлармисизлар?
51. Дарҳақиқат, олдин Иброҳимга тўғри йўлини ато этганмиз. Биз уни билган эдик.
52. Ўшанда отаси ва қавмига шундай деганди: «Сизлар тинимсиз ибодат қилаётган бу ҳайкаллар ўзи нима?»
53. Дедилар: «Ота-боболаримизни уларга сиғинган ҳолларида топганмиз».
54. Деди: «Сизлар ҳам, ота-боболарингиз ҳам очик залолатда бўлгансизлар».
55. Дедилар: «Бизга ҳақни келтирдингми ёки сен ўйин қилгувчиларданмисан?»
56. Деди: «Йўқ! Парвардигорингиз Ўзи яратган осмонлару ернинг ҳам Парвардигоридир. Мен бунга гувоҳлик бергувчилардандирман».
57. Аллоҳга қасамки, ортингизга ўгирилиб кетганингиздан кейин бутларингизни бир нарса қиламан.
58. Уларни парча-парча қилиб юборди. Фақат энг каттасини қолдирди. Шоядки, ўшанга қайтсалар (тўнкасалар, деб).
59. Дедилар: «Худоларимизни ким бундай

қилди? Албатта, у золимлардандир».

60. Дедилар: «Уларни гапириб юрадиган Иброҳим исмли бир йигитни эшитгандик».
61. Дедилар: «Уни одамлар кўзи олдига олиб келинглар. Шоядки, гувоҳ бўлсалар».
62. Дедилар: «Эй Иброҳим, худоларимизни сен шундай қилдингми?»
63. Деди: «Йўқ, бу ишни уларнинг каттаси қилди. Агар улар гапирадиган бўлсалар, ўзларидан сўранглар».
64. Бас, ўзларига келиб (бир-бирларига) дедилар: «Сизлар ўзларингиз золимларсиз».
65. Кейин яна бошлари айланиб: «Сен уларнинг гапирмасликларини аниқ билар эдинг», дейишди.
66. Деди: «Аллоҳни қўйиб, ҳеч қандай фойда ҳам, зарар ҳам келтира олмайдиган нарсага ибодат қиласизларми?»
67. Сизларга ҳам, Аллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларингизга ҳам суф-е! Ақл юритмайсизларми?!»
68. Дедилар: «Уни ёқинглар. Қиладиган бўлсангизлар, худоларингизга ёрдам қилинглар».
69. Биз айтдик: «Эй олов, сен Иброҳим учун салқин ва омонлик бўл!»
70. Унга макр қилмоқчи бўлдилар. Бас, ўзларини кўпроқ зиён кўргувчилар қилдик.

71. Унга ва Лутга нажот бериб, Биз оламлар учун муборак қилган ерга юбордик.
72. Унга Исҳоқни ато этдик. Зиёдасига Яъқубни ҳам қўшиб бердик. Ва барчаларини солиҳлар қилдик.
73. Уларни Бизнинг амримиз билан ҳидоятга бошлайдиган пешволар қилдик. Уларга яхшиликлар қилишни, намозни тўқис адо этишни, закот беришни ваҳий қилдик. Улар Бизга ибодат қилгувчи бўлдилар.
74. Лутга ҳукм ва илм бердик. Уни манфур ишлар қилиб юрадиган қишлоқдан қутқардик. Улар ёмон, фосиқ қавм эдилар.
75. Уни Ўз раҳматимизга дохил айладик. У солиҳлардандир.
76. Нухни (эсланг). Олдин у нидо қилганида уни мустажоб айлаб, унинг ўзини ҳам, аҳлини ҳам буюк ғамдан қутқардик.
77. Оятларимизни ёлғонга чиқарган қавмга қарши унга мадад бердик. Улар ёмон қавм эди. Бас, уларнинг ҳаммасини ғарқ қилдик.
78. Довуд билан Сулаймоннинг экинзор ҳақида ҳукм қилган пайтларини (эсланг). Ўшанда қавмнинг қўйлари бўшалиб кириб кетган эди. Биз уларнинг ҳукмига гувоҳ бўлган эдик.
79. Уни Сулаймонга уқтирдик. Ҳариккисига ҳукм ва илм бердик. Тоғлар ва қушларни бўйсундирдик. Довуд билан бирга тасбеҳ айтадиган бўлдилар.

Шуларни қилган Биз бўлдик.

- 80.** Унга сизлар учун сизларни зиён-заҳматдан сақлайдиган совутяшни ўргатдик. Сизлар ўзи шукр қиласизларми?
- 81.** Сулаймонга эса қаттиқ эсадиган шамолни бердик. Унинг амри билан Биз муборак қилган ерга эсади. Биз ҳамма нарсани билгувчидирмиз.
- 82.** Шайтонлардан унга ғаввослик қиладиганларни ва бошқа ишларни ҳам бажарадиганларни (бўйсундириб қўйдик). Биз уларни қўриқловчи бўлдик.
- 83.** Айюбни (эсланг). Ўшанда у Парвардигорига нидо қилиб: «Мени бир зарар ушлади. Сен раҳм қилгувчиларнинг раҳм қилгувчироғисан», деганди.
- 84.** Унинг дуосини мустажоб айлаб, мусибатини аритдик. Ўз ҳузуримиздан меҳрибонлик кўрсатиб ва ибодат қилгувчиларга бир эслатма бўлсин деб, унга оиласини ва уларга қўшиб яна ўшанча (бола) ато этдик.
- 85.** Исмоил, Идрис ва Зул-кифлни (эсланг). Уларнинг ҳар бири сабр қилгувчилардандир.
- 86.** Уларни Ўз раҳматимизга киритдик. Албатта, улар солиҳлардандир.
- 87.** Зуннунни (эсланг). Ўшанда у ғазабланган ҳолида кетди. Ўйладики, Биз унга қарши иш қилмаймиз. Кейин эса қоронғуликлар

ичра шундай нидо қилди: «Сендан ўзга илоҳйўқ. СенҳарқандайнуксонданПоксан. Албатта, мен золимлардан бўлдим».

88. Бас, Биз унинг (дуосини) ижобат қилдик. Уни ғамдан қутқардик. Мўминларга шундай нажот берурмиз.

89. Закариёни (эсланг). Ўшанда у Парвардигорига нидо қилиб: «Парвардигорим, мени ёлғиз ташлаб қўйма, Ўзинг ворисларнинг энг яхшисисан», деди.

90. Унинг (дуосини) ижобат этдик ва унга Яхёни ҳадя қилдик ҳамда жуфтини тузатдик. Дарҳақиқат, улар яхшиликларга шошилар ҳамда Бизга рағбат ва қўрқув билан дуо қилар эдилар. Улар Бизга таъзим ила бўйинсунувчи эдилар.

91. Ўзномусини сақлаганаёлни (эсланг). Биз унга Ўз Рухимиздан пуфладик. Унинг ўзини ҳам, ўғлини ҳам барча оламлар учун оят-ибрат қилдик.

92. Албатта, мана бу умматингиз ягона умматдир. Мен эса Парвардигорингизман. Бас, Менгагина ибодат қилинглар.

93. Улар эса ишларини ўзаро парчалаб юбордилар. Ҳаммалари Бизга қайтгувчилардир.

94. Мўмин бўлгани ҳолда яхши амаллар қилган одамнинг ҳаракати зое кетмас. Биз уни ёзиб қўйгувчилармиз.

95. Биз ҳалок қилган шаҳарнинг (қайтиши) ҳаромдир. Албатта, улар қайтмайдилар.
96. То Яъжуж ва Маъжуж (тўғони) очилиб, улар ҳар бир тепаликдан оқиб келадиган вақтгача.
97. Ҳақ ваъда яқинлашганда куфр келтирган кимсаларнинг кўзлари қотиб қолиб: «Эй воҳ, ҳолимизга вой, биз бу ишдан ғафлатда қолган эканмиз, яна ҳам тўғрироғи, биз ўзимизга ўзимиз жабр қилгувчилар бўлган эканмиз», деб қоладилар.
98. Сизлар ҳам, Аллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларингиз ҳам жаҳаннам ёқилғисидир. Сизлар унга тушгувчидирсизлар.
99. Агар улар худолар бўлганида унга кирмаган бўлардилар. Ҳаммалари унда абадий қоладилар.
100. У ерда уларга инграш бордир. Улар у ерда эшитмаслар.
101. Албатта, Биз тарафимиздан олдин яхшилик берилганлар, ана ўшалар ундан (дўзахдан) узоқлаштирилганлардир.
102. Олов овозини эшитмаслар. Улар кўнгиллари тусаган неъматларда абадийдирлар.
103. Уларни буюк даҳшат хафа қилмас. Уларни фаришталар: «Сизларга ваъда қилинган кун - мана шу», деб кутиб оладилар.
104. У кунда осмонни худди мактуб ёзилган

саҳифани ёпгандек ёпиб, дастлаб қандай яратган бўлсак, ўша ҳолига қайтарурмиз. Бу зиммамиздаги ваъдадир. Албатта Биз буни қилгувчидирмиз.

105. Дарҳақиқат, Зикр (Лавҳул-махфуз)дан кейин Забурда ёзиб қўйганмизки, ерга солих бандаларим ворис бўлгай.

106. Албатта, бунда ибодат қилгувчи қавм учун етарли нарса бордир.

107. Биз сизни оламларга фақат раҳмат қилиб юбордик.

108. Айтинг: «Менга илоҳингиз ягона илоҳ экани ҳақида ваҳий келади. Бас, сизлар мусулмон бўласизларми?!»

109. Агар юз ўгириб кетсалар, айтинг: «Ҳаммангизга баробар эшиттирдим. Сизларга ваъда қилинган нарса яқинми, узоқми, билмайман».

110. «Албатта, У ошкора айтилган гапни ҳам, сизлар беркитаётган гапни ҳам билур».

111. «Билмадим, эҳтимол, бу сизлар учун синовдир ва вақтинчалик фойдаланиб туришдир».

112. Деди: «Парвардигорим, Ўзинг ҳақ ила ҳукм қил. Парвардигоримиз сизлар тавсифлаётган нарсаларга қарши мадад сўраладиган Раҳмондир».

Ҳаж сураси

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман)

1. Эй инсонлар, Парвардигорингиздан кўрқингиз!
Соат (Қиёмат) зилзиласи буюк нарсадир.
2. Уни кўрадиган кунингизда ҳар бир
эмизаётган (она) эмизиб турган (боласи)
ни унутар. Ҳар бир ҳомиладор ҳомиласини
ташлаб юборар. Одамларни маст ҳолда
кўрурсиз. Ҳолбуки, улар маст эмаслар. Лекин
Аллоҳнинг азоби шиддатлидир.
3. Одамлар орасида ўзи билмай туриб,
Аллоҳ ҳақида тортишаверадиганлари
ва ҳар бир бебош шайтонга эргашиб
кетаверадиганлари ҳам бор.
4. Унга битилганки, албатта, ким уни дўст тутса,
уни йўлдан оздиради ва дўзах азобига йўллаб
қўяди.
5. Эй одамлар, қайта тирилиш ҳақида шубҳа
қилсангизлар, бас, сизларга баён қилишимиз
учун сизларни тупроқдан, кейин нутфа-
манийдан, кейин лахта қондан, кейин яралиб
битган-битмаган парча гўшtdан яратдик.
Бачадонларда белгиланган муддатга қадар
истаган нарсамизни қолдирамиз. Кейин
сизларни чақалоқ қилиб чиқарамиз. Кейин
вояга етказамиз. Сизлардан кимдир вафот

этиб кетар. Кимдир эса ҳеч нарсани билмай қоладиган даражада энг тубан умрга қайтарилар. Ерни қакраган ҳолда кўрасиз. Қачон унга сув-ёмғир ёғдирсак, у кўпчийди ва турли хил чиройли жуфтларни ундириб чиқаради.

6. Бунга сабаб шуки, Аллоҳ Ҳақдир. У ўликларни тирилтиради. У ҳар ишга Қодирдир.
7. Соат эса келгувчидир. Бунга шак-шубҳа йўқ. Албатта, Аллоҳ қабрлардаги кимсаларни тирилтирур.
8. Одамлар орасида Аллоҳ ҳақида илмсиз, ҳидоятсиз ва ёритувчи китобсиз талашиб-тортишадиганлари ҳам бор.
9. Аллоҳнинг йўлидан адаштириш учун бўйин буриб. Унга бу дунёда шармандалик бордир. Қиёмат куни эса унга дўзах азобини тоттирамиз.
10. Бунга сабаб қўлларинг қилган ишлардир. Албатта, Аллоҳ бандаларга зулм қилгувчи эмас.
11. Одамлар орасида Аллоҳга иккиланиб ибодат қиладиганлари ҳам бор. Унга бирон яхшилик етса, хотиржам бўлади. Бирон синов етса, юз ўгиради. У дунёни ҳам, охиратни ҳам ютқазибди. Очиқ ютқазиш мана шудир.
12. У Аллоҳни кўйиб, ўзига зарар ҳам, фойда ҳам бермайдиган нарсага дуо қилади. Узоқ адашиш мана шудир.

13. У фойдасидан кўра зарари аниқроқ бўлган нарсага дуо қилади. У - нақадар ёмон хожа, нақадар ёмон дўст.
14. Албатта, Аллоҳ иймон келтирган ва яхши амалларни қилган зотларни остидан анҳорлар оқибўтадиган жаннатларга киритади. Албатта, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган ишни қилади.
15. Ким: «Аллоҳ унга ҳеч қачон ёрдам қилмайди», деб ўйласа, бас, бир арқон билан осмонга шифтга осилсин. Кейин уни узсин. Бас, қарасинчи, бу ҳийласи ғазабини кетказармикан.
16. Шунингдек, уни очик оятлар қилиб туширдик. Аллоҳ Ўзи истаган одамни ҳидоят қилади.
17. Иймон келтирганлар, яҳудий бўлганлар, собийлар, насронийлар, мажусийлар ва ширк келтирганлар. Қиёмат куни Аллоҳ уларнинг орасини ажрим қилади. Аллоҳ ҳар нарсага Гувохдир.
18. Осмондагилар, ердагилар, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дарахтлар, ҳайвонлар ва кўп инсонлар Аллоҳга сажда қилаётганини кўрмадингизми? Кўпларга азоб ҳақ бўлди. Аллоҳ кимни хор қилса, уни ҳеч ким азиз қила олмас. Аллоҳ истаган ишини қилур.
19. Бу икки рақиб Парвардигорлари ҳақида талашиб-тортишдилар. Куфр келтирган кимсаларга оловдан кийимлар бичилди. Уларнинг бошларидан қайноқ сув қуюлади.
20. У билан қоринларидаги нарсалар ва терилари

эритилур.

21. Улар учун темир гурзилар бордир.
22. Қачон ундан, ғам-қайғудан чиқмоқчи бўлсалар, унга яна қайтарилурлар ва (уларга шундай дейилур): «Куйиш азобини тотинглар».
23. Аллоҳ иймон келтирган ва яхши ишларни қилган зотларни остидан анҳорлар оқиб ўтадиган жаннатларга киритади. У ерда улар олтин билагузуклар ва дур-гавҳарлар билан безанурлар. У ерда кийимлари ипакдан бўлади.
24. Улар ёқимли гапга ҳидоят қилиндилар ва мақтовга лойиқ йўлга ҳидоят қилиндилар.
25. Куфр келтирганлар ва Аллоҳнинг йўлидан ҳамда ерли аҳоли учун ҳам, четдан келганлар учун ҳам баробар қилиб қўйганимиз Масжидул Ҳаромдан тўсганлар. Ким зулм билан йўлдан чиқмоқчи бўлса, унга аламли азобни тоттируرمىз.
26. Эсланг! Биз Иброҳимга Байтнинг жойини белгилаб бериб (дедик): «Менга ҳеч нарсани шерик қилма, Байтимни тавоф қилгувчилар, қиёмда тургувчилар ҳамда руку ва сажда қилгувчилар учун покла».
27. Одамларни ҳажга чақир. Улар узоқ-узоқлардан пиёда ҳамда ориқ, ҳолдан тойган туялар устида келадилар.
28. Ўзларига аталган манфаатларга гувоҳ

бўлиш ҳамда уларга ризқ қилиб берилган чорва ҳайвонларини (қурбонлик қилаётиб) Аллоҳнинг номини зикр қилиш учун (келадилар). Улардан ўзинглар ҳам тановул қилинглар, бечора мискинларга ҳам едиринглар.

29. Кейин кирларини кетказсинлар. Назрларини тўла адо этсинлар ва «Қадимги Уй»ни тавоф қилсинлар!

30. Шу. Ким Аллоҳ ҳаром қилган нарсаларга риоя қилса, Парвардигори ҳузурида ўзига яхши бўлади. Сизларга чорва моллари ҳалолқилинди. Фақат сизларга энди тиловат қилинадиганлари бундан мустасно. Бас, бутларга ўхшаган нажосатдан йироқ бўлинг ва ёлғон гапиришдан йироқ бўлинг.

31. Аллоҳга холис бўлинглар, У Зотга ширк келтиргувчи бўлманглар. Ким Аллоҳга ширк келтирса, у гўё самодан қулаган-у, уни бир қуш ўлжа қилиб олган ёки шамол уни узоқ ерга учириб кетган кимса кабидир.

32. Шу. Ким Аллоҳнинг қонунларини ҳурмат қилса, бас, буишқалбларнинг тақвосидандир.

33. Сизлар учун уларда маълум муддатгача фойдалар бор. Кейин уларни сўйиш ўрни Қадимги Уйдир.

34. Ҳар бир умматга қурбонлик қилишни буюрганмиз. Токи уларга ризқ қилиб берилган чорва ҳайвонларини (сўяётганда) Аллоҳнинг номини зикр қилсинлар. Илоҳингиз

ягона илоҳдир. Бас, Унгагина бўйсунингиз. Бўйсунганларга хушхабарни етказинг.

35. Улар Аллоҳ зикр қилинганда қалблари титраб кетадиган, ўзларига етган мусибатларга сабр қиладиган, намозни тўқис адо этадиган ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан сарфлайдиган зотлардир.
36. Туя-молларни Биз сизлар учун Аллоҳнинг белгиларидан қилдик. Сизлар учун уларда яхшилик бордир. Уларни тик турган ҳолида бўғизлаётганингизда Аллоҳ номини зикр қилингиз. Йиқилиб, ёнлари ерга текканда эса улардан еяверинглар, қаноат қиладиган одам ва тиланчини ҳам таомлантиринглар. Шояд, шукр қилсангизлар деб, уларни сизларга бўйсундириб қўйдик.
37. Аллоҳга уларнинг гўштлари ҳам, қонлари ҳам етиб бормайди. Лекин У Зотга сизлар тарафингиздан бўлган такво етиб боради. Мана шундай қилиб уларни сизларга бўйсундириб берди. Токи Аллоҳ сизларни ҳидоят қилгани учун У Зотга такбирайтинглар. Яхшилик қилгувчиларга хушхабар беринг.
38. Аллоҳ иймон келтирган зотларни албатта мудофаа қилади. Аниқки, Аллоҳ ҳар бир хоин нонкўрни севмайди.
39. Ҳужумга учраётган зотларга зулмга учраганлари сабабли (уруш қилишга) изн берилди. Албатта Аллоҳ уларни ғолиб қилишга

қодирдир.

- 40.** Улар диёрларидан ноҳақ, фақат «Парвардигорим Аллоҳдир», деганлари учунгина қувилган зотлардир. Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан даф қилиб турмаганида Аллоҳнинг номи кўп зикр қилинадиган черковлар, синагогалар, ибодатхоналар ва масжидлар вайрон қилинган бўларди. Аллоҳ Ўзига ёрдам берган одамга албатта ёрдам беради. Аллоҳ Қудратли ва Ғолибдир.
- 41.** Уларни ер юзига ғолиб қилсак, намозни тўқис адоэтадилар, закотни берадилар, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтарадилар. Ишларнинг оқибати Аллоҳнинг Қўлидадир.
- 42.** Сизни ёлғончига чиқараётган бўлсалар, сиздан олдин Нух қавми, Од ва Самудлар ҳам (пайғамбарларини) ёлғончига чиқарганлар.
- 43.** Иброҳим қавми, Лут қавми.
- 44.** Мадян эгалари ҳам. Мусо ҳам ёлғончига чиқарилди. Кофирларга биров муҳлат бериб, кейин уларни тутдим. Бас, Менинг инкорим қандай бўлди?!
- 45.** Қанча қишлоқлар борки, золим бўлган пайтида уларни ҳалок қилганмиз. Мана энди улар қулаган томлар, ташландик қудуқлар ва ҳувиллаган қасрларга айланиб қолганлар.
- 46.** Заминни кезиб юрмайдиларми? Ўшанда ақлини ишлатадиган диллари ва эшитадиган қулоқлари бўлар эди. Зеро, кўзлар кўр

- бўлмайди. Кўкслардаги кўнгиллар кўр бўлади.
47. Сизни шошиштиришиб, тезроқ азоб келишини сўрайдилар. Аллоҳ ҳеч қачон Ўз ваъдасига ҳилоф қилмас. Парвардигорингиз ҳузуридаги бир кун сизлар санайдиган минг йил кабидир.
48. Қанча кишлоқлар бўлганки, золим бўлса ҳам уларга муҳлат бердим. Кейин уларни (азоб билан) ушладим. Қайтиш ёлғиз Менгагинадир.
49. Айтинг: «Эй одамлар, мен сизлар учун бир очик огоҳлантирувчиман, холос».
50. Иймон келтириб, яхши амалларни қилганларга мағфират ва улуғ ризқ бордир.
51. Бизнинг оятларимиздан ғолиб бўлишга уринганлар - ана ўшалар дўзах эгаларидир.
52. Сиздан олдин бирон расул ва набийни юбормадикки, у қироат қилган пайтида шайтон унинг қироатига (унда йўқ нарсани) ташламаган бўлса. Аллоҳ шайтон ташлаган нарсани ўчириб юборади. Ундан кейин Аллоҳ оятларини мустаҳкам қилади. Аллоҳ ҳамма нарсани Билувчи ва ҳар бир ишни ҳикмат билан қилувчидир.
53. Шайтон ташлайдиган нарсани қалбида марази борлар ва бағритошлар учун бир синовга айлантиради. Золимлар тинимсиз талашиб-тортишувдадирлар.
54. Илм ато этилган зотлар эса унинг

Парвардигорингиз тарафидан келган ҳақ эканини билиб, унга иймон келтирадилар ва қалблари у билан таскин топади. Албатта, Аллоҳ иймон келтирган зотларни тўғри йўлга ҳидоят қилгувчидир.

55. Куфр келтирган кимсалар эса то тўсатдан Қиёмат келиб қолгунича ёки қисир куннинг азоби келгунига қадар шубҳаланишда давом этаверадилар.

56. У кунда ҳукм Аллоҳникидир. Улар орасида ҳукм қилур. Иймон келтириб, яхши ишларни қилганлар ноз-неъмат жаннатларидадирлар.

57. Куфр келтириб, оятларимизни ёлғонга чиқарганлар учун эса хор қилувчи азоб бордир.

58. Аллоҳ йўлида ҳижрат қилиб, кейин ўлдирилган ёки ўзи ўлганларга Аллоҳ гўзал ризқ ато этур. Дарҳақиқат, ризқ берувчиларнинг энг яхшиси Аллоҳдир.

59. Албатта, уларни ўзлари рози бўладиган жойга киритур. Албатта, Аллоҳ Билгувчи ва Ҳалим Зотдир.

60. Шу. Ким ўзига берилган озор баробарида озор берса, кейин яна унга зулм қилинса, албатта, Аллоҳ унга ёрдам беради. Албатта, Аллоҳ афв қилгувчи, Кечиргувчидир.

61. Зеро, Аллоҳ кечани кундузнинг ичига,

кундузни эса кечанинг ичига киритади. Албатта, Аллоҳ Эшитгувчи, Кўргувчи Зотдир.

62. Бунга сабаб шуки, ёлғиз Аллоҳгина ҳақдир. Сизлар сиғинаётган бутлар эса ботилдир. Албатта, Аллоҳ Олий ва Улуғдир.

63. Аллоҳ осмондан ёмғир ёғдириб, замин ям-яшил бўлганини кўрмадингизми? Аллоҳ Меҳрибон ва Хабардор Зотдир.

64. Самолардаги нарсалар ҳам, заминдаги нарсалар ҳам ёлғиз Уникидир. Албатта, Аллоҳ Беҳожат ва мақтовга лойиқ Зотдир.

65. Аллоҳ заминдаги нарсаларни ва денгизда Унинг амри билан сузиб юрадиган кемаларни сизларга бўйсундириб берганини ҳамда осмонни ерга қулаб тушишдан тутиб туришини, магар Унинг изни билангина (қулаши мумкинлигини) кўрмадингизми?! Дарҳақиқат, Аллоҳ одамларга Меҳрибон ва Раҳмлидир.

66. Сизларни тирилтирган ҳам, кейин ўлдирадиган ҳам, кейин яна қайта тирилтирадиган ҳам У Зотдир. Албатта, инсон нонкўрдир.

67. Ҳар бир умматга шариат берганмиз. Улар ўшанга амал қилгувчилардир. Бас, буишдаҳаргизсизбиланталашмасинлар. Парвардигорингизга даъват қилинг.

Албатта, сиз тўғри йўлдасиз.

68. Сиз билан талашиб-тортишсалар, уларга шундай деб айтинг: «Қилаётган ишларингизни Аллоҳ билгувчиروқдир».
69. «Аллоҳ Қиёмат куни сиз ихтилоф қилган нарса бўйича орангизда ҳукм қилур».
70. Аллоҳ осмону ердаги нарсаларни билишини билмадингизми? Албатта, бу нарса Китобдадир. Албатта, бу иш Аллоҳга осондир.
71. Аллоҳни қўйиб, бирон ҳужжат туширмаган ва ўзлари ҳам билмайдиган нарсага ибодат қиладилар. Золимларга бирон мадакор йўқдир.
72. Уларга очик-ойдин оятларимиз тиловат қилинаётганида куфр келтирганларнинг юзларида инкорни кўрасиз. Уларга оятларимизни тиловат қилиб бераётганларга чанг солишларига яқин қолур. Сиз уларга шундай деб айтинг: «Бундан ҳам ёмонроқ нарсанинг хабарини берайми? У дўзахдир. Аллоҳ уни куфр келтирган кимсаларга ваъда қилган. У нақадар ёмон қайтиш жойидир».
73. Эй одамлар, бир масал зарб этилди. Унга қулоқ солинглар. Аллоҳни қўйиб, сиғинаётган бутларингиз ҳаммаси бир бўлса ҳам бир пашшани яратолмайдилар. Агар пашша улардан

бирон нарсани олиб қўйса, уни қутқара олмайдилар ҳам. Талаб қилувчи ҳам, талаб қилинмиш ҳам заиф-оғиздир.

74. Улар Аллоҳни етарлича қадрламадилар (улуғламадилар). Аллоҳ Кучли ва Ғолибдир.

75. Аллоҳ фаришталардан элчиларни саралаб олади, инсонлардан ҳам. Аллоҳ Эшитгувчи, Кўргувчи Зотдир.

76. Уларнинг олдиларидаги ва ортларидаги нарсани билади. Ишлар Аллоҳга қайтарилади.

77. Эй иймон келтирган зотлар, рукуъ қилинглари, сажда қилинглари, Парвардигорингизга сиғиниб, яхшилик қилинглари. Шояд, нажот топсангизлар.

78. Аллоҳ йўлида ҳақиқий жиҳод қилинглари. У Зот сизларни саралаб олди. Сизларга динда бирон ноқулайликни қўймади. Отангиз Иброҳимнинг миллати. У олдин сизларни мусулмонлар, деб номлади. Бу ишда пайғамбар сизларга гувоҳ бўлса, сизлар одамларга гувоҳ бўласизлар. Бас, намозни тўқис адо этинглари, закотни беринглари, Аллоҳга боғланинглари. У Ҳожангиздир. Нақадар яхши Ҳожа ва нақадар яхши Мададкор!

**Мўъминун сураси****Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Дарҳақиқат, мўминлар нажот топдилар.
2. (Мўминларки,) намозларида ҳокисор турадилар.
3. (Мўминларки,) беҳуда нарсалардан юз ўгирадилар.
4. (Мўминларки,) закотни адо қиладилар.
5. (Мўминларки,) авратларини сақлайдилар.
6. Бу ишда ўзларининг жуфти ҳалоллари ёки қўл остидагилари мустасно. Бас, улар маломат қилинмаслар.
7. Бундан ортиғини талаб қилган кимсалар - ана ўшалар тажовузкорлардир.
8. (Мўминларки,) омонатларига ва аҳдларига вафо қиладилар.
9. (Мўминларки,) намозларини асрайдилар.
10. Ана ўшалар ворислардир.
11. (Ворисларки,) Фирдавсни мерос қилиб оладилар ва у ерда абадий қоладилар.
12. Албатта, инсонни лой сулоласидан яратдик.
13. Кейин уни мустаҳкам қароргоҳдаги нутфа қилдик.
14. Кейин эса нутфани лахта қон қилиб яратдик. Лахта қонни парча гўшт қилиб яратдик.



Парча гўштни суяклар қилиб яратдик. Бас, суякларга гўшт қопладик. Кейин уни янги бир жонзот ҳолига келтирдик. Бас, энг гўзал яратувчи Аллоҳ баракотлидир.

15. Сўнг сизлар мана шундан кейин ўлгувчисизлар.
16. Кейин, албатта, сизлар Қиёмат куни қайта тириласизлар.
17. Албатта, устингизда етти йўлни яратдик. Биз яратилмишлардан беҳабар эмасмиз.
18. Осмондан миқдор билан сув тушириб, уни ерга жойлаштирдик. Албатта, Биз уни кетказишга Қодирмиз.
19. У билан сизлар учун хурмо ва узум боғларини пайдо қилдик. Уларда сизлар учун кўп мевалар бор ва улардан ейсизлар.
20. Тури Сайнодан чиқадиган бир дарахтни (ҳам пайдо қилдик). У ёғли ва тановул қиладиганларга хуруш бўлиб ўсади.
21. Албатта, сиз учун чорва ҳайвонларида ибрат бордир. Сизларни уларнинг қоринларидаги нарсадан суғорамиз. Сизлар учун уларда кўп фойдалар бор ва улардан тановул қиласизлар.
22. Уларнинг ва кемаларнинг устида юк ташийсизлар.
23. Биз Нуҳни ўз қавмига юбордик. Бас, у деди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар. Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқ. Тақво қилмайсизларми?»

- 24.** Қавмидаги куфр келтирган зодагонлари дедилар: «Бу ҳам сизларга ўхшаган бир одамдан бошқа нарса эмас. У сизлардан зўр бўлишни истаяпти. Аллоҳ хоҳлаганида фаришталарни туширган бўларди. Бунини олдинги ота-боболаримизда эшитмаганмиз».
- 25.** У бир жин теккан одам, холос. Уни бироз муддат кутиб туринглار.
- 26.** Деди: «Парвардигорим, мени ёлғончи қилаётганлари учун Ўзинг менга мадад бер».
- 27.** Бас, унга шундай ваҳий қилдик: «Бизнинг кўз ўнгимизда ва ваҳийимиз ила кема яса. Амримиз келиб, таннур фаввора бўлиб отилганда унга ҳар бир турдан бир жуфтни ва оилангни чиқар. Олдинроқ улардан қайси бирига қарши сўз айтилган бўлса, ўшалар бундан мустасно. Зулм қилганлар ҳақида Менга хитоб қилма. Албатта, улар фарқ қилингувчилардир».
- 28.** Сен ва сен билан бирга бўлганлар кемага жойлашиболгач: «Бизни золим қавмдан қутқарган Аллоҳга ҳамд бўлсин», дегин.
- 29.** Яна айт: «Парвардигорим, мени бир муборак манзилга туширгин. Сен Ўзинг энг яхши туширгувчисан».
- 30.** Албатта, бунда оят-ибратлар бордир. Албатта, Биз синовчи бўлган эдик.

31. Сўнгра улардан кейин бошқа авлодларни пайдо қилдик.
32. Уларга ўзларидан бўлган бир пайғамбарни юбордик. «Аллоҳга ибодат қилинглار. Сизлар учун Ундан ўзга бирон илоҳ йўқ. Тақво қилмайсизларми?»
33. Қавми орасидаги куфр келтирган, охиратдаги учрашувни ёлғон дейдиган ва Биз шу дунё ҳаётида майшатпараст қилиб қўйган зодагонлар шундай дейдилар: «Бу ҳам сизларга ўхшаган бир одам, холос. Сизлар ейдиган нарсадан ейди ва сизлар ичадиган нарсадан ичади.
34. Агар ўзингизга ўхшаган инсонга итоат қиладиган бўлсангиз, аниқ зарар кўргувчилардансиз.
35. У сизларга ўлиб, тупроқ ва суяк бўлиб кетганингиздан кейин, албатта, чақириласизлар, деб ваъда қиляптими?
36. Ҳайҳот! Сизларга ваъда қилинаётган нарса (ҳақиқатдан) нақадар узоқ!
37. Шу дунё ҳаётимиздан ўзга ҳаёт йўқ. Ўламиз ва яшаймиз. Биз қайта тирилгувчи эмасмиз.
38. У Аллоҳга қарши ёлғон тўқиётган одамдан бошқа кимса эмас. Биз унга иймон келтиргувчилар эмасмиз».
39. Деди: «Парвардигорим, мени ёлғончи қилаётганлари учун Ўзинг менга мадад бер».
40. Деди: «Бироздан кейин албатта улар надомат

қилгувчиларга айланадилар».

41. Бас, уларни ҳақли равишда қичқирик тутди. Уларни хас-хашакка айлантирдик. Золим қавмга ҳалокат бўлгай.
42. Улардан кейин бошқа асрларни (авлодларни) пайдо қилдик.
43. Ҳеч бир уммат ўз ажалидан ўтиб ҳам кета олмайди, ортда ҳам қолмайди.
44. Кейин кетма-кет элчиларимизни юбордик. Қайси бир умматга ўзининг пайғамбари келса, уни ёлғончига чиқардилар. Бас, бирин-кетин (уларни ҳалок қилиб, одамларнинг оғзидаги) гап-сўзларга айлантирдик. Иймон келтирмайдиган қавмга ҳалокат бўлгай.
45. Кейин Мусо ва унинг биродари Ҳорунни оятларимиз ва очик ҳужжат ила юбордик.
46. Фиръавн ва унинг аъёнларига. Бас, кибр қилдилар. Улар каттазанг қавм эди.
47. «Ўзимизга ўхшаган шу икки одамга иймон келтирамизми, ҳолбуки, бу иккисининг қавми бизга қулик қилиб турган бўлса», дедилар.
48. Иккисини ёлғончига чиқардилар. Шу билан ҳалок қилингувчилардан бўлдилар.
49. Мусога Китобни бердик. Шояд, ҳидоят топсалар.
50. Марямнинг ўғли ва унинг онасини оят-аломат қилдик. Иккисига бир оқар сувли баланд жойдан бошпана бердик.
51. Эй пайғамбарлар, пок озуқалардан

тановул қилинглар ва яхши ишларни қилинглар. Мен сизлар қилаётганишларни Билгувчиман.

52. Албатта, бу сизнинг умматингиз бир умматдир. Мен эса Парвардигорингизман. Бас, Мендангина кўрқинглар.

53. Бас, уларишларини бўлак-бўлакларга ажратиб юбордилар. Ҳар бир гуруҳ ўзидаги нарса билан хурсанд.

54. Бас, уларни маълум муддат ўз ғафлатларига ташлаб қўйинг.

55. Биз уларга мол-давлат ва фарзандлар ила мадад беряпмиз, деб ўйлайдилар.

56. Уларга яхшиликларни тез етказяпмиз, (деб ўйлайдилар). Йўқ, улар сезмайдилар.

57. Парвардигорларидан кўрқиб, хавфсираб турадиганлар,

58. Парвардигорларининг оятларига иймон келтирадиганлар,

59. Парвардигорларига ширк келтирмайдиганлар,

60. Парвардигорларига қайтгувчи эканликларини (ўйлаб), берган нарсаларини қалблари титраб берадиганлар,

61. Ана ўшалар эзгу ишларга ошиқадилар ва бу борада мусобақалашадилар.

62. Ҳеч бир жонга тоқатидан ортиқ нарсани юкламаймиз. Ҳузуримизда ҳақни гапирадиган Китоб бор ва улар зулм

қилинмаслар.

63. Йўқ! Уларнинг қалблари бундан ғафлатда. Уларнинг бундан бошқа ўзлари қилган амаллари ҳам бор.
64. Токи уларнинг маишат парастларини азоб билан тутганимизда бирдан улар фарёд қилурлар.
65. Бугун энди дод-вой солмангиз. Энди Биз тарафимиздан сизга мадад берилмайди.
66. Сизларга оятларим тиловат қилинади. Сизлар эса ортингизга қайрилиб кетардингиз.
67. У билан кибрланиб, тунги суҳбатларда беҳуда гапларни гапирар эдингиз.
68. Гапни тадаббур қилиб кўрмадиларми? Ёки уларга олдинги ота-боболарига келмаган нарсани келибдими?
69. Ёки ўз пайғамбарини танимасдан уни инкор қилгувчи бўляптиларми?
70. Ёки, унда бир жунун бор, дейдиларми? Асло! Балки у зот уларга ҳақни олиб келди. Уларнинг аксари эса ҳақни ёмон кўргувчилардир.
71. Ҳақ уларнинг ҳавойи нафсларига эргашганда эди, осмонлару ер ва ундаги нарсалар бузилиб кетган бўларди. Йўқ. Уларга эслатмаларини олиб келдик. Улар эса эслатмаларидан юз ўгиргувчилардир.
72. Ёки сизлар улардан ҳақ сўрадингизми? Парвардигорингиз берадиган ҳақ яхшироқдир.

У Зот энг яхши ризқ бергувчидир.

73. Албатта, сиз уларни тўғри йўлга даъват этасиз.

74. Албатта, охиратга иймон келтирмайдиганлар бу йўлдан озгувчилардир.

75. Агар уларга раҳм қилиб, мусибатларини аритсак ҳам, шак-шубҳасиз, яна ўз туғёнларида адашиб юраверадилар.

76. Уларни азоб билан ушладик. Шунда ҳам улар Парвардигорларига бўйин ҳам эгмадилар, тазарру ҳам қилмадилар.

77. Ҳатто уларга қаттиқ азоби бор эшикни очиб юбордик. Қарабсизки, улар унда умидсизликка тушгувчилардир.

78. Сизларга қулоқ, кўз ва қалбларни пайдо қилиб берган Ўша Зотдир. Шукр қилишингиз бунчалар оз бўлмаса!

79. Сизларни ер юзида яратиб қўйган ҳам Ўша Зотдир. Қайта тўпланишингиз ҳам Унинг ҳузуригадир.

80. Жон ато этадиган ҳам, жонни оладиган ҳам Ўша Зотдир. Кеча ва кундузнинг алмашилиб туриши ҳам Унгадир. Ақлингизни ишлатмайсизми?

81. Йўқ! Улар олдингилар нима деган бўлса, ўшани айтдилар.

82. Дедилар: «Ўлиб, тупроқ ва суяк бўлиб кетганимиздан кейин-а? Биз қайта

тирилгувчилармизми?

83. Бизга ҳам, олдинги ота-боболаримизга ҳам шу ваъда қилинган. Бу олдингиларнинг афсоналаридан бошқа нарса эмас».
84. Айтинг: «Биладиган бўлсангизлар (айтинглар-чи), ер ва ундаги нарсалар кимники?»
85. Аллоҳникидир, дейдилар. Айтинг: «Бас, ибрат-эслатма олмайсизларми?»
86. Айтинг: «Етти осмонларнинг Парвардигори, буюк Аршнинг Парвардигори ким?»
87. Аллоҳникидир, дейдилар. Айтинг: «Тақво қилмайсизларми?»
88. Айтинг: «Агар билсангизлар (айтинглар-чи), ҳамма нарсанинг мулки Қўлида бўлган, Ўзи ҳомийлик қиладиган, Унга қарши биров ҳомийлик қила олмайдиган зот ким?»
89. Аллоҳникидир, дейдилар. Айтинг: «Бас, қандай алданасизлар?»
90. Йўқ! Биз уларга ҳақни келтирдик. Улар эса, шак-шубҳасиз, ёлғончилардир.
91. Аллоҳ бола тутмади. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Акс ҳолда ҳар бир илоҳ ўзи яратгани билан кетган ва бири бошқасига устунлик қилган бўларди. Аллоҳ улар тавсифлаётган сифатлардан Покдир.
92. Ғайбу шаҳодатни Билгувчидир. Улар келтираётган ширклардан Олийдир.
93. Айтинг: «Парвардигорим, уларга ваъда

қилинаётган нарсани менга кўрсатсанг.

94. Парвардигорим, мени золим қавмлар сафида қилиб қўймагин».

95. Албатта, Биз уларга ваъда қилган нарсамизни сизга кўрсатишга Қодирмиз.

96. Сиз ёмонликни энг чиройли тарзда даф қилинг. Биз улар тавсифлаётган гапларни жуда яхши биламиз.

97. Айтинг: «Парвардигорим, шайтонларнинг васвасаларидан паноҳ беришингни сўрайман.

98. Парвардигорим, улар менинг ҳузуримга келишларидан паноҳ беришингни сўрайман».

99. Улардан бирига ўлим келганида дейди: «Парвардигорим, мени қайтаргин!

100. Шояд, тарк қилган ўринларимда яхши амал қилсам». Асло! Бу у айтаётган бир гап, холос. Уларнинг ортида қайта тириладиган кунларига қадар бир тўсиқ бордир.

101. Сурга дам урилганда, ана ўша кунда улар орасида на насл-насаб қолур ва на бир-бирларини сўраб-суриштирурлар.

102. Кимнинг мезонлари оғир келса, бас, ана ўшалар нажот топгувчилардир.

103. Кимнинг мезонлари енгил келса, бас, ана ўшалар ўзларини ўзлари кўлдан бой бериб, жаҳаннамда абадий қоладилар.

104. Юзларини ўт куйдириб, бадбашара бўлиб

кетгувчилардир.

105. Сизларга оятларим тиловат қилинмаганмиди ва сизлар уларни ёлғонга чиқармаганмидингиз?

106. Дедилар: «Парвардигоро, бизга бадбахтлигимиз устун келиб, адашган қавм бўлиб қолган эканмиз».

107. Парвардигоро, бизни ундан чиқар. Агар яна қайтсак, бас, биз аниқ золимлармиз.

108. Деди: «Унда хор бўлиб қолинглар ва Менга гапирманглар».

109. Бандаларимдан бир гуруҳи дер эдилар: «Парвардигоро, иймон келтирдик, бизни кечир, бизга раҳм қил. Сен раҳм қилгувчиларнинг энг яхшисисан».

110. Уларни масхара қилдингиз. Ҳатто бу иш Мени эслашни унуттирди. Уларнинг устидан кулар эдингиз.

111. Албатта, Мен бугун уларни қилган сабри туфайли мукофотладим. Албатта, улар зафар қучгувчилардир.

112. Деди: «Ерда қанча йил турдингизлар?»

113. Дедилар: «Бир кун ё бир куннинг бир қисмича турдик. Санаб тургувчилардан сўра».

114. Деди: «Жуда оз турдингиз. Шуни билганингизда эди».

115. Сизларни бекорга яратганмиз ва сизлар Бизга қайтарилмайсизлар, деб

ўйлаганмидингиз?

116. Ҳақ подшоҳ Аллоҳ Олийдир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У буюк Арш Эгасидир.

117. Ким ҳеч бир ҳужжатсиз Аллоҳ билан бирга бошқа бир илоҳга ҳам дуо қилса, унинг ҳисоби Парвардигори ҳузуридадир. Ҳақиқат шуки, кофирлар нажот топмайдилар.

118. Айтинг: «Парвардигорим, кечир, раҳм қил. Сен раҳм қилгувчиларнинг энг яхшисан».

 Нур сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Сура. Уни туширдик ва фарз айладик. Унда очик оятларни нозил қилдик. Шоядки, эслатма-ибрат олсангизлар.
2. Зоний ва зонияларнинг ҳар бирини юз дарра урингиз. Агар Аллоҳга ва охират кунига ишонсангиз, Аллоҳнинг дини борасида уларга шафқат қилмангиз. Уларнинг азобланаётганига мўминлардан бир гуруҳи гувоҳ бўлсин.
3. Зоний зониядан ёки мушрикадан бошқасини ўз никоҳига олмайди. Зонияни ҳам зоний ёки мушрикдан бошқаси ўз никоҳига олмайди. Бу иш мўминларга ҳаром қилинди.
4. Покиза аёлларга тухмат қилиб, тўрт гувоҳ келтира олмаганларни саксон дарра урингиз ва ҳеч қачон уларнинг гувоҳлигини қабул қилмангиз. Ана ўшалар фосиқлардир.
5. Шундан кейин тавба қилиб, ўзларини ўнглаб олганлар бундан мустасно. Зеро, Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон Зотдир.
6. Ўз аёлларини бадном қиладиганларнинг ўзларидан бошқа гувоҳлари бўлмаса, бас, улардан бири ўзининг ростгўйлардан эканига Аллоҳнинг номига тўрт марта гувоҳлик беради.
7. Бешинчисида эса агар ёлғон гапирувчилардан

бўлса, унга Аллоҳнинг лаънати бўлишини (айтади).

8. Аёл тўрт марта эрининг ёлғон гапирувчилардан эканига Аллоҳнинг номини айтиб гувоҳлик бериши ундан азобни даф қилади.
9. Бешинчисида эса эри ростгўйлардан бўлса, ўзига Аллоҳнинг ғазаби бўлишини (айтади).
10. Агар сизларга Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаганида ва Аллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи, Ҳаким Зот бўлмаганида эди.
11. Албатта, бўҳтонни олиб келганлар ўзларингиздан бўлган бир тўдадир. Уни ўзингизга ёмонлик, деб билманглар. Аксинча, у сизлар учун яхшиликдир. Улардан ҳар бир киши учун қилмишига яраша гуноҳ бор. Улардан гуноҳнинг каттасини кўтарган кимсага эса буюк азоб бор.
12. Уни эшитган пайтингизда мўмин ва мўминалар ўзлари ҳақида яхши гумонга бориб: «Бу очиқ тухмат-ку», десалар бўлмасмиди?!
13. Улар тўртта гувоҳ келтирсалар бўлмасмиди?! Агар гувоҳ келтира олмасалар, бас, ана ўшалар Аллоҳнинг наздида ёлғончилардир.
14. Агар Аллоҳнинг сизларга дунё ва охираатда фазлу марҳамати бўлмаганида эди, киришиб, чуқурлашиб кетган бу

ишингизда сизларни буюк азоб ушлаган бўлар эди.

15. Ўшанда уни тилларингиз билан илиб олардингиз, оғизларингиз билан билмаган нарсангизни гапирардингиз ва бу ишни енгил санардингиз. Холбуки, у Аллоҳнинг наздида буюкдир.
16. Уни эшитган пайтингизда: «Буни гапиришимиз дуруст эмас, субҳаналлоҳ, бу буюк бўҳтондир», десангизлар бўлмасмиди?!
17. Агар мўмин бўлсангизлар, қайтиб бундай ишни қилмаслигингизни Аллоҳ сизларга насиҳат қилади.
18. Аллоҳ сизларга оятларни баён қилади. Аллоҳ Билгувчи ва Ҳаким Зотдир.
19. Иймон келтирган зотлар орасида бузуклик тарқалишини истайдиганлар учун дунёда ҳам, охиратда ҳам аламли азоб бордир. Аллоҳ билади, сизлар эса билмайсизлар.
20. Агар сизларга Аллоҳнинг фазлу марҳамати ва Аллоҳ Меҳрибон, Раҳмли бўлмаганида эди.
21. Эй иймон келтирганлар, шайтоннинг изидан эргашманглар. Ким шайтоннинг изидан эргашса, бас, у бузуклик ва ёмонликка буюради. Агар сизларга Аллоҳнинг фазлу марҳамати бўлмаганида эди, сизлардан бирон киши ҳеч қачон покланиб олмаган

бўларди. Лекин Аллоҳ Ўзи истаган одамни поклар. Аллоҳ Эшитгувчи ва Билгувчи Зотдир.

22. Сизлардан фазл ва бойлик эгалари қариндошларга, мискинларга ва Аллоҳнинг йўлидаги муҳожирлар учун сарф-харажат қилмасликка қасам ичмасин. Афв этсинлар, кечирсинлар. Аллоҳ сизларни мағфират айлашини истамайсизларми? Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон Зотдир.

23. Албатта, покиза, беҳабар (бузуқлик нималигини билмайдиган), мўмина аёлларга тухмат тошини отганлар шу дунёда ҳам, охиратда ҳам лаънатланадилар ва улар учун буюк азоб бордир.

24. Ўзларининг тиллари, қўллари ва оёқлари қилиб ўтган ишларини айтиб, ўзларига қарши гувоҳлик берган кунда.

25. Ана ўша кунда Аллоҳ уларнинг ҳақиқий жазоларини тўла қилиб беради ва улар Аллоҳнинганиқ Ҳақ эканини билиб оладилар.

26. Нопок хотинлар нопок эркаklar учундир. Нопок эркаklar нопок хотинлар учундир. Покиза аёллар покиза эркаklar учундир. Покиза эркаklar покиза аёллар учундир. Ана ўшалар улар айтаётган бўхтонлардан покдирлар. Уларга мағфират ва мўл ризқ бордир.

27. Эй иймон келтирганлар, ўз уйлариңгиздан бошқа уйларга изн сўрамасдан ва унинг

аҳлига салом бермасдан кирманглар. Мана шу сизлар учун яхшидир. Шояд, эслатма-ибрат олсангизлар.

- 28.** У ерда ҳеч кимни топмасангизлар, то изн берилмагунича унга кирманглар. Агар сизларга, қайтинглар, дейилса, қайтинглар. Мана шу сизлар учун покизароқ. Аллоҳ қилаётган ишларингизни Билгувчидир.
- 29.** Сизлар учун фойда бўлган, ўзи яшаш жойи бўлмаган уйларга кирсангизлар, сизларга зарари йўқ. Аллоҳ ошкора қилаётган ишларингизни ҳам, яширин қилаётган ишларингизни ҳам билади.
- 30.** Мўминларга айтингки, кўзларини тийсинлар ва авратларини сақласинлар. Мана шу улар учун покрокдир. Албатта, Аллоҳ улар қилаётган ишлардан Хабардордир.
- 31.** Мўминаларга айтингки, кўзларини тийсинлар, авратларини сақласинлар, зийнатларидан эса ўзи кўриниб турган жойидан бошқасини кўрсатмасинлар. Кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар. Зийнатларини эрлари, оталари, эрларининг оталари, ўғиллари, эрларининг ўғиллари, ака-укалари, ака-укаларининг болалари, опа-сингилларининг болалари, ўзлари каби аёллар, қўл остидаги қуллар, аёл кишига эҳтиёжи йўқ кишилар ва аёллар авратининг фарқига бормаган гўдаклардан бошқа ҳеч

кимга кўрсатмасинлар. Яшириб юрган зийнатларибилинишиучуноёқларини(ерга) урмасинлар. Эй мўминлар, барчангиз Аллоҳга тавба қилингиз. Шояд, нажот топсангизлар.

32. Ораларингиздаги беваларни ҳамда солиҳ қулларингиз ва чўриларингизни никоҳлангиз. Агар улар камбағал бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазлидан бой қилур. Аллоҳ карами кенг, Билгувчи Зотдир.

33. Никоҳланишга эришолмаганлар то Аллоҳ уларни Ўз фазлидан бой қилгунига қадар иффатларини сақласинлар. Қўлларингиздаги мулк бўлиб турганлардан мукотаба (озодлик шартномаси) қилмоқчи бўлганлари билан агар уларда яхшиликни билсангиз, мукотаба қилинглار. Уларга Аллоҳнинг сизларга берган молидан беринглар. Чўриларингиз иффатли бўлишни истасалар, дунё ҳаётининг ўткинчи матоҳини истаб, уларни зиногога мажбурламанглар. Ким уларни мажбур қилса, бас, мажбур қилинганидан кейин Аллоҳ Мағфиратли ва Меҳрибон Зотдир.???

34. Дарҳақиқат, сизларга очик оятларни, олдинги ўтганлардан мисолларни ва тақводорларга насиҳатни нозил қилдик.

35. Аллоҳ осмонлару ернинг Нуридир. Унинг Нури худди бир токча кабидирки, унда бир

чирок бор. Чирок бир шиша ичида. Шиша эса бамисоли бир дур юлдуз. У шарқий ҳам, ғарбий ҳам бўлмаган муборак зайтун дарахтининг мойидан ёқилади. Унинг мойи гарчи ўт тегмаса ҳам ёритиб юборгудек бўлади. Нур устига нур. Аллоҳ Ўзининг Нурига Ўзи истаган одамни ҳидоят қилур. Аллоҳ одамларга мисоллар зарб қилади. Аллоҳ ҳамма нарсани Билгувчидир.

36. Бир уйлардаки, Аллоҳ уларнинг баланд қад кўтаришига ва уларда Ўзининг номи зикр қилинишига изн берди. У ерларда кечаю кундуз У Зотга тасбеҳ айтурлар.
37. Кишиларки, уларни тижорат ҳам, савдо ҳам Аллоҳнинг зикридан, намозни адо этишдан ва закот беришдан чалғитмайди. Улар қалблар ва кўзлар тинимсиз ўзгариб турадиган кундан кўрқадилар.
38. Аллоҳ уларнинг қилган амалларига энгяхши мукофотни бериши ва Ўз фазлидан янада зиёда қилиши учун (шундай қиладилар). Аллоҳ Ўзи истаган одамга беҳисоб ризқ берур.
39. Куфр келтирганларнинг амаллари саҳродаги сароб кабидир. Ташна одам уни сув, деб ўйлар. Унинг олдига келганда эса ҳеч нарсани топа олмас. Ўша ерда Аллоҳни топур. Бас, Аллоҳ унинг ҳисобини тўла қилиб олур. Аллоҳ тез ҳисоб олгувчи

Зотдир.

- 40.** Ёхуд тубсиз денгиздаги мавж ўраб олган зулматлар кабидирки, унинг устидан яна бир тўлқин қоплаб олган. Унинг устидан эса булут қоплаб олган. Устма-уст қалашиб ётган зулматлар. Қўлини чиқарса, уни деярли кўрмайди. Кимга Аллоҳ бир нур ато этмаса, унинг учун ҳеч қандай нур йўқдир.
- 41.** Кўрмадингизмики, Аллоҳга осмонлару ердаги жонзотлар, саф тортган қушлар тасбеҳ айтади. У Зот ҳар бирининг дуоси ва тасбеҳини билиб туради. Аллоҳ улар қилаётган ишларни Билгувчидир.
- 42.** Осмонлару ернинг мулки Аллоҳникидир. Қайтиб бориш ҳам Аллоҳгадир.
- 43.** Кўрмадингизмики, Аллоҳ булутларни ҳайдайди, кейин тўплайди, ундан кейин эса бир уюм қилиб қўяди. Бас, уларнинг орасидан ёмғир чиқаётганини кўрасиз. Осмондан, ундаги (булутлар) тоғидан дўл ёғдириб, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга етказур ва Ўзи хоҳлаган кишилардан буриб юборур. Чакмоғининг ёруғлиги кўзларни олиб кетгудек бўлади.
- 44.** Аллоҳ кеча ва кундузни айлантириб турур. Албатта, бунда ақлли инсонлар учун ибрат бордир.
- 45.** Аллоҳ барча жониворни сувдан яратди. Улар орасида қорни билан юрадиганлари ҳам,

икки оёқда юрадиганлари ҳам, тўрт оёқда юрадиганлари ҳам бор. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани яратади. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсага Қодирдир.

46. Дарҳақиқат, Биз очиклаб берадиган оятларни нозил қилдик. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсани тўғри йўлга ҳидоят қилур.
47. «Аллоҳга ва Пайғамбарга иймон келтирдик, итоат этдик», - дейдилар. Мана шундан кейин улардан бир гуруҳи юз ўгириб кетур. Улар мўмин эмаслар.
48. Аллоҳ ва Расулига улар орасида ҳакамлик қилиши учун чақирилсалар, баногоҳ улардан бир гуруҳи юз ўгиргувчидирлар.
49. Агар ўзлари ҳақдор бўлсалар, унга бўйсуниб келадилар.
50. Қалбларида мараз борми? Ё шубҳа-гумонга бордиларми? Ёки Аллоҳ ва Расули уларга зулм қилишидан кўрқадиларми? Йўқ. Уларнинг ўзлари солимлардир.
51. Аллоҳ ва Расулига улар орасида ҳакамлик қилишлари учун чақирилганларида мўминларнинг айтган гапи фақат: «Қулоқ солдик ва итоат этдик», дейиш бўлди. Ана ўшалар нажот топгувчилардир.
52. Ким Аллоҳга ва Расулига итоат этса ҳамда Аллоҳдан кўрқса, тақво қилса, бас, ана ўшалар зафар кучгувчилардир.

- 53.** Агар сиз амр этсангиз, албатта, чиқишлари ҳақида жон-жаҳдлари билан қасам ичдилар. Айтинг: «Қасам ичманглар. Бу бир маълум тоатдир. Албатта, Аллоҳ қилаётганишларингиздан Хабардордир».
- 54.** Айтинг: «Аллоҳга итоат қилинглар. Пайғамбарга итоат қилинглар. Агар юз ўгириб кетсангизлар, бас, унга ўзининг зиммасига юклатилгани, сизларга ҳам ўзларингизнинг зиммангизга юклатилгани. Агар унга итоат этсангизлар, ҳидоят топасизлар. Пайғамбарнинг зиммасида очик қилиб етказиб қўйишдан бошқа вазифа йўқ».
- 55.** Аллоҳ сизлардан иймон келтирганларга ваъда қилдики, албатта, уларни ер юзида худди улардан олдингиларни халифа қилганидек халифа қилгай ва улар учун Ўзи рози бўлиб берган динини мустаҳкам айлагай ҳамда уларнинг хавфу хатардан кейинги аҳволини тинчлик-омонликка айлантириб бергай. Менга ҳеч нарсани шерик қилмасдан ибодат қиладилар. Шундан кейин ким куфр келтирса, ана ўшалар фосиқлардир.
- 56.** Намозни тўкис адо этинглар, закотни беринглар ва Пайғамбарга итоат қилинглар. Шояд, раҳм қилинсангизлар.
- 57.** Куфр келтирган кимсаларни ер юзида

қочиб-қутулиб кетгувчилар, дея ҳаргиз ўйлай кўрманг. Уларнинг борар жойи дўзахдир. Нақадар ёмон оқибат!

- 58.** Эй иймон келтирганлар! Сизлардан қўл остингиздагилар ҳам, балоғатга етмаганлар ҳам уч ўринда, бомдод намозидан олдин, пешиндаги кийимларингизни ечадиган пайтингизда ва хуфтон намозидан кейин изн сўрасинлар. Бу уч вақт сизлар учун авратлардир. Ундан кейин сизларга ҳам, уларга ҳам гуноҳ йўқ. Улар сизларникига, бир-бирингизникига борди-келди қилиб тургувчиларсиз. Аллоҳ сизларга оятларни мана шундай баён қилади. Аллоҳ Билгувчи ва Ҳаким Зотдир.
- 59.** Гўдакларингиз балоғатга етгач, улардан олдингилар изн сўраганидек изн сўрасинлар. Аллоҳ сизларга оятларини мана шундай баён қилади. Аллоҳ Билгувчи, Ҳикматли Зотдир.
- 60.** Аёллардан ўтириб қолиб, никоҳдан умиди узилганларининг ясан-тусан қилмаганлари ҳолда рўмолларини ечишларида уларга гуноҳ йўқ. Ўзларини иффатли тутишлари ўзлари учун яхшироқдир. Аллоҳ Эшитгувчи, Билгувчи Зотдир.
- 61.** Кўр кишига зарари йўқ. Чўлоққа зарари йўқ. Касалга зарари йўқ. Сизлар ўз уйларингиздан ё оталарингизнинг уйларидан

ё оналарингизнинг уйларидан ё ака-укаларингизнинг уйларидан ё опасингилларингизнинг уйларидан ё амакиларингизнинг уйларидан ё аммаларингизнинг уйларидан ё тоғаларингизнинг уйларидан ё холаларингизнинг уйларидан ё калитларига сизлар эга бўлган уйлардан ё дўстингизнинг уйидан таомланишингизда сизларга гуноҳ йўқ. Тўпланиб овқатланасизларми ё бўлинибми, сизларга гуноҳ йўқ. Уйларга кирган пайтингизда ўзларингизга Аллоҳ ҳузуридан бўлган муборақпокиза саломни айтинглар. Аллоҳ сизларга оятларни мана шундай баён қилади. Шояд, ақл юритсангизлар.

- 62.** Мўминлар Аллоҳга ва Пайғамбарига иймон келтирган зотлардир. Улар муҳим бир ишда у зот билан бирга бўлиб қолсалар, изн сўрамасдан кетмайдилар. Сиздан изн сўрайдиганлар - ана ўшалар Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига иймон келтирган кишилардир. Бас, айрим ишлари учун сиздан изн сўрасалар, ўзингиз истаган кишиларга рухсат беринг ва улар учун Аллоҳга истиғфор айтинг. Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон Зотдир.
- 63.** Пайғамбарни чақиришни ўзаро бир-бирингизни чақириш каби қилмангизлар. Орангиздаги билдирмасдан суғурилиб чиқиб кетадиган кимсаларни Аллоҳ яхши билур.

Бас, у Зотнинг амрига хилоф иш қиладиган кимсалар ўзларига бирон фитна етиб қолишидан ёки аламли азоб етиб қолишидан эҳтиёт бўлсинлар!

- 64.** Огоҳ бўлингизким, осмонлару ердаги нарсалар, шак-шубҳасиз, Аллоҳникидир. Қай аҳволда турганингизни аниқ билади. У Зотга қайтариладиган кунларида уларга қилган ишлари ҳақида хабар берур. Аллоҳ ҳамма нарсани Билгувчидир.

 Фурқон сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Оламларга огоҳлантирувчи бўлиши учун бандасига Фурқонни нозил қилган Зот баракотли, буюк бўлди.
2. Осмонлару ернинг мулки Уникидир. У бола тутмаган. Подшоҳликда бирон шериги бўлмаган. Ҳамма нарсани яратган ва аниқ қилиб ўлчаб қўйган.
3. У зотдан бошқа «худо» ларни (худо қилиб) олдилар. «Худо» ларки, ҳеч нарсани ярата олмайдилар. Ўзлари яратилганлар. (Ҳатто) ўзларига ҳам фойда ва зарар келтиролмайдилар. Бировга ўлим ҳам, ҳаёт ҳам, қайта тирилиш ҳам беролмайдилар.
4. Куфр келтирган кимсалар дедилар: «Бу бир уйдирмадан бошқа нарса эмас. Уни ўзи тўқиб чиқарган. Унга бошқа қавм ёрдам берган». Бас, улар шак-шубҳасиз, зулм ва бўҳтон қилдилар.
5. Дедилар: «Олдингиларнинг афсоналаридир. Уларни кўчириб олган. Улар унга кеча-ю кундуз ўқиб берилур».
6. Айтинг: «Уни осмонлару ердаги сирни биладиган Зот нозил қилган. У Мағфиратли, Меҳрибон Зотдир».

7. Дедилар: «Бу не пайғамбарки, таом ейдир, бозорларда юрадир?! Унга бир фаришта туширилиб, у билан бирга огоҳлантиргувчи бўлса экан».
8. (Яна дедилар:) «Ёки унга бир хазина ташланса ёхуд бир боғи бўлса-ю ундан тановул қилса». Золимлар дедилар: «Сизлар сеҳрланган кишига эргашяпсизлар, холос».
9. Қаранг, сизга қандай мисолларни келтирдилар? Шу билан йўлдан оздилар. Бас, энди йўл топа олмаслар.
10. Агар хоҳласа, сизга ундан яшироғини, остидан анҳорлар оқиб ўтадиган боғларни қилиб берадиган, сизга қасрларни қилиб бера оладиган Зот баракотли буюк бўлди.
11. Йўқ! Улар соатни ёлғонга чиқардилар. Соатни ёлғонга чиқарганларга дўзахни тайёрлаб қўйганмиз.
12. Уни узоқ жойдан кўрсалар ҳам ғазаб билан бўкираётганини эшитадилар.
13. Унинг тор бир жойига кишанланган ҳолларида ташланганларида ўзларига ўлим тилаб қоладилар.
14. «Энди бу кунда бир ўлимни эмас, кўп ўлимларни тиланглар».
15. «Шу яхшими ёки тақводор зотларга ваъда қилинган мангу жаннатми?!» У улар учун мукофот ва борар жой бўлди.

16. Уларучуну ерда истаганларимухайё бўлади ва абадий қоладилар. Бу Парвардигорингиз зиммасидаги масъул ваъда бўлди.
17. Уларни ва Аллоҳни қўйиб, ибодат қилган бутларини тўплаган кунда айтади: «Анави бандаларимни сизлар адаштирдингизми ёки уларнинг ўзлари йўлдан оздиларми?»
18. Дейдилар: «Ўзинг Поксан! Сендан ўзгани дўст тутмоқ бизга ярашмайди. Лекин уларни ва ота-боболарини шундай фойдалантирдингки, ҳатто зикрни унутдилар ва ҳалокатга учрайдиган қавм бўлиб қолдилар».
19. Мана, улар сизларни айтаётган гапларингизда ёлғончига чиқардилар. Энди (азобни) даф ҳам қилолмайсизлар, ёрдам ҳам ололмайсизлар. Сизлардан ким зулм қилган бўлса, унга катта азобни тоттирамиз.
20. Сиздан олдин юборганимиз пайғамбарлар ҳам таом ердилар ва бозорларда юрардилар. Бирингизни бирингизга синов қилдик. Сабр қила оласизларми? Парвардигорингиз кўриб тургувчи бўлган Зотдир.
21. Биз билан учрашишдан умидвор бўлмайдиганлар: «Бизга фаришталар туширилганда эди ёки Парвардигоримизни кўрсак эди», дедилар. Дарҳақиқат, улар мутакаббирлик қилдилар ва жуда

ҳадларидан ошиб кетдилар.

- 22.** Улар фаришталарни кўрадиган кунда, айнан ўша кунда жинойтчиларга хушхабар бўлмас. «Мутлақо ҳаром», дейдилар.
- 23.** Улар қилган ҳар бир амалга келдик-да, уни сочилган тўзон каби қилиб қўйдик.
- 24.** Ўша кунда жаннатийлар энг яхши қароргоҳ ва энг гўзал оромгоҳда бўлурлар.
- 25.** У кунда булутли осмон ёрилиб, фаришталар бўлак-бўлак туширилурлар.
- 26.** У кунда ҳақиқий ҳокимият Раҳмонникидир. У кофирларга жуда оғир кун бўлур.
- 27.** У кунда золим қўлларини тишлаб, шундай деб қолур: «Қанийди мен ҳам пайғамбар билан бир йўлни тутганимда.
- 28.** Эй воҳ! Қанийди фалончини дўст тутмаганимда.
- 29.** Дарҳақиқат, у мени ёнимга келган зикрдан адаштирди». Шайтон инсонни ёрдамсиз ташлаб кетгувчидир.
- 30.** Пайғамбар деди: «Эй Парвардигорим, қавмим ушбу Қуръонни ўзларидан йироқ тутдилар».
- 31.** Ҳар бир пайғамбар учун жинойтчилардан ана шундай бир душман қилганмиз. Ҳидоятга бошлаш ва ёрдам беришда Парвардигорингизнинг Ўзи кифоя қилур.
- 32.** Куфр келтирганлар дедилар: «Унга Қуръон бир тўплам ҳолида туширилганда

эди». Сизнинг қалбингизни у билан собит қилиш учун мана шундай бўлиб-бўлиб нозил қилдик.

33. Улар сизга бир масал келтирсалар, Биз, албатта, сизга ҳақни ва гўзал шарҳни келтириб қўйдик.

34. Юзтубан қилиб жаҳаннам сари судраладиган кимсалар, ана ўшалар энг аҳволи забун ва мутлақо йўлдан озган кимсалардир.

35. Дарҳақиқат, Мусога китобни ато этдик ва биродари Ҳорунни унга вазир қилдик.

36. Бас, дедик: «Бизнинг оятларимизни ёлғонга чиқарган қавм олдиға боринглар». Бас, уларни қириб ташладик.

37. Нух қавми пайғамбарларни ёлғончига чиқарганларида уларни ғарқ айладик ва одамларга ибрат қилдик. Золимларга аламли азобни тайёрлаб қўйганмиз.

38. Од, Самуд ва қудуқ эгаларини ҳам, шу ораликдаги кўп асрларни ҳам (эсланг).

39. Ҳаммаларига мисоллар келтирдик ва барчаларини қириб юбордик.

40. Дарҳақиқат, улар ёмонлик ёмғири ёғдирилган шаҳарга келгандилар. Уни кўрмадиларми?! Йўқ! Улар қайта тирилишдан умидвор бўлмаган эдилар.

41. Сизни кўрган пайтларида фақат масхара қилишиб: «Аллоҳ пайғамбар қилиб юборган

шуми?» - (дерлар).

42. «Сабр қилмаганимизда бизни худоларимиздан оздираёзарди-я».

Яқинда азобни кўрган вақтларида ким йўлдан озганини билиб оладилар.

43. Ҳавойи нафсини ўзига худо қилиб олган кимсани кўрдингизми? Энди сиз ўшанга вакил бўласизми?

44. Ёки уларнинг аксари тинглайдилар ё англайдилар, деб ўйлайсизми? Уларнинг ҳайвонлардан фарқи йўқ. Балки улардан ҳам адашганроқдирлар.

45. Парвардигорингизнинг сояни қандай ёйиб қўйганини кўрмадингизми?! Истаганида уни бир жойда қотиб турадиган қилиб қўярди. Кейин қуёшни унга далил қилдик.

46. Кейин уни Ўзимизга аста-секин тортиб олдик.

47. У шундай Зотки, сизларга кечани либос, уйқуни ором, кундузни эса қайта тирилиш қилиб берди.

48. У шундай Зотки, шамолларни Ўз раҳмати даргоҳидан хушхабар қилиб юборди. Ва осмондан пок сув ёғдирдик.

49. Токи у билан ўлик шаҳарни тирилтирамиз ҳамда Ўзимиз яратган кўп чорваларни ва одамларни суғорамиз.

50. Дарҳақиқат, уни улар орасида турли хил қилиб қўйдик. Токи эслатма-ибрат олсинлар. Бас, инсонларнинг аксари нонкўрлик

қилишдан бошқасига ярамадилар.

- 51.** Хоҳлаганимизда, ҳар бир шаҳарга бир огоҳлантирувчи юборар эдик.
- 52.** Бас, кофирларга итоат этманг. Уларга қарши у билан қаттиқ курашинг.
- 53.** У шундай Зотки, икки денгизни аралаштириб қўйди. Буниси чучук-ширин, униси эса шўр-аччиқ. Уларнинг орасига тўсиқ ва кўринмас парда тортиб қўйган.
- 54.** У шундай Зотки, ўша сувдан инсонни яратиб, уни насл-насаб ва куда-анда қилиб қўйган. Парвардигорингиз Қодир Зотдир.
- 55.** Аллоҳни қўйиб, фойда ҳам, зарар ҳам келтира олмайдиган бутларга ибодат қиладилар. Кофир ўз Парвардигорига қарши (шайтонга) ёрдамчи бўлган кимсадир.
- 56.** Сизни фақат хушхабар бергувчи ва огоҳлантирувчи қилибгина юбордик.
- 57.** Айтинг: «Бу иш учун сизлардан бирон ҳақ сўрамайман. Ким истаса, Парвардигори сари йўл олишигина бундан мустасно».
- 58.** Ўлмайдиган барҳаёт Зотга таваккул қилинг. Унга ҳамд айтинг, тасбеҳ айтинг. Бандаларининг гуноҳларидан хабардор бўлиш бобида У Зотнинг Ўзи кифоядир.
- 59.** У шундай Зотки, осмонлару ерни ва уларнинг орасидаги нарсаларни олти кунда яратди. Сўнг Аршга кўтарилди. У Раҳмондир. Бас, У ҳақда хабардор Зотдан сўранг.

60. Уларга: «Раҳмонга сажда қилинглар», дейилса: «Нима у Раҳмон, сен буюрган нарсага сажда қилаверамизми?» - дедилар. Бу уларга янада (ҳақиқатдан) узоқлашишни зиёда қилди.
61. Самода буржларни ўрнатиб қўйган ва унда нур таратувчи қуёш ва ойни пайдо қилган Зот баракотлидир.
62. У шундай Зотки, эслатма-ибрат олмоқчи ёки шукр қилмоқчи бўлган кимсалар учун кеча ва кундузни кетма-кет қилиб қўйди.
63. Раҳмоннинг бандалари шундай зотларки, замин узра тавозе билан юрадилар. Уларга жоҳиллар хитоб қилганида: «Саломат бўлинглар», деб қўядилар.
64. Шундай зотларки, тунларини Парвардигорларига сажда қилиб ва оёқда туриб бедор ўтказадилар.
65. Шундай зотларки, «Парвардигоро, биздан дўзах азобини даф қил, албатта, унинг азоби мангудир», дейдилар.
66. Дарҳақиқат, у энг ёмон қароргоҳ ва энг ёмон жойдир.
67. Шундай зотларки, сарфлаган пайтларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмайдилар. Шуиккиишўртасидамўътадилбўладилар.
68. Шундай зотларки, Аллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга дуо қилмайдилар. Аллоҳ ҳаром қилган жонни ноҳақ

ўлдирмайдилар. Зино қилмайдилар. Ким бу ишни қилса, азобга йўликади.

69. Қиёмат куни унга азоб бир неча баробар қилиб берилур ва у ерда хор бўлиб мангу қолур.

70. Тавба қилиб, иймон келтирган ва солиҳ амал қилганлар бундан мустасно. Бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонликларини яхшиликларига алмаштириб қўюр. Аллоҳ Кечиримли, Раҳмли Зотдир.

71. Ким тавба қилиб, солиҳ амал қилса, бас, у Аллоҳга аниқ қайтган бўлур.

72. Шундай зотларки, ёлғон гувоҳлик бермайдилар. Беҳуда гаплар олдидан ўтиб қолсалар, улуғворлик ила ўтадилар.

73. Шундай зотларки, Парвардигорларининг оятлари зикр қилинганда унга гунг ва кўр бўлиб ташланмайдилар.

74. Шундай зотларки, айтадилар: «Парвардигоро, бизга жуфтларимиз ва зурриётимиздан кўзларимиз қувончини ато эт ҳамда бизни тақводорларга пешво айла».

75. Ана ўшалар сабр қилганлари туфайли олий мақом ила мукофотланурлар ва у ерда салом ва омонлик ила қарши олинурлар.

76. Ўша ерда мангу қолурлар. Нақадар гўзал қароргоҳ ва манзил!

77. Айтинг: «Дуоларингиз бўлмас экан, Парвардигорим сизларга парво қилмас.

Ёлғончига чиқардингизлар. Бас, энди
сизларга (азоб) лозим бўлди».

 Шуаро сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. То. Син. Мим.
2. Булар очик Китоб оятларидир.
3. Эҳтимол сиз улар мўмин бўлмаганлари учун ўзингизни ҳалок қилмоқчидирсиз?
4. Истасак, уларга самодан бир мўъжиза туширамиз-да, уларнинг бўйинлари унга эгилиб қолади.
5. Қачон Раҳмондан уларга бир янги эслатма келса, ундан юз ўгиравердилар.
6. Бас, ёлғонга чиқардилар. Энди яқинда уларга қилибюрған мазахларининг хабарлари келур.
7. Заминга боқмайдиларми? Биз унда ҳар бир фойдали навлардан қанчасини ундириб қўйдик-ку.
8. Бу ишда белги бордир. Уларнинг кўплари мўмин бўлмадилар..
9. Албатта, Парвардигорингиз Азиз ва Меҳрибондир.
10. Эсланг! Парвардигорингиз Мусога шундай нидо қилди: «Золим қавм ёнига бор».
11. «Фиръавн қавмига. Қўрқмайдиларми?!»
12. Деди: «Парвардигорим, мени ёлғончига чиқаришларидан қўрқаман.

13. Ва юрагим сиқилишидан ҳамда тилим равон бўлмай қолишидан. Бас, Ҳорунга ҳам элчи юборгин.
14. Улар учун мен гуноҳкорман. Мени ўлдириб юборишларидан қўрқаман».
15. Деди: «Йўқ! Оятларимизни олиб бораверинглар. Албатта, Биз сизлар билан бирга эшитиб тургувчидирмиз».
16. Бас, Фиръавнга бориб айтинглар: «Биз оламлар Парвардигорининг элчиларимиз».
17. «Бани Исроилни биз билан қўйиб юбор».
18. Деди: «Сени гўдаклигингдан ичимизда тарбия қилмадикми? Умрингнинг бир неча йилида бизнинг орамизда турмадингми?»
19. Ўзинг нонкўрлардан бўлиб, қиладиган ишингни қилиб қўймадингми?»
20. Деди: «У ишни билмасдан қилган эдим.
21. Сизлардан қўрқиб, қочиб кетгандим. Бас, Парвардигорим менга ҳикмат ато этди ва мени пайғамбарлардан қилди.
22. Ўша менга миннат қилаётганинг неъмат Бани Исроилни қул қилиб олганингдир».
23. Фиръавн деди: «Оламлар парвардигори ким?»
24. Деди: «Осмонлару ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг Парвардигори. Агар ишонадиган бўлсангизлар».
25. Атрофидагиларга деди:

«Эшитмаяпсизларми?»

26. Деди: «Сизларнинг Парвардигорингиз ва ота-боболарингизнинг Парвардигори».
27. Деди: «Сизларга юборилган бу пайғамбарингиз аниқ телбадир».
28. Деди: «Агар ақлингизни ишлатадиган бўлсангизлар, У машриқу мағрибнинг ва улар орасидаги нарсаларнинг Парвардигоридир».
29. Деди: «Мендан бошқасини худо қилиб оладиган бўлсанг, албатта, мен сени зиндонбандлардан қилиб қўяман».
30. Деди: «Сенга очик-равшан нарсани келтирсам ҳам-а?»
31. Деди: «Келтир уни, агар ростгўйлардан бўлсанг».
32. У асосини ташлаган эди, бирдан у чинакам аждарга айланди.
33. Қўлини чиқарган эди, бирдан у қараб турганларга оқ бўлиб кўринди.
34. Атрофидаги аъёнларга деди: «Албатта, бу билимдон сеҳргардир».
35. «Сеҳри билан сизларни ерингиздан чиқариб юбормоқчи бўляпти. Хўш, энди нима дейсизлар?»
36. Дедилар: «Уни ва акасини қўйиб тургин-да, шаҳарларга тўпловчиларни юбор.
37. Сенга ўткир сеҳргарларни келтирсинлар».
38. Бас, сеҳргарлар маълум кунда

белгиланган жойга тўпландилар.

39. Одамларга айтилди: «Тўпланиб бўлдингизми?»
40. Сеҳргарлар ғолиб бўлсалар, ўшаларга эргашсак, ажаб эмас.
41. Сеҳргарлар келишгач, Фиръавнга дедилар: «Агар биз ғолиб бўлсак, бизга бирон мукофот бўладими?»
42. Деди: «Ҳа, у ҳолда сизлар менинг яқин кишиларимга айланасизлар».
43. Мусо уларга деди: «Ташлайдиганингизни ташланг».
44. Бас, улар арқонлари ва асоларини ташладилар ва дедилар: «Фиръавннинг қудратига қасамки, албатта, биз ғолиб бўлгувчилармиз».
45. Сўнг Мусо ҳам асосини ташлаган эди, бирдан у уларнинг уйдирмаларини юта бошлади.
46. Бас, сеҳргарлар сажда қилган ҳолларида ерга ташландилар.
47. Дедилар: «Оламлар Парвардигорига иймон келтирдик.
48. Мусо ва Ҳоруннинг Парвардигорига».
49. Деди: «Сизларга изн бермасимдан олдин унга иймон келтирдингизми? Албатта, у сизларга сеҳрни ўргатган каттангиздир. Яқинда билиб оласизлар. Қўлларингизни ва оёқларингизни қарама-қарши тарафидан кесаман ва ҳаммангизни осаман».
50. Дедилар: «Зарари йўқ. Биз Парвардигоримизга

қайтгувчидирмиз.

- 51.** Биз дастлабки иймон келтирганлар бўлганимиз учун Парвардигоримиз хатоларимизни мағфират айлашини умид қиламиз».
- 52.** Мусога шундай ваҳий қилдик: «Бандаларим билан тунда йўлга чиқ. Албатта, сизлар таъқиб этилурсизлар».
- 53.** Бас, Фиръавншаҳарларгатўпловчиларюборди.
- 54.** Улар бир ҳовуч ялангоёқлардир.
- 55.** Албатта, улар бизниғазаблантиргувчилардир.
- 56.** Албатта, биз ҳаммамиз ҳушёрмиз.
- 57.** Бас, Биз уларни боғлару булоқлардан чиқардик.
- 58.** Хазиначилару гўзал маскандан (чиқардик).
- 59.** Шунингдек, уларни Бани Исроилга мерос қилиб қолдирдик.
- 60.** Бас, уларни қуёш чиқиш пайтида қувиб етдилар.
- 61.** Икки жамоа бир-бирларини кўрган вақтда Мусонинг ҳамроҳлари: «Бизлар аниқ тутилдик», дедилар.
- 62.** Деди: «Йўқ, албатта, мен билан бирга Парвардигорим бор. Албатта, У менга йўл кўрсатади».
- 63.** Мусога шундай ваҳий қилдик: «Асоинг билан денгизни ур». Шунда у бўлиниб, ҳар бир бўлак баланд тоғ каби бўлди.
- 64.** Кейин бошқаларни ҳам яқинлаштирдик.

65. Мусо ва унга эргашганларнинг ҳаммаларига нажот бердик.
66. Сўнгра бошқаларни фарқ қилиб юбордик.
67. Бу ишда бир белги бордир. Уларнинг кўплари мўмин бўлмадилар.
68. Албатта, Парвардигорингиз Азиз ва Меҳрибондир.
69. Уларга Иброҳимнинг хабарини тиловат қилиб беринг.
70. Ўшанда у отаси ва қавмига: «Нимага ибодат қиляпсизлар?», деган эди.
71. Дедилар: «Бут-санамларга ибодат қиляпмиз ва уларга содиқ қолурмиз».
72. Деди: «Дуо қилганингизда улар сизни эштадиларми?»
73. Ёки фойда ё зарар етказа оладиларми?»
74. Дедилар: «Йўқ, ота-боболаримизнинг шундай қилаётганларини кўрганмиз».
75. Деди: «Нимага ибодат қилаётганингизни ўйлаб кўрдингизми?»
76. Сизлар ва қадимги ота-боболарингиз?»
77. Шак-шубҳасиз, улар менга душмандир. Барча оламлар Парвардигоригина бундан мустасно.
78. У мени яратгандир, бас, Ўзи мени ҳидоят қилур.
79. Унинг Ўзигина мени тўйдирур ва қондирур.
80. Бемор бўлсам, Унинг Ўзи менга шифо берур.
81. Мени ўлдирадиган, сўнгра тирилтирадиган ҳам

Унинг Ўзи.

82. Жазо кунда гуноҳларимни мағфират этишини ёлғиз Ундан умид қилурман.
83. Парвардигорим, менга ҳикмат ато этгин ва мени солиҳлар қаторига қўшгин.
84. Мен учун кейин келадиганлар орасида рост мактовлар қилгин.
85. Мени неъматлар жаннатининг ворисларидан айлагин.
86. Отамни мағфират қилгин. Албатта, у адашганлардан бўлди.
87. Қайта тирилтириладиган кунда мени шарманда қилма.
88. У кунда на мол фойда берар ва на болалар.
89. Аллоҳ ҳузурига тоза қалб билан келган кишигина бундан мустасно».
90. Жаннат тақводорларга яқинлаштирилди.
91. Дўзах йўлдан озганларга кўрсатиб қўйилди.
92. Уларга айтилди: «Ибодат қилиб юрган нарсаларингиз қани?!
93. Аллоҳни қўйиб. Улар сизларга ёрдам бера олурми ёки ўзлари ёрдам ола билурми?!»
94. Улар ва йўлдан оздирганлар улоқтирилди.
95. Иблиснинг аскарлари - ҳаммалари биргаликда.
96. Улар (дўзахда) талашиб-тортишар эканлар, дедилар:
97. «Аллоҳга қасамки, биз, албатта, очиқ залолатда бўлган эканмиз.

98. Чунки сизларни оламлар Парвардигорига тенглаштирганмиз.
99. Бизни фақат жинойтчилар йўлдано здирдилар.
100. Мана энди биз учун шафоатчилар ҳам йўқ.
101. Бирон қадрдон дўст ҳам йўқ.
102. Қани энди яна бир бор ортга қайтсагу мўминлардан бўлсак».
103. Бу ишда бир белги бордир. Уларнинг кўплари мўмин бўлмадилар.
104. Албатта, Парвардигорингиз Азиз ва Меҳрибондир.
105. Нух қавми пайғамбарларни ёлғончига чиқарди.
106. Ўшанда уларга биродарлари Нух: «Қўрқмай сизларми?», деган эди.
107. Албатта, мен сизларга ишончли пайғамбарман.
108. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар.
109. Мен сизлардан бунинг учун ажр сўрамасман. Менинг ажрим фақатгина оламлар Парвардигорининг зиммасидадир.
110. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар.
111. Дедилар: «Сенга пасткашлар эргашиб турган бир пайтда биз сенга иймон келтирармидик?!»
112. Деди: «Улар нима иш қилиб юрганларидан беҳабарман».

113. Агар ҳис қила олсангизлар, уларнинг ҳисоб-китоби ёлғиз Парвардигоримнинг зиммасидадир.
114. Мен мўминларни ҳайдаб юборадиган одам эмасман.
115. Мен фақат очик огоҳлантиргувчиман, холос.
116. Дедилар: «Эй Нух, агар бас қилмасанг, албатта, тошбўрон қилингувчилардан бўласан».
117. Деди: «Парвардигорим, қавмим мени ёлғончи қилдилар.
118. Энди Сен Ўзинг мен билан уларнинг орасини очиб қўйгин ва менга ҳамда мен билан бирга бўлган мўмин кишиларга нажот бергин».
119. Бас, Биз унга ва у билан бирга бўлганларга лик тўла бўлган кемада нажот бердик.
120. Кейин қолганларни фарқ қилдик.
121. Бу ишда бир белги бордир. Уларнинг кўплари мўмин бўлмадилар.
122. Албатта, Парвардигорингиз Азиз ва Меҳрибондир.
123. Од пайғамбарларни ёлғончига чиқарди.
124. Ўшанда уларга биродарлари Ҳудайтган эди: «Қўркмайсизларми?!
125. Албатта, мен сизларга ишончли пайғамбарман.
126. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар.

127. Мен сизлардан бунинг учун ажр сўрамасман.
Менинг ажрим фақатгина оламлар
Парвардигорининг зиммасидадир.
128. Ҳар тепаликка бир белги бўладиган бино
қуриб, беҳуда ўйин қилаверасизми?
129. Худди мангу яшаб қоладигандек қаср-саройлар
соласизлар?!
130. Ушласангизлар, бешафқат ушлайсизлар.
131. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат
қилинглар.
132. Сизларни ўзларингиз биладиган неъматлар
билан қўллаган Зотдан қўрқингиз!
133. У сизларга чорва ҳайвонлари ва фарзандлар
ила мадад берди.
134. Боғлару булоқларни ҳам.
135. Албатта, мен сизларнинг устингизга улуғ
куннинг азоби келишидан қўрқурман».
136. Дедилар: «Бизга насиҳат қилдингми ё насиҳат
қилгувчилардан бўлмадингми, бизга барибир».
137. Бу олдингиларнинг одатидан бошқа нарса
эмас.
138. Биз азоблангувчи эмасмиз.
139. Уни ёлғончига чиқаришди. Бас, уларни ҳалок
этдик. Бу ишда оят-ибрат бордир. Уларнинг
аксари мўмин бўлмагандилар.
140. Албатта, Парвардигорингиз Азиз ва
Меҳрибондир.
141. Самуд ҳам пайғамбарларни ёлғончига
чиқарди.

142. Ўшанда уларга биродарлари Солиҳ айтган эди: «Қўрқмайсизларми?!
143. Албатта, мен сизларга ишончли пайғамбарман.
144. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар.
145. Мен сизлардан бунинг учун ажр сўрамасман. Менинг ажрим фақатгина оламлар Парвардигорининг зиммасидадир.
146. Сизлар бу ердаги нарсаларда қўйиб қўйилурмисиз?!
147. Боғлару булокларда.
148. Экинзорлару майин хурмозор ичида.
149. Яна моҳирлик билан тоғлардан уйлар ҳам йўнмоқдасизлар.
150. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар.
151. Ва бузғунчиларнинг амрига итоат этманглар!
152. Бузғунчиларки, ер юзида бузғунчилик қиладилар, ислоҳ қилмайдилар».
153. Дедилар: «Сен, албатта, сеҳрланганлардансан.
154. Сен ҳам худди бизга ўхшаган одамсан. Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг, бирон оят-мўъжиза келтир!»
155. Деди: «Мана бу туя. Ичиш навбати уники. Маълум бир кун эса ичиш навбати сизларники.
156. Унга ёмонлик қилманглар. Акс ҳолда

сизларни Улуғ Куннинг азоби ушлайди».

157. Бас, уни сўйиб, надомат қилгувчиларга айландилар.

158. Уларни азоб ушлади. Албатта, бу ишда оят-ибрат бордир. Уларнинг кўплари мўмин бўлмагандилар.

159. Албатта, Парвардигорингиз Азиз ва Меҳрибондир.

160. Лут қавми пайғамбарларни ёлғончига чиқарди.

161. Ўшанда уларга биродарлари Лут деди: «Қўрқмайсизларми?»

162. Албатта, мен сизларга ишончли пайғамбарман.

163. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар.

164. Мен сизлардан бунинг учун ажр сўрамасман. Менинг ажрим фақатгина оламлар Парвардигорининг зиммасидадир.

165. Оламлардан (ажралиб) эркакларга борасизларми?!

166. Парвардигорингиз сизлар учун яратиб қўйган жуфтларингизни ташлаб-а? Йўқ! Сизлар ҳаддидан ошган қавмсиз».

167. Дедилар: «Эй Лут, агар бас қилмасанг, ҳайдалувчилардан бўлурсан».

168. Деди: «Албатта, мен бу ишингизни ёмон кўргувчиларданман».

169. Парвардигорим, менга ва оиламга улар

килаётган ишлардан паноҳ бер.

170. Бас, унга ва аҳлига, ҳаммаларига нажот бердик.

171. (Азобда) қолгувчилардан бўлган бир кампиргина бундан мустасно.

172. Кейин бошқаларни ҳам ҳалок этдик.

173. Ва уларнинг устига бир ёмғир ёғдирдик. Бас, огоҳлантирилганларнинг ёмғири нақадар ёмон бўлди.

174. Бу ишда бир белги бордир. Уларнинг кўплари мўмин бўлмадилар.

175. Албатта, Парвардигорингиз Азиз ва Меҳрибондир.

176. Дарахтзор эгалари пайғамбарларни ёлғончига чиқардилар.

177. Ўшанда уларга Шуъайб айтганди: «Қўрқмайсизларми?!

178. Албатта, мен сизларга ишончли пайғамбарман.

179. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат қилинглар.

180. Мен сизлардан бунинг учун ажр сўрамасман. Менинг ажрим фақатгина оламлар Парвардигорининг зиммасидадир.

181. Бас, ўлчовни тўлиқ ўлчанглар ва камайтиргувчилардан бўлманглар.

182. Ва тўғри тарози билан тортинглар!

183. Одамларга нарсаларини камайтириб берманглар ва ер юзида турли

бузғунчиликлар қилманглар.

184. Сизни ва олдинги наслларни яратган Зотдан кўрқинглар».

185. Дедилар: «Сен, албатта, сеҳрланганлардансан.

186. Сен ҳам худди бизга ўхшаган одамсан. Албатта биз сени ёлғончилардан, деб ўйлаймиз.

187. Агар ростгўйлардан бўлсанг, устимизга осмоннинг бир бўлагини ташлаб юбор-чи».

188. Деди: «Парвардигорим қилаётган ишингизни билгувчироқдир».

189. Уни ёлғончига чиқаришди. Бас, уларни «соябон» кунининг азоби тутди. Дарҳақиқат, у улуғ куннинг азоби эди.

190. Бу ишда бир белги бордир. Уларнинг кўплари мўмин бўлмадилар.

191. Албатта, Парвардигорингиз Азиз ва Меҳрибондир.

192. Албатта, у барча оламлар Парвардигори томонидан нозил қилингандир.

193. Уни Рухул-Амин олиб тушди.

194. Сизнинг қалбингизга. Огоҳлантирувчилардан бўлишингиз учун.

195. Очик-ойдин араб тилида.

196. Албатта, у олдингиларнинг китобларида ҳам бор.

197. Бани Исроил уламоларининг уни билишлари ўзлари учун оят-далил эмасми?!

198. Биз уни ажамлардан бирига нозил қилганимизда
199. Уни ўқиб берса ҳам, унга иймон келтирмас эдилар.
200. Биз уни жинойтчилар қалбларига ана шундай йўлладик.
201. То аламли азобни кўрмагунларича унга иймон келтирмайдилар.
202. Азоб уларга тўсатдан келади. Ўзлари сезмай ҳам қоладилар.
203. Ўшанда: «Энди бизга муҳлат берилармикин», деб қоладилар.
204. Ҳали улар азобимизни шоширяптиларми?!
205. Айтинг-чи, уларни йилларча фойдалантирсак-да.
206. Кейин уларга ваъда қилинган нарса келса.
207. Фойдаланиб юрган нарсалари нимага асқотади?
208. Огоҳлантирувчилар юборилмаган бирон қишлоқ-шаҳарни ҳалок этмадик.
209. Эслатма бўлиши учун. Биз золим бўлмадик.
210. Уни шайтонлар олиб тушганлари йўқ.
211. Улар учун бунинг имкони йўқ ва бунга қодир ҳам эмаслар.
212. Албатта, улар эшитишдан четлатилгандирлар.
213. Аллоҳ билан бирга бошқа илоҳга илтижо қилманг. Акс ҳолда азоблангувчилардан бўлиб қоласиз.

214. Ваяқинқариндошларингизни огоҳлантиринг.
215. Ўзингизга эргашган мўминлар учун қанотингизни паст тутинг.
216. Сизга итоатсизлик қилсалар: «Мен сизлар қилаётган ишлардан покман», деб айтинг.
217. Азиз ва Меҳрибон Зотга таваккул қилинг.
218. Зотки, сизни тураётган пайтингизда ҳам кўриб туради.
219. Сажда қилувчилар ичра кўчиб бораётганингизни ҳам кўради.
220. У Эшитгувчидир. Билгувчидир.
221. Сизларга жинлар кимларга тушиши ҳақида хабар берайми?
222. Улар ҳар бир гуноҳга ботган товламачиларга тушадилар.
223. Эшитиб олганларини уларга ташлайдилар. Уларнинг аксари ёлғончилардир.
224. Шоирларга гумроҳлар эргашадилар.
225. Уларнинг ҳар водийда дайдишини кўрмадингизми?
226. Ва ўзлари қилмайдиган ишларни айтишини-чи?
227. Иймон келтирган, яхши амалларни қилган, Аллоҳни кўп ёдга олган ва мазлум бўлганларидан кейин зафар қучган зотлар бундан мустасно. Зулм қилганлар эса яқинда қандай оқибатга қараб кетаётганларини билиб оладилар.

Намл сураси

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман)

1. То, Син. Булар Қуръон ва Очиқ Китоб оятларидир.
2. Мўминлар учун ҳидоят ва хушхабардир.
3. Мўминларки, намозни тўкис адо этадилар, закот берадилар ва улар охиратга аниқ ишонадилар.
4. Охиратга иймон келтирмайдиганларга амалларини чиройли кўрсатиб қўйганмиз. Бас, улар адашиб-тентираб юраверадилар.
5. Ана ўшаларга ёмон азоб бордир ва улар охиратда энг кўп зиён кўргувчилардир.
6. Албатта, сизга бу Қуръон Ҳаким ва Алим Зот тарафидан берилур.
7. Эсланг! Мусо оиласига шундай деганди: «Мен бир олов кўрдим. Сизларга ундан бирон хабар келтираман ёки сизларга исиниб олишингиз учун бир чўғ олиб келаман».
8. Олов ёнига келгач, унга нидо қилинди: «Олов ёнидаги кишига ва унинг атрофидаги зотларга хайру-баракот бўлсин. Барча оламлар парвардигори - Аллоҳ Покдир».
9. «Эй Мусо, Албатта, бу Менман! Азиз ва Ҳаким Аллоҳман!

10. Асоингни ташла! Бас, унинг илондек кимирлаётганини кўргач, ортига қарамай қочди. Эй Мусо, кўркма. Менинг хузуримда пайғамбарлар кўркмаслар.
11. Лекин ким зулм қилиб, кейин ёмонлик ортидан уни бир яхшиликка алмаштирса, бас, Мен Кечиримли ва Раҳмли Зотман.
12. Қўлингни қўлтиғингга сол, у ҳеч қандай дардсиз оппоқ бўлиб чиқади. Фиръавн ва унинг қавмига борадиган тўққиз мўъжиза ичида (бу ҳам бор). Дарҳақиқат, улар фосиқ қавм бўлдилар».
13. Уларга оятларимиз очиқ-ойдин келган пайтда: «Бу аниқ сеҳрдир», дедилар.
14. Ўзлари аниқ билиб турсалар-да, золимлик ва такаббурлик қилиб, уларни инкор этдилар. Бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлганига қаранг.
15. Биз Довуд ва Сулаймонга илм бердик. Дедилар: «Бизни кўп мўмин бандаларидан афзал қилган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин».
16. Сулаймон Довудга ворис бўлди ва деди: «Эй одамлар, бизга қуш тили ўргатилди ва ҳар бир нарсадан берилди. Бу, албатта, очиқ-ойдин фазлдир».
17. Сулаймонга жин, инс ва қушлардан бўлган аскарлари тўпланиб, тизилган ҳолда турдилар.
18. Уларчумолиларводийсигача етиб келганларида

бир чумоли деди: «Эй чумолилар, инларингизга кириб олинглар, тагин Сулаймон ва унинг аскарлари сизларни билмасдан янчиб юбормасинлар».

19. Бас, унинг сўзидан кулиб-табассум қилди ва деди: «Парвардигорим, менга ва ота-онамга берган неъматингга шукр этишимга ва Ўзинг рози бўладиган яхши амалларни қилишимга мени муваффақ айлагин ҳамда Ўз фазлу марҳаматинг ила солиҳ бандаларинг сафига киритгин!»
20. У қушларни кўздан кечириб деди: «Нега мен худхудни кўрмаяпман, балки у ғойиб бўлгувчилардандир?»
21. Энди у ё очик ҳужжат олиб келади ёки уни жуда қаттиқ жазолайман ёхуд сўйиб юбораман».
22. Кўп ўтмасдан у келиб: «Сен билмаган нарсани билдим ва сенга Сабаъдан ишончли бир хабар олиб келдим», деди.
23. Мен бир аёлни кўрдим. Уларнинг маликаси экан. Унга ҳар нарса берилган экан ва унинг катта тахти бор ҳам экан.
24. У ва унинг қавми Аллоҳни қўйиб, қуёшга ибодат қилаётганларини кўрдим. Шайтон уларга амалларини чиройли қилиб кўрсатди ва йўлдан оздирди. Бас, энди улар ҳидоят топмаслар.
25. Осмонлару ердаги сирларни ошкор қиладиган

ва сизларнинг яширган ишларингизни ҳам, ошкора ишларингизни ҳам биладиган Аллоҳга сажда қилмасликлари учун.

26. Аллоҳ. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Буюк Аршнинг эгаси.

27. Деди: «Кўрамиз, сен рост сўзладингми экан ёки ёлғончилардан бўлдингми экан.

28. Мана бу мактубимни олиб бориб, уларга ташла, сўнг четлашиб қараб тур-чи, нима (жавоб) қайтарар эканлар».

29. Деди: «Эй аъёнлар, ҳақиқатан менга улуғ бир мактуб ташланди.

30. У Сулаймондан бўлиб, Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошланган).

31. Мендан ўзингизни катта олмай, таслим бўлиб келинглار».

32. Деди: «Эй аъёнлар, менга бу ишимда фатво-маслаҳат беринглар. Мен то сизлар гувоҳ бўлмагунингизча бирон ишда қатъий бўла олмайман».

33. Дедилар: «Биз қувват эгаларимиз, метин матонат эгаларимиз. Иш ўзингга ҳавола. Бас, нимага буюришни ўйлаб кўр».

34. Деди: «Подшоҳлар бирон шаҳар-қишлоққа кирсалар, уни вайрон этадилар, аҳолисининг азизларини хор қиладилар. (Доим) шундай қиладилар.

35. Мен уларга бир ҳадя юбориб кўрай-чи, элчиларим нима (хабар) билан қайтар

эканлар».

36. Сулаймоннинг олдига келишгач, деди: «Менга мол-давлат билан мадад бермоқчимисизлар? Аллоҳнинг менга бергани сизларга берганидан яхшироқ. Балки сизлар ҳадяларингиз билан қувонарсизлар.
37. Уларга қайтиб бор. Бас, албатта, биз улар бас кела олмайдиган қўшин ила борурмиз ва у ердан уларни хору зор қилиб қувиб чиқарурмиз».
38. Деди: «Эй одамлар, улар менинг олдимга бўйсуниб келишларидан олдин унинг тахтини менга қайси бирингиз келтира олади?»
39. Жинлардан бир паҳлавони деди: «Мен уни сенга ўрнингдан туришингдан олдин келтираман ва албатта, мен бунга қодир ва ишончлидирман».
40. Китобдан хабари бор яна бири деди: «Мен уни сенга кўз юмиб очгунигча келтираман». Уни ўз ҳузурида жойлашиб турганини кўргач, деди: «Бу Парвардигоримнинг шукр қиламанми ёки нонкўрлик қиламанми, шуни синаш учун кўрсатган фазлидандир. Ким шукр қилса, ўзи учун шукр қилади. Ким нонкўрлик қилса, бас, Парвардигорим Беҳожат ва Карамли Зотдир».
41. Деди: «Унинг тахтини ўзгартириб қўйинглار.

Кўрайлик-чи, (уни танишга) йўл топа олармикин ёки йўл тополмайдиганлардан бўлармикин».

42. У келгач: «Тахтинг мана шундаймиди?» - дейилди. Деди: «Худди ўшанинг ўзи-ку». Ундан олдин бизга илм берилиб, мусулмон бўлганмиз.

43. Уни Аллоҳни қўйиб, ибодат қилаётган нарсаси тўсган. У кофир қавмдан эди.

44. Унга: «Саройгакир», дейилди. Уникўргач, тўлқин деб ўйлади ва оёқларини очди. Деди: «Бу биллурдан силлиқ қилиб ясалган қасрдир». Деди: «Парвардигорим, мен аниқ ўзимга зулм қилибман. Энди Сулаймон билан бирга оламлар Парвардигори Аллоҳга бўйсундим».

45. Самудга унинг биродари Солиҳни юбордик. Аллоҳга ибодат қилинглари. Бас, кутилмаганда улар икки гуруҳга бўлиниб олиб, тортиша бошладилар.

46. Деди: «Эй қавмим, нима учун яхшиликдан олдин ёмонликни шошилтирасизлар? Аллоҳга истиғфор айтсангиз бўлмайдими? Шояд, сизларга раҳм қилинса».

47. Дедилар: «Сен ва сен билан бирга бўлганларнинг шумқадамлигидан деб билдик». Деди: «Шумланишингиз Аллоҳнинг ҳузуридадир. Балки сизлар синалаётган қавмсиз».

48. Шаҳарда тўққиз гуруҳ бор бўлиб, ер юзида бузғунчилик қилишар, ислоҳ қилмас эдилар.
49. Аллоҳ номига қасам ичишиб, бир-бирларига дедилар: «Уни ва унинг аҳлини тунда ўлдирамиз. Кейин унинг валийига, унинг аҳлиқандай ҳалок бўлганини кўрмадик, биз рост сўзлагувчилармиз, деймиз».
50. Улар макр қилдилар. Биз ҳам улар сезмаган ҳолда бир «макр» қилдик.
51. Улар қилган макрнинг оқибатини мабўлганини кўринг! Биз уларни ва қавмларини, ҳамма-ҳаммасини яксон қилдик.
52. Ана, зулм қилганлари туфайли уйлари ҳувиллаб ётибди! Албатта, бунда биладиган қавмлар учун ибрат бордир.
53. Иймон келтириб, тақво қилиб юрганларга эса нажот бердик.
54. Лутни ҳам (эсланг). У қавмига деди: «Кўрабила туриб бузуклик қиласизларми?»
55. «Аёлларни кўйиб, эркакларга шахват билан яқинлик қиласизларми? Йўқ! Сизлар жоҳиллик қилаётган қавмдирсиз».
56. Қавмининг жавоби: «Лут аҳлини юртингиздан чиқариб юборинг, албатта, улар ўзларини пок тутадиган одамлардир», дейишдан бошқа нарсга бўлмади.
57. Биз унга ва унинг аҳлига нажот бердик. Фақат хотини бундан мустасно бўлди. Уни азобда қоладиганлардан бўлишини тақдир

этдик.

- 58.** Уларнинг устига бир ёмғир ёғдирдик. Бас, огоҳлантирилганларнинг ёмғири нақадар ёмон бўлди!
- 59.** Айтинг: «Аллоҳга ҳамд ва У Зот саралаб олган бандаларига саломатлик бўлсин. Аллоҳ яхшими ёки улар ширк келтираётган нарсаларми?
- 60.** Ёки осмонлару ерни яратган ва сизларга осмондан ёмғир ёғдирган Зотми?» Бас, Биз у билан гўзал боғларни ўстирдик. Унинг дарахтини ўстириш қўлингиздан келмас эди. Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Йўқ, улар (Холиқни махлукқа) тенглаштирадиган қавмдирлар!
- 61.** Ёки заминни қароргоҳ айлаб, унинг орасида дарёлар пайдо қилган ва унинг учун поналар-тоғлар барпо этган ҳамда икки денгиз ўртасида тўсиқ ўрнатиб қўйган Зотми?! Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Йўқ, уларнинг кўплари билмайдилар!
- 62.** Ёки музтар киши илтижо қилганида ижобат этиб, унинг мушкулини осон айлайдиган ҳамда сизларни заминга халифа қилиб қўядиган Зотми?! Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Жуда оз ибрат оласизлар!
- 63.** Ёки сизларни қуруқлигу денгиз зулматларида тўғри йўлга йўллаб қўядиган ҳамда Ўз

рахмати олдидан шамолларни хушхабар қилиб юборадиган Зотми?! Аллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳ борми?! Аллоҳ улар ширк келтираётган нарсалардан Олийдир.

- 64.** Ёки дастлаб Ўзи яратиб, кейин яна қайта яратадиган Зотми?! Ким сизларга осмону ердан ризқ берур? Аллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳ борми?! Айтинг: «Агар ростгўй бўлсангизлар, ҳужжатларингизни келтирингиз».
- 65.** Айтинг: «Ғайбни осмонлару ердаги ҳеч кимса билмас. Уни ёлғиз Аллоҳгина билур». Улар қачон қайта тирилишларини ҳам сезмаслар.
- 66.** Балки охират ҳақидаги билимлари такомиллашгандир. Йўқ, улар ундан шубҳаланиб турибдилар. Йўқ, улар ундан кўрдирлар.
- 67.** Куфр келтирган кимсалар дедилар: «Биз ва ота-боболаримиз тупроққа айланиб кетганимиздан кейин (қабрдан тирилиб) яна қайта чиқариламизми?»
- 68.** Бизга ҳам, олдинги ота-боболаримизга ҳам шу иш ваъда қилинган. Бу олдингиларнинг афсоналаридан бошқа нарса эмас».
- 69.** Айтинг: «Ерни кезинглар ва жинойтчи кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўринглар!»
- 70.** Сиз уларга хафа бўлманг. Улар қилаётган найранглардан сиқилманг.

71. Айтадилар: «Ростгўй бўлсангиз, айтингчи, бу ваъда қачон юз беради?»
72. Айтинг: «Эҳтимолсизлар шошилтираётган нарсанинг айрим қисми сизларга яқин келиб қолгандир».
73. Албатта, Парвардигорингиз одамларга фазлу марҳаматлидир. Лекин уларнинг кўплари шукр қилмайдилар.
74. Албатта, Парвардигорингиз уларнинг диллари яширадиган нарсаларни ҳам, ошкор қиладиган нарсаларни ҳам билур.
75. Осмону ерда Очиқ Китобда битилмаган бирон яширин нарса йўқ.
76. Албатта, бу Қуръон Бани Исроилга улар ихтилоф қилаётган нарсаларнинг кўпини баён қилиб беради.
77. Албатта, у мўминлар учун ҳидоят ва раҳматдир.
78. Албатта, Парвардигорингиз улар ўртасида Ўз ҳукми билан ажрим қилур. У Азиз ва Билгувчидир.
79. Бас, сиз Аллоҳга таваккул қилинг! Албатта, сиз очиқ-ойдин ҳақиқат устидадирсиз.
80. Аниқки, сиз ўликларга эшиттира олмассиз ва юз ўгириб кетаётган карларга ҳам даъватни эшиттира олмассиз.
81. Сиз кўрларни залолатларидан ҳидоят сари йўлловчи эмассиз. Фақат Бизнинг оятларимизга иймон келтирганларгина

бундан мустасно. Бас, ўшалар мусулмонлардир.

82. Уларга азоб тушиши аниқ бўлиб қолган пайтда заминдан бир ҳайвонни чиқарурмиз. У одамлар Бизнинг оятларимизга ишонмайдиган бўлиб қолганлари ҳақида сўзлар.

83. (Эсланг!) Биз ҳар бир миллатдан оятларимизни ёлғон дейдиган бир гуруҳ кимсаларни тўплаб, улартизилиб турадиган кун!

84. Улар келишгач, (Аллоҳ) айтди: «Сизлар аниқ билмай туриб Менинг оятларимни ёлғон дедингизми?! Йўқса, нима қилган эдингизлар?!»

85. Зулм қилганлари туфайли уларга азоб тушди. Бас, улар гапиролмай қолдилар.

86. Ором олишлари учун кечани, кўришлари учун эса кундузни қилиб берганимизни кўрмадиларми?! Албатта, бу ишда иймон келтирадиган қавм учун ибратлар бордир.

87. Сур чалинган кунда осмонлару ердаги кимсалар даҳшатга тушадилар. Аллоҳ хоҳлаган кишиларгина бундан мустасно бўлади. Ҳамма У Зотга бўйин эгиб келади.

88. Тоғларни кўриб, тек қотиб қолган, деб ўйлайсиз. Ҳолбуки, улар ҳам худди булутлар юргандек юрадилар. Бу ҳамма нарсани пухта қилган Аллоҳнинг санъатидир. Албатта, У Зот сизлар қилаётганишлардан Хабардордир.

- 89.** Кимяхшиликқилса, унга ундан ҳамяхшироғи бўлур ва улар ўша куннинг даҳшатидан омондадирлар.
- 90.** Ким ёмонлик қилса, бас, юзтубан дўзахга ташланур. «Сизларга фақат қилган амалларингиз жазоси берилмоқда, холос».
- 91.** Мана шу шаҳарни Ҳарам айлаган унинг Парвардигориғагина ибодат қилишга буюрилганман. Ҳамма нарса Уникидир. Мусулмонлардан бўлишга буюрилганман.
- 92.** Ва Қуръонни тиловат қилишга. Ким ҳидоят топса, фақат ўзи учун топади. Ким залолатга кетса, унга: «Мен огоҳлантиргувчиларданман, холос», деб айтинг.
- 93.** Айтинг: «Ҳамд Аллоҳникидир. Яқинда сизларга Ўзининг оятларини кўрсатур. Ўшанда уларни тан оласизлар». Парвардигорингиз сизлар қилаётган ишлардан ғофил эмас.

Қасас сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. То. Син. Мим.
2. Булар аниқ Китобнинг оятларидир.
3. Иймон келтирадиган қавм учун сизга Мусо ва Фиръавн хабаридан ҳақ ила тиловат қилиб берурмиз.
4. Албатта, Фиръавн ер юзида катта кетиб, унинг аҳолисини гуруҳларга бўлиб юборди. Улардан бир тоифасини хорлаб, ўғилларини сўярвақизларини тирик қолдирарди. Албатта, у бузғунчилардан бўлганди.
5. Биз эса ер юзида хорланганларга марҳамат кўрсатишни, уларни пешволар қилишни, уларни ворислар қилишни истаймиз.
6. Уларни ер юзида барқарор айлашни, Фиръавн, Ҳомон ва уларнинг лашкарларига эса (Бани Исроил) тарафидан улар қўрқадиган нарсаларни кўрсатиб қўйишни ҳам.
7. Мусонинг онасига шундай ваҳий юбордик: «Уни эмизавер. Унга бирон кори ҳол бўлишидан қўрқсанг, уни дарёга ташла. Қўрқма, хафа бўлма. Биз уни сенга аниқ қайтаргувчимиз ва уни пайғамбарлардан қилгувчимиз».

8. Бас, уни Фиръавн хонадони ўзларига душман ва ғам-ташвиш бўлиши учун тутиб олдилар. Албатта, Фиръавн, Ҳомон ва уларнинг лашкарлари хато қилгувчи бўлдилар.
9. Фиръавннинг хотини деди: «У мен учун ҳам, сен учун ҳам кўз қувончидир. Уни ўлдирманглар. Балки унинг бизга фойдаси тегиб қолар ёки уни бола қилиб олармиз». Ҳолбуки, улар (нима қилаётганларини) сезмасдилар.
10. Мусо онасининг қалби бўм-бўш қолди. Мўминлардан бўлиши учун қалбини мустаҳкам боғламаганимизда уни очиб қўйишига сал қолди.
11. Унинг опасига: «Изидан бор», деди. Бас, уни узоқдан кузатиб турди. Улар сезмас эдилар.
12. Олдин унга эмизгувчиларни ҳаром қилган эдик. Деди: «Сизларга уни сизлар учун тарбиялаб берадиган ва унга насиҳатгўй бўладиган бир оилани айтайми?»
13. Бас, уни онасига қайтардик. Токи кўзи қувонсин, хафа бўлмасин ва Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини аниқ билсин. Лекин уларнинг кўплари билмайдилар.
14. Вояга етиб, расо бўлгач, унга ҳикмат ва билим ато этдик. Чиройли амал қилгувчиларни мана шундай

мукофотлармиз.

- 15.** Мусо шаҳарга унинг аҳолиси ғафлатда бўлган пайтда кирди. Унда икки киши урушаётганини кўрди. Бири ўз гуруҳидан, яна бири эса душманидан эди. Ўзининг гуруҳидан бўлган киши ундан душман томондан бўлган кимсага қарши ёрдам сўради. Шунда Мусо бир мушт уриб уни ўлдириб қўйди. Деди: «Бу шайтоннинг ишидандир. Албатта, у йўлдан ургувчи очик душмандир».
- 16.** Деди: «Парвардигорим, дарҳақиқат, мен ўз жонимга жабр қилиб қўйдим. Энди Ўзинг мени мағфират қил». Бас, уни мағфират қилди. Албатта, Унинг Ўзигина Мағфиратли, Меҳрибондир.
- 17.** Деди: «Парвардигорим, менга берган неъматинг ҳаққи ҳаргиз жинойтчиларга ёрдам қилгувчи бўлмасман».
- 18.** Бас, у эрта тонгда шаҳарда кўрқиб, хавфсираб кетаётган эди, баногоҳ кеча ундан ёрдам сўраган кимса яна уни ёрдамга чақириб қолди. Мусо унга деди: «Дарҳақиқат, сен аниқ гумроҳдирсан».
- 19.** Энди у ўзларига душман бўлган кимсани тутмоқчи бўлиб турганди: «Эй Мусо, кеча бир жонни ўлдирганинг каби мени ҳам ўлдирмоқчимисан?! Сен ер юзида жабр қилувчи бўлишдан бошқа нарсани хоҳламайсан. Сен ислоҳ қилгувчилардан

бўлишни истамайсан», деди.

- 20.** Шаҳарнинг нариги четидан бир киши шошганча келиб: «Эй Мусо, одамлар сени ўлдириш учун тил бириктиряптилар. Бас, чиқиб кет. Албатта, мен сенга холис насихат қилгувчиларданман», деди.
- 21.** Бас, хавфсираб, атрофга аланглаган кўйи у ердан чиқиб кетар экан, деди: «Парвардигорим, менга бу золим қавмдан нажот бер».
- 22.** Мадян сари юзланар экан: «Шояд, Парвардигорим мени тўғри йўлга ҳидоят қилса», деди.
- 23.** Мадяннинг сувига етиб келгач, у ерда бир тўп одамлар ҳайвонларини суғораётганларини кўрди. Улардан бошқа яна икки қизнинг (қўйларини) сувга йўлатмай турганларини кўриб: «Сизларга нима бўлди?» - деди. Улар: «Биз то подачилар қайтмагунларича суғора олмаймиз. Отамиз эса қари чол», дедилар.
- 24.** Бас, уларга (қўйларини) суғориб берди. Кейин сояга бориб, деди: «Парвардигорим, менга нима яхшилик туширсанг, ўшанга муҳтожман».
- 25.** Бас, улардан бири уялиб келиб: «Отам сизни (қўйларимизни) суғориб берганингиз ҳақини бериш учун чақиряпти», деди. Унинг олдига келиб, қиссани айтиб бергач, деди: «Қўркма,

золим қавмлардан нажот топдинг».

- 26.** Улардан бири: «Эй отажон, уни ишга ёллаб олинг. Чунки, сиз ишга ёллаб оладиган энг яхши кимса кучли ва ишончли кимсадир», деди.
- 27.** Деди: «Менга саккиз йил ишлаб беришинг бадалига сенга мана шу икки қизимдан бирини никоҳлаб бермоқчиман. Ўн йил тўла ишлаб берсанг, бу сен тарафингдандир. Мен сени қийнашни истамайман. Иншооллоҳ, сен менинг солиҳ кишилардан эканимни кўрасан».
- 28.** Деди: «Мана шу сиз билан менинг ўртамиздаги (битимдир). Икки муддатдан қай бирини бажарсам ҳам менга зўрлик қилинмас. Аллоҳ айтаётган сўзимизга гувоҳдир».
- 29.** Мусо муддатни ўтаб, оиласи билан йўлга тушгач, Тур тарафидан бир оловни кўриб қолди. Оиласига деди: «Кутиб туринглар, мен бир оловни кўриб қолдим. Шояд, сизларга бирон хабар ёки исиниб олишингиз учун оловдан бир чўғ олиб келарман».
- 30.** Унинг олдида етиб келганида умуборақ жойдаги водийнинг ўнг тарафидаги дарахтдан унга бир нидо келди: «Эй Мусо, албатта, Мен барча оламларнинг Парвардигори Аллоҳдирман».
- 31.** «Асоингни ташла». Бас, уни илондек қимирлаганини кўргач, ортига қарамай

қочди. «Эй Мусо, келавер, қўрқма, сен омон бўлгувчилардансан».

32. «Қўлингни қўйнингга сол, бирон зарарсиз оппоқ бўлиб чиқур ва қанотингни қўрқувдан қисиб ол. Бас, шу иккиси Парвардигоринг томонидан Фиръавн ва унинг одамларига икки ҳужжатдир. Дарҳақиқат, улар фосиқ қавм бўлдилар».
33. Деди: «Парвардигорим, мен улардан бир жонни ўлдириб қўйганман. Энди улар мени ўлдиришларидан қўрқаман.
34. Мендан кўра акам Ҳоруннинг нутқи равонроқ. Уни мен билан бирга ёрдамчи қилиб юбор. У мени тасдиқлаб туради. Улар мени ёлғончига чиқаришларидан қўрқаман».
35. Деди: «Биз сени аканг билан қувватлаймиз ва иккингиизга бир салтанат берурмиз. Бас, улар сизларга етиша олмаслар. Бизнинг оятларимиз ила сизлар ҳам, сизларга эргашган кишилар ҳам ғолиб бўлгувчидирлар».
36. Мусо уларга очиқ-ойдин оятларимизни келтиргач, дедилар: «Бу уйдирма сеҳрдан бошқа нарса эмас. Олдинги ота-боболаримиздан ҳам бу ҳақда эшитмаганмиз».
37. Мусо деди: «Парвардигорим Ўзининг ҳузуридан ким ҳидоят келтирганини ҳам,

охират диёри оқибати кимга бўлишини ҳам яхши Билгувчи Зотдир. Албатта, золимлар нажот топмаслар».

38. Фиръавн деди: «Эй аъёнлар, мен сизларга ўзимдан бошқа илоҳ борлигини билмаганман. Бас, эй Ҳомон, лойга ўт ёқиб, мен учун бир қаср қур, шоядқи, (унга чиқиб) Мусонинг худосини кўрсам. Албатта, мен уни ёлғончилардан деб ўйламоқдаман».
39. У ҳам, лашкари ҳам ер юзида ноҳақ каттазанглик қилдилар ва ўзларини Бизга қайтарилмайдилар, деб ўйладилар.
40. Бас, уни ҳам, лашкарини ҳам ушладик-да, денгизга улоқтирдик. Энди золимларнинг оқибати қандай бўлганини кўринг.
41. Уларни дўзахга чақирадиган пешволар қилдик. Қиёмат куни уларга ёрдам берилмас.
42. Биз бу дунёда ҳам уларга лаънатни эргаштирдик. Қиёмат кунида ҳам улар йироқ қилинганлардандирлар.
43. Олдинги авлодларни ҳалок қилганимиздан кейин Мусога одамлар учун нур, ҳидоят ва раҳмат қилиб Китобни ато этдик. Шояд, улар ибрат олсалар.
44. Мусога ишни ҳукм қилган пайтимизда сиз ғарбий томонда ҳам бўлмагансиз, гувоҳлардан ҳам бўлмагансиз.
45. Лекин Биз кўп асрларни пайдо қилдик,

бас, уларнинг умри чўзилди. Сиз Мадянда туриб, уларга оятларимизни тиловат қилиб бермаган эдингиз. Аммо Биз пайғамбар қилиб юборгувчи бўлган эдик.

- 46.** Нидоқилганпайтимиздасиз Турнингёнида бўлмаган эдингиз. Лекин Парвардигорингиз томонидан бир раҳмат бўлиб, сиздан олдин бирон огоҳлантиргувчи келмаган бир қавмни огоҳлантиришингиз учун (Сизга ваҳий қилдик). Шояд, улар эслатма-ибрат олсалар.
- 47.** Уларга ўз қилмишлари туфайли бирон мусибат келганида: «Парвардигоро, бизга бир пайғамбар юборганигда эди, Сенинг оятларингга эргашар ва иймон келтиргувчилардан бўлар эдик», дейишмаса эди.
- 48.** Уларга бизнинг ҳузуримиздан ҳақ келгач: «Унга ҳам Мусога берилган нарса берилганда эди», дедилар. Улар илгари ҳам Мусога берилган нарсага куфр келтирмаганмидилар?! Дедилар: «Икки сеҳр бир-бирига ёрдам бермоқда». Яна дедилар: «Биз ҳар бирига куфр келтиргувчимиз».
- 49.** Айтинг: «Бас, агар ростгўй бўлсангиз, Аллоҳ ҳузуридан у иккисидан кўра тўғрироқ бўлган бирон китоб келтиринглар, мен унга эргашай».
- 50.** Сизга жавоб бера олмасалар, бас, билингки, улар фақат ҳавойи нафсларигагина эргашяптилар. Аллоҳ тарафидан ҳидоят

топмай, ўз ҳавойи нафсига эргашган кимсadan ҳам йўлдан озганроқ ким бор?! Албатта, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас.

- 51.** Биз уларга гапни аниқ етказдик. Шоядки, эслатма-ибрат олсалар.
- 52.** Ундан олдин китоб берилганлар унга иймон келтирурлар.
- 53.** Уларга тиловат қилиб берилган пайтда дедилар: «Унга иймон келтирдик. У Парвардигоримиз тарафидан юборилган ҳақиқатдир. Биз ундан олдин ҳам мусулмонлар бўлганмиз».
- 54.** Ана ўшаларга сабр қилганлари учун ажрлари икки марта берилур. Улар ёмонликни яхшилик билан даф этадилар ва Биз берган ризқдан сарфлайдилар.
- 55.** Беҳуда гапларни эшитган пайтларида ундан юз ўгириб: «Бизга ўзимизнинг амалларимиз, сизларга ўзларингизнинг амалларингиз. Саломат бўлинглар. Бизга нодонлар керак эмас», дейдилар.
- 56.** Сиз ўзингиз истаган одамни ҳидоят қила олмассиз. Лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган одамни ҳидоят қилур. У ҳидоят топгувчиларни яхшироқ билгувчидир.
- 57.** Дедилар: «Агар биз сен билан бирга ҳидоятга эргашсак, ўз еримиздан айрилиб қоламиз». Уларга тинч Ҳарамни маскан қилиб бермадикми?! Ҳамма нарсанинг

мевалари Бизнинг даргоҳимиздан ризқ бўлиб ўша жойга йиғилади-ку! Лекин уларнинг кўплари билмаслар.

58. Биз ҳаддан ташқари майшатпараст бўлган қанча юртларни ҳалок қилдик. Ана уларнинг уй-жойлари. Улардан кейин у жойлар жуда кам маскан тутилди. Биз Ўзимиз ворис бўлиб қолдик.

59. Парвардигорингиз то барча юртларнинг марказларига Бизнинг оятларимизни уларга тиловат қиладиган бир пайғамбарни юбормагунича ҳалок қилгувчи бўлмади. Биз юртларни фақат уларнинг аҳолиси золим бўлгандагина ҳалок қилгувчи бўлдик.

60. Сизга берилган нарсалар шу дунёнинг матоҳи ва зийнати, холос. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса яхшироқ ва боқийроқдир. Ақл юритмайсизларми?

61. Ахир Биз гўзал ваъда қилган ва унга эришган киши Биз шу дунё матоҳидан озгина фойдалантириб, ортидан Қиёмат кунда (мангу азобга) дучор қилингувчилардан бўлган кимса каби бўлурми?!

62. Уларга: «Сизлар даъво қилган Менинг «шерикларим» қани?» - деган кун(ни эсланг).

63. Устларига сўз - азоб тушиши ҳақ бўлганлар дедилар: «Парвардигоро, анавилар биз йўлдан оздирган кимсалардир. Уларни худди

Ўзимиз йўлдан озган каби йўлдан оздирганмиз. Сенга ўзимизни оқладик. Улар бизга ибодат қилган эмаслар».

64. «Бутларингизни чақиринг», дейилди. Бас, уларни чақирдилар. Улар эса жавоб бермадилар. Шунда азобни кўрдилар. Қани эди улар ҳидоят топган бўлганларида.

65. Уларга: «Пайғамбарларга қандай жавоб қилган эдингиз», дея нидо қилган кун(ни эсланг).

66. Ана ўша кунда хабарлар улардан яширин бўлур. Бас, улар бир-бирларидан сўрай олмаслар.

67. Тавба қилиб, иймон келтирган ва яхши амал қилганлар эса нажот топгувчилардан бўлиб қолса ҳам ажаб эмас.

68. Парвардигорингиз Ўзи истаган нарсани яратар ва ихтиёр этар. Уларда эса ихтиёр йўқ. Аллоҳ улар келтираётган ширклардан Пок ва Олийдир.

69. Парвардигорингиз уларнинг қалблари яширган нарсаларни ҳам, улар ошкор қилаётган нарсаларни ҳам билади.

70. У Аллоҳ. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Аввалда ҳам, охирда ҳам ҳамд Уникидир. Ҳукм ҳам Уникидир ва Унгагина қайтариласизлар.

71. Айтинг: «Айтинг-чи, агар Аллоҳ кечани Қиёмат кунигача доимий қилиб қўйса, Аллоҳдан ўзга қайси бир илоҳ сизларга ёруғлик келтира олур? Қулоқ солмайсизларми?!»

72. Айтинг: «Айтинг-чи, агар Аллоҳ кундузни Қиёмат кунигача доимий қилиб қўйса,

Аллоҳдан ўзга қайси бир илоҳ сизларга ором оладиган кечани келтира олур?! Кўрмайсизларми?!»

73. Сизларга кеча ва кундузни ором олишингиз ва У Зотнинг фазлидан умидвор бўлишингиз учун ҳамда шояд шукр қилсангизлар, деб пайдо қилиб қўйгани Унинг марҳаматидандир.
74. Уларга: «Сизлар даъво қилган Менинг «шерикларим» қани?»-деган кун(ни эсланг).
75. Ҳар бир умматдан бир гувоҳ чиқариб: «Ҳужжатингизни келтиринг», дедик. Бас, ҳақ Аллоҳники эканини билиб олдилар. Ўзлари тўқиб олган уйдирмалари эса кўздан ғойиб бўлди.
76. Қорун Мусо қавмидан эди. Бас, уларга мутакаббирлик қилди. Унга хазиналардан шу қадарини берган эдикки, унинг калитларини кўтариб юриш бир гуруҳ бақувват одамларга ҳам оғирлик қиларди. Ўшанда унга қавми шундай деганди: «Ҳовлиқма! Аллоҳ ҳовлиқмаларни ёқтирмайди».
77. Аллоҳ сенга ато этган нарсаларда охират диёрини кўзла. Дунёдан ҳам насибангни унутма. Аллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам яхшилик қил. Ер юзида бузғунчилик қилма. Аллоҳ бузғунчиларни ёқтирмас.
78. Деди: «У менга ўзимдаги илм туфайли

берилган». Билмасмики, Аллоҳ ундан олдин ҳам ундан кўра кучлироқ ва давлатмандроқ авлодларни ҳалок этган. Гуноҳкорлардан гуноҳлари ҳақида сўраб ўтирилмас.

- 79.** Қавми олдиға зеб-зийнатлари билан чиққан эди, дунё ҳаётини истайдиганлар: «Бизда ҳам Қорунга ато этилган молу-давлат бўлса эди. Дарҳақиқат, у улугъ насиба эгасидир», дедилар.
- 80.** Илм-маъфират ато этилган кишилар эса шундай дедилар: «Сизларга ўлим бўлсин! Иймон келтириб, яхши амал қилганлар учун Аллоҳ берадиган ажр-савоб яхшироқдир! Унга фақат сабрли кишиларгина эришурлар».
- 81.** Бас, унинг ўзини ҳам, ҳовли-жойини ҳам ерга ютдирдик. Сўнг унга Аллоҳдан ёрдам берадиган бирон жамоат бўлмади ва унинг ўзи ҳам ғолиблардан бўлмади.
- 82.** Ва кечагина унинг мартабасини орзу қилганлар: «Вожаб, Аллоҳ бандаларидан Ўзи хоҳлаганига ризқини кенг ёки тор қилиб қўяр экан-да. Агар Аллоҳ бизга марҳамат қилмаганида, бизни ҳам ерга юттирган бўлар эди. Вожаб, кофирлар нажот топмас экан-да», дейишга ўтдилар.
- 83.** Ўша охират диёри. Уни ер юзида такаббурлик ва бузғунчилик қилмайдиганлар учун атаб қўйганмиз. Оқибат такводорларникидир.

84. Ким бир яхшилик билан келса, унга ундан ҳам яхшироғи бор. Ким бир ёмонлик билан келса, ёмонлик қилганлар фақат қилганларига яраша жазоланурлар.
85. Сизга Қуръонни фарз қилган Зот, албатта, сизни бир қайтар жойга қайтаргувчидир. Айтинг: «Ким ҳидоятни олиб келганини ҳам, ким очиқ залолатда эканини ҳам Парвардигорим Билгувчироқдир».
86. Сиз ўзингизга Китоб тушишидан умидвор бўлмаган эдингиз. У фақат Парвардигорингиз тарафидан бир раҳмат бўлибгина тушди. Шундай экан, кофирларни қўллаб-қувватловчи бўлманг.
87. Аллоҳнинг оятлари сизга нозил қилинганидан кейин сизни улардан тўсмасинлар. Парвардигорингизга даъват қилинг ва ҳаргиз мушриклардан бўлманг.
88. Аллоҳ билан бирга яна бошқа бир илоҳга илтижо қилманг. У Зотдан ўзга ҳеч бир илоҳ йўқдир. У Зотдан бошқа ҳамма нарса ҳалок бўлгувчидир. Ҳукм ёлғиз Уникидир ва Унгагина қайтарилурсизлар.

Анкабут сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Алиф, Лом, Мим.
2. Одамлар: «Иймон келтирдик», дейишлари билан тек қўйиламиз ва синовга учрамаймиз, деб ўйладиларми?
3. Биз улардан олдингиларни ҳам синаганмиз. Аллоҳ гапига содиқ қолганларни ҳам аниқ билади, ёлғончиларни ҳам аниқ билади.
4. Ёки ёмонликлар қиладиган кимсалар биздан қочиб қутулишни ўйладиларми? Қилган ҳукмлари нақадар ёмон-а?!
5. Ким Аллоҳга рўбарў бўлишдан умидвор бўлса, албатта, Аллоҳнинг (белгилаган) вақти келгувчидир. У Эшитгувчи ва Билгувчидир.
6. Ким ҳаракат қилса, ўзи учун қиладди. Аллоҳ барча оламлардан Беҳожатдир.
7. Иймон келтириб, яхши амаллар қилганларнинг ёмонликларини, албатта, ўчирурмиз ва уларни қилган энг яхши амаллари ила мукофотлармиз.
8. Инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Агар улар сен ўзинг билмаган нарсаларни Менга шерик қилишингга зўрласалар, бас, уларга итоат этма! Қайтиб келар жойингиз Менгадир. Ўшанда сизларга

қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берурман.

9. Иймон келтириб, яхши амаллар қилганларни солиҳлар қаторига қўшурмиз.

10. Одамлардан шундайлари борки, Аллоҳга иймон келтирдик, дейдилар. Аллоҳ йўлида озор чексалар, одамларнинг фитналарини Аллоҳнинг азобидек кўрадилар. Парвардигорингиз тарафидан бир нусрат келса, биз сизлар билан бирга эдик, дейдилар. Аллоҳ оламларнинг қалбларида нима борлигини билгувчиروқ эмасми?!

11. Албатта, Аллоҳ иймон келтирганларни ҳам яхши билур, мунофиқларни ҳам яхши билур.

12. Куфр келтирганлар иймон келтирганларга: «Бизнинг йўлимизга эргашинглар, хатоларингизни биз кўтарайлик», дерлар. Ҳолбуки, улар мўминларнинг гуноҳларидан бирон нарсани кўтара олгувчи эмаслар. Албатта, улар ёлғончидирлар.

13. Албатта, улар ўз юкларини ҳам, у юклар билан бирга бошқа юкларни ҳам кўтарурлар. Албатта, Қиёмат кунда ёлғон айтиб юрган нарсалари ҳақида сўралурлар.

14. Нуҳни ўз қавмига пайғамбар қилиб юбордик. Бас, у уларнинг орасида эллик

йили кам минг йил турди. Кейин уларни золим ҳолларида тўфон тутди.

15. Унга ва кемадаги ҳамроҳларига нажот бердик. Уни (кемани) оламларга бир белги қилдик.

16. Иброҳимни (эсланг). У ўз қавмига шундай деди: «Аллоҳга ибодат қилинглар ва Ундан кўрқинглар. Мана шу сизлар учун яхшироқдир, агар биладиган бўлсангизлар».

17. Аллоҳни қўйиб, бутларга ибодат қилмоқдасизлар ва уйдирмалар тўқимоқдасизлар. Аллоҳни қўйиб, ибодат қилаётганларингиз сизларга ризқ бера олмайдилар. Бас, ризқни Аллоҳнинг ҳузуридан истанглар. Унга ибодат қилинглар. Унга шукр қилинглар. Унгагина қайтарилурсизлар.

18. Агар ёлғонга чиқарсангизлар, сизлардан олдинги умматлар ҳам ёлғонга чиқарганлар. Пайғамбар зиммасида очик қилиб етказиб қўйиш бор, холос.

19. Аллоҳнинг дастлаб қандай йўқдан бор қилганини ва кейин яна қайта яратишини кўрмадиларми? Албатта, бу иш Аллоҳга осондир.

20. Айтинг: «Ерда айланиб юринглар ва дастлаб қандай яратганига назар ташланглар. Кейин Аллоҳ иккинчи марта яна

пайдо қилур. Албатта, Аллоҳ барча нарсага Қодирдир».

21. Ўзи истаган одамни азоблар. Ўзи хоҳлаган одамга раҳм қилур. Унгагина қайтарилурусизлар.
22. Сизлар на ерда, на кўкда У зотни ожиз қолдира оласиз. Сизларга Аллоҳдан ўзга бирон дўст ҳам, ёрдамчи ҳам йўқдир.
23. Аллоҳнинг оятларига ва Унга рўбарў бўлишга куфр келтирганлар, ана ўшалар Менинг раҳматимдан ноумид бўлдилар. Ана ўшаларга аламли азоб бор.
24. Қавмининг жавоби: «Уни ўлдиришлар ёки ёқиб юборишлар», дейишларидан бошқа нарса бўлмади. Бас, Аллоҳ унга оловдан нажот берди. Албатта, бунда иймон келтирадиган қавм учун оят-белгилар бордир.
25. Деди: «Сизлар фақат шу дунё ҳаётидаги ўзаро дўстлигингизни кўзлаб, Аллоҳни қўйиб, бутларни ушладинглар. Ҳали Қиёмат кунида бирингиз бирингиздан тониб, бирингиз бирингизни лаънатлар. Сизларнинг борар жойингиз дўзахдир. Сизлар учун ёрдамчилар йўқдир».
26. Бас, унга Лут иймон келтирди. Деди: «Мен Парвардигорим сари ҳижрат қилгайман. У Азиз ва Ҳакимдир».
27. Унга Исҳоқ ва Яъқубни бердик. Пайғамбарлик

ва китобни унинг зурриётида қилдик. Унга шу дунёда ҳам ажрини бердик ва, албатта, у охиратда солиҳлардандир.

- 28.** Лутни (эсланг). Ўшанда у ўз қавмига деди: «Албатта, сиз ўзингиздан олдин ўтган оламлардан биронтаси қилмаган фаҳш ишни қилмоқдасиз».
- 29.** «Сизлар эркакларга борасизларми, йўлтўсарлик қиласизларми, йиғинларингизда ёмон ишларни қиласизларми?» Қавмининг жавоби: «Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга Аллоҳнинг азобини олиб кел», дейишдан бошқа нарсa бўлмади.
- 30.** Деди: «Парвардигорим, бу бузғунчи қавмга қарши Ўзинг менга нусрат бер».
- 31.** Элчиларимиз Иброҳимга хушхабарни олиб келиб: «Биз ушбу шаҳар аҳлини ҳалок қилгувчидирмиз. Унинг аҳолиси золимлар бўлгандилар», дедилар.
- 32.** Деди: «Улар орасида Лут ҳам бор-ку». Дедилар: «Улар орасида ким борлигини биз яхши биламиз. Уни ва унинг оиласини қутқариб қоламиз. Фақат хотини бундан мустасно. У ҳалок бўлгувчилар сафида бўлди».
- 33.** Элчиларимиз Лутнинг олдига келишганда у ёмон ҳолга тушди ва юраги сиқилди. Дедилар: «Қўрқма, хафа ҳам бўлма. Биз сени ва оилангни қутқариб қоламиз. Фақат хотининг бундан мустасно. У ҳалок

бўлгувчилардан бўлди».

34. «Биз бу шаҳар аҳолиси устига фосиқлик қилганлари туфайли осмондан азоб ёғдиргувчимиз».
35. Ақл юритадиган қавм учун ундан оят-нишона қолдирдик.
36. Ва Мадянга биродарлари Шуъайбни (юбордик). Бас, деди: «Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар, охират кунидан умидвор бўлинглар ва ер юзида бузғунчи бўлиб санқиб юрманглар».
37. Бас, уни ёлғончига чиқардилар. Шунда уларни бир силкиниш тутди ва турган жойларида қотиб қолдилар.
38. Од ва Самудни ҳам. Сизларга уларнинг турар жойлари аён бўлиб турибди. Уларга Шайтон ишларини безаб кўрсатди ва шу билан уларни йўлдан урди. Ҳолбуки, улар ақли-ҳуши жойида одамлар эдилар.
39. Қорун, Фиръавн ва Ҳомонни (ҳам ҳалок қилдик). Мусо уларга яққол далиллар келтирганди. Улар эса ер юзида мутакаббирлик қилдилар ва қочиб қутулгувчи бўлмадилар.
40. Ҳар бирини ўз гуноҳи билан тутдик. Улар орасида устига тош ёғдирганларимиз ҳам, қичқирикқатутилганлари ҳам, ерга юттириб юборганларимиз ҳам, фарқ қилганларимиз ҳам бўлди.

41. Аллоҳни қўйиб, ўзгаларни дўст тутганлар худди ўзига уй қуриб олган ўргимчакка ўхшайдилар. Энг нимжон уй ўргимчак уясидир. Шунини билсалар эди.
42. Албатта, Аллоҳ улар Ўзини қўйиб, қайси нарсага дуо қилаётганларини яхши билади. У Азиздир, Ҳақимдир.
43. Бу мисолларни одамлар учун келтирамиз. Уларни фақат олимларгина англайдилар.
44. Аллоҳ осмонлару ерни ҳақ ила яратди. Албатта, бу ишда мўминлар учун бир белги бор.
45. Ўзингизга ваҳий қилинган китобни тиловат қилиб беринг. Намозни тўқис адо этинг. Албатта, намоз бузуқлик ва ёмонликдан қайтаради. Албатта, Аллоҳнинг зикри улуғроқдир. Аллоҳ сизлар қилаётган ишларни билиб туради.
46. Аҳли китоб билан энг гўзал тарзда мунозара қилинглари. Улардан зулм қилганлари бундан мустасно. Айтинглари: «Ўзимизга нозил қилинган нарсага ҳам, сизларга нозил қилинган нарсага ҳам иймон келтирдик. Бизнинг илоҳимиз ҳам, сизларнинг илоҳингиз ҳам бирдир ва биз Унга бўйсунувчилармиз».
47. Шунингдек, сизга ҳам Китобни нозил қилдик. Биз китоб берган зотлар унга иймон келтирадилар. Анавилардан ҳам

унга иймон келтирадиганлари бор. Бизнинг оятларимизни фақат кофирларгина инкор қиладилар.

48. Ундан олдин ҳеч бир китобни тиловат қилмас эдингиз ва қўлингиз билан хат ёзмас эдингиз. Агар шундай бўлганида бузғунчилар шубҳага тушган бўлур эдилар.

49. Балки у илм ато этилганлар дилларидаги очик оятлардир. Бизнинг оятларимизни фақат золимларгина инкор этадилар.

50. Дедилар: «Унга Парвардигори тарафидан мўъжизалар тушганида эди». Айтинг: «Мўъжизалар ёлғиз Аллоҳнинг даргоҳидадир. Мен эса фақат очик огоҳлантиргувчиман, холос».

51. Бизнинг улар учун тиловат қилиб берилаётган китобни сизга нозил қилиб қўйганимиз уларга етмас эканми? Унда мўминлар қавми учун раҳмат ва эслатма бордир.

52. Айтинг: «Мен билан сизларнинг орангизда гувоҳ бўлишга Аллоҳ кифоя қилади. У Зот осмонлару ердаги бор нарсани билур. Ботилга иймон келтириб, Аллоҳга кофир бўлганлар - ана ўшалар зиён кўргувчилардир».

53. Улар сиздан азобни тезлатишни талаб қиладилар. Агар белгиланган муддат бўлмаса эди, уларга азоб, албатта, келган

бўлар эди. Азоб уларга ўзлари сезмаган ҳолларида тўсатдан аниқ келади.

54. Улар сиздан азобни тезлатишни талаб қиладилар. Албатта жаҳаннам кофирларни ўраб олгувчидир.

55. Азоб уларни устиларидан ҳам, оёқларининг остидан ҳам ўраб олган кунда (Аллоҳ) айтур: «Қилиб ўтган амалларингизнинг жазосини тотинглар!»

56. Эй иймон келтирган бандаларим, албатта, Менинг ерим кенгдир. Бас, Менгагина ибодат қилинглار.

57. Ҳар бир жон ўлимни тотгувчидир. Кейин яна Бизга қайтарилурсизлар.

58. Иймон келтириб, яхши амаллар қилганларни жаннатдаги остидан анҳорлар оқиб турадиган жойларга жойлаштирурмиз. У ерда абадий қолурлар. Амал қилгувчиларнинг ажри нақадар яхши!

59. Улар сабр этган ва Парвардигорларига таваккул қилган зотлардир.

60. Ўз ризқини кўтара олмайдиган қанчадан-қанча жонзотлар бор. Уларга ҳам, сизларга ҳам ризқни Аллоҳ берур. У Эшитгувчи, Билгувчи Зотдир.

61. Улардан: «Осмонлару ерни яратган, қуёшу ойни бўйсундириб қўйган ким?» - деб сўрасангиз: «Аллоҳ», деб жавоб беришлари аниқ. Бас, қаёққа қараб бурилмоқдалар-а?!

62. Аллоҳ ризқни Ўзи хоҳлаган бандасига кенг қилиб, хоҳлаган бандасига танг қилиб беради. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани Билгувчидир.
63. Улардан: «Осмондан ёмғир ёғдириб, ўлик ерни яшнатган ким?» - деб сўрасангиз: «Аллоҳ», дейишлари аниқ. Айтинг: «Аллоҳга ҳамд бўлсин». Йўқ! Уларнинг аксари ақл юритмайдилар.
64. Бу дунё ҳаёти фақат ўйин-кулгидир. Охират диёри эса чин ҳаётдир. Шунини билсалар эди!
65. Қачон кемага минсалар, ёлғиз Аллоҳгагина сиғиниб, чин ихлос билан дуо қиладилар. Қачон уларга нажот бериб, қуруқликка етказиб қўйса, яна ширк келтираверадилар.
66. Берган неъматларимизга куфр келтираверсинлар, фойдаланиб қолаверсинлар. Яқинда билиб оладилар.
67. Атрофларидаги одамлар талон-торожга учраб турган бир пайтда Биз Ҳарамни тинч-осойишта қилиб қўйганимизни кўрмадиларми? Ботилга иймон келтириб, Аллоҳнинг неъматига куфр келтирадиларми?
68. Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган ёки ҳақ келган пайтда уни ёлғон деган кимсадан ҳам золимроқ ким бор?! Кофирларнинг жойи жаҳаннамда эмасми?!
69. Бизнинг йўлимизда курашганларни, албатта, Ўз йўлларимизга ҳидоят қилурмиз. Албатта,

 Рум сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Алиф, Лом, Мим.
2. Рум мағлуб бўлди.
3. Яқин ерда. Ва улар мағлубиятларидан кейин
яқинда яна ғолиб бўлажаклар.
4. Санокли йилларда. Олдин ҳам, кейин
ҳам ҳамма иш Аллоҳнинг измидадир. Ўша
кунда мўминлар шод бўладилар.
5. Аллоҳнинг нусрати ила. У Ўзи хоҳлаган
одамга нусрат берур. У Азиз ва Раҳмли
Зотдир.
6. (Нусрат бериш) Аллоҳнинг ваъдаси.
Аллоҳ Ўз ваъдасига хилоф қилмас. Лекин
кўп одамлар билмаслар.
7. Уларбудунёҳаётинингзоҳирини билурлар.
Охиратдан эса ғофилдирлар.
8. Улар ўзлари ҳақида фикр
юритмайдиларми? Аллоҳ осмонлару
ерни ва улар орасидаги нарсаларни
(бежиз яратмаган, уларни) ҳақ ва муайян
муддат билан яратган. Одамлардан кўплари
Парвардигорларига рўбарў келишни инкор
қилгувчилардир.
9. Ер юзини кезиб, ўзларидан
олдингиларнинг оқибати қандай

бўлганига назар солмайдиларми?! Улар булардан кўра кучлироқ эдилар. Ерга ишлов бериб, уни булар обод қилганидан кўра кўпроқ обод қилгандилар. Уларга пайғамбарлари ҳужжатлар келтирганди. Аллоҳ уларга зулм қилмаган эди, лекин улар ўзларига ўзлари зулм қилгандилар.

10. Кейин ёмонлик қилганларнинг оқибати ёмон бўлди. Чунки улар Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқардилар ва уларни масхара қилардилар.
11. Аллоҳ йўқдан бор қилади, кейин уни яна қайтадан яратади. Кейин Унга қайтарилурсизлар.
12. Қиёмат қоим бўлган кунда жинойтчилар ноумид бўлурлар.
13. Уларга бутларидан шафоатчилар бўлмади ва улар бутларидан тонадиган бўлдилар.
14. Қиёмат қоим бўлган куни, ўша куни бўлиниб кетадилар.
15. Иймон келтириб, яхши амалларни қилганлар жаннатда шод бўладилар.
16. Куфр келтириб, оятларимизни ва охират учрашувини ёлғон дейдиганлар эса - ана ўшалар азобга ҳозир қилинадилар.
17. Бас, тунга кириш пайтингизда ҳам, тонгга кириш пайтингизда ҳам Аллоҳга тасбеҳ айтинг.
18. Осмонлару ердаги ҳамду сано

Уникидир. Оқшомда ҳам, Пешин пайтига киришингизда ҳам (тасбеҳ айтинг).

19. Ўликдан тирикни чиқаради. Тирикдан ўликни чиқаради. Ерни ўлганидан кейин қайта тирилтиради. Сизлар ҳам шундай чиқариласизлар.
20. Унинг оятларидан бири шуки, сизларни тупроқдан яратди. Кейин сизлар инсон бўлиб таралдингизлар.
21. Унинг оятларидан яна бири шуки, сизларга ўзларингиздан жуфтларингизни яратди. Токи ўшалар билан таскин топинглар. Орангизда эса ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилди. Албатта, бу ишда фикр юритадиган қавм учун оятлар бордир.
22. Унинг оятларидан яна бири осмонлару ерни яратиши ҳамда тилларингиз ва рангларингизни турли хил қилиб қўйишидир. Албатта, бу ишда биладиганлар учун белгилар бордир.
23. Унинг оятларидан яна бири кечаси ва кундузи ухлашингиз ҳамда Унинг фазлидан умидвор бўлишингиздир. Албатта, бу ишда қулоқ соладиган қавм учун белгилар бордир.
24. Унинг оятларидан яна бири шуки, сизларга яшинни кўрсатади. Қўрқиб ва умидвор бўлиб (уни кўрасизлар). Осмондан ёмғир ёғдириб, у билан ўлиб қолган ерни тирилтиради. Албатта, бу ишда ақлини ишлатадиган қавм учун

белгилар бордир.

- 25.** Унинг оятларидан яна бири шуки, само ва замин У Зотнинг амри билан қоимдир. Кейин сизларни ердан бир бор чақирганда барчангиз бирдан чиқасизлар.
- 26.** Осмонлару ердаги жонзотлар Уникидир. Ҳаммалари Унга бўйсундилар.
- 27.** У шундай Зотки, дастлаб Ўзи йўқдан бор қилади, кейин яна Ўзи қайта яратади. Бу иш Унга жуда осондир. Осмонлару ердаги энг олий сифат Уникидир. У Азиз ва Ҳаким Зотдир.
- 28.** Сизларга ўзларингиздан бир мисол зарб этди. Қўлларингиздаги мулкингиз (қулларингиз)дан сизларга ризқ қилиб берганимиз мол-мулкка шерик бўлиб олгувчилар борми ва сизлар худди ўзларингиздан кўрққандек улардан ҳам кўрқасизларми? Ақлини ишлатадиган қавм учун оятларни мана шундай баён қилурмиз.
- 29.** Йўқ! Зулм қилганлар илмсиз равишда ҳавойи нафсларига эргашдилар. Аллоҳ адаштириб қўйганни ким ҳам ҳидоят қила оларди? Улар учун ёрдам бергувчилар бўлмас.
- 30.** Бас, доимо тўғри бўлган динга юз тутинг! Аллоҳнинг фитратики, инсонларни ўша билан яратган. Аллоҳнинг яратганини ўзгартириб бўлмас. Тўғри дин шудир.

Лекин кўп одамлар билмайдилар.

31. Унга қайтгувчи бўлган ҳолингизда (юз буриглар). Ундан кўрқинглар. Намозни тўкис адо этинглар. Мушриклардан бўлманглар.
32. Динларини парчалаб, гуруҳ-гуруҳ бўлиб олиб, ҳар бир гуруҳ ўзидаги нарса билан хурсанд бўлганлардан (бўлиб қолманглар).
33. Қачон одамларга бир зарар етса, Парвардигорларига қайтиб, Унга дуо қиладилар. Аллоҳ уларга Ўз раҳматидан бирон марҳамат тоттирганда эса, баногоҳ улардан бир гуруҳи Парвардигорларига ширк келтирадилар.
34. Улар берган нарсаларимизга нонкўрлик қилаверсинлар. Фойдаланаверинглар. Яқинда билиб оласизлар.
35. Ёки уларга ширк келтириб юрганларини сўзлайдиган бир ҳужжат туширдикми?!
36. Одамларга бирон марҳаматни тоттирсак, ундан хурсанд бўлдилар. Ўзлари қилган қилмишлари туфайли бирон заҳмат етганда эса умидсизликка тушадилар.
37. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган бандасига ризқни кенг ёки танг қилиб бераётганини кўрмадиларми? Албатта, бу ишда иймон келтирган қавм учун белгилар бордир.
38. Қариндошга, мискинга ва мусофирга ҳаққини беринг. Мана шу Аллоҳнинг Юзини

истайдиганлар учун яхшироқдир. Ва ана ўшалар нажот топгувчилардир.

39. Одамларнинг моллари ичида кўпайиши учун судхўрликка берган пулларингиз Аллоҳнинг ҳузурида кўпаймайди. Аллоҳнинг Юзини истаб берган закотингиз эса, бас, ана ўшалар (фойдани) бир неча баробар қилиб олгувчилардир.

40. Аллоҳ шундай Зотки, сизларни яратди. Кейин сизларга ризқ берди. Кейин сизларни ўлдиради. Кейин яна тирилтиради. Шерик қилаётган бутларингиздан биронтаси шу ишлардан биронтасини қила оладими? У Зот улар келтираётган ширклардан Пок ва Олийдир.

41. Одамлар қилган ишлар туфайли қуруқлигу денгизда бало-офат юз берди. Қилган ишларининг айримларини тоттириб қўйиш учун (шундай бўлди). Шояд, улар қайтсалар.

42. Айтинг: «Ер юзида сайр қилиб, олдин ўтганларнинг оқибати қандай бўлганига назар солинглар. Уларнинг кўплари мушрик бўлган эдилар».

43. Бас, Аллоҳ тарафидан рад қилинмайдиган кун келмасидан олдин расо динга юз тутинг. Ўша кунда бўлинулар.

44. Ким куфр келтирса, унинг куфри ўзига зарар. Ким яхши амал қилса, бас, улар ўзлари учун жой ҳозирлайдилар.

45. Иймон келтириб, яхши амаллар қилганларни Ўз фазлидан мукофотлагани сабабли (шундай бўлади). Албатта, У Зот кофирларни севмайди.
46. У Зотнинг оятларидан яна бири шуки, шамолларни хушхабар элтгувчи қилиб юборади. Сизларга Ўз раҳматидан тоттириб қўйиши учун, кема У Зотнинг амри ила юриши учун ва У Зотнинг фазлидан умидвор бўлишингиз учун. Шоядки, шукр қилсангизлар.
47. Сиздан олдин пайғамбарларни ўз қавмларига юбордик. Уларга ҳужжатларни олиб келдилар. Бас, жинойт қилганлардан интиқом олдик. Мўминларни ғолиб этиш зиммамиздаги ҳақ бўлганди.
48. Аллоҳ шундай зотки, шамолларни юбориб, улар билан булутни кўзғатади ва уни самода Ўзи истаганича ёяди ва бўлак-бўлак қилади, бас, унинг орасидан ёмғир чиқаётганини кўрасиз. Қачон уни Ўзи истаган бандаларига етказса, қарабсизки, улар шод бўладилар.
49. Ҳолбуки, улар ундан аввал устларига (ёмғир) ёғдирилишидан олдин мутлақо ноумид эдилар.
50. Бас, Аллоҳ раҳматининг изларига назар солинг. Қандай қилиб ўлик ерни тирилтиряпти? Албатта, У Зот ўликларни ҳам тирилтиргувчидир. У Зот ҳар нарсага

Қодирдир.

- 51.** Агар (экинзорларига иссиқ) шамолни юборсак ва унинг сарғайиб кетганини кўрсалар, шундан кейин нонкўрлик қила бошлайдилар.
- 52.** Аниқки, сиз ўликларга эшиттира олмассиз, ортга ўгирилиб кетаётган карларга ҳам даъватни уқтира олмассиз.
- 53.** Сиз кўрларни ўз залолатларидан (қайтариб) ҳидоят қилгувчи эмассиз. Сиз фақат оятларимизга иймон келтирадиган кишиларгагина эшиттира олурсиз. Ана ўшалар мусулмонлардир.
- 54.** Аллоҳ шундай Зотдирки, сизларни заиф нарсадан яратди. Заифликдан кейин куч-қувват пайдо қилди. Куч-қувватдан кейин яна заифлик ва қариликни пайдо қилди. У Ўзи хоҳлаган нарсани яратур. У Билгувчи ва Қодир Зотдир.
- 55.** Қиёмат қоим бўладиган куни жинойтчилар бир соатдан ортиқ турмаганларига қасам ичадилар. Улар ана шундай ўгирилар эдилар.
- 56.** Илм ва иймон ато этилган зотлар дедилар: «Аниқки, сизлар Аллоҳнинг китобида (ёзиб қўйганидек) тирилиш кунигача турдинглар. Бас, мана шу тирилиш кунидир. Лекин сизлар билмас эдинглар».
- 57.** Бас, у кунда зулм қилган кимсаларга узру баҳоналари фойда бермас ва улардан қайтиш

ҳам талаб қилинмас.

- 58.** Албатта, ушбу Қуръонда одамлар учун турли хил мисоллар зарб этдик. Гарчи сиз уларга мўъжиза келтирсангиз ҳам кофир бўлган кимсалар: «Сизлар ғирт ёлғончисизлар», дейишлари аниқ.
- 59.** Аллоҳ билмайдиганларнинг қалбларини ана шундай муҳрлаб қўяди.
- 60.** Бас, сабр қилинг. Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Иймони мустаҳкам бўлмаганлар сизни ҳаргиз бетоқат қилмасинлар.

 Луқмон сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Алиф, Лом, Мим.
2. Мана шулар ҳикматли Китоб оятларидир.
3. У муҳсинларга ҳидоят ва раҳматдир.
4. (Муҳсинлар)ки, намозни тўқис адо этадилар, закотни берадилар ва охирагга аниқ ишонадилар.
5. Ана ўшалар Парвардигорлари тарафидан ҳидоят топганлардир. Нажот топгувчилар ҳам ўшалардир.
6. Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, билимсизлик билан бировларни Аллоҳнинг йўлидан оздириш учун ва уни масхара қилиш учун беҳуда гапни сотиб олур. Ана ўшалар учун хор қилгувчи азоб бордир.
7. Оятларимиз унга тиловат қилинса, гўё уларни эшитмагандек, гўё қулоқларида бир оғирлик бордек, такаббурлик билан юз ўгириб кетур. Бас, унга аламли азоб ҳақида «хушхабар» бериб қўйинг!
8. Албатта, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун ноз-неъмат боғлари бордир.
9. У ерларда абадий қолурлар. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. У Азиз ва Ҳакимдир.

10. У, кўриб турганингиздек, осмонларни устунсиз яратган, сизларни тебратмаслиги учун ер юзига оғир тоғларни ташлаган ва унда ҳар турли жониворларни таратиб қўйган. Осмондан сув тушириб, у билан турли гўзал ва фойдали ўсимликларни ўстириб қўйдик.
11. Булар Аллоҳ яратган нарсалардир. Бас, Менга кўрсатинглар-чи, Ундан бошқалар нимани яратдилар? Йўқ! Золимлар очик залолатдадирлар.
12. Биз Лукмонга ҳикмат ато этдик, (ва дедик): «Аллоҳга шукр қил. Ким шукр қилса, ўзи учун қилган бўлади. Ким куфр келтирса, бас, Аллоҳ Беҳожат ва мактовга лойиқ Зотдир».
13. Ўшанда Лукмон ўғлига насиҳат қилиб деди: «Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирма. Ширк буюк зулмдир».
14. Инсонга ота-онасига яхшилик қилишни амр этдик. Онаси унга заифлик устига заифлик билан ҳомиладор бўлди. Кўкракдан чиқариши икки йилда. (Биз инсонга дедик): «Менга ва ота-онангга шукр қил. Қайтар жойинг Менгадир.
15. Агар иккиси сени ўзинг билмаган нарсани Менга ширк келтиришга зўрласалар, бас, уларга итоат этма! Бу дунёда ҳар иккисига яхшилик қил ва Менга қайтганларнинг

йўлига эргаш. Кейин қайтишингиз фақат Менгадир. Ўшанда сизларга қилган амалларингизнинг хабарини берурман».

16. «Эй ўғилчам, бир хардал уруғидек бўлса ҳам, бир харсанг тошда ё осмонларда ёки ерда бўлса ҳам Аллоҳ уни келтиради. Албатта, Аллоҳ Латиф ва Хабардор Зотдир».
17. «Эй ўғилчам, намозни тўкис адо эт, яхшиликка буюр, ёмонликдан қайтар ва ўзингга етган мусибатга сабр қил. Албатта, шу ишлар азм қилинадиган ишлардир».
18. «Одамлардан такаббурлик билан юз ўгирма ва ер юзида кибр-ҳаво ила юрма. Албатта, Аллоҳ ҳеч бир мутакаббир, мақтанчоқни севмас».
19. «Юрганингда ўртача юр ва овозингни паст қил. Чунки овозларнинг энг ёмони эшаклар овозидир».
20. Аллоҳ осмонлару ердаги ҳамма нарсаларни сизларга бўйсундириб қўйганини ва сизларга барча зоҳирий ва ботиний неъматларини комил қилиб берганини кўрмадингларми?! Одамлар орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар ўзлари билим, ҳидоят ва равшан китобга эга бўлмай туриб, Аллоҳ ҳақида мужодала қилурлар.
21. Қачон уларга: «Аллоҳ нозил қилган нарсага эргашинглар», дейилса, улар: «Йўқ, биз

ота-боболаримизни ниманинг устида топган бўлсак, ўшанга эргашурмиз», дейишади. Уларни шайтон дўзах азобига чорламаганмиди?

22. Ким чиройли амал қилгувчи бўлган ҳолида ўзини Аллоҳга топширса, бас, у мустаҳкам ҳалқани ушлабди. Барча ишлар охир-оқибатда ёлғиз Аллоҳга қайтур.
23. Ким куфр келтирса, унинг куфри сизни хафа қилмасин. Қайтишлари фақат Бизгадир. Бас, уларга қилган амаллари ҳақида хабар берурмиз. Аллоҳ диллардаги сирларни ҳам Билгувчидир.
24. Уларни биров ҳузурлантириб, ортидан қаттиқ азобга мажбур қиламиз.
25. Улардан: «Осмонлару ерни ким яратган?», деб сўрасангиз, аниқ «Аллоҳ», дейдилар. Айтинг: «Аллоҳга ҳамд бўлсин». Йўқ, уларнинг кўплари билмаслар.
26. Осмонлару ердаги бор нарсалар Аллоҳникидир. Албатта, Аллоҳнинг Ўзигина Беҳожат ва ҳамду санога лойиқ Зотдир.
27. Ер юзидаги бор дов-дарахт қаламлар бўлиб, денгиз (сиёҳ бўлса ва) ундан сўнг яна етти денгиз ёрдамга келса ҳам, Аллоҳнинг сўзлари тугаб-битмас. Албатта, Аллоҳ Азиз ва Ҳаким Зотдир.
28. Сизларни яратиш ҳам, қайта тирилтириш ҳам фақат бир жон кабидир. Албатта, Аллоҳ

Эшитгувчи ва Кўргувчи Зотдир.

- 29.** Кўрмадингизмики, Аллоҳ кечани кундуз ичига киритиб қўяди. Кундузни эса кеча ичига киритиб қўяди. Қуёш ва ойни бўйсундириб қўйган. Ҳаммаси белгилаб қўйилган муддатга қадар юрадилар. Албатта, Аллоҳ сизлар қилаётган ишлардан Хабардордир.
- 30.** Бунинг сабаби шуки, Аллоҳ Ҳақдир. Уларнинг Аллоҳни қўйиб, илтижо қилаётган бутлари ботилдир. Аллоҳ Олийдир, Буюкдир.
- 31.** Кўрмадингизмики, кемалар сизларга Аллоҳнинг оятларини кўрсатиш учун У Зотнинг марҳамати билан денгизда юрадилар. Албатта, бу ишда ҳар бир сабрли шукр қилгувчи учун белгилар бордир.
- 32.** Қачон уларни тоғлардек тўлқин ўраб қолса, чин ихлос билан Аллоҳга дуо қилурлар. Нажот бериб, уларни қуруқликка чиқарса, улардан айримлари тежамкор бўлур. Оятларимизни фақат хоин ва нонкўрларгина инкор қилурлар.
- 33.** Эй одамлар, Парвардигорингиздан қўрқинглар. Ота ўғлига асқотмайдиган, бола ҳамотасига бирон нарсада асқотгувчи бўлмайдиган кундан қўрқинглар. Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Дунё ҳаёти сизларни алдаб қўймасин. Аллоҳ (Ҳалим деган алдов) сизларни алдаб қўймасин.
- 34.** Қиёмат қачон бўлишини билиш Аллоҳнинг ҳузуридадир. У ёмғир ёғдиради.

Бачадонларда нима борлигини билади.
Бирон жон эртага нима қилишини билмас.
Бирон жон қаерда ўлишини билмас.
Албатта, Аллоҳ Билгувчи ва Хабардор
Зотдир.

 Сажда сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Алиф, Лом, Мим.
2. Нозил қилинган бу Китобда ҳеч қандай шубҳа йўқ. У оламлар Парвардигори тарафидандир.
3. Ёки: «Уни ўзи тўқиб чиқарган», дейишадими?! Йўқ! У сиздан олдин ўзларига ҳеч огоҳлантиргувчи келмаган қавмни огоҳлантиришингиз учун Парвардигорингиз (томонидан келган) ҳақдир. Шоядки, улар ҳидоят топсалар.
4. Аллоҳ шундай Зотки, осмонлару ерни ва улар орасидаги нарсаларни олти кунда яратди. Кейин Аршга кўтарилди. Сизлар учун Ундан ўзга бирон дўст ҳам, шафоатчи ҳам йўқдир. Эслатма-ибрат олмай сизларми?
5. У Зот осмондан ергача барча ишнинг тадбирини қилур. Кейин сизларнинг ҳисобингиздаги минг йил миқдорича бўлган бир кунда Унинг Ўзига кўтарилур.
6. Мана шу (Аллоҳ) ғойиб ва ҳозирни Билгувчи, Азиз ва Меҳрибондир.
7. Ки, ҳамма нарсани чиройли қилиб яратди. Инсонни дастлаб лойдан яратди.
8. Кейин унинг наслини сизиб чиқадиган бир

арзимас сувдан қилди.

9. Кейин уни расо қилиб, ичига Ўз Руҳидан пуфлади. Сизларга қулоқ, кўз ва диллар қилиб берди. Жуда оз шукр қиласизлар.
10. Дедилар: «Ер ичида йўқ бўлиб кетганимиздан кейин яна қайта тирилтириламизми?» Йўқ! Улар Парвардигорларига рўбарў бўлишни инкор қилгувчилардир.
11. Айтинг: «Сизларга вакил қилинган фаришта жонингизни олади. Кейин Парвардигорингизга қайтариласизлар».
12. Гуноҳкорларнинг Парвардигорлари ҳузурида бошларини эгиб: «Парвардигоро, кўрдик, эшитдик, бизни ортга қайтар, яхши амал қиламиз, энди биз аниқ ишонгувчилармиз», дейишларини кўрсангиз эди.
13. Агар истасак, ҳар бир жонга ҳидоятини бериб қўйган бўлар эдик. Лекин Мен тарафимдан: «Албатта, жаҳаннамни инсу жинларнинг ҳаммаси билан тўлдираман», деган гап ҳақ бўлди.
14. Бас, ушбу кунингиздаги учрашувни унутганингиз туфайли (азобни) тотингиз! Биз ҳам сизни «унутдик». Қилиб ўтган амалларингиз туфайли мангу азобни тотинг!
15. Бизнинг оятларимизга улар зикр қилинганда сажда қилиб бергайи қиладиган

ҳамда мутакаббирлик қилмасдан Парвардигорларига ҳамдута беҳайтадиган зотларгина иймон келтирадилар.

16. Уларнинг ёнбошлари ётар жойдан йироқ бўлур. Улар Парвардигорларига қўрқув ва умидворлик ила дуо қилурлар ва ўзларига ризқ қилиб берган нарсаларимиздан инфок қилурлар.
17. Бас, ҳеч бир жон ўзлари учун қилиб ўтган амалларига мукофот сифатида беркитиб қўйилган кўз қувончларини билмас.
18. Мўмин бўлган кимса фосиқ бўлган кимса кабими? (Улар) тенг бўлмаслар.
19. Иймон келтириб, яхши ишларни қилганларнинг қилиб ўтган амаллари учун жойлари жаннатлардир.
20. Фосиқлик қилган кимсаларнинг эса жойлари дўзахдир. Қачон ундан чиқмоқчи бўлсалар, унга яна қайтариладилар ва уларга шундай дейилади: «Дўзах азобини тотинглар. Уни ёлғон деган эдинглар».
21. Албатта, уларга улуғ азобдан олдин яқин азобни тоттирамиз. Шоядки, қайтсалар.
22. Парвардигорининг оятлари ила насихат қилинганидан кейин улардан юз ўгирган одамдан ҳам золимироқ одам борми?! Албатта, Биз жинойтчилардан интиқом олгувчилармиз.
23. Аниқки, Мусога китобни бердик. Бас, у

билан рўбарў бўлганингиздан шубҳа қила кўрманг. Уни Бани Исроилга ҳидоят қилдик.

24. Сабр қилишгач, улардан Бизнинг амримиз ила ҳидоятга бошлайдиган пешволар чиқардик. Улар Бизнинг оятларимизга аниқ ишонардилар.

25. Албатта, Парвардигорингизнинг Ўзи Қиёмат куни улар орасида ихтилоф қилган нарсалари тўғрисида ажрим қилур.

26. Улардан олдин қанча авлодларни ҳалок қилганимиз, ўзлари эса ўшаларнинг уйларида юрганлари уларга аён эмасми? Албатта, бу ишда белгилар бор. Қулоқ солмайдиларми?

27. Ахир улар Биз қуруқ ерга сув ҳайдаб, шу билан уларнинг чорвалари ҳам, ўзлари ҳам озуқаланадиган экинларни чиқаришимизни кўрмадиларми?! Кўзларини очмайдиларми?!

28. «Бу ғалаба қачон рўй беради, агар ростгўй бўлсангизлар», дейдилар.

29. «Фатҳ куни куфр келтирган кимсаларга иймонлари фойда бермайди ва уларга муҳлат берилмайди», деб айтинг.

30. Бас, улардан юз ўғиринг ва кутиб туринг. Албатта, улар ҳам кутиб тургувчилардир.

Аҳзоб сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Эй Пайғамбар, Аллоҳдан кўрқинг, кофир ва мунофиқларга итоат этманг! Албатта, Аллоҳ Олим ва Ҳаким Зотдир.
2. Ўзингизга Парвардигорингиз тарафидан юборилган ваҳийга эргашинг. Албатта, Аллоҳ улар қилаётган ишлардан Хабардордир.
3. Аллоҳгагина таваккул қилинг. Аллоҳнинг Ўзи етарли вакилдир.
4. Аллоҳ бирон кишининг ичида икки юрак қилган эмас. Сизлар зихор қилаётган хотинларингизни сиз учун она қилган эмас. Асранди болаларингизни сизга фарзанд қилган эмас. Булар оғзингиздаги гапларингиздир. Ҳақни эса Аллоҳ айтур. У тўғри йўлга ҳидоят қилур.
5. Уларни ўз оталари номи билан чақиринглар. Ана шу Аллоҳнинг наздида тўғридир. Агар оталарини билмасангиз, улар сизнинг диний биродарларингиз ва дўстларингиздир. Билмасдан қилган хатоларингиз учун сизга гуноҳ йўқ. Аммо дилдан қасд қилган бўлсангиз, Аллоҳ Мағфиратли ва Раҳмли

Зотдир.

6. Пайғамбар мўминларга уларнинг ўзларидан кўра авлороқдир. Унинг хотинлари эса уларнинг оналаридир. Аллоҳнинг Китобида қариндошлар бир-бирларига бошқа мўмин ва муҳожирлардан ҳақлироқдирлар. Фақат дўстларингизга яхшилик қилмоғингиз мустаснодир. Бу Китобда ёзиб қўйилгандир.
7. Пайғамбарлардан, сиздан, Нухдан, Иброҳим, Мусо ва Ийсо ибн Марямдан аҳду паймонларини олганимизни эсланг. Улардан пухта аҳду паймон олгандик.
8. Содиқлардан садоқатлари ҳақида сўраш учун (шундай қилди). Кофирларга эса аламли азобни тайёрлаб қўйди.
9. Эй иймон келтирганлар! Аллоҳнинг сизга берган неъматини эсланг. Ўшанда устингизга лашкарлар бостириб келган эди. Бас, уларнинг устига шамолни ва сиз кўрмаган лашкарларни юбордик. Аллоҳ нима қилаётганингизни яхши кўриб тургувчи эди.
10. Ўшанда улар сизнинг устингиздан ҳам, қуйи тарафингиздан ҳам келган эдилар. Кўзлар тиниб, жонлар ҳалқумга келган эди ва Аллоҳ ҳақида турли гумонларга борган эдингизлар.
11. Ана шу ерда мўминлар синовга учрадилар ва қаттиқ ларзага тушдилар.
12. Ўшанда мунофиқлар ва қалбларида

марази борлар: «Аллоҳ ва Унинг пайғамбари бизга ғирт ёлғон ваъда берган экан», дердилар.

13. Ўшанда улардан бир тоифаси: «Эй Ясриб аҳли, бу ерда сизга туриш имкони йўқ. Бас, қайтинглар», деди. Яна бир гуруҳи эса: «Уйларимиз очик-сочик қолганди», дея Пайғамбардан рухсат сўрардилар. Аслида очик-сочик эмас. Улар фақат қочишни истаётгандилар.
14. Агар уларнинг устига ҳар тарафларидан бостириб кирилса, кейин улардан фитна талаб қилинса, кўп турмасдан ўша ишни аниқ қилган бўлардилар.
15. Ҳолбуки, улар илгари ортга чекинмасликлари ҳақида Аллоҳга аҳду паймон бергандилар. Аллоҳга берилган аҳду паймоннинг жавобгарлиги бор.
16. Айтинг: «Гарчи ўлимдан ё ўлдирилишдан қочсангизлар ҳам бу қочиш сизларга фойда бермас. Демак, жуда оз ҳузурланасизлар».
17. Айтинг: «Агар Аллоҳ сизларга ёмонликни ирода қилса ёки сизга раҳматни ирода қилса, сизларни Ундан ким тўса олади?» Улар ўзларига Аллоҳдан ўзга бирон дўст ва мададкор топа олмаслар.
18. Аллоҳ сизларнинг орангиздаги тўсқинлик қилгувчиларни ва ўз дўстларига «Биз томонга ўтинглар», дегувчиларни аниқ

билур. Улар жангга жуда кам келадилар.

- 19.** Сизларга бахиллик қилган ҳолларида (келурлар). Хавф туғилган пайтда кўрасизки, сизга худди ўлим талвасасидаги одамдек кўзлари олазарак бўлиб қарай бошлайдилар. Хавф бартараф бўлганидан кейин эса аччиқ тиллари билан сизларни чақиб оладилар. Яхшиликка (ўлжага) ўч бўладилар. Улар иймон келтирмаганлар. Бас, Аллоҳ уларнинг амалларини бекор қилди. Бу иш Аллоҳга осон бўлди.
- 20.** Улар фирқаларни кетмаган, деб ўйлайдилар ва агар фирқалар яна қайтиб келсалар, кўчманчи бадавийлар орасида бўлиб, сизлар ҳақингиздаги хабарларни сўраб-билиб туришни истайдилар. Гарчи улар сизларнинг орангизда бўлганларида ҳам камдан-кам жанг қилган бўлар эдилар.
- 21.** Аллоҳдан ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп эслайдиган сизлар учун Аллоҳнинг пайғамбарида гўзал намуна бордир.
- 22.** Мўминлар фирқаларни кўрган пайтларида: «Бу Аллоҳ ва Пайғамбари бизларга ваъда қилган нарсадир. Аллоҳ ва Пайғамбарининг сўзи ростдир», дедилар ва бу иш уларнинг иймон ва итоатларини янада зиёда қилди.
- 23.** Мўминлардан Аллоҳга берган ваъдаларига

содиқ қолган кишилар бор. Улардан айримлари аҳдига вафо қилиб бўлди. Айримлари эса кутиб турибдилар. Улар ҳеч нарсани ўзгартирмадилар.

24. Бунга сабаб шуки, Аллоҳ содиқларни садоқатлари учун мукофотлайди. Мунофиқларни эса истаса азоблайди ёки тавбасини қабул қилади. Аллоҳ Мағфиратли, Раҳмли Зотдир.

25. Аллоҳ куфр келтирганларни жиғибийрон ҳолларида ортига қайтарди. Улар бирон яхшиликка эриша олмадилар. Жангда мўминлар учун Аллоҳнинг Ўзи кифоя қилди. Аллоҳ Кучли ва Азиз бўлган Зотдир.

26. Аҳли китоблардан уларга ёрдам берганларини қалъаларидан туширди ва қалбларига қўрқув солди. Бир гуруҳини ўлдирасизлар, яна бир гуруҳини эса асир оласизлар.

27. Сизларни уларнинг ерларига, ҳовли-жойларига, молу мулкларига ҳамда сизларнинг оёқларингиз етмаган ерларга меросхўр қилди. Аллоҳ ҳар нарсага Қодир бўлган Зотдир.

28. Эй Пайғамбар, жуфтларингизга айтинг: «Агар сизлар дунё ҳаётини ва унинг зебу зийнатларини истайдиган бўлсангизлар, келинглари, сизларни (ўша нарсалардан) баҳраманд этай ва чиройли кузатиб қўяй.

29. Аллоҳни, Унинг пайғамбарини ва охират

диёрини истайдиган бўлсангиз, бас, Аллоҳ сизлардан гўзал ишларни қилгувчи аёлларга улуғ ажру савобни тайёрлаб қўйган».

30. Эй Пайғамбар аёллари, сизлардан қайси бирингиз очиқ гуноҳ қилса, унга азоб икки баробар қилиб берилади. Бу иш Аллоҳга осон.

31. Сизлардан ким Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоат этса ва яхши амал қилса, Биз унинг ажру мукофотини икки ҳисса қилиб берурмиз ва унинг учун улуғ ризқни тайёрлаб қўйганмиз.

32. Эй Пайғамбар аёллари, агар тақво қилсангизлар, аёллардан биронтаси каби эмассиз. Шундай бўлгач, майин сўз қилманг, токи қалбида марази бор кимса тама қилиб қолмасин. Тўғри, яхши гапларни айтинглار.

33. Уйларингизда барқарор бўлинглار, олдинги динсизлик давридаги безанишлар каби ясан-тусан қилманглар! Намозни тўкиса доэтинглар, закотни беринглар ҳамда Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига итоат қилинглар! Эй аҳли байт, Аллоҳ сизлардан гуноҳни кетказишни ва сизларни бутунлай поклашни истайди, холос.

34. Уйларингизда тиловат қилинаётган Аллоҳнинг оятларини ва ҳикматни

эсланглар. Албатта, Аллоҳ Меҳрибон ва Хабардор бўлган Зотдир.

- 35.** Албатта, муслим ва муслималар, мўмин ва мўминалар, итоатгўй эркаклар ва итоатгўй аёллар, содиқ ва содиқалар, собир ва собиралар, тавозели эркаклар ва тавозели аёллар, садақа қилгувчи эркаклар ва садақа қилгувчи аёллар, рўзадор эркаклар ва рўзадор аёллар, авратларини асрагувчи эркаклар ва асрагувчи аёллар, Аллоҳникўпзикрқилгувчи эркаклар ва зикр қилгувчи аёллар улар учун Аллоҳ мағфират ва улуғ мукофот тайёрлаб қўйгандир.
- 36.** Аллоҳ ва Унинг Пайғамбари бир ишни ҳукм қилган пайтида бирон мўмин ва мўмина учун ўз ишларидан ҳеч қандай ихтиёр қолмайди. Ким Аллоҳ ва Унинг Пайғамбарига осий бўлса, бас, у очик йўлдан озибди.
- 37.** Эсланг, Аллоҳ инъом қилган ва сиз ҳам инъом қилган кишига: «Аёлингни ушлаб қол, Аллоҳдан кўрк», деяпсиз. Аллоҳ ошкор қиладиган ишни ичингизга яширяпсиз. Одамлардан кўрқяпсиз. Кўрқишингизга Аллоҳ ҳақлироқдир. Зайд у билан орани очик қилгач, сизни унга уйлантирдик. Токи мўминлар учун боқиб олган болалари аёлларини талоқ қилгач, уларга уйланишда ҳараж-танглик бўлмасин. Аллоҳнинг амри қилиниши лозим иш бўлди.

38. Аллоҳ Пайғамбарга фарз қилган нарсада унга бирон танглик бўлмас. Олдин ўтганлар ҳақидаги Аллоҳнинг қонунияти (шу). Аллоҳнинг амри белгилаб қўйилган қадар бўлди.
39. Улар Аллоҳнинг рисолатларини етказадиган, Ундан қўрқадиган, Аллоҳдан бошқа ҳеч кимдан қўрқмайдиган зотлардир. Ҳисоб қилувчиликда Аллоҳнинг Ўзи кифоядир.
40. Муҳаммад эр кишиларингиздан биронтасининг отаси эмас. Лекин у Аллоҳнинг Пайғамбари ва набийлар хотами (охиргиси). Аллоҳ ҳамма нарсани Билгувчи бўлди.
41. Эй иймон келтирганлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар.
42. Ва эртаю кеч У Зотга тасбеҳ айтинглар.
43. У шундай Зотки, сизларни зулматлардан нурга чиқариш учун сизларга Унинг Ўзи ҳам, фаришталари ҳам салавот айтади. У мўминларга Меҳрибон бўлган Зотдир.
44. Рўбарў бўладиган кунда уларнинг сўрашишлари «Салом» бўлади. Улар учун улуғ мукофот тайёрлаб қўйган.
45. Эй Пайғамбар, дарҳақиқат, Биз сизни гувоҳлик бергувчи, хушхабар элтувчи ва огоҳлантиргувчи қилиб юборганмиз.
46. Ҳамда Аллоҳнинг изни ила У Зотга даъват

этувчи ва нурли чироқ қилиб.

- 47.** Мўминларга хушхабар берингки, шакшубҳасиз, улар учун Аллоҳ томонидан буюк фазл бордир.
- 48.** Кофир ва мунофиқларга итоат этманг. Уларнинг озорларига парво қилманг. Аллоҳга таваккал қилинг. Вакил бўлишга Аллоҳнинг Ўзи кифоядир.
- 49.** Эй иймон келтирганлар, қачон мўминаларни никоҳлаб олиб, кейин уларга қўл теккизмай талоқ қилсангиз, сизлар учун уларнинг зиммасида санайдиган идда бўлмас. Бас, сизлар уларни баҳраманд қилинг ва гўзал тарзда кузатиб юборинг.
- 50.** Эй Пайғамбар, дарҳақиқат, Биз сиз учун маҳрларини берган жуфтларингизни, Аллоҳ сизга ўлжа қилиб берган қўл остингиздаги чўриларингизни, сиз билан бирга ҳижрат қилган амакингизнинг қизларини, аммаларингизнинг қизларини, тоғангизнинг қизларини ва холаларингизнинг қизларини ҳамда ўзини пайғамбарга ҳадя этган мўмина аёлни, агар пайғамбар уни ўз никоҳига олишни истаса, ҳалол қилдик. Бу иш мўминларга эмас, сизгагина хосдир. Биз уларга жуфтлари ва қўл остиларидаги чўрилари ҳақида фарз қилган ҳукмларимизни Ўзимиз яхши биламиз. Сизга ноқулайлик бўлмаслиги учун (шундай қилдик). Аллоҳ Мағфиратли ва Меҳрибон Зотдир.

- 51.** Сиз улардан ўзингиз хоҳлаганингизни қолдириб, хоҳлаганингизни ўзингизга ҳамхона қилурсиз. Ўзингиз четлатган аёлларингиздан биронтасини истасангиз, сизга гуноҳ бўлмас. Бу уларнинг кўзлари қувонишига, ғам чекмасликларига ва сиз уларга берган нарсага барчалари рози бўлишларига яқинроқдир. Аллоҳ дилларингизда нима борлигини ҳам билур. Аллоҳ Билгувчи ва Ҳалим бўлган Зотдир.
- 52.** Сизга бундан кейин аёллар ҳалол бўлмас ва гарчи уларнинг чиройи сизни қизиқтирса ҳам уларни алмаштириш ҳам (ҳалол бўлмас). Қўл остингиздагилар бундан мустасно. Аллоҳ ҳамма нарсани кузатиб тургувчи бўлган Зотдир.
- 53.** Эй иймон келтирганлар, пайғамбарнинг уйларига фақат сизлар учун таомга изн берилгандагина киришлар. Унинг пишишини кутиб тургувчи бўлманглар. Лекин чақирилган пайтингизда кириб, таомланиб бўлгач, тарқалиб кетинглар. Гапга берилиб қолиб кетманглар. Бу ишингиз пайғамбарга озор беради ва у сизлардан тортинадир. Аллоҳ ҳақдан уялмас. Улардан бирон нарса сўраган пайтингизда парда ортида туриб сўранглар! Мана шу сизларнинг дилларингиз учун ҳам, уларнинг

диллари учун ҳам покрокдир. Аллоҳнинг Пайғамбарига озор беришингиз ва унинг ортидан аёлларига уйланишингиз асло мумкин эмас. Бу ишингиз Аллоҳ наздида улуғ (гуноҳ) бўлган ишдир.

- 54.** Бирон нарсани ошкор қилсангизлар ҳам, яширсангизлар ҳам, бас, Аллоҳ барча нарсани Билгувчи бўлган Зотдир.
- 55.** Уларга ўз оталари, ўғиллари, ака-укалари, ака-укаларининг ўғиллари, опасингилларнинг ўғиллари, ўз аёллари ва қўллари остидаги (қул)лари борасида гуноҳ йўқдир. Аллоҳдан қўрқинглар. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага шоҳид бўлган Зотдир.
- 56.** Дарҳақиқат, Аллоҳ ҳам, Унинг фаришталари ҳам Пайғамбарга салавот айтадилар. Эй мўминлар, сизлар ҳам у зотга салавот ва саломлар айтинглар!
- 57.** Дарҳақиқат, Аллоҳ ва Унинг Расулига озор берадиганларни Аллоҳ бу дунёда ҳам, охирада ҳам лаънатлади ва уларга хорловчи азобни тайёрлаб қўйди.
- 58.** Мўмин ва мўминаларга бирон гуноҳ қилмасалар ҳам озор бераверадиганлар устларига бўҳтон ва очик гуноҳни олибдилар.
- 59.** Эй Пайғамбар, аёлларингизга, қизларингизга ва мўминларнинг аёлларига айтингки, устларига

ёпинчиқларини ўрасинлар! Манашу уларнинг танилиб туришлари ва озор чекмасликлари учун энг яқин йўлдир. Аллоҳ Мағфиратли ва Меҳрибондир.

- 60.** Агар мунофиқлар, дилларида марази борлар ва Мадинада гап-сўз тарқатиб юрганлар тийилмасалар, албатта, Биз сизни уларга қарши оёқлантирурмиз. Кейин улар сиз билан бирга тура олмай қолурлар. Турсалар ҳам жуда оз муддат тура олурлар, холос.
- 61.** Турганда ҳам лаънатланиб турадилар. Қаерда топилсалар, ушланиб ўлдириладилар.
- 62.** (Бу) Аллоҳнинг олдин ўтганлар борасидаги қонуниятидир. Аллоҳнинг қонуниятига ҳаргиз ўзгартиш кирита олмассиз.
- 63.** Одамлар сиздан Қиёмат ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Уни билиш Аллоҳнинг ҳузуридадир». Сиз қаёқдан ҳам билардингиз, эҳтимол Қиёмат яқин келиб қолгандир.
- 64.** Дарҳақиқат, Аллоҳ кофирларни лаънатлади ва уларга жаҳаннамни тайёрлаб қўйди.
- 65.** У ерда абадий қоладилар. Бирон дўст ва мададкор топа олмаслар.
- 66.** Юзлари оловда айлантриладиган кунда: «Аллоҳга итоат қилганимизда ва

Пайғамбарга итоат қилганимизда қани эди», деб қоладилар.

67. Дедилар: «Парвардигоро, дарҳақиқат, биз бошлиқларимиз ва улуғларимизга итоат этдик ва улар бизни йўлдан оздирдилар.
68. Парвардигоро, уларга икки ҳисса азоб бер ва уларни қаттиқ лаънатла!»
69. Эй иймон келтирганлар, Мусога озор берганлар каби бўлманглар. Бас, Аллоҳ Мусони улар айтган айбдан поклади. У Аллоҳнинг наздида обрўли эди.
70. Эй иймон келтирганлар, Аллоҳдан қўрқинглар ва тўғри сўзни сўзланглар.
71. Шунда Аллоҳ ишларингизни ўнглайди ва гуноҳларингизни кечиради. Ким Аллоҳга ва Расулига итоат этса, улуғ зафарга эришибди.
72. Дарҳақиқат, Биз бу омонатни осмонларга, ерга ва тоғларга таклиф қилдик. Улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат, у золим ва жоҳил эди.
73. Аллоҳ мунофиқ ва мунофиқаларни, мушрик ва мушрикаларни азоблаши ҳамда мўмин ва мўминаларнинг тавбаларини қабул этиши учун. Аллоҳ Мағфиратли ва Меҳрибон Зотдир.

 Саба сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Ҳамд бўлсин Аллоҳгаки, осмонлардаги нарсалар ҳам, ердаги нарсалар ҳам ёлғиз Уникидир. Охираатдаги ҳамд ҳам ёлғиз Унинг учундир. У Ҳаким ва Хабардор Зотдир.
2. У ерга кирадиган нарсаларни ҳам, ундан чиқадиган нарсаларни ҳам, осмондан тушадиган нарсаларни ҳам, унга кўтариладиган нарсаларни ҳам билади. У Меҳрибон ва Мағфиратли Зотдир.
3. Куфр келтирганлар: «Бизга Қиёмат келмас», дедилар. Айтинг: «Йўқ! Ғайбни билгувчи Парвардигоримга қасамки, у аниқ келади. Осмонлардаги бир зарра миқдори бўлсин, ердаги бир зарра миқдори бўлсин, ундан-да кичик бўлсин, катта бўлсин, ҳаммаси Очик Китобда (битилгандир)».
4. Иймон келтириб, яхши амаллар қилганларни мукофотлаш учун. Ана ўшалар учун мағфират ва мўл ризқ бордир.
5. Бизнинг оятларимизга қарши ҳаракат қилиб юрган кимсалар учун эса аламли жазодан иборат азоб бордир.
6. Илм ато этилган зотлар эса сизга Парвардигорингиз томонидан нозил қилинган

ишнинг ҳақ эканини ҳамда у Азиз ва ҳамду санога лойиқ Зотнинг йўлига ҳидоят қилишини биладилар.

7. Куфр келтирганлар (бир-бирларига) дедилар: «Сизларга, титилиб парча-парча бўлиб кетганингизда(н кейин) яна янгитдан яратилурсизлар, дея хабар берадиган бир (мажнун) кишини кўрсатайликми?»
8. У Аллоҳга ёлғон тўқидими ёки унда бир жиннилик борми?» Аксинча! Охиратга иймон келтирмайдиганлар азобда ва узоқ залолатдадирлар.
9. Ахир улар осмону ердаги нарсаларни, олдиларидаги нарсаларни, ортларидаги нарсаларни кўрмадиларми?! Агар хоҳласак, уларни ерга юттириб юборурмиз ёки устларига осмондан парчалар туширурмиз. Албатта, бу ишда (Парвардигорига) қайтгувчи ҳар бир банда учун бир белги бордир.
10. Дарҳақиқат, Довудга Ўзимиз тарафимиздан бир фазл ато этдик. (Ва дедик): «Эй тоғлар ва қушлар, у билан бирга тасбеҳ айтинглар!» Унинг учун темирни мулойим қилиб қўйдик.
11. «Совутлар яса ва бир текисда тўқи. Яхши ишлар қилинглар. Албатта, Мен қилаётган ишларингизни Кўргувчиман».
12. Сулаймонга эса эрталаб кетиши бир ойлик, кечқурун қайтиши яна бир ойлик йўл бўлган шамолни бердик ва унга мис булоғини оқизиб

қўйдик. Жинлардан ҳам Парвардигорининг изни ила унинг қўл остида ишлайдиганлари бор. Улардан ким амримиздан тойилса, унга олов азобидан тоттирамиз.

13. Унга ибодатхоналар, ҳайкаллар, ҳовузларга ўхшаган лаганлар ва мустаҳкам қозонлар каби истаган нарсасини ясаб берардилар. Эй Довуд хонадони, шукрона учун амал қилинглари! Бандаларим орасида шукр қилгувчилари кам.
14. Биз унга ўлимни ҳукм қилгач, унинг ўлимини фақат асосини еяётган ёғоч қуртигина билдириб қўйди. У қулаб тушгач, жинларга аён бўлдики, агар улар ғайбни билгувчи бўлганларида бу хор қилгувчи азобда қолмаган бўлардилар.
15. Аниқки, Сабаъ (қабиласи) учун ўз масканларида (Аллоҳнинг фазлumarҳаматига далолат қиладиган) бир белги бор эди - ўнг томон ҳам, сўл томон ҳам боғ-роғ бўлиб, (Биз уларга): «Парвардигорингиз (берган) ризқдан баҳраманд бўлинглар ва У Зотга шукр қилинглари! (Шаҳрингиз) покиза шаҳардир, (Парвардигорингиз) мағфират қилгувчи Парвардигордир», (деган эдик).
16. Юз ўгирдилар. Бас, устларига қаттиқ селни юбориб, икки боғини аччиқ мевали, юлғунзор ва сийрак бутазорга айлантириб қўйдик.
17. Куфр келтирганлари сабабли

уларни шундай жазоладик. Биз фақат нонкўрларнигина жазолаймиз.

18. Улар билан Ўзимиз баракотли қилган шаҳарлар орасида кўриниб турадиган қишлоқларни барпо қилдик. Улар орасида юришни ҳам ўлчаб қўйдик. У ерларда кечалари ҳам, кундузлари ҳам тинч-омон юраверинглар.
19. Улар эса: «Парвардигоро, сафарларимиз орасини йироқ қил», дея ўзларига ўзлари зулм қилдилар. Бас, уларни ҳикояларга айлантириб қўйдик ва парча-парча қилиб юбордик. Албатта, бу ишда ҳар бир сабрли ва шукр қиладиган одам учун белгилар бордир.
20. Дарҳақиқат, Иблис улар ҳақидаги гумонини рўёбга чиқарди. Бас, унга эргашдилар. Мўминлардан бир гуруҳигина бундан мустасно бўлди.
21. (Иблисининг) улар устидан ҳеч қандай ҳукмронлиги бўлмаган. Фақат охирагга иймон келтирадиганлар билан у ҳақда шак-шубҳа қиладиганларни ажратиб билиб олишимиз учунгина (унинг ҳукмронлиги бўлган). Парвардигорингиз ҳар бир нарсани асрагувчидир.
22. Айтинг: «Сизлар ўша Аллоҳдан бошқа ишонганларингизга дуо қилаверинглар. Улар самоларда ҳам, ерда ҳам бир зарра мисқоличалик нарсага ҳам эга эмаслар. Бу иккисида улар учун ҳеч қандай шериклик ҳам

йўқ. (Аллоҳ) учун улардан бирон ёрдамчи ҳам йўқ».

- 23.** У Зотнинг даргоҳида фақат Ўзи изн берганлардан бошқанинг шафоати фойда бермас. То қалбларидан кўрқув кетгач: «Парвардигорингиз нима деди?», дерлар. «Ҳақни», дерлар. У Олий ва Буюкдир.
- 24.** Айтинг: «Осмонлару ердан сизларга ким ризқ беради?» Айтинг: «Аллоҳ. Бизлар ёки сизлар ё ҳидоятда бўламиз ва ё очик залолатда».
- 25.** Айтинг: «Биз қилган гуноҳлардан сизлар масъул бўлмассиз. Сизлар қилган ишлардан биз масъул бўлмасмиз».
- 26.** Айтинг: «Парвардигоримиз бизни тўплаб, кейин ҳақ билан орамизни очик қилар. У Очгувчи, Билгувчи Зотдир».
- 27.** Айтинг: «Аллоҳга кўшаётган бутларингиз шериклар эканини Менга кўрсатингларчи. Асло! Билъакс, У Зот Азиз ва Ҳаким Аллоҳдир».
- 28.** Сизни ҳамма одамларга хушхабар элтувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Лекин одамларнинг кўплари билмайдилар.
- 29.** «Агар ростгўй бўлсангизлар, бу ваъда қачон?», дейдилар.
- 30.** Айтинг: «Сизлар учун бир кун ваъда қилинган. Ундан бирон соат ортга ҳам, олдга ҳам ўта олмайсизлар».

31. Куфр келтирганлар: «Бу Қуръонга ҳам, ундан олдинги нарсага ҳам иймон келтирмаймиз», дедилар. Золимларнинг Парвардигорлари ҳузурида тургизиб қўйилиб, бир-бирларига гап қайтараётганларини кўрсангиз эди. Бечора саналганлари ўзини катта олганларига шундай дейдилар: «Сизлар бўлмаганингизда биз, албатта, мўмин бўлар эдик».
32. Мутакаббирлик қилганлар заиф саналганларга: «Сизларга ҳидоят келганидан кейин сизларни ундан биз тўсдикми?! Аксинча, ўзларингиз жинойтчи эдингизлар», дерлар.
33. Бечора саналганлар эса мутакаббирлик қилганларга: «Йўқ, кеча-ю кундуз макр қилароқ бизни озғирдингиз! Ўшанда сизлар бизларни Аллоҳга кофир бўлишга ва У Зотгаширккелтиришгабуюрарэдингизлар», дедилар. Азобни кўрган пайтларида ичларида надомат қилдилар. Куфр келтирганларнинг бўйинларига кишанлар солдик. Уларга фақат ўзлари қилиб ўтган қилмишларининг жазоси берилур.
34. Қайси бир шаҳарга бир огоҳлантирувчи юбормайлик, унинг боёнлари: «Биз сизлар олиб келган рисолатга аниқ кофирлармиз», дедилар.
35. Яна дедилар: «Бизнинг мол-давлатимиз

ҳам, болаларимиз ҳам кўпроқ ва биз азоблангувчилар эмасмиз».

36. Айтинг: «Дарҳақиқат, Парвардигорим Ўзи истаган кишига ризқни кенг қилади ва танг қилади. Лекин одамларнинг кўплари билмаслар».

37. Мол-давлатларингиз ҳам, бола-чақаларингиз ҳам сизларни Бизнинг ҳузуримизга яқин қила олмас. Иймон келтириб, солиҳ амал қилган кишигина бундан мустасно. Бас, ана ўшалар учун қилган амаллари сабабли неча баробар мукофот бордир. Ва улар юксак масканларда тинч-хотиржамдирлар.

38. Бизнинг оятларимизни ожиз қолдириш учун ҳаракат қиладиганлар эса, ана ўшалар азобга ҳозир қилинганлардир.

39. Айтинг: «Дарҳақиқат, Парвардигорим Ўзи хоҳлаган бандасига ризқни кенг қилур ва танг қилур. Нимани инфоқ-эҳсон қилсангизлар, бас, унинг ўрнини тўлдирур. У энг яхши ризқ бергувчидир».

40. Уларнинг ҳаммасини тўплайдиган, кейин эса фаришталарга: «Анавилар сизларга ибодат қилар эдиларми?», дейдиган кунда.

41. Дедилар: «Парвардигоро, улар эмас, Сен бизнинг дўстимизсан. Аксинча, улар жинларга ибодат қилардилар. Уларнинг кўплари ўшаларга ишонардилар».

42. Бугун бир-бирингизга фойда ҳам, зарар ҳам

келтира олмайсиз. Зулм қилган кимсаларга шундай деймиз: «Дўзах азобини ёлғонга чиқарган эдингизлар. Мана энди уни татинглар».

43. Уларга оятларимиз тиловат қилинганда дедилар: «Бу сизларни ота-боболарингиз ибодат қиладиган бутлардан тўсмоқчи бўлаётган бир одам, холос». Яна дедилар: «Бу бир тўқилган бўҳтондан бошқа нарса эмас». Ҳақ келган пайтда у ҳақда куфр келтирганлар дедилар: «Бу очик сеҳрдан бошқа нарса эмас».

44. Ҳолбуки, уларга дарс қилиб ўрганадиган китобларни бермаганмиз. Сиздан олдин уларга бирон огоҳлантиргувчи ҳам юбормаганмиз.

45. Улардан олдингилар ёлғонга чиқаришганди. Биз уларга берган нарсаларнинг ўндан бирига ҳам етмадилар. Пайғамбарларимни ёлғончига чиқардилар. Бас, инкорим қандай бўлди?

46. Айтинг: «Сизларга фақат биргина нарсани тавсия қиламан. Аллоҳ учун жуфт-жуфт бўлиб ва ёлғиз ҳолингизда туринглар-да, кейин тафаккур қилинглар. Соҳибингизда ҳеч қандай жиннилик йўқ. У фақат қаттиқ азоб олдидан сизларга (юборилган) бир огоҳлантиргувчи, холос».

47. Айтинг: «Сизлардан ҳеч бир ажр сўрамадим.

Бас, у сизларга бўлсин. Менинг ажрим фақат Аллоҳнинг зиммасида. У ҳамма нарсага Шоҳиддир».

48. Айтинг: «Парвардигорим ҳақни отади. У ғайбларни билгувчи Зотдир».

49. Айтинг: «Ҳақ келди. Энди ботил на бошлай олади ва на қайтара олади».

50. Айтинг: «Адашсам, ўзимнинг зараримга адашаман. Ҳидоят топсам, бас, менга Парвардигорим юборган ваҳий билан бўлади. У Эшитгувчи, яқин Зотдир».

51. Уларнинг даҳшатга тушиб, қочгани жой топа олмай қолган ва яқин бир макондан тутиб кетилган пайтларида кўрсангиз эди!

52. Дедилар: «Унга иймон келтирдик». Энди узок бир макондан қўллари қандай етсин?!

53. Унга олдин куфр келтиргандилар. Узок жойдан туриб ғайбга тош отардилар.

54. Улар билан истаган истаклари ўртаси тўсилди. Худди олдинги маслакдошлари каби. Дарҳақиқат, улар шак-шубҳа ичида эдилар.

 Фотир сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Ҳамд осмонлару ерни йўқдан бор қилгувчи, икки, уч ва тўрт қанотли фаришталарни элчилар қилгувчи Аллоҳникидир. У яратиш бобида Ўзи истаганича зиёда қилур. Аллоҳ ҳар нарсага Қодирдир.
2. Аллоҳ инсонларга қайси бир раҳматни очиб қўйса, уни бирон ушлаб қолгувчи бўлмас. Нимани ушлаб қолса, ундан кейин уни бирон бўшатиб юборгувчи бўлмас. У Азиз ва Ҳаким Зотдир.
3. Эй инсонлар, Аллоҳнинг сизларга ато этган неъматини эсланглар. Сизларга осмону ердан ризқ берадиган Аллоҳдан бошқа бирон яратувчи борми? Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Бас, қаёққа қараб кетмоқдасизлар?
4. Сизни ёлғончига чиқараётган бўлсалар, бас, сиздан олдинги пайғамбарлар ҳам ёлғончига чиқарилганлар. Ҳамма ишлар ёлғиз Аллоҳга қайтарилур.
5. Эй инсонлар, дарҳақиқат, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Дунё ҳаёти сизларни ҳаргиз алдаб қўймасин. Алдагувчи (шайтон) сизларни Аллоҳ ҳақида алдаб қўймасин.
6. Дарҳақиқат, шайтон сизларга душмандир.

Бас, уни душман тутинглар. Албатта, у сизларни дўзахийларга айлантириш учун ўзининг гуруҳига чорлайди.

7. Куфр келтирганларга қаттиқ азоб бор. Иймон келтириб, яхши ишларни қилганларга эса мағфират ва улкан ажр бор.
8. Қилган ёмон иши кўзига яхши кўриниб, уни яхши иш деб ўйлаган кимсами?! Бас, Аллоҳ Ўзи истаган одамни адаштиради, истаган одамни ҳидоят қилади. Улар учун жонингиз ачимасин. Аллоҳ улар қилаётган ишларни Билгувчидир.
9. Аллоҳ шундай Зотки, шамолларни юборди. Бас, улар булутни кўзғатади. Бас, Биз уни ўлик шаҳар сари ҳайдаб, у билан ўлик ерни тирилтирдик. Қайта тирилиш мана шундай бўлади.
10. Ким иззат истаса, бас, барча иззат Аллоҳникидир. Унга хуш каломлар юксалур ва солиҳ амални ҳам (Аллоҳ) кўтарур. Ёмон макр қиладиганларга эса қаттиқ азоб бордир. Уларнинг макри ботил бўлур.
11. Аллоҳ сизларни тупроқдан, кейин нутфадан яратиб, кейин жуфт-жуфт қилиб кўйди. Қайси бир аёл ҳомиладор бўлса ва кўзи ёриси, фақат Унинг илми билан бўлур. Қайси бир умр кўргувчига умр берилса ёки унинг умри қисқартирилса, у Китобда бордир. Албатта,

бу иш Аллоҳга осон.

12. Дарё-денгиз тенг бўлмас. Буниси ширин ва ичилиши осон бўлса, униси шўр-тахир. Ҳар биридан янги гўшт ейсизлар ва тақадиган зеб-зийнат чиқариб оласизлар. У Зотнинг фазлу-марҳаматидан умид қилишларингиз учун сувни ёриб бораётган кемаларни кўрасизлар. Шоядки, шукр қилсангизлар.
13. У Зот кечани кундузга, кундузни эса кечага киритиб, қуёш ва ойни бўйсундириб қўйган. Ҳаммаси белгиланган муддатгача юради. Ана шу Аллоҳ - Парвардигорингиздир. Мулк Уникидир. Уни қўйиб, илтижо қилаётган бутларингиз эса данак пўстлоғига ҳам молик эмаслар.
14. Уларга дуо қилсангизлар, дуоларингизни эшитмайдилар. Гарчи эшитсалар ҳам унга жавоб беролмайдилар. Қиёмат куни уларни шерик қилганларингизни инкор этадилар. Ҳеч ким сизга хабардор Зот каби хабар бера олмас.
15. Эй инсонлар, сизлар Аллоҳга муҳтожсизлар. Аллоҳ эса Беҳожат, мақтовга лойиқ Зотдир.
16. Истаса, сизларни кетказиб, янги халқни олиб келади.
17. Бу иш Аллоҳга қийин эмас.
18. Ўзи юкли жон ўзга жоннинг юкини кўтара олмас. Юки оғир жон ўз юкига (бошқани) чақирса-да, гарчи қариндоши бўлса ҳам

ундан бирон нарса кўтариlmас. Сиз фақат Парвардигорларидан ғойибона кўрқадиган ва намозни тўкис адо этганларнигина огоҳлантира олурсиз. Ким покланса, ўзи учун покланур. Қайтиш ёлғиз Аллоҳгадир.

19. Кўзи кўр билан кўзи очик тенг бўлмас.
20. Зулматлар билан нур ҳам.
21. Соя билан гармсел ҳам.
22. Тириклар билан ўликлар ҳам тенг бўлмас. Дарҳақиқат, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсага эшиттиради. Сиз эса қабрлардаги кимсаларга эшиттиргувчи эмассиз.
23. Сиз фақат огоҳлантиргувчидирсиз.
24. Дарҳақиқат, Биз сизни ҳақ ила хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик. Бирон уммат йўқки, унда бир огоҳлантирувчи ўтмаган бўлса.
25. Сизни ёлғончига чиқараётган бўлсалар, улардан олдингилар ҳам ёлғончига чиқаришган. Уларга пайғамбарлари ҳужжатлар, саҳифалар ва нурли Китобни олиб келгандилар.
26. Кейин куфр келтирганларни ушладим. Бас, инкорим қандай бўлди?!
27. Кўрмадингизмики, Аллоҳ осмондан ёмғир ёғдирди. Бас, у билан турли хил рангдаги меваларни чиқардик. Яна тоғлардан турли хил рангдаги оқ, қизил ва қоп-қоралари ҳам бор.
28. Шунингдек, одамлар, жониворлар ва чорва ҳайвонлари орасида ҳам турли хил

ранглилари бор. Аллоҳдан олим бандалари кўпроқ кўрқадилар. Дарҳақиқат, Аллоҳ Қудратли ва Мағфиратлидир.

- 29.** Дарҳақиқат, Аллоҳнинг Китобини тиловат қиладиган, намозни тўқис адо этадиган ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан яширин ва ошкора сарфлайдиганлар ҳеч қачон касод бўлмайдиган тижоратдан умидвор бўлади.
- 30.** Зеро, уларнинг савобларини тўла қилиб беради. Ўз фазлидан зиёда ҳам қиладди. У Мағфиратли ва Шакур Зотдир.
- 31.** Сизга ваҳий қилганимиз Китоб ҳақдир. Ўзидан олдингиларни тасдиқлагувчидир. Дарҳақиқат, Аллоҳ бандаларидан Хабардор, кўриб тургувчидир.
- 32.** Кейин китобни бандаларимиздан сараланганларига мерос қилиб қолдирдик. Улардан кимдир золим, кимдир ўртача, яна кимдир Аллоҳнинг изни ила эзгуликка шошадиган кишилардир. Ана ўша улкан фазлдир.
- 33.** Улар мангу турадиган жаннатларга қирадилар. Унда тилло билагозуқлар ва инжулар ила безатилади. У ерда либослари ипакдан бўлади.
- 34.** Дедилар: «Ҳамд бўлсин Аллоҳгаки, биздан хафаликни аритди. Дарҳақиқат, Парвардигоримиз Кечиримли, Шакур Зотдир.

35. У шундай Зотки, бизни Ўз фазли ила доимий яшайдиган бир жойга туширди. У ерда бизга бирон машаққат ҳам, чарчоқ ҳам етмас».
36. Куфр келтирганларга жаҳаннам оташи бордир. На уларга ҳукм қилиниб, ўладилар ва на улардан азоби енгиллатилади. Биз ҳар бир кофирни мана шундай жазолаймиз.
37. Улар у ерда: «Парвардигоро, бизни чиқар, қилиб ўтган амалларимиздан бошқа яхши амалларни қиламиз», дея нола қиладилар. Сизларга эслатма оладиган одам эслатма олгудек умр бермадикми?! Сизларга огоҳлантиргувчи келмаганмиди? Бас, энди татийверинглар! Энди золимлар учун бирон ёрдамчи бўлмас!
38. Дарҳақиқат, Аллоҳ осмонлару ернинг ғайбини Билгувчидир. Дарҳақиқат, У диллардаги сирларни ҳам Билгувчидир.
39. У шундай Зотки, сизларни ерда халифалар қилиб қўйди. Ким куфр келтирса, унинг куфри ўзига зарар. Кофирларга куфрлари Парвардигорлари ҳузурида ғазабдан ўзга нарсани зиёда қилмас. Кофирларга куфрлари зиёндан бошқа нарсани зиёда қилмас.
40. Айтинг: «Аллоҳни қўйиб, сиғинаётган бутларингизни кўрдингизми? Менга кўрсатинглар-чи, улар ердан нимани яратган эканлар? Ёки уларнинг осмонларда

шериклиги борми?» Ёки Биз уларга бир китоб бердикмики, шу билан улар ҳужжатга асосланиб иш қилсалар. Йўқ! Золимлар бир-бирларига алдовдан ўзга нарсани ваъда қилмаслар.

41. Дарҳақиқат, Аллоҳ осмонлару ерни қулаб тушишидан ушлаб туради. Агар улар қуласалар, У Зотдан ўзга ҳеч ким уларни ушлаб қола олмас. Албатта, У Ҳалим ва Кечиримли бўлган Зотдир.
42. Агар уларга бир огоҳлантирувчи келса, ҳар қандай умматдан ҳидоятлироқ бўлишлари ҳақида Аллоҳ номига қасам ичдилар. Огоҳлантирувчи келганида эса бу иш уларга янада узоқлашишни зиёда қилди.
43. Ер юзида мутакаббирлик ва ёмон макр қилиш учун. Ёмон макр эса фақат ўз эгаларининг бошига етади. Улар олдингиларнинг йўлини пойлаб турибдилар, холос. Аллоҳнинг йўлига ҳаргиз бадал топа олмассиз. Аллоҳнинг йўлига ҳаргиз ўзгартиш топа олмассиз.
44. Ер юзида юриб, олдингиларнинг оқибати қандай бўлганига назар ташласалар бўлмасми? Олдингилар улардан кўра кучлироқ бўлганлар-ку! На осмонлардаги ва на ердаги бирон нарса Аллоҳни ожиз қолдира олмас. У Билгувчи ва Қодир бўлган Зотдир.

45. Агар Аллоҳ одамларни қилган ишларига яраша жазолаганида (ер) юзида биронта жониворни қолдирмаган бўларди. Лекин уларни маълум бир муддатга кечиктириб туради. Муддатлари келгач, бас, Аллоҳ Ўзининг бандаларини кўриб тургувчидир.

Ёсин сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Я, Син.
2. Ҳаким Қуръонга қасам.
3. Шак-шубҳасиз, сиз пайғамбарлардансиз.
4. Тўғри йўлдаги.
5. Азиз ва Меҳрибон Зот тарафидан нозил қилинган.
6. Ота-боболари огоҳлантирилмаган ва ғофил бўлиб қолган бир қавмни огоҳлантиришингиз учун.
7. Дарҳақиқат, уларнинг кўпларига (азоб келиши ҳақидаги) Сўз ҳақ бўлди. Бас, улар иймон келтирмайдилар.
8. Дарҳақиқат, Биз уларнинг бўйинларига то иякларигача бўлган кишанларни солиб қўйдик, бас, улар ғўдайиб қолдилар.
9. Уларнинг олдиларидан ҳам бир тўсиқ, орқаларидан ҳам бир тўсиқ қилдик. Кўзларига эса парда тортдик. Бас, улар кўрмайдилар.
10. Уларни огоҳлантирасизми ё огоҳлантирмайсизми, уларга фарқи йўқ. Барибир ишонмайдилар.
11. Сиз фақат насиҳатга қулоқ солган

ва Раҳмондан ғойибона кўрққан кишиларнигина огоҳлантирасиз. Бас, уларга мағфират ва улуғ ажр ҳақида хушхабар беринг.

12. Дарҳақиқат, Биз ўликларни тирилтируرمىз ва улар тақдим этган ишларни ҳамда изларини ёзиб кўйормиз. Ҳамма нарсани Аниқ Китобда ҳисоблаб кўйганмиз.

13. Сиз уларга шаҳар аҳолисига пайғамбарлар келган пайтини мисол қилиб келтиринг.

14. Ўшанда уларга иккисини юборгандик, уларни ёлғончига чиқардилар. Бас, учинчиси билан қувватладик. Дедилар: «Биз аниқ сизларга юборилган пайғамбарлармиз».

15. Дедилар: «Сизлар ўзимизга ўхшаган одамдан бошқа нарса эмассиз. Раҳмон ҳеч нарсани нозил қилмаган. Сизлар ғирт ёлғон гапиряпсизлар».

16. Дедилар: «Парвардигоримиз билади. Биз сизларга аниқ пайғамбарлармиз.

17. Зиммамизда очик-ойдин етказиб кўйишдан бошқа вазифа йўқ».

18. Дедилар: «Дарҳақат, биз сизлар ҳақингизда бадгумон бўлдик. Агар тийилмасангизлар, сизларни аниқ тошбўронқиламиз ва аниқ биз тарафимиздан

сизларга бир аламли азоб етади».

19. Дедилар: «Бадгумонлигингиз ўзингиз билан. Сизга эслатма берилганигами?! Аксинча, ўзингиз ҳаддидан ошган қавмсиз».
20. Шаҳар четидан бир киши шошилиб келди ва деди: «Эй қавмим, пайғамбарларга эргашинг.
21. Сизлардан ҳақ сўрамаётган, ўзлари эса ҳидоятда бўлган зотларга эргашинглар!»
22. Менга нима бўлдики, ўзимни яратган Зотга ибодат қилмайин?! Ёлғиз Унгагина қайтарилурсизлар.
23. Уни қўйиб, бошқаларни худо қилиб олайми? Агар Раҳмон менга бир зиён етказмоқчи бўлса, уларнинг шафоатлари ҳеч қандай фойда бермас ва улар мени қутқара олмаслар.
24. У ҳолда мен очик залолатда бўлиб қоламан-ку.
25. Дарҳақиқат, мен Парвардигорингизга иймон келтирдим. Бас, менга қулоқ солинглар.
26. Дейилди: «Жаннатга кир». Деди: «Қани эди, қавмим билса эди.
27. Парвардигорим мени мағфират айлаб, ҳурмат-эътиборли зотлардан қилганини».
28. Унинг қавмига ундан кейин бирон қўшин туширмадик ва туширгувчи ҳам бўлмадик.
29. Биргина кичкириқдан бошқа нарса бўлмади. Бирдан улар ўчиб қолдилар.

30. Бандаларга ҳасратлар бўлсин! Қачон уларга бир пайғамбар келса, уни масхара қилаверардилар.
31. Ахир, улар ўзларидан олдинги қанча асрларни ҳалок этганимизни ва олдингилар уларнинг ёнига қайтмасликларини кўрмадиларми?!
32. Дарҳақиқат, ҳаммалари тўпланган ҳолларида ҳузуримизга ҳозир қилингайлар.
33. Улар учун ўлик ер бир белгидир. Уни тирилтирдик ва ундан донни чиқардик. Бас ундан ейдилар.
34. У ерда хурмозор ва узумзор боғлар қилдик. У ерда булоқларни чиқардик.
35. Токи унинг мевасидан есинлар. Ҳолбуки, уни қўллари қилмаганди. Шукр қилмайдиларми?
36. Замин ўстирадиган нарсалардан, уларнинг ўзларидан ва улар билмайдиган нарсалардан ҳамма жуфтларни яратган Зот Покдир.
37. Улар учун кеча ҳам бир белгидир. Биз ундан кундузни шилиб оламиз-да, шу билан улар бирдан зулматда қолгувчилардир.
38. Қуёш ўз қароргоҳи сари юрар. Бу Азиз ва Билгувчи Зотнинг тақдиридир.
39. Ойни бир неча манзилларга белгилаб қўйганмиз. Токи у эски бутоқ каби ҳолга қайтди.
40. На қуёшнинг ойга етиб олиши ва на

кечанинг кундуздан ўзиб кетиши мумкин бўлади. Барчалари фалакда сузиб юрадилар.

41. Зурриётларини ичи тўла кемага юклаганимиз ҳам улар учун яна бир белгидир.
42. Уларучунунга ўхшаш минадиган нарсаларни ҳам яратдик.
43. Истасак, уларни ғарқ айлармиз. Бас, улар учун бирон ёрдамчи бўлмас ва улар қутқарилмаслар.
44. Биз тарафимиздан бўлган бир раҳмат ва маълум муддатгача фойдаланиб қолишларигина бундан мустасно.
45. Уларга: «Олдингиздаги ва ортингиздаги нарсадан кўрқинглар, шояд, раҳм қилинсангизлар», дейилса, (қулоқ солмадилар).
46. Парвардигорлари оятларидан қайси бир оят келса, ундан юз ўгирувчи бўлавердилар.
47. Қачон уларга: «Аллоҳ сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан сарфланглар», дейилса, куфр келтирганлар иймон келтирганларга: «Аллоҳ хоҳласа, Ўзи таомлантириб қўядиган кишиларга биз таом берамизми? Сизлар шак-шубҳасиз, очик залолатдадирсизлар», дедилар.
48. Дейдилар: «Агар ростгўй бўлсангиз, бу ваъда қачон?»

49. Улар фақат биргина даҳшатли қичқирикни кутмоқдалар, холос. Қичқирик уларни жанжаллашиб турганларида бехосдан олиб кетади.
50. Васиятқилишга ҳам, уйларига қайтишга ҳам қодир бўлмай қоладилар.
51. Сурга дам урилди. Бас, улар қабрларидан Парвардигорлари сари шошилиб чиқиб келадилар.
52. Дедилар: «Вой, шўримиз қурсин! Бизни ётган жойимиздан ким кўзғатди?!» Бу Раҳмон ваъда қилган ва пайғамбарлар тасдиқлаган нарсадир.
53. Фақатгина бир даҳшатли қичқирик, холос. Шу билан уларнинг ҳаммаси даргоҳимизда ҳозирлар.
54. Бу кунда бирон жон бирон зулмга учрамас. Фақат ўзларингиз қилган амалларингизга яраша жазо ёки мукофот олурсизлар.
55. Бу кунда жаннат эгалари кўнгиллари тусаган иш ила банд бўлурлар.
56. Улар ўз жуфтлари билан бирга соя-салқинлардаги сўриларда ястаниб ётурлар.
57. Улар учун у ерда мевалар бордир. Улар учун у ерда истаган нарсалари бордир.
58. Меҳрибон Парвардигоритомонидан салом айтилуру.
59. Эй жиноятчилар, бу кунда ажралинглар!

60. Сизларга: «Эй Одам болалари, шайтонга ибодат қилманглар, у сизларга очик душмандир», демаганмидим?!
61. «Менгагина ибодат қилинглар. Мана шу тўғри йўлдир».
62. Сизлардан кўп авлодни адаштирганди-ку. Ақлингизни ишлатмаганмидингиз?!
63. Сизларга ваъда қилинган жаҳаннам мана шудир!
64. Кофир бўлганларингиз учун энди унга киринглар.
65. Бугун уларнинг оғизларини муҳрлаб қўямиз. Қилган ишлари ҳақида эса қўллари сўзлайди, оёқлари гувоҳлик беради.
66. Истасак, кўзларини кўр қилиб қўяр эдик. Бас, йўлга шошаверардилар. Лекин қаёқдан ҳам кўрсинлар.
67. Истасак, уларни турган жойларида ўзгартириб қўярдик. Бас, олдинга юришга ҳам қодир бўлмасдилар, ортга ҳам қайта олмас эдилар.
68. Кимга умр берсак, унинг хилқатини ночор қилиб қўямиз. Ақлларини ишлатмайдиларми?
69. Унга шеърни ўргатмадик. Шеър унга лойик ҳам эмас. У зикр ва очик Қуръондан бошқа нарсаси эмас.
70. Тирик бўлган одамларни огоҳлантириш ва кофирларга сўзини ҳақ қилиш учун.

71. Кўрмадилармики, Биз уларга Ўз Қўлимиз билан қилган нарсалардан иборат бўлган чорва ҳайвонларини яратиб бердик. Бас, улар ўшаларга эгадирлар.
72. Ўша ҳайвонларни уларга бўйсундириб қўйдик. Бас, улардан айримлари уловлари бўлса, айримларини ейдилар.
73. Улар учун ўшаларда фойдалар ва ичимликлар бор. Шукр қилмайдиларми?!
74. Аллоҳни қўйиб, бошқа илоҳларни тутдилар. Кошки уларга ёрдам берилса.
75. Уларга ёрдам беришга қодир бўлмаслар. Ҳолбуки, улар ёлғон худолари учун ҳозирланган қўшин каби эдилар.
76. Уларнинг гаплари сизни хафа қилмасин. Дарҳақиқат, Биз уларнинг яширин ишларини ҳам, ошкора ишларини ҳам билурмиз.
77. Инсон кўрмадимики, дарҳақиқат, Биз уни бир томчи сувдан яратдик. Қарабсизки, у очик рақиб бўлиб турибди.
78. Бизга мисол зарб қилди-ю, ўзининг яратилишини унутди. Деди: «Чириб кетган суякларни ким тирилтиради?»
79. Айтинг: «Уни биринчи марта пайдо қилган Зот тирилтиради. У ҳамма яратилган нарсани Билгувчидир».
80. У шундай Зотки, сизларга яшил дарахтдан олов қилиб берди. Қарабсизларки, ундан олов ёқиб турибсизлар.

81. Осмонлару ерни яратган Зот уларнинг ўхшабини ярата олмайдими? У Яратгувчи, Билгувчи Зотдир.
82. Бир нарсани ирода қилган пайтида Унинг иши унга «Бўл», дейишдир. Бас, у бўлади.
83. Ҳамма нарсанинг эгалиги Қўлида бўлган Зот ҳар қандай нуқсондан Покдир ва Унгагина қайтариласизлар.

 Соффот сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Саф тортиб турган (фаришта)ларга қасам.
2. Зажр қилгувчи (фаришта)ларга қасам.
3. Зикрни тиловат қилгувчи (фаришта)ларга қасам.
4. Дарҳақиқат, илоҳингиз биттадир.
5. Осмонлару ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг Парвардигоридир. Машрикларнинг Парвардигоридир.
6. Дарҳақиқат, Биз дунё осмонини юлдузлар безаги ила безадик.
7. Ҳар бир итоатсиз шайтондан сақладик.
8. Улар олий мавжудотни эшита олмаслар ва ҳар тарафдан отилурлар.
9. Ҳайдалурлар! Улар учун доимий азоб бордир.
10. Илло биронтаси бир хабарни ўғирлаб олса, бас, уни учар юлдуз қувиб етар (ва ҳалок қилар).
11. Бас, сиз улардан сўранг-чи, улар кучлироқ яратилганмикинлар ёки Биз яратганларми? Дарҳақиқат, Биз уларни бир ёпишқоқ лойдан яратганмиз.
12. Сиз таажжубдасиз. Улар эса масхара қилурлар.

13. Уларга насихат қилинса, насихатни олмайдилар.
14. Бирон белгини кўрсалар, масхара қиладилар.
15. «Бу очик сеҳрдан бошқа нарса эмас», дейдилар.
16. Ўлиб тупроққа, суякка айланиб кетганимиздан кейин қайта тирилар эканмизми?
17. Олдинги ота-боболаримиз ҳам-а?
18. Айтинг: «Ҳа, хор бўлган ҳолингизда».
19. Бас, убиргина қичқирик, холос. Қарабсизки, улар қараб турибдилар.
20. «Шўримиз курсин! Бу Қиёмат куни-ку», деб қоладилар.
21. Мана шу сизлар ёлғонга чиқариб юрган ажрим кунидир.
22. Зулм қилганларни ва уларнинг ҳамтовоқларини ҳамда улар ибодат қилиб ўтган нарсаларини тўпланглар!
23. Аллоҳни қўйиб. Бас, уларни дўзах йўлига бошланглар.
24. Ва уларни тўхтатинглар! Албатта, улар сўралгувчидирлар.
25. Сизларга нима бўлдики, бир-бирингизга ёрдам бермаяпсизлар?
26. Йўқ! Улар бугун таслим бўлгувчилардир.
27. Улар бир-бирларига қараб, бир-бирларидан сўрайдилар.
28. Дедилар: «Дарҳақиқат, сизлар бизга ўнг

томондан келар эдингизлар».

29. Дедилар: «Аксинча, ўзларингиз мўмин бўлмагансизлар».
30. Биз учун сизларнинг устингиздан ҳеч қандай ҳукмронлик бўлмаган. Балки ўзингиз ҳаддан ошган қавм бўлгансиз.
31. Бас, бизга Парвардигоримизнинг сўзи ҳақ бўлди. Энди биз аниқ тотгувчилармиз.
32. Сизларни йўлдан оздирдик. Дарҳақиқат, биз ўзимиз йўлдан озгувчилар эдик.
33. Бас, албатта, улар у кунда азобда шерик бўлгувчилардир.
34. Дарҳақиқат, Биз жинойтчиларни шундай қилурмиз.
35. Дарҳақиқат, уларга «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ», дейилса, ўзларини катта олгандилар.
36. «Бир мажнун шоирни деб худоларимизни тарк қилар эканмизми?» - дейдилар.
37. Асло! У ҳақни олиб келди ва пайғамбарларни тасдиқ этди.
38. Албатта, сиз аламли азобни тотгувчидирсиз.
39. Қилиб ўтган ишларингизнинггина жазосини олурсизлар.
40. Аллоҳнинг покиза бандаларигина бундан мустасно.
41. Ана ўшалар учун маълум ризқ бордир.
42. Мевалар. Уларга иззат-икром кўрсатилур.
43. Ноз-неъмат боғларида.
44. Сўриларда бир-бирларига қараб.

45. Уларга оқар чашмадан қадаҳлар айлантириб турилур.
46. Оппоқ, ичгувчига лаззатбахш.
47. Унда маст қиладиган ҳеч нарса йўқ ва улар ундан маст бўлмаслар.
48. Уларнинг ҳузурида кўзларини тийгувчилар бор.
49. Бамисоли яшириб қўйилган тухумлардек.
50. Бир-бирларига қараб, бир-бирларидан сўрайдилар.
51. Улардан бири дейди: «Менинг бир дўстим бор эди».
52. У айтар эдики: «Сен ростдан ҳам тасдиқловчиларданмисан?!
53. Ўлиб тупроқ ва суякка айланиб кетганимиздан кейин жазолангувчилармизми?
54. Сизлар ҳам қарагувчилармисиз?»
55. Бас, ўзи қараб, уни дўзахнинг ўртасида кўрди.
56. Деди: «Аллоҳга қасамки, мени ҳам ҳалок қилишингга оз қолган экан».
57. Парвардигоримнинг неъматини бўлмаганида ҳозирланувчилардан бўлиб қолардим.
58. Биз ўлгувчи эмас эканмизми?!
59. Биринчи марта ўлганимиз бундан мустасно. Биз азоблангувчилар эмасмиз.
60. Буюк зафар мана шу.
61. Бас, амал қилгувчилар мана шундай зафар учун амал этсинлар.
62. Мана шу яхшироқ зиёфатми ёки заққум

дарахтими?

63. Дарҳақиқат, Биз уни золимлар учун фитна қилдик.
64. Дарҳақиқат, у дўзах қаърида ўсадиган бир дарахтдир.
65. Унинг мевалари шайтонларнинг бошларига ўхшайди.
66. Бас, улар ундан егувчилардир. Ундан қоринларни тўлдиргувчилардир.
67. Бунинг устига улар учун ўта қайноқ сувдан аралаштирилур.
68. Кейин уларнинг қайтиш жойи жаҳаннамга бўлур.
69. Улар ота-боболарини адашган ҳолда топдилар.
70. Энди ўзлари ҳам уларнинг изларидан чопмоқдалар.
71. Улардан олдин ўтганларнинг кўплари аниқ адашганлар.
72. Дарҳақиқат, уларнинг ичларига огоҳлантиргувчилар юбордик.
73. Бас, огоҳлантирилганларнинг оқибати қандай бўлганига қаранг.
74. Аллоҳнинг покиза бандаларигина бундан мустасно.
75. Бизга Нух нидо қилди. Бас, Биз нақадар яхши ижобат қилгувчилармиз.
76. Уни ва унинг аҳлини буюк қайғудан қутқардик.

77. Айнан унинг зурриётини боқий қолгувчилар қилиб қўйдик.
78. Кейингилар орасида унинг учун (олқишлар) қолдирдик.
79. Барча оламларда Нухга салом бўлсин!
80. Дарҳақиқат, Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлаймиз.
81. Дарҳақиқат, у мўмин бандаларимиздандир.
82. Кейин бошқаларни ғарқ айладик.
83. Албатта, Иброҳим ҳам унинг гуруҳидандир.
84. Ўшанда у Парвардигорига соф дил билан келганди.
85. Ўшанда отаси ва қавмига: «Нимага ибодат қилмоқдасизлар?» - деганди.
86. Аллоҳни қўйиб, сохта худоларни истаб қолдингларми?
87. Оламлар Парвардигори ҳақида қандай гумондасиз?
88. Кейин у юлдузларга тикилиб қаради.
89. «Мен аниқ касалман», деди.
90. Бас, ундан юз ўгириб кетдилар.
91. Бас, уларнинг худолари ёнига келиб деди: «Қани, емайсизларми?!
92. Нега гапирмаяпсизлар?»
93. Бас, улар ёнига бориб, ўнг қўли билан урди.
94. Бас, унинг олдига шошиб келдилар.
95. Деди: «Ўзингиз йўниб ясаган нарсага ибодат қиласизларми?!

96. Ҳолбуки, сизларни ҳам, қилиб олган нарсаларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?!»
97. Дедилар: «Унинг учун бир бино қуриб, уни оловга отинглар».
98. Унга бир макрни қасд қилгандилар. Ўзларини паст айладик.
99. Деди: «Мен, албатта, Парвардигорим сари боргувчиман. У мени ҳидоят қилур».
100. Парвардигорим, менга солиҳлардан ато эт.
101. Бас, Биз унга бир ҳалим ўғил ҳақида хушхабар бердик.
102. У билан бирга юрадиган бўлгач: «Эй ўғилчам, мен тушимда сени сўяётганимни кўрмоқдаман. Нима фикр билдиришингни бир ўйлаб кўр», деди. Деди: «Эй отажон, сизга буюрилган ишни қилаверинг. Иншооллоҳ, мени сабр қилгувчилардан топурсиз».
103. Иккиси ҳам (Аллоҳнинг амрига) таслим бўлиб, (отаси) уни пешонаси билан ётқизган пайтда
104. Унга нидо қилдик: «Иброҳим!
105. Дарҳақиқат, сен тушни тасдиқ этдинг». Албатта, Биз муҳсинларни мана шундай мукофотлаймиз.
106. Албатта, бу очиқ-ойдин синовнинг айни ўзидир.
107. Унинг ўрнига бир катта қурбонликни эваз қилиб бердик.

108. Кейингилар орасида унинг учун (олқишлар) қолдирдик.

109. Иброҳимга салом бўлсин!

110. Биз гўзал амал қилгувчиларни шундай мукофотлармиз.

111. Дарҳақиқат, у мўмин бандаларимиздандир.

112. Унга бир пайғамбар ва солиҳлардан бўлажак Исҳоқ ҳақида хушхабар бердик.

113. Унинг ўзига ҳам, Исҳоққа ҳам барака бердик. Ҳар иккисининг зурриётидан гўзал амал қилгувчи ҳам, ўз жонига очик жабр қилгувчи ҳам бўлур.

114. Дарҳақиқат, Биз Мусо ва Ҳорунга инъом қилдик.

115. Иккисига ҳам, қавмига ҳам улуғ ғамдан нажот бердик.

116. Уларни қўлладик, бас, улар ғолиб бўлдилар.

117. Иккисига равшан Китобни бердик.

118. Иккисини тўғри йўлга ҳидоят қилдик.

119. Кейингилар орасида иккиси учун (мақтовлар) қолдирдик.

120. Мусо ва Ҳорунга салом бўлсин!

121. Дарҳақиқат, Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлаймиз.

122. Улар мўмин бандаларимиздандирлар.

123. Илёс ҳам, шак-шубҳасиз, пайғамбарлардандир.

124. Ўшанда у қавмига деди: «Такво

қилмайсизларми?!

125.Баълга (бутга) ибодат қилиб, энг гўзал
Яратгувчини тарк қиласизларми?!

126.Сизларнинг ҳам, аввалги ота-
боболарингизнинг ҳам Парвардигори
Аллоҳни (тарк қиласизларми)?!»

127.Бас, уни ёлғончига чиқардилар.
Энди, албатта, улар (азобга) ҳозир
қилингувчилардир.

128.Аллоҳнинг покиза бандаларигина бундан
мустасно.

129.Кейингилар орасида унинг учун
(олқишлар) қолдирдик.

130.Илёсга салом бўлсин.

131.Дарҳақиқат, Биз чиройли амал
қилгувчиларни мана шундай
мукофотлаймиз.

132.Дарҳақиқат, умўмин бандаларимиздандир.

133.Лут ҳам, шак-шубҳасиз,
пайғамбарлардандир.

134.Ўшанда Биз унга ва унинг барча аҳлига
нажот бердик.

135.Фақат азобда қолгувчилар орасидаги бир
кампиригина бундан мустасно.

136.Кейин бошқаларни ҳам ҳалок қилдик.

137.Шак-шубҳасиз, сизлар тонг чоғида уларнинг
устидан ўтиб турасизлар.

138.Кечаси ҳам. Ақл юритмайсизларми?!

139.Юнус ҳам, шак-шубҳасиз,

пайғамбарлардандир.

140. Ўшанда у ичи тўла кемага қочганди.

141. Бас, қуръа ташлашди ва у мағлублардан бўлди.

142. Бас, уни маломатга лойиқ бўлган ҳолида наҳанг балиқ ютди.

143. Агар у кўп тасбеҳ айтгувчилардан бўлмаганида эди,

144. Унинг қорнида қайта тириладиган кунгача қолиб кетган бўларди.

145. Бас, уни хаста ҳолида қуруқликка отдик.

146. Ва унинг устига қовоқ дарахтини ўстириб қўйдик.

147. Уни юз минг ёки ундан-да кўпроққа пайғамбар қилдик.

148. Иймон келтирдилар. Бас, уларни маълум муддат баҳраманд этдик.

149. Энди улардан сўранг-чи, Парвардигорингизники қизлар-у, уларники ўғиллар эканми?

150. Ёки фаришталарни қиз қилиб яратганмиз-у, улар эса гувоҳ бўлиб туришганми?

151. Огоҳ бўлингизки, улар ўз уйдирмаларида шундай дейдилар:

152. «Аллоҳ бола кўрди». Ва, албатта, улар ёлғончилардир.

153. Ўғилларни қўйиб, қизларни танлаб олган эмишми?!

154. (Эй мушриклар), сизларга нима бўлди?
Қандай ҳукм чиқармоқдасизлар?

155. Эс-ҳушингизни йиғиб олмайсизларми?!

156. Ёки сизларда очик-ойдин бир ҳужжат
борми?!

157. Ростгўйлардан бўлсангиз, китобингизни
келтиринглар-чи!

158. У билан жинлар орасида насаб риштаси бор,
дедилар. Ҳолбуки, жинлар аниқ билдиларки,
улар ҳозирлангувчилардир.

159. Аллоҳ улар васф қилган нарсадан покдир.

160. Аллоҳнинг покиза бандаларигина бундан
мустасно.

161. Албатта, сизлар ҳам, сиғинаётган бутларингиз
ҳам

162. У Зотга қарши фитнага солгувчи бўла
олмассиз.

163. Жаҳаннамга киргувчи бўлганлар бундан
мустасно.

164. Биздан ҳар биримиз учун маълум бир мақом
бор.

165. Албатта, бизлар саф тортиб тургувчилармиз.

166. Ва, албатта, бизлар тасбеҳ айтгувчилармиз.

167. Ҳолбуки, улар дер эдилар:

168. «Бизда ҳам олдингилардан бир эслатма
бўлганида эди.

169. Биз ҳам сўзсиз Аллоҳнинг покиза бандалари
бўлар эдик».

170. Бас, унга куфр келтирдилар. Энди яқинда

билурлар.

171. Дарҳақиқат, пайғамбар қилиб юборилган бандаларимизга Сўзимиз ўтган.

172. Шак-шубҳасиз, аниқ улар қўллаб-қувватлангувчилардир.

173. Ва, албатта, Бизнинг қўшинимиз ғолиблардир.

174. Бас, сиз улардан бироз муддат юз ўгириб туринг.

175. Ўшанда уларни кўринг. Улар ҳам сизни кўрадилар.

176. Ҳали улар Бизнинг азобимизни шоширяптиларми?!

177. Азоб уларнинг ҳовлисига тушганида огоҳлантирилганларнинг тонги жуда ёмон бўлади.

178. Бас, улардан бироз муддат юз ўгириб туринг.

179. Кўринг. Улар ҳам яқинда кўрадилар.

180. Қудрат эгаси бўлмиш Парвардигорингиз улар васф этаётган сифатлардан Покдир.

181. Пайғамбарларга салом бўлсин!

182. Оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд бўлсин!

Сод сураси

**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Сод. Зикр соҳиби бўлмиш Қуръонга қасам.
2. Балки куфр келтирганлар такаббурлик ва саркашликдадирлар.
3. Биз улардан олдин ҳам қанча асрларни ҳалок этганмиз. Бас, нидо қилдилар. Аммо бу вақт нажот вақти эмас эди.
4. Ўзларидан бир огоҳлантиргувчи келганидан ажабландилар ва кофирлар: «Бу бир ёлғончи сеҳргар», дедилар.
5. Ҳамма худоларни битта худо қилибдими? Ҳақиқатан, бу жуда қизиқ нарса!
6. Уларнинг катталари дедилар: «Юринглар, худоларингиз борасида сабр қилинглар. Албатта, бу қасддан қилинаётган нарсадир».
7. Охирги миллат орасида бу ҳақда эшитмадик. Бу тўқимадан бошқа нарса эмас.
8. «Орамиздан келиб-келиб ўшанга Зикр нозил қилинибдими?!» Йўқ! Улар Зикрим ҳақида шак-шубҳададирлар. Йўқ! Улар ҳали азобимни татиб кўрмадилар.
9. Ёки Қудратли ва Саховатли Парвардигорингизнинг раҳмат хазиналари уларнинг олдиларидамикин-а?!
10. Ёки осмонлару ернинг ва улар орасидаги

нарсаларнинг мулки уларникими? У ҳолда сабаблари ила кўтарилаверсинлар!

11. Анави ердаги фирқалар орасида мағлуб бўлган бир қўшин.
12. Улардан олдин Нух қавми, Од ва қозиклар эгаси Фиръавн ҳам ёлғончи қилган.
13. Самуд, Лут қавми ва дарахтзор эгалари ҳам. Ана ўшалар фирқалардир.
14. Ҳаммалари пайғамбарларни аниқ ёлғончи қилдилар. Бас, Менинг азобим ҳақ бўлди.
15. Ана ўшалар ҳеч тўхтамасдан келадиган биргина даҳшатли қичқириқдан бошқа нарсани кутмаяптилар.
16. Дедилар: «Парвардигоро, бизга насибамизни ҳисоб кунидан олдин тезроқ бера қол».
17. Сиз улар айтаётган гапларга сабр қилинг ва қувват соҳиби бўлган бандамиз Довудни эсланг! Дарҳақиқат, у бутунлай қайтгувчидир.
18. Дарҳақиқат, Биз тоғларни бўйсундирдик. Улар у билан кечки пайт ва эрталаб тасбеҳ айтадилар.
19. Тўпланган қушларни ҳам. Барчалари унга қайтгувчидир.
20. Унинг давлатини қудратли қилдик. Унга ҳикматни ва очиқ хитобни бердик.
21. Сизга даъволашгувчилар хабари келдимми? Ўшанда улар меҳробга чиқишганди.
22. Довуднинг олдига киришган пайтида

улардан кўрқиб кетди. Дедилар: «Қўркма. Биримиз биримизга тажовуз қилган икки даъволашгувчимиз. Бас, сен бизнинг ўртамизда ҳақ билан ҳукм қил, жабр қилма ва бизни тўғри йўлга бошла».

23. «Мана бу менинг биродарим. Унинг тўқсон тўққизта совлиқ қўйи бор. Менинг эса битта совлиқ қўйим бор. У ўшани ҳам менга берасан, деди ва сўзлашувда мени енгди».

24. Деди: «Дарҳақиқат, у сенинг совлиқ қўйингни ўзининг совлиқларига қўшиб олишни сўраб сенга зулм қилибди. Кўп шериклар бир-бирларига зулм қиладилар. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган кишиларгина бундан мустасно. Улар жуда озчилик». Довудуни имтиҳон қилганимизни билди-да, Парвардигоридан мағфират тилади ва саждага йиқилиб, тавба-тазарру қилди.

25. Бас, унинг ўша (хатоси)ни мағфират қилдик. Албатта, унинг учун Бизнинг ҳузуримизда яқинлик ва гўзал оқибат бордир.

26. Эй Довуд, дарҳақиқат, Биз сени ерда халифа қилдик. Бас, одамлар орасида ҳақ билан ҳукм чиқар. Ҳавойи нафсга эргашиб кетма. Тағин сени Аллоҳнинг йўлидан оздириб қўймасин. Албатта, Аллоҳ йўлидан озадиганлар учун ҳисоб кунини унутиб қўйганлари сабабли

қаттиқ азоб бордир.

- 27.** Осмону ерни ва улар орасидаги нарсаларни беҳуда яратмадик. Бу куфр келтирганларнинг гумонидир. Бас, куфр келтирганларга дўзахдан иборат ҳалокат бўлсин!
- 28.** Иймон келтириб, солиҳ амаллар қилганларни ер юзида бузғунчилик қилувчилар каби қилармидик?! Йўқ! Биз тақводорларни фожирлар каби қилармидик?!
- 29.** Биз сизга нозил қилган Китоб муборақдир. Токи унинг оятларини тадаббур қилсинлар ва ақл эгалари эслатма-ибрат олсинлар.
- 30.** Довудга Сулаймонни ҳадя қилдик. У нақадар яхши банда. Албатта, у қайтгувчидир.
- 31.** Эсланг, бир окшом унга гижинглаб турган учқур отлар кўрсатилди.
- 32.** Бас, деди: «Дарҳақиқат, мен дунё ишқига берилиб кетиб, Парвардигоримни эслашдан чалғиб қолибман. Ҳатто (қуёш) парда ортига беркинибди.
- 33.** Уларни менга қайтаринглар». Бас, уларнинг оёқ ва бўйинларини силашга киришди.
- 34.** Дарҳақиқат, Биз Сулаймонни синадик ва тахти устига бир жасадни ташладик. Сўнгра у тавба-тазарру қилди.
- 35.** Деди: «Парвардигорим, мени кечир. Менга мендан кейин бирон кишига

муяссар бўлмайдиган подшоҳликни ато эт. Дарҳақиқат, Сенинг Ўзинг ҳадя этгувчисан».

36. Бас, унга шамолни бўйсундирдик, унинг амри ила у истаган тарафга майин эсадиган бўлди.
37. Яна барча бинокор ва ғаввос шайтонларни ҳам.
38. Бошқаларни ҳам. Кишанланган ҳолларида.
39. Бу Бизнинг ато этган нарсамиздир. Бас, инъом эт ёки ўзингда олиб қол. Ҳисоб-китоб қилинмас.
40. Шак-шубҳасиз, унинг учун Бизнинг ҳузуримизда яқинлик ва гўзал оқибат бор.
41. Бандамиз Айюбни эсланг. Ўшанда у Парвардигорига нидо қилиб: «Албатта, мени шайтон машаққат ва азоб ила ушлади», деганди.
42. «Оёғинг билан теп! Бу чўмиладиган ва ичиладиган муздек сувдир».
43. Ўз томонимиздан марҳамат кўрсатиб ҳамда ақл эгалари учун эслатма-ибрат бўлиши учун унга оиласини ва улар билан бирга яна ўшанчани ҳадя этдик.
44. «Қўлингга бир боғ новдани олиб, ўша билан ур. Қасамингни бузма». Дарҳақиқат, Биз уни сабрлитопдик. У нақадаряхшибанда. Албатта, у қайтгувчидир.
45. Қўллар ва кўзлар эгалари бўлган бандаларимиз Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубни

эсланг.

46. Дарҳақиқат, Биз уларни (охират) диёрини эслаш хислати билан холис қилдик.
47. Ҳақиқатан, улар Бизнинг ҳузуримизда танланган яхши кишилардандир.
48. Исмоил, ал-Ясаъ ва Зул-Кифлни ҳам эсланг. Барчалари яхшилардандир.
49. Бу бир эслатмадир. Шак-шубҳасиз, тақводор зотлар учун гўзал оқибат бордир.
50. Дарвозалари очик мангу жаннатлар.
51. У жойларда ястаниб ўтириб, кўп мева ва шароб чақирурлар.
52. Уларнинг ҳузурида кўзларини тийган тенгдошлар бордир.
53. Бу сизларга ҳисоб куни учун ваъда этилган нарсалардир.
54. Дарҳақиқат, бу Бизнинг ризқимиздир. Унинг адоси йўқ.
55. Гап шу. Ҳаддан ошгувчилар учун ёмон оқибат бордир.
56. У жаҳаннамдир. Унда ёнадилар. У нақадар ёмон жой!
57. Мана бунӣ татисинлар. У қайноқ сув ва йирингдир.
58. Бошқалари ҳам шу шаклда турли хилдир.
59. Мана булар сизлар билан бирга ташлангувчи гуруҳдир. Хуш келмабдилар! Дарҳақиқат, улар дўзахга киргувчилардир.
60. Дедилар: «Аксинча, ўзингиз хуш келмабсиз!

Уни бизга сизлар такдим этдингиз. Нақадар ёмон жой!»

61. Дедилар: «Парвардигоро, ким бизга шуни такдим этган бўлса, унга дўзахдаги азобни икки баробар зиёда қил».
62. Дедилар: «Бизга нима бўлдики, ёмонлардан деб ҳисоблаб юрган кишиларни кўрмаймиз».
63. Биз уларни масхара қилиб олган эдикми ё?! Ёки кўзлар улардан тойдимми?
64. Дарҳақиқат, дўзах аҳлининг ана шундай талашиб тортишишлари ҳақдир.
65. Айтинг: «Мен фақат огоҳлантирувчиман, холос. Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. У Ягонадир, Қаҳҳордир».
66. Осмонлару ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг Парвардигори, Азиз ва Ғаффор.
67. Айтинг: «У улуғ хабардир».
68. Сизлар эса ундан юз ўгирмоқдасизлар.
69. Менда тортишаётган фаришталар ҳақида ҳеч қандай билим йўқ эди.
70. Менга фақат ўзимнинг очик-ойдин огоҳлантиргувчи эканлигим ваҳий қилинади, холос.
71. Эсланг! Ўшанда Парвардигорингиз фаришталарга: «Дарҳақиқат, Мен лойдан бир одам яратгувчиман», деган эди.

72. Бас, қачон уни расо қилиб, унга Ўз Рухимдан пуфлаганимдан кейин унга сажда қилган ҳолингизда йиқилинглар!
73. Бас, ҳамма фаришталар сажда қилдилар.
74. Иблисгина бундан мустасно бўлди. Мутакаббирлик қилиб, кофирлардан бўлди.
75. Деди: «Эй, Иблис, Ўзим икки Қўлим билан яратган нарсага сажда қилишингдан сени нима ман қилди?! Мутакаббирлик қилдингми ёки олий даражалилардан эдингми?!»
76. Деди: «Мен ундан яхшироқман. Мени оловдан яратгансан. Уни эса лойдан яратдинг».
77. Деди: «Ундан чиқ! Бас, сен аниқ қувилгансан».
78. Ва, албатта, то жазо кунига қадар сенга Менинг лаънатим бўлгай!
79. Деди: «Парвардигорим, улар қайта тириладиган кунга қадар менга муҳлат бер».
80. Деди: «Бас, сен муҳлат берилганлардансан».
81. Маълум вақтдаги кунга қадар.
82. Деди: «Иззатингга қасамки, уларнинг ҳаммасини йўлдан оздираман».
83. Улар орасидаги ихлосли бандаларинггина бундан мустасно.
84. Деди: «Ҳақиқат шуки, фақат ҳақни айтаман.
85. Мен жаҳаннамни сен ва улар орасидаги барча сенга эргашганлар билан тўлдираман».

86. Айтинг: «Сизлардан бу ишга ажр сўрамайманваменсохтакорларданэмасман».
87. У бутун оламлар учун бир эслатма, холос.
88. Унинг хабарини бир муддатдан кейин аниқ билиб оласизлар.

 Зумар сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Китоб Азиз, Ҳаким бўлган Аллоҳ тарафидан нозил қилинган.
2. Дарҳақиқат, Биз сизга Китобни ҳақ билан нозил қилдик. Бас, Аллоҳга динни холис этиб ибодат қилинг.
3. Огоҳ бўлингизким, холис дин ёлғиз Аллоҳникидир. Уни қўйиб, бошқаларни дўст тутганлар: «Биз уларга фақат бизни Аллоҳга яқин қилишлари учунгина ибодат қилурмиз», (дерлар). Албатта, Аллоҳ улар ўртасида ихтилоф қилаётган нарсалари хусусида ҳукм қилур. Дарҳақиқат, Аллоҳ каззоб ва кўрнамакларни ҳидоят қилмас.
4. Агар Аллоҳ бола олмоқни истаса, Ўзи яратганлар орасидан истаганини танлаб олаверган бўларди. У Зот Покдир. У Ягона ва Ғолиб Аллоҳдир.
5. Осмонлару ерни ҳақ ила яратди. Тунни кунга ўрайди. Кунни тунга ўрайди. Қуёш ва ойни бўйсундириб қўйган. Ҳаммаси белгиланган муддатга қадар юрадилар. Огоҳ бўлингизким, у Азиздир, Ғаффордир.
6. У сизларни бир жондан яратди, кейин ундан жуфтини яратди ва сизларга чорва

ҳайвонларидан саккиз жуфтни туширди. У сизларни оналарингиз қорнида уч зулмат ичида бир яратишдан кейин яна бошқа яратишга ўтказиб, аста-секин яратур. Ана ўша Аллоҳ Парвардигорингиздир. Барча мулк Уникидир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Бас, қаён бурилиб кетмоқдасизлар?!

7. Агар куфр келтирсангизлар, бас, Аллоҳ сизлардан Беҳожатдир. У бандаларига куфрни раво кўрмайди. Агар Унга шукр қилсангизлар, сизларнинг шу ишингиздан рози бўлур. Ҳеч бир кўтаргувчи ўзга жоннинг юкини кўтармас. Кейин ёлғиз Парвардигорингизга қайтишингиз бор. Бас, У Зот қилиб ўтган амалларингизнинг хабарини берур. Албатта, У диллардаги сирларни ҳам Билгувчидир.
8. Қачон инсонни бирон зиён ушласа, Парвардигорига тазарру билан дуо қилади. Кейин қачон Ўз томонидан унга бир неъмат ато этса, олдин қилган дуосини унутиб, Аллоҳнинг йўлидан оздириш учун У зотга тенгдошлар қилади. Айтинг: «Куфрингдан биров фойдаланиб қол! Шак-шубҳасиз, сен дўзах эгаларидандирсан».
9. Ёки кечалари сажда қилган ва тик турган ҳолда тоат-ибодат қиладиган, охиратдан кўрқадиган ва Парвардигорининг раҳматидан умидвор бўладиган зотми?! Айтинг:

«Биладиганлар билан билмайдиганлар баробарми?!» Дарҳақиқат, фақат ақл эгаларигина панд-насиҳат олурлар.

10. Менинг иймон келтирган бандаларимга айтинг: «Парвардигорингиздан кўрқингиз! Бу дунёда яхшилик қилганларга яхшилик бор. Аллоҳнинг ери кенгдир. Дарҳақиқат, сабр қилгувчиларга ажру мукофотлари беҳисоб берилур».
11. Айтинг: «Дарҳақиқат, мен Аллоҳга динимни холис У Зот учун қилган ҳолда ибодат қилишга буюрилганман».
12. Мен мусулмонларнинг пешвоси бўлишга буюрилганман.
13. Айтинг: «Парвардигоримга осийлик қиладиган бўлсам, улуғ куннинг азобидан кўрқаман».
14. Айтинг: «Ёлғиз Аллоҳга У Зот учун динимни холис қилган ҳолда ибодат қилурман».
15. Сизлар эса У Зотни қўйиб, истаган бутларингизга ибодат қилаверинглар. Айтинг: «Дарҳақиқат, зиёнкорлар Қиёмат куни ўзларига ҳам, аҳли оилаларига ҳам зиён қилгувчилардир. Огоҳ бўлингизким, айнан шу иш очиқ зиёнкорликдир».
16. Улар учун устларидан ҳам оловдан бўлган «соябонлар», остларидан ҳам «соябонлар»

- бордир. Аллоҳ Ўз бандаларини мана шундан кўрқитур. Эй бандаларим, Мендан кўрқингиз!
- 17.** Шайтонга ибодат қилишдан ўзини олиб қочган ва Аллоҳга қайтган зотлар учун хушхабар бор. Бас, бандаларимга хушхабар беринг!
- 18.** Шундай зотларки, гапни эшитиб, унинг энг гўзалига эргашадилар. Ана ўшалар Аллоҳ ҳидоят берган зотлардир. Ана ўшалар ақл эгаларидир.
- 19.** Азоб сўзи ҳақ бўлиб турган кимсани (ҳидоят қила олармидингиз). Дўзахдаги кимсани қутқара олармидингиз!
- 20.** Лекин Парвардигорларидан кўрққан зотлар учун устма-уст қурилган хоналар бўлиб, уларнинг остидан дарёлар оқиб турар. Аллоҳнинг ваъдаси! Аллоҳ ваъдасига хилоф қилмас.
- 21.** Аллоҳ осмондан сув ёғдириб, уни ердаги чашмалар қилиб оқизиб қўйганини кўрмадингизми? Кейин у билан турли хил рангдаги экинлар чиқарур. Кейин у қурийди. Бас, сиз уни сарғайган ҳолда кўрурсиз. Кейин уни хашакка айлантиради. Албатта, бу ишда ақл эгалари учун эслатма-ибрат бордир.
- 22.** Аллоҳ қалбини Ислом учун кенг қилиб қўйган киши (қалби тош инсон билан баробар бўладими)? Бас, у Парвардигори

тарафидан бўлган бир нур устида-ку. Аллоҳни зикр қилишдан қалблари қотиб қолганларга ҳалокат бўлсин. Ана ўшалар очик залолатдадир.

- 23.** Аллоҳ энг гўзал сўзни бир-бирига ўхшайдиган ва такрорланиб келадиган Китоб ҳолида туширди. Парвардигорларидан кўрқадиган зотларнинг баданлари ундан титраб кетади. Кейин эса баданлари ҳам, қалблари ҳам Аллоҳнинг зикрига мулойимлашади. Бу Аллоҳнинг ҳидоятидир. У билан Ўзи истаган одамни ҳидоят қилур. Аллоҳ кимни адаштириб қўйса, унинг учун бирон тўғри йўлга солувчи йўқдир.
- 24.** Қиёмат куни золимларга: «Қилиб ўтган ишларингизни татинглар», деб турилган пайтда ёмон азобдан ўз юзи ила сақланадиган кимса (шу азобдан холи кимса билан баробар бўладими)?
- 25.** Улардан олдингилар ҳам ёлғончи қилганлар. Бас, уларга азоб ўзлари сезмаган тарафдан келган.
- 26.** Аллоҳ уларга дунё ҳаётида хорликни тоттирди ва, албатта, охират азоби янада улканроқ. Агар биладиган бўлсалар.
- 27.** Дарҳақиқат, бу Қуръонда одамларга турли мисоллар келтирдик. Шоядки, эслатма-ибрат олсалар.
- 28.** Бирон эгрилиги йўқ арабий Қуръон.

Шоядки, тақво қилсалар.

- 29.** Аллоҳ бир мисол келтирди. Бир киши борки, унинг устида талашадиган бир неча шериклар бор. Бошқа бир киши борки, у саломат ҳолида бир киши учундир. Шу иккиси мисолда баробарми? Ҳамд Аллоҳникидир. Балки, уларнинг кўплари билмайдилар.
- 30.** Дарҳақиқат, сиз ҳам ўлгувчисиз, улар ҳам ўлгувчидирлар.
- 31.** Кейин Қиёмат кuni, албатта, Парвардигорингиз ҳузурида хусуматлашасизлар.
- 32.** Аллоҳ шаънига ёлғон сўзлаган ва ўзига келган ҳақиқатни ёлғонга чиқарган кимсадан ҳам золимроқ ким бор? Ё жаҳаннамда кофирлар учун жой йўқми?
- 33.** Ҳақиқатни олиб келган ва уни тасдиқ этганлар, ана ўшалар тақводорлардир.
- 34.** Улар учун Парвардигорлари ҳузурида истаган нарсалари бордир. Бу муҳсинлар мукофотидир.
- 35.** Зеро, Аллоҳ уларнинг қилган ёмон амалларини ўчириб, қилиб ўтган энг яхши амаллари бўйича ажру мукофотларини берур.
- 36.** Аллоҳ Ўз бандасига етарли эмасми?! Улар сизни Аллоҳдан бошқа нарсалар билан кўрқитурлар. Кимни Аллоҳ йўлдан оздириб қўйган бўлса, бас, унинг учун бирон ҳидоят

қилгувчи йўқдир.

- 37.** Кимни Аллоҳ ҳидоят қилиб қўйган бўлса, уни йўлдан оздиргувчи йўқдир. Аллоҳ Азиз, интиқом олгувчи эмасми?
- 38.** Агар улардан: «Осмонлару ерни ким яратган», деб сўрасангиз: «Аллоҳ», дейишлари тайин. Айтинг: «Аллоҳни қўйиб, бутларингизга илтижо қиляпсизлар. Айтинглари-чи, агар Аллоҳ менга бирон зиён етказишни истаса, ўшалар У Зотнинг зиёнини арита олгувчимилар? Ёки менга бирон марҳамат кўрсатишни ирода қилса, ўшалар У Зотнинг марҳаматини ушлаб қолгувчимилар?!» Айтинг: «Менга Аллоҳнинг Ўзи етарлидир. Таваккул қилгувчилар ёлғиз Унгатаваккулқилурлар».
- 39.** Айтинг: «Эй қавмим, турган жойингизда амал қилаверинг. Мен ҳам амал қилгувчиман. Бас, яқинда билиб оласизлар».
- 40.** Кимга расво қиладиган азоб келишини ва мангу азоб тушишини (ҳам билиб оласизлар).
- 41.** Дарҳақиқат, сизга Китобни ҳақ ила одамлар учун нозил қилдик. Ким ҳидоят топса, ўзи учун топган бўлади. Ким адашса, ўзига зарар қилган бўлади. Сиз уларга вакил эмассиз.
- 42.** Аллоҳ жонларни ўлими пайтида, ҳали ўлмаганларни эса уйқусида олур. Ўзи

Ўлимга ҳукм қилганларни ушлаб қолади. Бошқаларни эса муайян муддатга қадар қўйиб юборади. Бу ишда фикр юритадиган қавм учун белгилар бордир.

43. Ёки Аллоҳни қўйиб бошқа (худоларни) шафоатчи қилиб олдиларми?! Айтинг: «Улар ҳеч нарсага эга бўлмаган ва ақл юрита олмайдиган (нотавонлар) бўлсалар ҳам-а».
44. Айтинг: «Барча шафоат ёлғиз Аллоҳникидир. Осмонлару ернинг мулки ҳам Уникидир. Кейин яна Унга қайтариласизлар».
45. Қачон ёлғиз Аллоҳ зикр қилинса, охиратга иймон келтирмайдиганларнинг юраклари сиқилиб кетади. У Зотдан бошқалар зикр қилинганида эса улар бирдан хурсанд бўлиб кетадилар.
46. Айтинг: «Эй осмонлару ерни йўқдан бор қилган, ғайбу шаҳодатни билган Аллоҳ, бандаларинг орасида улар ихтилоф қилган ишларда Ўзинг ҳукм қилурсан».
47. Ердаги ҳамма нарса ва яна ўшанча нарса зулм қилганларники бўлса ҳам Қиёмат кунидаги азобнинг ёмонлигидан ҳаммасини тўлаб юборган бўлардилар. Уларга Аллоҳ тарафидан ҳаёлларига ҳам келмаган нарсалар зоҳир бўлур.
48. Уларга ўзлари касб қилган ёмонликлари ошкор бўлди ва уларни ўзлари масхара қилиб ўтган нарса ўраб олди.

- 49.** Бас, қачон инсонни бир зарар ушласа, Бизга дуо қилди. Кейин қачон унга Ўзимиз тарафимиздан бир неъматни ато этсак: «Бу менга ўз билимим туфайли берилди», деди. Йўқ! у синовдир. Лекин уларнинг кўплари билмаслар.
- 50.** Буни улардан олдингилар ҳам айтганлар. Бас, уларнинг касб қилиб топганлари ўзларига асқотмади.
- 51.** Бас, уларга қилган ёмонликлари етди. Ана ўшалар орасидаги зулм қилганларга ҳам яқинда қилган ёмонликлари етади. Улар ҳам қочиб қутулгувчи эмасдирлар.
- 52.** Билмайдилармики, Аллоҳ Ўзи истаган одамга ризқни кенг ёки тор қилиб беради. Бу ишда иймон келтирадиган қавм учун белгилар бордир.
- 53.** Ўз жонларига жабр қилган бандаларимга айтинг: «Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманглар. Аллоҳ ҳамма гуноҳларни мағфират этади. Дарҳақиқат, У Кечиримли, Раҳмли Зотдир».
- 54.** Сизларга азоб келиб, кейин ёрдам берилмай қолишингиздан олдин Парвардигорингизга қайтинглар ва Унга бўйсунинглар!
- 55.** Сизларга азоб тўсатдан, ўзларингиз сезмаган ҳолингизда келиб қолишидан олдин Парвардигорингиз тарафидан сизларга нозил қилинган энг гўзал нарсага

эргашинглар.

- 56.** Бирон жон: «Аллоҳ ҳақида сусткашлик қилганимга надомат бўлсин! Ростдан ҳам масхара қилгувчилардан бўлган эдим», деб қолмаслиги учун.
- 57.** Ёки: «Агар Аллоҳ мени ҳидоят қилганида, албатта, тақводорлардан бўлар эдим», деб қолмаслиги учун.
- 58.** Ёки азобни кўрган пайтида: «Менга яна бир марта ортга қайтиш имкони берилганида эди, гўзал амал қилгувчилардан бўлар эдим», демасидан олдин.
- 59.** Асло! Сенга Менинг оятларим келганди. Сен эса уларни ёлғонга чиқаргандинг, ўзингникатта олгандинг ва кофирлардан бўлгандинг.
- 60.** Қиёмат куни Аллоҳ шаънига ёлғон гапирганларни юзлари қора ҳолда кўрасиз. Мутакаббирлар учун жаҳаннамда жой йўқми экан?!
- 61.** Аллоҳ тақво қилганларга ютуқлари туфайли нажот берур. Уларга ёмонлик етмас ва улар хафа ҳам бўлмаслар.
- 62.** Аллоҳ ҳамма нарсанинг Яратувчисидир. У барча нарсага Вакилдир.
- 63.** Осмонлару ернинг калитлари Уникидир. Аллоҳнинг оятларига куфр келтирганлар, ана ўшалар зиён кўргувчилардир.

64. Айтинг: «Ҳали сизлар мени Аллоҳдан бошқага ибодат қилишга буюрарсизларми, эй нодонлар!»
65. Дарҳақиқат, сизга ҳам, сиздан олдингиларга ҳам ваҳий қилиндики, агар ширк келтирсанг, амалинг ҳабата бўлгай ва ўзинг аниқ зиён кўргувчилардан бўлурсан.
66. Аксинча, Аллоҳгагина ибодат қил ва шукр қилгувчилардан бўл.
67. Улар Аллоҳни етарлича улуғламадилар. Ҳолбуки, Қиёмат куни бутун ер юзи Унинг чангалидадир. Осмонлар эса Унинг қўлида ғижимлангандир. У Зот улар келтираётган ширклардан Пок ва Олийдир.
68. Сур чалинди, бас, осмондагилар ҳам, ердагилар ҳам қулади, ўлди. Фақат Аллоҳ истаганларгина бундан мустасно. Кейин у иккинчи марта чалинди. Қарабсизки, улар туриб кута бошладилар.
69. Ер Парвардигорининг Нури билан ёришди. Китоб кўйилди. Пайғамбарлар ва гувоҳлар келтирилди. Уларнинг ўрталарида зулм қилинмаган ҳолларида ҳақ билан ҳукм қилинди.
70. Ва ҳар бир жонга қилган амали тўла қилиб берилди. Аллоҳ уларнинг қилган ишларини жуда яхши Билгувчидир.
71. Куфр келтирганлар жаҳаннамга гуруҳ-гуруҳ қилиб ҳайдалди. То унга

етиб борганларида эшиклари очилди ва қўриқчилари уларга: «Сизларга ўзингиздан бўлган пайғамбарлар келиб, Парвардигорингизнинг оятларини тиловат қилиб бермадиларми ва сизларни ушбу кунингизга дучор бўлишингиздан огоҳлантирмадиларми?!», дедилар. Улар: «Ҳа, шундай бўлганди», дедилар. Лекин азоб сўзи кофирлар устига ҳақ бўлгандир.

72. Айтилди: «Жаҳаннам эшикларидан у ерда мангу қоладиган бўлиб киринглар!» Мутакаббирларнинг жойи нақадар ёмон!
73. Парвардигорларидан қўрққанлар эса гуруҳ-гуруҳ қилиб жаннатга олиб борилдилар. То унинг олдида келганларида эшиклари очилиб, қўриқчилари уларга: «Ассалому алайкум! Хуш келибсизлар! Бас, унга мангу қоладиган бўлиб киринглар», дедилар.
74. Дедилар: «Бизга берган ваъдасида содиқ бўлган ва бизга бу ерни мерос қилиб, ундан хоҳлаган жойимизни олишимиз мумкин қилиб қўйган Аллоҳга ҳамд бўлсин». Бас, амал қилувчиларнинг ажри нақадар яхши!
75. Кўрасизки, фаришталар Арш атрофини ўраб олиб, Парвардигорларига ҳамд ва тасбеҳ айтадилар. Улар орасида ҳақ ила ҳукм қилинди ва айтилди: «Ҳамд оламлар Парвардигори Аллоҳникидир».

 Ғофир сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Ҳо, Мим.
2. Китоб Азиз ва Алим бўлган Аллоҳ тарафидан нозил қилинган.
3. Гуноҳни мағфират қилгувчи, тавбани қабул этгувчи, жазоси қаттиқ ва фазлу карам соҳиби бўлган Зот (тарафидан). Ундан ўзга илоҳ йўқ. Қайтиб бориш жойи ёлғиз Унгадир.
4. Аллоҳнинг оятлари ҳақида фақат куфр келтирганларгина талашиб-тортишадилар. Бас, сизни уларнинг шаҳарларда кезиб юришлари алдаб қўймасин!
5. Улардан олдин Нух қавми ва ундан кейинги фирқалар ҳам ёлғончига чиқарганлар. Ҳар бир миллат ўзининг пайғамбарини тутишга қасд қилган ва ботил билан талашиб-тортишиб, у билан ҳақни енгмоқчи бўлганлар. Бас, уларнинг ўзларини ушладим. Менинг азобим қандай бўлди?!
6. Куфр келтирганлар устига ҳам Парвардигорингизнинг Сўзи мана шундай ҳақ бўлган. Албатта, улар дўзах эгаларидир.
7. Аршни кўтариб турадиганлар ва унинг атрофидагилар Парвардигорларига ҳамду

сано айтиш билан тасбеҳ айтадилар ва У Зотга иймон келтирадилар ҳамда иймон келтирганларни мағфират қилишини сўрайдилар: «Парвардигоро, ҳамма нарсани Ўз раҳматинг ва илминг ила қамраб олгансан. Бас, тавба қилиб, йўлингга эргашганларни мағфират айлагин ва уларни дўзах азобидан сақлагин».

8. Парвардигоро, уларни ҳам, уларнинг ота-боболари, жуфти ҳалоллари ва зурриётлари орасидаги солиҳларни ҳам Ўзинг уларга ваъда қилган мангу жаннатларга киритгин. Дарҳақиқат, Сен Азиз ва Ҳаким Зотсан.
9. Уларни ёмонликлардан асрагин. Ўша куни Сен кимни ёмонликлардан асрасанг, бас, унга раҳм қилибсан. Ана шу буюк муваффақиятдир.
10. Куфр келтирганларга шундай нидо қилинади: «Иймонга чорланган пайтингизда куфр келтиргандингиз. Ана шу пайтдаги Аллоҳнинг ғазаби (ҳозирги) ўзингиз ўзингизга қаратган ғазабингиздан кўра қаттиқроқдир».
11. Дедилар: «Парвардигоро, бизни икки марта ўлдирдинг ва икки марта тирилтирдинг. Гуноҳларимизга иқрор бўлдик. Энди бундан чиқишга бирон йўл борми?»
12. Бунга сабаб ёлғиз Аллоҳга

чақирилганингизда куфр келтирдингиз. Унга ширк келтиришга чақирилганингизда эса иймон келтирдингиз. Бас, ҳукм Олий ва Буюк Аллоҳникидир.

13. У шундай Зотки, сизларга Ўз оятларини кўрсатади ва сизларга осмондан ризқ ёғдиради. Фақат илтижо қиладиганларгина ибрат оладилар.
14. Бас, гарчи кофирлар ёқтирмасалар-да, Аллоҳга динни холис қилган ҳолингизда дуо қилинглар!
15. У юксак мартабали Арш соҳибидир. У Ўз амри ила Ўзи истаган бандасига учрашув кунидан огоҳлантириш учун ваҳий нозил қилади.
16. Улар зоҳир бўлган кунда Аллоҳга улардан ҳеч нарса яширин қолмас. Бу кун мулк кимники? Ёлғиз Қаҳҳор Аллоҳники?
17. Бугун ҳар бир жон қилган ишига яраша жазо ёки мукофот олади. Бугун зулм йўқдир. Дарҳақиқат, Аллоҳ тез ҳисоб олгувчидир.
18. Сиз уларни яқинлашаётган кундан огоҳлантиринг. Ўшанда юраклар ҳалқумларга келиб, ҳасратга тўладилар. Золимлар учун бирон дўст ҳам, итоат этиладиган шафоатчи ҳам бўлмас.
19. Кўзларнинг хиёнатини ҳам, қалблар яширган нарсаларни ҳам билади.
20. Аллоҳ ҳақ ила ҳукм қилади. Уларнинг

Аллоҳни қўйиб, ибодат қилаётган бутлари эса ҳеч нарсага ҳукм чиқара олмайдилар. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг Ўзи Эшитгувчи, Кўргувчи Зотдир.

- 21.** Ер юзида сайр қилиб, ўзларидан олдингиларнинг оқибати қандай бўлганига боқмайдиларми? Улар булардан кўра қувват жиҳатидан ҳам, заминда қолдирган излари жиҳатидан ҳам зўрроқ бўлганлар. Бас, Аллоҳ уларни қилган гуноҳлари туфайли ушлади. Уларни Аллоҳдан қутқариб қоладиган бирон ҳимоячи йўқдир.
- 22.** Бунга сабаб шуки, уларга пайғамбарлари ҳужжатларни келтирсалар ҳам куфр келтирдилар. Бас, Аллоҳ уларни ушлади. Дарҳақиқат, У Кучли, азоби қаттиқ Зотдир.
- 23.** Дарҳақиқат, Биз Мусони оятларимиз ва очик ҳужжат билан юбордик.
- 24.** Фиръавн, Ҳомон ва Қорунга. Бас, ёлғончи сеҳргар, дедилар.
- 25.** Уларга Биз тарафимиздан ҳақ келганида дедилар: «У билан бирга иймон келтирганларнинг ўғилларини ўлдириб, аёлларини тирик қолдиринглар». Кофирларнинг найранглари залолатдан ўзга нарса эмас.
- 26.** Фиръавн деди: «Мени қўйинглар, Мусони ўлдираман. Парвардигорига дуо қилаверсин. Мен динингизни ўзгартириб

юборишидан ёки ер юзида бузғунчилик чиқаришидан кўрқмоқдаман».

27. Мусо деди: «Мен ўзимнинг Парвардигорим ва сизларнинг Парвардигорингиздан ҳар бир ҳисоб кунига иймон келтирмайдиган мутакаббирдан паноҳ беришини сўрайман».

28. Фиръавн хонадонидан бўлган, иймони яшириб юрадиган бир мўмин киши деди: «Бир кишини: «Парвардигорим Аллоҳдир», дегани учун ўлдирасизларми?! Ҳолбуки, у сизларга Парвардигорингиз тарафидан ҳужжатлар келтирди. Агар у ёлғончи бўлса, ёлғони ўз бўйнига. Агар ростгўй бўлса, сизларга у ваъда қилаётган нарсаларнинг айримлари етиб қолади-ку! Албатта, Аллоҳ ҳаддан ошгувчи, ёлғончи кимсани ҳидоят қилмас.

29. «Эй қавмим, бугун мулк сизники, шу ерда ғолибсизлар. Агар бизга Аллоҳнинг азоби келиб қолса, бизга ким ёрдам беради?!» Фиръавн деди: «Мен сизларга ўзим кўраётган нарсадан бошқа нарсани кўрсатмасман ва сизларни фақат тўғри йўлга бошларман».

30. Иймон келтирган киши деди: «Эй қавмим, мен устингизга худди ўша фирқалар кун тушиб қолишидан кўрқаман».

31. Нух қавми, Од, Самуд ва улардан кейингиларнинг иши каби. Аллоҳ

бандаларга зулм қилишни истамайди.

- 32.** Эй қавмим, албатта, мен сизлар ҳақингизда нидолашув кунидан қўрқаман.
- 33.** У кунда ортга қараб қочасизлар. Сизлар учун Аллоҳдан ҳимоя қиладиган кимса бўлмас. Кимни Аллоҳ адаштириб қўйган бўлса, унинг учун бирон ҳидоят қилгувчи йўқдир.
- 34.** Дарҳақиқат, олдин сизларга Юсуф ҳужжатлар келтирганди. У олиб келган нарсадан тинимсиз шубҳаланавердинглар. У ҳалок бўлганидан кейин эса: «Ундан кейин Аллоҳпайғамбарюбормайди», деддинглар. Ҳаддан ошадиган, шак келтирадиган кимсани Аллоҳ мана шундай адаштириб қўяди.
- 35.** Аллоҳнинг оятлари ҳақида ҳужжатсиз тортишадиганлар Аллоҳ тарафидан ҳам, иймон келтирганлар тарафидан ҳам катта нафратга йўлиқадилар. Аллоҳ ҳар бир мутакаббир, зўравон қалбни мана шундай муҳрлаб қўяди.
- 36.** Фиръавн деди: «Эй Ҳомон, менга бир қаср қуриб бер. Шояд сабабларга эришсам.
- 37.** Само йўлларига етиб, Мусонинг илоҳини кўрсам. Мен уни аниқ ёлғончи, деб ўйлайман». Фиръавнга ўзининг ёмон иши мана шундай чиройли кўринди ва у йўлдан тўсилди. Фиръавннинг макри

муваффақиятсизликдан ўзга нарса эмас.

38. Иймон келтирган киши деди: «Эй қавмим, менга эргашинглар, сизларни тўғри йўлга бошлайман.
39. Эй қавмим, бу дунё ҳаёти бир ўткинчи лаззат, холос. Охират эса барқарорлик диёридир.
40. Кимбирёмонликқилса, фақат ўшанга яраша жазо олади. Эркак бўлсин, аёл бўлсин, ким мўмин бўлгани ҳолда бир яхшилик қилса, бас, ана ўшалар жаннатга кирадилар. Унда беҳисоб ризқланадилар.
41. Эй қавмим, нега мен сизларни нажотга чақирсам, сизлар мени дўзахга чорлайсизлар?
42. Сизлар мени Аллоҳга куфр келтиришим ва Унга ўзим билмайдиган нарсани шерик қилишимга даъват этипсизлар. Мен эса сизларни Азиз ва Мағфиратли Зот сари чорламоқдаман.
43. Шак-шубҳа йўқки, сизлар мени чақираётган нарсалар дунёда ҳам, охиратда ҳам даъват қилинишга арзийдиган нарсалар эмас. Албатта, қайтиб борар жойимиз Аллоҳгадир ва, албатта, исрофкунандалар дўзах эгаларидир.
44. Ҳали мен сизларга айтаётган гапларимни эслайсизлар. Ишимни Аллоҳга топшираман. Албатта, Аллоҳ бандаларни Кўргувчидир».

45. Бас, Аллоҳ у кишини улар қилган макрнинг ёмонликларидан асраб қолди. Фиръавн аҳлини эса ёмон азоб ўраб олди.
46. Оловки, эртаю кеч ўшанга рўбарў қилинурлар. Қиёмат қойим бўлган кунни эса: «Фиръавн аҳлини энг қаттиқ азобга киритинглар», дейилур.
47. Ўшанда дўзахда бир-бирлари билан талашиб-тортишадилар. Заифлар мутакаббирлик қилганларга дейдилар: «Дарҳақиқат, биз сизларга тобе эдик. Мана энди сизлар биздан дўзахнинг бирон қисмини даф қила оласизларми?»
48. Мутакаббирлик қилганлар айтдилар: «Дарҳақиқат, биз ҳаммамиз ундамиз. Албатта, Аллоҳ бандалар ўртасида ҳукм этиб бўлди».
49. Дўзахдаги кимсалар жаҳаннам қўриқчиларига дедилар: «Парвардигорингизга дуо қилинг, биздан бир кунгина азобни енгиллатсин».
50. Дедилар: «Сизларга пайғамбарларингиз ҳужжатлар келтирмаганмидилар?» Дедилар: «Ҳа, келтиргандилар». Дедилар: «Бас, дуо қилаверинглар. Кофирларнинг дуоси залолатдан бошқа нарса эмас».
51. Дарҳақиқат, Биз элчиларимизга ва иймон келтирганларга дунё ҳаётида ҳам, гувоҳлар турадиган кунда ҳам мадад берурмиз.

52. У кунда золимларга узрлари фойда бермайди. Уларга лаънат бўлур! Уларга энг ёмон жой бўлур!
53. Дарҳақиқат, Мусога ҳидоят бердик. Китобни Бани Исроилга мерос қилиб қолдирдик.
54. Ақл эгалари учун ҳидоят ва ибрат қилиб.
55. Бас, сабр қилинг. Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Гуноҳингиз учун истиғфор айтинг ва кечаю кундуз Парвардигорингизга ҳамду тасбеҳ айтинг.
56. Аллоҳнинг оятлари ҳақида ўзларига бирон ҳужжат келмай туриб, талашиб-тортишаётганларнинг дилларида кибрдан бошқа нарса йўқ. Улар унга етгувчи эмаслар. Бас, Аллоҳдан паноҳ сўранг. Дарҳақиқат, У Эшитгувчи, Кўргувчи Зотдир.
57. Шак-шубҳасиз, осмонлару ерни яратиш инсонларни яратишдан кўра каттароқдир. Лекин одамларнинг кўплари билмайдилар.
58. Кўр билан кўзи очик тенг бўлмас. Иймон келтириб, яхши ишларни қилганлар билан ёмонлик қилувчи ҳам. Жуда оз ибратланасизлар.
59. Соат аниқ келгувчидир. Унга шубҳа йўқ. Лекин кўп одамлар ишонмайдилар.
60. Парвардигорингиз деди: «Менга дуо қилинглар, сизларга ижобат қилурман.

Менга ибодат қилишдан ўзларини катта оладиганлар яқинда хорланган ҳолларида жаҳаннамга кирадилар».

- 61.** Аллоҳ шундай Зотки, ором олишингиз учун сизларга кечани яратди. Кундузни эса ёруғ айлади. Аллоҳ одамларга фазлу марҳаматли Зотдир. Лекин кўп одамлар шукр қилмайдилар.
- 62.** Ўша Аллоҳ Парвардигорингиздир. Ҳамма нарсанинг Яратувчисидир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Бас, қаён бурилиб кетмоқдасизлар?!
- 63.** Аллоҳнинг оятларини инкор қилгувчи бўлганларманашундайбурилибкетадилар.
- 64.** Аллоҳ шундай Зотки, сизларга ерни қароргоҳ, самони эса том айлади. Сизларга шакл бериб, суратингизни чиройли қилди. Сизларга ҳалол-пок ризқ берди. Ўша Аллоҳ Парвардигорингиздир. Бас, оламлар парвардигори Аллоҳ баракотли бўлди.
- 65.** У Барҳаётдир. Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Бас, У Зот учун динни холис қилиб, Ўзигагина дуо-илтижо қилинглар! Оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд бўлсин.
- 66.** Айтинг: «Дарҳақиқат, мен ўзимга Парвардигорим тарафидан ҳужжатлар келган пайтда сизлар Аллоҳни қўйиб, ибодат қилаётган бутларга ибодат қилишдан қайтарилдим ва оламлар

Парвардигорига таслим бўлишга буюрилдим».

67. У шундай Зотки, сизларни тупроқдан, кейин нутфадан, кейин лахта қондан яратди. Кейин сизларни гўдақ қилиб чиқарди. Кейин балоғатга етасизлар. Кейин чол бўласизлар. Сизлардан кимдир олдинроқ вафот этиб кетади. Белгиланган муддатга қадар етиб боришингиз учун. Шоядки, ақл юритсангизлар.
68. У шундай Зотки, жон беради ва жон олади. Бир ишга ҳукм қилса, унга «Бўл», дейди, бас, у бўлади.
69. Аллоҳнинг оятлари ҳақида талашиб-тортишаётганларни кўрдингизми? Қаён бурилиб кетмоқдалар?!
70. Улар шундай кимсаларки, Китобни ва Биз пайғамбарларимиз орқали юборган нарсани ёлғонга чиқардилар. Бас, яқинда билиб оладилар.
71. Ўшанда улар бўйинларидаги кишанлар ва занжирлар билан судраладилар.
72. Қайноқ сувга, кейин дўзахга судраладилар.
73. Кейин уларга шундай дейилади: «Шерик қилаётган бутларингиз қани?!
74. Аллоҳдан бошқа». Дедилар: «Улар биздан ғойиб бўлдилар. Йўқ-йўқ, аслида биз олдин ҳам ҳеч нарсага дуо-илтижо қилмаган эканмиз». Аллоҳ кофирларни мана

шундай адаштириб қўяди.

75. Мана шулар ер юзида ноҳақ қувониб ва керилиб юрганингиз сабабидандир.

76. Жаҳаннам эшикларидан мангу қоладиган бўлиб киришлар! Мутакаббирларнинг жойи нақадар ёмон!

77. Бас, сабр қилинг. Дарҳақиқат, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Ё сизга уларга ваъда қилганимизнинг айримларини кўрсатамиз ёки сизни вафот эттирамиз. Бас, Бизга қайтариладилар.

78. Дарҳақиқат, сиздан олдин ҳам пайғамбарларни юборганмиз. Улар орасида сизга қисса қилиб берганларимиз ҳам бор, қисса қилиб бермаганларимиз ҳам бор. Бирон пайғамбар бирон оятни Аллоҳнинг изнисиз олиб келмаган. Аллоҳнинг фармони келганда ҳақ ила ҳукм чиқарилгай. Ўшанда бузғунчилар муваффақиятсизликка учрайдилар.

79. Аллоҳ шундай Зотки, сизларга чорва ҳайвонларини яратиб берди. Улардан айримларига миносизлар, айримларини ейсизлар.

80. Сизлар учун уларда манфаатлар бордир. Токи уларнинг устида дилларингиздаги ҳожатингизга эришишларинг учун уларнинг устига ва кемаларнинг устига миндириб қўйилдингиз.

81. Ва сизларга Ўз оятларини намойиш

қилади. Аллоҳнинг қайси оятларини инкор қиласизлар?!

- 82.** Ер юзида сайр қилиб, ўзларидан олдингиларнинг оқибати қандай бўлганига назар ташламайдиларми?! Улар булардан кўра кўпроқ, кучлироқ ва заминда каттароқ из қолдирган эдилар-ку! Уларга касб қилиб топганлари асқотмади-ку!
- 83.** Уларга пайғамбарлари ҳужжатлар келтирганларида ўзларидаги илм билан қувондилар ва уларни ўзлари масхара қилган нарсалари қамраб олди.
- 84.** Азобимизни кўришгач: «Ёлғиз Аллоҳга иймон келтирдик, У Зотга шерик қилиб юрган бутларимиздан тондик», деб қоладилар.
- 85.** Азобимизни кўришган пайтларида иймон келтиришлари уларга фойда бермайди. Аллоҳнинг Ўз бандалари борасида ўтган суннати. Ўшанда у кофирлар муваффақиятсизликка учрайдилар.

 Фуссилат сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Ҳо, Мим.
2. Меҳрибон ва Раҳмли Зот тарафидан нозил қилинган.
3. Китобки, биладиган қавм учун арабий Қуръон бўлиб, оятлари муфасссал баён қилинган.
4. Хушхабар берувчи ва огоҳлантирувчи бўлиб. Уларнинг кўплари эса юз ўғирдилар, бас, улар эшитмайдилар.
5. Дедилар: «Қалбларимиз сен даъват қилаётган нарсадан пардаланган, қулоқларимизда оғирлик, сен билан бизнинг орамизда эса бир тўсиқ бор. Бас, сен ҳам ўз ишингни қилавер, биз ҳам ўз ишимизни қилгувчилармиз».
6. Айтинг: «Мен ҳам сизларга ўхшаган бир одамман, холос. Менга ваҳий қилиндики, дарҳақиқат, илоҳингиз бир илоҳдир. Бас, Унга тўғри бўлинглар ва Ундан мағфират сўранглар. Мушриклар ҳолига вой».
7. Мушрикларки, закот бермайдилар ва улар охиратга куфр келтирадилар.
8. Дарҳақиқат, иймон келтириб, яхши ишларни қилганлар учун битмас-туганмас

ажр-мукофот бордир.

9. Айтинг: «Сизлар заминни икки кунда яратиб қўйган Зотга ҳақиқатан куфр келтиряпсизларми ва Унга бошқаларни тенглаштиряпсизларми? У оламлар Парвардигоридир».
10. Замин устида тоғларни барпо қилди, барака ато этди, озуқаларини роппа-роса тўрт кунда белгилаб қўйди. Сўровчилар учун.
11. Кейин самога юзланди. У тутун эди. Унга ва ерга: «Ихтиёран ёки мажбуран келинглар», деган эди, улар: «Ўз ихтиёримиз билан келдик», дедилар.
12. Бас, икки кунда етти осмонларни барпо этиб, ҳар бир самога нима иш қилишини ваҳий қилди. Дунё осмонини чироқлар билан безадик. Ва сақладик. Бу Азиз ва Билгувчи Зотнинг тақдиридир.
13. Агар юз ўгирсалар, бас, айтинг: «Сизларни Од ва Самуд(ни урган) яшинга ўхшаш бир яшиндан огоҳлантирдим».
14. Ўшанда пайғамбарлар уларнинг олдиларидан ҳам, орқаларидан ҳам келиб: «Ёлғиз Аллоҳгагина бандалик қилинглар», деганларида, улар: «Агар Парвардигоримизистаса, фаришталарни туширган бўларди. Бас, биз сизлар элчилик қилиб олиб келган нарсага

куфр келтиргувчилармиз», дедилар.

- 15.** Од (қабиласи) ер юзида ноҳақ катта кетдилар ва: «Биздан ҳам кучлироқ ким бор экан?» - дедилар. Уларни яратган Аллоҳ улардан кўра қудратлироқ эканини билмасмидилар?! Улар Бизнинг оятларимизни инкор қилардилар.
- 16.** Бас, дунё ҳаётида уларга хорлик азобини тоттириб қўйиш учун уларнинг устига (улар учун) бахтсиз кунларда бир даҳшатли бўронниюбордик. Аниқки, охиратазоби хор қилгувчироқдир ва уларга ёрдам берилмас.
- 17.** Самуд қавмига келсак, уларга ҳидоят берсак, ҳидоятдан кўра кўрликни танладилар. Бас, уларни қилган қилмишлари туфайли хор қилгувчи азоб яшини урди.
- 18.** Такво қилиб юрган мўминларга эса нажот бердик.
- 19.** Аллоҳнинг душманлари дўзах сари (ҳайдалиш учун) тўпланиб, тизилиб турадиган кунни (эсланг).
- 20.** Унга етиб келишганида эса ўз қулоқлари, кўзлари ва терилари ўзларига қарши қилиб ўтган ишларига гувоҳлик берадилар.
- 21.** Териларига дедилар: «Нима учун бизга қарши гувоҳлик беряпсизлар». Дедилар: «Бизни ҳамма нарсани гапиртирган Аллоҳ гапиртирди». Сизларни дастлаб У яратган ва Унгагина қайтариласизлар.

- 22.** Сизларга қарши қулоқларингиз ҳам, кўзларингиз ҳам, териларингиз ҳам гувоҳлик бериб қолишидан яширинмас эдингизлар. Лекин Аллоҳ қилаётган ишларингизнинг кўпини билмайди, деб ўйлардингизлар.
- 23.** Сизларни Парвардигорингиз ҳақидаги мана шу гумонингиз ҳалок қилди. Бас, муваффақиятсизликка учраган кимсалардан бўлдингизлар.
- 24.** Агар сабр қила олсалар, уларнинг жойи жаҳаннамдир. Ортга қайтишни сўрасалар, бас, энди улар ортга қайтирилгувчи эмаслар.
- 25.** Биз уларга «дўстлар» тайёрлаб қўйдик. Ана ўшалар уларга олдидагию ортидаги ишларини чиройлиқилиб кўрсатдилар. Шубилан улардан олдинги умматларда ўтган инсу жинларга келган азоб уларга ҳам ҳақ бўлиб қолди.
- 26.** Куфр келтирганлар дедилар: «Бу Қуръонга қулоқ солманглар ва у ўқиладиганда шовқин қилинглар. Шояд, ғолиб бўлсангизлар».
- 27.** Куфр келтирганларга қаттиқ азобни тоттирамиз ва уларни қилган ишларининг энг ёмони билан жазолаймиз.
- 28.** Бу жазо Аллоҳга душман бўлганларнинг жазосидир. У дўзахдир. Улар учун у ерда мангу қолиш бордир. Оятларимизни

инкор қиладиганларининг жазоси шудир.

- 29.** Куфр келтирганлар дедилар: «Парвардигоро, бизни йўлдан оздирган инсу жинларни бизга кўрсат, уларни оёқларимизнинг остига олайлик, токи энг тубандагилардан бўлсинлар».
- 30.** «Парвардигорим Аллоҳдир», дейдиган, кейин эса барқарор турадиган зотларга фаришталар тушиб: «Қўрқманглар, хафа бўлманглар ва сизларга ваъда қилинган жаннат ҳақидаги хушхабардан қувонинглар», дейдилар.
- 31.** Дунё ҳаётида ҳам, охиратда ҳам биз сизларнинг дўстларингизмиз. У ерда сизларга кўнгилларингиз тусаган нарса муҳайё қилинади. У ерда сизлар учун истаган нарсангиз бордир.
- 32.** Мағфиратли ва Раҳмли Зот тарафидан нозил қилинган.
- 33.** Аллоҳга даъват этиб, ўзи ҳам солиҳ амал қилиб: «Мен мусулмонларданман», дейдиган одамдан ҳам чиройлироқ гап айтадиган ким бор экан?!
- 34.** Яхшилик билан ёмонлик тенг бўлмас. Энг гўзал тарзда ўзингизни мудофаа қилинг. Қарабсизки, сиз билан унинг ўртасидаги адоват илиқ дўстликка айланиб турибди.
- 35.** Бу ишга сабр қилганларгина эришадилар. Унга буюк насибадорларгина ноил

бўладилар.

- 36.** Агар шайтон тарафидан бирон васваса сизни йўлдан оздирмоқчи бўлса, бас, Аллоҳдан паноҳ тиланг. Дарҳақиқат, У Эшитгувчи, Билгувчи Зотдир.
- 37.** Кеча ва кундуз ҳам, қуёш ва ой ҳам Унинг оятларидандир. Қуёшга ҳам, ойга ҳам сажда қилманглар. Уларни яратган Аллоҳга сажда қилинглар, агар Унга бандалик қиладиган бўлсангизлар.
- 38.** Агар такаббурлик қилсалар, бас, Парвардигорингиз ҳузуридагилар У Зотга кечаю кундуз зерикмасдан тасбеҳ айтадилар.
- 39.** Ерни қуруқ ҳолда кўришингиз ҳам Унинг оятларидандир. Унинг устига ёмғир ёғдирган пайтимизда титради ва униб-ўсди. Дарҳақиқат, уни тирилтирган Зот ўликларни тирилтиргувчи Зотдир ва У ҳар ишга Қодирдир.
- 40.** Оятларимиз борасида тескарилиқ қиладиганлар Биздан яширин эмаслар. Дўзахга улоқтириладиган одам яхшироқми ёки Қиёмат кунига хотиржам келадиган одамми? Истаганингизни қилаверинглар. Албатта, У қилаётган ишларингизни Кўргувчидир.
- 41.** Эслатма келган пайтда унга куфр келтирганлар (қаттиқ азобга йўлиқадилар).

Дарҳақиқат, у азиз Китобдир.

42. Унинг олдидан ҳам, ортидан ҳам ботил келмас. Ҳаким ва мақтовга лойиқ бўлган Зот тарафидан нозил қилингандир.
43. Сизга айтилаётган бу гаплар сиздан олдинги пайғамбарларга айтилган гаплардан бошқа нарса эмас. Дарҳақиқат, Парвардигорингиз мағфират ва аламли азоб соҳибидир.
44. Биз уни ажамча Қуръон қилганимизда эди: «Оятлари тафсилоти билан берилса эди, арабга ажамчами», деган бўлардилар. Айтинг: «У иймон келтирганлар учун ҳидоят ва шифодир. Иймон келтирмаганларнинг эса қулоқларида оғирлик бўлиб, у уларнинг устига (қопланган) кўрликдир. Ана ўшалар узоқ жойдан чақириладилар».
45. Дарҳақиқат, Мусога Китобни бердик. У ҳақда ҳам ихтилоф қилинган. Парвардигорингиз тарафидан бир сўз ўтмаганида эди, улар ўртасида ҳукм чиқарилган бўларди. Улар у ҳақда аниқ шубҳа-гумондадирлар.
46. Ким бирон яхши иш қилса, ўзи учундир. Ким ёмонлик қилса ҳам ўзигадир. Парвардигорингиз бандаларга зулм қилгувчи эмас.
47. Соат илми Унга қайтарилур. Меваларнинг гулкосаларидан чиқиши ҳам, ҳар бир аёлнинг нимага ҳомиладор бўлиши ва

нимани туғиши ҳам У Зотнинг илми билангина бўлади. Уларга: «Қани Менинг шерикларим», деб нидо қилган кунда улар: «Эътироф этамизки, орамизда бунга биронта гувоҳ йўқ», дедилар.

48. Илгари дуо қилиб юрган бутлари улардан ғойиб бўлиб қолди. Энди ўзларига қочгани жой қолмаганига амин бўлдилар.

49. Инсон яхшилик сўраб дуо қилишдан зерикмайди. Агар унга бир ёмонлик етса, ноумид бўлгувчи, тушкунликка тушгувчидир.

50. Бир мусибатга йўлиққанидан кейин унга Ўзимиз тарафимиздан бир раҳмат таъмини берсак: «Бу ўзи менинг ҳаққимдир. Мен, Қиёмат қоим бўлади, деб ўйламайман. Агар Парвардигоримга қайтариладиган бўлсам ҳам, аниқки, Унинг ҳузурида менга аталган яхшилик бор», дейиши тайин. Биз, албатта, куфр келтирганларга қилган ишлари ҳақида хабар берурмиз ва уларга, албатта, қаттиқ азобни тоттирурмиз.

51. Қачон инсонга неъмат ато этсак, юз ўгириб, ўз тарафига кетади. Қачон ёмонликка йўлиқса, узундан-узоқ дуо қилиб қоладиган бўлади.

52. Айтинг: «Айтинглари-чи, агар Аллоҳ тарафидан бўлса ва унга куфр келтираётган бўлсангизлар, узоқ тортишув ичида қолган

одамдан ҳам адашганроқ ким бор?!»

53. Биз уларга оятларимизни уфқларда ҳам, ўзларида ҳам, албатта, кўрсатиб қўямиз. Токи уларга унинг ҳақ экани аён бўлсин. Парвардигорингизнинг ҳар нарсага Гувох экани кифоя қилмасми?

54. Огоҳ бўлингизким, улар Парвардигорларига рўбарў бўлишдан шак-шубҳададирлар. Огоҳ бўлингизким, У ҳар нарсани ихота қилиб олгувчидир.

 Шўро сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Ҳо. Мим.
2. Айн. Син. Қоф.
3. Азиз ва Ҳаким Аллоҳ сизга ва сиздан олдингиларга мана шундай ваҳий қилур.
4. Самолардаги нарсалар ҳам, ердаги нарсалар ҳам Уникидир. У Олий ва Буюкдир.
5. Устларидаги осмонлар ёрилиб кетай дейди. Фаришталар Парвардигорларига ҳамду тасбеҳ айтиб, ердагилар учун мағфират сўрайдилар. Огоҳ бўлингизким, албатта, Аллоҳ Мағфиратли ва Марҳаматли Зотдир.
6. Аллоҳни қўйиб, бошқаларни дўст тутганлар устидан Аллоҳ кузатиб тургувчидир. Сиз уларга вакил эмассиз.
7. Шаҳарлар онаси ва унинг атрофидагиларни огоҳлантиришингиз учун, шак-шубҳасиз бўлган тўпланиш кунидан огоҳлантиришингиз учун сизга арабий Қуръонни мана шундай нозил қилдик. Бир гуруҳ жаннатдадир. Бир гуруҳ дўзахдадир.
8. Агар Аллоҳ хоҳлаганида уларни битта уммат қилиб қўйган бўларди. Лекин Ўзи истаган одамни Ўз раҳматига дохил қилади. Золимлар учун эса бирон дўст ҳам, мададкор ҳам йўқдир.

9. Ёки Уни қўйиб, бошқаларни дўст тутдиларми? Ёлғиз Аллоҳнинг Ўзигина дўстдир. Ўликларни тирилтирадиган ҳам, ҳамма нарсага қодир Зот ҳам Унинг Ўзидир.
10. Қайси бир нарсада ихтилоф қилсангиз, унинг ҳукми Аллоҳгадир. Ана шу Аллоҳ Парвардигоримдир. Унгагина таваккул қилдим ва Унгагина илтижо қилурман.
11. Осмонлару ернинг яратувчиси. Сизлар учун ўзларингиздан жуфтларни ва чорва ҳайвонларидан жуфтларни яратди. Шу орқали сизларни кўпайтиради. Ҳеч нарса Унга ўхшаш эмас. У Эшитгувчи ва Кўргувчи Зотдир.
12. Осмонлару ернинг калитлари Уникидир. Ўзи хоҳлаган одамга ризқни кенг қилиб беради ва танг қилиб беради. Албатта, У ҳамма нарсани Билгувчи Зотдир.
13. Сизларга диндан Нухга буюрган нарсани шариат айлади. Сизга ваҳий қилганимиз ҳамда Иброҳим, Мусо ва Ийсога буюрганимиз шуки, динни барпо қилинглари ва унда гуруҳ-гуруҳларга бўлиниб кетманглари. Сиз даъват қилаётган нарса мушрикларга оғирлик қилди. Аллоҳ унга Ўзи истаган одамни саралаб олади ва Ўзига илтижо қилган одамни ҳидоят қилади.
14. Уларга илм-ҳужжат келганидан

кейингина ўзаро адоватлашиб,
гуруҳ-гуруҳларга бўлиниб кетдилар.
Парвардигорингиз тарафидан
белгиланган муддатгача бир сўз
ўтмаганида эди, улар ўртасида ҳукм
чиқарилган бўларди. Улардан кейинги
китоб мерос қилиб берилганлар у ҳақда
шак-шубҳададирлар.

15. Шунинг учун даъват этинг ва қандай
буюрилган бўлсангиз, ўшандай барқарор
туринг. Айтинг: «Аллоҳ нозил қилган
Китобга иймон келтирдим ва сизларнинг
орангизда адолат қилишга буюрилдим.
Аллоҳ бизнинг Парвардигоримиз ва
сизларнинг Парвардигорингиздир. Биз
учун ўзимизнинг амалларимиз,
сизлар учун ўзингизнинг амалларингиз.
Биз билан сизларнинг орамизда ҳеч қандай
ҳужжатлашиш йўқ. Аллоҳ ўртамизни
жамлайди. Қайтиб бориш Унгадир».
16. Аллоҳнинг дини қабул қилинганидан
кейин у ҳақда талашиб-
тортишадиганларнинг ҳужжати
Парвардигорлариназдида беҳудадир. Уларга
қарши ғазаб бор. Улар учун қаттиқ азоб бор.
17. Аллоҳ шундай Зотки, ҳақ китобни ва мезонни
нозил қилди. Сиз қаердан биласиз, Қиёмат
яқин бўлса, ажаб эмас.
18. Унга иймон келтирмаганлар уни

шошилтирадилар. Иймон келтирганлар эса ундан кўрқувчидирлар ва унинг ҳақ эканини биладилар. Огоҳ бўлингизким, Қиёмат ҳақида талашиб-тортишадиганлар узоқ залолатдадирлар.

19. Аллоҳ бандаларига Меҳрибон. Ўзи истаган одамга ризқ беради. У Қудратли ва Азиздир.

20. Ким охират ҳосилини истаса, унга шу ҳосилни зиёда қилурмиз. Ким дунё ҳосилини истаса, унга ўшандан берурмиз ва унинг учун охиратда ҳеч қандай насиба бўлмас.

21. Ёки уларнинг шериклари бормики, уларга диндан Аллоҳ изн бермаган нарсаларни шариатлаштириб берган бўлса. Агара жрим сўзи бўлмаганида улар ўртасида ҳукм чиқарилган бўларди. Албатта, золимлар учун аламли азоб бордир.

22. Золимларни ўз қилмишларидан кўрққан ҳолларида кўрасиз. У (азоб) уларга тушгувчидир. Иймон келтириб, яхши амалларни қилганлар эса жаннатларнинг боғларидадирлар. Улар учун Парвардигорлари ҳузурида истаган нарсалари бордир. Бу улкан фазлдир.

23. Мана шу иймон келтириб, яхши амаллар қиладиган бандаларига Аллоҳ берадиган хушхабардир. Айтинг: «Бунинг учун сизлардан ажр сўрамайман. Фақат дўстлик,

яқинликни сўрайман, холос». Ким бир яхшилик қилса, унга янада яхшиликни зиёда қиламиз. Аллоҳ кечирадиган ва миннатдорчиликни қабул қиладиган Зотдир.

- 24.** Ёки: «Аллоҳга ёлғон тўқиди», дейдиларми? Агар Аллоҳ истаса, қалбингизни муҳрлаб қўяди. Аллоҳ Ўз сўзлари билан ботилни маҳв айлаб, ҳақни юзага чиқаради. Албатта, У қалблардаги сирларни ҳам Билгувчи Зотдир.
- 25.** У шундай Зотки, бандаларидан тавбани қабул қилади, ёмонликларни кечиради ва сизлар қилаётган ишларни билади.
- 26.** Иймон келтириб, яхши амалларни қилган зотларнинг дуоларини ижобат айлайди ва уларга Ўз фазлидан кўпайтириб беради. Кофирлар учун қаттиқ азоб бордир.
- 27.** Агар Аллоҳ бандаларига ризқни кенг қилиб қўйганида ер юзида ҳадларидан ошиб кетган бўлардилар. Лекин Ўзи истаган миқдорда нозил қилади. Дарҳақиқат, У бандаларини кўриб, хабардор бўлиб турадиган Зотдир.
- 28.** У шундай Зотки, умидларини узганларидан кейин ёмғир ёғдиради ва раҳматини кенг ёяди. У Валий (дўст) ва Ҳамид (мақтовга лойик) Зотдир.
- 29.** Осмонлару ернинг яратилиши ва уларда

(Аллоҳ) тарқатиб юборган жониворлар Унинг оятларидандир. У агар истаса, уларни жамлашга Қодир.

30. Сизларга қайси бир мусибат етса, ўз қўлларингиз билан қилган ишларингиз туфайли бўлади. Яна ҳам кўпларни кечириб юборади.
31. Сизлар ер юзида қочиб кета оладиган кимсалар эмассиз. Сизлар учун Аллоҳдан бошқа бирон дўст ҳам, мададкор ҳам йўқ.
32. Денгизларда тоғлар каби сузиб юрадиганлар ҳам Унинг оятларидандир.
33. Агар истаса, шамолни тўхтатиб қўяди. Бас, улар денгиз устида қотиб қоладилар. Бу ишда ҳар бир шукр қиладиган сабрли одам учун оятлар бордир.
34. Ёки қилган ишлари туфайли уларни ҳалок этади. Яна ҳам кўпларни кечириб юборади.
35. Бизнинг оятларимиз ҳақида талашиб-тортишадиганлар ўзлари учун бирон қочиб қутуладиган жой йўқлигини билиб олсинлар.
36. Сизларга берилган ҳар бир нарса дунё ҳаётининг матосидир. Аллоҳнинг ҳузуридагиси эса иймон келтирган ва Парвардигорларига таваккул қиладиганлар учун яхшироқ ва боқийроқдир.
37. Мўминларки, катта гуноҳлар ва

бузукликларга яқин бормайдилар. Ғазаб қилган пайтларида эса кечириб юборадилар.

38. Мўминларки, Парвардигорларининг чақириқларига итоат этадилар, намозни тўқис адо қиладилар. Уларнинг иши ўзаро шўродир ва Биз берган ризқдан инфоқ қиладилар.
39. Мўминларки, ўзларига зулм етса, улар ғолиб бўлурлар.
40. Ёмонликнинг жазоси ўзига ўхшаган яна бир ёмонликдир. Ким кечириб, ислоҳ қилса, бас, унинг ажри Аллоҳгадир. Албатта, У золимларни севмас.
41. Ким зулмга учраганидан кейин ғолиб бўлса, бас, уларга қарши ҳеч бир йўл йўқ.
42. Фақат одамларга зулм қиладиган ва ер юзида ноҳақ тажовузкорлик этадиганларгагина қарши йўл бор. Ана ўшалар учун аламли азоб бордир.
43. Ким сабр қилиб, кечириб юборса, бас, бу мардона ишлардандир.
44. Аллоҳ кимни адаштириб қўйган бўлса, ундан кейин унга бирон дўст йўқдир. Золимларни кўрасизки, азобни кўрган пайтларида: «Қайтишга бирон йўл бормикин», деб қоладилар.
45. Кўрасизки, улар хорликдан эгилган, кўз қирлари билан қараган ҳолларида унга

рўбарў қилинурлар. Иймон келтирган зотлар дедилар: «Зиён кўргувчилар Қиёмат кунини ўзларини ҳам, оилаларини ҳам ютқазиб қўйган кимсалардир». Огоҳ бўлингизким, золимлар абадий азобдадирлар.

46. Уларга Аллоҳдан бошқа ёрдам берадиган дўстлар топилмади. Аллоҳ кимни адаштириб қўйган бўлса, энди унга ҳеч қандай йўл йўқ.

47. Аллоҳ тарафидан ортга қайтиш йўқ бўлган бир кун келишидан олдин Парвардигорингизнинг чақириқларига итоат этинглар. У кунда сизлар учун бирон паноҳ топадиган жой ҳам, инкор қилиш имкони ҳам бўлмас.

48. Агар юз ўғирсалар, бас, Биз сизни уларга қўриқчи қилиб юбормаганмиз. Зиммангизда етказиб қўйиш бор, холос. Бизинсонга Ўзимиз тарафимиздан бир раҳмат таъмини берсак, у хурсанд бўлди. Агар уларга ўз қўллари қилган ишлари туфайли бир ёмонлик етса, бас, инсон зоти кўрнамакдир.

49. Осмонлару ернинг мулки Аллоҳникидир. Истаган нарсасини яратади. Истаган одамига қиз фарзанд беради. Истаган одамига ўғил фарзанд беради.

50. Ёки ўғил ва қизларни жуфт қилиб беради. Хоҳлаган одамини эса туғмас қилиб қўяди. У Билимдон ва Қодир Зотдир.

- 51.** Бирон одам учун Аллоҳ у билан гаплашмоғи дуруст эмас. Фақат ваҳий-илҳом орқали ё парда ортидан ёки бир элчини юбориб, Ўз изни ила Ўзи истаган гапни ваҳий қилиши бундан мустасно. Албатта, У Олий ва Ҳаким Зотдир.
- 52.** Шунингдек, сизга ўз амримиз ила бир руҳни ваҳий қилдик. Сиз китоб нима, иймон нима, билмас эдингиз. Лекин уни бир нур айладикки, у билан бандаларимиздан истаган одамимизни ҳидоят қиламиз. Албатта, сиз тўғри йўлга бошлайсиз.
- 53.** Осмонлардаги нарсалар ҳам, ердаги нарсалар ҳам ёлғиз Ўзиники бўлган Аллоҳ йўлига. Огоҳ бўлингизким, ҳамма ишлар Аллоҳга қайтади

 Зухруф сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Ҳо. Мим.
2. Очиқ Китобга қасам.
3. Албатта, Биз уни арабча Қуръон қилдик.
Шоядки, ақл юритсангизлар.
4. Албатта, у Бизнинг ҳузуримиздаги Лавҳул-
Маҳфуздадир, олийдир, ҳақимдир.
5. Исроф қилувчи қавм бўлганингиз учун
Зикрни сизлардан буриб юборамизми?
6. Олдингиларга ҳам қанча пайғамбар
юборганмиз.
7. Уларга қайси бир пайғамбар келса, уни масхара
қилардилар.
8. Бас, улардан қудратлироқларни ҳам ҳалок
айлаганмиз. Олдингиларнинг мисоли ўтди.
9. Агар улардан: «Осмонлару ерни ким
яратган», деб сўрасангиз: «Уларни Азиз
ва Алим бўлган Зот яратган», дейишлари
тайин.
10. Шундай Зотки, сизларга заминни бешик
қилиб берди. Сизларга унда йўлларни
барпо қилди. Шояд, ҳидоят топсангизлар.
11. Шундай Зотки, осмондан ёмғир
ёғдириб, у билан ўлик шаҳарни

жонлантирдик. Сизлар ҳам мана шундай чиқариласизлар.

12. Шундай Зотки, жуфтларнинг ҳаммасини яратди. Сизлар учун кема ва чорва ҳайвонлардан минадиган уловлар қилиб берди.

13. Токи уларнинг устларига ўрнашиб, кейин Парвардигорингизнинг неъматларини эслайсизлар. Унинг устига ўрнашиб, шундай дейсизлар: «Бизга шуни бўйсундириб берган Зот ҳар қандай нуқсондан Покдир. Биз бунга қодир эмас эдик.

14. Ва, албатта, биз Парвардигоримизга қайтгувчилармиз».

15. Улар Аллоҳ учун Ўзининг бандаларидан бир қисмини ажратдилар. Албатта, инсон очик нонкўрдир.

16. Ёки Ўзи яратган нарсалардан қизларни олиб қолиб, сизларга ўғилларни саралаб бергандир?!

17. Улардан бирига Раҳмон учун мисол қилган нарсаси ҳақида хушхабар келса, ғазабланиб, юзи қорайиб кетади.

18. Зийнат ичра катта қилинадиган ва жанжал пайтида очик бўла олмайдиганми?!

19. Раҳмоннинг бандалари бўлган фаришталарни қизлар, деб билдилар. Уларнинг яратилишига гувоҳ

бўлганмидилар?! Бугувоҳликлари, албатта, ёзиб қўйилади ва улар масъул бўладилар.

20. Дедилар: «Агар Раҳмон истаганида биз уларга ибодат қилмаган бўлар эдик». Уларда бу ҳақда ҳеч қандай билим йўқ. Улар фақат алжирамоқдалар, холос.

21. Ёки ундан олдин уларга бир китоб берганмизми? Ва улар уни маҳкам тутиб олганларми?!

22. Йўқ, улар бундай дедилар: «Биз ота-боболаримизни бир дин устида топдик ва биз ҳам ўшаларнинг изидан бориб, ҳидоят топамиз».

23. Шунингдек, сиздан олдин бирон шаҳарга бирон огоҳлантирувчи юборган бўлсак, унинг зодагонлари: «Биз ота-боболаримизни бир дин устида топганмиз ва биз уларнинг изларидан эргашиб боргувчилармиз», деганлар.

24. Айтинг: «Ўша ота-боболарингизни нимани устида топган бўлсангиз, ўшандан кўра тўғрироқ нарсани олиб келган бўлсам ҳамми?» Дедилар: «Биз сизлар элчи бўлиб олиб келган нарсага кофирмиз».

25. Бас, улардан қасос олдик. Қаранг, ёлғонга чиқарувчиларнинг оқибати нима бўлди?!

26. Эсланг, Иброҳим отаси ва қавмига деди: «Албатта, мен сизлар ибодат қилаётган бутлардан покман».

27. Мени яратган Зотгина бундан мустасно.

Бас, У яқинда мени аниқ ҳидоят қилади.

28. Уни ортидан боқий қоладиган бир сўз қилди. Шояд, улар қайтсалар.
29. Мен анавиларни ва уларнинг ота-боболарини то уларга ҳақ ва очик пайғамбар келгунига қадар фойдалантирдим.
30. Энди уларга ҳақ келгач: «Бу сеҳрдир ва биз унга куфр келтиргувчилармиз», дедилар.
31. Дедилар: «Бу Қуръон икки шаҳардан бўлган бир улуғ кишига нозил қилинганида эди».
32. Парвардигорингизнинг раҳматини ўшалар тақсимлар эканми? Уларнинг ўртасида шу дунё ҳаётидаги тирикчиликларини Биз тақсимлаб берганмиз. Бир-бирларини хизматкор қилиб олишлари учун айримларини айримларидан юқори даражаларга кўтарганмиз. Парвардигорингизнинг раҳмати улар тўплаётган нарсадан яхшироқдир.
33. Агар одамларнинг битта миллат бўлиб кетиш хавфи бўлмаганда эди, Раҳмонга куфр келтирганларнинг уйлари учун қумуш шифтлар ва унга чиқадиган нарвонлар қилиб берган бўлар эдик.
34. Уйларининг эшикларини ҳам, ястаниб ўтирадиган сўриларини ҳам.
35. Зеб-зийнат, безакларни ҳам. Буларнинг

ҳаммаси дунё ҳаётининг матосидир. Охират эса Парвардигорингиз наздида такводорларникидир.

36. Ким Раҳмоннинг эслатмасидан кўр бўлиб олса, унга шайтонни яқин қилиб қўямиз. Бас, шайтон унинг ҳамроҳидир.
37. Шайтонлар уларни йўлдан оздирадилар. Улар эса ўзларини ҳидоят топганлар, деб ҳисоблайдилар.
38. Токи Бизга келгач: «Мен билан сенинг ўртанг мағриб билан машрикчалик бўлганида қани эди, сен нақадар ёмон ҳамроҳсан», деб қоладилар.
39. Зулм қилганингиз туфайли бу кунда азобда муштарак эканингиз сизларга фойда бермайди.
40. Сиз карга гап уқтира олармидингиз ёки кўрни ва очик залолатдаги одамни ҳидоят қила олармидингиз?!
41. Гарчи сизни кетказсак ҳам, барибир Биз улардан интиқом олгувчилармиз.
42. Ёки сизга уларга ваъда қилган нарсамизни кўрсатурмиз. Бас, Биз уларга Қодирмиз.
43. Шундай экан, ўзингизга ваҳий қилинган нарсани маҳкам ушланг. Албатта, сиз тўғри йўлдасиз.
44. Албатта, у сиз учун ҳам, қавмингиз учун ҳам шарафдир. Яқинда масъул бўласизлар.
45. Ўзингиздан олдинги Биз юборган

пайғамбарлардан сўранг: «Биз Раҳмондан бошқа ибодат қилинадиган худолар қилибмизми?»

46. Мусони Ўзоятларимиз билан Фиръавн ва унинг аъёнларига юборгандик. Бас, деди: «Албатта, мен оламлар Парвардигорининг элчисиман».
47. Уларга Бизнинг оятларимизни олиб келганида, баногоҳ улар улардан кулиб турибдилар.
48. Уларга қайси бир оятни кўрсатган бўлсак, у олдингисидан каттароқ бўлган. Уларни азоб билан ушладик. Шоядки, қайтсалар.
49. Дедилар: «Эй сеҳргар, сенга берган аҳди ила Парвардигорингга бизнинг ҳақимизга дуо қил. Биз, албатта, ҳидоят топгувчилармиз».
50. Биз улардан азобни аритганимизда эса, қарабсизки, аҳдларини бузиб турибдилар.
51. Фиръавн қавмига нидо қилиб деди: «Эй қавмим, Мисрнинг мулки ва мана бу остимдан оқиб ўтаётган анҳорлар меники эмасми? Кўрмаяпсизларми?»
52. Ёки мен мана бу хор ва равшан гапира олмайдиган кимсадан яхшироқ эмасманми?
53. Унга олтиндан бўлган билагузуклар ташланса ёки у билан бирга малоикалар ҳамроҳ бўлиб келсалар бўлмасмиди?»
54. Бас, у қавмини лақиллатди. Улар эса унга

итоат қилдилар. Албатта, улар фосик қавм эдилар.

55. Улар Бизни ғазаблантиришгач, улардан қасос олдик-да, ҳаммаларини ғарқ айладик.

56. Бас, уларни ўтмишга ва бошқалар учун мисолга айлантириб қўйдик.

57. Марямнинг ўғли мисол қилиб келтирилганда, баногоҳ қавмингиз ундан (хурсанд бўлиб) қийқира бошладилар.

58. Дедилар: «Бизнинг худоларимиз яхшироқми ёки уми?» Бу мисолни фақат талашиб-тортишиш учун келтирдилар. Зеро, улар хусуматлашадиган қавмдир.

59. У бир банда, холос. Унга неъмат бердик ва уни Бани Исроилга мисол қилдик.

60. Истасак, сизларнинг ўрнингизга ер юзида халифа бўладиган фаришталар қилиб қўйган бўлар эдик.

61. У Қиёмат аломатидир. Унга шубҳа қилманглар. Менга эргашинглар. Мана шу тўғри йўлдир.

62. Шайтон сизларни тўсиб қўймасин. У сизларга очик душмандир.

63. Ийсо ҳужжатларни келтирган пайтда деди: «Сизларга ҳикматни олиб келдим ва ўзингиз ихтилоф қилиб юрган айрим ишларни баён қилиш учун келдим. Бас, Аллоҳдан қўрқинглар ва менга итоат этинглар.

64. Ёлғиз Аллоҳ менинг Парвардигоримдир ва сизларнинг Парвардигорингиздир. Бас, Унгагина ибодат қилинглар. Мана шу тўғри йўлдир».
65. Кейин улар орасидаги фирқалар ихтилоф қилдилар. Бас, зулм қилган кимсаларга аламли куннинг азобидан иборат бўлган ҳалокат бўлсин!
66. Улар Қиёматнинг беҳосдан, ўзлари ҳам сезмай қоладиган бир тарзда келиб қолишини кутмоқдалар, холос.
67. У кунда дўстлар бир-бирига душмандир. Фақат тақводорлар бундан мустасно.
68. Эй бандаларим, бугун сизларга хавф йўқ ва сизлар хафа ҳам бўлмайсизлар.
69. Улар оятларимизга иймон келтирганлар ва мусулмон бўлганлар.
70. Ўзинглар ҳам, жуфти ҳалолларингиз ҳам шод-хуррам бўлиб жаннатга кираверинглар.
71. Уларга олтиндан бўлган лаганлар ва қадахлар айлантирилур. У ерда кўнгиллар тусайдиган, кўзлар лаззатланадиган неъматлар бор ва сизлар у ерда мангу қоласизлар.
72. Мана шу қилиб ўтган амалларингиз учун сизларга мерос қилиб берилган жаннатдир.
73. Сизлар учун у ерда кўп мевалар бор. Улардан тановул қиласизлар.
74. Албатта, жинойтчилар жаҳаннам

азобида мангу қолгувчилардир.

75. Улардан азоб енгиллатилмас ва улар у ерда ноумид бўлгувчилардир.

76. Биз уларга зулм қилмадик. Лекин уларнинг ўзлари золимлар эдилар.

77. Нидо қиладилар: «Эй Молик, Парвардигоринг бизнинг устимиздан ҳукм этсин». Деди: «Сизлар аниқ тургувчисизлар».

78. Сизларга ҳақни олиб келгандик. Лекин кўпларингиз ҳақни ёқтирмагувчисизлар.

79. Ёки улар бир ишга қарор қилгандирлар. Бас, албатта, Биз ҳам қарор қилгувчилармиз.

80. Ёки улар Бизни уларнинг сирларини ва пичир-пичирларини эшитмайди, деб ўйлайдиларми? Асло! Бизнинг элчиларимиз уларнинг ҳузурида ёзиб турадилар.

81. Айтинг: «Агар Раҳмоннинг боласи бўлса, бас, мен ибодат қилгувчиларнинг биринчисидирман».

82. Осмонлару ернинг Парвардигори, Аршнинг Парвардигори улар тавсифлаётган нуқсонлардан покдир!

83. Бас, уларни тек қўйинг. То ўзларига ваъда қилинган кунлари келгунига қадар шўнғиб, ўйнаб-кулиб юраверсинлар.

84. У шундай Зотки, самода ҳам илоҳдир, ерда ҳам илоҳдир. У Ҳаким ва Алим Зотдир.

85. Баракотли бўлди Ул Зотки, осмонлару ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг

мулки Уникидир. Қиёмат кунини билиш ҳам Унинг ҳузуридадир ва Унга қайтарилурсизлар.

86. Уни қўйиб, дуо қилаётган бутлари шафоат қилишга ҳақли эмаслар. Фақат ўзлари билганлари ҳолида ҳақ шаҳодатни келтирган зотларгина бундан мустасно.
87. Агар улардан, уларни ким яратганини сўрасангиз: «Аллоҳ», деб жавоб беришлари аниқ. Бас, қаёққа қараб кетмоқдалар.
88. Унинг: «Эй Парвардигорим, анавилар иймон келтирмайдиган қавмдир», дейишини ҳам.
89. Бас, улардан юз ўғиринг ва: «Саломат бўлинглар», денг. Бас, яқинда билиб оладилар.

 Духон сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Ҳо. Мим.
2. Очиқ Китобга қасам.
3. Албатта, Биз уни муборақ кечада нозил қилдик. Албатта, Биз огоҳлантиргувчи бўлдик.
4. Унда ҳар бир пухта иш ажрим қилинур.
5. Бизнинг ҳузуримиздан бўлган фармонга биноан. Албатта, Биз пайғамбарлар юборгувчи бўлдик.
6. Парвардигорингиз тарафидан бўлган раҳматдир. Албатта, У Эшитгувчи, Билгувчидир.
7. Осмонлару ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг Парвардигоридир. Агар аниқ ишонгувчи бўлсангизлар.
8. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Жон беради, жон олади. Сизларнинг Парвардигорингиз. Олдинги ота-боболарингизнинг Парвардигори.
9. Йўқ, улар шак-шубҳага бориб, ўйинқароқлик қиляптилар.
10. Бас, сиз само бир очиқ тутунни олиб келадиган кунни кутинг.
11. Одамларни қамраб олур. Бу аламли азобдир.

12. Парвардигоро, биздан бу азобни даф қил.
Албатта, биз иймон келтиргувчилармиз.
13. Энди уларга қаёқдан ҳам эслатма бўлсин?
Холбуки, уларга очик пайғамбар келганди.
14. Кейин ундан юз ўгирдилар ва «ўргатилган
мажнун», дедилар.
15. Албатта, Биз азобни биров аритгувчимиз.
Албатта, сизлар қайтгувчисизлар.
16. Биз катта ушлаш билан ушлайдиган кунда.
Албатта, Биз қасос олгувчидирмиз.
17. Улардан олдин Фиръавн қавмини ҳам
синаганмиз. Уларга улуғ пайғамбар
келганди.
18. (У деди:) «Сизлар Аллоҳнинг бандаларини
менга қўйиб беринглар. Албатта, мен
сизларга ишончли пайғамбарман.
19. Аллоҳга такаббурлик қилманглар. Албатта,
мен сизларга очик ҳужжат келтирурман.
20. Албатта, мен ўзимнинг Парвардигоримдан
ва сизларнинг Парвардигорингиздан
мени тошбўрон қилишингиздан паноҳ
сўрайман.
21. Менга иймон келтирмасангизлар, бас, мендан
четланинглар».
22. Бас, Парвардигорига «Улар аниқ жинойтчи
қавмдир», дея дуо қилди.
23. Бас, бандаларим билан кечаси йўлга чиқ.
Албатта, сизлар изингиздан қувилурсизлар.
24. Денгизни сокин ҳолига қўявер. Улар аниқ

ғарқ бўладиган қўшиндир.

25. Қанча боғлару булоқларни қолдириб келдилар.
26. Экинзорлару сўлим масканларни.
27. Ўзлари вақтичоғлик қилиб юрган неъматларни.
28. Биз уларни бошқа қавмга мана шундай мерос қилиб қолдирдик.
29. Бас, уларга само ҳам, замин ҳам йиғламади ва улар муҳлат берилувчилардан бўлмадилар.
30. Дарҳақиқат, Биз Бани Исроилга хор қилгувчи азобдан нажот бердик.
31. Фиръавндан. Дарҳақиқат, у каттазанг ва тажовузкорлардан эди.
32. Биз уларни оламлар ичидан билиб, танлаб олдик.
33. Уларга оятлардан шундайларини бердикки, уларда очик синов бордир.
34. Албатта, анавилар дейдиларки,
35. Дастлабки ўлимимиздан бошқа нарса йўқ ва бизлар қайта тирилгувчи эмасмиз.
36. Агар сизлар ростгўй бўлсангизлар, ота-боболаримизни келтиринглар.
37. Улар яхшироқми ёки Туббаъ қавми ва улардан олдин ўтганларми? Уларни ҳалок қилгандик. Дарҳақиқат, улар жиноятчи эдилар.
38. Осмонлару ерни ва улар орасидаги нарсаларни беҳудага яратмадик.

39. Уларни фақат ҳақ билан яратдик. Лекин уларнинг кўплари билмайдилар.
40. Ажратиш куни ҳаммаларининг белгиланган вақтидир.
41. У кунда дўст дўстга бирон нарсада асқотмайди ва уларга ёрдам ҳам берилмайди.
42. Аллоҳ раҳм қилган кимсаларгина бундан мустасно. Албатта, У Азиз ва Меҳрибон Зотдир.
43. Албатта, Заққум дарахти
44. Гуноҳкорнинг таомидир.
45. У худди эритилган ёғдек қоринларда қайнайди.
46. Қайноқ сувнинг қайнаши каби.
47. Уни ушланглар ва дўзахнинг ўртасига судраб боринглар.
48. Кейин боши устидан қайноқ сув азобидан қуйинглар.
49. Энди татиб кўр. Азиз ва улуғ зот сен эдинг.
50. Шубҳага бориб юрган нарсангиз мана шудир.
51. Албатта, тақводорлар тинч жойдадирлар.
52. Боғларда, булоқларда.
53. Шойи ипаклардан кийиб, бир-бирларига қараб.
54. Шунингдек, уларни оҳукўз ҳурларга уйлантирдик.
55. У ерда хотиржамлик билан барча меваларни чақираверадилар.
56. У ерда биринчи ўлимдан бошқа ўлим таъмини

татимайдилар. Уларни дўзах азобидан асраган.

57. Парвардигорингиз тарафидан бўлган фазл. Мана шу буюк муваффақиятдир.

58. Бас, уни сизнинг тилингизга енгил қилиб қўйдик. Шоядки, эслатма-ибрат олсалар.

59. Сиз ҳам кутинг. Улар ҳам кутиб тургувчилардир.

 Жосия сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Ҳо. Мим.
2. Китобнинг нозил қилиниши Азиз ва Ҳаким Аллоҳ тарафидандр.
3. Осмонлару ерда мўминлар учун белгилар бордир.
4. Ўзларингизнинг яратилишингизда ва тарқатиб қўйган жониворларда аниқ ишонадиганлар учун.
5. Кеча ва кундузнинг алмашинишида, Аллоҳ самодан ризқ ёғдириб, у орқали ўлик ерни жонлантиришида ва шамолларни эстириб қўйишида ақл юритадиган қавм учун белгилар бордир.
6. Булар Аллоҳнинг оятларидир. Уларни сизга ҳақ ила тиловат қилиб беряпмиз. Бас, Аллоҳ ва Унинг оятлари турганда яна қайси гапга ишонадилар?!
7. Ҳар бир тухматчи осийга ҳалокат бўлсин.
8. Унга тиловат қилинаётган Аллоҳнинг оятларини эштади-да, кейин яна такаббурлик қилиб, худди эшитмагандек саркашлик қилиб тураверади. Бас, унга аламли азоб ҳақида хушхабар беринг!
9. Бизнинг оятларимиздан бирон нарсани билиб

олганда уни масхара қилади. Ана ўшалар учун хор қилгувчи азоб бордир.

10. Уларнинг ортида жаҳаннам бор. Уларга касб қилиб топган нарсалари ҳам, Аллоҳни қўйиб, ушлаган дўстлари ҳам бирон нарсада асқотмас. Улар учун улуғ азоб бордир.
11. Мана шу ҳидоятдир. Парвардигорларининг оятларига куфр келтирганлар учун эса жуда ёмон аламли азоб бордир.
12. Аллоҳ шундай Зотки, Унинг амри ила кемалар юриши ва У Зотнинг фазлидан умидвор бўлишингиз учун сизларга денгизни бўйсундириб берди. Шоядки, шукр қилсангизлар.
13. Сизларга самолардаги нарсаларнинг ва заминдаги нарсаларнинг ҳаммасини Ўзи томонидан бўйсундириб берди. Бу ишда фикр юритадиган қавм учун белгилар бордир.
14. Иймонкелтирганларга айтингки, Аллоҳнинг кунларидан умид қилмайдиганларни кечириб юбораверсинлар. Токи У Зот қавмни қилиб ўтган ишларига яраша мукофотласин ёки жазоласин.
15. Ким бир яхшилик қилса, бас, ўзи учун. Ким ёмонлик қилса, у ҳам ўзига. Кейин Парвардигорингизга қайтариласизлар.
16. Бани Исроилга китоб, ҳокимият ва пайғамбарликни ато этдик. Уларга покиза

ризқлар бериб, уларни оламлардан афзал этдик.

17. Уларга ишлари учун ҳужжатлар ато этдик. Бас, ўзларига илм келганидан кейингина ўзаро тажовузкорлик қилиб, ихтилоф чиқардилар. Қиёмат куни уларнинг орасини қилиб ўтган ихтилофлари борасида Парвардигорингиз ажрим қилади.
18. Кейин сизни бу ишдан бир шариат устида қилдик. Бас, унга эргашинг. Билмайдиганларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг.
19. Улар сиздан Аллоҳ тарафидан бўладиган бирон ишни арита олмаслар. Золимларнинг айримлари айримларининг дўстларидир. Аллоҳ эса тақводорларнинг дўстидир.
20. Бу одамлар учун кўнгил кўзлари ҳамда аниқ ишонадиган қавм учун ҳидоят ва раҳматдир.
21. Ёки ёмонликларни қилганлар Биз уларни ҳам иймон келтириб, яхшиликларни қилган зотлар каби қиламиз, уларнинг ҳаёти ҳам, мамоти ҳам бир хил бўлади, деб ўйлайдиларми? Нақадар ёмон ҳукм қиладилар!
22. Аллоҳ осмонлару ерни ҳақ ила яратди. Токи ҳар бир жон зулм қилинмагани ҳолда қилган ишига яраша жазолансин, мукофотлансин.
23. Ҳавойи нафсини ўзига худо қилиб олган кимсани кўрганмисиз? Аллоҳ уни билган

холида адаштириб, кулоғи ва қалбини муҳрлаб, кўзига парда тортиб қўйган. Аллоҳдан кейин уни ким ҳам ҳидоят қила оларди? Эслатма-ибрат олмайсизларми?!

24. Дедилар: «Шу дунёдаги ҳаётимиздан бошқа ҳаёт йўқ. Ўламиз ва яшаймиз. Бизни фақат давр ҳалок этади». Уларнинг бу борада ҳеч қандай илми йўқ. Улар фақат гумон-тахмин қиладилар, холос.
25. Уларга оятларимиз очиқ-равшан тиловат қилинганда уларнинг ҳужжатлари: «Агар ростгўй бўлсангизлар, ота-боболаримизни келтиринглар-чи», дейишдан бошқа нарса бўлмади.
26. Айтинг: «Аллоҳ сизларни тирилтиради, кейин ўлдиради, кейин (келишига) шак-шубҳа бўлмаган Қиёмат кунига тўплайди. Лекин одамларнинг кўплари билмайдилар».
27. Осмонлару ернинг мулки Аллоҳникидир. Соат қоим бўлган кунда, ана ўша кунда ноҳақлик қилгувчилар зарарга йўлиқадилар.
28. Ҳар бир умматни тиз чўккан ҳолда кўрасиз. Ҳар бир уммат ўзининг китобига (номаи аъмолига) чақирилади. (Ва дейилади): «Бугун қилиб ўтган ишларингизга яраша жазо ёки мукофот олурсизлар».
29. Бу китобимиз сизларга ҳақни айтади. Албатта, Биз қилиб ўтган ишларингизни

кўчириб қўйганмиз.

- 30.** Бас, иймон келтириб, яхши ишларни қилган зотларни Парвардигорлари Ўз раҳматига киритади. Мана шу ёрқин муваффақиятдир.
- 31.** Куфр келтирганлар эса... «Оятларим сизларга тиловат қилинганда такаббурлик қилмаганмидингиз ва жинойтчи қавм бўлмаганмидингиз?!
- 32.** Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир, соат(нинг, яъни, Қиёматнинг юз бериши)га шак-шубҳа йўқдир», дейилганда, «Соат нималигини билмаймиз, биз фақат гумон қиламиз, холос, биз аниқ ишонгувчилар эмасмиз», дедингиз.
- 33.** Уларга қилиб ўтган ёмонликлари аён бўлиб, уларни ўзлари масхара қилган нарса қамраб олди.
- 34.** Айтилди: «Шу кунги учрашувни унутганингиздек, Биз ҳам сизларни бугун (дўзахда) қолдирамиз. Энди жойингиз дўзахдир ва сизлар учун ҳеч қандай мададкорлар йўқ».
- 35.** Бунгаса баб сизлар Аллоҳнинг оятларини масхара қилиб олдинглар ва сизларни дунё ҳаёти алдаб қўйди. Бас, бугун ундан чиқарилмайдилар ва улардан қайтиш ҳам талаб қилинмас.
- 36.** Бас, ҳамд самолар Парвардигори, замин Парвардигори, оламлар Парвардигори - Аллоҳникидир.

37. Осмонлару ердаги буюклик ёлғиз
Уникидир. У Азиз ва Ҳаким Зотдир.

 Аҳқоф сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Ҳо, Мим.
2. Китоб Азиз ва Ҳаким бўлган Аллоҳ тарафидан нозил қилинган.
3. Осмонлару ерни ҳамда улар ўртасидаги нарсаларни фақат ҳақ ва белгиланган муддат ила яратдик. Кофирлар бўлса, ўзлари огоҳлантирилган нарсадан юз ўгирувчилардир.
4. Айтинг: «Сизлар Аллоҳни қўйиб ибодат қилаётган нарсалар ердан нимани яратганини менга кўрсатинглар-чи. Ёки уларнинг самолари яратишда (Аллоҳга) шерикчилиги борми? Агар ростгўй бўлсангизлар, бундан олдинги бир китобни ёки илмий белгини келтиринглар-чи».
5. Аллоҳни қўйиб, то Қиёмат кунига қадар унга ижобат қила олмайдиган бутларга дуо қиладиган кимсадан ҳам адашганроқ одам борми? Ҳолбуки, бутлар уларнинг дуосидан ғофилдирлар.
6. Одамлар тўпланган вақтда уларга душман бўлиб, ибодатларини инкор қилгувчиларга айланадилар.
7. Уларга оятларимиз аниқ-тиниқ тиловат

қилинган пайтда ҳаққа куфр келтирганлар у келган пайтидаёқ: «Бу очик сеҳрдир», дедилар.

8. Ёки: «Уни ўзи тўқиган», дейдиларми? Айтинг: «Агар уни ўзим тўқиган бўлсам, сизлар мен учун Аллоҳ тарафидан бўладиган бирон нарсага эга эмассизлар. У Зот сизлар киришаётган ишни билгувчироқдир. Мен билан сизларнинг орамизда гувоҳ бўлишга Унинг Ўзи кифоядир. У Мағфиратли ва Меҳрибон Зотдир».
9. Айтинг: «Мен пайғамбарлардан биринчиси эмасман. Менга ўзимга ҳам, сизларга ҳам нима қилинишини билмайман. Мен фақат ўзимга ваҳий қилинган ишга эргашаман. Мен бир очик огоҳлантирувчиман, холос».
10. Айтинг: «Агар у Аллоҳ тарафидан бўлиб, сизлар унга куфр келтираётган бўлсангизлар-чи. Бани Исроилдан бир гувоҳ унинг ўхшашига гувоҳлик бериб, иймон келтирган бўлса-ю, сизлар такаббурлик қилаётган бўлсангизлар-чи. Дарҳақиқат, Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас».
11. Куфр келтирганлар иймон келтирганларга: «Агар у яхшилик бўлганида биздан олдин унга етиб бормаган бўлардилар», дедилар. Бас, яқинда: «Бу эски тўқимадир», дейдилар.
12. Ундан олдин Мусонинг китоби пешво

ва раҳмат эди. Бу тасдиқлагувчи, араб тилидаги китобдир. Зулм қилган кимсаларни огоҳлантириш учун, гўзал амал қилгувчиларга эса хушхабар (бўлиб келган).

13. «Парвардигорим Аллоҳдир», деганлар ва шу гапида барқарор турганлар учун хавф-хатар йўқдир, улар хафа ҳам бўлмаслар.

14. Ана ўшалар жаннат эгалари бўлиб, қилиб ўтган амалларининг мукофоти ўларок, у ерда мангу қолурлар.

15. Инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси унга қийналиб ҳомиладор бўлган ва уни қийналиб тукқан. Ҳомиладор бўлиш ва сутдан чиқариш ўттиз ойдир. То у вояга етиб, қирқ ёшга кирганда деди: «Парвардигорим, менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр айлашимга ҳамда Ўзинг рози бўладиган солиҳ амал қилишимга илҳом бер! Мен учун зурриётимни солиҳлардан айла! Сенга тавба қилдим ва мен мусулмонларданман».

16. Ана ўшалар шундай зотлардирки, улардан қилиб ўтган яхши амалларини қабул айлаймиз, гуноҳларини эса кечириб юборурмиз. Улар жаннат эгалари қаторидадирлар. Уларга берилган чин ваъда шудир.

17. Яна бири ота-онасига деди: «Суф

сизларга! Менинг чиқарилишимга ваъда беряпсизларми? Мендан олдин ҳам асрлар ўтган-ку». Ота-она эса Аллоҳдан мадад сўраб дедилар: «Шўринг қургур, иймон келтир. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир». Бас, у айтади: «Бу олдингиларнинг афсоналаридан бошқа нарса эмас».

18. Ана ўшалар шундай кимсалардирки, уларга қарши олдинги инсу жиндан иборат умматлар ҳақидаги гап ҳақ бўлди. Албатта, улар зарар кўргувчилар бўлдилар.
19. Ҳаммалари учун қилган ишларидан даражалар бор. Уларнинг амалларини тўла қилиб беради. Уларга зулм қилинмайди.
20. Куфр келтирган кимсалар дўзахга рўбарў қилинган кунда (айтилур): «Дунё ҳаётингиздаги ҳузур-ҳаловатингизни ўтказиб, улардан фойдаланиб бўлдингиз. Бас, бугун ер юзида ноҳақ тақаббурлик қилганингиз ва фосиқлик қилганингиз туфайли хорлик азоби ила жазоланурсизлар».
21. Однинг биродарини эсланг! У ўзининг қумтепалардаги қавмини огоҳлантирди. Ундан олдин ҳам, ундан кейин ҳам огоҳлантирувчилар ўтган. «Ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилинглар. Мен улуғ куннинг азоби устингизга тушиб қолишидан қўрқаман».

22. Дедилар: «Бизни худоларимиздан буриб юбориш учун келдингми? Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга ваъда қилган нарсангни олиб кел-чи».
23. Деди: «Илм (уни билиш) Аллоҳнинг ҳузуридадир. Мен нима учун юборилган бўлсам, ўшани етказаман, холос. Лекин мен сизларни жоҳиллик қилаётган қавм, деб кўряпман».
24. Унинг водийлари сари кўндаланг турганини кўришгач: «Бу кўндаланг бўлиб турган нарса бизга ёмғир ёғдиргувчидир», дедилар. Балки у ўзингиз шошилтирган нарсадир. Ичида аламли азоби бор бўрондир.
25. Парвардигорининг амри ила ҳамма нарсани вайрон қилур. Бас, уйларидан бошқа нарса кўринмай қолган ҳолатга айландилар. Жинойтчи қавмни мана шундай жазолаймиз.
26. Дарҳақиқат, уларга сизларга бермаган имкониятларни бергандик. Уларга қулоқ, кўз ва қалблар ато этгандик. Бас, қулоқлари ҳам, кўзлари ҳам, қалблари ҳам бирон нарсада асқотмади. Чунки улар Аллоҳнинг оятларини инкор қилардилар. Шу билан уларни ўзлари масхара қилган нарсалари қамраб олди.
27. Атрофингиздаги шаҳарларни ҳалок этдик ва оятларни батафсил баён қилдик. Шоядки, қайтсалар.

28. Ўзлари Аллоҳни қўйиб, худо қилиб олган ва уларга яқин бўлиш учун сиғинаётган бутлари уларга ёрдам берармикин?! Йўқ. Улар кўринмай қолдилар. Бу уларнинг бўҳтони ва тўқиган уйдирмаларидир.
29. Эсланг! Сизга бир гуруҳ жинларни Қуръон эшитишлари учун юборгандик. Улар келишгач: «Жим бўлинглар», дедилар. Ниҳоясига етгач эса қавмларига огоҳлантирувчи бўлиб қайтиб кетдилар.
30. Дедилар: «Эй қавмимиз, дарҳақиқат, биз Мусодан кейин нозил қилинган, ўзидан олдингиларни тасдиқлаб келган, ҳаққа ва тўғри йўлга бошлайдиган бир китобни тингладик».
31. Эй қавмимиз, Аллоҳга даъват қилувчини қабул қилинглар ва унга иймон келтиринглар. Шунда гуноҳларингизни мағфират қилади ва сизларни аламли азобдан асрайди.
32. Ким Аллоҳга даъват қилгувчини қабул қилмаса, у ер юзида қочиб қутулгувчи ҳам эмас ва унинг учун У Зотдан бошқа дўстлар ҳам йўқ. Ана ўшалар очик залолатдадирлар.
33. Осмонлару ерни яратган ва уларни яратишга ожизлик қилмаган Аллоҳ ўликларни тирилтиришга Қодир эканини кўрмадиларми? Ҳа, худди шундай. Албатта, У Зот ҳамма нарсага Қодирдир.

34. Куфр келтирган кимсалар дўзахга рўбарў қилинган кунда: «Бу ҳақ эмас эканми?», дейилганда улар: «Ҳа, Парвардигоримизга қасамки, шундай экан», дедилар. Деди: «Бас, куфр келтириб ўтганингиз учун азобни татинглар».
35. Пайғамбарлар орасидаги матонатлилари сабр қилганидек сабр қилинг ва улар учун (азобни) шошилтирманг. Улар ўзларига ваъда қилинган нарсани кўрган кунларида кундуздан бир соатгина тургандек бўладилар. Шунинг ўзи етарлидир. Фақат фосиқ қавмгина ҳалок қилинур.

 Муҳаммад сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Куфр келтирган ва Аллоҳнинг йўлидан тўсган кимсаларнинг амалларини (Аллоҳ) зое кетказур.
2. Иймон келтирган ва яхши ишларни қилган ҳамда Парвардигорлари тарафидан юборилган ҳақ бўлмиш Муҳаммадга туширилган нарсага иймон келтирган зотларнинг эса гуноҳларини ўчириб, ишларини ўнглаб.
3. Бунга сабаб шуки, куфр келтирганлар ботилга эргашдилар. Иймон келтирганлар эса Парвардигорлари тарафидан келган ҳаққа эргашдилар. Аллоҳ инсонларга ўзларининг мисолларини мана шундай зарб этади.
4. Куфр келтирган кимсалар билан тўқнашганингизда бўйинларига урмоқ лозим. Уларни тор-мор қилганингизда эса маҳкам боғланглар. Ундан кейин ё марҳамат кўрсатиш ёки товон олиш (қолур). То уруш ўз юкларини қўйгунича ҳолат шудир. Аллоҳ хоҳлаганида улардан шундоқ ҳам ғолиб бўларди. Лекин айримларингизни айримларингиз билан синаш учун

шундай қилди. Аллоҳнинг йўлида ўлдирилганларнинг амалларини ҳеч қачон зое қилмас.

5. Уларни, албатта, ҳидоят қилади ва ишларини ўнглайди.
6. Уларни Ўзи уларга таърифлаган жаннатга киритади.
7. Эй иймон келтирганлар, Агар Аллоҳни қўлласангиз, У ҳам сизларни қўллайди ва қадамларингизни собит қилади.
8. Куфр келтирган кимсалар эса бахтиқаро бўлиб, (Аллоҳ) уларнинг амалларини зое қилур.
9. Бунга сабаб шуки, улар Аллоҳ нозил қилган нарсани ёқтирмадилар. Бас, уларнинг амалларини ҳабата қилди.
10. Ер юзида сайр қилиб, ўзларидан олдингиларнинг оқибати нима бўлганига назар ташласалар бўлмасмикан?! Аллоҳ уларни вайрон этди-ку. Бу кофирларга ҳам шунга ўхшаш иш бўлур.
11. Бунга сабаб шуки, Аллоҳ иймон келтирганларнинг дўстидир. Кофирларнинг эса дўсти йўқ.
12. Аллоҳ иймон келтириб, яхши ишлар қилган зотларни остидан дарёлар оқиб ўтадиган жаннатларга киритади. Куфр келтирган кимсалар эса айш-ишрат қиладилар ва ҳайвонлар еб-ичгани каби еб-ичадилар.

Уларнинг жойи жаҳаннамдир.

13. Сизни чиқариб юборган қишлоғингиздан кўра қудратлироқ қанча қишлоқни ҳалок этганмиз. Улар учун бирон мададкор бўлмаган.
14. Парвардигори тарафидан бир ҳужжатга эга бўлган одам ёмон иши ўзига чиройли қилиб кўрсатилган кимсага ва ҳавойи нафсларига эргашиб кетганларга ўхшайдими?!
15. Тақводорларга ваъда қилинган жаннатда айнимаган сув дарёлар, таъми ўзгармаган сут дарёлар, ичувчилар учун лаззатли бўлган шароб дарёлар ва соф асал дарёлар бор. Улар учун у ерда ҳамма мевалардан ва Парвардигорлари тарафидан мағфират бор. Улар дўзахда абадий қолиб, қайноқ сув билан суғорилиб, ичаклари титилиб кетган кимсага ўхшайдими?!
16. Улар орасида шундай кимсалар ҳам борки, сизни тинглайдилар. Ҳузурингиздан чиққан пайтда эса илм берилган кишиларга: «Ҳозир нима деди?» - дейдилар. Ана ўшалар Аллоҳ қалбларини муҳрлаб қўйган ва ҳавойи нафсларига эргашган кимсалардир.
17. Ҳидоят топган зотларга эса ҳидоятни зиёда қилур ва уларга тақволарини берур.
18. Улар энди Қиёмат кутилмаганда беҳосдан келиб қолишини кутяптилар, холос. Унинг аломатлари эса келиб бўлди. У келиб бўлганидан кейин ибрат олиш имкони

қолармиди?!

19. Билингки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир. Гуноҳингиз учун, мўминлар ва мўминалар учун истиғфор айтинг. Аллоҳ юрар жойингизни ҳам, турар жойингизни ҳам билади.
20. Иймон келтирганлар: «Бир сура нозил қилинса эди», дейдилар. Бир аниқ сура нозил қилиниб, унда уруш ҳақида айтилса, қалбида марази борларни кўрасизки, сизга худди ўлимдан ҳушини йўқотиб қўйган одамдек қарайдилар. Бас, уларга ҳалокат бўлсин.
21. Тоат ва яхши гап (мунофиқликдан кўра яхшироқ). Иш жиддийлашганда эса Аллоҳга садоқатли бўлсалар, ўзларига яхши бўларди.
22. Юз ўгирсангиз, ер юзида бузғунчилик қилиб, қариндошлик ришталарини узиб юборишингиз ҳам ҳеч гап эмас.
23. Ана ўшалар шундай кимсаларки, Аллоҳ уларни лаънатлаб, қар қилиб қўйди, кўзларини кўр қилиб қўйди.
24. Қуръонни тадаббур қилмайдиларми? Ёки қалбларида қулфлари борми?
25. Ҳидоят очиқ-ойдин кўриниб бўлганидан кейин ҳам ортига тисарилганлар шундай кимсаларки, уларга шайтон ишларини чиройли қилиб кўрсатди ва уларга узун (орзулар) қилиб қўйди.
26. Бунга сабаб шуки, Аллоҳ нозил қилган

нарсани ёмон кўрганларга: «Айрим ишларда сизларга итоат қиламиз», дедилар. Аллоҳ уларнинг сирларини билади.

- 27.** Фаришталар уларнинг юзлари ва орқаларига уриб жонларини олаётганда қандай бўлар экан?!
- 28.** Бунга сабаб шуки, улар Аллоҳни ғазаблантирадиган нарсага эргашдилар. У Зотнинг ризосини эса ёмон кўрдилар. Бас, амалларини ҳабата кетказди.
- 29.** Ёки қалбларида мараз бўлган кимсалар, Аллоҳ уларнинг адоватларини ошкор қилмайди, деб ўйладиларми?!
- 30.** Агар истасак, сизга уларни кўрсатган бўлар эдик ва сиз уларнинг белгиларини таниб олган бўлар эдингиз. Сиз уларни сўз оҳангларидан таниб оласиз. Аллоҳ амалларингизни билади.
- 31.** То сизлардан мужоҳидларни ва сабрлиларни ҳамда хабарларингизни текшириб билиб олгунимизча сизларни, албатта, синаймиз.
- 32.** Куфр келтирган, Аллоҳнинг йўлидан тўсган ва уларга ҳидоят очиқ-ойдин аён бўлганидан кейин ҳам Пайғамбарга қарши чиққан кимсалар Аллоҳга ҳеч қандай зарар келтира олмайдилар. Яқинда уларнинг амалларини ҳабата қилгай.
- 33.** Эй иймон келтирганлар, Аллоҳга итоат

этинглар, Пайғамбарга итоат этинглар ва амалларингизни ҳабата қилиб юборманглар.

34. Куфр келтирган, Аллоҳнинг йўлидан тўсган ва кофир ҳолида ўлганларни Аллоҳ асло кечирмас.

35. Бас, бўш келманглар, ўзларингиз устун бўлиб турган ҳолингизда ярашишга чақирманглар. Аллоҳ сизлар билан биргадир. У амалларингизни ҳаргиз камайтирмас.

36. Дунё ҳаёти ўйин-кулгидан бошқа нарса эмас. Агар иймон келтириб, такво қилсангизлар, ажрларингизни беради ва сизлардан мол-давлатларингизни сўрамайди.

37. Агар сизлардан уни сўраб, сизларни қийнаса, бахиллик қиласизлар ва У сизларнинг адоватларингизни ошкор қилур.

38. Мана, сизлар Аллоҳ йўлида инфоқ қилишга чақириласизлар. Сизлардан кимдир бахиллик қилади. Ким бахиллик қилса, ўзига бахиллик қилади. Аллоҳ бой-беҳожат. Сизлар эса камбағал-муҳтожсизлар. Агар юз ўгирсангизлар, сизлардан бошқа қавмни алмаштириб қўяди. Кейин улар сизларга ўхшаган бўлмайдилар.

 Фатҳ сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Дарҳақиқат, Биз сизга очик зафар ато этдик.
2. Токи Аллоҳ сизнинг олдинги ва кейинги гуноҳингизни мағфират қилсин ҳамда сизга неъматини тўла қилиб берсин ва сизни тўғри йўлга ҳидоят қилсин.
3. Токи Аллоҳ сизга улкан мадад берсин.
4. У шундай Зотки, мўминларнинг қалбларига оромни индирди. Токи иймонлари кўпайсин. Осмонлару ернинг лашкарлари ёлғиз Аллоҳникидир. Аллоҳ Билгувчи ва Ҳаким Зотдир.
5. Токи мўминлар ва мўминаларни остидан анҳорлар оқиб ўтадиган жаннатларга киритсин ва улар у ерда абадий қолсинлар ҳамда уларнинг ёмонликларини ўчириб юборсин. Бу иш Аллоҳнинг наздида буюк муваффақиятдир.
6. Токи Аллоҳ ҳақида ёмон гумонда бўлган мунофиқ ва мунофиқаларни, мушрик ва мушрикаларни азобласин. Уларни ёмонлик ўраб олсин. Аллоҳ улардан ғазабланди, уларни лаънатлади ва уларга жаҳаннамни тайёрлаб қўйди. Нақадар ёмон борар жой!
7. Осмонлару ернинг лашкарлари ёлғиз

Аллоҳникидир. Аллоҳ Азиз ва Ҳакимдир.

8. Дарҳақиқат, Биз сизни гувоҳлик берувчи, хушхабар етказувчи ва огоҳлантирувчи қилиб юбордик.
9. Токи Аллоҳга ва пайғамбарига иймон келтиринглар, У Зотни қўлланглар ва улуғланглар ҳамда кечаю кундуз У Зотга тасбеҳ айтинглар.
10. Сизга байъат берадиганлар Аллоҳга байъат берадилар. Аллоҳнинг Қўли уларнинг қўллари устидадир. Ким аҳдини бузса, ўзига қарши бузади. Ким Аллоҳга берган аҳдига вафо қилса, яқинда унга улуғ ажр беради.
11. Аъробийлардан ортда қолганлари сизга: «Биз мол-дунёларимиз ва оилаларимиз билан банд бўлиб қолдик. Бизнинг ҳақимизга истиғфор айт», дейдилар. Тиллари билан дилларида йўқ нарсани айтадилар. Айтинг: «Агар Аллоҳ сизларга бирон зарар етказмоқчи бўлса, ёки сизларга бирон фойда етказмоқчи бўлса, бас, ким сизларга Аллоҳдан бирон нарсага эга бўла олади?! Йўқ! Аллоҳ сизлар қилаётган ишлардан Хабардордир».
12. Йўқ, сизлар, Пайғамбар ва мўминлар оилаларига қайтмайдилар, деб ўйлагансизлар ва бу иш қалбларингизга чиройли қилиб кўрсатилган. Ёмон гумон қилгансизлар ва ёмон қавм бўлгансизлар.
13. Ким Аллоҳга ва Унинг Пайғамбарига иймон

келтирмаса, бас, Биз кофирларга дўзахни тайёрлаб қўйганмиз.

14. Осмонлару ернинг мулки ёлғиз Аллоҳникидир. Ўзи истаган бандасини мағфират қилади, истаган бандасини азоблайди. Аллоҳ Мағфиратли, Марҳаматли Зотдир.

15. Ўлжалар сари уларни олиш учун бораётганингизда ортда қолганлар: «Биз ҳам сизларга эргашайлик», дейдилар. Аллоҳнинг каломини ўзгартирмоқчи бўладилар. Айтинг: «Ҳаргиз бизга эргашмассизлар. Аллоҳ олдин ҳам мана шундай деган». Шунда улар: «Балки бизга ҳасад қилаётгандирсизлар», дейдилар. Аксинча, улар жуда оз нарсанигина англайдилар.

16. Аъробийлардан ортда қолганларига айтинг: «Яқинда бир катта кучга эга бўлган қавмга қарши жангга чақириласизлар. Ё улар билан урушасизлар ёки улар мусулмон бўладилар. Агар итаотэтсангизлар, Аллоҳ сизларга гўзал ажр берур. Агар олдин юз ўғирганингиздек, юз ўғирсангизлар, сизларни аламли азоб билан азоблар.

17. Кўрга ҳам ҳараж йўқ. Чўлоққа ҳам ҳараж йўқ. Касалга ҳам ҳараж йўқ. Ким Аллоҳга ва Пайғамбарига итоат этса, уни остидан анҳорлар оқиб ўтадиган жаннатларга киритади. Ким юз ўғирса, уни аламли азоб

билан азоблайди».

18. Дарҳақиқат, Аллоҳ мўминлардан дарахт остида сизга байъат бераётган пайтларида рози бўлди. Уларнинг қалбларида нима борлигини билди. Бас, уларга оромни индирди ва уларни яқин ғалаба билан мукофотлади.
19. Ва кўп ўлжаларки, уларни оладилар. Аллоҳ Азиз, Ҳаким бўлган Зотдир.
20. Аллоҳ сизларга фақат ўзингиз оладиган кўп ўлжаларни ваъда қилди. Бас, бунисини тезлаштириб берди. Одамларнинг қўлларини сизлардан тўсди. Мўминларга белги бўлиши ва сизларни тўғри йўлга ҳидоят қилиши учун.
21. Бошқалари ҳам бор. Сизлар ҳали уларга қодир бўлмагансизлар. Аллоҳ уларни қамраб олган. Аллоҳ ҳар бир нарсага Қодирдир.
22. Куфр келтирган кимсалар сизлар билан жанг қилганларида ортларига аниқ чекинган бўлардилар. Кейин бирон дўст ҳам, ёрдамчи ҳам топа олмаслар.
23. Бу Аллоҳнинг олдиндан келаётган суннатидир. Аллоҳнинг суннатига ҳаргиз ўзгартиш топа олмассиз.
24. У шундай Зотки, уларнинг қўлларини сизлардан ва сизларнинг қўлларингизни улардан Макка ичида сизларни улардан музаффар айлаганидан кейин тўсди. Аллоҳ қилаётган ишларингизни Кўргувчидир.

- 25.** Улар шундай кимсалардирки, куфр келтирдилар. Сизларни Масжидул-Ҳаромдан тўсдилар. Қурбонликларни эса ҳибс қилиниб, ўз жойига етиб боришидан тўсдилар. Агар сизлар билмаган мўмин кишилар ва мўмина аёллар бўлиб, сизлар уларни билмасдан ўлдириб қўйиб, сизларга бир айбдорлик етиб қолмаганида эди... Аллоҳ Ўзи истаган одамни Ўз раҳматига дохил қилиши учун (шундай қилди). Агар улар ажралиб турганларида эди, улардан куфр келтирганларни аламли азоб билан азоблаган бўлар эдик.
- 26.** Ўшанда куфр келтирганлар қалбларига ҳамиятни, жоҳилият ҳамиятини жойладилар. Бас, Аллоҳ Ўзининг Пайғамбари ва мўминларга Ўз оромини нозил қилди ҳамда уларга тақво калимасини лозим қилди. Унга лойиқ ва ҳақли эдилар. Аллоҳ ҳар бир нарсани Билгувчидир.
- 27.** Дарҳақиқат, Аллоҳ Расулининг тушини ҳақ ила рост айлади. Иншооллоҳ, Масжидул-Ҳаромга тинч-хотиржам, сочларингиз олинган, қисқартирилган ҳолда кўркмасдан албатта кириб борурсизлар. Бас, (Аллоҳ) сизлар билмаган нарсани билди ва ундан олдин бир яқин зафарни қилди.
- 28.** У шундай Зотки, Расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан уни барча динлардан ғолиб

қилиш учун юборди. Гувоҳ бўлишга Аллоҳ кифоядир.

- 29.** Муҳаммад Расулуллоҳ ва у зот билан бирга бўлганлар кофирларга қаҳрли, ўз ораларида эса раҳм-шафқатлидирлар. Кўрасизки, улар Аллоҳдан фазл ва ризолик тилаб рукуъ ва саждалар қиладилар. Уларнинг юзларида сажда изидан белги бордир. Мана шу уларнинг Тавротдаги мисолларидир. Инжилдаги мисоллари эса худди бир шохлар чиқариб, қувватга киргач, йўғонлашиб, ўз танасида тик турган, деҳқонларни лол қолдирадиган дарахтга ўхшайди. Токи улар туфайли кофирларга алам қилсин. Аллоҳ улардан иймон келтириб, яхши амаллар қилганларига мағфират ва улуғ ажр ваъда қилган.

 Ҳужурот сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Эй иймон келтирганлар, Аллоҳ ва Расули олдида улардан олдинга ўтиб кетманглар. Аллоҳдан тақво қилинглар. Аллоҳ Эшитгувчи, Билгувчидир.
2. Эй иймон келтирганлар, овозингизни Пайғамбар овозидан юқори кўтарманглар. Унга бир-бирингизга йўғон овозда гапирганингиздек гапирманглар. Токи ўзларингиз сезмаган ҳолингизда амалларингиз ҳабата кетиб қолмасин.
3. Дарҳақиқат, овозларини Аллоҳнинг Пайғамбари ҳузурида пасайтирганлар, ана ўшаларнинг қалбларини Аллоҳ тақво учун имтиҳон қилгандир. Улар учун мағфират ва улуғ ажр бордир.
4. Дарҳақиқат, сизни ҳужралар ортидан чақирадиганларнинг аксари ақл юритмаслар.
5. Агар улар то уларнинг олдиларига чиққунингизга қадар сабр қилиб турганларида ўзларига яхши бўларди. Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон Зотдир.
6. Эй иймон келтирганлар, сизларга бир фосиқ хабар олиб келса, аниқлаштиринглар. Токи бир қавмга билмасдан мусибат етказиб

қўйиб, кейин қилган ишингизга пушаймон бўлиб юрманглар.

7. Билингларики, орангизда Аллоҳнинг Пайғамбари бор. У кўп ишларда сизларга итоат қиладиган бўлса, қийналиб қоласизлар. Лекин Аллоҳ сизларга иймонни севимли қилиб, уни қалбларингизга чиройли қилиб кўрсатди. Куфр, фосиқлик ва маъсиятни эса ёқимсиз қилиб кўрсатди. Ана ўшалар тўғри йўлда юргувчилардир.
8. Бу Аллоҳ тарафидан бўлган фазл ва неъматдир. Аллоҳ Билгувчи ва Ҳаким Зотдир.
9. Агар мўминлардан икки тоифа урушиб қолса, уларнинг ўрталарини ислоҳ қилинглари. Агар улардан бири бошқасига зўравонлик қилса, ўша зўравонлик қилганига қарши то Аллоҳнинг буйруғига қайтгунига қадар жанг қилинглари. Агар қайтса, уларнинг ўрталарини адолат билан ислоҳ қилинглари. Одил бўлинглари. Албатта, Аллоҳ одилларни яхши кўради.
10. Мўминлар шак-шубҳасиз ака-укалардир. Бас, ака-укангизнинг ўртасини ислоҳ қилиб қўйинглари. Аллоҳдан кўрқинглари. Шоядки, раҳм қилинсангизлар.
11. Эй иймон келтирганлар, бир қавм бошқа қавмни масхара қилмасин. Эҳтимол

улардан яхшироқдирлар. Айрим аёллар бошқа аёлларни ҳам масхара қилмасин. Эҳтимол улардан яхшироқдирлар. Ўзларингизни мазах қилманглар ва бир-бирингизга лақаб қўйманглар. Иймондан кейинги фосиқлик нақадар ёмон ном. Ким тавба қилмаса, ана ўшалар золимлардир.

12. Эй иймон келтирганлар, кўп гумонлардан четланинглар. Айрим гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар. Бирингиз яна бирингизни ғийбат қилмасин. Бировингиз ўлган биродарининг гўштини ейишни ёқтирадими? Шуни ёқтирмадинглар-ку! Аллоҳдан такво қилинглар. Аллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи, Меҳрибон Зотдир.

13. Эй инсонлар, дарҳақиқат, Биз сизларни бир эркак ва бир аёлдан яратиб, ўзаро бир-бирингиз билан танишмоғингиз учун халқлар ва қабилалар қилиб қўйдик. Албатта, Аллоҳнинг наздида энг ҳурматлигингиз энг такводорингиздир. Албатта, Аллоҳ Билгувчи, Хабардор Зотдир.

14. Аъробийлар: «Иймон келтирдик», дедилар. Айтинг: «Иймон келтирмадинглар. «Бўйсундик», денглар. Иймон ҳали қалбларингизга кириб бормади. Агар Аллоҳга ва Пайғамбарига итоат этсангизлар, сизларга амалларингиздан бирон

нарсани камайтирмас. Дарҳақиқат, Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон Зотдир».

15. Аллоҳга ва Расулига иймон келтирган, кейин шубҳа қилмаган ҳамда ўз моллари ва жонлари билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилган зотлар чин мўминлардир. Ана ўшалар содиқлардир.
16. Айтинг: «Аллоҳга дининглари билдириб қўймоқчимисизлар? Ҳолбуки, Аллоҳ осмонлардаги нарсаларни ҳам, ердаги нарсаларни ҳам билади. Аллоҳ ҳамма нарсани Билгувчидир».
17. Сизга мусулмон бўлганларини миннат қиладилар. Айтинг: «Менга мусулмон бўлганингизни миннат қилманглар. Аксинча, агар ростгўй бўлсангизлар, Аллоҳ сизларни иймонга ҳидоят қилганини миннат қилади».
18. Албатта, Аллоҳ осмонлару ернинг ғайбини билади. Аллоҳ қилаётган ишларингизни Кўргувчидир.

Қоф сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Қоф. Улуғ Қуръонга қасам.
2. Балки улар огоҳлантирувчи ўзларидан келганига ажабландилар ва кофирлар: «Бу жуда қизиқ-ку», дедилар.
3. Ўлиб, тупроқ бўлиб кетганимиздан кейин-а? Бу узоқ қайтишдир.
4. Замин улардан камайтираётган нарсаларни билиб турибмиз. Бизда сақловчи китоб бор.
5. Балки уларга ҳақ келганда уни ёлғонга чиқардилар. Бас, улар бир беқарор ишдалар.
6. Тепаларидаги самога, уни қандай бино қилганимизга, безаб қўйганимизга, тешиклари йўқ эканига назар солмайдиларми?
7. Заминни эса ёйиб қўйдик. Унга тоғларни ўрнатдик. Унда турли хил гўзал жуфтларни ўстирдик.
8. Ҳар бир қайтгувчи бандага кўрсатма ва ибрат қилиб.
9. Осмондан баракали ёмғир ёғдириб, у билан ўриб олинадиган дон-дунларни ўстирдик.
10. Мевали новдалари зич бўлган баланд хурмоларни ҳам.
11. Бандаларгаризққилиб. У билан ўликшарҳарни

тирилтирдик. Чиқиш ҳам мана шундай.

12. Улардан олдин Нух қавми, қудуқ эгалари ва Самуд ҳам ёлғонга чиқаргандилар.
13. Од, Фиръавн ва Лут биродалари.
14. Дарахтзор эгалари ва Туббаъ қавми ҳам. Ҳаммалари пайғамбарларни ёлғончига чиқарганлар. Бас, ваъдам ҳақ бўлди.
15. Дастлабки яратишга ожизлик қилдикми? Балки улар янги яратилишдан шубҳададирлар.
16. Дарҳақиқат, инсонни яратдик. Унга нафси нимани васваса қилишини биламиз. Биз унга жон томиридан ҳам яқинроқмиз.
17. Зеро, ўнг ва чап тарафларда ўтирган икки қабул қилгувчи қабул қилиб туради.
18. Биронсўзайтса, ўшазаҳоти унинг ҳузурида бир ҳозиру нозир кузатувчи бўлади.
19. Ўлим алаҳсираши чиндан етиб келди. Сен қочиб юрган нарсa мана шудир.
20. Сурҳам чалинди. Бу ваъда қилинган кундир.
21. Ҳар бир жон бир ҳайдагувчи ва бир гувоҳ билан бирга келди.
22. Мана шундан ғафлатда эдинг. Бас, сендан пардангни очиб юбордик. Энди бугун кўзинг ўтқир.
23. Унинг ҳамроҳи деди: «Мана шу менинг ҳузуримда ҳозирлангандир».
24. Ҳар бир саркаш кофирни жаҳаннамга улоқтиринглар.

25. Яхшиликдан қайтарадиган, шубҳаланаверадиған зўравонни.
26. Аллоҳ билан бирга яна бир илоҳни қилиб олғанни. Бас, уни қаттиқ азобга улоқтиринглар.
27. Унинг яқини деди: «Парвардигоро, уни мен ҳаддидан оширмадим. Лекин унинг ўзи узоқ залолатда эди».
28. Деди: «Менинг ҳузуримда тортишманглар. Сизларга олдин шуни ваъда қилганман.
29. Менинг ҳузуримда айтилган гап ўзгартирилмас ва Мен бандаларга зулм қилгувчи эмасман».
30. У кунда жаҳаннамга: «Тўлдингми?» - деймиз. У эса: «Яна қўшимча борми?», дейди.
31. Тақводорлар учун жаннат узоқ бўлмаган бир жойга яқинлаштирилди.
32. Мана шу ҳар бир қайтгувчи, сақлагувчи учун ваъда қилинган нарсадир.
33. Раҳмондан ғойибона қўрқиб, тавба қилгувчи қалб билан келганлар учун.
34. «Унга тинч-омон киринглар. Бу мангулик кунидир».
35. У ерда уларга истаган нарсалари бор. Яна Бизнинг ҳузуримиздаги қўшимча ҳам.
36. Улардан олдин улардан кўра қудратлироқ

қанча авлодни ҳалок этганмиз. (Улар) Бирон нажот бормикин, дея шаҳарларда изғиб юрганлар.

37. Албатта, бу ишда қалби бор ёки ўзи огоҳ ҳолида қулоқ солган кишиларга эслатма бордир.
38. Дарҳақиқат, осмонлару ерни ва улар орасидаги нарсаларни олти кунда яратдик. Бизни ҳеч қандай чарчоқ тутмади.
39. Улар айтаётган гапларга сабр қилинг. Қуёш чиқишидан олдин ҳам, ботишидан олдин ҳам Парвардигорингизга ҳамду сано, тасбеҳ айтинг.
40. Туннинг бир қисмида ҳам, саждалар ортидан ҳам тасбеҳ айтинг.
41. Жарчи яқин жойдан жар соладиган кунда қулоқ солинг.
42. Улар қичқирикни чиндан эшитадиган кунда. Бу (қабрлардан) чиқиш кунидир.
43. Жон берадиган ҳам, жон оладиган ҳам Бизмиз. Қайтиб келиш ҳам Бизгадир.
44. У кунда ер ёрилиб, шошиб қоладилар. Бу тўплаш Биз учун енгилдир.
45. Улар айтаётганларини Биз биламиз. Сиз уларга зўрлик қилгувчи эмассиз. Бас, азоб ҳақидаги ваъдамдан кўрқадиган кишиларни Қуръон билан огоҳлантиринг.

Зориёт сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Тўзитгувчи (шамол)ларга қасам.
2. Ташигувчи (булут)ларга қасам.
3. Енгил юргувчи (кема)ларга қасам.
4. Иш тақсимлагувчи (фаришта)ларга қасам.
5. Сизларга ваъда қилинаётган нарса ростдир.
6. Ҳисоб-китоб, албатта, рўй бергувчидир.
7. Йўллар эгаси бўлган самога қасам.
8. Албатта, сизлар ихтилофли гап ичидасизлар.
9. Ундан бурилган бурилиб кетаверади.
10. Ёлғончиларга лаънат бўлсин!
11. Улар жаҳолат гирдобидаги ғофиллардир.
12. «Ҳисоб-китоб кун қачон?» - деб сўрайдилар.
13. У улар оловда азобланадиган кундир.
14. Азобингизни татинглар. Сизлар шошилтириб юрган нарса мана шу.
15. Тақводорлар жаннатлар ва булоқлардадирлар.
16. Парвардигорлари ато этган нарсаларни олганлари ҳолда. Дарҳақиқат, улар ундан олдин муҳсинлар эдилар.
17. Туннинг оз қисмида ухлардилар.
18. Саҳарларда истиғфор айтардилар.

19. Уларнинг мол-давлатларида тиланчи ва муҳтожнинг ҳақи бўлар эди.
20. Заминда ишонувчилар учун белгилар бор.
21. Ўзларингизда ҳам. Кўрмайсизларми?!
22. Самода ҳам ризқингиз ва сизларга ваъда қилинган нарсаси бор.
23. Само ва заминнинг Парвардигорига қасамки, у (қайта тирилиш) сизларнинг сўзлаётганингиз каби ҳақдир.
24. Сизга Иброҳимнинг азиз меҳмонлари ҳақидаги хабар келдими?
25. Ўшанда улар унинг олдида кириб: «Салом», дедилар. Деди: «Салом. Нотаниш қавм-ку».
26. Секин оиласи олдида бориб, бир семиз бузоқни олиб келди.
27. Уни уларга яқин суриб: «Емайсизларми?», деди.
28. Улардан хавфсирай бошлади. Улар: «Қўрқма», дедилар ва унга бир билимдон ўғил ҳақида хушхабар бердилар.
29. Бас, хотини қичқирганча келди-да, ўзининг юзига уриб: «Бир туғмас кампир-а?», деди.
30. Дедилар: «Парвардигоринг шундай деди. Албатта, У Ҳаким ва Билгувчи Зотдир».
31. Деди: «Эй элчилар, нима иш билан келдингизлар?»
32. Дедилар: «Биз жиноятчи қавмга юборилганмиз.

33. Уларнинг устига сополдан бўлган тошни ёғдиришимиз учун.
34. Парвардигоринг даргоҳида ҳаддан ошганлар учун белгилаб қўйилган (тошни)».
35. Бас, биз у ердан мўмин бўлганларини чиқардик.
36. У ерда бир уйдан бошқа мусулмонларни топмадик.
37. Аламли азобдан қўрқадиганлар учун у ерда бир белгини қолдирдик.
38. Мусода ҳам бор. Ўшанда уни Фиръавнга очик ҳужжат билан юборгандик.
39. Куч-қудратига ишониб, юз ўгирди ва: «Бу сеҳргар ёки мажнун», деди.
40. Бас, уни ва лашкарини тутдик-да, денгизга отдик. У маломатга лойиқдир.
41. Одда ҳам (эслатма-ибратлар) бор. Ўшанда уларга туғмас бўронни юборгандик.
42. У қайси бир нарсанинг устига келса, уни чириб кетган суяклардек қилмасдан қўймас эди.
43. Самудда ҳам (ибрат-эслатмалар) бор. Ўшанда уларга: «Вақтинча фойдаланиб тураверинглар», дейилди.
44. Парвардигорларининг амридан ўзларини катта олдилар. Бас, уларни кутиб турган пайтларида ҳайқирик тутди.
45. Бас, туролмай ҳам қолдилар. Ёрдам олгувчи ҳам бўлмадилар.

46. Ундан олдин Нух қавмини ҳам (ҳалок қилган эдик). Дарҳақиқат, улар ғосик қавм эдилар.
47. Самони куч-қудрат ила бино қилдик. Дарҳақиқат, Биз уни кенгайтиргувчимиз.
48. Ерни эса тўшаб қўйдик. Биз нақадар яхши жой қилгувчилармиз.
49. Ҳар бир нарсани жуфт-жуфт қилиб яратдик. Шоядки, эслатма-ибрат олсангизлар.
50. Бас, Аллоҳгагина қочинглар. Дарҳақиқат, мен сизлар учун У Зотдан очик огоҳлантиргувчиман.
51. Аллоҳ билан бирга бошқа бир худони қилиб олманглар. Албатта, мен сизларни У Зотдан очик огоҳлантирувчиман.
52. Шунингдек, улардан олдин бирон бир пайғамбар келса, уни сеҳргар ёки мажнун, дедилар.
53. Шуни бир-бирларига васият қилганмилар? Йўқ. Балки улар ҳаддан ошган қавмдир.
54. Бас, улардан юз ўғиринг. Сиз маломат қилингувчи эмассиз.
55. Насиҳат қилинг. Зеро, насихат мўминларга фойда беради.
56. Инсу жинни фақат Менга ибодат қилишлари учунгина яратдим.
57. Улардан бирон ризқ истамайман. Улар мени озуқалантиришларини

хоҳламайман.

58. Аллоҳнинг Ўзи Раззоқдир. Куч-қувват соҳиби, қудратлидир.

59. Зулм қилганларнинг дўстларининг гуноҳларича гуноҳлари бор. Бас, Мени шошилтирмасинлар.

60. Куфр келтирганлар учун уларга ваъда қилинган кунларидан ҳалокат бўлсин.

 Тур сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Турга қасам.
2. Битилган Китобга қасам.
3. Очиқ саҳифадаги.
4. Байтул-Маъмурга қасам.
5. Баланд кўтарилган шифтга қасам.
6. Тўлиб-тошган денгизга қасам.
7. Парвардигорингизнинг азоби, шак-шубҳасиз,
юз бергувчидир!
8. Унинг учун бирон мудофаа қилгувчи йўқдир.
9. Осмон титраб-чайқалган кунда.
10. Тоғлар юриб кетган кунда.
11. Ана ўша кунда (у кунни) ёлғон дегувчиларга
ҳалокат бўлгай!
12. (Ёлғон дегувчилар)ки, улар (ботил
тушунчаларга) шўнғиб, ўйнаб
юраверадилар.
13. Улар жаҳаннам ўтига ҳайдалган кунда.
14. Сизлар ёлғон деган ўт мана шудир.
15. Бу ҳам сеҳрми ёки сизлар
кўрмаяпсизларми?!
16. Унга киришлар! Сабр қиласизларми,
қилмайсизларми, фарқийўқ. Барибир қилган
ишларингизга яраша аниқ жазо оласизлар.

17. Такводорлар жаннатларда ва неъматлар ичрадир.
18. Парвардигорлари ато этган нарсалардан шод бўлиб юрадилар. Парвардигорлари уларни дўзах азобидан асраб қолгандир.
19. Қилган амалларингиз учун еб-ичинглар. Ош бўлсин.
20. Тизилиб турган сўриларда ястаниб. Биз уларни оҳу кўзли ҳурларга уйлантириб қўямиз.
21. Ўзлари иймон келтирган, зурриётлари эса уларга иймон билан эргашган зотларга зурриётларини ҳам қўшиб қўямиз. Уларнинг амалларидан бирон нарсани камайтирмаймиз. Ҳар бир одам ўзи қилган ишнинг гаровидир.
22. Уларга кўнгиллари тусаган мева ва гўшт билан мадад бердик.
23. У ерда косаларни қўлма-қўл қилурлар. У ерда беҳудалик ҳам, гуноҳ ҳам йўқ.
24. Атрофларида худди садафдаги дурдек ғуломлар айланиб турадилар.
25. Бир-бирларига қараб сўрашадилар.
26. Дедилар: «Олдин оиламизда кўрқардик».
27. Бас, Аллоҳ бизга марҳамат қилиб, бизни самум (қаттиқ иссиқ) азобидан асради.
28. Дарҳақиқат, биз илгари У Зотга дуо қилар эдик. Албатта, У Марҳаматли ва Меҳрибон Зотдир.

29. Бас, эслатаверинг. Сиз Парвардигорингизнинг неъматин ила коҳин ҳам, мажнун ҳам эмассиз.
30. Ёки: «У шоир. Ўлимга йўлиқишини кутиб турамиз», дейдиларми?
31. Айтинг: «(Ўлимимни) кутаверинглар! Мен ҳам сизлар билан бирга кутиб тургувчиларданман».
32. Ёки уларни ақллари шунга буюрадими? Ё улар ҳаддан ошган қавмми?
33. Ёки уни ўзи тўқиган, дейдиларми? Йўқ! Улар ишонмайдилар.
34. Агар ростгўй бўлсалар, унга ўхшаш бир гапни келтирсинлар-чи!
35. Балки улар ҳеч нарсадан (ўзларича) яралиб қолдиларми?! Ёки уларнинг ўзлари яратувчиларми?!
36. Балки осмонлару ерни яратгандирлар. Йўқ, ишонмайдилар.
37. Балки Парвардигорингизнинг хазиналари ҳам уларнинг ҳузуридадир?! Ёки улар бошқарувчиларми?!
38. Балки уларнинг нарвонлари бўлиб, унда туриб қулоқ солармикинлар?! Шундай бўлса, эшитувчилари бир очик ҳужжат келтирсинлар-чи?!
39. Ёки У Зотга қизлару, сизларга эса ўғилларми?!
40. Ёки сиз улардан ҳақ сўраяпсиз-у, улар тўлашдан қийналиб қолгандирлар?!

41. Ёки ғайб уларнинг ҳузурида бўлиб, ўзлари ёзиптиларми?!
42. Ёки бир найранг қилмоқчи бўлаётгандирлар?! Бас, куфр келтирган кимсаларнинг ўзлари найрангга йўлиқадилар.
43. Ёки уларнинг Аллоҳдан бошқа илоҳи борми? Аллоҳ улар келтираётган ширкдан Покдир!
44. Агар улар самодан тушаётган парчани кўрсалар ҳам, тўпланган булут, дейдилар.
45. Уларни то ҳалокатга учрайдиган кунларига йўлиққунларига қадар тек қўйинг.
46. У кунда уларнинг найранглари бирон нарсага асқотмас ва уларга ёрдам берилмас.
47. Зулм қилганлар учун бундан бошқа азоб ҳам бор. Лекин уларнинг кўплари билмаслар.
48. Парвардигорингизнинг ҳукмига сабр қилинг. Зеро, сиз Бизнинг кўз ўнгимиздасиз. Тураётган пайтингизда Парвардигорингизга ҳамду тасбеҳ айтинг.
49. Туннинг бир қисмида ҳам. Бас, У Зотга тасбеҳ айтинг. Юлдузлар ботганидан кейин ҳам.

 Нажм сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Ботаётган юлдузга қасам.
2. Соҳибингиз адашмади, йўлдан ҳам озмади.
3. Ҳаводан гапирмайди.
4. У ваҳий қилинган ваҳийдан бошқа нарса эмас.
5. Буни унга бир ўта кучли зот (Жаброил алайҳиссалом) ўргатган.
6. Қудрат эгаси. Бас, (Жаброил алайҳиссалом) тик турди.
7. Ҳолбуки, у буюк уфқда эди.
8. Кейин яқинлашиб, пастлади.
9. Бас, икки камон оралиғида ё янада яқинроқ бўлди.
10. Унинг бандасига ваҳий қилган нарсасини олиб келди.
11. Қалби кўрган нарсасини ёлғон демади.
12. У билан у кўрган нарса ҳақида тортишасизларми?
13. Дарҳақиқат, уни иккинчи марта кўрди.
14. Энг четдаги Нилуфар ёнида.
15. Жаннати маъво унинг ёнидадир.
16. Ўшанда Нилуфарни ўраган нарса ўраб олганди.

17. Кўзи оғмади. Ҳаддидан ҳам ошмади.
18. Дарҳақиқат, у Парвардигорининг буюк оятларидан айримларини кўрди.
19. Лот ва Уззо ҳақида ўйлаб кўрдингларми?
20. Бошқа учинчиси Манот ҳақида?
21. Сизларга эркагу, У Зотга аёлми?
22. У ҳолда бу адолатсиз тақсим-ку?!
23. Улар ўзларингиз ва ота-боболарингиз қўйиб олган номлар, холос. Аллоҳ улар ҳақида бирон ҳужжат нозил қилмаган. Улар фақат гумонга ва ҳавойи нафсларигагина эргашмоқдалар. Ҳолбуки, уларга Парвардигорлари тарафидан ҳидоят келиб турибди-ку!
24. Ёки инсон учун ўзи орзу қилган нарса бўлаверадими?
25. Бас, охират ҳам, дунё ҳам ёлғиз Аллоҳникидир.
26. Самоларда қанча фаришталар борки, уларнинг шафоатлари бирон фойда бермайди. Аллоҳ Ўзи истаган ва рози бўлган кимсаларга изн бергани бундан мустасно.
27. Охиратга иймон келтирмаганлар фаришталарни аёллар номланишидек номлайдилар.
28. Уларда бу ҳақда ҳеч қандай илм йўқ. Улар фақат гумонга эргашадилар. Гумон эса ҳақдан бирон нарсанинг ўрнини боса олмайди.
29. Бизни эслашдан бош тортиб, фақат дунё

ҳаётинигина истайдиган кимсадан юз ўғиринг.

- 30.** Уларнинг илмдан етиб борган жойлари мана шу. Албатта, Парвардигорингиз Ўзининг йўлидан адашиб кетган кимсани яхши билгувчидир. У Зот ҳидоят топган кимсани ҳам яхши билгувчидир.
- 31.** Самолардаги нарсалар ҳам, заминдаги нарсалар ҳам Аллоҳникидир. У Зот ёмонлик қилганларнинг жазосини бергай, яхшилик қилганларнинг эса мукофотини бергай.
- 32.** Улар шундай зотларки, катта гуноҳлардан ва бузуқликлардан четланадилар. Кичик хатолар бундан мустасно. Албатта, Парвардигорингиз мағфирати кенг Зотдир. У Зот сизларни яхшироқ билгувчидир. Сизларни ердан пайдо қилган пайтида ҳам. Сизлар оналарингизнинг қорнида ҳомила бўлиб турганингизда ҳам. Шундай экан, ўзларингизни оқламай кўя қолинглар. У Зот ким тақво қилганини жуда яхши билгувчидир.
- 33.** (Ислом динидан) юз ўғирган кимсани кўрдингизми?
- 34.** У озгина берди ва тўхтади.
- 35.** Ғайб илми унинг ҳузурида бўлиб, кўриб турган эканми?
- 36.** Ёки Мусонинг саҳифаларидаги нарсалар ҳақида унга хабар берилмаганми?

37. Ва вафо қилган Иброҳимнинг (саҳифалари ҳақида хабар берилмаганми)?
38. Ҳеч бир кўтарувчи бошқанинг юкини кўтармас.
39. Инсон учун ўзи ҳаракат қилганидан бошқа нарса бўлмайди.
40. Унинг ҳаракати яқинда кўрилади.
41. Кейин жазо ёки мукофоти тўла берилади.
42. Дарҳақиқат, интиҳо жойи Парвардигорингизгадир.
43. Албатта, кулдирадиган ҳам, йиғлатадиган ҳам Унинг Ўзидир.
44. Ўлдирадиган ҳам, тирилтирадиган ҳам Унинг Ўзидир.
45. Дарҳақиқат, У Зот жуфтликни - эркак ва аёлни яратди.
46. Отилиб чиққан нутфадан.
47. Кейинги пайдо қилиш ҳам Унинг зиммасидадир.
48. Албатта, беҳожат қилган ҳам, бадавлат қилган ҳам Унинг Ўзидир.
49. Шеър (ёритадиган юлдуз)нинг Парвардигори ҳам Унинг Ўзидир.
50. Албатта, у дастлабки Одни ҳалок этди.
51. Самудни ҳам қолдирмади.
52. Ундан олдин Нух қавмини ҳам. Албатта, улар золим ва ҳаддан ошган кимсалар эдилар.
53. Тўнтарилганни қулатган ҳам.
54. Бас, уни ўраган нарса ўраб олди.

- 55.** Бас, Парвардигорингнинг қайси оятларига шак келтирасан?
- 56.** Бу олдинги огоҳлантирувчилардан бир огоҳлантирувчидир.
- 57.** Яқинлашувчи яқинлашди.
- 58.** Уни Аллоҳдан бошқа кашф этгувчи йўқдир.
- 59.** Мана шу гапдан ажабланасизларми?
- 60.** Йиғламасдан, куласизларми?
- 61.** Бепарво бўлиб-а?
- 62.** Бас, Аллоҳга сажда қилинглари ва ибодат қилинглари.

 Қамар сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Соат яқинлашди. Ой бўлинди.
2. Бирон оятни кўрсалар, юз ўгирадилар ва:
«Бу ҳар доимги сеҳр», дейдилар.
3. Ёлғонга чиқардилар ва ҳавойи нафсларига
эргашдилар. Ҳар бир иш ўз жойидадир.
4. Уларгатиштириш (белгилари) бор хабарлар
ҳам келган.
5. Етук ҳикмат ҳам. Бас, огоҳлантиришлар
фойда бермас.
6. Бас, улардан юз ўғиринг. Чорлагувчи
нотаниш нарсага чорлаган кунда.
7. Кўзлари кўрқувга тўлиб, бамисоли
тарқалиб кетган чигирткалардек
қабрлардан чиқиб келадилар.
8. Чорлагувчи сари шошиб борар эканлар,
кофирлар: «Бу оғир кундир», дейдилар.
9. Улардан олдин Нух қавми ҳам ёлғончи
қилган эди. Бандамизни ёлғончи қилиб,
мажнун, дедилар ва у тўсиб қўйилди.
10. Бас, Парвардигорига: «Мен мағлубман,
ёрдам бер», деб дуо қилганди.
11. Бас, само эшикларини шаррос
қуйилаётган сув билан очиб юбордик.

12. Ердан булоқлар чиқардик. Бас, сувлар тақдир қилинган иш устида учрашдилар.
13. Уни эса тахталари ва михлари бор нарса устига орддик.
14. У Бизнинг Кўз ўнгимизда юради. Инкор қилинган киши учун мукофот бўлиб.
15. Уни бир белги қилиб қолдирдик. Бас, бирон ибрат олгувчи борми?!
16. Бас, азобим ва огоҳлантиришим қандай бўлди?!
17. Дарҳақиқат, Қуръонни эслатма олишга қулай қилиб қўйдик. Бас, бирон эслатма олгувчи борми?!
18. Од ҳам ёлғончига чиқарди. Бас, азобим ва огоҳлантиришим қандай бўлди?!
19. Дарҳақиқат, Биз мудом машъум бўлиб турган бир кунда улар устига бир даҳшатли бўронни юбордик.
20. У одамларни илдизи билан қўпориб олинган хурмо таналаридек учириб кетади.
21. Бас, азобим ва огоҳлантиришим қандай бўлди?!
22. Дарҳақиқат, Қуръонни эслатма олишга қулай қилиб қўйдик. Бас, бирон эслатма олгувчи борми?!
23. Самуд огоҳлантиришларни ёлғонга чиқарди.
24. Дедилар: «Ўзимиздан бўлган биттасига эргашамизми? У ҳолда биз аниқ залолатда ва ҳамоқатда бўлиб қоламиз-ку.

25. Орамиздан ўшанга эслатма ташланибдими? Балки у мутакаббир каззобдир».
26. Мутакаббир каззоб кимлигини эртага билиб оладилар.
27. Дарҳақиқат, Биз уларни синаш учун бир туя юборгувчидирмиз. Бас, сен уларни кузатиб, сабр қилиб тур.
28. Уларга хабар бергинки, сув уларнинг ўртасида тақсимланиб, ҳар бир ичишга (навбати келган) ҳозир бўлар.
29. Ўзларининг бир шерикларини чақирдилар. Бас, уни ушлаб сўйиб юборди.
30. Бас, азобим ва огоҳлантиришим қандай бўлди?!
31. Дарҳақиқат, Биз уларнинг устига бир қичқирик юбордик. Бас, улар кўра ясовчининг хашаги каби бўлиб қолдилар.
32. Дарҳақиқат, Қуръонни эслатма олишга қулай қилиб қўйдик. Бас, бирон эслатма олгувчи борми?!
33. Лут қавми огоҳлантиришларни ёлғон деди.
34. Биз уларнинг устига бўрон юбордик. Лут оиласи бундан мустасно. Уларга саҳарда нажот бердик.
35. (Нажот) биз тарафимиздан бўлган бир неъматдир. Шукр қилган кишиларни мана шундай мукофотлаймиз.
36. Дарҳақиқат, уларни Бизнинг ушлашимиздан

огоҳлантирди. Улар эса огоҳлантиришларга шубҳа билан қарадилар.

37. Унинг меҳмониини йўлдан урмоқчи бўлдилар. Шунда уларнинг кўзларини кўр қилиб қўйдик. Бас, азобимни ва огоҳлантиришимни татинглар.
38. Тонгда уларга барқарор азоб келди.
39. Бас, азобимни ва огоҳлантиришларимни татинглар!
40. Дарҳақиқат, Қуръонни эслатма олишга қулай қилиб қўйдик. Бас, бирон эслатма олгувчи борми?!
41. Дарҳақиқат, Фиръавн оиласига ҳам огоҳлантиришлар келди.
42. Ҳамма оятларимизни ёлғонга чиқардилар. Бас, уларни Ғолиб, Қудратли Зотнинг ушлаши билан ушладик.
43. Сизларнинг кофирларингиз ўшалардан яхшироқми ёки сизлар учун китобларда оқлайдиган ҳужжат борми?
44. Ёки: «Биз ғолиб жамоамиз», дейишар?
45. У жамоа яқинда енгилади ва ортга чекинадилар.
46. Балки уларга ваъда қилинган замон Қиёматдир ва Қиёмат янада улкан, янада аччиқдир.
47. Албатта, жинойтчилар залолатда ва азобдадирлар.
48. Улар юзтубан ҳолларида дўзахга

судраладиган кунда. «Дўзах азобини татинглар!» (дейилади).

49. Дарҳақиқат, Биз ҳар бир нарсани бир ўлчов билан яратдик.
50. Бизнинг фармонимиз кўз юмиб очгунчалик бир сўздир.
51. Дарҳақиқат, сизларга ўхшаганларни ҳалок этдик. Бас, бирон эслатма олгувчи борми?!
52. Улар қилган ҳар бир иш китоблардадир.
53. Ҳар бир кичик ва катта иш ёзилгандир.
54. Албатта, тақводорлар жаннатларда ва дарёлардадирлар.
55. Қудратли Подшоҳ ҳузуридаги ҳақ ўринда.

 Роҳман сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Меҳрибон.
2. Қуръонни ўргатди.
3. Инсонни яратди.
4. Унга баённи ўргатди.
5. Қуёш ҳам, ой ҳам ҳисоб биландир.
6. Ўт-ўлан ҳам, дов-дарахт ҳам сажда қилурлар.
7. Самони баланд кўтарди ва мезонни ўрнатди.
8. Тош-тарозида ҳаддан ошмаслигингиз учун.
9. Адолат билан тортинглар ва тарозидан уриб қолманглар.
10. Заминни махлуқотлар учун қўйди.
11. Унда мевалар ва гулкосали хурмолар бор.
12. Ҳамда сомонли донлар ва райҳонлар бор.
13. Бас, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дейсизлар?!
14. Инсонни сопол каби қуриган лойдан яратди.
15. Жинларни эса оловдан яратди.
16. Бас, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дейсизлар?!
17. Икки машрик Парвардигори ва икки мағриб Парвардигори.
18. Бас, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дейсизлар?!

19. Денгиз-дарёни бир-бирлари билан
учрашадиган қилиб аралаштирди.
20. Ўрталарида бир тўсиқ бўлиб, ундан
ўтолмаслар.
21. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
22. Иккисидан дуру маржонлар чиқар.
23. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
24. Денгиздаги тоғлар каби юрувчи қурилмалар
ҳам Уникидир.
25. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
26. Унинг устидаги ҳамма фонийдир.
27. Буюклик ва фазлу карам соҳиби
Парвардигорингизнинг Юзигина боқий
қолур.
28. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
29. Ундан осмонлару ердаги жонзотлар
сўрайдилар. У Зот ҳар куни бир ишдадир.
30. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
31. Эй инсу жинлар, яқинда сизлар учун
бўшаймиз.
32. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
33. Эй жин ва инс жамоаси, агар осмонлару ер
ҳудудларидан ўтиб кета олсангизлар, ўтиб

кетаверинглар. Куч-қувват билангина ўтиб кета оласизлар.

34. Бас, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дейсизлар?!

35. Устингизга оловдан бир аланга ва тутун юборилур. Бас, қутула олмассизлар.

36. Бас, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дейсизлар?!

37. Само ёрилиб, ёғ каби қизариб қолганида.

38. Бас, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дейсизлар?!

39. Бас, ўша кунда инсон ҳам, жин ҳам гуноҳидан сўралмас.

40. Бас, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дейсизлар?!

41. Жинойтчилар сиймоларидан билиниб, пешоналари ва оёқларидан ушланурлар.

42. Бас, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дейсизлар?!

43. Жинойтчилар ёлғонга чиқарган жаҳаннам мана шу.

44. У билан қайноқ сув ўртасида айланаверадилар.

45. Бас, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дейсизлар?!

46. Парвардигори ҳузурида туришдан қўрққан кишилар учун икки жаннат бор.

47. Бас, Парвардигорингизнинг қайси неъматларини ёлғон дейсизлар?!

48. Шох-новдали.
49. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
50. Иккисида икки оқар булоқ бор.
51. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
52. Иккисида ҳар бир мевадан жуфт-жуфт бор.
53. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
54. Астарлари шойидан бўлган кўрпачалар
устида ястаниб ўтирадилар. Икки жаннат
мевалари яқин бўлгувчидир.
55. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
56. Уларда кўзларни тийгувчилар бор. Улардан
олдин уларга бирон инс ҳам, жин ҳам
тегинмаган.
57. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
58. Улар худди ёқут ва маржон кабидирлар.
59. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
60. Яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир.
61. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
62. Иккисидан қуйироқда яна икки жаннат бор.
63. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
64. Икки тўқ яшил.

65. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
66. Иккисида отилиб тургувчи икки булок бор.
67. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
68. Иккисида мевалар, хурмо ва анорлар бор.
69. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
70. Уларда хушхулқ гўзаллар бор.
71. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
72. Чодирлардан чиқмаган ҳурлар бор.
73. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
74. Улардан олдин уларга инс ҳам, жин ҳам
тегинмаган.
75. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
76. Яшил ёстиклар ва гўзал гиламлар устида
ястаниб ўтирадилар.
77. Бас, Парвардигорингизнинг қайси
неъматларини ёлғон дейсизлар?!
78. Буюклик ва карам соҳиб
Парвардигорингизнинг номи баракотли
бўлди.

Воқеа сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Воқеа рўй берганда.
2. Унинг рўй беришини ёлғон дегувчи бўлмас.
3. Пастлатувчи. Кўтаргувчи.
4. Ер қаттиқ ларзага келганда.
5. Тоғлар титилиб кетганда.
6. Чанг-тўзонга айланганда.
7. Сиз уч тоифа бўлганингизда.
8. Бас, ўнг тараф эгалари. Ўнг тараф эгалари нима?
9. Шум тараф эгалари. Шум тараф эгалари нима?
10. Пешқадамлар, пешқадамлар.
11. Ана ўшалар муқарраблардир.
12. Ноз-неъмат жаннатларида.
13. Олдингилардан кўпчилик.
14. Кейингилардан озчилик.
15. Тўқилган сўриларда.
16. Бир-бирларига рўбарў бўлиб, ястаниб ўтирадилар.
17. Атрофларида ёш болалар ҳар доим айланиб турадилар.
18. Оқар булокдан қадахлар, кўзалар ва косалар ила.

19. Улардан бошлари ҳам оғримас, маст ҳам бўлиб қолмаслар.
20. Хоҳлаган меваларини ҳам.
21. Иштаҳалари тортган қуш гўштини ҳам.
22. Оҳу кўзли ҳурлар ҳам бор.
23. Худди яшириб қўйилган дур каби.
24. Қилиб ўтган амалларининг мукофоти.
25. У ерда беҳуда гапни ҳам, гуноҳни ҳам эшитмаслар.
26. Фақат «Салом, салом», дейилганинигина эшитарлар.
27. Ўнг тараф эгалари. Ўнг тараф эгалари нима?
28. Тикансиз бутазорларда.
29. Тизилган бананзорларда.
30. Ёйилган сояда.
31. Оқизиб қўйилган сувларда.
32. Мўл-кўп меваларда.
33. Тугамайдиган ва ман ҳам қилинмайдиган.
34. Баланд кўтарилган кўрпачаларда.
35. Дарҳақиқат, Биз уларни дафъатан яратдик.
36. Уларни бокиралар қилдик.
37. Тенгдош маҳбубалар.
38. Ўнг тараф эгалари учун.
39. Олдингилардан ҳам кўпчилик.
40. Кейингилардан ҳам кўпчилик.
41. Чап тараф эгалари. Чап тараф эгалари нима?
42. Самум ва қайноқ сув ичрадирлар.
43. Қора тутундан иборат соядалар.

44. Салқин ҳам эмас, фойдали ҳам эмас.
45. Дарҳақиқат, улар бундан олдин маишатпараст эдилар.
46. Саркашлик билан катта гуноҳларни қилаверардилар.
47. «Ўлиб, тупроқ ва суяклар бўлиб кетганимизда яна қайта тириламизми?» - дер эдилар.
48. Олдинги ота-боболаримиз ҳам-а?
49. Айтинг: «Олдингилару кейингилар
50. Маълум кундаги белгиланган вақтда тўплангувчидирлар».
51. Кейин сизлар, эй ёлғон дегувчи гумроҳлар.
52. Албатта, заққум дарахтидан егувчисизлар.
53. Бас, ўшандан қоринларни тўлдиргувчисизлар.
54. Устидан қайноқ сув ичгувчисизлар.
55. Ташна туядек ичгувчисизлар.
56. Уларнинг Қиёмат кундаги зиёфатлари мана шу.
57. Сизларни Биз яратганмиз. Тасдиқ этмайсизларми?
58. Сизлар тўкадиган маний ҳақида ўйлаб кўрдингларми?
59. Уни сизлар яратасизларми ёки Биз яратгувчимизми?
60. Орангиздаги ўлимни ҳам Биз тақдир қилиб қўйганмиз ва Биз ожизлар эмасмиз.
61. Ўрнингизга ўхшашларингизни алмаштириб қўйишга ва сизларни ўзларингиз

- билмайдиган бир шаклда пайдо қилишга.
62. Дарҳақиқат, дастлабки пайдо бўлишни билдинглар. Бас, эслатма олмайсизларми?
63. Экаётган нарсангиз ҳақида ўйлаб кўрдингизми?
64. Уни сизлар ундирасизларми ёки Биз ундиргувчилармизми?
65. Агар истасак, уни қуруқ чўп қилиб юборган бўлар эдик. Бас, ҳайрон бўлиб қолар эдинглар.
66. «Дарҳақиқат, биз зарар кўргувчилармиз.
67. Йўқ, биз маҳрумлармиз», (деб қолар эдинглар).
68. Ўзингиз ичадиган сув ҳақида ўйлаб кўрдингларми?
69. Уни булутлардан сизлар ёғдирдингларми ёки Биз ёғдиргувчимизми?
70. Агар истасак, уни шўр қилиб қўйган бўлар эдик. Бас, шукр қилмайсизларми?
71. Ўзингиз ёқадиган олов ҳақида ўйлаб кўрдингларми?
72. Унинг дарахтини сизлар пайдо қилдингларми ёки Биз пайдо қилгувчимизми?
73. Биз уни бир эслатма ва йўловчилар учун бир манфаат қилдик.
74. Бас, улуғ Парвардигорингиз номини поклаб тасбеҳ айтинг.
75. Юлдузларнинг ботар жойларига қасам ичурман.
76. Ва бу, агар билсангиз, улуғ қасам.

77. Албатта, у улуг Қуръондир.
78. Асралган Китобда.
79. Уни фақат покланганларгина ушлайдилар.
80. Оламлар Парвардигори тарафидан нозил қилинган.
81. Мана шу сўзни менсимасдан инкор қиляпсизларми?
82. Мана шу ёлғон дейишингизни ўз ризқингиз қилиб оляпсизларми?
83. Жонингиз ҳалқумга келганда.
84. Ҳолбуки, ўзларингиз ўша пайтда қараб турасизлар.
85. Биз эса унга сизлардан ҳам яқинроқмиз. Лекин сизлар кўрмайсизлар.
86. Агар сизлар ҳисоб-китобга тортилмайдиган бўлсангизлар.
87. Агар ростгўй бўлсангизлар, уни жойига қайтаринглар-чи.
88. Бас, агар у яқин қилинганлардан бўлса,
89. Бас, роҳат, ёқимли ризқ ва неъматларга тўла жаннат (уникидир).
90. Агар ўнг тараф эгаларидан бўлса,
91. Бас, сенга ўнг тараф эгаларидан салом бўлсин.
92. Агар ёлғонга чиқарувчи гумроҳлардан бўлса,
93. Бас, (унга) ўта қайноқ сувдан иборат зиёфат бор.
94. Ва дўзахда ёниш.
95. Албатта, бу айни ҳақиқатдир.

96. Бас, улуғ Парвардигорингиз номини поклаб
тасбеҳ айтинг.

 Ҳадид сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳга тасбеҳ айтди. У Азиз ва Ҳаким Зотдир.
2. Осмонлару ернинг мулки Уникидир. Жон беради ва жон олади. Ва У ҳар нарсага қодирдир.
3. У Аввал ва Охирдир, Зоҳир ва Ботиндир. Ва У ҳар бир нарсани Билгувчидир.
4. У шундай Зотки, осмонлару ерни олти кунда яратди. Кейин Аршга кўтарилди. Ерга нима кирганини ҳам, ундан нима чиққанини ҳам, осмондан нима тушганини ҳам, унга нима кўтарилганини ҳам билади. Қаерда бўлсангизлар ҳам У сизлар билан биргадир. Аллоҳ қилаётган ишларингизни кўриб тургувчидир.
5. Осмонлару ернинг мулки Уникидир. Барча ишлар Аллоҳга қайтарилур.
6. Кечани кундуз ичига киритади. Кундузни кеча ичига киритади. У диллардаги нарсаларни ҳам Билгувчидир.
7. Аллоҳга ва Унинг элчисига иймон келтиринглар. У Зот сизларни халифа қилиб қўйган нарсалардан инфоқ қилинглари. Сизлардан иймон келтириб, инфоқ қилганлар

учун катта ажр бордир.

8. Агар сизлар мўмин бўлсангизлар, (Аллоҳ) сизлардан аҳду паймон олиб, Пайғамбар эса Парвардигорингизга иймон келтиришга даъват қилиб турган бир ҳолида сизларга нима бўлдики, Аллоҳга иймон келтирмайсизлар?
9. У шундай Зотки, сизларни зулматлардан нурга олиб чиқиш учун бандасига ёрқин оятларни нозил қилади. Аллоҳ сизларга Меҳрибон ва Шафқатли Зотдир.
10. Сизларга нима бўлдики, Аллоҳ йўлида сарфламайсизлар? Ҳолбуки, осмонлару ернинг мероси Аллоҳникидир. Сизлардан (ҳеч ким) фатҳдан олдин сарф-харажат қилган ва жанг қилган киши билан баробар бўлмас. Ана ўшалар кейин сарф-харажат қилган ва жанг қилган кишилардан юксак даражададирлар. Ҳаммаларига Аллоҳ яхшилиқни ваъда қилган. Аллоҳ қилаётган ишларингиздан Хабардордир.
11. Аллоҳга қарзи ҳасана берадиган ким бор? Бас, У Зот унга бир неча баробар қилиб беради ва унинг учун улуғ ажр бордир.
12. Мўминлар ва мўминаларни уларнинг нури олдиларида ва ўнг томонларида юраётганини кўрган кунингизда (уларга айтилур): «Бугун сизларга хушхабар остидан анҳорлар оқиб

ўтадиган жаннатлардир. У ерларда абадий қоласизлар. Мана шу буюк муваффақиятдир».

13. Мунофиқлар ва мунофиқалар иймон келтирганларга: «Бизга ҳам қараб юборинглар, нурингиздан бироз олайлик», деган кунда айтилуру: «Ортингизга қайтингванурқидираверинг!» Бас, уларнинг орасига эшикли девор урилуру. Унинг ичкарасида раҳмат бор. Ташқари тарафи эса азобдир.
14. (Мунофиқлар): «Сизлар билан бирга бўлмаганмидик», дея уларга нидо қиладилар. Дедилар: «Ҳа, шундай. Лекин сизлар ўзингизни ўзингиз фитнага ташладингиз. Пайт пойладингиз. Шубҳа-гумонларга бордингиз. То Аллоҳнинг амри келгунига қадар орзуларга алдандингиз. Сизларни Аллоҳ борасида алдагувчи алдаб қўйди».
15. Бас, бугун сизлардан ҳам, куфр келтирганлардан ҳам бирон тўлов олинмайди. Жойингиз дўзахдир. У сизларга энг муносиб жой. Нақдар ёмон оқибат!
16. Иймон келтирганлар учун Аллоҳнинг зикри ва нозил бўлган ҳаққа қалблари юмшаш ҳамда олдин китоб берилган, вақт ўтиши билан эса қалблари қотиб, кўплари фосиқ бўлиб кетганлар каби

бўлмаслик вақти келмадими?!

17. Билингларки, Аллоҳ ерни ўлганидан кейин тирилтиради. Сизларга оятларни баён қилдик. Шоядки, ақл юритсангизлар.
18. Дарҳақиқат, садақа қилгувчи эркаклар ва садақа қилгувчи аёллар ҳамда Аллоҳга қарзи ҳасана берганлар учун (савоблари) бир неча баробар қилиб берилур. Улар учун улуғ ажр бордир.
19. Аллоҳга ва Унинг элчиларига иймон келтирган зотлар, ана ўшалар Парвардигорлари ҳузурида сиддиқлар ва шаҳидлардир. Улар учун ўзларининг ажри ва ўзларининг нури бўлади. Куфр келтириб, оятларимизни ёлғонга чиқарганлар эса, ана ўшалар дўзах эгаларидир.
20. Билингларки, дунё ҳаёти ўйин-кулги, кўнгил эрмаги, зеб-зийнат ва ўзаро фахрланиш ҳамда мол-дунё, фарзандларни кўпайтаришдир. У бир ёмғирга ўхшайдики, унинг ўсимлиги кофирларни ҳайратлантиради. Кейин у қурийди ва сарғайиб қолганини кўрасиз. Ундан кейин эса қуруқ чўп бўлиб қолади. Охиратда эса қаттиқ азоб ҳамда Аллоҳ тарафидан мағфират ва ризолик бордир. Дунё ҳаёти алданиш матоҳидан бошқа нарса эмас.
21. Парвардигорингиз тарафидан бўладиган

мағфиратга ҳамда кенглиги осмону ерча бўлган, Аллоҳга ва У Зотнинг элчиларига иймон келтирган зотлар учун тайёрлаб қўйилган жаннатга шошилишлар. Бу Аллоҳнинг фазлидирки, уни Ўзи истаган одамга беради. Аллоҳ улуғ фазл эгасидир.

- 22.** Ерда бўлсин, ўзингизда бўлсин, бирон мусибат етса, Биз уни пайдо қилишимиздан олдин Китобда аниқ бор эди. Албатта, бу иш Аллоҳга осон.
- 23.** Токи ўтиб кетган нарсага ачинмагайсизлар. Ато этган нарсага эса хурсанд бўлиб (керилиб) кетмагайсизлар. Аллоҳ ҳар бир димоғдор керикни ёқтирмас.
- 24.** Улар бахиллик қиладилар. Одамларни ҳам бахилликка буюрадилар. Ким (Аллоҳга итоат этишдан) юз ўгирса, бас, Аллоҳ Беҳожат ва мактовга лойиқ Зотдир.
- 25.** Дарҳақиқат, элчиларимизни ҳужжатлар билан юбордик. Улар билан бирга Китобни ва мезонни нозил қилдик. Токи одамлар адолат билан турсинлар. Темирни ҳам туширдик. Унда катта куч ва одамлар учун фойдалар бор. Аллоҳ Ўзига ва пайғамбарларига ғоибона ёрдам берган одамни билиши учун. Аллоҳ Қудратли ва Азиздир.
- 26.** Дарҳақиқат, Нухни ва Иброҳимни ҳам юбордик. Пайғамбарлик ва китобни

уларнинг зурриётида қилдик. Улардан кимлардир ҳидоят топди, кўплари эса фосиқлардир.

27. Кейин уларнинг изларидан кетма-кет элчиларимизни юбордик. Ийсо ибн Марямни юбориб, унга Инжилни бердик. Унга эргашганларнинг қалбларига меҳр ва марҳаматни солдик. Роҳибликни ўзлари тўқиб олганлар. Уни Биз уларга ёзмаганмиз. Фақат ўзлари Аллоҳнинг ризосини истаб шундай қилдилар. Лекин ҳақиқий риоясини қила олмайдилар. Бас, улардан иймон келтирган зотларга савобларини бердик. Аммо кўплари фосиқлардир.

28. Эй иймон келтирган зотлар, Аллоҳдан қўрқинглар ва У Зотнинг элчисига иймон келтиринглар. У Зот сизларга Ўзраҳматидан икки ҳисса ато этади ҳамда сизларга бир нур қилиб берадики, у билан юрасизлар ва сизларни мағфират қилади. Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон Зотдир.

29. Токи аҳли китоб билсинки, Аллоҳнинг фазлидан бирон нарсага қодир бўлмайдилар ва фазл Аллоҳнинг Қўлидадир. Уни Ўзи истаган одамга беради. Аллоҳ улуғ фазл эгасидир.

 Мужодала сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Дарҳақиқат, Аллоҳ сиз билан ўз эри ҳақида баҳслашаётган ва Аллоҳга шикоят қилаётган аёлнинг гапини эшитди. Аллоҳ гаплашаётганингизни эшитиб турибди. Албатта, Аллоҳ Эшитгувчи, Кўргувчидир.
2. Сизлардан ўз хотинларини зиҳор қиладиган кимсаларнинг хотинлари уларнинг оналари эмас. Уларнинг оналари уларни тукқан аёлдан бошқаси эмас. Аниқки, улар номақбул ва ёлғон гапни айтяптилар. Албатта, Аллоҳ афв этгувчи ва мағфират қилгувчи Зотдир.
3. Ўз хотинларини зиҳор қилиб, кейин айтган гапларидан қайтадиган кимсалар (зиммасида) қўшилишларидан илгари бир қулни озод қилиш бордир. Шу ишдан насиҳатланасизлар. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан Хабардордир.
4. Бас, ким топмаса, қўшилишларидан илгари пайдар-пай икки ой рўза тутсин. Ким қодир бўлмаса, бас, олтмишта мискинга таом берсин. Бу ишлар Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига иймон келтиришларингиз учундир. Аллоҳнинг ҳадлари мана шулар. Кофирлар учун аламли азоб бордир.

5. Дарҳақиқат, Аллоҳ ва Расулига қарши чиқадиганлар ўзларидан олдингилар хор бўлгани каби хор бўлурлар. Биз очик оятларни нозил қилиб қўйдик. Кофирлар учун хор қилгувчи азоб бордир.
6. Аллоҳ ҳаммаларини қайта тирилтирган кунда уларга қилган ишлари ҳақида хабар берур. Аллоҳ ҳисоблаб қўйган. Улар эса унутиб юборганлар. Аллоҳ ҳар бир нарсага Гувохдир.
7. Кўрмадингизмики, Аллоҳ самолардаги нарсаларни ҳам, заминдаги нарсаларни ҳам билади. Уч киши сирлашаётган бўлса, У тўртинчисидир. Беш киши бўлса, У олтинчисидир. Шундан оз бўладими, кўп бўладими, қаерда бўлсалар ҳам У ўшалар билан биргадир. Кейин уларга Қиёмат кунини қилган ишлари ҳақида хабар беради. Дарҳақиқат, Аллоҳ ҳамма нарсани Билгувчидир.
8. Шивирлашишдан қайтарилган, кейин шу қайтарилган ишни қайта қилган, гуноҳ, душманлик ва Пайғамбарга итоатсизлик ҳақида шивирлашадиган кимсаларни кўрмадингизми? Сизнинг олдингизга келсалар, сизга шундай салом берадиларки, Аллоҳ сизга ундай салом бермаган. Яна ичларида: «Айтаётган гапимиз учун Аллоҳ бизни азобламаса эди», деб ҳам қўядилар. Улар учун жаҳаннам кифоядир. Унда

ёнадилар. Бас, нақадар ёмон оқибат!

9. Эй иймон келтирган зотлар, шивирлашиб гаплашадиган бўлсангиз, гуноҳ, душманлик ва Пайғамбарга итоатсизлик ҳақида шивирлашманглар. Эзгулик ва тақво ҳақида эса шивирлашаверинглар. Аллоҳдан қўрқингларки, тўпланиб борадиган жойингиз Унинг ҳузуригадир.
10. Шивирлашиш шайтондан бўлиб, иймон келтирган зотларни хафа қилиш учундир. Лекин у Аллоҳнинг изнисиз уларга бирон зарар етказувчи эмас. Шундай экан, мўминлар Аллоҳгагина таваккул қилсинлар.
11. Эй иймон келтирган зотлар, сизларга мажлисда: «Жой беринглар», дейилса, жой беринглар. Аллоҳ ҳам сизларга жой беради. Агар: «Туринглар», дейилса, туринглар. Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва илм берилган зотларни баланд даражаларга кўтаради. Аллоҳ сизлар қилаётганишлардан Хабардордир.
12. Эй иймон келтирган зотлар, Пайғамбар билан сирлашмоқчи бўлсангиз, сирлашишингиздан олдин садақа беринглар. Манашу сизлар учун яхшироқ ва покроқдир. Агар топа олмасангиз, бас, Аллоҳ Мағфиратли Меҳрибон Зотдир.
13. Сирлашишингиздан олдин садақа қилишни оғир олдингизми? Бажармадинглар ва Аллоҳ сизларни кечирди. Бас, намозни тўкис адо этинглар,

закотни беринглар, Аллоҳга ва Расулига итоат этинглар. Аллоҳ қилаётган ишларингиздан Хабардордир.

14. Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлган қавмни дўст тутганларни кўрмадингизми? Улар сизлардан ҳам, улардан ҳам эмаслар. Билиб туриб, ёлғон қасам ичадилар.
15. Аллоҳуларучуноғиразобнитайёрлабқўйган. Уларнинг қилаётган ишлари нақадар ёмон!
16. Қасамларини ўзларига қалқон қилиб олдиларда, Аллоҳнинг йўлидан тўсдилар. Уларга хорловчи азоб бордир!
17. Моллари ҳам, болалари ҳам Аллоҳдан (келган) бирон нарсани улардан қайтара олмас. Ана ўшалар дўзах эгаларидир. Ўша жойда улар абадий қоладилар.
18. Аллоҳ ҳаммаларини қайта тирилтирадиган кунда худди сизларга қасам ичганларидек, У Зотга ҳам қасам ичадилар ва бирон нарсага эришамиз, деб ўйлайдилар. Огоҳ бўлингизким, албатта, улар ғирт ёлғончилардир!
19. Шайтонларни эгаллаб олиб, Аллоҳни эслашни унуттирган. Ана ўшалар шайтон гуруҳидир. Огоҳ бўлингизким, шайтон гуруҳи аниқ ютқазгувчилардир.
20. Аллоҳга ва Расулига қарши чиққанлар, ана ўшалар хорлар қаторидадирлар.
21. Аллоҳ: «Мен ва Менинг элчиларим ғалаба қиламиз», деб битиб қўйган. Албатта, Аллоҳ

Қувватли ва Ғолибдир.

- 22.** Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган қавмнинг Аллоҳ ва Расулига қарши бўлганлар билан дўстлашаётганини топмассиз. Гарчи улар ўз оталари, болалари, ака-укалари ёки қариндошлари бўлса-да. Ана ўшаларнинг қалбларига иймонни битиб қўйган ва уларни Ўзи тарафидан бир руҳ ила қўллагандир. Уларни остидан анҳорлар оқиб ўтадиган жаннатларга киритур. Унда мангу қолурлар. Аллоҳ улардан рози бўлур. Улар ҳам У Зотдан рози бўлурлар. Ана ўшалар Аллоҳнинг гуруҳидир. Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг гуруҳи муваффақият қозонгувчилардир.

 Ҳашр сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Самолардаги нарсалар ҳам, заминдаги нарсалар ҳам Аллоҳга тасбеҳ айтди. У Азиз, Ҳаким Зотдир.
2. У шундай Зотки, аҳли китоб орасидаги куфр келтирганларни биринчи тўплашдаёқ диёрларидан чиқариб юборди. Уларнинг чиқиб кетишларини ўйлаб ҳам кўрмаган эдингизлар. Улар ҳам ўзларининг кўрғонларини Аллоҳдан ҳимоя қилгувчидир, деб ўйлагандилар. Бас, Аллоҳ улар ҳисобга олмаган тарафларидан келди ва қалбларига кўрқув солди. Ўзларини ўз қўллари ва мўминларнинг қўллари билан хароб қиладилар. Бас, эй ақл эгалари, ибрат олинглар!
3. Аллоҳ уларга сургунни битиб қўймаганида эди, уларни шу дунёдаёқ азоблаган бўларди. Улар учун охиратда дўзах азоби бордир.
4. Бунгасабабшуки, улар Аллоҳ ва Расулига қарши чиқдилар. Ким Аллоҳга қарши чиқса, бас, Аллоҳ азоби қаттиқ Зотдир.
5. Сизлар бирон хурмо дарахтини кесдингларми ёки уни ўз танасида тик ҳолида қолдирдингларми, бас, Аллоҳнинг изни-иродаси билан ва фосиқларни хорлаши учун (бўлган).

6. Аллоҳ Ўз Пайғамбарига улардан ўлжа қилиб берган нарсаларнинг устига сизлар оту туяларни чоптириб бормадингиз. Лекин Аллоҳ элчиларини Ўзи хоҳлаган кимсалардан устун қилиб қўяди. Аллоҳ ҳамма нарсага Қодир.
7. Аллоҳ Ўз Пайғамбарига қишлоқ-шаҳарлар аҳолисидан ўлжа қилиб берган нарсалар Аллоҳники, пайғамбарники ҳамда қариндош-уруғлар, етимлар, мискинлар ва мусофирларникидир. Токи (бойлик) сизлардан бой-бадавлат кишилар ўртасидагина айланиб юраверадиган нарса бўлиб қолмасин. Пайғамбар нимани берса, ўшани олинглар. Нимадан қайтарса, ўшандан тийилинглар. Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ жазоси қаттиқ Зотдир.
8. Ўз юртидан ва мол-мулкидан ҳайдаб чиқарилган муҳожир фақирларникидирки, улар Аллоҳдан фазл ва ризо истайдилар ҳамда Аллоҳ ва Расулига ёрдам берадилар. Ана ўшалар содиқлардир.
9. Улардан олдин юртида ва иймон-эътиқодда яшаган зотлар эса ўзларига ҳижрат қилиб келган кишиларни севадилар ва дилларида уларга берилган нарсага ҳасад туймайдилар ҳамда гарчи ўзларида эҳтиёж бўлса-да, ўзларидан уларни устун қўядилар. Кимки

ўз нафсининг бахиллигидан сақлана олса, бас, ана ўшалар нажот топгувчилардир.

10. Улардан кейин келган зотлар айтадилар: «Парвардигоро, бизни ва биздан олдин иймон билан ўтган биродарларимизни мағфират қилгин ва дилларимизда иймон келтирган зотлар учун бирон гина қолдирмагин. Парвардигоро, албатта, Сен Меҳрибон ва Раҳмлидирсан».
11. Кўрмадингизмики, мунофиқлик қилганлар ўзларининг аҳли китоблардан бўлган биродарларига шундай дедилар: «Агар қувиб чиқарилсангизлар, биз ҳам, албатта, сизлар билан бирга чиқамиз. Сизлар ҳақингизда бирон одамга ҳеч қачон бўйсунмаймиз. Агар сизларга қарши жанг қилинса, албатта, сизларга ёрдам берамиз». Аллоҳ гувоҳлик берадики, улар аниқ ёлғончилардир.
12. Агар чиқариб юборилсалар, улар билан бирга чиқмайдилар. Уларга қарши жанг қилинса, уларга ёрдам бермайдилар. Ёрдам берсалар ҳам ортларига чекинадилар. Кейин уларга ёрдам берилмас.
13. Албатта, сизлар уларнинг дилларида Аллоҳдан кўра кўпроқ кўрқинчисизлар. Бунга сабаб улар англамайдиган қавмдир.
14. Сизларга қарши ҳаммалари бир бўлиб очик жанг қила олмайдилар. Қўрғонли қишлоқлар

ёки деворлар ортидан бўладиган жанглар бундан мустасно. Уларни бир деб ўйлайсиз, қалблари эса турфа хил. Зеро, улар ақл юритмайдиган қавмдир.

15. Ўзларидан бироз олдин қилмишларининг ёмон оқибатини татиб қолган кимсалар каби. Улар учун аламли азоб бор.

16. (Мунофиқлардан гапларни эшитишларининг мисоли) Шайтонга ҳам ўхшайди. У инсонга: «Кофир бўл», дейди. У кофир бўлгач: «Мен сендан безорман, мен оламлар Парвардигори Аллоҳдан кўрқаман», дейди.

17. Иккисининг ҳам оқибати шуки, улар дўзахдадирлар. Унда абадий қоладилар. Золимларнинг жазоси мана шу.

18. Эй иймон келтирган зотлар, Аллоҳдан кўрқинглар. Ҳар бир жон эрта учун нима тайёрлаб қўйганига қарасин. Аллоҳдан кўрқинглар. Албатта, Аллоҳ қилаётган ишларингиздан Хабардордир.

19. Аллоҳни унутган ва натижада Аллоҳ уларга ўзларини унуттириб қўйган кимсалар каби бўлманглар. Ана ўшалар фосиқлардир.

20. Дўзах эгалари билан жаннат эгалари баробар бўлмас. Жаннат эгалари зафар қучган зотлардир.

21. Агар бу Қуръонни бир тоққа туширганимизда унинг Аллоҳдан

қўрққанидан эгилиб, ёрилиб кетганини кўрар
эдингиз. Бу мисолларни инсонлар учун зарб
этурмиз. Шоядки, улар фикр юритсалар.

22. У Аллоҳдирки, Ундан ўзга илоҳ йўқдир.
Ғайбу шаҳодатни Билгувчидир. У Раҳмон ва
Раҳимдир.

23. У Аллоҳдирки, Ундан ўзга илоҳ йўқдир.
Подшоҳдир. Қуддусдир. Саломдир.
Мўминдир. Муҳайминдир. Азиздир.
Жаббордир. Мутакаббирдир. Аллоҳ улар
келтираётган ширклардан Покдир.

24. У Аллоҳ Холиқдир. Борийдир. Мусаввирдир.
Гўзал номлар Униқидир. Осмонлару ердаги
нарсалар Унга тасбеҳ айтар. У Азиздир,
Ҳақимдир.

 Мумтаҳана сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Эй иймон келтирган зотлар, Менинг душманимни ва ўзларингизнинг душманингизни дўст тутмангиз! Сизлар уларга дўстлик қўлини узатасизлар, улар эса сизларга келган ҳаққа куфр келтирадилар. Пайғамбарни ҳам, сизларни ҳам Парвардигорингиз Аллоҳга иймон келтирганингиз учун қувиб чиқаряптилар-ку! Агар Менинг йўлимда ва Менинг розилигимни истаб жиҳодга чиққан бўлсангизлар. Яширин тарзда уларга дўст бўласизлар. Мен эса яширин қилган ишларингизни ҳам, ошкора қилган ишларингизни ҳам биламан. Сизлардан ким шу ишни қилса, бас, у тўғри йўлдан озибди.
2. Агар сизлардан ғолиб бўлсалар, сизларга душман бўлиб, қўлларини ва тилларини ёмонлик билан чўзадилар. Кофир бўлишингизни истайдилар.
3. Сизларга қариндошларингиз ҳам, фарзандларингиз ҳам ҳаргиз фойда бермайди. Қиёмат куни орангизни ажратиб қўяди. Аллоҳ қилаётган ишларингизни кўриб тургувчи Зотдир.

4. Иброҳим ва у билан бирга бўлган кишиларда сизлар учун гўзал намуна бор. Ўшанда улар ўз қавмларига: «Дарҳақиқат, биз сизлардан ҳам, сизлар Аллоҳни қўйиб, ибодат қилаётган бутларингиздан ҳам безормиз. Биз сизларни инкор этдик ва биз билан сизнинг ўртамизда адоват ва нафрат зоҳир бўлди. Токи ёлғиз Аллоҳгагина иймон келтирасизлар. Фақат Иброҳим ўз отасига: «Албатта, мен сен учун мағфират сўрайман, сен учун Аллоҳ томонидан бўладиган бирон нарсага молик эмасман», деган гапи бундан мустасно. «Парвардигоро, ёлғиз Ўзинггатаваккулқилдик ва Ўзингга қайтдик. Қайтиб борар жой ҳам ёлғиз Ўзинггадир».
5. «Парвардигоро, бизни куфр келтирган кимсаларга фитна қилиб қўйма. Бизни мағфират айла. Парвардигоро, албатта, Сен Азизсан, Ҳакимсан».
6. Сизлар учун, Аллоҳдан ва охират кунидан умиди борлар учун уларда гўзал намуна бор эди. Ким юз ўгирса, бас, Аллоҳ Беҳожат ва мактовга лойиқ Зотдир.
7. Эҳтимол Аллоҳ сизлар билан сизлар душманлик қилаётган кимсалар ўртасига дўстликни солиб қўяр. Аллоҳ Қодирдир. Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир.
8. Аллоҳ сизларни сизларга қарши дин борасида жанг қилмаган ва сизларни

юртингиздан қувиб чиқармаган кимсаларга яхшилик қилишингиздан, уларга нисбатан адолатли бўлишингиздан қайтармайди. Албатта, Аллоҳ адолат қилгувчиларни яхши кўради.

9. Албатта, Аллоҳ сизларни динингиз борасида сизларга қарши жанг қилган, сизларни юртингиздан қувиб чиқарган ва сизларни ҳайдаб чиқаришда ўзаро ёрдамлашган кимсалар билан дўст бўлишдан қайтаради. Ким уларни дўст тутса, бас, ана ўшалар золимлардир.

10. Эй иймон келтирганлар, қачон сизларга мўминалар ҳижрат қилиб келсалар, уларни имтиҳон қилиб кўринглар. Аллоҳ уларнинг иймонларини билгувчироқдир. Агар уларнинг мўминалар эканини билсангизлар, бас, уларни кофирларга қайтарманглар! Булар уларга ҳалол эмас. Улар буларга ҳалол эмас. Уларга сарфлаган нарсаларини беринглар. Уларга (эрларига) ҳақларини бергач, уларни никоҳлаб олсангиз, гуноҳ бўлмас. Кофираларнинг билакларидан ушламанглар, ўзларингиз сарфлаган нарсани талаб қилинглар ва улар ҳам ўзлари сарфлаган нарсани талаб қилсинлар. Бу Аллоҳнинг ҳукмидир. У сизларнинг ўртангизда ҳукм қилур. Аллоҳ Билгувчи ва Ҳаким Зотдир.

11. Агар аёлларингиздан бирортаси кофирлар

тарафига ўтиб кетса ва ғолиб бўлсангизлар, аёллари ўтиб кетган кишиларга улар қанча берган бўлсалар, ўшанча беринглар! Ўзингиз иймон келтирган Аллоҳдан қўрқинглар!

12. Эй Пайғамбар, олдингизга мўминалар келиб, Аллоҳга ҳеч нарсани шерик қилмасликка, ўғирлик қилмасликка, зино қилмасликка, болаларини ўлдирмасликка, қўллари ва оёқлари орасида тўқиб оладиган бўҳтонни қилмасликка, бир савобли ишда сизга итоатсизлик қилмасликка байъат бермоқчи бўлсалар, улардан байъат олинг ва улар учун Аллоҳдан мағфират сўранг. Албатта, Аллоҳ Мағфиратли Меҳрибон Зотдир.

13. Эй, иймон келтирган зотлар! Аллоҳнинг ғазабига учраган қавм билан дўст бўлманглар. Кофирлар қабр эгаларидан умид узганларидек, улар ҳам охиратдан умид узганлар.

 Саф сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Самолардаги нарсалар ҳам, заминдаги нарсалар ҳам Аллоҳга тасбеҳ айтди. У Азиз, Ҳаким Зотдир.
2. Эй иймон келтирган зотлар, нима учун қилмаган ишингизни гапирасизлар?!
3. Қилмаган ишингизни гапиришингиз Аллоҳнинг наздида ўта ёқимсиз бўлди.
4. Аллоҳ Ўзининг йўлида худди туташган бинолардек бир саф бўлиб жанг қиладиган зотларни яхши кўради.
5. Ўшанда Мусо қавмига деди: «Эй қавмим, нима учун менга озор берасизлар?! Менинг сизларга юборилган Аллоҳнинг пайғамбари эканимни биласизлар-ку». Ўзлари адашгач, Аллоҳ уларнинг қалбларини адаштириб қўйди. Аллоҳ фосиқ қавмни ҳидоят қилмас.
6. Ўшанда Ийсо ибн Марям деди: «Эй Бани Исроил, мен сизларга юборилган Аллоҳнинг пайғамбариман. Ўзимдан олдинги Тавротни тасдиқлаб, мендан кейин Аҳмад исмли бир пайғамбар келиши ҳақида хушхабар олиб (келганман)». Уларга ҳужжатларни олиб келганда эса: «Бу очик сеҳрдир», дедилар.
7. Ўзи Исломга чақирилиб турган бир пайтда Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган одамдан ҳам

золимоқ ким бор? Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас.

8. Аллоҳнинг нурини оғизлари билан ўчирмоқчи бўладилар. Аллоҳ эса гарчи кофирлар ёқтирмасалар-да, Ўз нурини камолига етказгувчидир.
9. У шундай Зотки, Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин ила юборди. Токи у, гарчи мушриклар ёқтирмаслар-да, ҳамма динлардан ғолиб бўлсин.
10. Эй иймон келтирган зотлар, сизларни аламли азобдан қутқарадиган бир тижоратга йўллаб қўяйми?
11. Аллоҳга ва Унинг Расулига иймон келтирасизлар, молларингиз ва жонларингиз билан Аллоҳ йўлида жиҳод қиласизлар. Агар билсангизлар, мана шу сизлар учун яхшироқдир.
12. Гуноҳларингизни кечириб, ўзингизни остидан анҳорлар оқиб ўтадиган жаннатларга ва мангу боғлардаги сўлим масканларга киритади. Энг буюк муваффақият мана шу.
13. Сизлар ёқтирадиган бошқа нарсалар ҳам (муваффақиятдир. У) Аллоҳ тарафидан бўлган қўллов ва яқин ғалабадир. Мўминларга хушхабар беринг.
14. Эй иймон келтирган зотлар, Ийсо ибн Марям ҳаворийларга: «Аллоҳ учун ким менинг ёрдамчиларим бўлади»,

деганида ҳаворийлар: «Биз Аллоҳнинг ёрдамчиларимиз», дедилар. Сизлар ҳам худди ўшалардек Аллоҳнинг ёрдамчилари бўлинглар. Ўшанда Бани Исроилдан бир тоифа иймон келтириб, бошқа тоифа куфр келтирганди. Бас, иймон келтирган зотларни душманларига қарши қўллаб-қувватладик ва улар ғолиб бўлдилар.

 Жумъа сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Подшоҳ, Қуддус, Азиз, Ҳаким Аллоҳга самолардагилар ҳам, заминдагилар ҳам тасбеҳ айтур.
2. У шундай Зотки, омилар орасига ўзларидан бир пайғамбарни юборди. Пайғамбар уларга У Зотнинг оятларинитиловатқилади. Уларнипоклайди. Уларга Китоб ва ҳикматни ўргатади. Гарчи улар олдин очик залолатда бўлсалар-да.
3. Ҳали уларга етиб келмаган улардан бошқаларга ҳам. У Зот Азиз, Ҳакимдир.
4. Бу Аллоҳнинг фазлидир. Уни Ўзи истаган бандасига беради. Аллоҳ буюк фазл эгасидир.
5. Таврот юклатилган, лекин унга амал қилмаган кимсалар худди бир китобларни кўтариб кетаётган эшшакка ўхшайдилар. Аллоҳнинг оятларини ёлғонга чиқарувчилар мисоли нақадар ёмон. Аллоҳ золим қавмни ҳидоят қилмас.
6. Айтинг: «Эй яҳудийлар, агар бошқа одамларсиз фақат ўзингизни Аллоҳнинг дўстлари, деб даъво қилсангизлар ва ростгўй бўлсангизлар, ўлимни орзу қилинглари-чи».
7. Қўллари қилиб қўйганишлар туфайли уни ҳеч

қачон орзу қилмайдилар. Аллоҳ золимларни Билгувчи Зотдир.

8. Айтинг: «Сизлар қочаётган ўлим сизларга йўлиққувчидир. Кейин ғайбу шаҳодатни билгувчи Зотга қайтариласизлар. Ўшанда қилиб ўтган ишларингиз ҳақида хабар беради».
9. Эй иймон келтирган зотлар, Жума куни намозга чақирилса, савдони ташлаб, Аллоҳнинг зикрига шошилинглар. Агар биладиган бўлсангизлар, мана шу сизлар учун яхшироқдир.
10. Намоз тугагач, ер юзига тарқалиб, Аллоҳнинг фазлидан умид қилаверинглар. Аллоҳни кўп эсланглар. Шоядки, нажот топсангизлар.
11. Агар бирон тижорат ёки кўнгилхушликни кўриб қолсалар, сизни турган ҳолингизда ташлаб, ўшанга қараб кетадилар. Айтинг: «Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса кўнгилхушликдан ҳам, тижоратдан ҳам яхшироқдир. Аллоҳ энг яхши ризқ бергувчидир».

 Мунофиқун сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Мунофиқлар сизга келиб: «Гувоҳлик берамизки, сен Аллоҳнинг пайғамбарисан», дейдилар. Аллоҳ сиз Унинг пайғамбари эканингизни билади. Аллоҳ гувоҳлик берадики, мунофиқлар аниқ ёлғончилардир.
2. Қасамларини қалқон қилиб олиб, Аллоҳнинг йўлидан тўсдилар. Уларнинг қилган ишлари нақадар ёмон бўлди!
3. Бунга сабаб шуки, улар иймон келтирдилар, кейин куфр келтирдилар. Бас, қалбларига муҳр урилди. Энди улар англамайдилар.
4. Уларни кўрсангиз, жисмлари сизни ҳайратлантиради. Гапирсалар, гапларига қулоқ соласиз. Улар худди йўлаб қўйилган ходаларга ўхшайдилар. Ҳарбир қичқирикни ўзларига қарши, деб ўйлайверадилар. Улар душмандирлар. Бас, улардан эҳтиёт бўлинг. Аллоҳ уларни лаънатласин! Қандай йўлдан озмоқдалар-а!
5. Агар уларга: «Келинглари, Аллоҳнинг пайғамбари сизлар учун мағфират сўрайди», дейилса, бошларини бурадилар. Уларнинг мутакаббирлик қилиб юз ўгираётганларини кўрасиз.

6. Улар учун мағфират сўрадингизми ёки мағфиратсўрамадингизми, уларга фарқийўқ. Аллоҳ уларни ҳеч қачон мағфират қилмайди. Аллоҳ фосиқ қавмни мағфират қилмас.
7. «Аллоҳнинг пайғамбари ҳузуридаги кишиларга эҳсон қилманглар, токи тарқаб кетсинлар», дейдиган кимсалар ана ўшалардир. Осмонлару ернинг хазиналари Аллоҳникидир. Лекин мунофиқлар англамайдилар.
8. «Агар Мадинага қайтсак, азиз хорни ундан, албатта, чиқариб юборади», дейдилар. Азизлик Аллоҳники, Пайғамбариники ва мўминларникидир. Лекин мунофиқлар билмайдилар.
9. Эй иймон келтирган зотлар, молларингиз ҳам, болаларингиз ҳам сизларни Аллоҳни эслашдан чалғитиб қўймасин. Ким шу ишни қилса, бас, ана ўшалар зарар кўргувчилардир.
10. Бировингизга ўлим келиб: «Парвардигорим, мени озгина муддатга кечиктириб турсанг, садақа қилиб, солиҳлардан бўлиб олардим», деб қолишидан олдин Биз сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан эҳсон қилинглар.
11. Бир жоннинг ажали келгач, Аллоҳ уни асло кечиктирмас! Аллоҳ қилаётган ишларингиздан Хабардордир.

Тағобун сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Аллоҳга самолардагилар ҳам, заминдагилар ҳам тасбеҳ айтур. Мулк Уникидир. Ҳамд Уникидир. У ҳар нарсага Қодирдир.
2. У сизларни яратган Зотдир. Бас, сизлардан кимдир кофир, яна сизлардан кимдир мўмин. Аллоҳ қилаётган ишларингизни Кўргувчидир.
3. Осмонлару ерни ҳақ ила яратди. Сизга шакл берди ва суратингизни гўзал қилди. Қайтиб бориш Унгадир.
4. Осмонлару ердаги нарсаларни билади. Яширганингизни ҳам, ошкор этганингизни ҳам билади. Аллоҳ қалблардаги нарсаларни ҳам Билгувчидир.
5. Олдинги куфр келтириб, қилмишларининг азобини тотганлар ҳақидаги хабар сизларга етиб келмадими? Улар учун аламли азоб бордир.
6. Бунга сабаб шуки, уларга пайғамбарлари ҳужжатларни олиб келардилар. Улар эса: «Бизни тўғри йўлга (фаришта эмас) инсон бошлайдими?» - деб куфр келтирдилар, юз ўгирдилар. Аллоҳ беҳожат бўлди. Аллоҳ Беҳожат ва мақтовга лойиқ Зотдир.

7. Куфр келтирган кимсалар ҳеч қачон қайта тирилмасликларини даъво қилдилар. Айтинг: «Асло! Парвардигоримга қасамки, албатта, қайта тирилурсизлар, кейин, албатта, қилган ишларингиз ҳақида хабар берилурсизлар. Бу иш Аллоҳга осон».
8. Бас, Аллоҳга, У Зотнинг элчисига ва Биз нозил қилган нурга иймон келтиринглар. Аллоҳ қилаётган ишларингиздан Хабардордир.
9. Сизларни тўплайдиган тўпланиш куни. У тағобун (бир-бирига зарар бериш) кунидир. Ким Аллоҳга иймон келтириб, яхши иш қилган бўлса, унинг ёмонликларини ўчириб, ўзини остидан аҳорлар оқиб ўтадиган жаннатларга киритур. У ерларда абадий қолурлар. Бу буюк муваффақиятдир.
10. Куфр келтириб, оятларимизни ёлғонга чиқарган кимсалар, ана ўшалар дўзах эгалари бўлиб, унда мангу қолгувчидирлар. Нақадар ёмон оқибат!
11. Бирон мусибат Аллоҳнинг изнисиз етмас. Ким Аллоҳга иймон келтирса, унинг қалбини ҳидоят қилиб қўяди. Аллоҳ ҳар бир нарсани Билгувчидир.
12. Аллоҳга итоат қилинглари. Пайғамбарга итоат қилинглари. Агар бош тортсангизлар, элчимиз зиммасида аниқ қилиб етказиб қўйиш бор, холос.

13. Аллоҳ. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Бас, мўминлар Аллоҳгагина таваккул қилсинлар.
14. Эй иймон келтирган зотлар, аёлларингиз ва болаларингиздан сизларга душман бор. Бас, улардан эҳтиёт бўлинглар. Агар афв этсангизлар, кечирсангизлар, мағфират қилсангизлар, бас, албатта, Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон Зотдир.
15. Мол-давлатларингиз ва бола-чақаларингиз бир синов, холос. Аллоҳнинг ҳузурида эса буюк мукофот бор.
16. Бас, қўлингиздан келганича Аллоҳдан қўрқинглар. Қулоқ солинглар, итоат этинглар ва эҳсон қилинглар, ўзингизга яхши бўлади. Ким ўз нафсининг бахиллигидан сақланса, бас, ана ўшалар нажот топгувчилардир.
17. Агар Аллоҳга қарзи ҳасана берсангизлар, уни сизларга бир неча баробар қилиб қайтарур ва сизларни мағфират қилур. Аллоҳ Шакур ва Ҳалим Зотдир.
18. Ғайбу шаҳодатни Билгувчи, Азиз, Ҳаким.

 Талоқ сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Эй Пайғамбар, қачон аёлларингизни талоқ қилсангизлар, уларнинг иддаларида талоқ қилинглари ва иддани ҳисобланглари. Парвардигорингиз Аллоҳдан кўрқинглари. Уларни уйларида чиқариб юборманглари ва ўзлари ҳам чиқиб кетмасинлар. Очик фаҳш ишни қилган ҳолатлари бундан мустасно. Бу Аллоҳнинг ҳад-ҳудудларидир. Ким Аллоҳнинг ҳадларидан ошса, у ўзига аниқ зулм қилибди. Сиз билмассиз, эҳтимол Аллоҳ бундан кейин бирон ишни пайдо қилар.
2. Муддатларига етганида эса ё яхшилик билан олиб қолинглари ёки яхшилик билан ажрашинглари ва ўзингиздан икки адолатли кишини гувоҳ қилинглари. Гувоҳликни Аллоҳ учун тўқис бажаринглари. Бундан Аллоҳга ва Қиёмат кунига иймон келтирган киши насиҳатланади. Ким Аллоҳдан тақво қилса, унга чиқар йўлни барпо қилиб беради.
3. Ва унга ўзи ўйламаган тарафдан ризқ беради. Ким Аллоҳга таваккул қилса, бас, унга У Зотнинг Ўзи кифоядир. Албатта, Аллоҳ Ўз ишига етгувчидир. Дарҳақиқат, Аллоҳ ҳар бир нарсага бир миқдор қилиб

қўйгандир.

4. Аёлларингиздан ҳайздан ноумид бўлганларига келсак, агар шубҳангиз бўлса, уларнинг иддаси уч ойдир. Ҳайз кўрмаганлариники ҳам. Ҳомиладорларнинг иддаси ҳомилаларини қўйишларидир. Ким Аллоҳдан қўрқса, унга ишини осон қилиб қўяди.
5. Бу Аллоҳнинг сизларга нозил қилган фармонидир. Ким Аллоҳдан қўрқса, унинг ёмонликларини ўчириб, ажрини улуғ қилур.
6. Уларга қўлингиздан келганча ўзларингиз яшаётган уйдан жой беринглар ва сиқиб чиқариш учун уларга зарар берманглар. Агар ҳомиладор бўлсалар, то ҳомилаларини қўйгунларича уларни таъминлаб туринглар! Сизлар учун эмизсалар, уларнинг ҳақларини беринглар! Ўзаро яхшилик билан келишиб олинглар! Қийналиб қолсангизлар, унинг учун бошқаси эмизур.
7. Бадавлат одам бойлигидан нафақа берсин. Кимнинг ризқи ўлчаб қўйилган бўлса, Аллоҳ унга ато этганидан нафақа берсин! Аллоҳ ҳеч бир жонни Ўзи унга ато этганидан ортиқ нарсага таклиф қилмас. Аллоҳ оғирликдан кейин енгилликни барпо қилур.

8. Ўз Парвардигорлари ва Унинг пайғамбарлари буйруғидан бош тортган қанчадан-қанча шаҳарлардан қаттиқ ҳисоб-китоб олганмиз ва уларни ёмон азоблаганмиз.
9. Бас, улар қилмишларининг зарарини тоғдилар ва ишларининг оқибати муваффақиятсизлик бўлди.
10. Аллоҳ уларга қаттиқ азобни тайёрлаб қўйган. Бас, эй иймон келтирган ақл эгалари, Аллоҳдан қўрқинглар. Аллоҳ сизларга Эслатмани (Пайғамбарни) юборди.
11. (Аллоҳ) иймон келтириб, яхши амалларни қилган зотларни зулматлардан нурга чиқариш учун сизларга Аллоҳнинг очик-аниқ оятларини тиловат қилиб берадиган Пайғамбарни (юборди). Ким Аллоҳга иймон келтирса ва яхши амал қилса, уни остидан анҳорлар оқиб ўтадиган ва у ерда мангу қоладиган жаннатларга киритур. Дарҳақиқат, Аллоҳ унинг ризқини гўзал қилиб қўйган.
12. Аллоҳ шундай Зотки, етти осмонни ва ердан ҳам шунчасини яратди. Фармон уларнинг орасида нозил бўлиб туради. Токи Аллоҳ ҳар нарсага Қодир эканини ва Аллоҳ ҳамма

нарсани илми билан қамраб олганини
билинглар.

 Таҳрим сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Эй Пайғамбар, нима учун аёлларингиз ризосини истаб, Аллоҳ сиз учун ҳалол қилган нарсани ҳаром қиласиз? Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибон Зотдир.
2. Аллоҳ сизларга қасамларингиздан қутули болишни буюриб қўйган-ку. Аллоҳ Ҳожангиздир. У Билгувчи, Ҳаким Зотдир.
3. Пайғамбар аёлларидан бирига бир гапни пинҳона айтганда, у эса хабар бериб юборганда ва Аллоҳ уни ошкор этганда, бир қисмини билдириб, бир қисмидан бош тортди. Унга хабарни айтганда: «Бу хабарни сизга ким билдирди?» - деди. «У хабарни менга Билгувчи, Хабардор Зот билдирди», деди.
4. Иккалангиз Аллоҳга тавба қилишингиз лозим бўлиб қолди. Чунки қалбларингиз тойиб кетди. Агар унга қарши ҳамкорлик қилсангизлар, бас, Аллоҳ унинг Мададкоридир. Жаброил ва солих мўминлар ҳам. Бундан ташқари фариштаalar ҳам ёрдамчилардир.
5. Агар сизларни талоқ қилса, эҳтимол унга Парвардигори сизлардан кўра яхшироқ муслима, мўмина, итоатли, тавба қилгувчи,

обида, рўзадор жувонларни ва қизларни берар.

6. Эй иймон келтирган зотлар, ўзингизни ва оилангизни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлган дўзахдан сақланглар. Унинг устида Аллоҳ буюрган ишга осийлик қилмайдиган ва буюрилган ишни бажарадиган кўпол, дарғазаб фаришталар туради.
7. Эй куфр келтирганлар, бугун узр сўраманглар. Энди қилиб ўтган ишларингизга яраша жазо оласизлар.
8. Эй иймон келтирган зотлар, Аллоҳга холис тавба қилинглар. Шоядки, Аллоҳ Пайғамбарни ва у билан бирга иймон келтирган зотларни шарманда қилмайдиган кунда Парвардигорингиз ёмонликларингизни ўчириб, ўзингизни остидан анҳорлар оқиб ўтадиган жаннатларга киритса. Уларнинг нури олдиларида ва ўнг тарафларида юриб боради. Ўзлари эса: «Парвардигоро, нуримизни тўла қилиб бер ва бизни мағфират айла, Сен ҳар нарсага Қодирсан», дейдилар.
9. Эй Пайғамбар, кофирлар ва мунофиқларга қарши курашинг. Уларга қаттиққўл бўлинг. Уларнинг жойи жаҳаннамдир. Нақадар ёмон оқибат!
10. Аллоҳ куфр келтирган кимсалар ҳақида Нуҳнинг аёли ва Лутнинг аёлини мисол

қилиб келтирди. У иккиси бандаларимиздан икки солиҳ банда қўл остида эдилар. Бас, уларга хиёнат қилдилар. Шу билан икки солиҳ банда Аллоҳдан бирон нарсани у иккисидан даф қила олмадилар ва: «Киргувчилар билан бирга дўзахга кинглар», дейилди.

11. Аллоҳ иймон келтирган зотлар ҳақида эса Фиръавннинг аёлини мисол қилди. Ўшанда у: «Парвардигорим, мен учун Ўзингнинг ҳузурингда жаннатдан бир уй қуриб бер, менга Фиръавн ва унинг ишидан нажот бер ва мени золим қавмдан қутқар», деганди.
12. Ўз номусини сақлаган Имроннинг қизи Марямни ҳам (мисол қилди). Бас, унга Ўз Рухимиздан пуфладик. У Парвардигорининг сўзларини, китобларини тасдиқ этди ва у итоаткорлардан бўлди.

 Мулк сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Подшоҳлик кўлида бўлган Зот баракотли бўлди. У ҳар нарсага Қодирдир.
2. У шундай Зотки, қайси бирингиз яхшироқ амал қилишингизни синаб-билиш учун ўлим ва ҳаётни яратди. У Азиз ва Кечиримли Зотдир.
3. У шундай Зотки, етти осмонни устма-уст қилиб яратди. Раҳмоннинг яратишида бирон тафовутни кўрмайсиз. Бас, қайта назар солинг-чи, бирон камчиликни кўрармикансиз?
4. Кейин қайта-қайта назар солинг, кўзингиз сизга чарчаб, ҳолдан тойиб қайтади.
5. Дарҳақиқат, яқин осмонни чироқлар билан безадик ва уларни шайтонларга отиладиган тошлар қилиб қўйдик. Улар учун олови қизиб турган жаҳаннамни тайёрлаб қўйганмиз.
6. Парвардигорларига куфр келтирганлар учун жаҳаннам азоби бордир. Нақадар ёмон оқибат бу!
7. Унга улоқтирилган пайтларида қайнаб турган жаҳаннамнинг бир хунук ўкиригини эшитадилар.

8. У ғазабдан ёрилиб кетгудек бўлади. Ҳар қачон унга бир тўда (осийлар) ташланганда, унинг кўрикчилари: «Сизларга огоҳлантирувчи келмаганмиди?», деб сўрайди.
9. Дейдилар: «Ҳа, бизга огоҳлантирувчи келганди. Уни ёлғончига чиқариб, Аллоҳ ҳеч нарсани нозил қилган эмас, сизлар эса катта залолатдасизлар, холос, деган эдик».
10. Дедилар: «Қулоқ солганимизда ёки ақлни ишлатганимизда эди, дўзахийлар орасида бўлмаган бўлардик».
11. Бас, улар ўз гуноҳларини эътироф этдилар. Йўқолсин дўзахийлар!
12. Парвардигорларидан ғойибона кўрқадиганлар учун мағфират ва улкан савоб бордир.
13. Гапингизни сир тутасизми ёки ошкора айтасизми, албатта, У кўнгиллардагини ҳам Билгувчи Зотдир.
14. Яратган Зот Ўзи билмасми? Ҳолбуки, У Меҳрибон ва Хабардор Зотдир.
15. У шундай Зотки, ерни сизларга бўйсунадиган қилиб қўйган. Унинг ҳар тарафида юринглар ва ризқидан тановул қилинглари. Қайта тирилиб бориш ҳам ёлғиз Унинг ҳузуригадир.
16. Осмондаги Зот сизларни титроқ босиб турган ерга юттириб юборишидан хотиржаммисизлар?

17. Ёки осмондаги Зот устингизга тош ёғдиришидан хотиржаммисизлар?! Ҳали огоҳлантиришим қандай эканини билиб оласизлар!
18. Дарҳақиқат, улардан олдингилар ҳам ёлғонга чиқарган эдилар. Бас, инкорим қандай бўлди?!
19. Устларидаги қанот ёйган ва йиққан ҳолдаги қушларни кўрмадиларми?! Уларни ёлғиз Раҳмонгина ушлаб турар! Албатта, У барча нарсани Кўргувчидир.
20. Раҳмондан бошқа сизларга ёрдам берадиган, сизлар учун қўшин-ёрдамчи бўлган ким бор экан?! Кофирлар фақат алданишдадирлар.
21. У ризқни тортиб қўйса, сизга ризқ берадиган ким ўзи?! Йўқ! Улар борган сари ҳадларидан ошиб, ҳақдан йироқлашиб бораверадилар.
22. Юзтубан қоқилиб юраётган киши ҳидоятдароқми ёки тўғри йўл устида қоматини тик тутиб бораётган кишими?
23. Айтинг: «У сизларни йўқдан бор қилган ва сизларга қулоқ, кўз ва ақлни берган Зотдир. Сизлар эса жуда оз шукр қиласизлар».
24. Айтинг: «У сизларни ер юзидаяратган Зотдир. Ва Унинг ҳузурига тўпланурсизлар».
25. «Агар ростгўй бўлсангизлар (айтингларчи), мана шу ваъда қачон бўлади?» - дейдилар.
26. Айтинг: «Албатта, илм фақат Аллоҳнинг

хузуридадир. Мен эса бир очик огоҳлантирувчиман, холос».

- 27.** Уни яқиндан кўрганда куфр келтирганларнинг юзлари қорайиб кетади ва уларга: «Сиз истаган нарса мана шу», дейилади.
- 28.** Айтинг: «Айтинглари-чи, агар Аллоҳ мени ва мен билан бирга бўлганларни ҳалок қилса ёки бизга раҳм қилса, кофирларни аламли азобдан ким ҳимоя қилади?!»
- 29.** Айтинг: «У Раҳмондир. Унга иймон келтирдик ва Унга таваккал қилдик. Ким очик залолатда эканини яқинда билиб оласизлар».
- 30.** Айтинг: «Айтинглари-чи, агар сувларингиз ерга сингиб кетса, сизларга ким оқар сувни келтириб беради?!»

 Қалам сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Нун. Қалам ва у битадиган битикларга қасам.
2. Сиз Парвардигорингиз марҳамати ила мажнун эмассиз.
3. Албатта, сиз учун битмас-туганмас ажр мукофот бордир.
4. Албатта, сиз улуғ хулқ устидадирсиз.
5. Яқинда сиз ҳам кўрасиз, улар ҳам кўрадилар.
6. Қайси бирингиз мажнун эканини.
7. Албатта, Парвардигорингизнинг Ўзи Унинг йўлидан адашганларни ҳам жуда яхши билгувчидир ва У ҳидоят топгувчиларни ҳам жуда яхши билгувчидир.
8. Бас, ёлғон деювчиларга итоат этманг.
9. Муроса қилишингизни истайдилар. Шунда улар ҳам муроса қиладилар.
10. Итоат қилманг! Ҳар бир қасамхўр, пасткашга.
11. Ёйбатчи-ю, гап ташувчига.
12. Яхшиликни қизғанадиган тажовузкор, сергуноҳга.
13. Қўпол ва ундан кейин отасининг тайини йўққа.
14. Мол-давлати ва ўғиллари кўп бўлгани учун
15. Оятларимиз унга тиловат қилинса:

«Аввалгиларнинг афсоналари», дейди.

16. Яқинда унинг тумшуғига тамға қўямиз.
17. Биз уларни боғ эгаларини синаганимиздек синадик. Ўшанда эрта тонгда териб оламиз, деб қасам ичгандилар.
18. Истисно қилмагандилар.
19. Улар ухлаб ётганда, боғнинг устидан Парвардигорингиз тарафидан бўлган бир айланувчи айланиб чиқди.
20. Бас, у худди меваси териб олинганга ўхшаб қолди.
21. Тонг саҳарда бир-бирларини чақирдилар.
22. Агар терадиган бўлсангиз, экинзорингизга эртароқ боринг, деб.
23. Бас, пичирлашиб кетдилар.
24. Бугун устингизга бирон мискин кириб қолмасин-да.
25. Тонг-саҳарлаб мақсадига қодирдек йўлга тушдилар.
26. Уни кўрганларида, биз адашибмиз, дедилар.
27. Йўқ, маҳрум бўлибмиз.
28. Уларнинг инсофлироғи: «Сизларга тасбеҳ айтинглар, демаганмидим», деди.
29. Дедилар: «Парвардигоримизни поклаймиз. Дарҳақиқат, биз золимлар бўлдик», дедилар.
30. Бир-бирига қараб, бир-бирини маломат қила бошладилар.
31. Дедилар: «Вой, шўримиз курсин, ҳаддимиздан ошибмиз».

32. Шояд, Парвардигоримиз бизга ундан ҳам яхшироғини алмаштириб берса. Албатта, биз ёлғиз Парвардигоримизга рағбат қилгувчилармиз.
33. Азоб шундоқ бўлур ва агар билсалар, албатта, охират азоби янада улканроқдир.
34. Албатта, такводорлар учун Парвардигорлари ҳузурида ноз-неъмат боғлари бордир.
35. Мусулмонларни жинойтчилар каби қилиб қўярмидик?!
36. Сизларга нима бўлди?! Қандай ҳукм чиқармоқдасизлар?
37. Ёки сизларнинг китобингиз бўлиб, уни ўқияпсизларми?
38. Унда сизларга истаган нарсангиз (муҳайё қилинади), дейилганми?
39. Ёки сизларга Бизнинг Қиёмат кунигача етадиган берган ваъдаларимиз бўлиб, унда: «Албатта, сиз нима ҳукм қилсангиз, шу бўлади», дейилганми?!
40. Улардан сўранг-чи, қайси бирлари бунга кафил бўла олар эканлар?!
41. Ёки уларнинг шериклари бормикин?! Агар ростгўй бўлсалар, ўша шерикларини ҳам олиб келсинлар!
42. Болдирлар очилиб, сажда қилишга чорланадиган кунда қодир бўлмаслар.
43. Кўзлари эгилган, хорлик уларни эгаллаб олган.

Ҳолбуки, улар соғ-саломат пайтларида сажда қилишга чақирилгандилар.

44. Бу гапни ёлғонга чиқарувчиларни Менга қўйиб беринг. Яқинда Биз уларни ўзлари билмаган тарафдан аста-секин (ҳалок қиламиз).
45. Уларга муҳлат бериб қўяман. Албатта, Менинг «макрим» жуда қаттиқ.
46. Ёки сиз улардан ҳақ сўраяпсиз-у, улар тўловдан қийналиб қоляптиларми?
47. Балки, уларнинг ихтиёрида ғайб (илми) бўлиб, улар ёзиб олаётгандирлар?!
48. Парвардигорингиз ҳукмига сабр қилинг ва балиқ соҳибига ўхшаманг. Ўшанда у ғамга ботган ҳолида нидо қилганди.
49. Агар унга Парвардигори тарафидан бир неъмат етмаганида, аниқ қуруқликка мазамматланган ҳолида улоқтирилган бўлар эди.
50. Бас, уни Парвардигори танлаб олиб, солих бандаларидан қилди.
51. Албатта, куфр келтирганлар Қуръонни эшитган вақтларида сизни кўзлари билан йиқитаёзурлар ва у аниқ мажнундир, дейдилар.
52. Ҳолбуки, у бутун оламлар учун эслатмадан ўзга нарса эмас.

 Ал- Ҳааққа сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Аниқ рўй бергувчи.
2. Ўша аниқ рўй бергувчи нимадир?
3. Сиз аниқ рўй бергувчи нима эканини қаердан ҳам билар эдингиз?
4. Самуд ва Од қаттиқ қоқувчини ёлғонга чиқаришди.
5. Самуд эса ҳаддан ташқари қаттиқ нарса билан ҳалок қилинди.
6. Од қавми эса қутурган бўрон билан ҳалок қилинди.
7. У Зот шамолни уларнинг устига пайдар-пай етти кеча ва саккиз кундуз ҳоким қилиб қўйди. Бас, кўрасизки, у ердаги қавм худди чириб, ичи бўшаб қолган хурмо дарахтининг таналаридек ўлиб ётадилар.
8. Улардан бирортасининг боқий қолганини кўрасизми?
9. Фиръавн ҳам, ундан олдингилар ҳам, остин-устун бўлган қишлоқлар ҳам хато қилгандилар.
10. Улар Парвардигорларининг пайғамбарига итоатсизлик қилдилар. Бас, У Зот уларни жуда қаттиқ ушлади.

11. Биз сув туғёнга тушган вақтида сизларни кемада кўтардик.
12. Сизларга эслатма-ибрат қилиш ва англагувчи қулоқлар англаб олишлари учун (шундай қилдик).
13. Бас, қачон Сур бир бор чалинганида.
14. Ва еру тоғлар кўтарилиб, бир бор силкитилганида.
15. Ана ўша кунда Воқеа воқеъ бўлур!
16. Ва осмон ёрилур! Чунки у ўша кунда заиф бўлур!
17. Ва фаришталар унинг чор-атрофида турадилар. У кунда уларнинг устида Парвардигорингизнинг Аршини саккиз (фаришта) кўтариб туради.
18. Бас, ўша кунда кўрикдан ўтасизлар, бирон сирингиз махфий қолмас.
19. Бас, кимнинг китоби ўнг қўлидан берилса, у шундай дейди: «Мана, менинг китобимни ўқиб кўринглар!
20. Мен ҳисоб-китобимга йўлиқишимни билган эдим».
21. Бас, у розилик ҳаётидадир.
22. Олий жаннатдадир.
23. Унинг мевалари яқиндир.
24. (Уларга): «Ўтган кунларда қилиб ўтган амалларингиз учун мана энди бемалол еб-ичинглар», (дейилади).
25. Китоби чап қўлидан берилган кимса

эса шундай дейди: «Эҳ, китобим менга берилмаганида қанийди.

26. Ҳисоб-китоб нималигини билмасам эди.
27. (Бу дунёдаги ўлим) охиргиси бўлса қани эди.
28. Молу мулким менга асқотмади.
29. Салтанатим ҳам барбод бўлди».
30. (Айтилади): «Уни ушланглар, кишанланглар!
31. Кейин дўзахга ташланглар!
32. Кейин узунлиги етмиш газ бўлган занжирга солиб боғланглар!
33. У улуғ Аллоҳга иймон келтирмаган эди.
34. Ва мискинларга таом беришга тарғиб қилмаган эди».
35. Бас, бугун унга бу ерда бирон чин дўст йўқ.
36. Йирингдан ўзга таом ҳам йўқ.
37. Уни осийларгина ейдилар.
38. Сизлар кўриб турган нарсаларга қасам ичаман.
39. Сизлар кўрмайдиган нарсаларга ҳам.
40. Албатта, у (Қуръон) буюк Элчининг сўзидир.
41. У бир шоирнинг сўзи эмас. Сизлар жуда оз ишонасизлар.
42. У фолбиннинг сўзи ҳам эмас. Сизлар жуда оз ибратланасизлар.
43. У оламлар Парвардигори тарафидан нозил қилинган.
44. Агар у Бизнинг шаънимизга айрим сўзларни тўқиб олганида,
45. Албатта, Биз уни куч билан ушлар эдик.

46. Кейин унинг шоҳтомирини узиб ташлаган бўлар эдик.
47. Бас, сизлардан ҳеч ким уни тўсиб қолгувчи бўлмас.
48. У тақводорлар учун эслатмадир.
49. Биз сизларнинг орангизда ёлғонга чиқарувчилар борлигини аниқ биламиз.
50. У кофирлар учун ҳасрат-надоматдир.
51. У аниқ Ҳақиқатдир.
52. Бас, улуғ Парвардигорингиз исмини покланг, тасбеҳ айтинг.

 Маориж сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Бир сўрагувчи тушгувчи азоб ҳақида сўради.
2. Кофирлар учун уни даф қилиб берадиган кимса йўқдир.
3. У меърожлар соҳиби бўлмиш Аллоҳ тарафидандир.
4. Фаришталар ва Рух Унинг ҳузурига миқдори эллик минг йил бўлган кунда кўтарилиурлар.
5. Бас, чиройли сабр қилинг.
6. Улар у (Кун)ни узоқ деб биладилар.
7. Биз эса унинг яқинлигини биламиз!
8. У кунда осмон эритилган мисга ўхшаб қолади.
9. Тоғлар эса худди титилган жунга ўхшаб қолади.
10. Бирон дўст дўстидан (ҳол-аҳвол) сўрамас.
11. Улар (бир-бирларига) кўрсатилурлар! Жинойтчи у куннинг азобидан қутулиш учун ўз ўғилларини фидо қилиб юборишни истаб қолади.
12. Хотинини ва ака-укасини ҳам.
13. Уни ўз паноҳига олган қабиласини ҳам.
14. Ер юзидаги барча одамларни ҳам фидо қилиб юборишни истайди. Кейин (шу берганлари) унга нажот беришини хоҳлайди.

15. Йўқ! Албатта, у бир ловиллаб ёнаётган оловдир.
16. Бош терисини сидириб олувчидур.
17. У юз ўгириб, терс қараб кетган кимсани чақиради.
18. Йиғиб, беркитганни ҳам.
19. Дарҳақиқат, инсон бетоқат қилиб яратилгандир.
20. Унга ёмонлик етса, оҳ-воҳ қилгувчидир.
21. Яхшилик етганда эса қизғанчикдир.
22. Намозхонлар бундан мустасно.
23. (Намозхонлар)ки, намозларида барқарордирлар.
24. (Намозхонлар)ки, молу мулкларида маълум ҳақ бордир.
25. Тиланчи ва бечоралар учун.
26. (Намозхонлар)ки, Қиёмат кунини тасдиқ этадилар.
27. (Намозхонлар)ки, Парвардигорларининг азобидан қўрқадилар.
28. Зотан, Парвардигорларининг азоби беҳатар эмасдир.
29. (Намозхонлар)ки, авратларини сақлайдилар.
30. Ўз жуфти ҳалоллари ва қўл остидагилари бундан мустасно. Улар маломат қилингувчи эмаслар.
31. Ким шундан ортиғини талаб қилса, бас, ана ўшалар ҳаддан ошувчилардир.
32. (Намозхонлар)ки, омонатларига ва аҳдларига вафо қиладилар.

33. (Намозхонлар)ки, гувоҳликларини тўғри адо этадилар.
34. (Намозхонлар)ки, намозларини муҳофаза қиладилар.
35. Ана ўшалар жаннатларда ҳурмат кўргувчилардир.
36. Куфр келтирганларга не бўлдики, сиз томон бўйин чўзиб чопмоқдалар?
37. Ўнг тарафдан ҳам, чап тарафдан ҳам тўп-тўп бўлиб?
38. Ё улардан ҳар бир кимса ноз-неъмат жаннатига киритилишни тама қилурми?!
39. Йўқ! Албатта, Биз уларни ўзлари билган нарсадан яратганмиз.
40. Машриқумағриблар Парвардигорига қасам ичаманки, албатта, Биз Қодирмиз.
41. Улардан яхшироқларини алмаштириб қўйишга. Биз бу ишни қилишдан ожиз эмасмиз.
42. Уларни тек қўйинг. То ваъда қилинган кунларига рўбарў келгунларига қадар ботаверсинлар, ўйнаб-кулаверсинлар.
43. У кунда худди бутларга шошаётгандек, қабрларидан шошиб чиқурлар.
44. Нигоҳлари ерга қадалган, ўзларини хорлик қоплаб олган ҳолда турадилар. Бу ўша уларга ваъда қилинган кундир.

Нух сураси

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман)

1. Биз Нухни: «Қавмингни уларга аламли азоб келишидан аввал огоҳлантиргин», деб ўз қавмига пайғамбар қилиб юбордик.
2. Деди: «Эй қавмим, албатта, мен сиз учун очик огоҳлантирувчидирман.
3. Аллоҳга ибодат қилинглар, У Зотдан қўрқинглар ва менга итоат этинглар.
4. Гуноҳларингизни мағфират қилур ва сизларни белгиланган муддатгача тирик қолдирур. Агар биладиган бўлсангизлар, Аллоҳнинг муддати келган вақтида асло кечиктирилмас».
5. Деди: «Парвардигорим, мен қавмимни кечаю кундуз даъват қилдим.
6. Менинг даъватим уларга фақат қочишни зиёда қилди, холос.
7. Мен қачон уларни Сенинг мағфиратингга даъват қилсам, улар бармоқларини қулоқларига тиқиб, кийимларини ўраб-чирмаб олдилар ва оёқ тираб турдилар ҳамда мутакаббирлик қилдилар.
8. Кейин мен уларни ошкора даъват этдим.
9. Кейин даъватимни очик эълон ҳам қилдим, пинҳона ҳам айтдим».

10. Дедим: «Парвардигорингиздан мағфират сўранглар, албатта, У ўта Мағфиратли бўлган Зотдир.
11. У зот осмондан устингизга кетма-кет ёмғир ёғдиради.
12. Сизларга мол-дунё, бола-чақа билан мадад беради ҳамда сизларга боғу бўстонлар қилиб беради ва сизларга оқар дарёлар қилиб беради.
13. Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг буюклигидан ҳайикмайсизлар?
14. Ҳолбуки, У Зот сизларни босқичма-босқич яратди-ку!
15. Кўрмадингизмики, Аллоҳ таоло етти осмонни қандай устма-уст қилиб яратди?!
16. Улар орасидаги ойни нур, қуёшни эса чирок айлади.
17. Аллоҳ сизларни ердан ундириб чиқарди.
18. Кейин сизларни унга қайтаради ва яна чиқариб олади.
19. Аллоҳ сизларга ернигиламдек тўшаб қўйди.
20. Ундаги кенг йўлларда юришларингиз учун».
21. Нух деди: «Парвардигорим, дарҳақиқат, улар менга итоатсизлик қилиб, мол-дунёси ва бола-чақаси ўзига фақат зиённи зиёда қилган кимсаларга эргашиб кетдилар».
22. Жуда катта макр қилдилар.
23. Дедилар: «Сизлар ҳаргиз ўз

худоларингизни тарк қилманглар!
Вадни ҳам, Сувоъни ҳам, Яғусни ҳам, Яук
ва Насрни ҳам ҳаргиз тарк қилманглар!»

- 24.** «Дарҳақиқат, улар кўпларни адаштирди.
Бу золимларга залолатдан бошқани зиёда
қилма».
- 25.** Улар хатолари туфайли ғарқ қилиниб, дўзахга
киритилдилар. Бас, ўзларига Аллоҳдан ўзга
ёрдамчи топа олмадилар.
- 26.** Нух деди: «Парвардигорим, ер юзида
кофирлардан биронта қимирлаган тирик
жонни қолдирма».
- 27.** Сен уларни қолдирсанг, улар
бандаларингни йўлдан оздирадилар
ва фақат нонкўр, нопокларни туғиб-
кўпайтирадилар.
- 28.** «Парвардигорим, Ўзинг мени, ота-онамни,
менинг уйимга мўмин бўлиб кирганларни ва
барча мўмину мўминаларни мағфират этгин,
золимларга эса фақат ҳалокатни зиёда қилгин!»

 Жин сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Айтинг: «Менга ваҳий қилиндики, жинлардан бир гуруҳи тинглади ва: «Биз бир ажойиб Қуръонни эшитдик», дедилар».
2. «Тўғри йўлга ҳидоят қиладиган (Қуръонни тингладик) ва унга иймон келтирдик. Энди биз Парвардигоримизга ҳаргиз бирон кимсани шерик қилмасмиз».
3. «Дарҳақиқат, Парвардигоримиз буюклиги юксак бўлди. У бирон жуфт ва ё фарзанд тутган эмас».
4. Орамиздаги бир аҳмоқ Аллоҳ шаънига ноҳақ сўз айтар эди.
5. Биз инс ҳам, жин ҳам Аллоҳ шаънига ҳаргиз ёлғон сўзламас, деб ўйлар эдик.
6. Дарҳақиқат, айрим инсон кишилар жин кишилардан паноҳ сўрар эди. Бу ишуларнинг ҳаддан ошишини янада зиёда қилди.
7. Дарҳақиқат, улар сизлар ўйлаганингиздек, Аллоҳ бирон кишини қайта тирилтирмас, деб гумон қилардилар.
8. Биз самога тирмашдик. Лекин уни кучли қўриқчилар ва куйдириб юборадиган юлдузларга тўла кўрдик.
9. Дарҳақиқат, биз тинглашга қулай жойларга

ўтириб олар эдик. Энди эса ким қулоқ солса, ўзини пойлаб турган куйдириб юборувчи юлдузга дуч келади.

10. Дарҳақиқат, биз ердаги кишиларга ёмонлик ирода қилинганми ёки Парвардигорлари уларга рушду ҳидоятни ирода қилганми, билмасмиз.
11. Дарҳақиқат, орамизда солиҳлар ҳам, бошқалар ҳам бор. Чунки биз турли йўлларда эдик.
12. Дарҳақиқат, биз билдикки, ер юзида ҳеч қачон Аллоҳни ожиз қолдира олмас эканмиз ва Ундан қочиб қутула олмас эканмиз.
13. Дарҳақиқат, биз ҳидоятни тинглагач, унга иймон келтирдик. Ким Парвардигорига иймон келтирса, савоби камайиб қолишидан ҳам, гуноҳи ортиб кетишидан ҳам қўрқмайди.
14. Албатта, орамизда мусулмонлар ҳам бор, йўлдан озганлар ҳам бор. Бас, ким мусулмон бўлса, бас, ана ўшалар тўғри йўлни танлабдилар.
15. Адашганлар эса жаҳаннамга ўтин бўлибдилар.
16. Улар тўғри йўлда барқарор турганларида эди, уларни мўл ёмғир ила суғорган бўлар эдик.
17. Уларни синаш учун. Ким Парвардигорининг зикридан юз ўгирса, У Зот уни қаттиқ азоб сари йўллаб қўяди.
18. Дарҳақиқат, масжидлар Аллоҳникидир. Бас,

Аллоҳ билан бирга яна бирон кимсага дуо қилманглар.

19. Аллоҳнинг бандаси У Зотга дуо қилиб турган пайтида унинг устига ғуж-ғуж бўлиб ёпирилиб кетай дедилар.

20. Айтинг: «Мен ёлғиз Парвардигоримгагина дуо қилурман ва У Зотга бирон кимсани шерик қилмасман».

21. Айтинг: «Албатта, мен сизларга на бир зиён ва на бир фойда беришга молик эмасман».

22. Айтинг: «Албатта, мени Аллоҳдан ҳеч ким ҳимоя қила олмас ва Ундан ўзга паноҳ ҳам топа олмасман».

23. Аллоҳ тарафидан етказиш ва У Зотнинг рисолати бундан мустасно. Ким Аллоҳга ва У Зотнинг Пайғамбарига осийлик қилса, унга дўзах ўти бўлгай ва у ерда мангу қолурлар.

24. Ўзларига ваъда қилинган нарсани кўрганларида кимнинг мададкори заифроқ ва сони озроқ эканини билиб оладилар.

25. Айтинг: «Сизларга ваъда қилинган нарса яқинми ё унга Парвардигорим узок муддат тайин қилганми, билмайман».

26. У ғайбни Билувчидир ва ҳеч кимни Ўз ғайбидан огоҳ қилмас.

27. Ўзи рози бўлган пайғамбаргина бундан мустасно. Бас, Аллоҳ унинг олдидан ҳам, ортидан ҳам кузатувчи қўяди.

28. Токи билиб олсинки, улар

Парвардигорларининг рисолатларини аниқ етказганлар. У Зот улардаги нарсаларни ихота қилиб олган ва ҳамма нарсанинг саноғини ҳисоб-китоб қилиб қўйган.

 Муззаммил сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Эй ўраниб олган зот!
2. Кечаси туриб намоз ўқинг. (Кечанинг озгинаси) бундан мустасно.
3. Унинг ярмида. Ёки ундан ҳам озроқ камайтиринг.
4. Ёки унга қўшинг. Ва Қуръонни тартил билан тиловат қилинг.
5. Дарҳақиқат, Биз устингизга оғир Сўзни ташлармиз.
6. Албатта, кечаси туриш муносиб палладир ва энг тўғри сўздир.
7. Кундузида эса сизнинг узоқ ишлашингиз бор.
8. Парвардигорингизнинг номини ёд этинг ва Унга бутунлай берилиб ибодат қилинг.
9. Машриқу мағрибнинг Парвардигори. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Бас, уни ҳомий қилиб олинг!
10. Улар айтаётган гапларга сабр қилинг ва улардан чиройли тарзда четлашинг.
11. Аҳли неъмат бўлган ёлғонга чиқарувчиларни Менга қўйиб беринг ва уларга бировгина фурсат беринг.
12. Дарҳақиқат, Бизнинг ҳузуримизда кишанлар ва дўзах бор.

13. Тиқилиб қоладиган таом ва аламли азоб бор.
14. Ўшакунда еру тоғларларзага келади ва тоғлар тўкилиб турадиган қумтепаларга айланади.
15. Дарҳақиқат, Фиръавнга бир пайғамбар юборганимиздек, сизларга ҳам қарши гувоҳлик берадиган бир пайғамбар юбордик.
16. Бас, Фиръавн пайғамбарга осийлик қилди ва Биз уни шиддатли азоб билан ушладик.
17. Куфр келтирадиган бўлсангизлар, болаларни чолларга айлантириб юборадиган кундан қандай ҳимояланасизлар?!
18. У кунда само ҳам ёрилгувчидир. У Зотнинг ваъдаси амалга ошгувчидир.
19. Дарҳақиқат, булар бир эслатмадир. Ким истаса, Парвардигори сари йўл олгай.
20. Дарҳақиқат, Парвардигорингиз сиз ва сиз билан бирга бўлган бир тоифа кечанинг учдан иккисидан озроғида, унинг ярмида ва учдан бирида қоим бўлаётганингизни билади. Кеча ва кундузни Аллоҳ белгилайди. У Зот (тунни тўла) саноғига етказа олмасликларингизни билиб, сизларга қайта енгиллик берди. Қуръондан муяссар бўлганича ўқийверинглар. У Зот сизларнинг орангизда беморлар бўлишини, бошқалар Аллоҳнинг фазлидан умид қилиб, ер юзида сафар қилишларини, яна бошқалар эса Аллоҳ йўлида жиҳод қилишларини билди. Бас, муяссар бўлганича ўқийверинглар. Намозни

тўкис адо этинглар, закотни беринглар ва Аллоҳга қарзи ҳасана беринглар! Ўзларингиз учун нимани такдим қилсангизлар, уни Аллоҳнинг ҳузурида топасизлар. У яхшироқ ва буюкроқ мукофот ҳолида бўлади. Аллоҳдан мағфират сўранглар! Албатта, Аллоҳ Мағфиратли, Меҳрибондир.

 Муддассир сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Эй, бурканиб ётган!
2. Туринг ва огоҳлантиринг!
3. Парвардигорингизни улуғланг!
4. Либосларингизни покланг!
5. Бутлардан йироқ бўлинг!
6. Кўп санаб, миннат қилманг.
7. Парвардигорингиз учун сабр қилинг.
8. Бурғу чалинганида.
9. Ана ўша кун қийин кундир!
10. Кофирларга осон бўлмаган (кундир)!
11. Мен якка ҳолида яратган кимсани Ўзимга қўйиб беринг.
12. Унга мўл-кўл мол-давлат бердим.
13. Ва ҳозир нозир фарзандлар ҳам.
14. Унга осонлаштириб қўйдим.
15. Кейин у янада зиёда қилишимни тама қилур.
16. Асло! У Бизнинг оятларимизга қаршилик қилгувчи эди.
17. Яқинда Мен уни бир машаққатга дучор қиламан.
18. Дарҳақиқат, у ўйлади ва режа тузди.
19. Ҳалок қилингур, қандай режа тузди-я?!
20. Яна ҳалок қилингур, қандай режа тузди-я?!

21. Кейин назар солди.
22. Кейин афтини буриштирди ва ковоғини солди.
23. Кейин юз ўгирди ва мутакаббирлик қилди.
24. Деди: «Албатта, бу нақл қилинган сеҳрдан ўзга нарса эмас».
25. «Бу инсон сўзидан бошқа нарса эмас».
26. Яқинда уни Сақарга киритурман.
27. Сақарнинг нима эканини сиз қаердан ҳам билар эдингиз.
28. У на қолдиради ва на тарк этади.
29. У терини қаттиқ куйдирувчидир.
30. Унинг устида ўн тўққизта бор.
31. Дўзах эгалари - кўрикчиларини фақат фаришталар қилдик. Уларнинг сонини куфр келтирганлар учун синовдан ўзга нарса қилмадик. Токи китоб берилганлар аниқ билиб олсинлар ва иймон келтирганларнинг иймони янада зиёда бўлсин. Китоб берилганлар ҳам, мўминлар ҳам шубҳага бормасинлар. Қалбида марази бор кимсалар ва кофирлар эса: «Бу билан Аллоҳ нимани мисол қилмоқчи бўляпти», деб қолсинлар. Аллоҳ мана шундай Ўзи истаган одамни адаштиради ва Ўзи истаган одамни ҳидоят қилади. Парвардигорингизнинг лашкарларини Ўзидан ўзга ҳеч кимса билмас. У башарият учун бир эслатма, холос.
32. Йўқ! Ойга қасам.

33. Ўтиб кетган тунга қасам.
34. Ёришиб келаётган тонгга қасам.
35. Дарҳақиқат, у улканларнинг биридир.
36. У башарият учун огоҳлантирувчидир.
37. Сизлардан пешқадам бўлишни ёки ортида қолишни хоҳлаётган кимсалар учундир.
38. Ҳар бир жон ўзи қилиб ўтган ишнинг гаровидир.
39. Ўнг тараф соҳиблари бундан мустаснодир.
40. Улар жаннатларда бир-бирларидан сўрайдилар.
41. Жинойтчилар ҳақида.
42. «Сизларни Сақарга нима киритди?»
43. Дедилар: «Намоз ўқигувчилардан бўлмагандик.
44. Мискинга таом бермагандик.
45. Шўнғувчилар билан бирга шўнғир эдик.
46. Қиёмат кунини ёлғонга чиқарар эдик.
47. То бизга ўлим келгунига қадар (шундай эдик)».
48. Энди уларга оқловчиларнинг оқлови фойда бермас!
49. Уларга нима бўлдики, эслатмадан юз ўгирадилар?
50. Бамисоли улар ёввойи эшаклар.
51. Арслондан қочгани каби.
52. Балки улардан ҳар бир киши ўзига очик саҳифалар берилишини истаётгандир.
53. Йўқ! Балки улар охирадан кўркмаслар.

- 54.** Йўқ! Албатта, у эслатмадир.
- 55.** Бас, ким истаса, ундан эслатма-ибрат олур.
- 56.** Аллоҳ хоҳлаганидагина эслатма-ибрат оладилар. У таквоаҳлидир, мағфиратаҳлидир.

Қиёмат сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Қиёмат кунига қасам ичаман.
2. Маломатгўй нафсга қасам ичаман.
3. Инсон Бизни унинг суякларини ҳеч қачон тўплаёлмас, деб ўйлайдими?
4. Йўқ! Биз унинг бармоқ учларини ҳам асл ҳолига келтиришга Қодирмиз.
5. Балки, инсон олдинда фисқу фужур қилишни хоҳлар.
6. «Қиёмат куни қачон ўзи?» деб сўрар.
7. Кўз қамашганда.
8. Ой тутилганда.
9. Қуёш билан ой бирлаштирилганда.
10. Ўшал кунда инсон: «Қочар жой қаерда?» деб қолади.
11. Йўқ! Паноҳ йўқдир!
12. У кунда қарор топиш ёлғиз Парвардигорингизгадир.
13. У кунда инсонга қилиб ўтган ишлари ҳақида ҳам, қолдириб кетган ишлари ҳақида ҳам хабар берилади.
14. Балки инсон ўзига қарши ўзи гувоҳдир.
15. Гарчи узрларини тўкиб солса ҳам.
16. Уни шошилтириб, тилингизни у билан

қимирлатманг.

17. Дарҳақиқат, уни жамлаб бериш ҳам, ўқитиб қўйиш ҳам Бизнинг зиммамизда.
18. Уни ўқиб берган пайтимизда ўқилишига қулоқ солиб тулинг.
19. Кейин уни баён қилиб бериш ҳам Бизнинг зиммамизда.
20. Йўқ! Балки сизлар нақдни яхши кўрасизлар.
21. Охиратни эса тарк этасизлар.
22. У кунда яшнаб турадиган юзлар бор.
23. (Улар) Парвардигорларига боқиб тургувчидир!
24. У кунда тиришиб-буришган юзлар ҳам бор.
25. Ўзларига умуртқасини синдирадиган бир иш бўлишига ишониб турадилар.
26. Йўқ! Жон ҳалқумга келган пайтда.
27. «Дам солиб қўядиган бирон кимса борми?» - деб қолинганди.
28. Бунинг ажралиш эканини англаганида.
29. Оёқ оёққа чалмашиб қолганда.
30. Ана ўша кунда ҳайдалиш ёлғиз Парвардигорингиз саридир.
31. Бас, у на тасдиқ этди ва на намоз ўқиди!
32. Аксинча, ёлғонга чиқарди ва юз ўгирди.
33. Кейин гердаиганича ўз аҳли сари кетди.
34. Ўлим бўлсин сенга, ўлим!
35. Кейин яна ўлим бўлсин сенга, ўлим!
36. Инсон, бекор ташлаб қўйиламан, деб ўйлайдими?

37. У тўкиладиган манийдан бир нутфа эмасмиди?
38. Сўнгра лахта қон бўлди. Кейин (Аллоҳ уни) яратди ва расо қилди.
39. Кейин ундан эркак ва аёл жуфтларни қилди.
40. Шундай Зот ўликларни тирилтиришга Қодир эмасми?!

 Инсон сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Дарҳақиқат, инсонга у эсга олинадиган нарсa бўлмаган бир замон келмадими?
2. Дарҳақиқат, Биз инсонни аралаш нутфадан яратдик. Уни синаймиз. (Шунинг учун) уни эштадиган, кўрадиган қилиб қўйдик.
3. Дарҳақиқат, Биз унга йўл кўрсатдик. Ё шукр қилувчи ва ё куфр келтирувчи бўлсин.
4. Дарҳақиқат, Биз кофирлар учун занжирлар, кишанлар ва ёниб турган оловни тайёрлаб қўйганмиз.
5. Албатта, яхшилар аралашмаси кофур бўлган майкосалардан ичурлар.
6. Бир чашмаки, ундан Аллоҳнинг бандалари ичурлар. Уни ўзлари отилтириб чиқарадилар.
7. Улар назрга вафо қилурлар ва ёмонлиги кенг тарқаладиган кундан кўрқарлар.
8. Таомни ўзлари яхши кўриб турсалар-да, мискин, етим ва асирларни таомлантирурлар.
9. (Дерлар): «Албатта, биз сизларни фақат Аллоҳнинг розилиги учун овқатлантирамиз. Бунинг эвазига сизлардан мукофот ёки ташаккур истамасмиз.
10. Дарҳақиқат, биз Парвардигоримиз томонидан бўладиган юзларни қаттиқ тириштириб-

- буриштириб юборадиган кундан кўрқамиз».
11. Бас, Аллоҳуларни ўша куннинг ёмонлигидан сақлади ҳамда уларга нур ва сурур бахш этди.
 12. Сабр қилганлари учун уларни жаннат ва ипак билан мукофотлади.
 13. У ерда сўриларда ястанган ҳолдалар. У ерда қуёшни ҳам, совуқни ҳам кўрмаслар.
 14. Жаннат соялари уларга яқиндир. Мевалари ҳам эгиб қўйилгандир.
 15. Уларга кумуш идишлар ва биллур қадахлар айлантириб турилур.
 16. Кумушдан бўлган биллурлар. Уни ўлчаб қўйгандирлар.
 17. У ерда аралашмаси занжабил бўлган қадахдан суғорилурлар.
 18. Салсабил деб аталадиган чашмадан.
 19. Уларнинг атрофида мангу ёш болаларайланиб юрадилар. Уларни кўрсангиз, сочилган маржон, деб ўйлайсиз.
 20. Назар ташласангиз, у ерда неъматни ва катта мулк-давлатни кўрасиз.
 21. Уларнинг устларида яшил ипак ва шойи либослар бўлиб, улар кумуш билагузуклар билан безангандирлар ва Парвардигорлари уларни ниҳоятда покиза шароб ила суғоргандир.
 22. Албатта, бу сизларга мукофот бўлди ва ҳаракатингиз қабул бўлди.
 23. Дарҳақиқат, Биз сизга Қуръонни бўлиб-

бўлиб нозил қилдик.

24. Бас, Парвардигорингиз ҳукмига сабр қилинг ва улардан бирон осий ё нонкўрга итоат этманг!
25. Ва эрта-ю кеч Парвардигорингиз номини зикр қилинг!
26. Кечанинг бир қисмида ҳам У Зотга сажда қилинг ва тунда Унга узок тасбеҳ айтинг!
27. Дарҳақиқат, анавилар нақдни хуш кўрмоқдалар. Оғир кунни эса ортларига отмоқдалар.
28. Биз уларни яратдик ва яратилишини мустаҳкам қилдик. Агар истасак, уларни ўзларига ўхшаганларга алмаштириб қўяверамиз.
29. Дарҳақиқат, бу бир эслатмадир. Ким хоҳласа, Парвардигори сари йўл олади.
30. Аллоҳ хоҳлаганидагина сизлар ҳам хоҳларсизлар. Албатта, Аллоҳ Билувчи ва Ҳаким Зотдир.
31. Ўзи хоҳлаган одамни Ўз раҳматига киритади. Золимларга эса аламли азобни тайёрлаб қўйган.

Мурсалот сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Пайдар-пай юборилган (шамол)ларга қасам.
2. Қаттиқ эсган шамолларга қасам.
3. Тарқатиб юборадиган (шамол)ларга қасам.
4. Фарқлаб берувчи (фаришта)ларга қасам.
5. Ваҳийни ташувчиларга қасам.
6. Узрларни ёки огоҳлантиришларни.
7. Сизларга ваъда қилинган нарса аниқ содир бўлгувчидир.
8. Бас, юлдузлар ўчирилганда.
9. Ва осмон ёрилганда.
10. Тоғлар сочилганда.
11. Пайғамбарларга вақт белгиланганда.
12. Қай кунга белгиланган эди?
13. Ажратиш кунига.
14. Ажратиш куни нима эканини қаердан ҳам билар эдингиз?
15. У кунда ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай!
16. Олдингиларни ҳалок қилмадикми?
17. Сўнгра кейингиларни ҳам уларга эргаштирурмиз.
18. Жинойтчиларни шундоқ қилурмиз.
19. У кунда ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай!
20. Сизларни бир ҳақир сувдан яратмадикми?

21. Бас, уни мустаҳкам қароргоҳга жойламадикми?!
22. Маълум муддатгача.
23. Бас, қодир бўлдик. Нақадар қудратлимиз!
24. У кунда ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай!
25. Ерни ўзига тортувчи қилиб қўймадикми?!
26. Тирикларни ҳам, ўликларни ҳам.
27. Унда юксак тоғлар қилдик ва сизларни чучук сув билан суғордик.
28. У кунда ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай!
29. Энди ўша ўзингиз ёлғонга чиқарган нарса сари юраверинглар.
30. Уч бўлакли «соя» сари бораверинглар!
31. У ҳеч қандай салқин ҳам қилмайди, оловни ҳам қайтармайди.
32. Албатта, у қасрдек учқунларни отиб туради.
33. Гўё улар қорамтир сарик туялардек.
34. У кунда ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай!
35. Бу улар гапира олмайдиган кундир.
36. Ва уларга узр айтишга изн берилмайди.
37. У кунда ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай!
38. Бу ажратиш кунидир. Сизларни ҳам, олдингиларни ҳам жамладик.
39. Бас, сизларнинг бирон ҳийлангиз бўлса, Менга ишлатиб кўринглар-чи?
40. У кунда ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай!
41. Дарҳақиқат, тақводорлар соялар ва чашмаларда бўладилар.

42. Ва кўнгиллари тусаган мевалардадирлар.
43. Қилиб ўтган яхши амалларингиз учун энглар, ичинглар. Ош бўлсин.
44. Албатта, Биз гўзал амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлаймиз.
45. У кунда ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай!
46. Бирозгина еб, фойдаланиб қолинглар! Сизлар аниқ жинойтчисизлар!
47. У кунда ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай!
48. Уларга: «Рукуъ қилинглар», дейилса, рукуъ қилмаслар.
49. У кунда ёлғон дегувчиларга ҳалокат бўлгай!
50. Бас, ундан кейин қайси сўзга ишонадилар?!

 Набаъ сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Бир-бирларидан нима ҳақида сўрамоқдалар?!
2. Улуғ хабар ҳақида.
3. Шундай хабарки, улар унинг ҳақида ихтилофдадирлар.
4. Йўқ! Улар яқинда билиб олурлар.
5. Яна бир бор йўқ! Улар яқинда билиб олурлар!
6. Ерни(сизлар учун) бешик қилиб қўймадикми?
7. Ва тоғларни қозик (қилиб қўймадикми?).
8. Ва сизларни жуфт-жуфт қилиб яратдик.
9. Ва уйқуларингизни ором қилиб бердик.
10. Кечани либос қилдик.
11. Кундузни эса тирикчилик вақти қилдик.
12. Устингизда етти қават мустаҳкам (осмон)ни бино қилдик.
13. Ва чарақлаб турувчи чироқ ҳам қилдик.
14. Яна Биз ўзидан ёмғирни сиқиб чиқаргувчи (булут)лардан мўл-кўл сув-ёмғир ёғдирдик.
15. У билан дон ва наботот чиқаришимиз учун (шундай қилдик).
16. Ва дарахtlари бир-бирига чирмашиб кетган боғларни чиқариш (барпо қилиш учун шундай қилдик).
17. Албатта, ажрим куни аниқ белгилаб қўйилди.

18. У кунда Сурга пуфланур ва сизлар тўп-тўп бўлиб келурсизлар.
19. Само очилиб, (фаришталар тушиб келадиган) эшикларга айланиб қолди!
20. Тоғлар ўрнидан қўзғатилиб, саробга айланур.
21. Албатта, жаҳаннам пойлаб турувчидир.
22. Ҳаддидан ошганларнинг борар жойи.
23. У ерда узоқ замонлар қолиб кетадилар.
24. У ерда бирон салқинни ҳам, ичимликни ҳам топмаслар.
25. Фақатқайноқсуввайирингнигина(тотурлар)!
26. (Бу уларнинг қилмишларига) яраша жазо!
27. Чунки улар ҳисоб-китобдан кўрқмас эдилар.
28. Ва оятларимизни батамом ёлғон дер эдилар!
29. Биз ҳаммасини ёзиб, китоб қилиб қўйганмиз.
30. Бас, татиб кўринглар, энди сизларга азобдан бошқа ҳеч нарсани зиёда қилмасмиз.
31. Албатта, тақводорлар учун нажот манзили бордир.
32. Боғлар ва узумзорлар.
33. Бўйи етган тенгдош қизлар.
34. Тўлдирилган қадаҳлар.
35. У ерда беҳуда ва ёлғон гапларни эшитмаслар.
36. Парвардигорингиз тарафидан бир мукофот, совға ҳисобида.
37. Осмонлар ва ернинг ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларнинг Парвардигори бўлмиш Меҳрибон Зот

(томонидан). Улар У Зотдан (қўрқиб) бирон сўз айта олмаслар.

- 38.** Ўша кунда Рух ва фаришталар саф бўлиб турар. Раҳмон изн берганларгина гапира олур ва рост сўзлар.
- 39.** Бу ҳақ кундир. Бас, ким хоҳласа, ўз Парвардигори томон қайтадиган йўлни тутгай.
- 40.** Албатта, Биз сизларни яқин келажакда содир бўладиган азобдан огоҳлантирдик. У кунда ҳар киши ўзи қилган ишни кўради. Ва кофир: «Кошки тупроқ бўлиб кетсам эди», деб қолади.

 Назиаат сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Шиддат билан (жонни) суғуриб олувчи (фаришта)ларга қасам.
2. Юмшоқлик билан жон олувчи (фаришта)ларга қасам.
3. Сузиб юрувчи (фаришта)ларга қасам.
4. Ўзишда мусобақа қилувчи (фаришта)ларга қасам.
5. Ишнинг тадбирини қилувчи (фаришта)ларга қасам.
6. Титрагувчи титраган кунда.
7. Унга эргашувчи эргашганда.
8. Ўша кунда қалблар кўрқувга тушгувчидир.
9. Кўзлари эса эгилиб қолгувчидир!
10. Дейдилар: «Биз ростдан ҳам ортга қайтариламизми?»
11. «Чириган суяк бўлганимиздан кейин ҳам-а?»
12. «Ундай бўлса, бу зиёнли қайтиш-ку!» - дерлар..
13. Албатта, у бир қичқирикдан бошқа нарса эмас.
14. Қарабсизки, улар ер устида бўлиб қолурлар!
15. Сизга Мусонинг хабари келдими?

16. Эсланг, Парвардигори унга муқаддас Туво водийсида (шундай) нидо қилган эди:
17. «Фиръавннинг ёнига бор, чунки у ҳаддидан ошди.
18. Унга: «Сенда покланишга (рағбат) борми?
19. Сени Парвардигоринг сари бошласам, бас, (У зотдан) кўрқсанг».
20. Унга бир улкан мўъжиза кўрсатди.
21. (Фиръавн) уни ёлғонга чиқарди ва осий бўлди.
22. Сўнг юз ўгириб, тезлаб кетди.
23. Сўнг (ўз одамларини) тўплаб, жар солди:
24. «Мен сизларнинг энг олий Парвардигорингиздирман», деди.
25. Бас, Аллоҳ уни охират ва дунё азобига гирифтор қилди.
26. Албатта, бунда У зотдан кўрқадиганлар учун ибрат бордир.
27. Сизларни яратиш қийинми ёки осмонними? Уни (Аллоҳ) бино қилди.
28. Шифтини баланд қилиб, тиклади.
29. Кечасини қоронғу қилиб, (ундан) кундузини чиқарди.
30. Ундан кейин ерни ёйиб текис қилди.
31. Ундан сувини, ўтлоқларини чиқарди.
32. Ва тоғларни ўрнаштирди.
33. Сизларга ва чорваларингизга фойдали бўлиши учун.
34. Катта бало келганида.

35. Инсон ўз қилмишини ёдга олган кунда.
36. Ва дўзах кўрадиган кимсага кўрсатиб қўйилганида.
37. Ўшанда ким ҳаддидан ошган бўлса.
38. Ва бу дунё ҳаётини устун қўйган бўлса.
39. Унинг жойи фақат жаҳаннам бўлур.
40. Ким Парвардигори қошида туришдан кўрқиб, нафсни хоҳиш-истаклардан тийган бўлса.
41. Бас, унинг жойи жаннатдир.
42. Сиздан, Қиёмат қачон бўлиши ҳақида сўрайдилар.
43. Сиз қаёқда-ю, уни зикр қилиш қаёқда?!
44. Уни (билиш) ёлғиз Парвардигорингизга бориб тўхтар.
45. Сиз фақат ундан кўрқадиган кишиларни огоҳлантиргувчисиз, холос.
46. Уни кўрадиган кунда худди (бу дунёда) биргина Пешиндан сўнг ёки чошгоҳ пайтида тургандек бўлиб қолурлар!

 Абаса сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Афтини буриштирди ва юз ўгирди.
2. Кўр киши ҳузурига келганда.
3. Қаердан биласиз? Эҳтимол у покланар?
4. Ёки насиҳат олар ва насиҳат унга кор қилар?
5. Аммо истиғно қилган кимсага эса.
6. Сиз ўша томонга юзланяпсиз.
7. У покланмаса, сизга зарари бўлмас.
8. Аммо ҳузурингизга шошилиб келган.
9. (Аллоҳдан) кўркқан ҳолида.
10. Бас, сиз ундан юз ўгирияпсиз.
11. Йўқ! Албатта, улар (Қуръон оятлари) эслатмадир.
12. Бас, хоҳлаган киши ундан ибратланур.
13. (Бу Қуръон) азизу мукаррам саҳифалардадир.
14. Қадри баланд, покиза.
15. Элчи (фаришта)лар қўлларидадир.
16. Итоатли, улуғдирлар.
17. Ҳалок бўлгур инсон-а! Бунчалар кофир бўлмаса!
18. Уни қайси нарсадан яратди ўзи?!
19. Уни бирнутфадан яратиб, тақдирини белгилаб қўйди.
20. Кейин йўлини осон қилди.

21. Кейин уни ўлдириб, қабрга киритди.
22. Кейин истаган пайтида уни қайта тирилтиради.
23. Йўқ, ундоқэмас! У (Аллоҳ) буюрган буйруқни бажармади.
24. Инсон ўзининг таомига назар солсин.
25. Биз сув-ёмғирни қуйдирдик.
26. Сўнг ерни ёрдик.
27. Кейин унда дон-дунни ундириб-ўстириб қўйдик-ку!
28. Узум ва яшил емларни.
29. Зайтун ва хурмоларни.
30. Қуюқ дарахтзор боғларни.
31. Мева-чева-ю, ўт-ўланларни.
32. Сизларга ва чорваларингизга фойдали бўлсин, деб.
33. Қачон кар қилувчи овоз келса,
34. У кунда киши ўз ака-укасидан,
35. Ота-онасидан,
36. Хотин, бола-чақасидан қочади.
37. У кунда ҳар бир кишининг ўзига етарли ташвиши бўлади.
38. У кунда порлоқ чехралар бор.
39. Кулгувчи ва хуррам.
40. У кунда яна шундай чехралар борки, уларни ғубор босган.
41. У (юз)ларни қаролик қоплаб олур!
42. Ана ўшалар фожир кофирлардир.

Таквир сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Қуёш ўралиб қолганида;
2. Юлдузлар тўкилганида;
3. Тоғлар жойидан қўзғатилганида;
4. Ҳомиласига ўнойтўлган бўғоз туялар қаровсиз қолганида;
5. Ваҳший ҳайвонлар бир жойга тўпланганида;
6. Денгизлар аланга олиб ёнганида;
7. Жонлар жуфтланганида;
8. Тириклай кўмилган қиздан сўралганида;
9. Қандай гуноҳ сабабли ўлдирилгани ҳақида;
10. Саҳифалар очилганида;
11. Осмон сидириб олинганида;
12. Жаҳаннам қиздирилганида;
13. Жаннат яқинлаштирилганида;
14. Ҳарбир жонни маҳозирлаб келганини биладир.
15. Кўздан ғойиб бўлгувчи юлдузларга қасам ичаман.
16. Юрувчи, беркинувчиларга.
17. Келиб-кетаётган кечага.
18. Ва отаётган тонгга (қасам ичурманки).
19. У шак-шубҳасиз, улуғ элчининг (Аллоҳдан келтирган) сўзидир!
20. У қувватли, Аршнинг соҳиби наздида

мартабаси олий.

21. Итоат этилгувчи ва ишончлидир.
22. Сизнинг соҳибингиз мажнун эмасдир.
23. Дарҳақиқат, у (Жаброил алайҳиссалом)ни очик уфқда кўрди.
24. Ва у ғайбга бахил эмасдир.
25. У (Қуръон Карим) тошбўрон қилинган шайтоннинг сўзи эмасдир.
26. Бас, қаён бормоқдасиз?!
27. У бутун оламлар учун бир эслатмадан бошқа нарсаси эмас.
28. Орангиздаги тўғри йўлдан бормоқни истаганлар учун.
29. Бутун оламлар Парвардигори Аллоҳ хоҳласагина хоҳларсизлар.

 Инфитор сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Осмон ёрилганида.
2. Юлдузлар сочилиб кетганида.
3. Денгизлар очилганида.
4. Қабрлар тўнқариб қўйилганида.
5. Ҳар бир жон қилган ишини ҳам, кечиктириб қилолмай қолган ишини ҳам билади.
6. Эй инсон, улуғ Парвардигоринг борасида сени нима алдаб қўйди?!
7. (Парвардигорингки), сени яратди, тиклади, расо қилди.
8. Ўзи хоҳлаган сувратда сени таркиб топтирди.
9. Асло! Балки, сиз жазони ёлғонга чиқармоқдасиз!
10. Ҳолбуки, сизнинг устингиздан кузатиб турувчилар бордир.
11. Улуғ котиблар.
12. Нима қилаётганингизни биладилар.
13. Албатта, яхшилар неъмат ичрадирлар.
14. Фожирлар эса жаҳаннам ичрадирлар.
15. У ерга Қиёмат куни кирадилар.
16. Ва ундан ғойиб бўла олмаслар.
17. Сиз жазо куни нима эканини қаердан ҳам билардингиз?!

18. Кейин яна сиз жазо куни нима эканини қаердан ҳам билардингиз?!
19. У кунда ҳеч ким ҳеч кимга ҳеч нарса қилиб бера олмас. У кунда ҳамма иш ёлғиз Аллоҳнинг Қўлидадир.

 Мутаффифин сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Уриб қолгувчиларга ҳалокат бўлсин!
2. Улар одамлардан нарса ўлчаб олсалар, тўла оладилар.
3. Уларга ўлчаб ёки тортиб берганларида эса кам қилиб берадилар.
4. Улар ўзларининг қайта тирилишларини ўйламайдиларми?!
5. Улуғ бир кунда.
6. Барча одамлар бутун оламлар Парвардигори ҳузурида тик турадиган кунда.
7. Йўқ! Албатта, фожирларларнинг китоби Сижжийндадир.
8. Сижжийн нима эканини сиз қаердан ҳам билардингиз?
9. (У) битилган китобдир.
10. У кунда ёлғонга чиқарувчиларга ҳалокат бўлгай!
11. Улар жазо кунини ёлғонга чиқарадилар.
12. Уни ҳар бир ҳаддан ошган ва гуноҳга ботган кимсагина ёлғон дер!
13. Оятларимиз унга тиловат қилинса, аввалгиларнинг афсоналари, дер.
14. Йўқ! Уларнинг қилган касблари қалбларига

моғор бўлиб ўрнашиб қолгандир.

15. Йўқ! Албатта, улар ўша кунда Парвардигорларидан тўсилгувчидирлар!

16. Сўнгра, албатта, улар дўзахга киргувчидирлар.

17. Сўнгра, сизлар ёлғонга чиқариб юрган нарса мана шудир, дейилади.

18. Асло! Яхшиларнинг номаи аъмоллари, шак-шубҳасиз, Иллийюндадир.

19. Иллийюн нималигини қаердан ҳам билардингиз!

20. (У) битилган китобдир.

21. Унга муқарраб (фаришта) ларгувоҳ бўлурлар.

22. Албатта, яхшилар неъматдадирлар.

23. Сўриларда қараб (ўтирадилар).

24. Чехраларида неъмат жилвасини кўрасиз.

25. Улар муҳрланган шаробдан ичурлар.

26. Унинг муҳри мушк бўлур. Бас, беллашадиганлар мана шу ишда беллашсинлар.

27. Унинг аралашмаси таснимдандир.

28. У бир чашмадирки, ундан муқарраблар ичадилар.

29. Албатта, жинойт қилганлар иймон келтирганлар устидан кулар эдилар.

30. Уларнинг ёнидан ўтиб қолсалар, масхаралаб имо-ишоралар қилардилар.

31. Қачон уйларига қайтсалар, ҳузурланиб қайтардилар.

32. Уларни кўрганларида, анавилар ҳақиқий адашганлардир, дер эдилар.
33. Ҳолбуки, улар (мўминларнинг) устига қўриқчи қилиб юборилган эмасдилар.
34. Энди бу кунда иймон келтирганлар кофирлар устидан куладилар.
35. Сўриларда қараб (ўтирадилар).
36. Кофирлар ўзлари қилиб ўтган қилмишларининг жазосини олдиларми?

Иншиқоқ сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Осмон ёрилганида;
2. Ҳамда у Парвардигорига қулоқ тутганида
ва (шу ишга) лойиқ топилганида;
3. Ер ёйилганида;
4. Ва ўзидаги нарсаларни чиқариб ташлаб,
холи бўлиб қолганида;
5. Ҳамда у Парвардигорига қулоқ тутганида
ва (шу ишга) лойиқ топилганида;
6. Эй инсон, албатта, сен меҳнат-машаққат чекиб
Парвардигорингга борғувчисан ва У Зотга
йўлиққувчисан.
7. Бас, кимнинг номаи аъмоли ўнг томонидан
берилса.
8. Тезда, осонгина ҳисоб қилинур.
9. Ва аҳли ҳузурига хурсанд ҳолда қайтиб борур.
10. Энди кимнинг номаи аъмоли орқа томонидан
берилса,
11. Бас, у ўлимини чақириб қолур.
12. Ва дўзахга кирур.
13. Ҳа, у (бу дунёда) аҳли оиласида шоду хуррам
эди.
14. У ўзининг (Охиратга) ҳеч қачон
қайтмаслигига ишонарди.

15. Асло! Парвардигори уни шубҳасиз кўриб тургувчи эди.
16. Шафаққа қасамки,
17. Кеча ва у қамраб олган нарсаларга қасамки,
18. Ва тўлин ойга қасамки,
19. Албатта, сизлар босқичдан босқичга борасизлар.
20. Уларга нима бўлганки, иймон келтирмайдилар?!
21. Уларга Қуръон ўқилса, сажда қилмайдилар.
22. Балкикуфр келтирганлар ёлғонгачи қарурлар.
23. Аллоҳ эса улар ичларига солиб яшираётган нарсаларини жуда яхши билгувчидир!
24. Бас, сиз уларга аламли азоб ҳақида «хушхабар» беринг!
25. Иймон келтирганлар ва яхши амалларни қилганлар бундан мустасно. Уларга битмас-туганмас ажру савоблар бордир.

Буруж сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Буржларни ўз ичига олган осмонга қасам;
2. Ваъда қилинган кунга қасам;
3. Гувоҳ бўлувчи ва гувоҳ бўлинувчига қасам;
4. Чоҳ эгаларига лаънат бўлсин!
5. У ёқилғиси бор оловдир.
6. Ўзлари эса унинг атрофида ўтирибдилар.
7. Мўминларга нисбатан қилаётган ишларига ўзлари гувоҳдирлар.
8. Улар мўминлардан Азиз (Қудратли, Енгилмас) ва Ҳамид (Мақтовга лойиқ) Аллоҳга иймон келтирганлари учунгина ўч олдилар.
9. У шундай Зотки, осмонлару ернинг мулки Уникидир. Аллоҳ ҳар бир нарсага Гувоҳдир.
10. Албатта, мўмин ва мўминаларни фитнага солиб, кейин тавба қилмаганларга жаҳаннам азоби ва куйдирувчи азоб бордир.
11. Албатта, иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун остидан дарёлар оқиб турадиган жаннатлар бордир. Мана шу катта бахтдир.
12. Албатта, Парвардигорингизнинг ушлаши қаттиқдир.
13. Албатта, Унинг Ўзи бошлайди ва қайтаради.

14. У мағфиратқилувчи, яхшиликни раво кўрувчи Зотдир.
15. У Арш соҳибидир. Буюкдир.
16. Хоҳлаган ишини қилгувчидир.
17. Сизга қўшинларнинг хабари келдими?
18. Фиръавн ва Самуднинг.
19. Асло! Куфр келтирганлар ёлғонга чиқаришдадирлар.
20. Ҳолбуки, Аллоҳ уларнинг ортидан ихота қилиб турувчидир.
21. (Қуръон Карим) асло (шеър эмас)! У буюк Қуръондир.
22. (У) Лавҳул Маҳфуздадир.

Ториқ сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Осмонга қасам, тунги йўловчига қасам.
2. Тунги йўловчи нима эканини қаердан ҳам билар эдингиз.
3. У пориллаб турувчи юлдуздир.
4. Ҳар бир жоннинг устида ёд олгувчи бордир.
5. Энди инсон ўзининг нимадан яралганига бир боқсин!
6. У отилиб чиқувчи бир сувдан яралган-ку!
7. У орқа умуртқа ва кўкрак суяги орасидан чиқади.
8. Албатта, У Зот уни қайта тирилтиришга Қодирдир.
9. Сирлар фош бўладиган кунда.
10. Бас, унинг учун бирон куч ҳам, ёрдамчи ҳам бўлмас!
11. Қайта-қайта тушгувчи (ёмғир)нинг эгаси бўлмиш осмонга қасам;
12. Ёриб чиқувчининг эгаси бўлган ерга қасам.
13. Албатта, у ажратувчи сўздир.
14. У ҳазил эмасдир.
15. Албатта, улар ҳийла қиладилар.
16. Мен ҳам бир ҳийла қилурман.

17. Бас, кофирларга муҳлат беринг. Ҳа, уларга озгина муҳлат беринг.

Аъло сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Энг олий зот бўлмиш Парвардигорингизнинг номини покланг!
2. У яратган ва расо қилиб қўйган Зотдир.
3. У белгилаб, ҳидоят қилиб қўйган Зотдир.
4. У ўт-ўланни ундириб чиқариб,
5. Сўнг уни қорамтир хас-хашак қилиб қўйган Зотдир.
6. Биз сизни қироат қилдируرمىз. Бас, сиз унутмассиз.
7. Аллоҳ хоҳлагани бундан мустасно. Албатта, У Зот ошкора ишларни ҳам, хуфёналарини ҳам билур.
8. Биз сизни осонликка муваффақ қилурмиз.
9. Эслатиш фойда берса, эслатинг!
10. (Аллоҳдан)қўрқадиганкишиэслатмагақулок солади.
11. Бадбахт кимса эса ўзини ундан четга олур.
12. Катта оловга кирадиган (бадбахт).
13. Сўнгра у жойда на ўла олур ва на яшай олур!
14. Дарҳақиқат, пок бўлган киши нажот топгай.
15. Парвардигорининг номини ёд этиб намоз ўқиган (киши).
16. Йўқ! Сизлар шу дунё ҳаётини устун қўйяпсизлар!

17. Ҳолбуки, охират яхшироқ ва боқийроқдир.
18. Албатта, (Сизга эслатилган) бу (нарсалар) аввалги саҳифаларда бордир.
19. Иброҳим ва Мусо саҳифаларида.

Ғошия сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Сизга ўраб олгувчи ҳақида хабар келдимми?
2. У кунда эгилиб қолган юзлар бўлур.
3. Меҳнат-машаққатдан ҳорғин.
4. (Бу юзлар) қизиган дўзахга кирур!
5. Қайнаб турган булоқдан суғорилур!
6. Уларга тикандан бошқа таом бўлмас.
7. У семиртирмайди ҳам, очликдан халос ҳам қилмайди!
8. У кунда хурсанд чехралар ҳам бўлур.
9. Ўз ишидан рози.
10. Олий жаннатдадирлар.
11. У жойда бирон беҳуда сўз эшитмаслар.
12. У жойда оқар булоқ бордир.
13. У жойда баланд сўрилар.
14. Тайёрлаб қўйилган қадахлар бор.
15. Тизиб қўйилган ёстиқлар.
16. Ҳамма ёққа тўшалган гиламлар бордир.
17. Ахир улар туянинг қандай яратилганига боқмайдиларми?
18. Осмоннинг қандай кўтариб қўйилганига?
19. Тоғларнинг қандай ўрнатилганига?
20. Ернинг қандай ёйиб-текислаб қўйилганига?
21. Бас, эслатинг! Сиз эслатувчидирсиз, холос.

- 22.** Сиз уларнинг устида зўравонлик билан ҳукм юргизгувчи эмассиз.
- 23.** Юз ўгирган ва кофир бўлган кимса бундан мустасно.
- 24.** Уни Аллоҳ энг катта азоб билан азоблар!
- 25.** Албатта, уларнинг қайтиши Бизгадир.
- 26.** Сўнгра уларни ҳисоб-китоб қилиш ҳам ёлғиз Бизнинг зиммамиздадир!

 Фажр сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Тонгга қасам.
2. Ўн кечага қасам.
3. Жуфт ва тоққа қасам.
4. Ўтиб бораётган кечага қасам.
5. Мана шу (айтиб ўтилган нарса)ларда ақл эгалари(ни қониқтирадиган) қасам борми?!
6. Парвардигорингиз Одни қандай қилганини кўрмадингизми?
7. Баланд устунлари бор Иромни.
8. Юртларда уларнинг ўхшаши яратилмаган эди.
9. Водийда харсанг тошларни кесган Самудни.
10. Ва кўп аскарлари бор Фиръавнни.
11. Юртларда ҳадларидан ошган.
12. У жойларда фасодни кўпайтириб юборгандилар.
13. Бас, Парвардигорингиз уларнинг устига турли азоб-офатни ёғдирди!
14. Шак-шубҳасиз, Парвардигорингиз кузатиб тургувчидир.
15. Энди қачон инсонни Парвардигори синаш учун азиз-мукаррам қилиб қўйса ва унга неъмат ато этса, Парвардигорим

мени азиз қилди, дейди.

16. Қачон уни синаш учун ризқини танг қилиб қўйса, Парвардигорим мени хор қилди, дейди.
17. Асло! Сизлар етимни иззат-икром қилмайсизлар!
18. Бир-бирингизни мискинларга таом беришга ундамайсизлар.
19. Меросни эса шиддат ила еяверасизлар.
20. Мол-дунёни ўта яхши кўрасизлар.
21. Асло! Заминпарча-парча қилиб юборилганда;
22. Парвардигорингиз ва фаришталар саф-саф бўлиб келганда;
23. Ўша кунда жаҳаннам келтирилганда. Ўша кунда инсон эслайдир. Лекин бу эслашдан энди не фойда?
24. «Шу ҳаётим учун ҳам бирон нарсатакдим қилиб қўйганимда эди», деб қолади.
25. Ўша кунда Аллоҳнинг азобига ўхшаш азоб билан ҳеч ким азоблай олмайди.
26. У Зотнинг боғлаши каби ҳеч ким боғлай олмас!
27. Эй, хотиржам жон!
28. Парвардигорингга рози бўлган ва рози қилинган ҳолда қайт!
29. Бас, бандаларим қаторига киргин.
30. Ва жаннатимга киргин!

Балад сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Мана шу шаҳарга қасам.
2. Сиз яшаб турган мана шу шаҳарга.
3. Ота ва ундан тарқаган болаларга қасам.
4. Дарҳақиқат, Биз инсонни меҳнат-машаққатга яратдик.
5. У ўзига ҳеч кимнинг кучи етмайди, деб ўйлайдими?!
6. Жуда кўп мол-дунёни сарфлаб юбордим, дейди.
7. Уни ҳеч ким кўрмаган, деб ўйлайдими?
8. Биз унга икки кўзни.
9. Бир тил ва икки лабни бермадикми?
10. Ва уни икки йўлга йўллаб қўймадикми?
11. Бас, у довонни ошиб ўтмади.
12. Довон нималигини сиз қаёқдан билардингиз?
13. У бир қул озод қилишдир.
14. Ёки очарчилик кунида таом беришдир.
15. Бирон қариндош етимга.
16. Ё муҳтож бечора-мискинга.
17. Сўнгра, иймон келтирганлар ва бир-бирини сабрга, меҳр-шафқатга чақирганлар бўлса,
18. Ана ўшалар ўнг томон эгаларидир.

- 19.** Оятларимизга куфр келтирганлар чап томон эгаларидир.
- 20.** Уларнинг устида қопланиб қолгувчи олов бўлур!

 Шамс сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Қуёш ва унинг ёғдусига қасам.
2. Унинг ортидан келган ойга қасам.
3. Уни равшан қилиб кўрсатган кундузга қасам.
4. Уни ўраб-яширган кечага қасам.
5. Осмонга ва уни бино қилган Зотга қасам.
6. Ерга ва уни тўшаб қўйган Зотга қасам.
7. Жонга ва уни расо қилиб яратган Зотга қасам.
8. Кейин унга фисқ-фужурини ҳам, тақвосини ҳам илҳом қилиб қўйган Зотга қасам.
9. Дарҳақиқат, уни поклаган киши нажот топди.
10. Уни кўмиб хорлаган кимса эса ноумид бўлди.
11. Самуд ҳаддидан ошиб (пайғамбарлари Солиҳ алайҳиссаломни) ёлғонга чиқарди.
12. Эсланг, уларнинг энг бадбахти кўзғалганида,
13. Аллоҳнинг пайғамбари уларга деди:
«Аллоҳнинг туясидан ва уни суғоришдан тийилинглар!»
14. Бас, уни ёлғончи қилишиб, туяни сўйиб юбордилар. Шундан кейин Парвардигорлари гуноҳлари туфайли уларнинг устига қирғин юбориб, уни (барчаларига) баробар қилди.
15. У Зот ишнинг оқибатидан кўрқмас.

 Лайл сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Ўраб-яширган кечага қасам;
2. Ёришиб келган кундузга қасам;
3. Эркак ва аёлнинг яратилишига қасам.
4. Албатта, сизларнинг ҳаракатларингиз хилма-хилдир.
5. Энди ким саховат кўрсатса ва тақво қилса;
6. Ҳамда гўзал оқибатни тасдиқ этса;
7. Бас, Биз уни осон йўлга муяссар қилурмиз.
8. Энди ким бахиллик қилса ва ўзини беҳожат билса;
9. Ҳамда гўзал оқибатни ёлғон деса;
10. Бас, уни оғир йўлга «муяссар» қилурмиз!
11. У қулаган вақтида унга мол-мулки фойда бермас.
12. Албатта, ҳидоятга бошлаш Бизнинг зиммамиздадир.
13. Шак-шубҳасиз, охират ҳам, дунё ҳам ёлғиз Бизникидир.
14. Бас, Мен сизларни ловуллаган ўтдан огоҳлантирдим.
15. Унга бадбахтдан бошқаси кирмас.
16. Ёлғон деган ва юз ўгирган (бадбахт).
17. Тақводор банда эса ундан четлатилур.

18. Бойлигини сарфлаган ва ўзини поклаган (такводор).
19. Унинг бўйнида қайтарилиши керак бўлган бирон кишининг ҳақи йўқ эди.
20. У энг олий Парвардигорининг Юзини истабгина (саховат кўрсатганди).
21. У яқинда рози бўлади.

Зуҳо сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Чошгоҳга қасам.
2. Қоплаб-ўраб олган кечага қасам.
3. Парвардигорингиз сизни тарк ҳам этмади,
ёмон кўриб ҳам қолмади.
4. Албатта, охират сиз учун дунёдан
яхшироқдир.
5. Яқинда Парвардигорингиз сизга ато этгай ва
сиз рози бўлурсиз.
6. Сизни етим ҳолда топиб, бошпана
бермадими?
7. Сизни ҳайрон ҳолда топиб, ҳидоятга
бошламадими?
8. Сизни камбағал ҳолда топиб, бой қилмадими?
9. Бас, энди сиз ҳам етимга қаҳр қилманг!
10. Гадони ҳайдаманг!
11. Парвардигорингизнинг неъматини ҳақида
сўзланг!

 Шарҳ сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Бағрингизни кенг қилиб қўймадикми?
2. Сиздан юкингизни олмадикми?
3. Елкангизни босиб турган (юк)ни.
4. Зикрингизни юқори кўтармадикми?
5. Бас, албатта, бир қийинчилик билан бир осонлик бордир.
6. Албатта, бир қийинчилик билан бир осонлик бордир.
7. Фориғ бўлсангиз, (ибодатга) қаттиқ берилинг!
8. Ва ёлғиз Парвардигорингизга юзингизни буринг!

 Тин сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Анжирга қасам, зайтунга қасам;
2. Сийно тоғига қасам;
3. Мана шу тинч-осойишта шаҳарга қасам.
4. Дарҳақиқат, Биз инсонни энг гўзал шаклда яратдик.
5. Сўнгра уни асфала-софилинга қайтардик.
6. Иймон келтириб, солиҳ амалларни қилган зотлар бундан мустасно. Улар учун битмас-туганмас ажр бордир.
7. Бас, сени охиратни ёлғон дейишга нима мажбур қилур?!
8. Ахир Аллоҳ ҳукм қилгувчиларнинг энг адолатлиси эмасми?!

Алақ сураси**Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Яратган Парвардигорингиз номи билан ўқинг.
2. У инсонни лахта қондан яратган.
3. Ўқинг! Парвардигорингиз энг қарамли
Зотдир.
4. У қалам билан ўргатган.
5. Инсонга билмаган нарсаларини ўргатди.
6. Асло! Инсон ҳаддидан ошар.
7. Ўзини бой кўрган пайтида.
8. Албатта, қайтиб бориш
Парвардигорингизгадир.
9. Тўсаётган кимсани кўрдингизми?!
10. Бандани намоз ўқиётганида?!
11. Айтинг-чи, агар ўша (одам) ҳидоятда бўлса.
12. Ёки тақвога буюрса.
13. Айтинг-чи, агар у ёлғонга чиқарса ва юз
ўгирса.
14. Аллоҳ уни кўриб туришини билмасми?
15. Асло! Агар қайтмаса, пешонасидан шиддат-
ла тутамиз!
16. Ёлғончи, хатокор пешонасидан!
17. Бас, у ўзининг тўдасини чақираверсин!
18. Биз ҳам забонияларни (азоб фаришталарини)
чақируرمىз.

19. Асло! Сиз унга итоат этманг! Сажда қилинг ва яқин бўлинг.

 Қадар сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Албатта, Биз уни Қадр кечасида нозил қилдик.
2. Қадр кечаси нима эканини сиз қаердан билар эдингиз?
3. Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир.
4. Унда фаришталар ва Рух Парвардигорларининг изни ила барча ишлар билан тушадилар.
5. У то тонг отгунича тинчлик-омонликдир.

 Баййина сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Албатта, Биз уни Қадр кечасида нозил қилдик.
2. Қадр кечаси нима эканини сиз қаердан билар эдингиз?
3. Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир.
4. Унда фаришталар ва Рух Парвардигорларининг изни ила барча ишлар билан тушадилар.
5. У то тонг отгунича тинчлик-омонликдир.

 Залзала сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Ер ўзига хос тарзда тебранганида.
2. Ва ер ўз юкларини чиқарганида.
3. Ва инсон: «Унга нима бўлди?!» - деганида.
4. Ўша кунда у ўз хабарини айтар.
5. Парвардигорингиз унга ваҳий қилгани сабабли.
6. Ўша кунда одамлар амалларини кўриш учун жойларидан тўда-тўда бўлиб қўзғалурлар.
7. Бас, ким заррача яхшилик қилса, ўшани кўрур.
8. Ва ким заррача ёмонлик қилса, ўшани кўрур.

 Одиёт сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Ҳарсиллаб чопадиган отларга қасам.
2. Ўт чакнатиб чопадиган отларга қасам.
3. Тонг чоғида бостириб борадиган отларга қасам.
4. Ўша билан чанг-тўзон кўтариб,
5. Шу билан тўда ичига ёриб кирган.
6. Албатта, инсон ўз Парвардигорига ношукрдир.
7. Ва, албатта, у ана шунга ўзи гувоҳдир.
8. Албатта, у мол-дунёга жуда ўчдир.
9. У билмасмики, қабрдагилар қўзғатилганда.
10. Ва диллардаги сирлар ошкор қилинганида.
11. Ўша кунда Парвардигорлари улардан, албатта, Хабардордир.

 Қориа сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Қаттиқ қоққувчи!
2. Қаттиқ қоққувчи нимадир?
3. Қаттиқ қоққувчи нима эканини сиз қаердан билар эдингиз?!
4. У кунда одамлар тўзиб кетган парвоналарга ўхшаб қоладилар.
5. Тоғлар эса титилган жунга ўхшаб қоладилар.
6. Кимнинг тарозуси оғир келса.
7. Бас, у розилик ҳаётидадир.
8. Кимнинг тарозуси енгил келса.
9. Унинг жойи «жарлик»дир!
10. Унинг нима эканини сиз қаердан ҳам билар эдингиз?!
11. У қизиган ўтдир.

 Такосур сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Сизларни тўплаб-кўпайтириш банд айлади!
2. То қабрларни зиёрат қилгунигизча.
3. Асло! Сизлар яқинда биласизлар.
4. Яна асло! Сизлар яқинда биласизлар.
5. Асло! Агар сизларани қилмила билганигизда эди.
6. Сизлар, албатта, дўзахни кўрурсизлар!
7. Ва яна, албатта, уни аниқ-тиник кўрасизлар.
8. Сўнгра, ўша кунда, албатта, берилган неъматлардан сўраласизлар.

 Аср сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Асрга қасам.
2. Инсон зиён-заҳматдадир.
3. Иймон келтирган, яхши амалларни қилган ҳамда бир-бирларига ҳақни ва сабрни тавсия қилганларгина бундан мустаснодир.

Ҳумаза сураси

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман)

1. Ҳар бир обрӯ тўкувчи ва айбловчига ҳалокат бўлгай.
2. У мол тўплаб, ўшани санаш билан овора бўлиб юрган кимсадир.
3. У мол-дунёси уни мангу қилиб қўяди, деб ўйлайди.
4. Асло! Албатта, у чилпарчин қилгувчига ташланур.
5. Чилпарчин қилгувчи нима эканини сиз қаердан билар эдингиз?!
6. (У) Аллоҳнинг ёқиб қўйилган бир оловидирки,
7. Қалбларгача етиб боради.
8. Албатта, у уларнинг устига қоплангандир.
9. Узун-узун устунларга боғлангандир.

 Фил сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Парвардигорингиз фил эгаларини нима қилганини кўрмадингизми?
2. Уларнинг макруҳийласини барбод этмадими?
3. Уларнинг устига тўп-тўп қушларни юбормадими?
4. Уларнинг устига сополдан бўлган тошларни отадиган (қушларни юборди).
5. Шу билан уларни чайнаб ташланган сомондек қилиб юбормадиларми?!

 Қурайш сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Қурайшга осон қилиб қўйилгани учун;
2. Уларга қиш ва ёз сафари осон қилиб қўйилгани учун;
3. Мана шу Уйнинг Парвардигорига ибодат қилсинлар!
4. У зот уларни очликдан (қутқариб) таомлантирди ва хавфу хатардан омон қилди.

 Моъувн сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Охиратни ёлғонга чиқарадиган кимсани кўрдингизми?
2. У етимни қўполлик билан ҳайдаб солади.
3. Мискинга таом беришга тарғиб қилмайди.
4. Бас, ҳалокат бўлгай намозхонларгаки,
5. Намозларидан ғофилдирлар.
6. Риёкорлик қиладилар.
7. Рўзғор буюмларини ҳам (ҳеч кимга) бермайдилар.

 Кавсар сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Биз сизга Кавсарни ато этдик.
2. Бас, Парвардигорингиз учун намоз ўқинг ва қурбонлик қилинг!
3. Сизни ёмон кўргувчи кимсанинг думи қирқилгандир.

 Кофирун сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

- 1.** Айтинг: «Эй кофирлар!
- 2.** Мен сизлар ибодат қилаётган худоларга ибодат қилмасман.
- 3.** Ва сизлар ҳам мени ибодат қиладиган (Аллоҳ) га ибодат қилгувчи эмасдир сизлар.
- 4.** Мен сизлар ибодат қилган нарсага ибодат қилгувчи эмасман.
- 5.** Ва сизлар ҳам мени ибодат қиладиган (Аллоҳ) га ибодат қилгувчи эмасдир сизлар.
- 6.** Сизга ўз динингиз, менга ўз диним».

 Наср сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Аллоҳнинг ёрдами ва ғалаба келганда;
2. Ва одамларнинг Аллоҳнинг динига тўп-тўп бўлиб кираётганини кўрганингизда;
3. Дарҳол Парвардигорингизга ҳамд айтинг, тасбеҳ айтинг, истиғфор айтинг! У тавбаларни қабул қилгувчи бўлган Зотдир.

 Масад сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Абу Лаҳабнинг қўллари қуригай! Қуриди ҳам.
2. Унга моли ва касб қилиб топганлари асқотмади.
3. Яқинда у қизиб турган ўтга кирадир.
4. Ва унинг ўтин орқалаган хотини ҳам.
5. Унинг бўйнида эшилган арқон.

Ихлос сураси

Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман)

1. Айтинг: «У Аллоҳ бирдир.
2. Аллоҳ Сомад (Беҳожат)дир.
3. У туғмаган ва туғилмаган.
4. Ва ҳеч ким У зотга тенг эмас».

 Фалақ сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Айтинг: «Тонг Парвардигоридан паноҳ сўрайман.
2. Ўзи яратган нарсаларнинг ёмонлигидан
3. Зулматга чўмган кечанинг ёмонлигидан.
4. Ва тугунларга дам солувчиларнинг ёмонлигидан.
5. Ва ҳасадқилган ҳасадгўйнинг ёмонлигидан».

 Ан- Нос сураси **Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ
номи билан (бошлайман)**

1. Айтинг: «Паноҳ сўрайман барча инсонларнинг Парвардигоридан;
2. Барча инсонларнинг Подшоҳидан;
3. Барча инсонларнинг Илоҳидан;
4. Яшириниб олган васвасачининг ёмонлигидан.
5. (Шайтонки,) инсонларнинг дилларига васваса солади.
6. Жин ва одамлардан бўлган».

